

ОДИЛ Ў ЎКУБОВ

Улуғбек хазинаси

Сайланма

УЧ ЖИЛДЛИК

Иккинчи жилд

Роман

Қисса

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1986

Уз2
Е 93

Екубов, Одил.

Сайланма: 3 жилдлик. 2 Ж. Улуғбек хазинаси: Роман. Қисса.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.— 528 б.

Мазкур жилддан адибнинг машхур «Улуғбек хазинаси» романи, шунингдек «Қанот жуфт булади» қиссаси урин олган.

Якубов, Адыл. Избранные произведения в 3-х т. Т.2. Сокровища Улуғбека: Роман. Повесть.

Уз2

Я 4702570200—033 9—86
М 352(04)—86

**УЛУҒБЕК
ХАЗИНАСИ**

Р о м а н

БИРИНЧИ ҚИСМ

1

Вақт тун ярмидан ошган. Расадхона теран сукутда.

Одатдагидай, кечаси самовий ҳолатларни кузатиб ўтирган мавлоно Алоуддин Али ибн Муҳаммад Қушчи бир пайт вужудида хиёл нохушлик сезиб, ўрнидан турди. Лекин қўлидаги олатларни¹ жойига қўйиб улгурмаган ҳам эдики, қаердадир юқорида, биринчи ошёнада, оёқ товушлари эшитилди. Бу товушлар расадхона толиби илмларининг шарпасиз одимларига ўхшамас, сипоҳларнинг бетакаллуф қадамларини эслатарди. Мавлоно сергакланиб юқори ошёнанинг дарчадан кичик ўймакор эшигига тикилди, нимқоронғи расадхонада йўгон ва ўктам овоз янгради:

—Мавлоно Али ибн Муҳаммад Қушчи ҳазратлари! Шаҳриёри фалак-иқтидор² Мирзо Улугбек Кўрагоний ҳазратлари амр этмишларким, Кўксаройда дарҳол ҳозир у нозир бўлғайсиз!

Али Қушчи кафтини қошлари устига тутиб, навкарларни яхшироқ кўришга уринди, лекин навкарлар машъалларини бошлари узра баланд ушлаб туришар, серсоқол юзлари чала-чулпа кўринарди.

—Бир дақиқа фурсат бергайсиз. Олатларни йиғиштирай, —деди Али Қушчи.

Гира-шира расадхонада яна бояги таҳдидли овоз янгради:

—Фурсат зиқ, мавлоно. Отлар шай!

Навкарлар нағал қоқилган оғир этиклари билан мраммар зиналарни гурс-гурс босиб, орқага чекинишди. Қўлларидаги машъалларнинг шуъласи деворларнинг тилла суви юритилган нақшларини бир ялаб сўнди, расадхона яна қоронғилашди. Фақат шифтдаги туйнукда оппоқ йирик

¹

² Олат—асбоб.

Шаҳриёри фалак-иқтидор — қудратли шоҳ маъносида.

юлдузлар ғалати чарақлаб турарди. Бу туйнуқ шундай ясалган эдики, пастда ўрнатилган судси фахри¹ сатҳида самода сайр этаётган юлдузлар ҳолати кузатилиб борилар эди.

Али Қушчи калтагина чўққи соқолини тутамлаб, бир зум туйнуқка тикилиб қолди.

Ўтган куни тонг пайти устод Мирзо Улуғбек расадхонага ташриф буюрган эди. Йўлбарс териси ёпилган ўз курсисида ўтириб, тимқора осмонга разм солиб узоқ хаёл сурди.

Али Қушчи билар, бу йил соҳибқирон Амир Темур туғилган йилдагидай фалак қозиси Муштарий билан Зуҳро юлдузлари бир-бирига яқин келиши кутилар эди. Кўнгли нотинч давлатпаноҳ эса бунга аллақандай умид боғлар, ниманидир кутар эди.

Мана, бир-икки йил бўлди, олис Ҳиротдан Хоқони Саид аталмиш Шоҳруҳ Мирзо вафоти тўғрисида машъум хабар келганидан буён Мовароуннаҳр ва Хуросон осмонидан қора булутлар аримай қолди. Тахт ва салтанат ишқида ёнган Темурий шаҳзодалар қилич ва тиг чархлашдан қўллари бўшамади. Ниҳоят, Улуғбек қиличи ўткир чиқиб, мағрибдан машриққача қанот ёзган ҳудудсиз салтанат хиёл осойиш топган эди, тожу тахт валиаҳди шаҳзода Абдуллатиф ўз падари бузрукворига қарши шамшир кўтариб чиқди. Ражаб ойининг бошларида аълоҳазратлари лашкар тортиб Жайҳун томон отланишга мажбур бўлди. Аммо давлатпаноҳ Жайҳун бўйларида лашкар тортиб турганида дорулмулкда содир бўлган фитналар уни Самарқандга қайтишга мажбур этди. Мана энди уч-тўрт кундирким, шаҳарда ваҳимали мишмишлар: гўё шаҳзода лашкарлари Жайҳундан ўтиб Кешга² яқинлашиб қолганмиш...

Тўғри, ўтган куни саҳарда расадхонага кириб келган устод бу тўғрида сўз очмади. Қўлида устурлоб, самони кузатиб узоқ ўтирди, сўнг, мрамар зинанинг тик пилла-пояларидан ҳорғин одимлаб, учинчи ошёнадаги кутубхонага ўтди. Чехраси сўлғин, хаёли паришон нақшинкор жавонларга терилган китобларни, салкам қирқ йил салтанат тебратиб йиққан нодир қўлёмаларини бир-бир кўздан кечирди, ёдига устод Қозизода Румий тушди,

¹
2 Судси фахри — секстант.

Кеш — Шаҳрисабз.

чамаси, унинг "Ръезиёт"¹ини варақлаб узоқ турди, кейин бўйинини ҳам қилганича лем-мим демай бир-бир босиб чиқиб кетди. У ҳатто Али Қушчи билан хайрлашмади ҳам. Аълоҳазратларини ҳовлига кузатиб чиққан Али Қушчига устод гўё расадхона билан видолашгани келгандай туюлиб, юраги зирқираб кетди. Икки кунгача устоднинг маҳзун нигоҳи кўз олдидан кетмай изтироб чекди, бир неча бор Кўксаройга боришга чоғланди, лекин журъат етолмади. Мана энди устод ўзлари уни Кўксаройга чорлабдилар.

Али Қушчи қора духоба тақясининг устидан мударра дасторини² ўради, эгнига енгсиз кимхоб нимчасини, унинг устидан оқ чакмонини кийди-да, тик зиналардан юриб юқорига чиқа бошлади...

2

Само артилган чиннидай тиниқ, юлдузлар чарақлаб турар, лекин шаъбони ойи ўз кучига кирган, тоғдан эсаётган изғирин остида дарахтлар дарёдай шовиллар, кекса тут ва садалар нола чекаётгандай чийиллар, ғийтиллар эди.

Али Қушчи ҳовлига чиқиши билан ўнг қўлдаги бинодан кимдир "лип" этиб чиқиб, йўлини тўсди.

—Тўхтанг, устод! Бу навкарларнинг муроди не? Қайга олиб кетадур сизни?

Али Қушчи суюкли шогирди Мирам Чалабийни таниб, уни елкасидан қучди.

—Қўрқма, иним, аълоҳазратлари чақирибдурлар. Тезда қайтамен.

Али Қушчи, расадхонанинг калитини Мирам Чалабийга топшириб, ҳовлидан чиқди. Навкарлардан бири қоронғида бетоқат депсиниб турган арғумоқни рўпара қилиб, қўлтиғидан олди. Лекин Али Қушчи узангини топиб, типирчилаган отга ўзи сапчиб минди-да; жиловини қўлига олди: у "қушчи"³ номини бекорга олмаган, аълоҳазратлари билан овга чиққан пайтларида, не-не асов тулпорларни жиловлаб, бир лаҳзада ўзига ўргатиб оларди!..

Тун сукутини от туёқларининг дупури бузди. Навкар-

1

Математика.

2

Мударра дастори — мударрислик салласи.

3

Қушчи—бу ерда моҳир овчи маъносида.

лардан бири олдинда, иккинчиси ёнма-ён от чоптириб борарди. Отлиқлар Сиёбдан ўтиб, дўнгга чиққанларида "Шоҳизинда" қабристонининг қўрғони ва қўрғон ортида қатор мақбараларнинг юксак гумбазлари кўринди. Тун ойсиз бўлса ҳам, юлдузлар акс этган фируза гумбазлари аллақандай кўкиш жило таратиб, ғалати ялтиллаб турарди. Қаердандир олисдан, Қусам ибн Аббос дахмаси томондан тиловат қилаётган қорининг мунгли овози келарди. Ҳазин куйга ўхшаган бу товуш гўё бошқа оламдан келаётган чексиз нолага ўхшар, кекса садалар ортидаги улкан қабристонга, қоронғида ҳайбатли кўринган қуббадор дахмаларга аллақандай илоҳий руҳ бахш этар, борлиқ сирли ва мудҳиш туюларди.

Отлиқлар қабристондан ўтиб, масжиди жомега яқинлашганларида ҳар жой-ҳар жойда гулхан ёқиб, давра қуриб ўтирган посбонлар учради. Улар от туёқларининг дупурини эшитиб, ўринларидан сакраб туришар, лекин олдинда бораётган ясовулнинг амри билан йўлни очиб, отлиқларни ўтказиб юборишарди.

Регистон олдидаги кенг майдон лашкарга тўлиб кетган, сарбозлар даҳа-даҳа¹ бўлишиб гулхан ёқиб ўтиришарди. Мирзо Улуғбек мадрасаси рўпарасидаги хонақоҳлардан зикр тушаётган қаландарларнинг овозлари барала эшитилиб турарди:

Ё олло, дўст, ё олло!
Ҳақ дўст, ё олло!

Шаҳар узра қанот ёзган хавф-хатар сабабми, қаландарларнинг жазави билан ҳу-ҳулаб зикр тушишлари ваҳимали туюлар, гўё улар оллога ҳамду сано ўқимоқда эмас, билъақс, кимгадир таҳдид қилмоқда эдилар.

Тор, тимли расталардан кейин чуқур хандақ билан ўралган Кўксаройнинг кунгурадор деворлари қоронғида чўнг қоядай ҳайбатли туюлади. Қалъа деворлари ортидаги сарой гумбазлари эски дахмалардай вазмин қорайиб турар, қалъа ҳам улкан гўристонни эслатар, гўристондай сирли ва осуда эди. Саройда милт этган чироқ кўринмас, бу ерда ҳатто посбонлар ҳам гулхан ёқишмаган, ҳаммаёқ зимистон эди. Фақат Гўри Амирга қараган майдонга чиққанларидагина йўллари фонуш ушлаган посбонлар тўсишди. Қоронғида уларнинг қалқонлари ялтираб, туғли

¹ Даҳа-даҳа—ўн киши-ўн киши.

найзалари кўзга чалинди. Посбонлардан ўтиб, икки ёнидаги буржларига тўп ўрнатилган баланд дарвозахона олдига борганларида уларнинг йўлини яна қилич яланғочлаган сипоҳлар тўсишди. Биринчи ясовул карнай қилиб ўраб олган ёрлигини кўрсатиб дарвозахонага кирди. Сал ўтмай қулф ва занжирларнинг оғир шарақлаши эшитилиб, Гўри Амирга қараган икки тавақали қуйма дарвозанинг ён эшиги секин гичирлаб очилди. Ичкаридан фонус ушлаган таниш салоҳдор¹ чиқди.

Эгардан сакраб тушган Али Қушчи биринчи сипоҳга отининг жиловини тутқазиб, дарвозахонага кирди.

Салоҳдор фонусини баланд кўтарганча рўпарадаги эшикни очиб унга йўл берди.

Баланд кунгурадор девор билан ўралиб, юқсак буржларга тўп ўрнатилган ўрдадай ҳовлининг ҳар жой-ҳар жойида тош фонуслар милтираб турарди. Ҳовлининг сўл томонида пасқамроқ бинолар саф тортган бўлиб, бу—девонхона эди. Девонхонанинг ортида баланд девор билан тўсилган ҳарам бинолари оқариб кўринар, ўнг томонда икки ва уч ошёнали кошоналарнинг тиллакори гумбазлари ял-ял ёнарди. Ҳовли ҳам гўристондай осуда, фақат ер тагидан аллақандай гурс-гурс овозлар қулоққа чалинар, афтидан, сарой остидаги ертўлаларда аслаҳасозлар ишламоқда эди.

Салоҳдор, атрофи арча билан ўралган, ўртасига кумуш фаввора ўрнатилган мрамар сарҳовузнинг ёнидан ўтиб, баланд пештоқли кошонага яқинлашди. Рахларига тилла тасма қоқилган ўймакор эшикнинг икки ёнида турган ясовулларнинг бири чапдастлик билан эшикни очиб, уларга йўл берди.

Улар ғира-шира тор йўлакдан ўтиб, тилла шамдонларга терилган шамлардан чароғон хонага киришди. Тагига қирмизи туркман гиламлари тўшалган, деворлари фирузаранг сопол парчинлар билан қопланган бу хонанинг тўрида юқори ошёнага чиқадиغان мрамар зина кўринарди.

Уларни эшикда кутиб олган тунд юзли таниш саройбон Али Қушчини юқорига бошлади.

Иккинчи ошёнадаги катта танобий хона ҳам бўм-бўш эди. Саройбон Али Қушчига шу ерда кутиб туришни имо билан билдириб, рўпарадаги эшикдан аълоҳазратларининг саломхонасига кириб кетди. Эшик очилганда бир зум устоднинг асабийлашган бўғиқ товуши эшитилиб, эшик ёпилиши билан яна тинди.

1

Салоҳдор—дарвозабон.

Али Қушчи хонада ёлғиз қолиши билан кўнгли ғалати бўлиб кетди: ерга шерозий гиламлар тўшалган, шифтидаги олтин қандилда беҳисоб шамлар ёнган бу кенг, чароғон хонанинг ҳамма деворлари устоднинг овдаги ўлжаларию ов анжомлари билан безатилган эди. Ана, қаршидаги қуббадор дарчанинг тепасига лаъл ва инжу қадалган, қулоч етмас архар шохи осилган. Бу архарни узоқ йили кузда Ҳисор тоғларига овга чиққанларида устод ўзи отиб олган, шунинг учун ҳам ҳамиша бўлакча бир фахр билан тилга олардилар. Архар шохининг ёнида, камон ўқлари терилган қизил чарм садоқнинг устига йўлбарс териси осилган. Бу йўлбарс Жайхун бўйларидан, устод Хуросон юришидан қайтиб келаётганида отиб олинган эди.

Олис ва сермашаққат юришдан толиққан давлатпаноҳ Самарқандга чопар юбориб, Али Қушчини Жайхун бўйларига чақиртириб олган эди. Али Қушчининг пойқадами қутлуғ бўлган, чунки ов пайтида туя бўйи келадиган қамишзордан ногаҳон шу йўлбарс чиқиб қолиб, устодга ҳамла қилган, шунда камонини шай қилиб ёнма-ён бораётган Али Қушчи чапдастлик билан ўқ узган, унинг ўқи ўкириб осмонга сапчиган йиртқичнинг кўзига тегиб, аълоҳазратлари эсон қолган эди. Шу-шу, устод уни кўрганда "халоскорим", деб ҳазиллашарди...

Али Қушчи бу серҳашам ва сержило хонани томоша қиларкан, хаёлига бир фикр келиб, маънос кулимсираб қўйди. Бир маҳаллар Мирзо Улуғбекнинг фармони билан бу қасри олийга илк бор қадам қўйганида вужудини шундай зўр бир ҳаяжон чулғаб олган эдики, бояги мрамор ҳовузларнинг ёнидан ўтаётганда оёқлари қалтираб кетган эди. Бу кўркам, муаззам саройни соҳибқирон аталмиш Амир Темур Кўрагоний барпо қилдирганини, деворларига тилладан жило берилган бу шинам хоналарда оламни титратган фотиҳи музаффар истиқомат қилганини, шу ерда ўтириб, буткул рўйи заминни фатҳ этмоқ тўғрисида пинҳоний режалар тузганини ўйлаганда вужудини аллақандай муқаддас бир титроқ қамраб олган эди. Ҳайҳот!.. Мана ҳозир яна ўша қасри олийда, улуғ жаҳонгирнинг дорулмулкда² ўтирибди, лекин қалбида на бир кўрқув бор, на бир ҳаяжон! Фақат дилида теран бир маҳзунлик бор. Йўқ, бу маҳзунлик сабийлик чоғларида қалбини ҳайратга солган бу муаззам қасрлар емирилаётганидан

¹ Садоқ—ўқдон.

² Дорулмулк—бу ерда турар жой маъносида.

эмас, йўқ, суюкли устодига куюнганидан, унинг азиз бошини қора булутлар ўраб олганига ачинганидан, ҳолос! Нечун, нечун шундай бўлди? Нечун фалакиёт илмини идрок эта олган, ўткир тафаккури билан коинот сирларини очиб, янги юлдузлар кашф этган алломалар сарбони¹ тахт ва салтанатнинг бевафолигини идрок этолмади? Нечун ҳамма даври даврон, ҳамма давлат ва ҳамма шоҳ ва фотиҳларнинг тарихини беш қўлидай биладиган бу зукко донишманд тож ва ҳокимият ҳеч бир кимсага вафо қилмаганини тушунмади ёхуд тушунса-да, уни тарк этишга иродаси етмади? Нечун ҳокимият деб аталмиш бу сохта шон-шавкатдан воз кечиб, бутун тафаккури, ўткир мушоҳадаси, бутун салоҳиятини илм-фанга, инсонни улуғловчи зиё—маърифатга бахш этмади? Нечун?..

Эшик очилиб, Али Қушчининг хаёли бўлинди. Ичкаридан шайхулислом Бурҳониддиннинг таниш ингичка овози чийиллаб эшитилди:

—Ас салотин зиллаллоҳу фил-арз! Онҳазратлари шаръий султонимиздур. Бас! Султонимизнинг фармони олийлари барчага амри вожибдур!

Унинг овозини босиб ғала-ғовур кўтарилган эди, устоднинг хиёл бўғиқ, ўктам овози янгради:

—Бас! Фармони ҳумоюн амри вожибдур! Амир Султоншоҳ барлос! Сиз отлиқ ҳировул² билан дарҳол йўлга чиққайсиз!.. Амир Султон Жондор тархон! Сиз баронғор³ суворийлар билан ҳировул қўшинларнинг ортидан юргайсиз. Насиб бўлса доворнда учрашурмиз. Маслаҳатлар учун ташаккур. Машварат⁴ тамом!

Эшикда шаҳар доруғаси Мироншоҳ, унинг кетидан қилич ва ханжар таққан амирлар, қизил кимхоб тўн кийган девонбеги билан сарой маҳрамлари кўринди. Ҳамманинг қовоғи солиқ, чеҳралари тунд эди. Заррин тўн кийиб, камарига олтин бандли шамшир таққан доруға Мироншоҳ Али Қушчига ер остидан бир қараб қўйди-да, рапидадай кенг юзини тескари буриб, мармар пиллапояларни дукурлатиб, пастга тушиб кетди. Сохт-сумбати келишган, қоп-қора соқоли ўзига жуда ярашган амир Султон Жондор тархон кумуш камарига осилган эгри қиличини этигига шарақ-шуруқ уриб, Мироншоҳнинг ке-

1

Алломалар сарбони—олимлар карвонбошиси.

2

Ҳировул—олд қисм қўшинлар.

3

Баронғор—ўнг қанот қўшинлар.

4

Машварат—ҳарбий кенгаш.

тидан шошилди. Эгниларига қизил, кўк, яшил мовут ва кимхоб тўн кийиб, қора қундуз телпак ва бўрқларини бошларига бостириб олган бошқа амирлар ҳам нағал қоқилган этиклари билан мрамар зиналарни тақ-тақ босиб, пастга тушиб кетишди. Уларнинг биронтаси ҳам Али Қушчи билан саломлашмади, ёлғиз шайхулислом Бурқониддин бир зум тўхтаб, тасбеҳ ушлаган ингичка, оппоқ бармоқларини кўришгали чўзди.

Шайхулислом пастга тушиб кетгач, хона чуқур сукутга чўмди, ҳатто саломхонадан ҳам чурқ этган товуш эшитилмас, давлатпаноҳдан дарак йўқ эди. Ё бошига тушган ташвиш билан бўлиб, шогирдини чақиргани ёдидан кўтарилдимикин?.. Худди шу пайт, саломхона эшиги оҳиста очилиб, устод кўринди. Эгнида, одатда саройда кийиб юрадиган зарбоф тўн ўрнига кўк-яшил мовут чакмон, бошида расадхонада ва мадрасада киядиган учлик қора духоба қалпоқ, оёғида ичига олмахон мўйнаси қопланган қўнжи кенг иссиқ этик, устод остонада тўхтаб, шогирдига аллақандай синовчан тикилди.

Унинг сал тўлиша бошлаган новча бўй-бастиди, мисдай қорамтир узунчоқ юзида, қалин қошлари тагидан тикилиб қараган ўйчан нигоҳида ҳам теурийларга хос кишини ўзига ром этувчи шиддат, ҳам қандайдир пинҳоний мажруҳлик бор эди.

Али Қушчи унга яқинлашиб тавозе билан салом берди, лекин Мирзо Улуғбек ўнг қўлини вазмин кўтариб уни тўхтатди-да, пастдан чиқиб келган саройбонга юзланди:

—Баковуллар истироҳатда эмасму?

—Сиз ҳазратимнинг хизматига мунтазирдурлар.

—Таом ва шароб!—деди Мирзо Улуғбек саройбоннинг гапини бўлиб, сўнг, Али Қушчини елкасидан қучиб, тўрдаги нақшинкор курсиларга бошлади.—Юр, ўғлим, маслаҳат бор...

Мирзо Улуғбек бошқа пайтларда ҳам шогирдини "ўғлим" деб атарди. Лекин бугун устоднинг овозида, шогирдини қучиб сўзлашида бўлакча бир меҳр, самимият, айна замонда қандайдир теран ғам-андух сезилиб турарди.

Устод, кўзлари ярим юмуқ, бошини эгиб, хаёлга толиб ўтирарди. Унинг чўзинчоқ қорамағиз юзи сўлгин, кенг пешонаси ва қийғир бурнининг икки ёнидаги ажинлари қуюқлашган, зотан, бутун вужудида, катта ялпоқ кафтларини тиззасига ҳорғингина ташлаб ўтиришида чуқур изтироб, изҳор этиш қийин бўлган теран бир мунг бор эди.

Али Қушчи юраги зирқираб, тасалли беришга оғиз жуфтлаган ҳам эди, Мирзо Улуғбек, худди ўз-ўзига гапираётгандай қилиб:

—Бу тун... Бу тун тушимда... Устодни кўрдим... — деди-ю, яна хаёлга чўмди.

Али Қушчи галати бўлиб кетди. Унинг кўз олдига илиқ баҳор куни келди. Мадрасаи Улуғбек ҳовлисининг мрамар саҳнига, чин барг ёзган навқирон чинор атрофига офтобда гул-гул ёнган қизил палослар ёзилган. Энг яхши сарполарини кийиб, ясаниб олган ёш муллаваччалар ҳаяжонда: бу кун улар давр Афлотуни ҳисобланмиш мавлоно Салоҳиддин Мусо ибн Маҳмуд Қозизода Румий билан учрашиб, ундан сабоқ эшитмоқ бахтига мушарраф бўладилар!..

Али Қушчи мавлоно Румий тўғрисида кўп ғаройиб ривоятлар эшитгани учунми ё бу табаррук зот яратган ва риёзиёт илмининг мураккаб масалаларига бағишланган рисоаларини мутолаа қилиб, ҳайратланиб юргани учунми, ҳикмат эгасини қандайдир басалобат ва калондимоғ бир одам деб тасаввур қилган эди. Аслида эса соч-соқоли оппоқ, нимжонгина бир чолни кўрди.

Кекса донишманднинг соч-соқолигина эмас, қош-киприклари, бошидаги кулоҳга ўхшаган учлик тақяси, эғнидаги чакмони—ҳаммаси қордай оппоқ эди!

Уша илиқ баҳор куни мавлоно Қозизода Румий унинг пешанасидан ўпган, Мирзо Улуғбек эса Кўксаройга ташриф буюришини лутфан илтимос қилган эди... Мана, бу воқеаларнинг бўлганига қанча йиллар ўтди, қанча сувлар оқиб кетди, аммо-лекин Али Қушчи кўзини бир зум юмса ҳамон кекса алломанинг нуроний чеҳрасини кўради, пешанасида унинг лабларини, юзида майин соқолини ҳис этади...

Мирзо Улуғбек бош чайқаб, мийиғида кулимсираб қўйди.

—Тушимда... жаннатмакон устод каминани қаттиқ койидилар. Бу бевафо салтанатни деб илм-фандан юз ўгирдинг, дедилар. Тахт соҳиби бўламен деб, шундай етук салоҳиятингни жувонмарг қилдинг, дедилар...

Али Қушчи ўрнида бир тебраниб, "Ё раббий!"—деб юборди.

Мирзо Улуғбек ялт этиб қаради, чуқур ботган ўйчан кўзларида савол аломати жилва қилди.

—Валинеъмат устод афв этсинлар,—деди Али Қушчи ўнғайсизланиб,—ва лекин мен ҳам бир-икки сония муқаддам худди шу фикрни кўнглимдан кечирган эдим...

Мирзо Улуғбек ёқут кўзли олтин узук тақилган ўрта бармоғи билан нақшинкор хонтахтани чертганча яна сукутга толди. Унинг ўсиқ қошлари бир-бирига туташиб, ўртасида чуқур чизиқ пайдо бўлди. Али Қушчи унга тасалли бериш ўрнига аламли қалбини баттар тиглаганини сезиб, ўнғайсизланиб томоқ қирди.

—Мавлоно Али!—деди Мирзо Улуғбек кўзларини бир нуқтадан узмай.—Бандаи ожиз Мовароуннаҳрга салкам қирқ йил раҳнамолик қилдим. Наҳот бу борада қилган меҳнатим зое кетди, деб ўйлайсен? Наҳот илм йўлида, Мовароуннаҳр осойишталиги йўлида нафим тегмади деган фикрдасен?

Устоднинг ғам-андуҳга тўла овози фавқулодда титраб кетди-ю, Али Қушчи густоҳлик қилганини сезиб, лабини тишлади. Устоднинг бошида қора булутлар қуюқлашган бир пайтда бу нозик гапни қўзғаб, унинг дилини оғритмоқ инсофданми? Али Қушчи ўз хатосини тузатишга шошилди:

—Маъзур кўргайсиз, устод. Бу борада сиз ҳазратимнинг қилган хизматлари шундай улуғдирким, бунга шакшубқа йўқдир...

Мирзо Улуғбек тоқатсизлик билан бош чайқади.

—Камина барига тушунамен, Али! Аммо ҳодисалар силсиласи¹ шундайким, буни илм аҳли идрок этишдан ожиздир. Фозиллар ақли шоҳлар ақлидан ожиз бўлганидан эмас, йўқ! Бильакс, ҳақ таоло сизларга шундай поклик ато этганки, шоҳлар ҳаётининг мислсиз разолатини идрок этишдан ожиздурсиз!

Мирзо Улуғбек бўғилиб кетаётгандай томоғини силаб уҳ торғди-да, гўё шогирди билан баҳслашаётгандай қўл силтаб:

—Йўқ!—деб хитоб қилди. —Мен салтанатдан айрилишдан қўрқмаймен. Фақат бу элга қирқ йил раҳнамолик қилиб орттирган бойлигим—мадрасаю расадхонам, нодир хазинам—тўплаган кутубхонам ва ниҳоят яратган асарларим—барчаси поймол бўлишидан қўрқамен. Ҳа, фақат шундан қўрқамен. Тагин бир нарсдан—келгуси авлодлар бандаи ожиздан ҳазар қилмасму, деб қўрқамен. Мирзо Улуғбекдай коинот сирларини очмоқни тилаган, фозилликни даъво этган мавлоно, ҳайҳот, охир-оқибат барча шоҳ, барча тахт соҳибларидай салтанатни деб, ўз пуштикамаридан бўлган фарзанди билан тожу тахт талашибдур-да, деган ном қолдирмоқдан қўрқамен, мавлоно Али!

¹

Ҳодисалар силсиласи—ҳодисалар йўналиши маъносида.

Али Қушчи юраги тикан санчилгандай безиллаб:

—Келгуси авлод тарихга қараб ҳукм юритадур, устод! — деди. —Тарихни эса илм аҳли битадур. Илм аҳли сизнинг маърифат йўлида қилган хизматларингизни эсларидан чиқармас. Бунга шубҳа қилмагайсиз, устод!..

Мирзо Улуғбек бошини оҳиста тебратиб, дардли жилмайиб қўйди.

—Ташаккур, Али...

Шу пайт гурс-гурс оёқ товушлари эшитилиб, олдин саройбон, унинг орқасидан овларда кабобпазлик қиладиган бақалоқ баковул кўринди. Баковулнинг қўлидаги кумуш баркашда бода солинган нафис мунаққаш кўзача билан нозик хитой пиёлачалари терилган эди. Бақалоқ баковулнинг кетидан жазиллаб турган кабоб билан алақандай хушбўй ҳид таратган таомлар тўла баркашларни кўтариб ёрдамчилари кириб келишди. Баковуллар қўлларидаги баркашларини хонтахтага қўйиб чиқиб кетгунларича Мирзо Улуғбек бир нуқтага тикилиб сукутга чўмиб ўтирди, кейин саройбонга юзланиб:

—Мавлоно Муҳиддинга чопар кетдиму?—деб сўради.

—Чопарлар қайтиб келди, валинеъмат!

—Хўш?

—Мавлоно Муҳиддин оғир хаста эмиш, давлатпаноҳ!

—Ҳм...—Мирзо Улуғбек унга "хўп, кетавер! деб имо қилди-да, қовоғини солганича тилла ҳошияли нозик пиёлачаларга шароб қуяркан:

—Хаста эмиш,—деб қўйди. —Сенинг бундан хабаринг борми, Али?

—Йўқ, устод...

—Нечун?

Али Қушчи ўнғайсизланиб, жойида бир қўзғалиб қўйди.

—Эҳтимол эшитгандурсиз, устод. Шу йил кўклам мавлононинг ожизасини... Қаландар Қарноқий деган ёш мударрисга тилаб, совчиликка борган эдим. Мавлоно, алхусус унинг отаси Хожа Салоҳиддин заргар қаттиқ ранжитиб қайтарди... Қолганини билурсиз, устод.

Мирзо Улуғбек биллур пиёлалардаги тилларанг шаробга тикилганича сукут сақлар эди. У чиндан ҳам "қолганини билар" эди. Али Қушчи айтган совчиликдан сал кейин мавлоно Муҳиддин қизини амир Иброҳимбек тархоннинг кенжа ўғлига никоҳлаб берган, бу дабдабали тўйда Мирзо Улуғбек ҳам иштирок этган эди. Лекин кўп ўтмай, Мирзо Улуғбек ўғли Абдуллатифга қарши лашкар

тортиб, Жайхун бўйларига кетганида Самарқандда қолган шаҳзода Абдульазиз амир Иброҳимбек ўглини қатл қилдириб, унинг ёш қайлиғини ўз ҳарамига олган, шаҳзода-нинг бу машъум иши амирлар орасида қаттиқ норозилик уйғотган эди...

Мирзо Улуғбекнинг кўз олдида бундан бир-икки ҳафта муқаддам ҳарамда кўрган ёш нозанин келди. Нозанин ҳарир пуштиранг парда орқасида бош эгиб турган бўлса ҳам, Мирзо Улуғбек унинг бўлакча ҳуснидан, қайрилма қошларининг нафислиги, қирра бурнининг четидаги катта қора холи, ёзилиб кетиб, оқ шоҳи кўйлагининг этагига тушган майин сочларининг хаёлий гўзаллигидан лол қолган эди.

—Қизим,—деди Мирзо Улуғбек, унинг маъсум ва аллақандай маъюс чехрасидан кўзини ололмай,—бўлар иш бўлибди. Энди саройда қоласенму ё кетмоқни тилайсенму, ихтиёр ўзингда...

Нозанин лабларини билинар-билимас қимирлатиб:

—Ижозат берсангиз, кетамен, ҳазратим,—деди-ю, юзини қўллари орасига яшириб, пиқ-пиқ йиғлаб юборди.

Гўё фил суюгидан ясалгандай бу оппоқ қўллар, тирноқларига хина қўйилган бу нозик бармоқлар Мирзо Улуғбекка мавлоно Муҳиддиннинг бир гапини эслатди:

—Ожизам хаттотликда тенгсиздур, онҳазратим. Тиласангиз, рисолангизни кўчириб берадур.

Мирзо Улуғбек ўшанда бу гапга ишонқирамас ҳам, тарихий рисоаларидан бирини берди. Бир ойдан кейин эса ипак қоғозга кўчирилган ўз рисоласини кўриб, ҳайратда қолди: рисола чиндан ҳам бўлакча бир ҳуснихат ва нафосат билан кўчирилган эди.

Мирзо Улуғбек унсиз титраб йиғлаётган нозаниннинг яланғоч қўлларини кўрганда англади: бонунинг ҳуснихати хина қўйилган бармоқларидай нозик ва гўзал эди.

Мирзо Улуғбек санамга рухсат берди-ю, ўзи дарҳол шаҳзодага одам юборди. Лекин... не чора? Ғишт қолипидан кўчган эди!..

...Мирзо Улуғбек оғир туш кўриб уйғонган одамдай кўзларини артиб, Али Қушчига қаради.

—Ҳақ таоло шоҳид, бу машъум фожида бегуноҳмен, мавлоно. Аммо ўз бармоғингни ўзинг чополмас экансен, не қилай, ўз пуштикамаримдан бўлган фарзандим...

—Биламен, устод.

—Қаландар Қарноқийга не бўлди? Мадрасани тарк этиб, дарвешликни ихтиёр этган эмиш... Бу сўз ҳақиқатму?

—Ҳақиқат, устод. Кўп салоҳиятли йигит эди. Надоматлар бўлгайким, ўшал тўйдан кейин устига жанда, бошига кулоҳ кийиб, мадрасани тарк этди. Алҳол кўча-кўйда гадолик қилиб юрган эмиш.

Мирзо Улуғбек лабини тишлаб яна жим қолди. Мунаққаш пиёлалардаги тилларанг шароб қуйилганича турар, кумуш баркашдаги кабоб совиб қолган, бунинг ҳаммаси устоднинг эсидан чиққан, устод хаёлотнинг тубсиз уммонига чўмган эди. Ниҳоят у чуқур тин олиб:

—О, осий бандалар, бандалар!—деб қўйди. Сўнг: —Толиби илмлар орасида ишончли йигитлар топилурми?—деб сўради.

—Топилур, устод...

—Топилса... муддаога ўтайлик, мавлоно,—Мирзо Улуғбек кафтини Али Қушчининг тиззасига қўйиб, кўзларига тикилди.—Эҳтимол эшитгандурсен, Мовароуннаҳр осмонини қора булутлар қопламоқда. Шаҳзода Абдуллатиф Жайхундан ўтиб, Кешга яқинлашиб келмоқда. Буқун доруссалтана Самарқанд ҳам хавф остида турибди... Эшитгандурсен?

—Эшитганмен, устод. Аммо... наҳот сулҳ-салоҳнинг чораси топилмас? Агарчи сиз шаҳзоданинг гуноҳидин ўтсангиз...

Мирзо Улуғбек тоқатсизланиб:

—Ҳайҳот!—деб хитоб қилди.—Агарчи масала шаҳзоданинг гуноҳларини кечирмоқда бўлса, юрт осойишталиғи йўлида мен сулҳдан бош тортмас эдим. Аммо... сен шаҳзодани билмайсен, Али. Билмайсен!—Мирзо Улуғбек ўрнидан туриб кетиб, хонани бир айланиб чиқди.—Мақсад не эди?—деди у тўхтаб.—Ҳа! Сени бу даргоҳга чақирмоқдан муддао шуким, қирқ йил салтанат тебратиб, ортгирган бойлигим, расадхона ва кутубхонам, битилган ва ҳали ниҳоясига етмаган рисолаю китобларим—барчаси сенинг қўлингдатур. Алқисса, бу хазинани жоҳил гумроҳлардан, маҳдуд мутаассиблардан асраб қолмоқ... ёлғиз сенинг ихтиёрингдатур. Аммо... —Мирзо Улуғбек қўлларини кўксига қовуштириб, шогирдига синовчан тикилди.—Аммо эсингда бўлсин: кўп хатарли юмуш бу!

—Биламен, устод.

—Билсанг ҳам ўйлаб кўр, Али.

Али Қушчи қизаринқираб кулимсиради.

—Наҳот фақирдан шубҳа қилурсиз, устод?

—Йўқ! Агар шубҳа қилсам бу сирни очмас эдим, Али. Аммо... сенинг умрингга завол бўлмоқчи эмасмен. Зеро,

уламо аталмиш ақли қосир¹ жоҳиллар илм аҳлига тишларини қайраб юрганидин хабаринг бордур...

—Бор,— Али Қушчининг эсига яқинда "Мозори калон"да рўй берган мудҳиш бир ҳодиса тушди.

Улуғбек мадрасасининг йигирма чоғлик талабалари оғир хасталикдан кейин вафот этган бир муллаваччани дафн этгани "Мозори калон"га борган эдилар. Улар тобутни кўтариб қабристон қўрғонига яқинлашиб қолганларида, дарвозадан бир гуруҳ мурид ва дарвешлар қуршовида жаноб Низомиддин Хомуш чиқиб келди-ю, кўлидаги нақшинкор асосини ҳавода силкитиб:

—Даф бўл!—деб бақирди. —Бул диёнатсиз хоки даргоҳи мукаррамни макруҳ қилур! Макруҳ!..

Али Қушчи билар: "Мозори калон" масжидининг мутаваллиси бўлмиш бу калондимоғ осий банда кўпдан бери шайхулисломликни даъво қилиб келарди. Аммо ниятига етолмай қовурилиб юрган бу жаҳолат бандиси сўнгги илинжларда фитначи амирлар тўдасига қўшилиб, устодга қарши зимдан иш олиб борарди.

—Хўш, нечук ўйланиб қолдинг, Али?

—Эсимга анов мутаассиб мутавалли жаноб Хомуш тушди...

—Ҳа, бул ҳазрат кўпдан бери мен билан зимдан олишиб келур. Гўё мен илм аҳлини улуғлаб, уламоларни камситар эрмишмен. Ўзинг билурсен, Али, мен ҳеч қачон бул юмушни қилгон эрмасмен. Дин пешволарини ҳамиша бошимга кўтарганмен. Бул жоҳил ҳазрат эрса... унинг олишмоғига сабаб шайхулислом бўлмоқ. Тамом, вассалом.

Али Қушчи негадир бир сапчиб тушди. Мирзо Улуғбек унинг тепасида ҳамон қўл қовуштириб турар, ҳорғин кўзлари қисилган эди. Али Қушчи юрагини музлатган совуқ ваҳимани ҳайдаб:

—Устоднинг фармони шогирд учун амри вожибдур,— деди.

—Пухта ўйладингму? Кейин пушаймон чекмайсанму?

—Устод!..

—Балли!—Мирзо Улуғбекнинг кўзларидаги синовчан ифода илиқ меҳр билан алмашди.

—Қани, ортимдан юр, сенга айтадургон яна бир сўзим бор!—Мирзо Улуғбек рўпарадаги саломхона эшигини очиб, ичкарига кирди.

1

Ақли қосир—калтафаҳм.

Тўрига қўйма тилладан ясалган ўймакор курси ўрнатилган саломхона нимқоронғи эди. Шифтдаги олтин қандилда нечундир бир нечтагина шам ёнар, бу шамлар шуъласида ложувард кошнлар билан қопланган деворлар, қуббасимон шифтдаги нозик безаклар қандайдир ҳазин товланиб, хонага аллақандай сирли бир руҳ бахш этган эди. Али Қушчининг эсига беихтиёр соҳибқирон аталмиш Амир Темур тушди. Бу сирли нимқоронғи хонада, тўрдаги қўйма тилладан ясалган нақшинкор тахтда бир маҳаллар соҳибқирон ўтиргани кўз олдига келиб, вужуди жимирлаб кетди. Гўё хонада унинг нотинч руҳи ҳоким, бу руҳ гўё унинг суюкли даргоҳига Али Қушчидай фақир бир алломанинг кириб келишидан норизо эди.

Мирзо Улуғбек пойгакка чўккалаб оҳиста, аммо кишининг дилини равшан қилувчи ҳазин товушда узоқ тиловат қилди, кейин ҳорғин тебраниб ўрнидан турди-да, деворга тутилган сурмаранг ипак пардани юлқиб очди. Парда очилганда бир киши зўрға сиғадиган, рахларига мис тасма қоқилган кичикроқ эшик кўринди.

Мирзо Улуғбек белидаги сербар камарига осилган калитни олиб эшикнинг қулфини жаранглатиб очди. Сўнг, қуббасимон тоқчадан битта шам олиб, Али Қушчига узатди, иккинчи шамни ўзи олиб ёқди-да, кифти билан эшикни итарди.

Пўлат қопланган залворли эшик аста ғичирлаб очилди-ю, қоронғи бўшлиқ кўринди.

Мирзо Улуғбек ярим букилиб эшикдан қоронғиликка нўнғиди. Унинг орқасидан кирган Али Қушчи зим-зиё қудуқни кўрди. Димоғига моғор ҳиди гуп этиб урди. Мирзо Улуғбек, бир қўлида шам, бир қўли билан қудуқнинг сирпанчиқ деворини пайпаслаганича тик пиллапоярлардан пастга тушмоқда эди. Ниҳоят, у "қудуқнинг тагига" етди чамаси, яна бир эшикни очиб, ертўлага ўхшаган хонага шўнғиди.

Бу—деворлари қора мрамар билан қопланган, шифти паст, торгина чорси хона бўлиб, ичи муздай совуқ эди. Хонанинг тўрт бурчида тўртта пўлат сандиқ турар, сандиқлар оғир занжирлар билан темир қозикларга боғланган эди.

Совуқ гўрға ўхшаган бу тош сағанада ҳам ўша сирли руҳ ҳоким, гўё сандиқлар ортида, шамларнинг заиф шуъласи ёритолмаган зимистон бурчакларда кимдир бор, кимдир қаҳрли сукут билан уларни кузатиб турарди...

Мирзо Улуғбек кўзларини юмиб ва бошини эгиб бир лаҳза турди, тиловат қилди чамаси, лаблари пичирлаб, юзига фотиҳа тортиди, сўнг, рўпарадаги катта пўлат сандиқнинг қулфига калит соларкан, Али Қушчига қараб, "ёрдам бер", деган маънода имо қилди.

Сандиқнинг қопқоғи шундай оғир эдики, икки киши-лашиб аранг кўтаришди. Қопқоқ жаранглаб очилиши билан ғира-шира хона гўё чарақлаб кетди.

Катта сандиқ ял-ял ёнган олмос, лаъл, ёқут, инжу, забаржад ва яна қандайдир нафис товланган қимматбаҳо тошлар билан лиммо-лим эди.

Мирзо Улуғбек тошлардан бир ҳовучини олиб ҳайрат билан тикилди.

Тошлар кўк, қизғиш, яшил ва фирузаранг нур таратар, бу нурлар бир-бирига қўшилиб, камалакдай ажиб бир манзара касб этарди.

—Бағдод ва Қоҳира хазиначиларидан келтирилган,—деди Мирзо Улуғбек ўйчанлик билан.—Бобом Амир Темур султон Боязидни тору мор этганда олиб қайтган ўлжалари. Лекин ҳазар қилмағил. Аслини суриштирсанг, фуқаронинг мулкидур бу. Ундан бир халта олғил.

Али Қушчи ҳайрат билан устодига қаради.

—Буларни не қиламен, валломат?..

—Сенга бойлик керак эмас. Буни биламен. Аммо бу дуру жавоҳирларни боя мен айтган яхши тилак йўлида ишлатурсен!

Мирзо Улуғбек шундай деб, сандиқдаги тошларни бир четга сурди. Ярим қоронғи хона яна ҳам ёришиб кетди: тошларнинг тагида қуйма олтинлар ялтिलाди. Юм-юма-лоқ қолишларга қуйилган олтинлар худди тўнтарилган пиёдалардай сандиқ тагига қатор терилган эди.

Мирзо Улуғбек тиллалардан биттасини олиб, қўлида салмоқлаб кўрди.

—Нақ уч қадоқ келур,—деди.—Булар жаннатмакон бобомнинг менга қолдирган улушидур. Мен ўз улушимни жаҳонгирлик эмас, салтанатни обод қилмоқ, мадрасалар қуриб, илм-фан ривожига сарф этмак ниятида эдим. Энди ҳам шу ният йўлига сарф бўлғай...

Мирзо Улуғбек сандиқ остидан қалин қизил чарм халтача олиб, пиёладай-пиёладай қуйма олтиндан ўнта-сини санаб олди, кейин кафтларини тўлдириб, беш-олти ҳовуч жавоҳирлардан солди-да, Али Қушчига юзланди:

—Ол!

Али Қушчи чарм халтани сандиқдан олиб ерга қўйди: халта зилдай оғир эди.

Мирзо Улуғбек хаёлга толиб соқолини тутамлади.

—Филҳақиқат, сен бу тиллаларни ишлатмоқ йўлини билмассен,—деди у, анча сукутдан кейин.—Лекин буларни тангага алмаштирмоқ лозим бўлса, Хожа Салоҳиддин заргарга мурожаат қилғил. Зотан, заргар билан унинг ўгли мавлоно Муҳиддинга ҳам саломим, ҳам узр-маъзу-римни етказгил. Токи бу мушкул ишда суянган бир тоғим сен бўлсанг, бир тоғим мавлоно Муҳиддиндур... Шаҳзо-данинг гуноҳини кечиргай. Саломимни етказгил, Али.

—Бош устига, устод...

Мирзо Улуғбек сандиқнинг қопқоғини ёпаркан:

—Қолгани шаҳзода Абдулбазизнинг улуши бўлур,—де-ди ва гўё бу гапи учун Али Қушчидан узр сўрагандай қўшимча қилди:

—Биласен: шаҳзода—ногирон, қалби мажруҳ...

Устод Жайҳун бўйларида қўшин тортиб турган маҳалда Самарқандда қолган шаҳзода Абдулбазизнинг муно-фиқликлари эсига тушган Али Қушчи:

"О, устод, устод!—деди ичида.—Нечун бу фарзандин-гизга қаттиқ меҳр қўйдингиз? Сизнинг бошингизга тушган барча надоматларга шу фарзанди аржумандингиз¹ сабаб эмасми? Сиз унинг жисмини ногирон, қалбини мажруҳ дейсиз, у бўлса... ўрнингизга Самарқандда қолганида саркардаларингизни тазйиқ остига олди, амир Иброҳимбек ўғлини қатл қилдириб, барча лашкарбошиларингизни сиз-га қарши қўйди..."

Мирзо Улуғбек, гўё Али Қушчининг фикрларига ту-шунгандай, оҳиста хўрсиниб қўйди:

—Мен ўзимдан қўрқмаймен, Али. Ҳақ таоло инъом этган умрни яхшидур, ёмондур, ўткардим. Бу норасо дунё лаззати шунчалик бўлур. Аммо... пуштикамаримдан бўлган бу фарзандимнинг тақдири не бўлади? Оға-ини бир-бирини не қилади? Буни ўйласам юрагим эзилади, зеро унинг жисми ногирон, қалби мажруҳ, Али!

Али Қушчи, гўё устодига густоҳлик қилгандай туюлиб, унинг ғамгин чеҳрасидан кўзини олиб қочди.

—Бас! Тангри таоло ўзи мушкулумизни осон қилгай!—Мирзо Улуғбек сандиқнинг қулфини илди-да, шамни қўлига олиб, олдинга ўтди. Саломхонага чиққач, эшик-

1

Фарзанди аржуманд—суюкли фарзанд.

ларни очиб, бошқа хоналарга қаради, ҳеч ким йўқлигига ишонгач, Али Қушчига юзланди.

—Кўксаройдан бу жавоҳиротни олиб чиққанингни ҳеч бир кимса билмаслиги даркор,—деди у.—Белбоғ билан белинга икки қатор қилиб тугиб ол!

Али Қушчи бош ирғаб устодига тикилди.

—Каминадин тагин не тилайсиз, устод?

Мирзо Улуғбекнинг кўзлари қисилиб, чеҳрасида ўйчанлик аралаш шиддатли бир ифода пайдо бўлди.

—Бор тилагимни боя айтдим, мен ўзимнинг чин бойлигим деб, тожу тахтни эмас, илм-маърифат йўлида қилган хизматларимни, битгач асарларим, тўплаган илм хазинасини билурмен. Бу бебаҳо хазинанинг тақдири сенинг қўлингдатур, Али. Бу ҳазина буткул Мовароуннаҳр, эҳтимолки буткул башариятнинг бойлигидур. Мабодо ҳақ таоло банди оживни салтанатдан мосуво қилиб, элда хурофотки авжга минса... бу хазинани бўлғуси авлодлар учун асраб қолмоқ сенинг гарданингдатур. Эҳтимолким, уни тоғларга олиб чиқиб аниқ бир жойга яшиурсен. Эҳтиёт шарт, шу бугундан уста топиб, ўн-ўн беш пўлат сандиқ ясатиб қўймоқ мақбул бўлур.

—Англадим, устод...

Мирзо Улуғбек қўлларини шогирдининг елкасига қўйди.

—Ҳақ таолога шукурким, ўз пуштикамаримдан бўлган фарзандларимдан ёлчитмаса-да, сендай шогирд ато қилди... —Мирзо Улуғбек қалтираган қўллари билан Али Қушчини қучоқлаб, пешанасидан ўпди.

Али Қушчи нечундир яна ўша илиқ баҳор кунини эслади, кўз олдига нимжонгина оппоқ чол—жаннатмакон устоз Қозизода Румий келди. Чол ҳам худди Мирзо Улуғбекка ўхшаб пешанасидан ўпгани, юзига теккан оппоқ майин соқоли ёдига тушиб, кўнгли эриб кетди.

—Биллоҳ, фақир ҳам оллога шукур қиламенким, сиздай меҳрибон устод ато қилди!—Али Қушчи беихтиёр кўзига ёш олди. —Тақдир бошқа йўлни ихтиёр этганда ким бўлур эдим?

Мирзо Улуғбек йирик тилла узук тақилган шаҳодат бармоғи билан кўз ёшларини артиб, тўсатдан шикаста овозда:

—Мен сендан абадул-абад розимен,—деди.—Агарчи дийдор кўришмоқ nasib этмас, рози бўлғайсен, ўғлим.

У бу кун иккинчи бор Али Қушчини "ўғлим" деди.

—Фақир ҳам розимен, устод, тоабад розимен...

Устод билан шогирд, кўз ёшидан тиллари лол, қаттиқ кучоқлашганларича жимгина қотиб қолдилар.

4

Мирзо Улуғбек Али Қушчини пастки ошёнагача кузатиб қўйиб, овчилик ўлжалари билан безатилган хонага қайтиб кирди. Бу муаззам саройдаги сон-саноксиз хоналар орасида Мирзо Улуғбек шу кенг осуда хонани кўпроқ хушлар эди. Саломхонада ўтириб чарчаганида, салтанат ишлари кўнглига текканида аксарият шу хонада ўтириб ҳордиқ чиқарар, мутолаа ва мушоҳада лаззатини сураб эди.

Хонанинг тўридаги хонтахтада кумуш баркашларга солинган кабоб ва патирлар, нозик муваққаш пиёлаларга қўйилган бода қандай бўлса, шундай турарди.

Мирзо Улуғбек курсига ўтириб, бир ҳўплам шароб истагида пиёлани қўлига олди, лекин шу пайт мрамр зиналарда гурс-гурс оёқ товушларини эшитиб, пиёлани жойига қўйди. Хонага тунд юзлик саройбон кириб, бош эгди.

—Бобо Ҳусайн Баҳодир...

—Қани? Айт, кирсин!..

Мирзо Улуғбек сўзини тугатмаган ҳам эдики, остонада кеча Кешга чопар қилиб юборилган суюкли навқари Бобо Ҳусайн Баҳодир кўринди.

Новча, хушқомат, хушсурат Ҳусайн Баҳодир қўл қовуштирганича пойгакка тизза букди. Бошидаги учлик дубулғаси остидан оққан шиғ-шиғ тер томчилари юзини юйиб, қоп-қора соқол-мўйловларига томчилар, мис совут тагига яширинган кенг кўкраклари темирчининг босқонидай кўтарилиб-тушиб турарди. Мирзо Улуғбек ранги ўчиб ўрнидан турди.

—Нечук гунгдай қотиб қолдинг? Сўзла!

—Аълоҳазратлари афв этсинлар. Сиз шаҳриёри фалак-иқтидорни хушнуд қиладурғон хабар келтирмадим...

—Сўзла!—бақириб юборди Мирзо Улуғбек.

—Кеш қўлдан кетгани аниқдур, валинсьмат! Қалъа доругаси Амир Камолиддин Кеш калитини шаҳзодага қаршиликсиз қўшқўллаб топширибдур!

—Амир Арслон қайдадур!

—Амир Арслон ўз лашқари билан доводда турибдур...

Мирзо Улуғбек қўлларини орқасига қилганича хонани бир айланиб чиқди. Унинг кўзлари қисилиб, бурун ка-

таклари пирпирай бошлаган, жағ пайлари туртиб чиққан қорамтир юзида, бутун важоҳатида шафқатсиз бир ифода пайдо бўлган эди. Сукут чўзилиб кетгач, саройбон Ҳусайн Баҳодирни секин туртди. Ҳусайн Баҳодир томоқ қириб:

—Сиз ҳазратимнинг фармонларига тайёрмен,—деди.

Мирзо Улуғбек бошини кўтариб, уйқусизликдан қизарган кўзлари билан навқарига қаради, лекин навқарини кўрмади, хаёли бошқа ёқларда кезиб юрарди.

—Не дединг? Ҳа! Субҳидам лашкар тортиб йўлга чиқамиз. От-анжомлар шай бўлсин!

—Фармони ҳумоюн амри вожибдур, онҳазратим. Ва лекин бир арзим бор...

—Сўзла.

—Арзим шуки, черик¹ йиғсак.

—Черик?

—Фуқаро сизга содиқдур, валинеъмат! Ижозат этсангиз беш-ўн минг черик йиғар эдик.

Мирзо Улуғбек соқолини тутамлаб узоқ ўтирди, кейин оҳиста бош чайқаб:

—Йўқ,—деди. —Лашкар бас келмаган жойда черик не қилади? Бор, дамингни ол, Бобо Ҳусайн...

Саройбон билан Бобо Ҳусайн Баҳодир орқалари билан юриб чиқиб кетишди. Мирзо Улуғбек шароб тўла пиёлани қўлига олиб, бир кўтаришда сипқариб ташлади...

Ҳайҳот, унинг сўнгги умиди ҳам чил-чил синди. У шаҳзода Абдуллатифнинг катта қўшин билан Жайхундан ўтиб, Кешга яқинлашаётганини билса-да, бу мустаҳкам қалъа унга жанг-жадалсиз таслим бўлишини кутмаган эди. У Амир Камолиддинга ишонар, унинг қалъа калитини шаҳзодага қаршиликсиз топширишини сира кутмаган, чунки уни ўзининг энг содиқ амирларидан бири деб ўйларди!.. Бас, Амир Камолидинки сотқинлик қилган экан, эндиликда кимга инонмоқ, кимга суянмоқ даркор? Эсига беихтиёр бобосининг бир гапи тушди.

Амир Темур Ҳиротда, "Боғи жаҳонда" Шоҳруҳ Мирзо билан суҳбатлашиб ўтириб, ўғлининг қайси бир амирнинг содиқлиги тўғрисида айтган гапига заҳарханда билан кулган эди:

"Бу амирларга инонма, ўғлим! Уларни содиқ бўлсин десанг, қиличнинг илгинга² маҳкам ушла!"

¹

Черик—кўнгиллилар маъносида.

²

Илик—қўл.

Дарҳақиқат, мана, салкам қирқ йил Мовароуннаҳрга салтанатли шоҳ бўлди. Муруватли фуқаропарвар подшоҳ бўлишга уринди, бутун иқтидори ва салоҳиятини шу давлат, шу эл осойишталигига сарф қилди, аммо букун боши надоматда қолганда... дардини айтадиган на бир ҳабиби, на бир табиби бор!.. Тақдирнинг қандай ўйини эканким, унинг боши маломатдан чиқмай қолди. Ё... ал қасосил миналҳақ! Бобоси Амир Темурнинг қонли қилмишлари учун тақдир ундан ўч олмоқдаму? Ё шафқатсиз Хуросон юришида унинг ихтиёрига қарши тўкилган қон учун ҳақ таоло уни ўз меҳри шафоатидан мосуво қилдиму?

Буни ўйлаши билан отаси Шоҳруҳ Мирзо вафотидан кейин Ҳиротга борганида рўй берган бир воқеа эсига тушиб, вужуд-вужудигача жимирлаб кетди.

Жума куни эди. Мирзо Улуғбек Ҳиротга кириши муносабати билан барча дин пешволари, аркони ҳарб ва аркони давлатлар масжиди жомега йиғилган эди. Мирзо Улуғбек Ҳиротнинг аён ва боёнлари қуршовида Мадрасаи Шоҳруҳиядан чиқиб, қиблагоҳи қурдирган қаландарлар хонақосидан ўтаётганида соч-соқоли ўсиб кетган, мажнун-сифат бир дарвеш пайдо бўлди-ю, худди зикр тушаётгандай ғалати ҳаракатлар қилиб, бежо кўзларини ўйнатиб, унинг йўлини тўсди.

Олдинда бораётган суворийлар дарвешнинг устига от солдириб, уни йўлдан ҳайдашга уринишди. Лекин Мирзо Улуғбек имо билан уларни четлатиб, дарвешнинг арзини эшитишга мойиллик билдирди. Шунда телба дарвеш жулдур жандасига осилган қўнғироқчаларини жаранглатиб, ғалати қийшанглаганича Мирзо Улуғбекнинг олдига келди. У оғзи кўпириб, зикр орасида алланималарни гапирар эди. Дарвеш ғудурлаб гапиргани учунми, Мирзо Улуғбек унинг сўзларига аранг тушунди.

Телба девона унинг саркардалари Ҳирот теварагидаги қишлоқларнигина эмас, ҳатто йўқсиллар ва гадолар хонақоҳларини ҳам талон-торөж қилганидан сўзлар, бу иш учун оллонинг қаҳрига дучор бўлишини башорат қиларди... Мирзо Улуғбек ўзини эшитиб-эшитмаганликка олиб, жадаллаб ўтиб кетди. Лекин ўшандан бери телба дарвешнинг мудҳиш башорати эсидан чиқмайди. Мана ҳозир ҳам ўша манзара ёдига тушиб, этлари жимирлаб кетди...

Ҳа! Бу машъум Хуросон юриши унинг бошига кўп савдолар солди. Бошда уни бу юришга даъват этган амирлар эса зафариятсиз урушдан кейин ундан юз ўгириб,

зимдан чоҳ қазииш пайига тушдилар. Лекин не чора? Отаси Шоҳруҳ Мирзо вафотидан сўнг—покиза руҳи равзаи ризвонда масрур бўлғай!—волидаи меҳрибони Гавҳаршод бегимнинг кирдикорлари туфайли Ҳирот саройида низо-нифоқ авж олиб, беқиёс салтанат хавф остида қолди!

Мирзо Улуғбек кўзини юмиб, бошини секин чайқади. У волидаи меҳрибонига нисбатан кўнглида илиқ бир туйғу уйғотишга ҳаракат қилди. Лекин кўз олдига узун бўйли, кўк ипакдан кенг кўйлак кийиб, бошига кўк рўмо ўраган, қўлидан тасбеҳи тушмайдиган калондимоғ бир хотин келди. У қош-кўзлари қоп-қора, қийғир бурун, хушсурат хотин бўлса ҳам, фаришгаси йўқ, чеҳраси совуқ аёл эди. Бобоси Амир Темур Кўрагоний шаҳодат шаробини ичгандан бери Гавҳаршод бегим бу кийимни, кўк ипак кўйлаги билан кўк рўмолини ташламас, гўё соҳибқирон учун то ўлгунча мотам тутган, шу билан бу дунё ишларидан қўл ювиб, у дунё ғамига ўтган эди. Ҳайҳот! Амир Темур олло раҳматига йўл тутиб, Хуросон тахтига Шоҳруҳ Мирзо ўтирибди ҳамки, Гавҳаршод бегим тожу тахтни ўз қўлига олди. Саройни жоҳил гумроҳлар ила Хоқони Саидни кўролмайдиган бадхоҳларга тўлдириб юборди. Ҳирот фисқи фужур уясига айланди. Шоҳруҳ Мирзони чалғитиб, сайидларни қатл қилдирган, шаҳзодалар орасига низо туширган, суюкли набираси Алоуддавла билан Абдуллатифни бир-бирига қайраб солиб қатлу қирғин чиқарган ҳам, эвоҳ, шу волидаи меҳрибони Гавҳаршод бегим бўлди!.. Бу фитнаю хунхорликлардан иш чиқмагач, ўз ўғли Мирзо Улуғбекка "шоҳи шарир"¹ деган ном тақиб, шаҳзода Абдуллатифни қайраб солди. Шаҳзода эса... Нақшбандийлар жамоасининг раҳнамоси жаноб Низомиддин Хомуш янглиғ дин пешволарининг домига илиниб қолди. О, хурофот ботқоғига ботиб қолган бу жоҳил уламолар! Илгари, Мирзо Улуғбек тахтда муқим ўтирган маҳалда улар тишларини тишларига қўйиб бўлса ҳам чидаб юришган эди. Лекин Мирзо Улуғбек Хуросон юришидан мағлуб қайтди ҳамки, дарҳол бош кўтариб чиқишди. Мирзо Улуғбек инонган лашкарбошилар эса... Юксак рутба, шон-шавкат ва зеб-зийнатга ўч бу амиру умаро эса... фақат тахт соҳиби кучда турган маҳалдаёқ қўл қовуштириб туради. Салтанат сал тебранса, дарҳол

¹ *Шоҳи шарир*—бузуқ шоҳ.

юз ўгиради. Кимнингки қиличи ўткир—улар шунга хизмат қилади!

Ҳа, Хуросон юришидан кўп бойлик, юксак рутба ва шон-шавкат кутган саркардаларнинг ҳамма умидлари пучга чиқди. Не чора, бу оғир юриш зафар келтирмади. Кейинчалик, Мирзо Улуғбек ўз ўғли Абдуллатифга қарши қўшин тортиб, Жайҳун бўйларига отланганида эса, Самарқандда қолган шаҳзода Абдулъазиз кўп номақбул ишлар қилиб, бир қанча нуфузли амирларни унга қарши қўйди, урушдан чарчаган фуқаро ҳам ундан совуди. Оқибат, мана, қирқ йиллик меҳнати хавф остида турибди!..

Мирзо Улуғбек бу ўйлардан боши ғовлаб, пешанасини ишқалади, яна бир пиёла шароб ичди, лекин уни ўз қаърига тортган тугёнли ўйлар гирдобидан чиқолмади.

У шоғирди Али Қушчининг минг чандон ҳақ эканини дил-дилидан ҳис этар, айни замонда унинг бояги гаплари қайта-қайта эсига тушиб, юрагини ўртар эди. Ахир наҳот унинг шунча хизматлари, илми маърифат йўлида чеккан заҳматлари, сарф этган бойликлари, фуқаро учун қурдирган ҳаммому қаздирган ариқлари, наҳот бунинг ҳаммаси инobatга ўтмаса? Наҳот бўлғуси насллар уни бошқа шоҳ ва бошқа фотиҳлардан фарқ этмаса? Али Қушчи ўйлайдики, Мирзо Улуғбек салтанат талашмасдан тожу тахтни шаҳзодаларга бериб, илму идрок йўлига ўтса бас, шаҳзодалар уни ўз ҳолига қўядилар, суюкли ишинг билан шуғуллан деб, расадхона ва мадрасаларнинг дарвозаларини очиб берадилар. Ҳайҳот! Агарчи фоний олам юмушлари Али Қушчи ўйлагандай осон бўлганида Мирзо Улуғбек бу бевафо ҳокимиятни аллақачонлар тарк этиб, ўзини суюкли ишига бағишламас эрдими? Бошидаги тож, тагидаги тахт илми фунун учун даркор эканини тушунмаганида, бу совуқ кошонани, гуноҳи азимга ботиб қолган бу ҳарам, шон-шуҳрат ва мансаб ишқида ҳеч бир разолатдан тоймаган бу амирлар, сарқору саройбонлар, хурофот ва таассуб ботқоғига ботган дин пешволаридан юз ўгириб, суюкли талабалари орасига, маърифат даргоҳига кетмас эрдими? Лекин не чора? Бу манҳус тожу тахт, бу салтанат, инсонлар устидан ҳокимлик қилмоқ истаги шундай ширин эканки, унинг нияти поклигига ким инонади? Ким унинг самимийлигига, ўз ихтиёри билан салтанатдан қўл ювганига инониб, тинч қўяди? Агар унга инонсалар, инониб илму идрок билан бамайлихотир шуғулланишга қўйиб берсалар, у ҳозир ҳам вафосиз ҳокимият, бу тожу тахтдан бажону дил воз кечар эрди...

Тожу тахтдан воз кечар-ку, ammo шу дамларда қўшни гўшада кўзи гўрт бўлиб уни кутаётган юлдузи, қариганда топган бебаҳо гавҳари—Биби Юлдузнинг қисмати не бўлади?

Мирзо Улуғбек буни ўйлаши билан вужуд-вужудигача зирқираб кетди-ю, танчадаги шамдондан махсус ясалган улкан шамни олиб, хуфя гўша томон юрди.

Биби Юлдуз деса дегудек бу беғубор қизалоқни Мирзо Улуғбек бундан икки йил муқаддам, ҳали бу хатар, бу ташвишлардан холи, осойишта кунларда шогирди мавлоно Муҳиддин хонадониди заифалар учун очилган мадрасада учратган эди. Кўзлари чўлпондай чарақлаб турадиган, юзлари сутга чайилгандек тиниқ, гўдакдай ёқимтой бу маъсума фақат ҳуснда эмас, илм ва назм бобида ҳам беназир эди.

Ишқ савдоси ёшга қарамас экан. Давлатпаноҳ бир неча марта ҳурккан оҳулар даврасида ўтадиган ўша мушоираларга борди-ю, Биби Юлдузни кўрмаса туролмайдиган бўлиб қолди. Не бахтки, мусичадай беозор бу маъсума ҳам унинг соқолидаги оқ толаларни гўё кўрмади, кўксидан итармади.

...Деразаларига оғир кимхоб дарпардалар тутилган, деворларига қирмизи эроний гиламлар осилган саришта гўша бўм-бўш, Биби Юлдуз, чамаси, хилватхонанинг қоқ ўртасидаги шоҳи парда орқасига яшириниб олган эди.

Мирзо Улуғбек кулимсираб:

—Қайдасен, Юлдузим?—деб сўради.—Нечун яшири-насен? Ё хафамисен?

Биби Юлдуз эркаланиб юзини терс бурди. Унинг кўзлари, ўша, давлатпаноҳ биринчи кўрганида уни лол қолдирган оҳу кўзлари жиққа ёш эди.

—Нечун хафа бўлмай, устод?—деди у култ ютиниб.—Уч ой ҳижрон ўтида қовурилдим. Кунни кеча хатарли сафардан қайтиб, букун яна қўрқинчли сафарга отланяп-сиз?

Мирзо Улуғбек юраги чексиз меҳрга тўлиб, қизнинг қўш-қўш тилла узуклар билан безатилган оппоқ, нозик бармоқларини лабига босди.

—Сен ўтда қовурилган бўлсанг, мен бу ўтда куйиб кул бўлдим. Не чора, бибижон?

Биби Юлдуз кўз ёшларини артиб:

—Бошингиз тошдан бўлғай, устод!—деб хитоб қилди.—Шаҳзода ғолиб келиб, Сизни тожу тахтдан мосуво қилса... ҳолимиз не кечур? Дугонам... Хуршида бонунинг

бошига тушган қора кунлар менинг ҳам бошимга тушмаса дейман, устод.

Мирзо Улуғбек юраги яна туз сепгандай ачишиб, қизнинг икки юзидан ўпди.

—Яратган эгам ўзи асрагай,—деди-ю, ўпкаси тўлиб, давом этди: —Ҳаётим поёнида излай-излай аранг топган ёруғ юлдузим. Ғурбатли кунларимни, қоронғу тунларимни ёритган шамчироғим. Надоматлар бўлғайким, сени бахтли қилолмадим. Кечир мени, ёруғ юлдузим...

Биби Юлдуз нозик, ҳолсиз қўллари билан давлатпаноҳнинг бўйнидан қучиб:

—Йўқ, йўқ, ундай деманг, устод, ундай деманг,—деб ёлворди.—Сиз билан ўтган бир дақиқа висол онларимни юз йил умрга алмашмаймен. Ой бориб омон қайтинг. Зафар ёр бўлғай сизга, устод.

Мирзо Улуғбек яна боягидай кўнгли чексиз бир меҳрга тўлиб:

—Бу гапинг рост бўлса... шамларни ўчир,—деди маъюс кулимсираб.—Бир дақиқа бўлса-да, оғушингда дам олай, азизам. —У шундай деди-ю, ўзи шамларни битта-битта ўчирди.

5

Али Қушчи отининг жilовини дарвозада кутиб олган қоровулга тутқазиб ҳовлига кирди. Ташқарида от туёқларининг дупури эшитилди: уни кузатиб келган сипоҳлар орқага қайтган эди.

Али Қушчи расадхонага қараб юрган эди, қоровул чол:

—Энангиз келмиш, мавлоно,—деди.

—Қайда?

—Китобдорнинг ҳужрасида.

"Китобдор"—Мирам Чалабий бўлиб, кечаю кундуз кутубхонадан чиқмагани учун шу номни олганди.

"Энам бу қора тунда не қилиб юрибди?"

Али Қушчининг хаёли ҳамон Кўксаройда, устодда эди. У кутубхонага ошиқар, у ерда ёлғиз ўтириб, устоднинг гапларини яна бир ўйлаб кўргиси келар, танҳо қолишни хоҳларди. Али Қушчи истар-истамас расадхонанинг орқасидаги толиби илмлар яшайдиган бир қаватли бинога бурилди.

Мирам Чалабий бинонинг энг чеккасидаги торгина ҳужрада истиқомат қиларди. Ҳужрада биттагина шам

милтираб турар, Мирам Чалабийнинг ўзи йўқ, энаси Тиллабиби гира-шира ҳужранинг тўрида тиззаларини қучоқлаганича пинакка кетган эди.

Али Қушчи эшикни оҳиста ёпиб, орқага қайтмоқчи бўлди. Лекин Тиллабиби уйғониб кетиб, апил-тапил ўрнидан турди-да, қушдай пилдираб келиб, ўғлини бўйнидан қучоқлаб олди.

—Қайларда юрибсан, бўталоғим?

Саҳройи манғит уруғидан бўлган Тиллабибининг энг суюкли сўзи "бўта", "бўталоғим" эди. Али Қушчи кулимсираб энасининг елкасини силади.

—Ўзингиз қайдан келдингиз, энажон? Тун ярмидан ошгандур.

—Энангни қўй, бўтам. Ўзинг сўйла: не бўлди, не қўйди?

—Нени сўрайсиз, энажон?

—Ҳаммаёқда шумхабар: султон Улуғбек тахтдан қулабдур. Барча маҳрамлари, барча шогирдлари қатлу қирғин бўлармиш...

Кампир мижжаларида титраб турган ёш томчиларини сидириб ташлаб, дардли кўзларини ўғлига тикди. Сочлари оппоқ оқарган, юзларини қат-қат ажин босган бу муштдеккина кампирнинг нигоҳи чексиз меҳрга, унсиз бир изтиробга тўла эди.

Али Қушчи кўнгли бир хил бўлиб, энасини оҳиста қучди, уни тинчитиш умидида бепарво кулган бўлди.

—Бу ёлғонни қайси нобакор топмиш, энажон?

—Нечун куласен? Бутун даҳа сўзлайди, бўталоғим. Раҳматли отанг айтгувчи эди: султонлардин олис юрмоқ даркор экан. Қирқ йил жаҳонгирга маҳрам бўлиб, унинг қароргоҳига мулозимлик қилиб не орттирдим? Бошимга бало орттирдим, холос, дегувчи эди...

—Қўрқманг, энажон...

—Қўрқмай не қилай? Султон Улуғбекка шогирд бўламен деб, не топдинг, бўтам? Топганинг китобми? Китоб деб, бепарзанд, сўққабош ўтасенми бу дунёдин...

—Насиб қилса бўлиб қолар, эна...

—Қачон? Энанг ўлгандами?

Одатда Тиллабибининг бу гапи Али Қушчининг ғашини келтирар, ҳатто баъзан кампирни силтаб ҳам ташлар эди, лекин бу сафар негадир юрагини зирқиратиб юборди...

Али Қушчи энасини аранг тинчитиб, унга тўшак ёзиб берди-да, хонадан чиқди.

Тонг яқин. Обираҳмат томондан хўрозлар қичқирғи,

тларнинг ҳуриши эшитилар, лекин осмон ҳали юлдузларга тўла эди.

Али Қушчи ўйчан одимлаганича расадхонага кирди, ишик устидаги токчадан шам олиб ёқди-да, тик зиналардан юриб учинчи ошёнага чиқди. Вожабо, у кутубхонанинг эшигини очиши билан юрагини чулғаб олган гусса дайгадир тўзғиб кетди-ю, хаёлини қандайдир юксак бир уйғу асир этди. Гўё у кутубхонага эмас, бу чиркин ламдан тамом бошқа, ҳаётнинг икир-чикир ташвишларидан йироқ, мусаффо бир дунёга парвоз қилган эди...

Жомиул улум¹ аталмиш бу хазина учинчи ошёнанинг иккита катта хонасини эгаллаган эди. Нозик ўймакорлик билан ясалган ва ердан шифтга тегадиган жавонлар китоб ва қўлёзмаларга лим-лим тўла эди.

Али Қушчи белидаги икки белбоғ олтин ва жавоҳирларни ўртадаги курсига "шақ" этказиб ташлади-да, қўлига шамни олиб, жавонларни битта-битта кўздан кечириб чиқди. Мана, ўнг томонда садафдек терилган уч қатор дора чарм жилдлик оғир, қалин китоблар, бу китоблар олис Қоҳирадан келтирилган. Соҳибқирон Амир Темур Сурагоний султон Боязид елдирымга қарши юриш қилганида ўша томонлардан олиб келган. Лекин улар ҳанузгача икки мутолаа этилиб, шарҳ қилинмаган.

Устоз Мирзо Улуғбек осойишта даврни кутар, Мисрияи Қоҳирадан, Бағдод ва Дамашқ мадрасаларидан фозилларни нақиртириб, бу китоб ва нодир қўлёзмаларнинг мағзини нақтириш, уларни шарҳ эттириш ниятида эди...

Узоқ Мисрдан келтирилган бу қўлёзмалар ёнидаги жавонларга Бағдоддан, ҳикмат хазинаси, деб аталмиш Ҳизонат ул ҳикмат²дан олиб келинган китоб ва қўлёзмалар терилган. Уларнинг кўк, қизил, яшил сахтиён жилдларидаги тилла суви юритилган гулдор безаклар шам нуъласида нафис зиё сочиб товланади.

Ундан нарироқдаги рахларига ҳайвон ва қушларнинг уратлари ўйилган нақшинкор жавонларга Чин² ва Ҳиндистондан келтирилган ноёб китоблар терилган бўлиб, уларнинг ҳар бири кўк ва сарғиш ипак матоларга ўралган.

Бундан беш-олти йил муқаддам, Шоҳруҳ Мирзо вафодан олдин, устод Ҳиндистон билан Чиндан тилла

1

Жомиул улум—илм хазинаси.

2

Чин—Хитой.

эвазига икки катта алломани чақиртириб олган эди. Ҳинд фозили кўп ўтмай фоний дунёни тарк этди. У ҳатто ҳинд мунажжимлари яратган машҳур "Сидҳайта"¹нинг таржимасини ҳам ниҳоясига етказолмади... Чин-Мочиндан келган гапдон кўса аллома эса, Улуғбек мадрасасида бир неча йил форс ва туркий тилларни ўрганди, арабчадан таҳсил олди, ниҳоят, туркий тилда бидир-бидир қилиб сўзлайдиган ҳам бўлди. Сўнгра Чиндан келтирилган бир қанча китобларни форсий ва туркийга таржима қилди, лекин у ҳам ишни ниҳоясига етказа олмади, элимни соғиндим деб, Чинга отланган савдо карвони билан ўз юртига жўнаб кетди. Ундан қадимий Чин-Мочин мунажжимларининг форсийга таржима қилинган уч жилд китоби қолди...

Хонанинг тўридаги четларига тилла тасмалар қоқилган жавонларни Мовароуннаҳр фозилларининг китобларию нодир қўлёзмалари эгаллаган. Бу китоблару қўлёзмаларнинг ҳар бири алоҳида ишлов берилган яшил ва фирузаранг чарм билан жилдланган. Ҳар бир жилдга муаллифнинг муборак исми шарифлари зарҳал ҳарфлар билан битилганки, мана, ҳозир, шамнинг ҳазин шуъласида гўё сўнмас юлдузлардай ялтираб турибди.

Ана, энг тепада, Абу Абдулла Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийнинг олти жилдлик табаррук асарлари қатор турибди. Ривоятларга қараганда, бу китобларнинг уч жилдини алломалар сарбони мавлоно ал Хоразмий ҳазратлари ўз муборак қўллари билан битган: улар гўзал Бағдоддан, машҳур "Байтул-ҳикма"дан олиб келинган... Унинг ёнида Жомиул-улум аталмиш Абу Али ибн Сино ҳазратларининг тиббиёт масалаларига оид йигирма жилдлик "Китоб уш-шифо"си ва яна камида ўн жилдлик "Китоб ун-нажот" асарлари ва ниҳоят уч жилдлик шеърый асарлари терилган... Уларнинг ёнида Мавлоно ал Форобийнинг ўн олти жилдлик донишмандлик мажмуалари, фозиллар фозили жаннатмакон Абу Райҳон Беруний ҳазратларининг ҳаммаси қизил саҳтиён жилдлик китоблари олтиндай жилланиб, ярқираб турибди. Ул зоти шарифнинг фақал бир асари, коинот сирларига бағишланган "ал-Қонуъ ал-Масъудий" деган асаригагина фирузаранг жилд қопланган. Устод буюк алломанинг бу китобини кўп мутолағ қилар, шунинг учун ҳам уни бошқа китоблар орасида

¹ "Сидҳайта"—астрономияга оид машҳур асар.

тез топиб олиш ниятида фирузаранг жилдга ўратган эди...Ундан пастроқда донишлар дониши Аҳмад ибн Абдулла Марвазий, риёзиёт илмининг пири Аҳмад бин Муҳаммад Фарғоний ва мавлоно Абул Вафо ас Самарқандий, мунажжимлар сарвари Гиёсиддин Жамшид ҳам Насириддин Тусий, унинг ёнида жаннатмакон устод Қозизода Румийнинг пурҳикмат асарлари терилган...

Ҳар сафар мавлоно Қозизода Румий—покиза руҳлари гулшани бақода масрур бўлғай!—бу илм масканига кириб, бу жавон олдида тўхтаганида, китобларга қўл узатишдан олдин кўзларини юмиб, лаблари пичирлаб, дуо ўқир, сўнг, танлаган китобини олиб қош-кўзларига суртар, лабига босар, шундан кейингина китобини очиб, мутолаага киришар эди. Устод ўзигина эмас, бу даргоҳга қадам қўйган ҳар бир талабадан шундай қилишни талаб этарди.

Али Қушчининг кўз олдига яна ўша илиқ баҳор куни келди. Эсида бор, мавлоно Қозизода Румийни Мирзо Улуғбек ўзи бошлаб келган эди. У маҳалда аълоҳазратлари айни кучга тўлган, ёш, иқтидорли йигит эди. Ўзи ҳам эғнидаги заррин либоси, бошидаги симобий дастори, бутун шиддатли қиёфаси билан ёнидаги барча аъёнлардан ажралиб турарди. Шу боисданми, аълоҳазратларининг ёнида устод Қозизода Румий яна ҳам нимжонроқ ва ожизроқ кўринарди. Лекин бу нимжонгина оппоқ чолнинг вужудидан аллақандай ички бир зиё, кишини ўзига ром қилувчи бўлакча бир меҳр ёғилиб турарди!..

Мавлоно билан Мирзо Улуғбек чинор соясидаги баланд курсилардан жой олишди. Сўнгра устод Қозизода Румий онҳазратнинг илтимоси билан зарбоф матога ўралган қалин китобини очиб, риёзиёт илми ҳамда бу илмнинг фалакиётни ўрганишдаги ўрни тўғрисида баҳс юритди. Али Қушчи устоднинг риёзиёт илмига бағишланган бу пурҳикмат китобини мадрасада кўп мутолаа қилган эди. Лекин мутолаадан олган завқи бир бўлди-ю, мавлононинг ўз оғзидан эшитгани бир бўлди. Устод мураккаб риёзиёт масалаларини шундай мулойим овозда, шундай тиниқ бир мантиқ билан ечиб бердики, Али Қушчи, гўё рисола эмас, ажиб мусиқа тинглаётгандек эриб кетди... Фақат Али Қушчи эмас, Мирзо Улуғбек билан бирга келган барча аъёнлар ва барча илм аҳли ва ҳаттоки, илм-фандан узоқ аркони давлатлар ҳам бошларини эгиб, чуқур сукутга чўмиб эшитдилар.

Ниҳоят, устоз китобини ёпиб, аълоҳазратларига қаради. Аълоҳазратлари мавлонога ташаккур билдириб, ҳамон

сукут сақлаб ўтирган аёнлар ва толиби илмларга юзланди, чеҳрасига аллақандай маҳобат бағишлаган калта, қалин соқолини силаб, устоднинг каломи аён бўлган-бўлмаганини сўради. Мирзо Улуғбекнинг сўроғига бирор кимса жавоб бермади. Мадраса саҳнини тўлдирган халойиқ бошини ҳам қилиб, чурқ этмай ўтирарди. Мавлоно Қозизода Румий хафақон бош чайқади, Мирзо Улуғбек эса мийиғида кулимсираб қўйди. Шунда Али Қушчи ийманибгина ўрнидан турди ва қисилиб-қимтиниб унга ҳамма нараса аён эканини изҳор қилди.

Мавлоно Қозизода Румийнинг кўзлари чарақлаб кетди. Мирзо Улуғбек эса илми риёзиёт ва ҳандаса борасида уст-устига саволлар берди.

Али Қушчи аввал тортиниб, кейин эса хиёл дадилланиб, ҳамма сўроқларга жавоб берди.

Шундан кейин Мирзо Улуғбек уни ёнига чақириб, авлод-аждодини, қайси мадрасада, кимлардан таълим олганини суриштирди, устод Қозизода Румий эса, майин соқоли билан унинг юзини силаб, пешанасидан ўпди...

Али Қушчи бу эсдаликлардан кўнгли бир хил бўлиб, тўрдаги хонага ўтди.

Бу хонанинг деворларига ҳам безакли жавон ясалиб, ердан шифтигача китоб терилган. Фақат қибла томондаги девор бўш, унга онҳазратларининг самовот жадваллари осилган эди. Мисрияи Қоҳирадан келтирилган қалин ипак қоғозга туширилган зарҳал нуқталар — юлдузлар сурати қоронғида худди чинакам осмону чинакам ситоралардай ярқираб, ажиб бир манзара касб этган эди...

Жадвалнинг тагидаги тилла суви билан битилган шарҳлар ва ҳар хил кўрсаткичлар эса симобдай ялтираб турарди.

Хонанинг тўридаги ҳар хил устурлөблар ёнига баланд суянчиғлик иккита юмшоқ курси қўйилган.

Мирзо Улуғбек кечалари шу ерда ўтириб, мутолаа қилишни суяр, суюкли жадвали устида ҳам шу ерда ишлар эди. Али Қушчи-чи? Ахир тўрдаги деворда ажиб манзара касб этиб ялтиллаб турган бу коинот сурати, бу мураккаб жадвалларнинг бунёдга келишида унинг ҳам, Али Қушчининг ҳам хизматлари бор!.. Ёлғиз жадвал эмас, бу нодир хазина, уммондан жавоҳир қидирган ғаввос машаққати билан топилган бу пурҳикмат асарларни йиғишда ҳам Али Қушчининг меҳнати ва заҳмати бор!

Ана, жадвалларнинг ёнида, бурчакдаги жавонда, Мирзо Улуғбекнинг олти жилдлик тарихий асарлари ёнида унинг — Али Қушчининг ҳам китоблари турибди!.. Наҳот бу ноёб хазинадан, умрининг энг онгли, энг масъуд дамлари ўтган, унга мушоҳада лаззатини бағишлаган, ёлғон дунё гурбатларини эсидан чиқариб, фалакиёт оламида эркин сузишга ўргатган бу мунаввар масканидан айрилса?!

Боя устод айтган бидъат ва хурофот маддоҳлари уни риндона кайфиятлар оғушида қолган осий банда деб ўйлашади, Али Қушчи эса шу даргоҳни деб, шу илм дурдоналарини деб, барча фоний дунё лаззатларини тарк этди, ҳатто ногирон энасини юм-юм йиғлатиб, уйланмоқ ва фарзанд кўрмоқ бахтидан маҳрум бўлди... Наҳот энди, қирқдан ошиб, бебақо умрнинг охири кўриниб қолганида, бу зиё масканидан айрилса? Айрилганда нс қилади? Қариган чоғида қайга боради?

Али Қушчининг қалбини ҳазин куйдай тиниқ бир мунг чулғаб олди. Бу мунг, бу ҳазин куй дилининг энг нозик торларини оҳиста чертиб, кўнглида қандайдир хаста, нотавон ҳислар қўзғатди. Гўё у бу ёруғ дунёда ёлғиз қолган, ҳамма ундан юз ўгирган, ҳамма уни ташлаб кетган эди... тўсатдан у лабларида нордон бир таъм сезиб, ҳушига келди-ю, қўлидаги шамни баландроқ кўтариб, чор-атрофига қаради: китоблар, китоблар, китоблар!.. Йўқ, бу китобларни ўн-ўн беш эмас, юз сандиққа ҳам сиғдириб бўлмас! Бас! Устод бу ноёб асарларнинг ичидан энг нодирларини, қимматбаҳо тошлар орасидаги лаъл ва инжуларни айтибди! Лекин бу сандиқларни кимга ясатади? Олтин ва жавоҳирларни қандай сарф қилади? Бу нодир хазинани қаерга яширади? Али Қушчи ўйлаб-ўйлаб, шу бугуноқ мавлоно Муҳиддиннинг ҳузурига бориш ва унинг отаси Хожа Салоҳиддин саргар билан маслаҳатлашишга аҳд қилди.

У ўйчан одимлаб биринчи хонага чиқди. Белбоққа тугилган олтин ва жавоҳирларни хонтахтадан оларкан, пиёладай-пиёладай қуйма тиллалар қўлидан сидирилиб тушиб, гиламда юмалаб кетди, сочилган лаъл ва инжулардан нимқоронғи хонада юлдузлар чарақлади...

Али Қушчи бу бойликни қаерга яширишини ўйлаб узоқ турди, ниҳоят, эшик устидаги қалин китобларнинг орқасига яширди, кейин ташқарига чиқиб, таҳорат олди, эртароқ бўлса ҳам бомдод намозини ўқиб, чакмонини кийди-да, энасидан хабар олиб туришни қоровулга топшириб, расадхонадан чиқди.

Уфқдаги тоғларнинг усти ғира-шира оқарган, лекин осмонда, сийрак булутлар орасида ҳамон милт-милт ёнган юлдузлар кўринарди. Этни жунжиктирувчи совуқ шабада эсар, йўл бўйидаги дарахтлар ҳамон тундагидай эгилиб-эшилар, рўпарадаги "Боғи майдон" дарёдай шовиллар эди.

Одатда шаъбон ойи бундай совуқ келмас, Самарқанд боғлари нафис қизил-қирмизи рангга бўялиб, илиқ куз офтобида майин товланиб, эркаланиб ётарди... Ҳар куни бу маҳалда қовун-тарвуз сртилган четан араваларда деҳқонлар ўтар, эшакларига сават-сават новотранг узум ортган боғбонлар, қип-қизил ёнган чойнакдай-чойнакдай анорлар, нашвати ноклар солинган тоғораларни бошларига қўйган йигитлар бозор томон шошилишар, сурув-сурув қўйлар, гоҳида эса қўнғироқларини жангир-жунгир қилиб туя карвонлари ўтиб қоларди... Букун катта йўлгина эмас, четан ва пахса девор билан ўралган боғлар, ҳовлилар, уйлар—ҳаммаси жимжит. Гўё доруссалтана Самарқанд таҳлика остида қолганини одамларгина эмас, парранда ва даррандалар ҳам сезгандай, на қушларнинг сайраши эшитилади, на қўй-қўзиларнинг маъраши! Ҳатто итлар ҳам пана-панага кириб кетганга ўхшайди.

Али Қушчи Қусам ибн Аббос мақбарасидан ўтиб, чапга бурилганда олдинда, Регистон томонда, йўқ, ундан ҳам нарида, Кўсарой майдонида ноғоралар гумбурлади, ноғораларга карнайларнинг наъраси қўшилиб, еру кўкни ларзага солди...

"Онҳазрат отланибдур!.."—Али Қушчи хаёлан устодга омад тилаб, юзига фотиҳа тортди.

У тош терилган катта кўчага чиқиб, масжиди жомага бурилганида орқадан, Шоҳизинда қабристонининг рўпарасидаги хонақоҳ томондан, "Ё олло дўст, ё олло!" деган нидо эшитилиб, бир тўда дарвешлар кўринди.

Эгниларида жанда, бошларида эчки терисидан тикилган учлик кулоҳ, қўлларида исиріқ тутатилган качкул, дарвешлар кўзларини юмиб бошларини бир меъёрда тебратишиб, жазава билан зикр тушиб келишарди:

Ё олло дўст, ё олло!
 Ҳақ дўст, ё олло!..
 Фоний дунё деганлар,
 Тақвони тарк этганлар,
 Ҳамду сано демасдин,
 Кайфи сафо деганлар,
 Гуноҳига адад йўқ,

Тонг-ла маҳшар мадад йўқ.
Ё олло дўст, ё олло,
Ҳақ дўст, ё олло!

Қаландарлар исриқнинг ўткир ҳидини таратиб, бир меъёрда чайқалишиб, "ёҳу-ҳу" лаганларича Али Қушчининг ёнидан ўтиб кетишди.

Али Қушчи ўзини четга олиб, уларни ўтказиб юбораркан, энг орқада кетаётган, қоп-қора соқоли кўксига тушган, кўзлари ёниб турган барваста дарвеш ўгирилиб қараганини кўрди-ю, юраги "шиғ" этди. Бу ўша, кечаси устод сўраган, Қаландар Қарноқий деган дарвеш эди... Қаландар Қарноқий унга бош ирғаб, билинар-билимас таъзим қилгандай бўлди.

Али Қушчи унинг яғриндор бақувват қадди-қоматига, жулдури чиқиб титилиб кетган ҳирқасига тикилганича тўхтаб қолди, сўнгра бир-бир босиб масжиди жоменинг ён томонидаги тор кўчага бурилди...

Қаландарларнинг "Ё олло дўст, ё олло"си узоқлашиб борар, лекин Али Қушчининг кўз олдидан дарвешнинг серсоқол юзи, аллақандай дардли нигоҳи кетмас эди.

Қаландар олис Ясси шаҳри, тўғрироғи, Ясси яқинидаги Қарноқ қалъасидан эди.

У бундан қарийб йигирма йил муқаддам, қипчоқ хони Бароқ ўғлон Сиғноқ ва Яссини босиб олган йили, бир гуруҳ йигитлар билан Мирзо Улуғбекдан мадад тилаб келган эди.

Ўша йили Сайхун бўйларида Бароқхонга қарши бўлган жангу жадалда Қаландар мислсиз жасорат кўрсатиб, устодни ўлимдан асраб қолганлардан бири бўлган эди. Лекин бу юришда унинг энг азиз дўстлари—Ясси ва Сиғноқ йигитлари ҳалок бўлган, шу боисданми ё Мирзо Улуғбек қаттиқ мағлубиятга учраб Ясси ғанимлар қўлида қолганиданми, хуллас, Қаландар сипоҳиликни тарк этиб, илм-фанни ихтиёр этган эди.

У сипоҳий кийимларини мадраса толибларининг сару-поларига алмаштириб, бошига дастор ўраб, мадрасаи Улуғбекда, Али Қушчи билан мавлоно Муҳиддин қўлида таҳсил олди. Илм соҳасида ҳам кўп зукко чиқиб, устоднинг меҳрига муяссар бўлди. Хусусан, туркийда кўп нафис шеърлар битди. Аммо бу орада (фалакнинг ўйинини қаранг!) ўз устози мавлоно Муҳиддиннинг қизи Хуршида бонуга ишқи тушиб қолди.

Мавлоно Муҳиддин одамийлик қилиб, шогирдини куёв қилишга ризолик билдирди, аммо отаси Хожа Салўҳиддин

заргар фақир шоирни суюкли неварасига номуносиб топиб, шоирнинг раъйини қайтарди. Шу-шу серзавқ, дилкаш шоир тўсатдан ўзини ҳаммадан олиб қочадиган бир зоҳидга айланди. Сал ўтмай, у мадрасани тарк этиб, гадоликка юз тутди... Бу воқеадан кейин Али Қушчи уни бир неча бор кўрган эди, лекин Қаландар устодини кўрса ҳам кўрмаганликка олар, кўзларини юмиб, кулоҳлик бошини тебратиб, зикр тушганича ўтиб кетарди. Бугун нечундир ўгирилиб қаради, бош ирғаб таъзим қилгандай бўлди. Бу таъзим камоли ҳурматданми ё билъакс, таҳдид ишорасими?

Олида, Кўксарой томонда ҳамон ноғоралар гумбурлар, карнайлар сурон соларди. Кўчалар, гузарлар ҳамон кимсасиз, осуда. Одатда бу маҳалда катта чарм мешларини бўйинларига осиб олган мешкобчилар кўчага сув сепиб, фаррошлар ҳаммаёқни ёғ тушса ялагудек қилиб супуриб-сидириб қўйишар, сўнг кўчанинг икки юзидаги раста-раста дўконлар очилар, темирчилар кўраларга саксёвул, кўмир қалаб, гуп-гуп босқон урар, норғул, паҳлавонжусса тақачилар осмонга сапчиган асов отларни зорли кишнатиб тақа қоқар; сангтарошлар мраммар тошларни чўкичлаб нақшинкор букумлар ясашар; чархчилар учқун сачратиб пичоқ ва ойболта чархлашар; суяктарошлар қилич ва ханжарларга қимматбаҳо даста йўнишар; гиламдўз ва шоҳичилар, сандиқчи ва бешиксозлар, дурадгорлар, куллар, чилангарлар, мискарлар ишга киришар—ҳаммаёқ тарақ-туруқ бўлиб кетарди. Бу пайтда нонвойлар нон ёпишга, ҳолвафурушлар ҳолва, сомсапазлар сомса, кабоппазлар кабоп пиширишга киришар, ҳаво иссиқ нон ва сомса, пиёз ва кабопнинг тутун аралаш аччиқ ва хушбўй ҳидига тўларди. Ҳозир эса дўконлар берк, ҳаммаёқ сув қуйгандай жимжит.

Али Қушчи бу расталарни севар, қўли бўш кунлари ё мутолаадан чарчаган пайтлари аксарият шу ерга келиб, усталарнинг ишига разм солиб, улар билан суҳбатлашиб ўтиришни яхши кўрар эди. Наҳот сокин дарёдай бир меъёрда оққан бу ҳаёт довулга учраса? Наҳот бу чексиз расталар, бир-бирига тутшиб кетган дўкон ва дўкончалар, нозик устахоналар, ҳаммаси зер-забар бўлса?..

Али Қушчи кўнгли бир хил бўлиб қадамини тезлаштирди. Тор кўча чекиниб, олдинда кичикроқ бир гузар кўринди. Гузарнинг ўртасида шохлари қуриб-қовжираб қолган бир туп шотут ўсарди. Шотутнинг ўнг томонида болохонаси кўчага қаратиб қурилган салобатли бино қад

кўтарган. Болохонанинг тагида қўш тавақали залварли дарвоза, дарвозанинг ўнг қанотида эшик. Майдоннинг чор-атрофи ялпоқ ғиштдан қурилган қатор уйлар билан ўралган. Бу—Салоҳиддин заргарнинг дўконлари бўлиб, улар ҳам берк, ҳар бир эшикда отнинг калласидай қулф.

Али Қушчи дарвоза олдида тўхтаб, оғир мис қалқаларни қоқди. Анчадан кейин ичкаридан:

—Савдо йўқ. Дўкон ишламайди, —деган бўғиқ, хирлдоқ овоз эшитилди.

—Камина Мадрасаи Улуғбекдан мавлоно Муҳиддинни зиёрат қилгани келдим... Кириб айтинг: биродарингиз Али Қушчи келибдур, денг.

Ичкарида гурс-гурс оёқ товуши эшитилди. Сал ўтмай эшик қийғоч очилиб, белига қилич осган қора барзанги йигит кўринди.

Али Қушчи тепаси ёпиқ қоронғи бостирмага кирди ва тор йўлақдан ўтиб, ўрдадай кенг ҳовлига чиқди. Ҳовлининг тўрт томони ҳам олди айвон бинолар бўлиб, бир-бирига тутшиб кетган эди. Нозик нимпушти ва ложувард рангга бўялган баланд пештоқлар, айвоннинг ўймакор устунлари, безакли эшик ва дарчалари ҳозиргина чиққан совуқ куз офтобида чарақлаб, кенг ҳовлини аллақандай нурафшон қилиб юборган эди.

Али Қушчи ҳовлига кирганда ўнг томондаги уйнинг эшиги оҳиста очилиб, бошида тўқ ҳаворанг ипак рўмол, эгнида тўпиғига тушган ҳаворанг шойи кўйлак, оёғида учига ёқут қадалган бежирим кобулий кавуш, тол чивикдай нозик бир қиз кўринди. Қиз Али Қушчини кўриб, юзини ҳарир ҳаворанг рўмоли билан тўсиб олди, оҳунинг кўзларидай катта серкиприк кўзларини ерга тикиб, кафтини кўксига босиб, бош эгди.

—Ассалом, устоз...

"Ё тавба! Бу не ҳолки, бир неча дақиқа орасида ҳар иккала ошиқ-маъшукни ҳам кўрса!"

Бону, таълим кўрган эмасми, уни устоз, деди...

Али Қушчи негадир кўнгли эриб:

—Умринг узоқ бўлғай, қизим,—деди. —Даданг уйдларми?

—Уйдадурлар. Марҳамат қилинг, устоз...—Хуршида бону қўлини кўксига қўйганича чекиниб, унга йўл берди. Бонунинг овози ҳам чеҳрасидай мулойим ва хиёл маъюс эди.

Али Қушчи айвонга чиқиб, олдин даҳлизга, даҳлиздан чап қўлдаги таниш хонага кирди. Ерга хитойи ипак

гиламлар тўшалган, шифтига тилла қандил осилган бу кенг чорхари хона—мавлоно Муҳиддиннинг истироҳатгоҳи ҳисобланар эди.

Уйнинг тўрида, қат-қат шоҳи кўрпачалар устида, боши пар ёстиққа чўкиб ётган мавлоно Муҳиддин уни кўриб, ўрнидан қўзғалди.

—Қўзғалманг, азизим, қўзғалманг!..—Али Қушчи жадаллаб бориб, биродарининг ёнига тиз чўкди.

Мавлоно Муҳиддин қирқ беш ёшлар чамасидаги, қош-кўзлари қизининг қош-кўзларидай қоп-қора, оқсарикдан келган, нозиккина, бўйчан бир одам эди. У пешанасини шойи қийиқча билан боғлаб, бошига учлик қора тақя кийиб, авраси мовут қимматбаҳо сувсар пўстинига ўраниб олганди. Мавлоно қўш-қўш олтин узуклар тақилган узун ингичка бармоқларини чўзиб кўришди-да, ёстиққа ёнбошлади.

—Олло шифо бергай!—Али Қушчи юзига фотиҳа тортиб дўстига қаради.—Қалайсен? Табибга кўриндингму?

Мавлоно Муҳиддин "ҳа" деб бош ирғади-да, кўзини юмди.

Хонага мадраса талабасига ўхшаган ёш маҳрам кириб, ўртага дастурхон ёзди, кумуш баркашларда иссиқ нон, сомса, пиёз пўстидай нозик чинни ликопчаларда асал, бодом, майиз олиб келиб қўйди.

Али Қушчига хонада нимадир етишмаётгандай бўлиб, атрофига қаради, қаради-ю, бир зум ағрайиб қолди. Икки томондаги китобларга тўлиб турадиган қуббали жавонларда на бир китоб бор эди, на бир қўлёзма! Уларнинг ўрнига бежирим хитой чиннилари, четларига тилла суви юритилган мунаққаш пиёлалар, гулдор кумуш баркашлар, ўймакорлик билан ишланган нозик қумғончалар, ранг-баранг кўза ва кўзачалар терилган, бунинг ҳаммаси ярақлаб-чарақлаб кенг хонани заррин жилога тўлдириб юборган эди.

Али Қушчи ҳайрон бўлиб мавлоно Муҳиддинга қаради. У ҳамон кўзларини юмиб, ёнбошлаб ётарди. Али Қушчи кўнглига ёпирилиб келган аллақандай ёмон туйғуни босиб:

—Кеча устод чақиртирган эркан, Кўксаройда бўлдим,— деди.

Мавлоно Муҳиддин жойида бир қўзғалиб, йўталиб қўйди.

—Каминага ҳам чопар юбормишлар. Таассуфким, хасталик сабаб, изҳори ихлос этмоқнинг чораси бўлмади.

Мавлоно Муҳиддин негадир қизаринқираб, Али

Қушчини дастурхонга қистади. Ажабо: у устод тўғрисида бир оғиз гап сўрамади.

—Устод сизга салом йўллади...

—Абадулабад саломат бўлғайлар. Марҳамат, ноз-неъматдан олғайсиз, азизим... —Мавлоно Муҳиддин шоша-пиша патирларни ушатиб, Али Қушчини дастурхонга қистади. Али Қушчи совуқ кулимсираб:

—Салом билан бирга устод бир нозик тилак билдирдилар,—деди.

Мавлоно Муҳиддиннинг патир ушатаётган нозик бармоқлари ҳаракатдан тўхтаб, ҳавода муаллақ осилиб қолди.

—Не тилак эрмиш?

—Хабарингиз бордур, азизим, букун субҳидам аълоҳазратлари Мовароуннаҳр сарҳадига қўшин тортиб кирган шаҳзодага қарши юриш бошлади...Иншооллоҳ, қирқ йил шафоат қилган тангри таоло бу сафар ҳам ўз иноятини дариг тутмас... Ва лекин...—Али Қушчи устоднинг маҳзун чеҳрасини эслаб, бир энтикиб олди. —Ва лекин, бандаи ғофил ҳақ таолонинг ихтиёрини билмоқдан ожиздурмиз. Агарчи ҳумо қуши шаҳзоданинг бошига қўниб, юрт осойиши бузилса... расадхонадаги барча нодир китоблар, барча ноёб қўлёзмаларни асраб қолмоқ сизу бизга юкланибдур, биродари азиз...

Мавлоно Муҳиддин "ялт" этиб Али Қушчига қаради.

—Асраб қолмоқ?... Бунинг учун не қилмоқ керак? Ақлимга сизгайдур...

—Бунинг учун энг нодир қўлёзмалар билан ноёб китобларни яширмоқ даркор. Расадхонадан олиб чиқиб, ишончли жойга яширмоқ керакдур...

—Ишончли жой...бу даргоҳми?

Мавлоно Муҳиддиннинг юзида шундай зўр бир саросима акс этдики, Али Қушчи кулимсираб бош чайқалди.

—Йўқ, биродар, бу даргоҳ тўғри келмас. Сўз бир китоб, ўн китоб эмас, беш-олти туяга юк бўладургон хазина устида борадур...

Мавлоно Муҳиддин тилла узуклар тақилган ингичка бармоқлари билан дастурхонни ҳимарганича жим қолди.

—Бизнинг даргоҳ тўғри келмаса... камина не қилай? Мақсадингизни англамадим...

—Нечук англамайсиз, азизим?—деди Али Қушчи зардаси қайнаб.—Устод сиз билан мени энг яқин шогирдларим деб, бу юмушни юклагандур. Фақир ҳузурингизга маслаҳат сўраб келдим.

Мавлоно Муҳиддиннинг оқ-сарик юзига қизиллик югурди.

—Маъзур кўргайсиз,—деди у шошиб.—Кўп мушкул юмушдир бу. Камина бу ишга қиблагоҳимдан бемаслаҳат қўл уролмасмен. Ижозат берсангиз, ул зотдан маслаҳат сўрасам.

Али Қушчи "маъкул", деган маънода бош ирғади.

Мавлоно Муҳиддин шоша-пиша ўрнидан турди, ялтироқ қора чармдан тикилган қошиқдеккина кавушини оёғига илиб, шип-шип юриб хонадан чиқди.

Али Қушчи қўлидаги гулдор пиёлани айлантирганича чуқур хаёлга толди.

Мавлоно Муҳиддин Улуғбек мадрасасига мударрис этиб тайинланган йили Салоҳиддин заргар худди шу ҳовлида бутун Самарқанд аҳли ирфонига ош берган эди. Ошга жаннатмакон устод Қозизода Румий билан онҳазратлари ҳам ташриф буюрган эдилар. Ўшанда Салоҳиддин заргар суюкли ўғли мавлоно Муҳиддин учун йиққан нодир қўлёмаларини кўз-кўз қилиб, аълоҳазратларининг таҳсинига сазовор бўлган эди. Зотан бу мавқе, бу обрў, бу бойлик—ҳаммаси Мирзо Улуғбек орқасида орттирилган эди. Устод шогирди мавлоно Муҳиддинни шундай суяр, унинг илми ва салоҳиятларини шундай юксак баҳолар эдики, ёшлигига қарамай мударрисликка кўтариб, катта нафақа тайин қилди. Ўғлига бўлган бу ҳурмат-эҳтиром туфайли отаси Хожа Салоҳиддин заргар "тархон" номини олди, Мирзо Улуғбек унга савдо аҳлидан ҳеч бирига бермаган имтиёзларни берди, ҳатто тамғадан ҳам озод қилди. Қисқаси, Салоҳиддин заргар Мовароуннаҳрдаги энг нуфузли одамлардан бирига, энг катта савдогарга айланди. Энди бўлса... Ҳайҳот!—Али Қушчи оёқ шарпаларини эпштиб бошини кўтарди.

Бўсағада... фил тишидан ясалган оппоқ асосига таяниб, Хожа Салоҳиддин заргар турарди. Эғнида қизил мовут тўн, бошида зар билан тикилган учлик гилам дўппи, Салоҳиддин заргар пойгакда тўхтаб, пахмоқ қошлари остига яширинган тийрак кўзлари билан Али Қушчига тикилиб қолган эди.

Етмишга борган бу чолнинг қадди-қомати, узунчоқ оппоқ юзи, ҳатто кийинишида қандайдир пинҳоний бир гўзаллик бор, ўзиям муштдеккина бўлса-да, зуваласи пишиқ, нигоҳи ўткир эди.

1

Тамға—алоҳида солиқ.

Али Қушчи ўрнидан туриб тавозе билан салом берди. Чол фил тишидан ясалган, бандига дур ва ёқут қадалган асосини деворга суяб, тўрдаги кўрпачага ўтиб ўтирди, ўтираркан, Али Қушчи билан ўғлига икки ёнидан жой кўрсатди.

Боя дастурхон ёзган ёш маҳрам шарпасиз одимлаб кириб, ўртадаги кумуш баркашни олиб чиқиб кетди ва бир лаҳзадан кейин тилла баркашда янги мева-чева олиб кирди. То бу ишнинг ҳаммаси бажо келтирилмагунча Салоҳиддин заргар чурқ этмади. Ёш маҳрам орқаси билан юриб чиқиб кетгандан кейингина бошини кўтариб, ўткир кўзларини Али Қушчига тикди.

—Кўп бўлди, фақир кулбамизга қадам ранжида қилмаган эдилар. Энди хуш келибсиз, мавлоно!..

Али Қушчи унинг "фақир кулбамиз", деганига ичида бир кулиб қўйди.

—Ташаккур сизга. Ҳузурингизга бир ниятда ташриф буюрган эдим, тақсир. Мавлоно Муҳиддин баён қилгандур...

Салоҳиддин заргар "баён қилди", деган маънода бош ирғади. Сўнг, қўлидаги пиёладан хушбўй чой ҳўпларкан, секин деди:

—Бу муаммони муҳокама қилмоқдан бурун сизга айтадурғон бир оғиз сўзим бор, мавлоно... Сиз Мирзо Улугбек ҳазратлари тожу тахтдан айрилғонидан хабарингиз борми?

Чолнинг қалин қошлари тагига яширинган чағир кўзлари тикондай қадалиб турарди.

—Йўқ! Камина тунда онҳазратимнинг ҳузурда эдим. Давлатпаноҳ букун субҳидам лашкар тортиб...

Салоҳиддин тархон тоқатсизланиб елкасини учирди.

—Маълумингиз бўлғай: шаҳзодаи жувонбахт Мирзо Абдуллатифнинг лашкари шу сонияда довонда турибди. Аълоҳазратларининг жамики саркардалари тахтимизнинг валиаҳди Абдуллатифга байъат этгандур!...

Али Қушчи буни кечаси устоднинг ўксик руҳиданоқ сезган эди. Лекин Салоҳиддин заргарнинг салтанат сирларини бу қадар яхши билиши уни ҳайратга солди. У лол бўлиб ер остидан мавлоно Муҳиддинга қаради. Мавлоно Муҳиддин, гўё бу нохуш хабардан эзилиб кетаётгандай, бошини елкалари орасига олиб, ғужанак бўлиб ўтирарди.

Байъат этмоқ—қасамёд қилмоқ.

—Энди сизга бир сўроқ, мавлоно: бу мушкул вазиятда жазм этган юмушингиз нечоғлик хатарли эканини мулоҳаза қилиб кўрдингизму?

Салоҳиддин заргар пиёласини ўғлига узатиб, Али Қушчига тик боқди, Али Қушчи "ҳа, мулоҳаза қилиб кўрдим", демоқчи эди, лекин чол овозини хиёл кўтариб:

—Яна маълумингиз бўлсинким,—деди,—сиз яшириб қилиб қолмоққа жазм этган илм дурдоналари ўтда ёндирилмоққа фатво қилингандур!..

Али Қушчи бир сапчиб тушди.

—Қайси жоҳил бу фатвони бермишдур? Шайхулислом бўлмоқ орзусида юрган анов жоҳил ҳазрат Хомуш эрмасму?

—Бу сўздан хулоса шуким,—деди Салоҳиддин заргар унинг саволига жавоб бермай,—кутубхонани яшириб, куфр китобларни асраб қолмоқни ният қилган осий банда ҳам ўшал китоблар гулханида ёнмоғи муҳаққақдур! Буни астойдил муҳокама қилиб кўрдингизми, ўғлим?

Сўнгги сўзларни айтаётганда чолнинг овози таҳдид билан янгради-ю, Али Қушчи беихтиёр сесканиб кетди. Кўпни кўрган, ҳам бу дунё лаззатини тотган, ҳам умрида кўп азият чеккан бу ўктам чолнинг самимийлиги бешак-бешубҳа эди. Лекин нечун бу сўзлар Али Қушчининг юрагига ғулу солди? Нечун тунда, устод хавф-хатардан сўз очганида чўчимаган одам, энди чўчиди? Ё унда иш бунчалик қалтис эканини билмас эдими? Бас! Билганда нима қиларди? Танлаган йўлидан қайтармиди? Илм-фанни тарк этиб, тақво йўлига ўтармиди? Улуғбек мадрасасини, расадхонани ташлаб, мударрислик тақясини ечиб, бошига имомлик дасторини ўрармиди?

Унинг ўйланиб қолганини кўрган Салоҳиддин заргар:

—Ўғлим Али,—деди овози майинлашиб,—олло таоло шоҳид. Мен сизни ўз фарзандимдан аъло кўрамен. Сизнинг бошингизга тушган мусибат ўз пуштикамаримдан бўлган ўғлим бошига тушган мусибат бўлур. Алқисса, бу ишда минг чандон эҳтиёт бўлмоғингизни ота ўрнида маслаҳат қиламен...

Чолнинг гапларидаги самимият Али Қушчининг юрагига "жиз" этиб тегди. У миннатдорчилик билдиришга оғиз жуфтлади-ю, эсига яна устод тушиб, ўзидан ғижинди.

—Пурҳикмат насиҳатларингиз учун ташаккур, тақсир,—деди Али Қушчи.—Фақир сизнинг насиҳатларингиз самимий эканига шубҳа қилмасмен. Аммо...—Али Қушчи ҳаяжонланиб, қулт этиб ютинди.—Аммо, сўз оддий дур-

доналар — тилла ва жавоҳирлар тўғрисида эмас, илм жавоҳирлари тўғрисида борадур. Инсониятнинг энг етук фарзандлари бунёд этган хазина устида борадур. Сизга маълумдир, устод Мирзо Улуғбек бу хазинани салкам қирқ йил йиғмишдур. Фақир эса, устод Мирзо Улуғбекнинг меҳри саховати туфайли одам бўлганмен. Устоднинг нон-тузини, берган илмини унутган шогирд кўр бўлур, тақсир. Бас! Камина ўз бошимни асраб қолмоқ муродида устоднинг раъйини қайтаргандин кўра, сиз айтган хурофот гулханида ёнмоқни афзал кўрурмен!..

Ҳаяжондан нафаси бўғилган Али Қушчи, чуқур тин олиб, зимдан мавлоно Муҳиддинга кўз ташлади. Мавлоно Муҳиддин ҳамон бояги вазиятда чурқ этмай ўтирар, фақат духоба тақя кийган боши яна ҳам пастроқ эгилган эди.

— Мавлоно Али Қушчи, — деди чол, оппоқ қошларини силаб. — Сиз кўп баландпарвоз, кўп улуғ сўз айтдингиз. Аммо осий бандани афв этинг, бу сўзни сиздай кўпни кўрган закий мавлоно эрмас, илм даргоҳига энди қадам-ранжида қилган ўн беш яшар ёш талаба сўзласа ярашур эди... — Салоҳиддин заргар Али Қушчининг гапирмоқчи эканини кўриб, қўлини кўтарди. — Сўзимнинг "берди" сини айтмоққа ижозат этгайсиз, мавлоно! Сиз аълоҳазратларининг меҳри оқибатидан сўзладингиз. Дуруст. Ул зоти шарифнинг меҳри саховатини унутмоқ кўрлик бўлади. Аммо сизга бир саволим бор...

— Марҳамат, тақсир...

— Сиз... суюкли набирам Хуршида бибини Амир Иброҳимбекнинг кенжа ўғлига никоҳлаб берганимдан хабарингиз бордур?

— Хабарим бор. Аммо...

— Аммо бу ожизамиз шаҳзода Абдулғазиз туфайли бахтиқаро бўлғонидан хабарингиз борму? — деди Салоҳиддин заргар ва тўсатдан кўзига ёш олди. — Билмасангиз билиб қўйинг, мавлоно. Мирзо Улуғбекнинг суюкли фарзанди, шаҳзода Абдулғазиз куёвимизни қатл эттириб, бир бандаи мўъминнинг манкуҳасини¹ тортиб олди ҳамда пайғамбар алайҳиссалом макруҳ деб билган ҳарамхонага жория қилди... Биз давлатпаноҳ мирзо Улуғбекдан меҳр-саховат кўрган бўлсак, унинг суюкли зурриётидан мислсиз азият чекдик, мавлоно Али!

Чол чўнтагидан анбар ҳиди анқиган ипак рўмолчасини

¹ Манкуҳа — жуфти ҳалоли.

олиб, кўз ёшларини артди. Мавлоно Муҳиддин ҳам ҳиқиллаб қолганини кўрган Али Қушчи кўзларини олиб қочди. Эсига устоднинг гаплари тушди: "Унинг жисми ногирон, Али. Қалби маҳзун..."

Ҳай аттанг! "Жисми ногирон, қалби маҳзун" бу шаҳзода улуғ падарининг бошига не кулфатлар солмади! Бир-икки ой Самарқандда қолганида кўп амирларни тазийқ остига олиб, онҳазратларига қарши қўйди. Устод эса, ота экан, уни жисми ногирон, қалби маҳзун деб, қон ютади!..

—Устод шаҳзоданинг бу разил кирдикоридан беҳабар эркан, узр сўрадилар,—деди Али Қушчи.

Салоҳиддин заргар юзини бужмайтириб қўл силтади.

—Узрдан не фойда? Бўлар иш бўлиб ўтгандур, мавлоно...

Али Қушчининг кўз олдига йўлда учраган Қаландар Қарноқий келиб, эриган кўнгли қайта музлади.

—Ҳа, таассуфлар бўлғайким, гишт қолипидан кўчгандур. Ва лекин... шаҳзоданинг бу тубан юмуши учун устоддан юз ўгирмоқ инсофдан бўлмас, тақсир...

Салоҳиддин заргар асабийлашиб, бир кўзғалиб олди.

—Мавлоно Али, ҳар бандаи мўъминнинг изми ихтиёри ўзидадур. Сиз бу хатарли юмушга бел боғлабсиз, ихтиёр ўзингизда. Аммо сиз таъриф этган ноёб хазина деб, камина бор-йўғимни, авлуду аждодларимнинг ҳаёт-мамотини қурбон қилмоқни лозим кўрмаймен. Вассалом!

"Ниҳоят бу қари тулки кўнглидаги бор гапни айтди!"—Али Қушчи вўжудини қамраб олган титроқни зўрға босиб, чолга юзланди.

—Сиз бу хатарли юмушдан чўчимасангиз ҳам бўлуғ эди, тақсир. Ҳузурингизга келмоқдан муддао озроқ пул ва маслаҳат сўрамоқ эди, холос!

—Пул?

—Қўрқманг, тақсир!—деди Али Қушчи, "пул" сўзини эшитган Салоҳиддин заргарнинг дарҳол сергакланганини кўриб.—Устод бу ишда даркор бўлур деб, бир оз тилла ва қимматбаҳо тошлар қолдирди...

Салоҳиддин тархон энтикиб:

—Қимматбаҳо тошлар?—деб сўради.—Қандай тошлар?

—Камина бу тошларнинг қийматини билмаймен. Аммо устод айтдиларким, бу тошлар бобоси Амир Темурдан қолгандур...

Салоҳиддин заргарнинг юзига қон тепиб, чуқур ботган тийрак кўзлари чақнаб кетди:

—Жаннатмакон Амир Темур тошлари... Мавлоно бу тошларни олиб келдиларми ё яширмишму?

—Яширдим...

—Қайга?—деди чол шивирлаб.—Ишончли жойгаму?

Али Қушчининг кўз олдига китоб терилган жавон келиб, ичида кулимсираб қўйди.

—Ҳа.

—Амир Темур тошлари... эҳтиёт бўлмоқ керак... зинҳор-базинҳор эҳтиёт бўлмоқ керак. Зеро, ажаб эрмаским, Мирзо Улуғбекнинг илм дурдоналарини бобоси Амир Темурнинг шу тошлари асраб қолса!.. Аммо...—чол Али Қушчи томонга энгашиб яна шивирлади:

—Бу сўзни ёлғиз фақир эшитдим, мавлоно. Бошқа бир кимса эшитмасин. Бу сўзни ўғлим ҳам эшитмасин!

Салоҳиддин заргаргина эмас, мавлоно Муҳиддин ҳам ранги ўчиб, кўзлари аллақандай чарақлаб кетганини кўрган Али Қушчининг кўнглидан: "Бу сирни очиб тўғри қилдимму, йўқму?" деган фикр ўтди.

Шу сабаб бўлдими ё Салоҳиддин заргарнинг таҳдидли сўзлари қаттиқ таъсир этдими, ишқилиб, Али Қушчи ота-бола билан хайрлашаркан, юрагига совуқ бир ваҳима ёпирилиб келди-ю, нечундир ҳужрада мунғайиб ўтирган энаси Тиллабиби эсига тушиб, юраги увишиб кетди.

7

Мирзо Улуғбек бултур Боғдод халифаси инъом қилиб юборган арабий оқ бедовида хаёлга чўмиб борарди. Амир Жондор билан амир Султоншоҳ барлос бошчилигидаги ҳировул қисмлар қўшиндан илгарилаб кетган, бир неча туман чап қанот ва қалб лашкари орқада келар, лашкарнинг кетидан аслаҳа ортылган туя ва хачирлар, баковуллар билан сарой маҳрамларининг соябон аравалари судралиб келарди. Бутун қўшин бир-икки тумандан ошмаса ҳам, кенг дашт лашкарга тўлиб кетганга ўхшар, сипоҳлар сон-саноқсиз туюлар, отларнинг кишнаши, эшак ва хачирларнинг қанграши, туяларнинг бўкириши еру кўкни ларзага солган эди.

Одатда бундай юришларда аълоҳазратни ўраб оладиган амирлар, туман бошлиқлари ва муқарраб-ус султонлар¹ бугун бирмунча орқада келар, гўё Мирзо Улуғбекнинг

¹ Муқарраб-ус султонлар—энг яқин кишилари.

хаёлини бузишни истамас эдилар. Ёлғиз шаҳзода Абдульазиз устига йўлбарс териси ёпинган бадавий арғумоғини аччиқ қамчилаб, дам олдинга, дам ён-вердаги қирларга чоптириб чиқар, у ўзини беташвиш, бепарво кўрсатишга уринар, лекин аллақандай хасталик чўккан кўзлари бежо чақнар, қалби саросимада экани қонсиз сўник юзида шундоқ акс этиб турарди. Лекин Мирзо Улуғбек ўғлига қарамас, у ҳамон нотинч хаёллар гирдобиди тўлганар эди.

Жайҳун сафаридан қайтганидан бери қантариб қўйилган арабий оқ бедов кумуш сувлиғини чайнаб бетоқат талпинар, депсиниб юлқинар, бу кенг даштда қушдай учгиси келарди. Оқ бедов юлқиниб сакраганида унинг пешанасидаги кокилига боғланган тилла қўнғироқчалар нафис жиринглар, кумуш эгарга тақилган нозик ҳалқачалар ажиб овозлар чиқариб шалдирар, лекин Мирзо Улуғбек буларнинг ҳеч бирини эшитмас, у ҳатто суюкли оқ бедови юлқиниб олдинга талпинаётганини ҳам сезмас, фақат ўзи пайқамгани ҳолда, қўлидаги ипак тизгинни маҳкам ушлаб ўтирарди.

Аввалги кунни кечаси ғам-андухдан уйқуси қочган Мирзо Улуғбек эски китобларни варақлаб ўтириб, ғаройиб бир ҳикоятга кўзи тушди. Кунлардан бир кунни донғи оламга кетган ҳинд подшоси ўзининг энг яқин маҳрамлари билан овга чиққанмиш. Маҳрамлари орасида ёлғиз ўғли ҳам бор экан. Подшо елкасига суюкли қора бургутини қўндириб, дарё ёқалаб от чоптириб бораркан. Орқада амирлар ва навкарлар чопиб келаркан. Подшо узоқлашиб кетаётганини кўрган навкарларидан бири: "Подшоҳи олам, тўхтанг, бу тўқайлар хатарли, қамишзорларда йўлбарс бор", деб қичқирибди. Лекин подшо унинг гапига қулоқ солмай олдинга интилибди. Арғумоғига аччиқ қамчи босиб тўқайзорга от солдириб кетибди. Баногоҳ от туёқлари тагидан иккита тилларанг тулки чиқиб қочибди. Подшо арғумоғининг бошини қўйиб, қувиб бораркан, тулкилар олдин тўрттага, кейин саккизтага айланган, баъзилари гўё уни мазах қилаётгандай бошларини буриб, тиржайган эмиш. Шунда подшо дарғазаб бўлиб, қанот қоқиб талпинган суюкли бургутини қўйиб юборибди. Лекин осмонга чиққан суюкли бургути от туёқлари остида жилпанглаган тулкиларга эмас, унинг ўзига ҳамла қилибди. Подшо жон аччиғида ханжарини суғуриб олиб, бургутга ўқталибди. Аммо бургут чап бериб унинг ўнг кўзини ўйиб олибди-ю, чап кўзига чанг солибди. Подшо додлаб ёлғиз кўзи билан

қараса, қора бургут эмас, қора либос кийиб бургут қиёфасига кирган ўз фарзанди бўлиб чиқибди...

Мана икки кун бўлди, бу ҳикоят хаёлидан кўтарилмайди. Ҳозир ҳам шу ҳикоятни ўйлаб бораркан, нечундир бундан чорак аср муқаддам қипчоқ хони Бароқхон унга қарши бош кўтариб чиққанида кўрган ёмон бир туши эсига тушди. Бу туши Сайхун бўйларида, Ясси ва Сигноқ шаҳарлари учун бўлган жангу жадалда рўёбга чиққан эди!.. Мана, ўша тушни кўрганига салкам чорак аср ўтди, лекин ҳанузгача эсидан чиқмайди...

Ёши ўн бешга тўлмасданоқ Мовароуннаҳр тахтига ўтирган Мирзо Улуғбек гўё Ясси шаҳрида, Пири Муршид Яссавий мақбараси тепасида ўйнаб юрармиш, тўғрироғи, носуюкли хотини Ўғабегимдан қочиб мақбара тепасига чиқиб олганмиш. Хитойи ипак матоларга ўранган, қулоқларига оғир ҳинду зираклари, қўлларига бағдоди олтин билагузуклар таққан, бурни пучуқ, хунук Ўғабегим Мирзо Улуғбекни қувиб дахманинг тепасига чиқармиш, этагига ёпишиб, зино қилишга даъват этармиш. Шунда Мирзо Улуғбек ўзини лажувард гумбаз устидан пахта отармиш, лекин ерга қулаб тушмас эмиш, ногаҳон қанот пайдо қилиб, қуш бўлиб учиб кетармиш. Аммо Ўғабегим ҳам калхатга айланиб, уни яна таъқиб қилармиш...

Мирзо Улуғбек ўзини Ясси боғларига урармиш, лекин калхат қиёфасига кирган Ўғабегим дарҳол боғлар устида пайдо бўлармиш. Мирзо Улуғбек ундан қочиб яна лажувард гумбаз тепасига қўнармиш. Шунда қабрдан бобоси Амир Темурнинг ўктам овози янграр эмиш.

—Ҳой, шаҳзодаи валиаҳдим Муҳаммад Тарағай! Қайга қочурсен? Тўхта!

Мирзо Улуғбек қараса қабр устида жаннатмакон Пири Муршид эмас, бобоси Амир Темур турар эмиш! Эғнида қора мовут чакмон, бошида учи найзасимон мис дубулға, белидаги камарида олтин сопли қилич, бобоси қовоғини солиб, дарғазаб бўлиб турармиш.

—Султон Муҳаммад Тарағай!—дермиш у, қовоғи ёзилмай.—Мен сени ўн тўрт яшар чоғингда Мовароуннаҳр тахтига ўтқазганимда умидим шу эдими? Қани айт-чи, Мовароуннаҳр султони: мен бу дашти азимда Хожа Аҳмад Яссавийга бу мақбарани муаззамни нечун қурдирдим? Муродим не эди маним?

Уни ҳамини эркалаб гапирадиган бобосининг товушидаги бу қаҳр Мирзо Улуғбекни сескантирса ҳам, ўзини босиб жавоб берармиш:

—Бу мақбарани муаззамни қурдиришдан муддаонгиз ул пири муршид Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг покиза руҳини шод этмоқдур, қиблагоҳ...

—Ҳа, покиза руҳларини шод этмоқ!—деб кулармиш Амир Темур.—Бу мақбарани тикламоқдин яна бир муродим: бирламчи, қора халқни, иккиламчи, Олтин Ўрда ила Қалмоқ ва Дашти Қипчоқ хоқонларини титратмоқ эди!.. Нотинч қора халқ бу даҳмаи муаззамни кўриб даҳшатга тушсин, туну кун тиз чўкиб тавоф қилсин, эски ғанимларим бўлмиш Олтин Ўрда ила қалмоқ хоқонлари эса менинг сарҳадим шу маҳобатли мақбара эканини билиб даф бўлсин, ани босиб ўтмоқдан ҳайиқсин, деб барпо этган эдим буни! Аттанг! Олтин тахтимни сенга ишониб топширғанимда не бўлди? Ана, пастга қара! Қузғун Бароқбек суворийлари шаҳарни забт этар, бу муқаддас даргоҳни топтар, хор қилар!

Бобоси қалтироқ босиб, қисик кўзларида ўт чақнаб, шаҳарга имо қилармиш.

Мирзо Улуғбек қараса, атрофидаги шаҳар кўчаларида, икки ёни раста мавзеларда қалмоқбашара суворийлар, ойсимон эгри қиличларини ўйнатган ясовуллар сурон солиб от ўйнатишар, уйларга ўт қўйишар, ҳаммаёқ дуд ва ёнғин ичида қолган эмиш.

—Мовароуннаҳр ўт ичида қолди!—бақирармиш бобоси. — Сен эса бу орсиз хотининг бирлан бу мазор устида бешарми ҳаё ўйнашиб юрасен! Билиб қўй: бошинга бу тожни мен қўндирган эдим, мен олиб ташлаймен!.. Ё бу бадхоқларни сарҳадимдан даф этасен, ё тожимни қайтариб берасен!

Амир Темур қаҳр билан унга томон юрармиш. Мирзо Улуғбек даҳшатга тушиб, орқага тисарилармиш... У гўё асфаласофилинга қулаётгандай бўлиб уйғониб кетди... Лекин ўшанда уни бу мудҳиш тушдан ҳам кўра кўпроқ ҳайратга солган нарса шу бўлдики, тонг пайтида олис Яссидан унинг ҳузурига ўн нафар йигит арз қилиб келди: Сайхун соҳилида кўчманчилик қилиб юрган Бароқбек ботир Ясси ва Сигноқ шаҳарларини забт этиб, шаҳар теvaraгидаги гулдай қишлоқларни талон-тарож қилган эмиш.

Ҳайратга тушган Мирзо Улуғбек ўша заҳотиёқ лашкар тўплаб, Бароқхонга қарши юриш бошлади. Шу шошқалоқлик сабаб бўлдими, бошқами, Сигноқ ёнида, Сайхун бўйларида бўлган суронли жангда кўрган туши рўёбга чиқди. Агар тунда Али Қушчи айтган Қаландар Қарноқий ўз йигитлари билан дашти қипчоқлар сафига

риб кириб, отининг жilовидан тортиб олиб чиқиб кетмаганида, Мирзо Улуғбек эҳтимол ўз ғаними Бароқхон қўлига асир тушиб, шармандай шармисор бўларди...

Ё раббий! Унда у туш, бу сафар бу ҳикоят! Ундагидан ҳам даҳшатли ҳикоят! Бир кўзини ўйиб олиб, иккинчи кўзига чанг солган қора бургут! Ишқилиб, ўзинг шафе бўлгайсен, худованди карим!

Мана бир ҳафта бўлдики, у ҳар кеча зойича кўради, юлдузлар ҳаракатини кузатиб, ўз тақдирини билмоқни истайди, лекин аниқ бир фикрга келолмайди: илгари сутдай ойдин кўринадиган нарсалар энди аллақандай туман билан ўралган... Ё кўк унга ўз сирларини очишни тиламас, ё унинг ақл кўзгуси хиралашиб қолган.

Мияси ғовлаб кетган Мирзо Улуғбек бошини кўтариб, ён-верига қаради. Офтоб кўринмас, осмонни қора булут қоплаб олган эди. Далалар ва адирларда, ўриб олинган бугдойзорларда, ҳатто олис-яқиндаги боғларда бирон-бир одам қораси кўзга чалинмас, ҳатто қирларда моллар ҳам кўринмас эди. Гўё Мирзо Улуғбек лашкари эмас, таланчи қўшин бостириб келаётгандай тирик жон борки, бари қочиб ин-инига кириб кетган. Ҳа, фуқаро бобоси Амир Темур давридаёқ жанг-жадалдан безган, юраги зирқираб қолган. Бу қўшин, йўлни чангитиб, қир ва адирларни подадай қоплаб кетаётган бу лашкар кимники, маърифат-парвар шоҳ Мирзо Улуғбекникими ё шаҳзода Абдуллатифникими, ё бошқа бир бешафқат хоқоннинг босқинчи суворийларими—фуқаро бун билгиси келмайди, у урушдан чарчаган, шоҳларнинг қатлу қирғинидан безган!..

Мирзо Улуғбек оғир хўрсиниб олдинга, кўкимтир туман орасида элас-элас кўзга чалинган тоғларга тикилди. Илгарилаб кетган қўшин кўринмас, фақат олдиндаги ясси қир ва адирларда от ўйнатиб юрган суворийлар гуруҳи кўзга чалинар эди, холос.

Кўкимтир туман орасидан элас-элас кўринган доvon ортида аждодаларининг юрти ётибди. Раҳматлик бобоси Амир Темур ҳам, Мирзо Улуғбек ҳам кўҳна Кешга бўлакча меҳр қўйган эди. Кешда, Амир Темур ҳукми билан барпо бўлган Оқсарой дахмасида барлос уруғи зодагонларининг хоки ётибди! Бобоси Амир Темур бирламчи—доруссалтана Самарқандни обод қилган бўлса, иккиламчи—ўз она шаҳри Кешни обод қилдирган, туман орасидан базўр кўриниб турган доvon этагида эса одам кирса адашиб қоладиган "Боғи биҳишт"ни барпо қилдирган эди. Чиндан ҳам биҳиштга ўхшаган бу боққа олис Мисрия

хурмоларию хушбўй хитой олмаларини, Ҳиндистондан эса ажойиб банан дарахтларини келтириб ўстирган эди. Боғда, тоғ этагидаги хушбўй арчазорларда шохлари қулочга сиғмайдиган оқ архарлар, ўйноқи кийикчалар, кўзлари маъсум оҳулар гала-гала бўлиб юрарди. Тиниқ, шаффоф булоқларда, оқ мрамрдан ясалган ҳовузларда олтин балиқчалар сузарди... Бобоси Темур қийин сафарлардан чарчаб қайтганида, аксарият шу боғда ҳордиқ чиқарар, тоғ ёнбағридаги хушбўй арчазорларда ов қилар, хорижий улус элчиларини ҳайратга солувчи шоҳона зиёфатлар, маъракалар ўтказарди... Ким билсин, ҳозир бу боғда унинг қўшини турибдими ё шаҳзода Абдуллатифнинг лашкари забт этиб, ҳаммаёқни пайҳон қилмоқдами?.. Боя пешинда амир Султоншоҳдан хабар олгани кетган суюкли навқари Бобо Ҳусайн Баҳодир ҳанузгача қайтмади...

Кимдир орқадан келиб унинг тиззасига қўлини қўйди.

—Аълоҳазратлари афв этсинлар... Қўнмоқ даркор. Намози аср қазо бўлур...

Офтоб ботган бўлса керак, теварак қоронгилашиб қолган, ҳаво совиб, яна кечагидай этни жунжиктирувчи изғирин бошланган эди.

Мирзо Улуғбекнинг кўзи шаҳзода Абдульазизга тушди. Боя от ўйнатиб юрган шаҳзода энди қундуз ёқали сувсар пўстинига ўраниб, отда гужанак бўлиб ўтирарди. У аз рўзи азалдан шундай—дам шод-хуррамликдан оламга сиғмай ҳовлиқади, дам ғам-андуҳга чўмиб, мажнунсифат бўлиб қолади.

—Саройбон қайда?—деди Улуғбек ўғлига.—Тўхтамоққа фармон бер!

Сал ўтмай, орқада ноғора товуши янгради. Лашкар катта йўлнинг икки томонидаги ялангликда тўхтади. Ўнлик ва юзликларга бўлинган қўшин ҳар жой-ҳар жойда тўхтаб, гулхан ёқиб, овқат пиширишга тутинди. Ҳавода тезак ва шувоқ ҳиди анқиб, изғириннинг совуқ нафасини хиёл босгандай бўлди.

Аълоҳазратларининг юз кишилик ипак саропардасини йўлнинг сўл томонидаги "Қароқчи тепа" деган қирнинг этагига тикишди. Ундан пастроққа сарой маҳрамларининг чодирлари тикилди. Баковуллар саксовул ёқиб, найзадан узун сихларга бутун-бутун нимталарни қадаб кабоб пиширишга киришишди. Одатда бундай юришларда кечқурунлари барча амирлар, беклар, юришда иштирок этган саркардалар ва арқони давлатлар аълоҳазратларининг юз кишилик ипак чодирига таклиф қилинар эди.

Баковуллар дастурхонга энг яхши таомлар тортишар, олтин косаларда бода ва қимиз кўпирар, гоҳо машшоқлар ва раққосалар таклиф қилиниб, базми жамшид тонг отгунча давом этарди. Лекин ҳозир Мирзо Улуғбекнинг кўнглига қил ҳам сиғмас эди. У намози асрдан кейин тамаддига ёлғиз шайхулисом Бурҳониддин ҳазратларини таклиф этди. Шайхулисом Бурҳониддин қирқларга борган, соч-соқолига битта ҳам оқ ораламаган, кўринишдан нимжон бўлса ҳам, иқтидорли одам эди. У падари бузруквори шайхулисом Исомиддиндай доно ва закий муршидлардан бўлмаса-да, ҳар қалай, Мирзо Улуғбекка ён босиб, уни мутаассиб шайхларнинг фисқи фасодларидан муҳофаза қилиб келарди.

Шайхулисом Бурҳониддин беда устига тўшалган гилла билқ-билқ босиб тўрга ўтди. Тилла қандилга терилган шамлардан ёп-ёруғ чодирда ёлғиз ота-бола ўтиришар, Мирзо Улуғбек ҳам, шаҳзода Абдулғазиз ҳам бошларини осилтириб, хаёл уммонига шўнғишган эди.

Шайхулисом Мирзо Улуғбекнинг ёнидан жой оларкан:

—Сизга не бўлди, давлатпаноҳ?—деди унинг маҳзун чеҳрасига тикилиб.

Мирзо Улуғбек бошини кўтариб, шайхулисомга савол назари билан қаради.

—Ас-салотин зиллаллоҳу фил арз!—деди шайхулисом.—Яъники султонлар оллоҳнинг ердаги кўланкасидур. Иншооллоҳ, ишингиз ўнгидан келур. Бу ғам-андуҳ сиздай соҳибқиронга ярашмайду, онҳазратим!

"Булар мени талвасага тушган, деб гумон қиладу. Тожу тахтдан айрилиб қолишдан қўрқади, деб ўйлайду. О, хом сут эмган одамлар, одамлар!.."—Мирзо Улуғбек ер остидан ўғли Абдулғазизга кўз ташлади, гўё ундан иймангандай:

—Андуҳ чекмай не қилай, тақсир?—деди.—Бандаи ожиз ўз пуштикамаримдан бўлган фарзандим билан урушмоқдамен, салтанат талашмоқдамен...

Шайхулисом оғир салласининг печини орқага ташлаб секин бош чайқади.

—Ўз қиблагўҳининг иродаси фарзанд учун фарзи айндур¹. Анинг иродасига бош эгмаган фарзанд устидан ҳукм чиқармоқ падар учун ҳам фарз, ҳам қарздур, давлатпаноҳ!

¹

Фарзи айн—бажарилмоғи лозим буйруқ.

Мирзо Улуғбек буни ўзи ўйлаб юрган бўлса ҳам, шайхулисломнинг сўзи дилига хиёл тасалли бергандай туюлди. Отаси Шоҳруҳ Мирзодан эшитган бир ҳикоят беихтиёр эсига тушди.

Бобоси Амир Темур пирим деб, қўл берган Сайид Барака ҳазратлари жаҳонгирнинг юришларида ҳамиша бирга бўлар экан. Сайид Барака ҳазратлари Амир Темурнинг хушнудлигида хушнуд, қайғусида қайғудош экан. Бобоси олис Ўрол соҳилларида Тўхтамишхон билан жанг қилганида унинг аҳволи танг бўлиб, Олтин Ўрда лашкари устун кела бошлабди. Шунда Сайид Барака ҳазратлари бир ҳовуч майда тош олиб, сакраб отга минибди-ю, такбир садосини ўқиб наъра тортганича қўлидаги тошларни ёв томон сочиб юбориб, душман сафига бостириб кирибди. Буни кўрган бутун лашкар "ёв қочди" деган сурон билан ғанимлар сафига от солдириб борибди-ю, душманни пароканда қилибди.

Шайхулислом, гўё унинг ўйларига тушунгандай:

—Тожу тахт қўлингизда эркан, маҳкам тулинг, давлатпаноҳ,—деди вазминлик билан.—Саҳар-мардон йўлга чиқибмиз, ҳанузгача Кешдан чопар йўқ. Ҳировул қўшинларнинг аҳволи не? Бехабармиз...

Шайхулислом гапини тугатмаган ҳам эдики, ташқарида от туёқларининг дупури, посбонларнинг таҳдидли овозлари эшитилди. Кейин кимдир чодирга кириб, пойгакка юмалай кетди. Уни дабдурустан танимай қолган аълоҳазратлари шайхулисломнинг:

—Амир Жондор тархон?—деганини эшитиб, бир сапчиб тушди.

Ҳа, шайхулислом янглишмаган, ялангбош, белидаги шамшири бир томонга оғиб кетган амир Султон Жондор пойгакда юмалаб ётарди.

Мирзо Улуғбек қалтироқ босиб ўрнидан турди, ўз овозини ўзи танимай:

—Лашкар?—деб бақирди.—Ҳировул қўшинлар не бўлди?

Амир Жондор қадини ростлади, лекин Мирзо Улуғбекка тик қарашга юраги дов бермади. Қалпоқсиз, қилич изи қолган тақир бошини осилтирганича:

—Аълоҳазратлари бир қошиқ қонимдан кечгайлар,—деди.—Ҳировул қўшинлар қопқонга тушмиш.

—Сўзла!

—Давлатпаноҳ!—деди амир Жондор.—Шаҳзодаи жувонбахт камида ўн минг сипоҳни пистирмага қўйиб,

довонда кутиб ётган эркан. Бизнинг қўшинларни қопқонга тушириб, наҳангдай ютиб юборди...

—Амир Султоншоҳ қайда?

—Ўлимдан хабарим бор ва лекин амирдан хабарим йўқ, онҳазратим...

Мирзо Улуғбек чодирнинг ўртасида қора қундуз телпакли катта бошини эгиб, қотиб қолди. Тепадаги шамларнинг титроқ шуъласида у худди чўнг қояни эслатар, бошидаги учига дур қадалган қундуз телпаги, ёноқлари туртиб чиққан мисдай қорамтир юзи, қийғир бурни, ҳатто қалин жингалак соқоли—ҳаммаси тошдан ўйиб ясалганга ўхшарди.

—Тўнғақдай юмалаб ётмай ўрнингдан тур, амир!—деди у амир Жондорга.—Бошингдаги амирлик аломатинг қайда? Белингдаги қиличингни тўғрила! Боракалло сендай саркардага!—Мирзо Улуғбек ҳансираб сўзида тўхтади. Унинг томирларида бобосининг қони жўшар, юрагида бобосининг ҳислари кўпирарди.—Қуёнюрак амирлар! Агарчи сенлар шаҳзодадан қўрқсанглар, у билан ўзим олишамен!

Амир Жондор орқаси билан тисарилиб чодирдан чиқди. Мирзо Улуғбек ялт этиб ўғлига қаради. Шаҳзода Абдульазиз ранги ўчиб, кўзлари бежо жавдираб ўтирар, пастки жағи ғалати қалтирар эди. Мирзо Улуғбек юраги увишиб:

—Бор!—деди.—Ясовулбошига айт. Барча амирларга, аёғну боёнларга фармон берсин: дарҳол чаноқийга йиғилсин!..

Мирзо Улуғбек жойига бориб ўтирди, у ҳамон қалтирар, кўзларининг чақнашида, бурун катаklarининг пирпирашида бўлакча бир қатъият ва шиддат бор эди. Шайхулислом Бурҳониддин секин эгилиб унинг тиззасига қўлини қўйди.

—Аёлоҳазратлари не қилмоққа жазм этдилар?

—Урушмоқ!—деди Мирзо Улуғбек кескин.

—Иншооллоҳ, ишингиз ўнгидан келгай!—деди шайхулислом.—Аммо... бандаи ожизнинг маслаҳати бу эрур: бир-икки туман лашкарни ишончли амирларга топшириб, қолган лашкар билан Самарқандга қайтмоқ мақбул. Қалъа мустаҳкам, фуқаро сизга содиқ, онҳазратим...

Мирзо Улуғбек мийиғида кулимсиради.

—Ишончли амирлар... кимдур?

—Амир Султоншоҳ бор, амир Жондор бор, аёлоҳазратим...

—Тағин?

—Ўйлаб кўрмоқ даркор... Бу масала бандаи ожиздан кўра сизга аёнду, онҳазратим.

Мирзо Улуғбек индамади. Сал ўтмай, чодирга биринкетин лашкарбошилар, туман ва ҳазора саркардалари, сарой маҳрамлари кириб келишди. Сарой удумига кўра, ҳар ким ўз рутбасига қараб катта саропардадан жой олди.

Биринчи бўлиб ўнг қанот саркардаси амир Идрис тархон кирди. Мўйловга ўхшаган қошлари бир-бирига туташиб кетган бу сертук амир қовоғини ёзмай таъзим қилди-да, камоли виқор билан юриб шайхулисломнинг ёнидан жой олди. Ундан кейин семизлигидан ҳансираб нафас олган, юм-юмалоққина амир Искандар барлос кирди, кирди-ю, қўл қовуштирганича пилдираб бориб тўрдаги қоронғироқ бурчакка тиқилди. Амир Искандар барлосдан кейин амир Жондор кирди. У бошига тилладан жило берилган ва амирлик аломати тақилган пўлат дубулға кийиб олган, эғнида қизил мовут тўн, белида олтин бандли қилич, хатти-ҳаракатларидаги бояғи тараддуд ва қўрқув йўқолиб, яна амирларга хос маҳобат ва кибри ҳаво пайдо қилган эди. Мирзо Улуғбекнинг ишораси билан у шайхулисломнинг ёнидан жой олди.

Ҳамма сукут сақларди. Мирзо Улуғбек уйқусизликдан қизарган кўзлари билан амир ва саркардаларига бир-бир тикилди. Мана унинг суянган тоғлари! Ҳаммасининг устида авраси мовут сувсар ва тулки пўстин, қимматбаҳо кимхоб тўн, бошларида лаъл ва инжу қадалган қундуз телпак, тилладан жило берилган учлик дубулға, белларида кумуш ва олтин камар, дасталари фил суягидан ясалиб, дур қадалган қилич ва ханжар... Буларнинг ҳаммаси Улуғбек даврида аркони ҳарб ва аркони давлат бўлишди, юксак рутбалар олишди. Лекин бу кун бошига мушкул тушганида қай бирига инонади? Қай бирига суянади—буни онҳазратларининг ўзи ҳам билмайди!..

Ниҳоят, Мирзо Улуғбек томоқ қириб:

—Шавкатмаоб зоти олийлар!—деди, ҳар бир сўзини салмоқлаб.—Сизларни маслаҳатга чақирмоқдан мурод—машъум хабарни маълум қилмоқдур. Олдинда кетган ҳировул қўшинлари довонда пистирмада ётган шаҳзоданинг қопқонига тушибдур!..—Мирзо Улуғбек бу сўзлар амирларга қандай таъсир этганини билмоқчи бўлиб, яна ҳаммага бир-бир тикилди. Лекин ҳеч кимнинг кўзига кўзи тушмади: ҳамма бошини эгиб, чурқ этмай ўтирарди.—Бу талафотнинг сабаби шуким, биз инонган лашкарбошилар, мислсиз разолатга бориб, шаҳзода тарафига қочиб ўтмишлар... Бу машъум хабарни айтмоқдан яна бир муддао шуким, кимки юрагида шубҳа ва қўрқув сезса...

жанг-жадални кутмай шаҳзода тарафига ўтсин! Биллоҳ, берган туз-ноним, инъом қилган олий мартабаларимга розимен!

Ҳеч кимдан сас чиқмади.

Мирзо Улуғбек истеҳзоли кулимсираб:

—Маълумингиз бўлғай,—деди,—шаҳзода Абдуллатифнинг лашкари қирқ мингдан ортиқдир...

Амир Жондорнинг алақандай пишиллаб нафас олганини эшитган Мирзо Улуғбек ялт этиб унга қаради.

—Амир Жондор, сиз не маслаҳат берасиз?

Амир Жондор барваста гавдасига мос тушмаган бир чаққонлик билан апил-тапил ўрнидан туриб, бош эгди:

—Давлатпаноҳ нени лозим кўрсалар, биз шунга бош оғамиз.

—Амир Искандар барлос?

Амир Искандар калта қўлларини юмалоқ қорни устига қўйиб бидирлай кетди:

—Амир Жондор ҳақ гапни айтдилар. Ҳукмингизга бўйсунармиз, онҳазратим!

—Ҳукмингизга бўйсунармиз!.. Ўз бошларинг қайда?

—Бошимиз сизнинг қўлингиздадур, давлатпаноҳ...

"Ҳа, бошларинг қўлимда, аммо қалбларинг кимнинг ихтиёрида? Таассуфлар бўлғайким, бундан беҳабармен!" Мирзо Улуғбек ер остидан бир амир Идрис тархонга, бир шайхулисломга қараб қўйди:—Ихтиёрим шулким,—деди қовоғини уйиб,—ҳақ таолодан мадад тилаб... жанг қилармиз!.. Бошқа не маслаҳат бор?

Ҳеч кимдан ун чиқмади. Шайхулислом ўрнидан бир кўзғалиб қўйди-ю, лекин индамади.

Мирзо Улуғбек шиддат билан қўл силтаб:

—Чаноқий тамом,—деди.—Қўшинлар шай бўлиб турсин. Сизларга рухсат, зоти шарифлар...

Амирлар гўё шуни кутиб тургандай "гурр" этиб ўринларидан туришди, қўй галасидай бир-бирларини турткилаб, ташқарига отилишди. Зум ўтмай чодирда фақат шайхулислом билан шаҳзода Абдулғазиз қолди.

Мирзо Улуғбек чодирни бир айланиб, яна ўз жойига ўтди, лекин ўтиришга улгурмади, от туёқларининг дупурини эшитиб, кўрпача устида тўхтади.

Чодирга Бобо Ҳусайн Баҳодир кирди, пойгакка тиз чўкиб, бошини саждага қўйди. Тиз чўкканида суворий либосининг темир ҳалқачалари шалдираб, этигига теккан қиличи шарақлаб кетди. Унинг бошидаги дубулғаси бир томонга қийшайган, сақичдай қоп-қора соқол-мўйлови,

бўғриққан юзи қора терга ботган, ўзи ҳансираб нафас оларди.

Мирзо Улуғбек бир ҳатлаб суюкли навкарининг ёнига келди.

—Хўш? Сўзла!

—Давлатпаноҳ... ҳировул қўшинларни шаҳзоданинг комига итарган... амир Султоншоҳ тархонни икки ўғли билан қўлга туширдик...

—Қайда?

—Йўлда келадур. Қочмоққа жазм қилиб турганида қўлга туширдик. Амир қаттиқ жароҳатланган...

Мирзо Улуғбек: "Мана, кирдикорларинг оқибати!" дегандай ўғлига қаради: Султоншоҳ тархон амир Иброҳимбекнинг қайнағаси, шаҳзода қатл қилган бекнинг тоғаси эди...

Шаҳзода Абдульазиз отасининг қаҳрли нигоҳи остида аллақандай питирлаб, сўз тополмай бидирлаб қолди.

Мирзо Улуғбек уф тортиб суюкли навкарининг ҳорғин чеҳрасига тикилди.

—Хўп, амирни қўлга туширибсен, уни қатл қилурмиз. Хўп. Лекин бундан не фойда? Катта қўшин қопқонга тушган... Энди не қилмоқ даркор? Сўзла, Бобо Ҳусайн!

Бобо Ҳусайн бошини кўтариб, Мирзо Улуғбекка тик қаради.

—Доруссалтанага қайтмоқ даркор, онҳазратим,—деди у қатъий. —Шаҳзода салоҳиятли лашкарбошидур. У қаллоблик йўлига ўтгандур. Бу йўсин барчамизни комига тортадур, валинеъмат.

—Доруссалтанага қайтсак комига тортмасму?

—Доруссалтана мустаҳкам,—деди Бобо Ҳусайн.—Лозим бўлса қалъа ёнида жанг қилурмиз, оллонинг паноҳида голиб келсак нур устига нур, мағлуб бўлсак доруссалтанага кириб қопқаларни ёпурмиз, давлатпаноҳ...

Мирзо Улуғбек ер остидан шайхулисломга қаради. Шайхулислом Ҳусайн Баҳодирнинг сўзини маъқуллагандай бош ирғади. Шаҳзода Абдульазиз эса ияги қалтираб:

—Маъқул маслаҳат,—деди дудуғланиб.

Мирзо Улуғбекнинг хаёлидан:

"Оғасидан қўрқади!"—деган фикр ўтди.

Унинг кўксида ҳамон бир-бирига зид ҳислар туғён қилар, лекин бу туғён сўна бошлаган оловга ўхшар—тафти қайтган эди.

Мирзо Улуғбек навкарига қарамай қўл силтади.

—Хўп... Қўшинларга фармон бер, баҳодир, орқага қайтамиз!

Бобо Ҳусайн бошидаги дубулғасини тўғрилаб, қўлини кўксига қўйганича чодирдан чиқди. Унинг кетидан шайхулислом Бурҳониддин ҳам қўзғалди. Шаҳзода эса юзтубан тушиб ётиб олди. Буни кўрган Мирзо Улуғбек, юраги зирқираб, ташқарига чиқди.

Машриқ томон билинар-билинемас оқара бошлаган, лекин осмон ҳануз гуж-гуж юлдузларга тўла эди. Кечаси саҳрода лов-лов ёнган гулханлар сўнган, лашкарлар, гўё қоронғиликка сингиб кетган, фақат ҳар жой-ҳар жойдаги чодирлар қорайиб кўринар, даштда, айниқса машриқ томонда ўтлаб юрган отлар, туялар, хачирлар кўзга чалинар, қоронғида кишанларнинг шарақлаши, посбонлар шақилдоғининг шақиллаши эшитилар, олисда узоқлашиб кетаётган от дупури қулоққа чалинади...

Мирзо Улуғбек қўлларини кўксига қовуштирганича осмонга тикилиб узоқ турди.

О, юлдузлар... юлдузлар!.. Мирзо Улуғбек эллик йил уларга ошифта бўлди. Кечаларни бедор ўтказиб, ҳар бир ситора, ҳар бир юлдузнинг буржини, яъни, ҳаракатидаги чамбар йўлини кузатди. Ҳайҳот! Қирқ йил умрини сарф қилиб, юлдузлар сирини, коинот сирини ўрганди-ю, замин сирига, инсонлар ҳаётига келганда ғафлатда қолди. У фалак сирларини билсам, замин ва ҳаёт сирларини ҳам билурмен, деб ўйлаган эди. Йўқ, янглишди! Фалак сирларининг бир четини хиёл очгандай бўлди, лекин инсоният, наинки инсоният, ҳаттоким ўз пуштикамаридан бўлган зурриётларининг юракларига қўл солиб кўролмади, матлаблари не? Билолмади!..

Мирзо Улуғбек хаёли қуюндай чарх уриб, яна бахмалдай тиниқ тубсиз фалакка кўз тикди.

Э, парвардигори олам!

Нечун биз бандаларингни бундай норасо қилиб яратдинг? Мунаввар каломингда инсофу адолатга чорлайсен, меҳру шафқатга, имону диёнатга даъват этасен. Бани одам эрса бунинг тескарисини қилғони-қилғон. У дунё гамини سموқ ўрнига, бу дунёнинг ўткинчи шон-шуҳрати ортидан чопғони-чопғон. Вафо ўрнига жафо, садоқат ўрнига хиёнат, фисқи фасод, ғийбат. Камтарлик ўрнига такаббурлик от сурадур... Биламен: банданг бошига савдо солсанг уни синамоқ матлабида солсанг бу савдон. Бошимга не мусибат тушмасин сендан нолимаймен, биль-акс, минбаад шукрона айтамен. Аммо бандаларингнинг бани одамга номуносиб бу тубанлиги дилимни хуфтон, юрагимни қон қилади. Ўзинг инсоф бергайсен уларга, э яратган эгам. Ўзинг инсоф бергайсен...

Ана, уфқда, осмон оқара бошлаган жойда, унинг суюкли сайёраси—Зухро юлдузи порлаб турибди! Ундан юқорироқда, анча нарида, Муштарий аллақандай сўник милтирайди. Мунажжимлар, бу икки юлдуз бир-бирига яқин келган йили туғилгани сабаб, бобоси Амир Темурнинг бошига ҳумо қуши қўнган, дейдилар. Мана, бу икки ситора яна яқин келди. Лекин қани ўша, мунажжимлар айтган ҳумо қуши? Ё у шаҳзоданинг бошига қўнадурму?..

Мирзо Улуғбекнинг хаёлини ноғораларнинг гумбур-гумбури, карнайларнинг суронли наъраси бўлди. Оқара бошлаган даштда от чоптириб юрган одамлар кўринди, қароргоҳ чўп суқилган ари уясидай ғувиллаб қолди.

Мирзо Улуғбек таҳорат олиб, чодирга қайтди.

Сал ўтмай, оёққа турган қўшин орқага, доруссалтана Самарқандга қараб йўл олди.

8

Жаноб Низомиддин Қаландар Қарноқийни бомдод намозига чақиртирган эди. Мана, кун ботиб, намози асрга азон айтилди ҳамки, ҳануз ҳузурига таклиф қилмади.

Ҳазратнинг ички-ташқи ҳовлиси "Мозори калон"га яқин, ичкари ҳовлисидаги кошоналари масжидга ёндош эди. Лекин ҳазратлари бу кун масжидга ҳам чиқмади. Кун бўйи ҳузурларидан одам аримади. Чопар устига чопар келар, арбоби дин ва аркони давлат, аён ва боёнлар, амирлар ташриф буюришар, қўш тавақали залварли дарвоза бир сония ҳам ёпилмас эди.

Қаландар Қарноқий ташқи ҳовлининг ўртасида, мармар сарҳовуз бўйидаги шосупада ўтириб, келган-кетганларни кузатар эди. Бир неча кундан бери Самарқандни ялаб-ямлаб эсаётган изғирин кундуз сал пасайди-ю, кечқурун яна авжга миниб, ҳовуз атрофидаги чинор ва оқ теракларнинг япроқларини тўзғитиб юборди. Шамолда чирс-чирс узилган хазонлар мармар сарҳовузнинг тиниқ сатҳига, ҳовуз атрофидаги гулзорга, ҳовли саҳнига гилам бўлиб ёзилар, бошларига учлик чамбарак қалпоқ кийган ёш муридлар бир лаҳза тинмай тўкилган хазонларни супуриб олишар, меҳмонлар ўтадиган хиёбонларни ёғ тушса ялагудек қилиб тозалашар эди.

Тушгача келган меҳмонларнинг аксарияти тўнлари остидан суворий совут кийиб, камарларига қилич ва ханжар таққан, юриш-туришларидан виқор ёғилиб турган

суворийлар, бек ва бекзодалар эди. Тушдан кейин эгни-ларига қизил зарбоф тўн, бошларига сувсар бўрк ва қора қундуз телпак кийган бир гуруҳ зодагонлар даврасида доруссалтана доруғаси Мироншоҳ кириб келди. Мироншоҳ олтмишлардан ошган, йўғон, норғул одам эди. Унинг рапидадай юм-юмалоқ, қип-қизил юзида, аланг-жаланг кўзларида аллақандай тараддуд бор эди. Мироншоҳдан кейин почапўстинлари устидан оқ шойи тўн кийган, бошларига оппоқ ипак салла ўраган ва ўзлари ҳам оқ ғозлардай камоли виқор билан одимлаган бир гуруҳ уламолар кириб келишди. Улар орасида Самарқанд қозиси Хожа Мискин жаноблари ҳам бор эди. Кўзлари тийрак, чеҳрасидан шиддат ёғилиб турган қозиюл-қуззот пешвоз чиққан муридларнинг саломига алик ҳам олмай, асосини дук-дук уриб, ички ҳовлига ўтиб кетди...

Қози жаноблари ичкарида узоқ ўтирди-ю, Қаландар яна ҳовуз бўйида кутиб қолди. Ё уни чақиртиргани ҳазратларининг ёдидан кўтарилидикин?

Қаландар Қарноқий жаноблари билан шу йил кўкламда, Хуршида бонудан умидини узиб, Шоҳизинда хонақоҳидаги дарвешлар жамоасига қўшилган пайтларида учрашди...

Қаландар дарвешлик хирқасини кийишга кийиб, пушаймон чекиб юрган пайтлар эди.

Қаландар Қарноқий мадрасада таълим олиб юрган чоғларида фоний дунё лаззатидан юз ўгириб фақат у дунёни ўйлаган жулдур кийимли бу дарвешларга ҳавас қилар, бир бурда қаттиқ нон, бир пиёла совуқ сувга сабру қаноат қилиб, кўча-кўйларда ҳамду сано ўқиб юрадиган бу гадолар кўзига фаришта бўлиб кўринар эди.

Аммо баъзан, кундуз бошларига кулоҳ, эгниларига жулдур жанда кийиб, кўча-кўйларда ҳу-ҳулаб, бозор ва расталарни дарбадар кезиб юрадиган бу гадолар, шони ғарибонда хонақоҳга қайтгач, тамом бошқа қиёфага кирар экан. Тор хонақоҳда наша ҳиди бурқсир, қора қумғонлар биқирлаб қайнар, баъзилар кўкнори эзар, баъзилар жулдур белбоғларини ечиб, қора дориларини олар, шундан кейин кайфу сафо, фисқи фасод, ғийбат, гоҳида уриш-жанжал бошланиб кетар эди. Ҳайратда қолган Қаландар Қарноқий бир ўйида бошини олиб қочмоқчи ҳам бўлди. Лекин кейин бу ҳам оллонинг бир синовидур, деган хаёлга бориб, сабр қилди. Хонақоҳнинг энг хилват жойларига кириб олиб, тариқат билан машғул бўлди.

Ҳазрат билан учрашадиган куни ҳам худди шундай

бўлди. Қаландар шифти паст қоронғи хонақоҳнинг энг хилват жойига кириб олиб, жимгина тиловат қилиб ўтирарди. Ногаҳон ғала-ғовур тиниб, хонақоҳ сув қуйгандай жимжит бўлиб қолди. Қаландар Қарноқий буни сезса ҳам, кўзини очмай оҳиста тебраниб, зикр тушишда давом этди. Шу пайт кимдир уни қаттиқ туртди.

—Бу не гумроҳлик? Не беадаблик?

Қаландар секин бошини кўтарди. Хонақоҳнинг эшигида, нуқул оқ жома кийган муридлар даврасида...оппоқ соқоли кўксига тушган, баланд бўйли, ниҳоятда кўхлик бир чол унга ўткир кўзларини қадаб турарди. Уни туртган қаландарбоши—"Қашқир" лақабли ғилай дарвеш кўзлари ола-кула бўлиб бақирди:

—Беадаб гумроҳ! Тур ўрнингдан! Валинеъмат пиримиз жаноб Хомуш ҳазратлари фақир хонақоҳимизга қадамранжида қилгандурлар...

Қаландар Қарноқий ўрнидан тура бошлади-ю, боши хонақоҳнинг шифтига тегиб, икки букилганича қолди. Жаноб Хомуш ундан ўткир кўзларини узмай ном-насабини сўради.

—Даргоҳи илоҳийнинг гадоий,—деди Қаландар исмини айтгиси келмай. Жаноб Хомуш Қаландарнинг куч ёғилиб турган бақувват жуссасига яна бир бошдан-оёқ разм солди-да, индамай хонақоҳдан чиқди. Эртасига ҳазрат уни Бағдод қишлоғи ёнидаги ёзги қароргоҳига чақиртирди. Мусаффо булоқ бўйидаги ёш садалар соясида, шерозий ғиламлар тўшалган шосупада ўтириб, Қаландар билан узоқ мусоҳаба қилди, доруссалтанага қачон, не тилакда келганини, насл-насаби, авлод-аждодларини бир-бир сурштирди. Унинг фоний дунёни тарк этиб, гадолик йўлини ихтиёр этганини маъқуллади, юз хил ноз-неъматлар билан меҳмон қилиб, кўнглини олди. Сўнг, Шоҳизинда хонақоҳидан "Мозори калон" ёнидаги дарвешлар хонақоҳига ўтишини ва теваракка кўз-қулоқ бўлиб туришини топширди. Бундан бир-икки ой муқаддам ҳазратлари уни яна чақиртирди. Бу сафар "Мозори калон" хонақоҳидан Гўри Амир ёнидаги қаландархонага ўтиб, Кўксаройдаги ишлардан воқиф бўлиб туришини тайинлади.

Ҳазратнинг бу тилаги Қаландарни бир ҳайратда қолдирса, бир изтиробга солди. Ҳайҳот! У зоҳидликка юз тутиб, гадолик йўлига кирганида бу бебақо дунё юмушларидан қўл ювиб, тун-кун тариқат билан бўлармен, деб ўйлаган эди. Жаноб Хомуш бўлса тариқатни қўйиб, айғоқчилик қил, деди. Қаландар эса, гарчанд мадрасани

тарк этган бўлса ҳам, кўнглида Мирзо Улуғбек ҳазратларига ҳеч бир гина-қудурати йўқ, билъакс, юрагининг бир четида ҳамон илиқ ҳислар милтираб турарди. Зотан, айғоқчилик қилиш фикри уни ижирғантириб юборди. У кўнглидаги шубҳаларни жанобга билдирмай, Гўри Амир ёнидаги хонақоҳга кўчиб ўтди, лекин ҳазратлари айтгандай, кечалари зикр тушиб, Кўксарой теварагида дайдиб юрмади. Мирзо Улуғбек олдига кимлар кириб, кимлар чиқишини пойламади... Мана энди, ҳовуз бўйидаги шосупада келган-кетганларни кузатиб ўтираркан, Қаландар Қарноқий ҳазратнинг не муддаода чақиртирганини ўйларди. Балки жаноб ундан норози бўлгандир ё билъакс, бу икки ойда қилган юмушларидан ҳисоб сўрамоқ мақсадидадир? Сўраса не дейди? Қандай жавоб беради?

Ана, ниҳоят, ичкари ҳовлининг эшиги очилиб, нуқул оқ жома кийган уламолар қуршовида доруссалтана қозиюл-қуззоти Хожа Мискин жаноблари кўринди. Лекин қози жанобларини кузатиб чиққан муридлар дарвозанинг зулфини солиб улгурмаган ҳам эдиларки, у яна тақиллаб қолди.

Қаландар Қарноқий қизиқсиниб дарвоза томонга қаради, қаради-ю, юраги бир ҳаприқиб тушди. Дарвезадан кирган одам... Хожа Салоҳиддин заргар эди!..

Эғнида авраси кимхоб, олмахон пўстин, бошида учига дур қадалган тулки телпак, заргар, кичкина, лекин пишиқ қоматини тик тутиб, фил тишидан ясалган асоси билан ерни дук-дук уриб ўтиб кетди. У Қарноқийни кўрмади. Қарноқий ўтирган томонга қайрилиб қарамади, лекин қараганда ҳам соч-соқоли ўсиб кетган, эғнига жанда, бошига эски кулоҳ кийган бу фақир дарвешни танирмиди?

Қарноқийнинг эсига мавлоно Али Қушчининг совчилиги ва бу такаббур чолнинг айтган гаплари тушди: "Бу мусофир шоир мадрасада мутолаа қилурмен деб, ақлидан озидур... Ул фақир Салоҳиддин заргарнинг набирасини сўрамоқдан аввал қорнини тўйдурсин!"

Рост, Қарноқий бу сўзни мавлоно Али Қушчининг оғзидан эмас, бошқа бир одамнинг оғзидан эшитди. Совчиликдан қайтган устод эса унинг кўнглини кўтаришга, ҳар хил ҳикоялар айтиб уни овунтиришга уринди. Лекин устоднинг маънос чехрасида шундай бир изтироб барқ уриб турардики, Қарноқий гап-сўзсизоқ ҳаммасига тушунди... Мавлоно Муҳиддин-чи? У бир неча кунгача шогирдининг юзига тик боқолмай, ўзини четга олиб юрди. Лекин

бундан не фойда? Бунчалик ерга уриб, хор қилар экан, бошда уни шогирдликка олиб не қиларди? Уйида ожизалар учун дарсхона очиб, Хуршида бонунинг мутолаасини унга топшириб не қиларди?..

О, ўша кунлар! Мавлоно Муҳиддиннинг жавонлари китобга тўла осуда хонасида ўтган масъуд дақиқалар!.. Хуршида бону ҳамиша юзига қандайдир зар толалар сочилган ҳарир ипак дурра ташлаб, бежирим кобулий кавушчаси билан ерни унсизгина босиб, оҳиста кириб келар эди. Бону ўртага тутилган ҳарир дарпарданинг у томонида ўтирар, ўзиям аввал жуда ийманиб, бошини бир томонга эгиб, жимгина қулоқ солар, лекин мутолаа давомида очилиб кетар, юзини тўсиб турган ипак дурраси бир четга сурилиб, ҳаё ва ҳаяжондан ял-ял ёнган мулоийм юзи, чарақлаб турган оҳу кўзлари, бутун ёшлик латофати, иффати, ҳаёлий гўзаллиги билан намоён бўларди... Қаландар Қарноқий ўзининг илк шеърларини ўша мутолаа хонасида битган ва илк бор Хуршида бонуга ўқиб берган, зотан уни шоир қилган ҳам шу дилбар ва оқилад қиз эди... Ҳа, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрмаган, ўн гулидан бир гули очилмаган бу нозик қиз... қирққа бориб қолган, чекмаган заҳмати, кўрмаган балоси қолмаган Қаландардан донороқ чиқди: Қарноқий қизга ўз кўнглини очиб, совчи юбормоқчи эканини айтган кечаси... ундан кичик бир мактуб олди. Қиз у билан хилватда учрашмоқни тилаган эди.

* * *

Улар мавлоно Муҳиддиннинг боғида, жар бўйидаги кекса ёнғоқ тагида учрашдилар.

Ургут тоғларидан ғир-ғир шабада эсиб турган, илиқ баҳор оқшоми эди...

Оёғига қўнжи гулдор қизил сахтиён этикча, эгнига пуштиранг шойи кўйлак устидан бели хипча мурсак кийиб, бошини оқ тивит рўмол билан танғиб олган Хуршида бону, қўлида қандайдир тугунча, ёнғоқ остига айтган пайтига етиб келди. У қалтирар, оёғида зўрға турар эди. Бонунинг келишига ҳануз инонмай титраб турган Қарноқий эс-ҳушини йўқотиб, довдираб қолди. Бону эса, энтика-энтика дарҳол қочишни, Самарқанддан бош олиб чиқиб кетишни илтимос қилди. Қаландар бўлса... (О, саҳройи содда, ҳақ-таоло девдай қадду қомат бериб, ақл бермаган анқов!) Қаландар бўлса устодини

ўйлади. Устодини ранжитмоқ, ўз падарини ранжитмоқ билан баробар, деган нақлни эслади. Олдин совчи юборай, агар рад жавоби олинса, кейин қочурмиз, деди. Бону унинг сўзини жимгина эшитди-ю, тўсатдан ёнғоқ тагидан отилиб чиқиб, ҳовлилари томон йўналди. Лекин уч-тўрт қадам ўтмасданоқ нимагадир қоқилиб йиқилди. Турган жойида карахт бўлиб қолган Қаландар бонуга қараб югурди. Бону оҳиста инграб дарахт шохлари орасида питирлаб ётар, рўмоли бошидан тушиб, сочлари тўзғиб кетган эди. Қаландар унинг ёнига тиз чўкди. У қизни белидан кучиб, кўтариб олмоқчи бўлди. Лекин бону: "Қўйинг!" деди-ю, ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди.

—Бону!

—Ушламанг! —Бону қўлини тортиб олди-да, бўйнидаги зеб-зийнатларини шалдиратганича, оқсоқлана-оқсоқлана ҳовлилари томон югурди. Сал ўтмай боғ эшик тарақлаб ёпилди.

Қаландар ҳамон умидини узолмай эшикка борди. Ичкаридан бонунинг пиқ-пиқ йиғиси эшитилар, унинг йиғиси худди ҳақоратланган қизчанинг йиғисидай бедаво, ўксик эди. Қаландар қуруқшаб-қовжираб қолган лабларини эшик тирқишига тутди:

—Бону, азизам!..

Жавоб ўрнига эшик зулфинларининг шарақ-шуруғи эшитилди.

Қаландар сармаст одамдай гандираклай-гандираклай орқасига қайтаркан, боя бону йиқилган жойдаги шох-шаббалар орасида ялтиллаб ётган бир нарсага кўзи тушди. Энгашиб қараса... кафтдеккина дафтарча!

Қизил духобага ўралган дафтарчанинг жилдига —Қаландар буни кейин, мадрасага қайтгач кўрди—зар билан шу сатрлар битилган эди:

"Ногоҳим йўлладур, келгайми деб, зинҳор билмайсен,
Кўнгил оҳин билурми деб, кутармен, ёр, билмайсен.
Топиб ёлғиз, дилим розин баён этмоққа ожизмен,
Узун тунлар хаёлингда ўтар бедор, билмайсен!"

Қаландар, қўйнида бонунинг кафтдеккина дафтарчаси, икки қўли бир тепа бўлиб, бор-йўғидан айрилди қолди. Лекин не чора, айб ўзидан ўтди... аввал совчи юборармиш, кейин, агар рад жавобини олса, сўнгра... Рад жавобидан кейин Салоҳиддин заргарнинг эшиги унинг учун тақа-тақ ёпилди. Хуршида бону тугул унинг босган изларини ҳам кўролмади!.. Кейин-чи? Кейин доруссалтана

кўчаларини ларзага солган ноғораларнинг гумбури ва карнай садолари остида амир Иброҳимбек ўғли от ўйнатиб, Салоҳиддин заргар даргоҳига кириб борди...

Уша оқшом карнайлар наъра тортиб, амир Иброҳимбек ўғли дабдаба ва асъаса билан Салоҳиддин заргар ҳовли-сига от ўйнатиб кириб борганида, мадрасаи Улуғбекнинг ошона хонасида кўксини ерга бериб ётган Қаландар Қарноқий мударрислик сарупосини ечиб, эгнига эски жанда кийди, салласини бир четга улоқтириб, бошига кулоҳ қўндирди-да, гадолар хонақоҳига равона бўлди...

Бу кўргиликлардан юраги лахча чўғ бўлган Қаландар, ўрнидан туриб кетди, телбаларча атрофига тикилиб, яна ўтирди.

Хайрият, шу пайт ичкари ҳовлининг эшиги очилиб, муридлар қуршовида Хожа Салоҳиддин заргар кўринди. Чол яна боягидай пишиқ қадини хода ютгандай тик тутиб, олтин бандлик асоси билан ерни дук-дук уриб, Қаландарнинг ёнидан ўтиб кетди.

Олтин жаранги қутуртирган баттол! Ҳам Қаландарнинг қанотини қайирди, ҳам суюкли неварасини бахтиқаро қилди. Токи Қаландар Хуршида бонуга муяссар бўлганида, ўз севгилисини телба шаҳзоданинг ҳарамига бериб қўймас эди. Йўқ. Унинг қўлида ўлса ўлар эдики, лекин севгилисини хор қилмас эди...

—Ҳей, кўзингни оч, девона. Уйқунгни хонақоҳингда урарсен. Ҳазрат чорлайдур сени!

Бошига кигиз қалпоқ, оёғига чориқ кийган ёш мурид уни ички ҳовлига бошлади.

Ички ҳовлининг тўрида олди айвон муаззам кошона қад кўтарган эди. Ҳовлининг қоқ ўртасига кошинкор шийпон қурилган, шийпоннинг атрофидаги кумуш фавворалардан отилиб чиққан сув чинни ариқчаларга қуйилар, қатор устунларга осилган кўк-қизил фонуслар шуъласида фаввораларнинг суви камалакдай товланиб, ажиб бир манзара касб этган эди.

Қаландар Қарноқийни бошлаб кирган ёш мурид уни деразаларига ипак парда тутилган қаршидаги уйга бошлади, даҳлизга киргач, ўнг қўлдаги ўймакор эшикка имо қилди: "Киравер..."

Қаландар юраги алланечук бўлиб, эшикни очди.

Жаноб Хомуш деворларига қирмизиранг такатуркман гиламлари осилган кенг хонанинг тўрида, қат-қат шойи кўрпачалар устида, парқу ёстиқларга кўмилиб ёнбошлаб ётарди. Бошида симобий дастор, эгнида қора бахмал тўн

устидан кийилган қордай оппоқ ридо, қўлида оғир тасбеҳ, кўзлари юмуқ, у мудраб қолганга ўхшарди. Лекин Қаландар эшикда тўхтаб, салом бериши билан сал тўлиша бошлаган бақувват қоматини ростлаб ўтирди, оппоқ пахмоқ қошларининг остидан синовчан тикилган кўзларини Қаландардан узмай:

—Кел, оллоҳ гадойи,—деди.—Тортинма, болам, юқори ўт.—Жанобларининг овози нур ёғилиб турган чехрасидай мулойим эди.

Қаландар, қўллари кўксида, оёқ учида бир-икки қадам босиб, ҳазратнинг рўпарасига тиз чўкди. Эшик яна очилиб, икки мурид—бири дастурхон, бири катта кумуш баркашда иссиқ нон, асал, мева-чева кўтариб кирди. Ҳазрат яна кўзини юмиб, муридлар чиқиб кетгунча сукутга толди, сўнг:

—Аҳволинг нечук, дарвеш?—деб сўради.—Арзинг бўлса сўзла.

Қаландар бошини кўтармай бир қимирлаб қўйди.

—Оллога шукур, пирим. Оллоҳ гадойида не арз бўлсин. Устим бут, қорним тўқ, пирим...

—Боракалло, бўтам. Иншооллоҳ, ниятингга етгайсен. Ол, болам, оллонинг нози неъматидан баҳраманд бўл...

Қаландар ташаккур билдириб, бош эгди. Ҳазрат индамай тасбеҳ ўгиришга киришганини кўриб, ер остидан хонани яна бир бор кўздан кечирди. Ҳаммаёқ гул-гул ёнган гилам, деразаларда бир қат шойи устидан бахмал қопланган оғир дарпардалар, нозик бўёқ юритилган гулдор шифтда олтин қандил, ўймакорлик билан ясалган қуббасимон токчаларда мунаққаш идишлар, олтин баркашлар...

"Вожабо. Барча гадолар пирим, деб юкунган ҳазратларига бу кўрк, бу ўтар дунё зeb-зийнати не керак? Пирини Муршид бобом Яссавий айтмаганму:

Дунё менинг деганлар,
Жаҳон молин олганлар.
Каргас қушдек бўлубон,
Ул ҳаромга ботмишлар..."

—Не деб пичирлайсен, дарвеш?

Жаноб Хомушнинг вазмин овозидан сесканиб кетган Қаландар "оллога такбир туширмоқдамен, пирим", деб юборди-ю, "осий бандангни ўзинг кечиргайсен, парвардигор", деб қўйди.

—Болам,—деди ҳазрат яна боягидай мулойим товушда.—Сени чақирмоқдин муддао, сенга бир юмуш юкламоқ

эрди. Аммо бу юмушни юкламоқдин аввал сенга бир саволим бор, оллоҳ гадои...

Қаландарнинг юраги увишиб кетди: "Тунов кунги юмушни сўраса, не қилурмен?"

—Болам Қаландар. Сен фоний дунё лаззатини тарк этиб савоби азим юмуш қилдинг. Даргоҳи илоҳийнинг гадоси—ҳақ-таолонинг суюкли бандаси эрур. Аммо ростиини айт: кўнглингда бу йўлни ихтиёр этиб тўғри қилдимму, йўқму, деган бир иштибоҳ йўқму?..

Қаландар Қарноқий олдидан илон чиққан одамдай юраги шув этди: жаноб мутавалли унинг кўнглидаги шубҳаларни сезган эди!

—Нечун сукут қилурсен, дарвеш?

Қаландар секин бошини кўтарди. Жаноб Хомуш сал олдинга эгилиб, пахмоқ қошларини бир-бирига туташтириб унга қадалиб ўтирар, қип-қизил, хушсурат чеҳрасида бўлакча бир шиддат, кишини ўзига ром қиладиган бир куч бор эди. Қаландар кўзини олиб қочаркан, бош чайқади:

—Йўқ, пирим, кўнглимда шубҳа йўқ. Ва лекин...

—Сўзла,—деди жаноб Хомуш.

—Ва лекин зоҳидларнинг кирдикорлари ранжитадур, пирим. Кўплар гадоликни танлабди, аммо гадоликка бош эгмайди, гуноҳдан қўрқмай наша чекади, ғийбат қилади, қимор ўйнайди, пирим...

—Инналлоҳо маассобирин, яъники, олло сабр қилгонлар билан биргадур. Сабр қилғайсен, дарвеш.

Жаноб мутавалли чуқур хўрсиниб, бир тебраниб қўйди:

—Дилингда бул иштибоҳни ҳайдаб, истиғфор айлағайсен. Токи, кимки гуноҳ қилса, тонг-ла маҳшарда жазосиз қолмағай. Парвардигори оламга шоҳу гадо баробардур, бўтам. Мана, шоҳ мирзо Улуғбек. Ас-салотин зиллоллоҳу фил арз. Инчунин, мен худонинг ердаги соясидурмен, деб мутакаббирлик қилди. Бобоси Амир Темур...—худованди карим ул зоти табаррукни бу дунёда соҳиби тож қилгондек, охиратда ҳам муқарриби даргоҳ қилғай!..—Бобоси соҳибқирон васиятларидан юз ўгириб, содиқ амирларни оёқ ости қилди. Такаббурлик йўлига ўтиб, фоний дунё лаззатларига шўнғиди. Оқибат, икки дунё гуноҳкордур... Ҳа, болам, халлоқи олам ҳеч бир бандасининг гуноҳини кечмайду. Токи... Ассавобу бифазлиҳе вал уқобу биадлиҳе ва ла яджибу алайҳе шайъун... Такаббур шоҳнинг лашкарлари қатлу қирғин бўлибдур. Тахтимизининг валиаҳди Мирзо Абдуллатиф қўшинлари

бугун-эрта доруссалтана Самарқандга кириб келадур, болам...

Ҳазрат унга қараб гапираётганини, ундан жавоб кутаётганини билса ҳам, Қаландар бошини кўтармади. У нима дейишини, ҳазратларининг бу гапига қандай жавоб беришини билмас эди. Гарчи у, Мирзо Абдуллатиф лашкар тортиб келаётганини эшитган бўлса ҳам, ҳазратининг айтганлари кўнглини ағдар-тўнтар қилиб юборди. Нечун? Ё Мирзо Улуғбекка ачинганидинми? Ўзинг афв эт, парвардигори олам! Ва лекин... осий банда не дейди? Осий бандангнинг қай бири бетавфиқ, қай бири имони басаломат муслимин, ёлғиз ўзингга аён эмасми, худованди карим?..

—Нечун индамайсен, дарвеш?

—Сўзингизни мулоҳаза қилмоқдамен, пирим. Филҳақиқат, ҳақ таолога шоҳу гадо баробардур...

—Камоҳува ҳуққуҳу,—деди ҳазрат.—Иншооллоҳ, эндиликда бу гуноҳ ишларга чек қўйилур. Мовароуннаҳрда тавфиқ ва адолат камол топадур. Илоҳи омин!—ҳазрат юзига фотиҳа тортиб, яна Қарноқийга тикилди. —Камина ҳазрат Улуғбекка қарши эмасмен. Аммо бу зот фақирдай кимсаларни кўкрагидан итариб, атрофига шайхулислом Бурҳониддин бирла қози Хожа Мискиндай лаганбардор уламоларни, Али Қушчидай нобакор шогирдларни йиғди. Шу сабабдин мана, Хожа Мискин ҳазратлари ҳалол уламолар берган фатвога қарши чиқди.

Қаландарнинг юраги шув этди.

"Не фатво?"

—Эндиликда,—деди жаноб Хомуш овози дўриллаб, —Мирзо Улуғбек тожу тахтни қайта эгаллаш азмида расадхонага уя қўйган шогирдларига махфий топшириқлар берибдур. Боз хабар келдиким, Мирзо Улуғбек бул иш учун бадкирдор Али Қушчига кўп тилла ва бойлик инъом этибдур... Бундан хабаринг йўқму?

Қаландар ялт этиб қаради. Хомуш ҳазратлари олдинга эгилганича унга қадалиб қолган эди.

—Йўқ, пирим, ўлимдан хабарим бор, аммо биллоҳ, бундан хабарим йўқдур...

Жаноб Хомуш кўзини ундан узиб, бош ирғади.

—Сени чақирмоқдан мурод шулким, бу фариштасиз даргоҳга ва беимон Али Қушчига кўз-қулоқ бўлиб турғайсен. Зероким, жаннатмакон Амир Темур тиллаларини яширмоққа йўл қўймоқ—гуноҳи азимдур.

Жанобнинг овозида шундай совуқ бир қатъият, ва-

жоҳатида шундай зўр шиддат, ёниб турган кўзларида шундай бир сеҳр бор эдики, Қаландар довдираб:

—Бандаи ожиз не дейман? Пиримнинг амри вожиб эрур,—деб юборди.

Ҳазратлари бош ирғаб маъқуллади-да, важоҳатини ўзгартирмай давом этди:

—Бу ишда фаромушлик қилиб бўлмайду. Туну кун расадхона теварагидан кетмагил. Баттол Али Қушчини кўз остингдан қўймагил.

"Ё раб. Қайси гуноҳларим учун фақирнинг бошига бу савдоларни юкладинг? Ҳамду сано ўқиб, хилватда ётмоқ ўрнига айғоқчилик қилсам. Мусофирликда бошимни слаган устодларимнинг яхшилиғига ёмонлик қайтарсам..."

—Ҳамма юмуш хуфия бўлмоғи лозим,—деди ҳазрат.—Зероким, шаҳзодаи валиаҳд Абдуллатиф доруссалтанани забт этиб, тахтга муқим ўлтирмагунча бул сир-асрорни бир кимса билмагай. Сўзимни англадингму?

—Англадим, пирим...

—Оллоҳ сенга мадад бергай, илоҳи омин!—ҳазрат юзига фотиҳа тортиб, дастурхонга ишора қилди:

—Иссиқ нонлардан қўйнингга сол, дарвеш.

Қаландар итоаткорлик билан дастурхондан иккита патири олиб қўйнига тикди-да, орқаси билан юриб, чароғон хонадан чиқди.

Бояги изғирин пасайган, лекин кун совуқ эди. Хаёли чувалашиб кетган Қаландар, кўз олди қоронгилашиб, устунга суяниб қолди.

"Э дариг. Нечун бу зот унга ёпишиб олди? Нечун бу нопок юмушни унга топширди?"

Бу такаббур мутавалли уни биринчи кўргандаёқ шубҳа остига олганини, шубҳа остига олганларни эса шу йўл билан синаб кўриш одатлари борлигидан беҳабар Қаландар, ҳислар тўфонидан гандираклаб ҳовлидан чиқди.

Шу пайт ташқаридан "Ё олло, дўст, ё олло!" деган овозлар эшитилиб, дарвозадан бир гуруҳ зикр тушган дарвешлар кириб келишди. Қаландар четлаб уларга йўл бераркан, олдинда оқсоқланиб келаётган Қашқир лақабли ғилай дарвешни таниб қолди. Қашқир ҳам уни таниди чоғи, қоронғида кулоҳини ликиллатиб, ишшайиб қўйди.

Қаландар Қарноқий ҳамон гандираклаганича дарвозадан чиқди, чиқди-ю, алақандай ички бир ҳиссиётга бўйсуниб, "Мозори калон" томонга йўл олди.

Зим-зиё қоронғиликда қабристондаги чинорлар, ичлари ковак кекса шотут ва садақайрағочлар аянчли чийиллар,

гүе бу ковакларга ажиналар яшириниб, базми жамшид кураётгандай ваҳимали овозлар чиқарар, кулар, йиглар эди. Кимдир қабристоннинг бир четида қироат билан куръон ўқир, масжид томондан дарвешларнинг "ҳу-ҳу"лари кулоққа чалинарни.

Қаландар мрамар сағаналар, унгурдай ўпирилиб қолган қабрлар орасидан қоронгида қабққадир қоқилиб-суриниб бораркан, хаёлан ҳамон кўкка тавалло қиларди: "Гуноҳкор бандангни кечиргайсен, эй парвардигори олам! Фақир бу бебақо дунё лаззатларини тарк этиб, ҳақ йўлини танлаганда тариқат ўрнига бундай нопок юмушлар қиламен деб, ўйлаган эдими? Ўз устози, мусофирлик ва йўқчиликда бошини силаган валинеъматни орқасидан айғоқчилик қиламен, деб ўйлаган эдими?.. Мавлоно Али Қушчи бетавфиқми ё имони баркамол бандангни—буни бу такаббур шайх қайдин билур, тангрим?

Мулло, муфти бўлгонлар,
Ноҳақ даъво қилгонлар,
Оқни қаро дегонлар,
Ул тамуққа кирмишлар...

Ноҳақ даъво қилгонлар... ҳазратнинг сўзи ҳам ноҳақ даъво эмасму, эй халлоқи олам?.."

Мана, йўлканинг охирида қуриб-қовжираб қолган азим чинор кўзга чалинди. Чинор тагида устига архар шохи қўйилган юсак дахма қорайиб турарди. Қаландар Қарноқий қабрнинг бош томонига ўтиб, саждага бош эгаркан, хаёлан пири Баҳовуддин Нақшбандийга илтижо қилди:

"Бу фақир гадога ўзинг мадад бер, эй валинеъмат бузруквор! У дарвешлик йўлига кирганида фоний дунё юмушлари эмас, туну кун тариқат ва ибодат қилмоқ ниятида эди... Эй, буткул аҳли жунунлар, мусофир ва мужовирлар, гадолар ва йўқсиллар ҳомийси бобокалон Хожа Баҳовуддин Нақшбандий! Эй, парвардигори олам! Гуноҳкор бандангни ўзинг кечиргайсен! Ўзинг кечиргайсен, тангрим! Ўзинг кечиргайсен!"

Қаландар Қарноқий тиз чўкиб, чўғдай пешанасини дахманинг муздай тошига босди.

Мирзо Улуғбек яна кечагидай от ўйнатиб олдинда борарди. Остидаги арабий бедовнинг кенг ўмровидаги ёқут ва лаъл қадалган тилла қалқончаси офтобда кўз қамаш-

тириб чарақлар, устидаги заррин ёпинғичи чўғдай гул-гул ёнар, пешанасидаги кокилига тақилган маржон шодалари силкиниб, кумуш эгарнинг олтин ҳалқачалари нафис жаранглар эди. Лекин бу ажиб мусиқа Мирзо Улуғбекнинг қулоғига кирмас, у яна хаёллар уммонига чўмган эди.

Кечаси юрагида жўш урган туғён босилган, дилини қандайдир теран бир лоқайдлик чулғаб олган эди. У фақат бир нарсага пушаймон қиларди: тезроқ жанг бўлмади-ю, шаҳзодани бир кўрмади!..

У кеча жанг қилишни кўнглига туккандан бери негадир хаёлидан шу фикр кетмай қолди: жанг-жадал бўлса-ю, шаҳзода билан юзма-юз тўқнашса, унинг кўзларига тикилса, муддаосига тушунса, сўнгра майли, унинг қўлида ўлса ҳам армони йўқ!.. У қайси юз, қайси виждон билан ўз падарига қўл кўтармоқда? Шунин билса—бас! Кейин майли, нима қиламан деса, шаҳзоданинг изми ихтиёрида!..

Эвоҳ! Мирзо Улуғбек бу ўғлини нечундир болалигидан суймади. Ўғлим, деганда юраги сира "жиз" этмади, қалбида бир меҳр уйғонмади... Шаҳзода туғилибдики, узоқ Ҳиротда, волидаи меҳрибони Гавҳаршод бегим тарбиясида бўлди. Гавҳаршод бегим уни ўз қўлида, Ҳирот саройида тарбия қилди, вояга етказди. Лекин... ҳазар, алҳазар!.. Бобоси Шоҳруҳ Мирзо вафотидан сўнг шаҳзода Алоуддавла билан тожу тахт талашган Абдуллатиф энаси Гавҳаршод бегимни қўлга тушириб, ҳибс эттирди. Мирзо Улуғбек буни эшитиб сочлари тикка бўлиб кетган эди. Лекин ўз пуштикамаридан бўлган фарзанди экан, шаҳзода Алоуддавла Абдуллатифни асир олиб, Ихтиёридин қалъасига ҳибс этганда чидаб туролмади, қўшин тортиб Хуросонга борди... Нечун ўшанда Мирзо Улуғбек унга бўлишди? Нечун Балхни унга инъом қилди?

Мирзо Улуғбек аламли дуд кўксини ўртаб юбораётгандай, уф тортди-да, бошини кўтарди. Кечаги изғирин пасайган, офтоб терак бўйи кўтарилиб қолган эди.

Катта карвон йўлининг икки ёнидаги ясси адирларни черик эгаллаган, ҳаммаёқ эшак, хачир, туяга тўлиб кетган эди. Олдиндаги навқарлар ва ясовуллар от ўйнатиб, йўлдаги черикларни четга сурмоқда, эшак ва хачирларни аёвсиз қамчилаб қувмоқда эди. Қилич ўрнига ойболта, таёқ ва чўқмор кўтарган, суворийлар либоси ўрнига бошларига кигиз телпак, эгниларига эски чакмон ва кенг чолвор кийган юпун деҳқонлар шошилмас, ўзларича сўкиниб секин йўл бўшатишар эди...

Чинакам қурол ўрнига таёқ ва чўқмор кўтарган,

умрида жанг-жадал кўрмаган бу беозор деҳқонлар шаҳзоданинг салкам эллик минг лашкарига қарши нима қила олади? Буларни ким, нечун йиғди?

Мирзо Улуғбек саройбонни чақириб, черик бошлиқларига деҳқонларни тарқатиш тўғрисида фармон берди-да, бетоқат юлқинган оқ байирига қамчи уриб, илгарилаб кетди...

Пешинга яқин олдинда ипакдай майин пуштиранг боғларга кўмилган Димишқ қишлоғи кўринди. Димишқдан кейин, то Самарқандга етгунча боғлар бир-бирига тутшиб кетар, гўё бутун олам улкан гулхан орасида ловиллаб ёнарди. Димишқдан сал ўтилса, офтобда ажиб бир манзара касб этган Бибихоним мақбарасининг ложувард гумбази кўринади. Ундан сал берироқда, ўша ҳарир қирмизи парда орасида, Улуғбек мадрасасининг юксак пештоқлари товланади. Ундан чапроқда эса, осмонга санчилган Гўри Амир минораларининг тилларанг бўёқлари нозик жилоланади... Мирзо Улуғбек боғлар ортидан элас-элас кўринган суюкли шаҳрига суқланиб тикилар экан, беихтиёр кўзига ёш олди. Наҳот киндик қони тўкилган, масъуд болалик йиллари ўтган, обод қиламан, деб умрини бахш этган бу суюкли шаҳри азим кўлидан кетса? Донғи буткул рубъи маскунга таралган расадхонаси-чи? Фахр-ифтихори бўлмиш мадрасаси-чи? Наҳот унинг илм-фан йўлидаги қирқ йиллик уринишлари шамолга соврилса? Қирқ йил йиққан нодир хазинаси-чи? Шогирдлари-чи? Уларнинг тақдири не бўлади? Қирқ йил уруш кўрмаган бу эл-улус, буткул Мовароуннаҳрнинг аҳволи не кечади?

Мирзо Улуғбек юрагини ўт олиб, аргумоғига аччиқ қамчи босди. Усиз ҳам бетоқат пишқирган оқ бедов сувлиғини чайнаганича бургутдай ер бағирлаб учиб кетди. Унинг юрагидаги пўртанадан беҳабар аёнлар ва боёнлар ҳайрон бўлишиб, бир-бирларига қараб олишди-да, улар ҳам отларига қамчи босишди. Димишққа етмасдан ўнг қўлдаги ялангликда "Боғи жаҳон" кўринди. Баланд девор билан ўралган улкан боғ ўртасида сутдай оппоқ кошона кўзга чалинди. Бобоси жаннатмакон Амир Темур оғир юришлардан қайтаётиб, Самарқандга киришдан олдин бу боққа албатта қўниб ўтар эди... Олдинда учиб бораётган Мирзо Улуғбек қандайдир ички бир туйғуга бўйсуниб, отининг бошини "Боғи жаҳон"га бурди.

Дарвозадан бошланган кенг хиёбонга хазонлардан қирмизи пояндоз тўшалган эди. Дарахт шохларидан чирс-чирс узилиб тушаётган япроқлар ҳавода унсиз сузиб, оёқ остига

қушдай назокат билан қўнарди. Кошона олдидаги гулзор, гулзор ўртасидаги мрамар ҳовуз, ҳаммаси хазонга тўлган, фақат ток япроқлари ҳали тўкилмаган, баланд сўрилардаги тоқларда ҳар бири отнинг калласидай чарос бошлари қора марвариддай товланиб турарди...

Мирзо Улуғбек истиқболига чиққан ясовулга аргумоғининг жиловини ушлатди-да, орқадагиларни кутмасдан хиёбон бўйлаб кетди. Хиёбоннинг охирида, анорзор тепаликнинг шундоқ ёнбағрида тиниқ бир чашма шилдираб оқарди...

Мирзо Улуғбек чашма бўйига тиз чўкиб, муздай сувга ювинди, таҳорат олди ва мовут тўнини булоқ атрофидаги сарғая бошлаган ажриқзорга ёзиб, пешин ўқиди. Сўнг, аллақандай маънос эсдаликларга чўмиб, узоқ ўтирди. Эсига негадир яна болалик чоғлари тушди.

У ҳали кичкина бола эди. Бир сафар олис сафардан қайтган бобоси бир-икки ҳафта шу боғда турди. Худди мана шу булоқ бўйига суюкли энагаси Сароймулкхонимнинг ҳаворанг ипак саропардаси тикилган эди. Унинг атрофига кўк, пушти, қизил, нофармонранг кичик чодирлар жойлашган бўлиб, уларда қилиқлари мулойим, ҳаракатлари назокатга тўла ёш канизлар, бақовуллар туришарди. Чодирларнинг орқасидаги яшил бедазорга оқ биялар боғланган, биялардан олисроқда кийикчаларга ўхшаган гўзал тойчалар кишнашиб турарди. Энагаси Сароймулкхоним ҳар куни эрталаб Муҳаммад Тарағайни шу тойчалар олдига етаклаб борарди. Сароймулкхоним кенг юзли, бурни тугмадеккина, кўзлари қисик бир хотин эди. Лекин унинг оппоқ бўлиқ гавдасида, эгнидаги қимматбаҳо саруполари ва нозик зеби зийнатларида, гапсўзларида бўлакча бир виқор ва маҳобат бор эдиким, ҳамма ундан ҳайиқар, бир гапи икки бўлмас эди. Улуғбекка айниқса унинг майин қўллари, фируза кўзли қўшқўш тилла узуклар тақилган узун оппоқ бармоқлари ёқар, энагаси бу қўллари билан унинг бошини силаб эркалаганида ийиб кетиб, тойчоқдай унинг бағрига отилар эди.

Гоҳо энагаси олдига этак тутиб, чодир ёнидаги бўлиқ оқ бияни ўзи соғар, сўнг, алоҳида мешга қўйиб, қиёмига келтириб қимиз қилар ва яхдай булоққа ташлаб қўярди. Аҳён-аҳёнда бу қимизни ичгали ҳаворанг саропардага бобоси Амир Темур келарди. У сезиларлик оқсоқланса ҳам, асо ушламас, новча қаддини йигитлардай тик тутиб, гўё бир ёққа шошаётгандай шитоб билан юрар эди. У ҳеч қачон қимматбаҳо заррин тўнлар киймас, ёзги сара-

тонда ҳам туя жунидан тўқилган оқ-сарғиш чакмонини ечмас, ўтирганда чакмонининг этаги билан майиб оёғини ўраб, тиззасини силаб ўтирар эди. Бобоси Амир Темур от юзли, қийғир бурун, чиройли, серсоқол одам эди. Ундан ҳамма ҳайиқар, у қалин қошларини чимириб, ўткир кўзлари билан қадалиб қараганда, ҳеч ким тоб беролмас, ҳамма кўзини олиб қочар, у келаётганда ҳар ким турган жойида қўл қовуштирганича қотиб қолар эди. Лекин ажабо: кичкина Муҳаммад Тарағайни кўрганда бобосининг қовоғи очилиб, чеҳрасидаги шиддат бўлакча бир мулойимлик билан алмашар, ўткир нигоҳида шўх учқунлар ўйнар эди. Одатда у неварасини тиззасига ўтқазиб эркалар, аксарият мударрисларни чақириб, неварасининг сабоқларини суриштирар эди. Мударрислар Улуғбекнинг зеҳнини мақташса, бобоси неварасининг кенг пешанасидан ўпиб кулар:

—Боракалло сизга! Амир Темур авлодидан ҳам Ҳорун Рашиддай бир фозил подшоҳ чиқсин-да!—деб кўяр эди. Аммо бошқа неварасини мутолаа устида кўрса, жаҳли чиқар, дарғазаб бўлиб навкарларидан бирига:

—Олиб чиқ! От минсин! Қилич ўйнасин!—деб буюрар эди. Шундай пайтларда бобоси қовоғини солиб, неварасининг машқларини зимдан кузатиб турар, Улуғбек отга чаққон минолмаса ё қиличбозликда нўноқлик қилса дарғазаб бўлар, беҳашам пўлат ғилофга солинган қиличини суғуриб оларди-ю, кўзлари ёниб, ёнида ким турса шу билан қиличбозлик қилиб кетарди...

Ёдида бор: бир кун кечаси момосининг бағрига кириб, тўйган кўзичоқдай ухлаётган эди, суворийлар келиб, уйғотишди. Маълум бўлишича, жаннатмакон бобоси суюкли неварасини ўз саропардасига чақиртирган экан.

Улуғбек борганида юз кишилик улкан саропарда шифтидаги биллур қандилларга қадалган беҳисоб шамлардан кундузгидай чароғон эди. Гир айлана ёзилган кимхоб кўрпачаларда бошларига симобий салла ўраган зарбоф тўнли нуроний кишилар ўтирар эдилар. Бобоси,—Олло унга Равзаи ризвондан жой ато қилгай!—фил суягидан ясалиб, устига йўлбарс териси ёпилган, баланд нақшинкор курсида ўйга толиб ўтирарди.

Улуғбек суюкли бобосини кўрганда кўнгли сув ичгандай равшан тортиди-ю, олдига чопқиллаб борди-да, қўлини кўксига қўйиб:

—Ассалому алайкум, Соҳибқирон ҳазратлари!—деб хитоб қилди. Сўнг, қўлларини кўтариб, момоси ўргатган дуони ўқиди:

—Э, парвардигори олам! Бобожоним... Фотиҳи Нусрат Амир Темур Кўрагоний жанобларининг умрини узоқ, толеъларини баланд қилгайсен. Табаррук бошларига қўнган ҳумо қуши бул зоти шарифни тоабат тарк этмагай.

Улуғбек шундай деди-да, бобосининг оёқларини қучоқлаб, тиззасига бош қўйди. Атрофдан: "Офарин-офарин", деган хуррам хитоблар эшитилди. Бобоси эса аввал унинг пешонасидан чўлп-чўлп ўпди, кейин мийиғида кулиб:

—Бул мунаввар сўзларни қайдан ўргандинг; тай-логим?—деб сўради ва ўнг томонида ўтирган хушсурат, қорасоқол алломага юзланди.

—Муҳтарам мавлоно Али Язди. Фақирнинг бошқа зурриётлари жангу жадал бобида баркамол бўлса, бул набирам илму урфон бобида беназир эрмиш. Бул сўзда ҳақиқат борму, мавлоно?

Мавлоно Али Язди қўл қовуштириб таъзим қилди:

—Филҳақиқат шундайдур. Набирангиз Муҳаммад Тарагай илми ҳандаса, илми риёзиёт, алалхусус илми нужум бобида тенгсиз салоҳиятга мушаррафдур. Иншооллоҳ, келғусида юлдузи ёруғ, толеи баланд алломаи жаҳон бўлиб ном чиқарадур.

Жаннатмакон бобоси мамнун жилмайиб:

—Иншооллоҳ, айтганингиз келгай, мавлоно,—деди,—токи Амир Темур Кўрагоний авлодидан ҳам фақат буюк лашкарбошилар эрмас, илму маърифат бобида ҳам баркамол алломалар етишмоғини яратган эгамдан сўраймен. Эҳтимол, саволлар бордур набирам Муҳаммад Тарагайга?

Саккиз яшар Улуғбек юраги гурс-гурс уриб, савлат тўкиб ўтирган серсоқол, нуруний алломаи киромларга қаради. Аммо алломаларнинг аксари унга хайрихоҳлик билан тикилиб, кўплари жилмайиб ўтиришарди. Биринчи бўлиб энг ёш, хушбичим аллома унга қараб:

—Ўғлим, ижозат берсангиз бир савол берсам!—деб мурожаат қилди: —Дейдиларким, фалакда ярқираб турғон беҳисоб ситоралар орасида икки юлдуз мавжуд эмишким, улар яқинлашғонда башарият тақдирини бурмоққа қодир буюк инсонлар дунёга келур эрмишлар. Бу ситораларнинг номи не? Сўнгги икки минг йил давомида улар неча маротаба яқинлашганлар ва бу саодатли дақиқаларда қайси улуғ зотлар таваллуд топмишлар?—у сўзини тугатмаган ҳам эдики, ёнида ўтирган кекса уламо:

—Афв этасиз, иним,—дея ёш алломанинг сўзини бўлди:—Ўйлайманки бу норасидага бериладурғон савол эрмас, бул сўроқ.

Атрофдан:

—Ҳақ сўз, ҳақ сўз!—деган хитоблар эшитилди. Лекин Улуғбек уларнинг хитобларини бўлиб, бобосига юзланди:

—Соҳибқирон ҳазратлари. Ижозат этсалар, муҳтарам мавлононинг сўроқларига жавоб берсам?

Амир Темури хушнуд кулиб, яна унинг бошини силади:

—Қани-қани? Ижозат, тойчоғим, ижозат.

Шунда Улуғбек яна боягидай юраги гуп-гуп уриб, жавоб берди:

—Сиз айтган саодатли ситораларнинг номлари Зуҳал ва Муштарийдур. Улар ҳар саккиз юз йилда бир маротаба яқинлашадур. Бинобарин, сўнгги икки ярим минг йилда улар уч маротаба яқинлашгандур. Биринчи бор яқинлашганда буюк жаҳонгир Искандар Зулқарнайн таваллуд топмиш. Иккинчи бор яқин келганларида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом дунёни мунаввар қилмиш, учинчи бор яқинлашганларида эрса мани бобом фотиҳи музаффар соҳибқирон Амир Темури Кўрагоний ҳазратлари дунёга саодат келтирмиш.

Саропардада яна алломаларнинг "Офарин-офарин", деган жўр қийқириқлари янгради. Раҳматлик бобоси эса тўсатдан кўзига ёш олиб:

—Иншооллоҳ, менинг бошимга қўнган ҳумо қуши сенинг ҳам бошинга қўнғай. Э, яратган эгам. Фақирга қилган иноятларингни бул набирамдан ҳам дариг тутмагайсен!—деб дуо қилди.

Бу эсдаликлардан бир зумгина дили офтоб чиққандай ёришган Мирзо Улуғбек, ҳозирги аҳволидан кўнгли вайрон бўлди-ю, хаёлан бобосига мурожаат қилди:

"Э бобожоним. Меҳри дарё бобожоним. Норасида мавридимда пешонамдан ўпиб, Оллодан саодат тилаган эрдинг. Не гуноҳ қилдимки, қариган чоғимда, билагимдан кучим, белимдан қувватим кетганида бошимга бундай мусибатлар тушди. Гуноҳкор набирангга мадад бергайсен, падари бузрукворим, мадад бергайсен..."

...Мирзо Улуғбек катта йўлдан бир тўп суворийлар от чоптириб ўтганини эшитиб, секин ўрнидан турди, атрофига таажжуб билан тикилди: унга не бўлди? Шундай хатарли пайтда олис болалигини эслаб ўтирса! Тошу тахт гамини емоқ ўрнига, маҳзун хаёллар гирдобидан чиқол-маса?

Мирзо Улуғбек қирмизи пояндоз тўшалган хиёбондан оҳиста юриб орқага қайтаркан, дарвозанинг ёнида оқ кўпикка чўмилган бир неча отларни кўрди. Кошонадан

чиққан шаҳзода Абдулғазиз билан қўлида мактуб ушлаган шайхулислом Бурҳониддин шоша-пиша унга томон юришди.

"Тагин нохуш хабар!"—хаёлида деди Мирзо Улуғбек.

—Қайда юрибсиз, ҳазратим?—деди шайхулислом ҳансираб.—Амир Искандар барлосдан чопар келибдур.

—Тагин не мужда?—Мирзо Улуғбек тўхтаб номага қўл чўзди. Бир парча сариқ қоғозга палапартиш ёзилган номада амир Искандар шаҳзода Абдуллатифнинг ҳировул қўшинлари пистирмадан чиқиб, унинг қалб қўшинларига ҳамла қилганини ёзган эди. Амирнинг хабар беришича, шаҳзоданинг қўшинида филлар ҳам бор. Бу филлар унинг суворийларига даҳшат солгани боисидан у доруссалтана томон чекинмоқни лозим кўрган...

Мирзо Улуғбек кўзларини номадан узиб, ўғли билан шайхулисломга қаради. У эндигина кошона ёнида турган бир гуруҳ сарой маҳрамларига кўзи тушди. Маҳрамлар орасида жиянлари—шаҳзода Абдулла билан Абу Саид Мирзо ҳам турар, зарбоф тўн ичидан суворий совут, бошларига тилла ҳошияли дубулға кийган бу икки шаҳзоданинг ҳам кўзларида тараддуд, ҳаракатларида тоқатсизлик сезилиб турарди.

Мирзо Улуғбек оёқларини кериб тўхтади. Ажабо: суворий совутлар кийиб, сербар камарларига олтин қилич таққан бу саркардалар, қимматбаҳо саруполарга ўранган бу сарой аҳли нечун бунчалик титрайди, недан кўрқади? Башарти шаҳзодадан кўрқса нечун амир Султоншоҳ тархонга ўхшаб, унинг тарафига қочиб ўтмайди?..

Мирзо Улуғбек жўрттага овозини кўтариб:

—Шаҳзода лашкари юриш бошлабдур,—деди.—Лашкарларида филлар бор эрмиш.

Шайхулислом Бурҳониддин ранги ўчиб, бошини сараксарак қилди.

—Давлатпаноҳ не фармон бергайлар?

Мирзо Улуғбек мийиғида кулимсиради.

—Олло таоло пешонага нени ёзган бўлса шу бўлади, тақсир.

—Иншооллоҳ, пешонангиз ёруғ бўлғай. Ва илло...

—Жанг-жадал қилмоқ!..

Шайхулислом чўққи соқолини ушлаб, бош чайқади ва гўё сарой аҳли эшитишини истамагандай:

—Доруссалтанага қайтмоқ даркор, онҳазратим!—деди секин.—Қалъа мустаҳкам...

Мирзо Улуғбек асабий ҳаракат қилиб:

—Ҳайҳот!—деди.—Шаҳзодада тош отғувчи арродалар бордур, тақсир! Буткул шаҳар зер-забар бўлади! Буткул шаҳар!

Чол яна асабийлашиб бошини сарак-сарак қилди.

—Валлоҳи аълам биссавоб! Ва лекин шаҳарни ололмас, султоним! Жамики масжидларга хутба ўқитурмен. Барча фуқаро оёққа турадур, давлатпаноҳ!..

Мирзо Улуғбек жавоб бермади. У шайхулислом Бурҳониддиннинг самимийлигига шубҳа қилмас, ҳозир бу оғир вазиятда Самарқандга чекиниб, дарвозаларни берки-тиб олишдан бошқа чора йўқлигини тушунар, аини замонда ҳали озиқ-овқатни ғамлаб олмаган шаҳар катта қўшиннинг узоқ қамалига тоб бера олмаслигига ҳам ақли етар эди. Лекин, энг муҳими, томирларида мудраб ётган бобосининг қони яна кўпира бошлаган, у қилич яланғочлаб, жанг қилгиси, бу сотқин лашкарбошилар олдида Амир Темурнинг набираси эканлигини, жон берса ҳам осонликча бермаслигини бир кўрсатиб қўйгиси, ниҳоят, шаҳзода билан юзма-юз келгиси, у билан бир оғиз гаплашгиси келарди.

Шаҳзоданинг ҳировул қўшинлари довондан чиқиб юриш бошлаган эмиш!.. Бобоси Амир Темур бундай ҳолатларда ғанимнинг ҳировул қўшинларини олдинга ўтказиб юборар, сўнг баногоҳ жаронғир ва баронғир суворийлари билан қуршаб олиб, қопқонга туширар эди. Агарчи ғаним лашкарларига ёрдам келса эҳтиётда турган чоповул ва шақовул¹ қўшинларини жангга солиб, қатлу қиргин қиларди... У эса... ҳайҳот! У ҳеч қачон салоҳият-ли саркарда бўлган эмас! Ва лекин... йўқ, у ҳам жанг қилади! Жанг-жадалсиз жон бермайди!..

—Давлатпаноҳ...

—Ўйлаб кўрмоқ даркор, тақсир!—Мирзо Улуғбек қовоғини уйганича кошона томон юриди. Йўлда турган шаҳзодалар шоша-пиша йўл беришди. Кошонанинг иккинчи ошёнидаги деворлари фирузаранг сопол парчинлар билан безатилган катта хонага шоҳи кўрпачалар тўшалиб, хонтахталар қўйилган, хонтахталар ёғлиқ патирлар, мева-чева, қовурилган ғоз ва кабобларга тўла эди.

Мирзо Улуғбек ичида кулиб қўйди: "Ўлим олдидан базми жамшид!"

У тўрга, бир маҳаллар бобоси Амир Темур ўтирган

¹ Чоповул ва шақовул—пистирмада турган асосий қўшин.

жойга ўтираркан, пойгакда таъзим қилиб турган баковулга юзланиб:

—Бода келтир!—деб буюрди. Лекин бодани ичиш насиб этмади.

Баковул чиқиб, Мирзо Улуғбек жойлашиброқ ўтирмаган ҳам эдики, саройбон кириб, иккинчи келтирган номани тутди. Бу нома суюкли навкари Бобо Ҳусайдан бўлиб, биринчисидан ҳам ваҳимали эди. Шаҳзоданинг ўнг ва чап қанот лашкари юришни жадаллатиб, амир Султон Жондор билан амир Искандар барлос қўшинларини қопқонга туширмоқ ҳаракатида экан. Лекин энг ёмони— амир Султон Жондор қабққадир қочган, қўшинда ёлғиз амир Искандар барлос қолган эмиш! Бобо Ҳусайн буни хабар қилиб, Мирзо Улуғбекка Самарқандга чекинишни маслаҳат берган, ўзи эса амир Искандар барлос билан Димишқ атрофида жанг қилиб, шаҳзода лашкарларини тўхтатиб туриш ниятида эканини ёзган эди.

Номага қараганда, шаҳзода қўшинлари икки-уч фарсаҳ жойга келиб қолган, Мирзо Улуғбек қандай қарорга келмасин, бу қарорни дарҳол қабул қилмоғи лозим эди! У эса... У ҳамон жанг қилиш, шаҳзода билан юзма-юз келиш истаги билан ёнар эди. Лекин Бобо Ҳусайн йўллаган номани ўқиркан, хаёлига бир фикр келди: доруссалтанага қайтиб ва унинг дарвозаларини беркитиб олиб, шаҳзода билан сулҳ-салоҳ тузса не қилади? Йўқ, шаҳзода унинг тахтда қолишига кўнмас. Лекин Мирзо Улуғбекка минбаъд тожу тахт керак эрмас! Шаҳзода унинг расадхонасию мадрасаларига тегмаса, маърифат йўлидаги ишларини ман этмаса, у тинчгина илму идрок билан машғул бўлса—бас! Унга шундан бошқа не керак?

Лекин шаҳзодани бу шартларга кўндириш учун фуқарони сафарбар қилиб бўлса ҳам, мудофаага ўтмоқ даркор.

Мирзо Улуғбек барча иккиланишларга чек қўйиб, тўрда чурқ этмай ўтирган амир Идрис тархонга юзланди.

—Сиз Димишқда қолиб, Искандар барлос суворийларига кўмак бергайсиз, амир! Бошингиз кетса-да, шу бугун шаҳзода лашкарларини тўхтатгайсиз. Фармони олий аёнми?

—Аён, давлатпаноҳ! —Амир Идрис тархон тўн ичидан кийган совутининг ҳалқачаларини шинғирлатиб, таъзим қилди.

Мирзо Улуғбек уйқусизликдан қисилган кўзлари ёниб, ўғли Абдулғазизга қаради.

—Сен икки шаҳзодани олиб, дарҳол доруссалтанага чопгайсен. Доруға Мироншоҳга амри олийни етказгайсен: барча аёну боёнлар дарҳол Кўксаройга йиғилсин. Машварат қилурмен.

Мирзо Улуғбек шитоб билан ўрнидан турди. Бода тўла касасини бир сипқаришда бўшатди-да, ҳеч кимга қарамай кошонадан чиқди.

* * *

Кун ботган, лекин атроф ҳали ёруғ эди. Тушда пасайган изғирин қайта кучайиб, совуқ, ёқимсиз довулга айланмоқда эди. Еру кўк чанг-тўзон ва чархпалак хазонларга тўлиб кетди. Хазонлар худди пўртанада қолган қушлардай ҳавода бетинч чарх урар, юз-кўзларни аёвсиз савалар эди.

Юрагидаги аламли тўфон билан олишиб бораётган Мирзо Улуғбек Димишқдан чиқиши билан сувлигини чайнаб юлқинган оқ бедовининг бошини қўймоқчи бўлди-ю, унинг бу ҳаракатини ёнидагилар бошқача тушунишларини ўйлаб, отининг жиловини тортди. Димишқ билан Самарқанд ораси олис эмас, кўп бўлса икки фарсаҳ келарди. Димишқдан кейин Бағдод, Бағдоддан кейин Қоҳира қишлоғи келар, бу қишлоқлар бир-бирига туташиб кетар, ҳаммаси боғ-роғ, узумзор, анорзор эди. Лекин ҳозир боғлари туташиб кетган бу қишлоқлар ҳам ташландиқ гўристондай ҳувиллаб қолган, одамлар қаёққадир қочган, яширинган, икки томони паҳса девор билан тўсилган тор кўчалар, ҳатто гузарлар ҳам кимсасиз эди. Фақат аҳён-аҳёнда асо ушлаган чоллар, қаровсиз қолган моллар, дайди итлар учрарди.

Қоронғи туша бошлаганидан безовталанган Мирзо Улуғбек отига қамчи урди. Шу пайт олдинда, Қоҳира боғларига кираверишда, от туёқларининг дупури эшитилиб, аллақандай ғалаён кўтарилди, илгарилаб кетган навкарларнинг қаттиқ-қаттиқ товушлари эшитилди. Сўнг бир гуруҳ суворийлар от чоптириб келиб, Мирзо Улуғбекка етмай тўхтади. Мирзо Улуғбек қиличини қинидан суғуриб олди.

—Бу ким?

—Аълоҳазратлари афв этсинлар! Биз доруссалтанага бориб қайтдик!..

Кетма-кет от чоптириб келган шаҳзода Абдульазиз билан тунд юзли саройбон арғумоғини ниқтаб олдинга ўтди.

—Давлатпаноҳ...

—Сўзла!

—Дарвозалар ёпилган. Салоҳдорлар дарвозаларни очмоқдин бош тортадур, ҳазратим...

—Ёлғон!—Мирзо Улуғбек хаёлида бақриб юборгандай бўлди, лекин унинг овози хириллаб эшитилди-ю, бир зум оғир жимлик чўкди. Қоронғида шайхулислом Бурҳониддиннинг: "Ё парвардигор!.." деб пичирлагани ва Мирзо Улуғбекнинг ҳансираб нафас олгани эшитилди.

—Доруға Мироншоҳ қайда? Дарвозада борму?

—Йўқ, онҳазратим! Доруға дарвозага келмоқдин бош тортибди.

—Бўшат йўлни!—Мирзо Улуғбек шундай деб бақирди-да, бетоқат пишқирган оқ бедовига қамчи босди. Аччиқ қамчига ўрганмаган арабий арғумоқ осмонга сакради-ю, шамолдай учиб кетди...

"Доруссалтана дарвозаси ёпиқ! Унга, салкам қирқ йил салтанат тебратган, буткул Мовароуннаҳрга ҳокими мутлақ бўлган тождорга дарвоза ёпилган! У бутун умрини бахшида қилган, мадрасаю ҳаммомлар, жаҳонда тенгсиз расадхонаю кутубхоналар барпо этиб, оламга машҳур қилган Самарқанд... унга ўз дарвозасини очмайдур! Ё раббий! Не ёзуқлари учун бу хўрлик, бу ажри интиқомни раво кўрдинг унга?"

Боғларни шовуллатган совуқ изғирин, гўё уни тўхтатмоқчи бўлгандай шитоб билан кўксига урилар, чанг-тўзон ва чархпалак хазонлар юз-кўзларни аёвсиз савалар эди!..

"Энг инонган амири Султоншоҳ барлос сотқинлик қилди, амир Жондор қайгадир қочди, суянган тоғим деган доруға Мироншоҳ доруссалтана дарвозасини беркитди... Эвоҳ! Қандай малъунлик бу, қандай каззоблик, қандай сафолат?.. Бу мардуд салтанатда кимга инонмоқ керак, кимга суянмоқ керак, халлоқи олам?"—Бу ўйлардан юрагини аланга олган Мирзо Улуғбек, тишини тишига босиб, отига яна қамчи урди. Бўлиқ оқ байир олтин сувлиқларини чайнаб чинқириб кишнади. Унинг туёқлари остидан отилиб чиққан тош ва кесақлар ҳар томон визиллаб отилар, осмонда учган хазонлар аёвсиз савалар, лекин у ҳеч нарсани сезмас, қалбида туғён урган алам оғриқни босиб кетган эди. Хаёлан у ҳамон кўкка тавалло қилар, осий бандангни кечиргайсен, қариган чоғимда бу хўрликни раво кўрмагайсен, деб илтижо этарди.

Боғлар чекиниб, атроф ҳиёл ёришди. Сал ўтмай,

олдинда осмон билан туташган доруссалтана кўргони кўзга чалинди. Қоронғида кўргоннинг кунгурадор девори шундай юксак ва мустақкам кўринар эдики, уни ҳеч бир куч забт этолмайдигандай туюларди.

Суви кўкламдаёқ қуриб қолган чуқур хандақ ёнида Мирзо Улуғбекни яна бир гуруҳ навкарлар қарши олди. Улар орасида шаҳзода Абдулғазиз билан жиянлари Абдулла ва Абу Саид Мирзо ҳам бор эди. Учала шаҳзода ҳам асабий ҳолатда у ёқдан-бу ёққа от ўйнатиб юришар эди. Мирзо Улуғбек шаҳзодаларга эътибор бермай, чуқур хандақдан от чоптириб ўтиб, дўнгликдаги дарвоза олдида тўхтади.

Бобоси Амир Темури яттирган ва "Дарвозаи оҳанин" деб ном олган қуйма темир дарвоза чиндан ҳам тақа-тақ берк эди. Дарвозанинг ёнларидаги соқчилар турадиган икки минорада кимлардир кўринар, девор буржлари ва нишон туйнуқларида ҳам алақандай қора кўлагалар кўзга чалинар, лекин ҳеч ким рўйирост бошини чиқариб қарамас эди. Кўксидан жўш урган алам ва туғён ичида ёниб, от чоптириб келган Мирзо Улуғбек, ёпиқ турган бу залварли дарвозани, осмон билан туташган бу юксак кунгурадор деворни кўрганда юрагидаги туғён тўсатдан сўниб, вужуди бўшашиб кетди. У бирдан ёпирилиб келган бу туйғуни зўрға енгиб, саройбонга "дарвозани қоқ", деб имо қилди. Саройбон отини ниқтаб бориб, қиличи билан дарвозани "шақ-шақ" урган эди, тепадаги минорадан:

—Бу ким?—деган овоз эшитилди.

—Бу мен!—деди Мирзо Улуғбек, яна қони қайнаб.— Соҳиби тож Мирзо Улуғбек Кўрагоний!

—"Дарвозаи оҳанин" намози асрдан сўнг шоҳу гадо— барчага ёпиқдир!

—Оч дарвозани, малъун!

Мирзо Улуғбек гўё дарвозани ағдара оладигандек, от солдириб борди, асов оқ бедов осмонга сапчиб, олдинги оёқлари билан темир дарвозани қарсиллатиб урди-ю, орқага тисарилди. Юқорида бир дақиқа жимлик чўккач:

—Аъло ҳазратлари афв этсинлар!—деди бояги овоз.— Доруға Мироншоҳ жаноблари фармон қилмишлар, дарвоза очилмайдур!

—Соҳиби салтанат мен бўлурмен. Барча фармонларим амри вожиб эрур!.. Дарвозани оч ё доруғани чақир, ёхуд бошинг кетади, салоҳдор!

Мирзо Улуғбек гапни тугатмаган ҳам эдики, девор тепасидаги минорадан қиқирлаб бўғиқ овоз эшитилди:

—Салоҳдорнинг бошини олишга қўлинг калталиқ қиладур! Бунинг боши эмас, ўз бошинга эҳтиёт бўлғил, Муҳаммад Тарағай!

Мирзо Улуғбек бир дақиқа тили калимага келмай гаранг бўлиб қолди. Бу ингичка хириллоқ овознинг эгаси, ҳар бир сўзидан заҳар томчилаб турган бу одам... амир Султон Жондор эди!..

Вожабо! Бу малъун лашкарни ташлаб қочганда... доруссалтанага келган экан-да! Лекин қачон, қайси йўлдан ўтиб келди? Унга дарвозани ким, нечун очди?.. Бу беимон каззоблар қачон тил бириктирган? Бу диёнатсиз инсонлар, бу амиру умаролар, аркони ҳарб ва аркони давлатлардан ҳазар, алҳазар! Қайга борманг, ҳаммаёқда маккорлик, разолат ва риёкорлик!

Мирзо Улуғбек оёқларини узангига тираб, қадини ростлади, вужуд-вужудини ларзага солган туғenni зўрға босиб:

—Амир Султон Жондор!—деди.—Ҳумо қуши кимнинг бошига қўнур, буни ёлғиз ҳақ таоло биладур. Ҳумо қуши мени тарк этса—сенинг бахтинг! Ва лекин фалакнинг гардиши билан тожу тахт қўлимда қолса... эсингда бўлсин: оёғингдан дорга осиб, остингдан ўт кўямен!—Мирзо Улуғбек шундай деди-да, амир Жондорнинг жавобини кутмасдан, отининг бошини орқага бурди.

Мирзо Улуғбек хандақдан от чоптириб ўтиши билан уни шаҳзодалар ўраб олишди. Хаёли алғов-далғов бўлиб кетган Мирзо Улуғбек шаҳзодаларнинг ҳаяжонли сўзларидан фақат бир нарсани, "Шоҳруҳия қалъаси", деган сўзни тушунди-ю, "майли!" деб, қўл силтади. У қаёққа, нима мақсадда кетаётганини билмас, хаёлини фақат бир фикр—инсонларнинг риёкорлиги, манфурлик ва каззоблиги банд этган эди. Сал ўтмай, Шоҳруҳия қалъасига от чоптириб кетган шаҳзода Абдулғазиз қайтиб келди. У оғир ҳансирар, гулдираб алланималарни айтар, лекин гапини тушуниш қийин эди.

Мирзо Улуғбек Шоҳруҳия қалъаси ҳам ёпилганини, қалъа бошлиғи туркман беги Иброҳим Пўлат ўғли ҳам сотқинлик қилганини унинг гулдирашларидан аранг илғаб олди. Ақли билан эмас, алақандай ички туйғу билан илғаб олди-ю, лабини қаттиқ тишлаганича ўйланиб қолди. У бир дақиқагина иккиланди, кўнглидаги ғалаён билан бир сониягина олишди, сўнг, аргумоғининг бошини орқага бурди. У Мирзо Абдуллатифга бош эгишга, яхшилик бўлса-да, ёмонлик бўлса-да, ўз зурриётидан кўришга аҳд қилди.

Қаттиқ ухлаб ётган Али Қушчи эшик оҳиста гичирлаб очилганини сезиб, уйғониб кетди. Расадхона зимистон бўлса ҳам, Али Қушчининг ўткир кўзлари дарров кўрди: пойгакда девқомат бир кимса гавдаси билан эшикни тўсиб, қаққайиб турарди.

Али Қушчи беихтиёр ёстиғи остидаги ханжарга қўл югуртирди.

—Ким бу?

Эшикдаги кимсадан сас чиқмади.

—Сўзла. Кимсен, эй бандаи гунг?

—Бу мен, фақирмен...

Али Қушчи ханжарини ушлаганича ўрнидан сакраб турди.

—Қаландар Қарноқий?

—Балли сизга, мавлоно, ёдингиздан чиқармабсиз.

—Жонингда қасдинг бўлмаса ўрнингдан жилмагайсен!

—Қўрқманг, мавлоно... шамни ёқинг!

—Жилма дедим, жилма! Қайдин келдинг бу даргоҳга?

—Қаландар Қарноқий бировнинг ихтиёри билан юрмайдур, мавлоно. Олтин қидириб келдим бу даргоҳга! Шамни ёқинг, мавлоно!

Али Қушчи ханжарини қинидан шартта суғуриб олди. Хаёлидан: "Ёнингда шерикларинг бўлмаса, сен билан олишиб кўрамен!" деган фикр ўтди. Ўзини босиб:

—Не деб алжирайсен, Қаландар?—деди.—Илм даргоҳида олтин не қилур, тентак?

Қаландар қоронғида секин кулди:

—Бу илм даргоҳида Жаҳонгир тиллалари кўмилмишдур, мавлоно!

—Амир Темур тиллалари? Тушингни сувга айтгайсен, олло гадойи!

—Дур ва жавоҳирлари ҳам бордур. Яширмоқдан фойда йўқ, мавлоно.

Али Қушчи нима қилишини билмай бир зум лол бўлиб қолди. "Бу жунунсифат девона тилланинг дарагини қайдин эшитди? Уни бу ерга ким юборди? Ёнида кимлар бор?"

Қаландар қоронғида гумбазга ўхшаган кулоҳлик бошини чайқаб:

—Мавлоно Али Қушчи,—деди истеҳзо билан.—Ким сизни йўлбарс билан олишган шерюрак Али Қушчи дейди! Шамди ёқинг! Шоир Қаландар бу даргоҳга қора ниятда келса, боя пичоқлаб ташлар эди сизни!

Қаландарнинг сўзида жон бор: расадхонага билдирмасдан кирган одам, гафлат уйқусида ётган мавлононинг бошини танидан жудо қилиши ҳеч гап эмас эди.

Али Қушчи қоронғида пайпаслаб, токчага ўтди ва кечаси ўчиб қолган шамни ёқди. Унинг заиф шуъласида кутубхонанинг деворларидаги зарҳал нақшлар, жавонлардаги китобларнинг тиллакори жилдлари ялтиллаб кетди. Қаландар Қарноқий эғнида қуроқ жанда, бошида учлик эски кулоҳ, девсифат қомати билан ҳамон эшикни тўсиб турарди. У қўл қовуштириб, таъзим қилди:

—Ассалому алайкум, устод!

Бу сафар у "мавлоно" ҳам демай, "устод" деди. Анов дарвешлардан ўрганган фирибгарликми бу ё бурунги Қаландар Қарноқийнинг самимийлигимми? Али Қушчи кўлидаги шамни баландроқ кўтариб унинг юзига тикилди. Соч-соқоллари ўсиб кетган Қаландар чуқур ботган уйқусиз кўзларини олиб қочмай қаттиқ қадалиб турарди. Девдай қомати ва жулдур кийимларига қарамай, Қаландарнинг соқол босган озгин юзида, уйқусизликдан киртайиб қолган кўзларида аламли бир дард, қандайдир мажруҳлик бор эди. Унинг бошига тушган савдолар Али Қушчининг эсига тушиб, кўнгли сал юмшади.

—Кел, олло гадойи, ўлтир!

Қаландар тез юриб келиб унинг қўлини олди ва лабига босди.

"Бунга не бўлди? Нечун бундай қилади?"

—Юқори ўт, ўлтир, Қаландар...

Қаландар "раҳмат", деган маънода бош ирғаб:

—Кечиргайсиз, устод,—деди.—Сўзни олтиндан бошлаб, сизни ҳайратга солдум.

—Олтин, олтин!.. Бу сўзни қайдан топдинг, Қаландар?

—Сабр қилгайсиз, устод, аввал сизга бир саволим бор,—Қаландар ғамгин кўзлари билан Али Қушчининг кўзларига тикилди.—Сиздай алломаи замон фақирни ким деб, қандай одам деб билурсиз?

Дарҳақиқат, бу одам ким ўзи? Олис Яссидан келиб, олдин навкар бўлди, кейин қилични қаламга, суворий совутларини илм аҳлининг камтарин либосларига алмаштириб толиби илм бўлди, сўнгра мадрасани тарк этиб, хилватга кирди. Алҳол, бошида эчки терисидан тикилган эски кулоҳ, эғнида жулдур жанда, унинг олдида сажда қилиб турибди...

Али Қушчи елкасини учирди.

—Бир сўз айтмоққа тилим лолдур, олло гадойи...

Қаландар оғир хўрсиниб:

—Фақир бу чаппа дунёдан ҳақиқат излаб тополмаган, адашган бандадурмен, устод!—деб хитоб қилди.—Аввалам соҳиби тож Мирзо Улуғбекдан элимга мадад истаб келиб, мадад топмадим. Юртимдан айрилиб, беватан бир мусофир, кулбасиз бир дайди ит бўлдим. Ҳақиқат деб кирмаган кўчам, бош урмаган эшигим қолмади, ахийри аҳли олло гадоларига ихлос қўйдим. Ва лекин... не чора? Гадолар эмас, тилида ҳамду сано, дилида фисқи фужур гумроҳларни кўрдим. Энди, хоҳ инонинг, хоҳ йўқ, ҳақиқат излаб, тагин даргоҳи илмга келдим, устод!

Қаландар тўсатдан овози дарз кетиб, жим қолди. Унинг самимийлигига шубҳа қилиш қийин эди. Лекин... Али Қушчи зўраки кулди.

—Сўзингда мантиқ йўқдур, Қаландар, ҳақиқат қидириб келдим, дейсан ва лекин ҳақиқат эмас, олтин қидирасен!..

—Бунинг боиси шулким, бу олтин бошингизга етиб, ёстиғингизни қуритадур, мавлоно!

—Менда олтин борлигини қайдан биласен? Айт, дарвеш!

—Йўқ, аввал сиз сўзланг, устод: бу даргоҳга Амир Темур олтинлари кўмилганини бировга айтган эдингизму?

Али Қушчи беихтиёр:

—Хожа Салоҳиддин заргар!—деб юборди.—Наҳот?..

Қаландар лабини тишлаб, бошини сарак-сарак қилди:

—О, мавлоно, мавлоно! Сиздай етук донишманд бу ишда сабийлик қилибдур. У қари тулки бу сир-асрорни ҳазратларига етказгандур. Олтинни яшириб, дарҳол қочмоғингиз даркор. Билъакс, олтинни тортиб олиб, ўзингизни йўқ қиладилар, устод!

Ё дариг! Соч-соқоли ўсиб, кўзлари ёниб турган бу мажнунсифат дарвеш чин сўзни айтмоқдами ё қаллоблик билан унинг сир-асрорини билиб олмоқчими? Лекин Салоҳиддин заргар!.. Йўқ, бу дарвеш ёлғон сўзламас!

Унинг кўнглидаги шубҳаларни сезган Қаландар қовоғини солди:

—Фақир ёруғ дунёга келиб икки одамдан ёмонлик кўрмадим. Бири—давлатпаноҳ Мирзо Улуғбек, бири—сиз, оға! Ҳузурингизга бош эгиб келмоқдан мақсад—яхшиликка яхшилиқ қилмоқдир. Бу ниятимга шубҳа қилсангиз, дарҳол орқамга қайтамен, устод!.. —Қаландар буни қандайдир ўксиб гапирди-ю, Али Қушчининг кўнглидаги сўнги шубҳаларини тўзғитиб юборди. У кўзини Қаландар-

нинг ғамгин кўзларидан узиб, жавондаги китобларга қаради:

—Сен тилла ва жавоҳирларни айтдинг, Қаландар. Ва лекин тилладан азиз бу бойликни не қиламиз? Камина бош олиб кетсам, бу ноёб хазинанинг тақдири не бўлади?

Қаландар бошини кўтариб, жавонларга узоқ тикилди. Жаноб Низомиддин Хомушнинг макруҳ китоблар тўғрисида айтган таҳдидли сўзлари эсига тушди.

—Яширмоқ керак!

—Бу ҳисобсиз хазинани қайга яширамен? Қандай яширамен, Қаландар?

—Сандиқларга солиб, бошқа шаҳарларга олиб кетмоқ даркор!

—Қайси шаҳарга олиб борамен? Мирзо Абдуллатиф тахтга ўлтирса, унинг қўли етмаган шаҳар қолурми?

—Ҳар нечук бу даргоҳдан олиб кетмоқ даркор,—Қаландар бошидаги кулоҳини тўғрилаб, бир дақиқа ўйланиб турди, сўнг, Али Қушчига қарамай:

—Расадхонада ташқа чиқадурган лаҳим¹ борми?—деб сўради.

Али Қушчи хиёл иккиланиб тургач:

—Бор,—деб жавоб берди.

—Олтинларни олиб, мен билан юринг,—деди Қаландар буйруқ оҳангида.—Бир жойга борамиз, устод.

—Қайга?

—Сўраманг. Олтинларни олинг!

Қаландарнинг амри Али Қушчининг кўнглига яна гўлгула солса ҳам, у таваккал қилиб, жавонга нарвон қўйиб, китоблар орқасига яширган тилла ва жавоҳирларни ола бошлади.

Қаландар пиёладай-пиёладай қуйма олтинларни қўлида салмоқлаб кўриб хуржунининг кўзларига жойларкан:

—Бу бойликни яширган хуфия жойингиз шуми? Боракалло сизга, мавлоно!—деб кулиб қўйди. У олтинларни жойлаб бўлиб:

—Лаҳим қайда? Бошланг, мавлоно!—деб амр қилди.

Унинг дағал буйруғи Али Қушчига яна совуқ эшитилса ҳам, энди чекиниш пайти ўтган эди. У қўйнидаги ханжарини тўғрилаб қўйди-да, шамни қўлига олиб эшикни очди.

Тик зиналар қоронғи йўлкадан ер ости йўлига олиб тушар эди.

¹ Лаҳим—яширин йўл.

Биринчи ошёнанинг ён томонида торгина ертўла бўлар, ертўланинг ўртасида тегирмон тошига ўхшаган юмалоқ тош билан ёпилган қудуқ бор эди. Қудуқ чуқур эмас, нари борса ўн-ўн беш газ бўлиб, унинг бир томонидан одам аранг сиғадиган туйнук очилган эди. Туйнукка кириб, ер остидаги тор, илон изи лаҳимдан ўтилса... Кўҳак томондаги сойга чиқилар эди. Лаҳимни бутун Мовароуннаҳрда фақат икки киши—Мирзо Улуғбек билан Али Қушчи билар, лекин Али Қушчи ҳам унга умрида бир маротабагина тушган эди.

—Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!

Оғиз-бурнини шоҳи қийиқча билан ўраб олган Али Қушчи белига арқон боғлаб қудуққа биринчи бўлиб тушди. Суви тиззадан келадиган қудуқ зах, муздай совуқ эди. Али Қушчи қудуқ деворларини пайпаслаб туйнукнинг оғзидаги тошни олиб ташлади. Зимистон унгурни кўрганда вужудини қамраб олган нохуш туйғуни аранг енгиб, туйнукка кирди. Қурилибдики, одам боласи бош суқмаган камбар лаҳим ўргимчак уяси билан қопланган, зах деворларида қандайдир ҳашоратлар, калтакесаклар, қирқоёқлар ўрмалаб юрар, қўланса моғор ҳиди димоққа "гуп-гуп" урарди. Али Қушчи, қўлида шам, олдинда энгашиб бораркан, шамдан қочиб деворларда изғиб қолган ҳашоратларни кўриб ижирғаниб кетди... Бир сафар илондай совуқ, шилимшиқ бир нарса бўйнига шалоп этиб тушди-ю, тирноқларигача зирқиратиб юборди. Қаландар эса ҳеч нарсани парво қилмай кетма-кет хуржун судраб келар, ўхтин-ўхтин, гўё "жадалланг, мавлоно", дегандай кифти билан Али Қушчинини елкасидан туртиб қўярди. Ниҳоят, зимистон тор йўлак тугаб, катта ғадир-будур тош йўлларида кўндаланг бўлди-ю, улар таққа тўхташди.

Қаландар билан Али Қушчи оёқларини ерга тираб, кифтлари билан тошни азод кўтарган эди, у оҳиста кўзғалиб, тўсатдан "гурс" этиб ағдарилди-ю, димоққа "гуп" этиб мусаффо ҳаво урди...

Лаҳим терак бўйи келадиган жарга чиққан, жар таги тошлоқ сой эди.

Улар сойга тушиб, икковлашиб катта тошни жойига қўйишди-да, жар ёқалаб кетишди.

Али Қушчи ҳайрон эди: Қаландар Қарноқий Самарқандга эмас, бильакс, Ургут томонларга йўл олди. Сал ўтмай, ўнганта бурилиб, "Обираҳмат" ариғини ёқалаб кетди... Ойсиз, зим-зиё тунда юриш қийин, оёқ остидаги тошлар ғачир-ғучир қилар, ариқ бўйидаги тол шоҳлари

юзларига урилар, Қаландар эса, ҳеч нарсага парво қилмай тобора жадаллаб борарди... Бу телба дарвеш уни қайга етаклади? Нияти покми ўзи? Пок бўлса қайга боришларини нечун пинҳон тутади?.. Ана, олдинда қандайдир боғлар кўринди. Пастда, сой бўйида тегирмон новларидан қуйилган сувнинг бир маромда шовиллаши эшитилди. Улар тегирмонга етмай, катта бир боққа киришди ва аллақандай тоқзорлардан, ҳали кўмилмаган анорзорлардан ўтиб, қир ёнбағрида жойлашган қишлоққа киришди. Кейин яна ўннга бурилиб, тор кўча бўйлаб кетишди.

"Ноғоратепа!"—хаёлида деди Али Қушчи. Кўчалар шундай тор ва қинғир-қийшиқ эдики, икки туя рўпара келса ўтолмас эди. Кўча юзидаги уйлар, пахса деворлар, қўл чўзса тегадиган болохоналар гўристондай жимжит, ҳовлилардан тиқ этган товуш эшитилмас, аҳён-аҳёндагина паскам дарвозалар орқасида итлар ириллар, қўйларнинг тапир-тупури эшитилиб қоларди-ю, яна жимлик чўкарди.

Улар бораётган тор кўча кичикроқ майдончага олиб чиқди. Майдончанинг қибла томонида баландгина тепалик бўлиб, унинг этагида икки туп сада кўзга чалинарди.

Қаландар Қарноқий у ёқ-бу ёққа қараб олгач, Али Қушчига "юринг" деб имо қилди-да, майдончадан чопқиллаб ўтиб, садалар остида тўхтади.

Қирнинг олд томони гўё пичоқ билан кесилгандай тикка чопилган бўлиб, ўртасида унгурдай бир нарса қорайиб турарди. Қаландар оёқ учида юриб бориб, унгурнинг темир қопланган эшигини уч марта секин қоқди-да, ўзини яна сада панасига олди. Сал ўтмай, эшик гичирлаб очилиб, лаҳимнинг туйнуғидай зим-зиё туйнук кўринди.

Қаландар Али Қушчини қўлидан ушлаб, икки букилганича қоронғи унгурга шўнғиди.

—Ассалому алайкум, отахон...

Унгурнинг тупкарисидан аллақандай вазмин ва йўғон овоз эшитилди:

—Ваалайкум ассалом!..

Али Қушчи Қаландарнинг орқасидан қоронғи туйнукка кираркан, хаёлидан:

"Бир лаҳимдан чиқиб, бошқа лаҳимга кирдикми?—деган фикр ўтди.—Бу жунунсифат девона қай гўристонга бошлаб келди?"

Улар чиндан ҳам лаҳимга ўхшаган камбаргина зимистон йўлкага кирган эдилар. Йўлканинг охирида милт-милт ёнган шуъла кўринарди. Улар шуълага қараб юрдилар ва

узун, тор йўлакдан ўтиб, шифти қуббасимон қилиб ясалган катта ғорга кирдилар. Токчадаги мойчиروқнинг хира шуъласида улкан ғор қандайдир ваҳимали туюларди. Олдинда бораётган Қаландар тўхтаб:

—Мана, камина айтган мавлоно Али Қушчи ҳузурингизга қадамранжида қилдилар, ҳазрати Темур бобо!—деди.

Нимқоронғи ғорнинг бир бурчидан бояғи вазмин товуш эшитилди:

—Ассалому алайкум, мавлоно! Фақир кулбамизга хуш келибсен, ўғлим Алоуддин!

Ҳайратга тушган Али Қушчи кўнгли ғалати бўлиб олдинга ўтди.

—Ваалайкум ассалом, бузруквор!

—Боракалло, мавлоно! Қани, юқори ўт!

Кўзлари қоронғига ўрганган Али Қушчи атрофига қизиқсиниб қаради.

Улар кирган жой—баланд тепаликнинг ёнбағрига ўйиб кирилган катта ғор бўлиб, икки ёнида яна иккита кичикроқ унгулар кўринар эди. Йўлакдан кирган жойдаги унгулда темирчилик асбоб-ускуналари, босқон ва сандон, унинг тагида оғир болға ва чўкичлар, узун темир қисқичлар, омбурлар ётар, чап томондаги ғорда қозон-товоқ, қумғон, чойдиш, ҳар хил обдасталар ва бошқа рўзғор буюмлари териб қўйилган эди. Катта ғорнинг тўрида, пўстак ёзилган супада, бошига чамбарак кигиз қалпоқ кийган, кўпдан бери қайчи тегмаган қалин соқоли кўксига тушган бир чол, қўлида наяки, қўй терисидан тикилган кенг пўстинга ўраниб, чордана қуриб ўтирарди.

Чолнинг орқасидаги текис чопилган деворга иккита қилич ва қалқон осилган, қиличларнинг ўртасидаги токчада қандайдир эски китоблар кўринарди... Ғорга ҳайрат билан тикилиб қолган Али Қушчининг эсига... ногаҳон Ургут тоғларида Мирзо Улуғбек билан ов қилиб юрганларида кўрган бир ғор тушди. У ҳам худди мана шунга ўхшар, зимистон, камбар лаҳимдан кўрқмай ўтиб борилса, худди шундай кенг ғорга кириларди. Ғорнинг деворлари ва қуббасимон шифти гўё инсон қўли билан ясалгандай силлиқ, оппоқ мрамар тошлардан барпо бўлган эди. Тўсатдан Али Қушчининг миёсида бир нарсга "ярқ" этгандай бўлди: "Хазинани ўша ғорга яширмақ даркор!"

Унинг хаёлини чолнинг:

—Нечун талмовсираб қолдинг, мавлоно?—деган овози бўлди.—Қани, ўт буёққа!—Чол ўнг томонидаги устига пўстак ташланган катта тўнкани кўрсатди.—Тортинмай

ўлтиргайсен, мавлоно. Бу тўнкада осий банданинг адаши, соҳибқирон Амир Темур ўлтириб, мана бу косада...—чол қўлини чўзиб китоб терилган токчанинг остидан катта мис косани олди,—мана шул косада фақирга бода тутган. Фақир эсам унга наша чектирганмен, мавлоно...

Али Қушчи эндигина уста Темур Самарқандий деган машҳур темирчининг ғорида турганини тушунди. Амир Темур лашкарида хизмат қилган бу одам тўғрисида Али Қушчи кўп ғалати ҳангомалар эшитган, лекин ўзини кўрмаган эди.

Али Қушчи тавозе билан қўл қовуштириб, чол кўрсатган тўнкага ўтирди. Қаландар эса чолнинг ёнига чўнқайди.

—Ҳа, мавлоно Али Қушчи, —деди чол, —сиз музаффар фотиҳ Амир Темур Кўрагоний ўлтирган тўнкада ўлтирибсиз. Амир Темурдан сўнг бул тўнкада унинг фарзанди Хоқони Саид Шоҳруҳ Мирзо ўлтирган эди...—Чол сийрак, лекин ўсиқ қошларини силаб мийғида кулимсиради.—Ул зоти шариф қуйма олтин олиб келибдурким, қиблагоҳ Амир Темурга ясаган қиличдай қилич ясаб берармишмен. Билмайдурларким, қилич ясамасликка онт ичганмен...

Бу тўғрида ҳам Али Қушчининг қулоғига алақандай мишмишлар чалинган эди. Гўё Шоҳруҳ Мирзо Самарқандга ташриф буюрганида машҳур бир темирчига қилич буюрган, темирчи эса қилич ясашдан бош тортган. Шоҳруҳ Мирзо дарғазаб бўлиб, уни дорга осишга буюрган, лекин Мирзо Улуғбек аралашиб, темирчини ўлимдан олиб қолган...

Али Қушчи чолнинг қора қурум босган серажин юзига, пахмоқ қошлари остидаги тийрак кўзларига ҳаяжон билан тикилди. Чолнинг кенг юзи, кўксига тушган оппоқ соқоли, куч ёғилиб турган бақувват жуссаси, тиззасига тираб ўтирган қоқсуяк қўллари худди чўнг қоядан ўйиб ясалганга ўхшар, вужудидан бўлакча бир мардонаворлик, ирода, куч ёғилиб турарди.

—Онт ичмоғингизга не сабаб бўлди, отахон?—деди Али Қушчи.

Чол қурум босган серажин юзини бужмайтириб, қўлини силтади.

—Э-э, бунинг ҳангомаси узоқ, иним. Алқисса, камина Амир Темур лашкарида аслаҳасоз эдим. Уста Темур Самарқандий ясаган қиличларнинг донғи Ямандан Ясангача кетган эди, ўғлим. Бир кун соҳибқирон бир қилич буюрди. Сопи олтиндан, ўзи пўлатдан бўлсин, чопганда

тошни кессин, деди. Ясадим, Шундай қилич бўлдиким, Амир Темур қўлида тўнкадай тошни ёғдек кесди. Соҳибқирон хушнуд бўлиб, эгнимга зарбоф тўн ёпди. Аммо фалакнинг гардишини қаранг, мавлоно, сал ўтмай ул шоҳи бешафқат осий банда ясаган шул қилич билан Кўксарой майдонида Ёлғиз оғам, бирдан-бир жигаргўшамнинг калласини олди!.. —Чол кўзларини юмиб, лабларини пичирлатиб тиловат қилди ва юзига фотиҳа тортди.—Жигаргўшам сарбадорлар саркардаси эди, мавлоно. Кўкрагида шер юраги бор эди. Фақирга ҳамиша айтур эди: иним Темур, қўй шул ҳунарингни. Кимки шоҳларга қилич ясаб берса, гуноҳи азимга қоладур, тонг-ла маҳшарда жазосини тортадур, дер эди раҳматлик. Йўқ, кўнмаган эдим, ул соҳибқироннинг ширин каломию тортиқларига учган эдим. Аммо бул юмушим парвардигори оламга мақбул бўлмаган экан, ахири жазомни тортдим: ўзим ясаган қилич билан ўз жигаргўшамнинг боши олинганини кўрдим. Оғамга қўшиб яна ўттиз икки мард ўғлон... ўттиз икки сарбадорнинг бошини танидин жудо қилди... Ҳа, ўғлим, ўзим ясаган қилич тўккан жигаргўшамнинг қонини кўрдим. Кўрдим-да, бир тунда Амир Темур инъом этган ҳамма саруполарга ўт қўйиб, бошимни олиб тоғларга чиқиб кетдим... Тўрт йил бошимга кулоҳ, устимга жанда кийиб, бу ёғи Бадахшон, бу ёғи Балх, ундан нариса—Ҳироту Бағдод, Маккаю мукаррама—барини дарбадар кезиб чиқдим. Энди ўз элимни кўрмоқ насиб бўлмас, суякларим ёт элларда калхатларга ем бўлур, деб ўйлаган эрдим. Йўқ, девонанинг ишини худо ўнглаз экан, болам. Ул бераҳм шоҳ Чину Мочинга юриш қилиб, Ўтрор устида дори фанодин дорилбақога рихлат этибдур деган хабар етди... Осий банда ўз юртининг қадрини мусофирликда билар эркан, ўғлим. Бул хабарни эшитдиму белни маҳкам боғлаб, қўлимга асони олиб, йўлга тушдум. Ун икки ою беш кун деганда кўзимга Мовароуннаҳр сарҳади кўринди. Жайҳунга етиб беҳуш йиқилдим, болам!..—Чол қора-қура йўғон бармоқлари билан кўз ёшларини сидириб ташлаб сукутга чўмди. Али Қушчи ер остидан Қаландарга қаради. У ҳам соқолини тутамлаб, бир нуқтага тикилиб утирар, ўз юртини эслаб, ўксинган бўлса керак, сўник юзида теран бир маҳзунлик акс этарди.

—Мавлоно Али Қушчи,—деди чол,—олло гадойи Қаландар сир-асрорнинг бир четини очди. Фақир илм даргоҳидан сув ичмаганмен, аммо Ҳироту Бағдоду Дамашқда кўп мадрасаи олийларда ҳовли супуриб, кўп

донишмандларнинг хизматларини қилганмен, пурҳикмат суҳбатларидан баҳраманд бўлганмен. Алқисса, не хизмат даркор бўлса—аямасмен, болам!..

Али Қушчи қўлларини кўксига қўйиб, таъзим қилди.

—Минг-минг раҳмат сизга, валломат. Сиз шаҳзода Мирзо Абдуллатиф тахту тож ишқида Мовароуннаҳрга бостириб кирганидин воқифдурсиз?

Чол бош ирғади.

—Ўз падарига қилич кўтарган зурриёт, иншооллоҳ, ҳақ таолонинг қаҳрига йўлиқур, мавлоно...

—Иншооллоҳ, дуонгиз мустажоб бўлғай. Аммо давлатпаноҳ Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳрда қирқ йил ҳукм сурганида расадхонадай жамиул-улум барпо этиб, кўп пурҳикмат китоблар, кўп ноёб қўлёзмалар, кўп илм дурдоналарини тўплаган эрди. Энди бу нодир хазина хавф остида турибдур. Бу илм хазинасини жоҳилу гумроҳлардин сақламоқни Мирзо Улуғбек камина зиммасига юклаган эрди...

—Мирзо Улуғбек!—Чол кўзларини юмиб, уф тортди.—Ҳай аттанг! Шундай зукко одам, қузғун саркардаларига инониб, қариган чоғида кўп панд еди. Кўнглингизга келмасин, мавлоно, аммо уруш баҳона, бу амиру умаро кафангадо қилди биз бечораларни. Жавр бўлганда биздай камбағал ҳунармандларга жавр бўлди, ўғлим.

Али Қушчи қизаринқираб ерга қаради. Не чора, уста ҳақ: бу уруш ёлғиз фуқаро эмас, устоднинг ўз бошига ҳам кўп мусибат солди. Қаландар ўрнида бир қўзғалиб:

—Отахон!—деди.—Ҳозир бу сўздан фойда йўқ. Илм хазинаси хавф остида қолгандир.

—Бас!—уста кафтини унинг тиззасига қўйди.—Қанча сандиқ лозим дединг?

—Ўн беш-йигирма сандиқ бўлса кифоя.

—Қачон тайёр бўлмоғи керак?

—Қанчаки тез бўлса нур устига аъло нур!—деди Қаландар ва хуржунга имо қилиб қўшиб қўйди:

—Тиллани аямасмиз, отахон!

"Тилла" сўзини эшитган чол ижирганиб юзини буриштирди. У ўсиқ қошларини силаб хиёл ўйлангач, Қаландарга юзланиб:

—Эртага шомдан кейин бир хабар олурсен, ўғлим,—деди.

—Раҳмат, бузруквор... Бунини не қилурмиз?—Қаландар хуржунни кўрсатиб кулди.—Ичи тўла олтин!

—Кўймоқ даркор,—чол шундай деб, қибла томондаги

қоронғи хонага ишора қилди.—Олиб кириб кўмгайсен. Фақирга олтин не, темир не—фарқи йўқдур.

Қаландар хонақоҳдаги темир-терсақларни бир томонга суриб, тиззадан келадиган чуқур ковлади. Тилла ва кавоҳирларни чуқурга ҳуржуни билан кўмиб, устига гупроқ тортди-да, темир-терсақларни уйиб қўйди.

Али Қушчи уста Темур Самарқандий билан хайрлашиб, Қаландар икковлон ғордан чиқаркан, гўё елкасидан тоғ қулагандай енгил тортди. Ташқарида ҳамон созуқ бўрон увиллар, қутурар эди. Шамол кучайиб, булутлар тарқаган, осмон ғуж-ғуж юдузларга тўлиб кетган эди. Тонг яқин бўлса керак, ҳар жой-ҳар жойда хўрозлар қичқирар, итлар ҳурар, эшақлар ҳанграрди.

Улар келган йўлларидан орқага қайтишди. Жарликдан чиқиб, расадхона дарвозасига яқинлашганларида олдинда бораётган Қаландар Али Қушчини қўлидан "шап" ушлаб, йўл ёқасидаги чинор панасига тортди.

Дарвоза томондан кимдир "Ҳақ дўст, ё олло", деб енгиллаб келарди.

Қаландар Али Қушчини панада қолдириб, ўзи дарвешнинг йўлини тўсди.

—Ҳа, Қашқир, бу ёқларда не қилиб тентираб юрибсен?

Қашқир бир нима деб пўнғиллади.

—Билиб қўй, ғилай, сен қашқир бўлсанг, мен йўлбарс бўлурмен. Агар айғоқчилик азмида юрган бўлсанг, ғилай кўзингни уйиб олиб, ўзингга ошатурмен. Уқдингму?

Дарвеш жавоб бермай ўзича сўкинди-да, тўтиқушдек сайраганича "Боғи майдон" томонга ўтиб кетди. Қаландар бир лаҳза кутиб турди, сўнг Али Қушчининг ёнига қайтиб:

—Эҳтиёт бўлмоқ керак, мавлоно,—деди.—Шайх ҳазратлари айғоқчи устига айғоқчи қўйибдур.

11

Мана икки кун ўтди. Мирзо Улуғбек Кўксаройнинг чеккасидаги бир хонада ўз ёғига ўзи қоврилиб ётибди. Ўшиқдаги ясовул ҳатто таҳоратга ҳам чиқармайди, таҳорат сувини ичкарига беради. Мирзо Улуғбек Кўксаройда ярим аср истиқомат қилиб, бу хонани кўрмаган экан. Хона совуқ ва нимқоронғи. Фақат шифтдаги туйнукчадан бир ҳовучгина нур тушади. Хонада гиламу бир-иккита кўрпача. Ўртадаги хонтахтада совиб қолган кабоб ва

мева-чева. Бежирим чинни кўзачада—бода. Лекин овқатдан шубҳаланган Мирзо Улугбек ҳануз туз тотгани йўқ. Фақат қумғондаги сувдан бир-икки қултум ичди, холос. Мана энди очлик ва уйқусизликдан хаёли чувалиб, шифтдаги туйнукка тикилиб ётибди.

Шу икки кеча-кундузда унинг ўйламаган ўйи, хаёлан қирмаган кўчаси қолмади, бутун умри, маъсум болалик чоғларидан бу машъум дақиқаларгача кўз олдидан бир-бир ўтди.

Мана, ёши элик бешдан ошибди, шундан салкам қирқ йил соҳиби тож бўлибди ва лекин бахт не, бу фоний дунёга келиб не роҳат кўрдинг, деса тили лол. Вожабо! Шоҳлар ҳаёти улар барпо этган маҳобатли кошоналарга ўхшайди: йироқдан гул-гул ёниб, кўз қамаштиради, ичига кирсанг рутубату қоронғилигидан этинг жунжикади... Унинг кўнгли таскин топадиган бирдан-бир маскани—мадрасаю расадхона эди. Кўксарой деб аталмиш бу фисқи фужур уясидан қочиб расадхонанинг осуда хоналарида ўтадиган, устурлоблар ёнида ҳудудсиз коинотни танҳо мушоҳада қиладиган масъуд онлар эди. Халлоқи олам буни ҳам кўп кўрди...

Мирзо Улугбек ўз тақдири ҳақида, Хуросон ва Мовароуннаҳрда бўлаётган бу ғалаён ҳақида ўйларкан, нечундир яна бобоси эсига тушарди. Ҳа, ал қасосул миналҳақ! Тожу тахт учун темурийлар орасида бошланган бу қиёмат-қойим, бу шафқатсиз хунрезлик... бобоси...—руҳи равзаи фирдавсда масрур бўлғай!—Бобоси Амир Темурнинг бошқа эл, бошқа улусларда қилган қатлу қирғинлари учун кўк юборган бир жазо эмасму? Бобоси тўккан дарё-дарё қон, у етим қилган норасидалар кўз ёши, фарзандларидан айрилган волидалар фарёди учун қайтган бир қасос эмасму бу?..

Йўқ, унинг виждони қийналадиган ёзуғи йўқ. У қирқ йил салтанат тебратиб бобоси янглиғ жанг-жадалнинг суронли нашъасини сурмади, бошқа эл, бошқа юртларга бостириб кириб, боғ-роғларни поймол, фуқарони талон-торож қилмади. Лекин булар... унинг зурриётлари, узок Ҳиротдаги жиянлари... Булар бобосининг тахтига минса.. Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг ҳоли не бўлади? Фуқаронинг ҳоли не кечади? Унинг ўз ҳоли-чи? Бу савдолардан кўра очиқ жангда душман билан қиличбозлик қилиб ўлса беармон кетарди. Бу қандай бедодликким, ҳаётининг кузагида ўз фарзанди билан олишиб, умрини бунчалар шарафсиз тугатса?

У кеча шаҳзодага иккита мактуб йўллаб, суҳбатга чақиришни сўради. У тожу тахтдан ўз идроки ва ихтиёри билан воз кечмоққа азм қилганини шаҳзодага айтмоқчи ва ундан ёлғиз бир нарсани—қолган беш кунлик умрини илм-маърифатга бағишлашига имкон беришини сўрамоқчи эди. Кейин, агар шаҳзода қулоқ солса, оталик насиҳатини бермоқчи, инсоф ва адолатга чақирмоқчи эди. Йўқ. Ҳар иккала мактуб жавобсиз қолди. Бу оқпадар ўғилнинг муддаоси не? Яна қандай шумликни бошламоқчи? Тахт аздада ҳеч нарсадан тап тортмаган бу кўрнамак ўз падарининг жонига қасд қилмоқ ниятида эмасму? Йўқ, Мирзо Улуғбек ўлимдан кўрқмайди! Ўлим ҳақ, парвардигори олам! Ва лекин ёмон бўлса-да, ўз пуштикамаридан яралган бу жоҳил фарзандининг тақдири не бўлади? Ўз қиблагоҳининг жонига қасд қилиб, падаркуш деган машъум ном олиб, абадулабад бадном бўлмасму?

Хонага биров кирдимми ё эшик ғичирладими?

Мирзо Улуғбек кўзини очди. Остонада пайдо бўлган ясовул орқага чекиниб, таниш семиз баковулга йўл берди. Баковулнинг қўлидаги оғир баркашда қип-қизил пишган иккита патир, бир товоқ ош ва бир чойнак чой бор эди.

Баковул бош эгиб, таъзим қилди-да, баркашни хонтахтага қўйди. Шошилмай совиб қолган кабобларни йиғиб олди, сўнг, индамай орқасига тисариларкан, патирга имо қилиб кўзини қисди. Мирзо Улуғбек унинг имосига тушунолмай бир патирга, бир баковулга қаради. Лекин баковул индамади, "айғоқчи бор", деган маънода эшикка имлади-да, яна патирга ишора қилиб чиқиб кетди.

Бу қари баковул не демоқчи? Нияти покми? Ё уни бир балога мубтало қилмоқчимми?

Боши гир-гир айланган Мирзо Улуғбек патирга қаради, яхши пишган иссиқ патирнинг тотли ҳиди димоғига "гуп" этиб уриб, оғзининг сувини қочирди...

Мирзо Улуғбек патирни олиб ушатди, ушатди-ю, ҳайрон бўлиб қолди. Патирнинг орасидан найча қилиб ўралган бир қоғоз чиқди. Мирзо Улуғбек юраги "шиғ" этиб қоғозни очди. Имзо чекилмаган. Номаълум кимса унга ҳақ таолодан иноят тилаб, доруссалтанада бўлаётган ҳодисалардан воқиф қилган ва бир маслаҳатни ўртага ташлаган эди.

Унинг ёзишича, шаҳзодаи валиаҳд доруссалтанани забт этиб, Кўксаройга кириши билан қиёмат-қойим бошланган, кеча масжиди жомеда хутба ўқилиб, Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳр ғаними, деб аталган ва тожу тахтдан жудо

қилинган. Хутбада Мовароуннахр султони деб, шаҳзоданинг исми зикр қилинган ва унинг номида пул зарб этилмоққа фатво берилган. Шаҳзода бу кунларда кўп зоти шарифларни, Мирзо Улуғбекнинг кўп навкарлари ва саркардаларини ҳибсга олган. Қаршилиқ қилганлар эса қатл этилган. Шаҳзода уни, Мирзо Улуғбекни, Маккаю мукаррамага ҳажга юбормоққа жазм қилган. Лекин хутбада Сайид Аббос деган бир кимса хонга юкуниб, аълоҳазратларидан хун довлаган. Зеро Улуғбек ҳазратлари унинг падари бузрукворини бегуноҳ қатл қилдирган эмиш. Бу диёнатсиз кимсанинг сохта довини, қозиюл қуззот Хожа Мискин жанобларидан бошқа бир кимса, ҳатто шаҳзоданинг ўзи ҳам рад қилмаган. Алқисса, унинг ҳаёти қил устида турибди, шу боис, номаълум кимса унга қочмоқни маслаҳат қилган. Башарти онҳазратлари бу маслаҳатни мақбул топса, баковулга ишора қилмоғи лозим. Баковул посбонни дори билан ухлатиб, Мирзо Улуғбекни Кўксарой тагидаги лаҳимдан олиб чиқади.

Мирзо Улуғбек мактубни ўқиб тугатмасиданоқ ўрнидан туриб кетди. Унинг кўнглига келган биринчи фикр "тузоқ" бўлди. Ҳа, шаҳзода унга тузоқ қўймоқда! Қочмоққа азм қилса баковулга ишора қилар эрмиш! Баковул посбонга дори бериб, уни Кўксарой остидаги лаҳимдан олиб чиқар эрмиш! Вожабо: бу лаҳимни шаҳзода билмас эканму? Унга ўз посбонларини қўймаган эканму? Ҳа, бу тузоқ! Шаҳзода, йўқ, амирлар қўйган азозил тузоғи!..

Мирзо Улуғбек ҳаяжон ичида хонани бир айланиб чиқди. Баногоҳ кўзи ушатишган патирга тушиб, кўнглидан яна ўша фикр ўтди: "Оғу"...

—Ҳа, бу овқат, нон, чинни кўзачадаги бода—ҳаммаси заҳарланган! Ҳаммасига оғу солинган! Ниятлари уни заҳарлаб ўлдирмоқ!—деди Мирзо Улуғбек, деди-ю, хаёлига яна бир фикр келиб маънос жилмайди:

"Алҳол унга барибир эмасму? Киндик қони тўкилган суюкли юртидан жудо бўлиб, ёт элларда, олис мусофир юртида дарбадар кезганидан ёхуд бошини Сайид Аббос қиличи қесганидан оғу ичиб ўлгани мақбул эмасму?"

Мирзо Улуғбек бир пиёла бодани тўлдириб кўтариб юборди-да, бир бурда нон чайнаб, хонани секин айлана бошлади...

Майли! Оғу бўлса бўлсин! Агарчи нобакор фарзанди оғу бериб, уни ўлдирмоққа қасд қилган бўлса, ниятига етсин! Ва лекин... бу сирли номани йўллаган, уни қочирмоққа жазм қилган ким экан? Суюкли шогирди Али

Қушчиму ё мавлоно Муҳиддинму? Йўқ, бу хатарли тадбир илм аҳли қўлидан келмас! Бу хатарли ишга жазм қилса Бобо Ҳусайндай навкарлари жазм қилади! Ва лекин... йўқ, у қочмайди! Қочганда қайга боради? Қирқ йил ҳокимлик қилган Мовароуннаҳрдан қочиб гадолик қиладиму?.. Унга ҳеч нарса керак эмас, на тож, на тахт! Барини шаҳзодага топширади. Олсин! Даври даврон сурсин! Фақат уни тинч қўйса бас!

Мирзо Улуғбек қалбини чулғаб олган аламли дуддан бўғилиб, хонанинг ўртасида тўхтади. У эндигина хонага қоронғи тушганини, шифтдаги туйнукчадан қуйилиб турган бир ҳовучгина нур сўниб, кафтдеккина осмонда милт-милт юлдузлар ёнганини кўрди.

—Юлдузлар!..—Мирзо Улуғбек кўнгли бир хил бўлиб осмонга тикилди. Ё тавба! У юлдузларни яхши танимади. Қоронғи туйнукда милт-милт этган қайси ситора? Дубби акбарми ёки бошқа юлдузми?.. Осмондаги ҳар бир юлдузни номма-ном биладиган мунажжим... унга не бўлди? Кўзининг нури сўниб қолдимۇ ё зеҳни хиралашдимۇ?—Мирзо Улуғбек хаёли чувалиб кетаётганини сезиб, жойига бориб ёнбошлади. Ёнбошлаши билан эшик очилиб, бошларида дубулға, қўлларида яланғоч қилич, икки сипоҳ кириб келди. Иккови ҳам от юзли, ўнг қулоқларига исирға таққан балхий сипоҳлардан эди. Сипоҳлардан кейин сурмаранг салла ўраган занжидай қоп-қора нотаниш ясовул кириб таъзим қилди ва жимгина эшикка имлади.

Мирзо Улуғбек занжисифат ясовулнинг бетакаллуф ҳаракати уйғотган ғазабни ичига ютиб, эгнига сувсар пўстинини ташлади...

Ҳовли зимистон. Кунгурадор девор билан ўралган Кўксарой, мақбараларга ўхшаш тепаси гумбаз муаззам бинолар, соқчилар турган буржлар ва юксак миноралар, ҳатто жануб томондаги ҳарам кошоналари—ҳаммаси жимжит ва қоронғи эди. Фақат энг чеккадаги кошона даричасида ожизгина бир шуъла милтираб турарди. Мирзо Улуғбекнинг эсига кўзлари бўтанинг кўзларидай мўлтираб турадиган Биби Юлдуз тушиб, юраги чўғ теккандай "жаз" эди. Бўта кўзли маъюс канизак мавлоно Муҳиддиннинг дарсхонасида таълим олган муслималардан эди. У ҳарамда ҳам ўз хонасидан чиқмай мутолаа қилар, узун қиш кечалари Мирзо Улуғбекнинг рисоаларини оққа кўчирар, бўш вақт топса шеърлар ёзарди. Тирик жон қаҳратон совуқда иссиққа, оловга интилгандай, Мирзо Улуғбек ҳам юраги ғам-андуҳга тўлиб, ҳеч қасққа сиғмай қолганида

маъюс кўзли шу маъсумага интилар, унинг мулойим табассумини кўриб, уятдан юзлари лов-лов ёниб ўқиган шеърларини тинглаб, кўнгли хиёл таскин топар, овунар эди. Кўзлари маъюс, қалби меҳрга тўла бу канизак Мирзо Улуғбекка қариган чоғида ҳаёт инъом этган бир офтоб эди. Бу офтобни яна бир кўрмоқ, унинг илиқ нурига дилпора юрагини тутиб, бир лаҳзагина ором олмоқ насиб бўлурму, йўқму?

Мирзо Улуғбек қоронғида заиф милтираган шуъладан аранг кўзини узиб, саломхона томон юрди.

Саломхона чароғон эди. Гир айлантриб қўйилган баланд курсиларда ҳаммаси бирдай—мовуту зарбоф тўн устидан оқ шойи ридо кийган, бошларига симобий оқ салла ўраган уламо ўтирарди. Эшикда Мирзо Улуғбек кўринганда уламолардан баъзилари шоша-пиша ўринларидан туришди, лекин тўрда, бошқалардан баландроқ курсида тасбеҳ ўгириб ўтирганлар, қилич таққан амирлар ҳазрат Хомушнинг қаҳрли нигоҳи остида қайта жойларига чўкдилар.

Мирзо Улуғбекнинг хаёлидан "Шайхулислол Бурҳониддин қайда? Доруссалтана қозиюл-қуззоти Хожа Мискин жаноблари-чи?"—деган фикр ўтди.

Ҳазрат узун, нозик бармоқлари билан гўё ҳар бир толасига жило бергандай ялтиллаган оппоқ соқолини силаб:

—Бандаи ожиз Муҳаммад Тарағай,—деди, "онҳазратлари" сўзини қўшмай.—Доруссалтана уламо ва амирларининг бу даргоҳга йиғилмоғидин муроди оллонинг инояти билан Мовароуннаҳрга султони салотин бўлган шаҳзодаи валиаҳднинг амри олийлари ва уламоларнинг фатволарини...

Мирзо Улуғбек кинояли кулмоқчи бўлди, лекин кулолмади, юрагини ларзага солган ички туғён унинг иродасидан устун келиб, юзи буришиб кетди.

—Ҳа, ҳазратим. Фатво мубоҳара қилмоқ учун илмдан огоҳ бўлмоқ даркор. Надоматлар бўлғайким, бу мурофаага ақли зукко уламолар эмас, илму маърифатдан йироқ жоҳиллар йиғилибдур... Зероки, ўғил билан ота ўртасига нифоқ солиб, фарзандни ўз падарига қайраш... Гуноҳи кабир эмасму, ҳазратим?

Шифти қуббасимон муҳташам хона яна ғалати гувиллаб кетди. "Ҳазар! Алҳазар!" деган хитоблар янгради.

1
Гуноҳи кабир—зўр гуноҳ.

Тўрдаги тилла қопланган икки тавақали нақшинкор эшикнинг бир тавақаси секин очилиб, қайта ёпилди. Жаноб Хомуш икки ёнига туфлаб:

—Эй бандаи мутакаббир! —деб хитоб қилди. —Бобонг Амир Темур арвоҳини шафе келтириб айтамен,—деди, —шукрона билдириб истиғфор айлагайсен.

—Сиз-чи? Сиз нечун истиғфор айламайсиз, ҳазратим?—Мирзо Улуғбек бир қадам олдинга юрди. —Сиз нечун "Мозори калон"да такбир тушириб, тангрига ҳамду сано ўқиб ётмоқ ўрнига салтанат юмушларига бош тикасиз? Узингиз айтган шаҳди айш ишқида, тахт соҳибидан қудратли бўлмоқ ниятида салтанатда фитна қўзгаб, фисқи фужур қиласиз? Бас! Мен сиздай жоҳиллар билан мубоҳаса қилиб ўлтирмоқни ўз шаънимга номуносиб деб биламен!

Ранги ўчган, аллақандай ички бир ғурурдан кўзлари чақнаб кетган Мирзо Улуғбек олдини тўсган уламоларни ёриб ўтиб, тўрдаги эшикка томон юрди. Дағ-дағ қалтираган аълоҳазратларининг важоҳати шундай қўрқинчли эдики, эшик олдида турган уламолар беихтиёр чекиниб, унга йўл беришди.

Мирзо Улуғбек уларнинг ёнидан ўтиб, четларига тилла тасма қоқилган ўймакор эшикни шитоб билан ўзига тортди. Эшикнинг ўнг тавақаси шарақлаб очилди-ю, деворга тегиб яна ёпилди. Мирзо Улуғбек қайта юлқиб очиб ичкарига кирди.

Шифтдаги олтин қандилга терилган ўнларча шамлар шуъласида шаҳзоданинг сўник юзи гўё ганчдан ясалган ниқобдай совуқ туюлар, чуқур ботган кўзлари бежо чарақлар, қўш-қўш тилла узук тақилган ингичка қорамтир бармоқлари асабий титрарди.

Мирзо Улуғбек аллақандай енгил тортиб, тахт ёнидаги оқ курсига бориб ўтирди. Шаҳзоданинг ганч ниқобни эслатган юзи, қалтироқ қўллари, айниқса бежо жавдираган кўзлари унинг дилида меҳрга ўхшаш бир туйғу уйғотган, фақат қандайдир ғурур, темурийларга хос бир ифтихор гап бошлашга қўймас эди.

Хонага аллақандай оғир, кишини эзувчи бир жимлик чўкди. Шифт ва деворлардаги кўзни қамаштириб жилланган нафис безаклар, тилла суви юритилган нозик нақшлар, ерда ял-ял ёнган шерозий гиламлар, қуббасимон шифтдаги олтин қандилга терилган шамлар хиралашгандай, хона сал қоронғилашгандай бўлди. Ё қалбидаги тўфон хиёл пасайганидан шундай туюляптими унга?..

Мирзо Улуғбек ер остидан шаҳзодага кўз ташлади. Мирзо Абдуллатиф, бошида дур қадалган қундуз телпак, эғнида авраси зарбоф қашқир пўстин, белидаги кумуш камарида қинига лаъл ва жавоҳир қадалган қилич, қўлларини олтин тахтнинг баланд суянчиқларига тираб, бир нуқтага тикилиб ўтирарди. Вожабо: бобоси ўтирган бу тахт шаҳзодага куч-қувват ато қилдими, бошқами, ишқилиб, унинг чеҳрасидаги бояги тарадуд йўқолган, худди бобосиникига ўхшаган, ёноқлари туртиб чиққан қорамтир юзида, ичига ботган сал қисик кўзларида одамни чўчитадиған совуқ бир ифода пайдо бўлган эди. У нимаси биландир бобоси Амир Темурни эслатар, у ҳам бобосидай новча, қотма, қийғир бурун эди, фақат кўзлари... сал қисик, аланг-жаланг кўзларида бобосига ёт бўлган аллақандай саросима бор эди...

Мирзо Улуғбек кўзини ундан узиб шифтга, шам терилган чамбарак тилла қандилга тикди.

"Ё тавба! Бу тожу тахтда не сеҳр, не сир-асрор бор эканким, унга ўлтирган ҳар бир кимса дарҳол ўзгаради? Одамийликни, умри бебақо бир фақир ҳақир эканини дарҳол унутади? Бу тожу тахт, бу салтанат ҳеч бир кимсага вафо қилмаслигини ёдидан чиқаради? Наинки шаҳзода, бу тахт ҳаттоким амирул муслимин аталмиш Амир Темурга ҳам вафо қилмаганини тушунмайди? Ана, гўё бобоси Амир Темурдай гердайиб ўлтирибди! Билмайдиким... йўқ, тўхта, Муҳаммад Тарағай! Нечун сен шаҳзодадан ранжийсен? Бу вафосиз тожу тахт, инсонлар устидан ҳокимлик қилмоқ лаззати ўзингни ҳам ақли ҳушингдан айирмаган эдим? Шаҳзода яхши бўлсун, ёмон бўлсун—ўз фарзандинг, ўз пуштикамарингдан бўлган зурриётинг эмасму?... От тепкисини от кўтарадур. Уни қарғаб, ёмонлик тилагандан яхши сўзингни сўзлаб, насиҳатингни қилганинг мақбул эмасму, эй осий банда?"

Мирзо Улуғбек кўнгли юмшаб, шаҳзодага юзланди, дилидаги изтироб аралаш ғурурни босиб:

—Шаҳзодаи жувонбахт!—деди секин.—Тахтимнинг валиаҳди сен эдинг. Олло таоло фақирни ўз раҳматига чорласа бу тахтга сен ўлтирар эдинг. Оллонинг инояти билан кўзим тиригида бу тахт сенга насиб бўлибди, мен бунга розимен...

Шаҳзода қўлларини олтин тахтнинг суянчиқларига тираб, совуқ кулимсиради:

—Балли сизга, қиблагоҳ! Ва лекин мен бу тахтни сизнинг ихтиёрингиз билан эмас, бирламчи, ҳақ таолонинг инояти, иккиламчи, ўз куч-қудратим ила қўлга киритдим!

Мирзо Улуғбек лабларини қаттиқ қимтиб:

"Бургут!—деди ичида.—Қора бургут!" Унинг кўнглига ёпирилиб келган меҳр изғирин теккан шамдай сўниб, юраги яна музлади.

У аввало шаҳзодани ўғлим деб, қолаверса, эгилган бошни қилич кесмас деб, ҳамиятини букиб келган эди, бу қузғун эса... Мирзо Улуғбек жисмини қақшатган аламли туғённи аранг босиб:

—Куч-қудратингга инониб,—деди,—Мовароуннаҳр сарҳадига қадам қўймай қиёмат-қойим қиласенму?

Шаҳзоданинг ранги ўчиб, бежо кўзлари тунги алангадай ялтиллаб кетди.

—Нечун қадам қўймаганмен? Мовароуннаҳр улуси оёғим остидадур!

—Эсингда бўлғай, бу тупроқни оёқ ости қилдим, деган не-не фотиҳлар, не-не жаҳонгирлар ўтгандур. Уларнинг хоки қайда—тирик бир банда билмайди ва лекин бу эл, бу тупроқ абадулабад туражакдур!

Мирзо Абдуллатифнинг юпқа лабларига кинояли табассум югурди... О, раҳматли момосидан ўтган бу совуқ табассум! Момосининг лабларидан шу янглиғ кинояли кулгу аримас эди. Йўқ, момоси эмас, барига тожу тахт айбдор. Тожу тахт қутуртирган буни! О, калтабин фарзанд! Билмайдурким, амир уш-шуаро Умар Хайём ҳазратлари айтгандай:

Умри жовид йўқдир асло устивор олам аро,
Кетди кўплар, биз кетурмиз, топқусен сен ҳам фано.

—Не деб дуо қилурсиз, валинеъмат? Яхшиликму, ёмонликму?

—Дуом будир, шаҳзода: бу тожу тахт ҳеч бир кимсага вафо қилғон эмас. Сен тугул бобонг Амир Темурга ҳам вафо қилғон эмасдур...

Мирзо Абдуллатиф ўрнидан туриб кетди, лекин тахтдан тушгиси келмай, жойига қайта ўтирди.

—Сухбатдан муддаонгиз шу бўлса, мен бундай насиҳатларга муҳтож эмасмен!—деди у паст, лекин таҳдидли овоз билан.—Бошқа каломингиз бўлса айтинг, йўқса...

"Йўқ, бундан шафқат тилаб бўлмас. Бундан шафқат тиламоқ, аждаҳодан жон тиламоқ билан баробар!.."

—Йўқса...

—Тўхта!—деди Мирзо Улуғбек унинг сўзини бўлиб.—Сенга айтадурғон ёлғиз тилагим бор. Сўнги тилагимдур бу... Ўз падарингни Мовароуннаҳр сарҳадидан ҳайдамоқни

ният қилибсен... Мени бу маскандин ҳайдагандин қатл қилганинг аълодур! Қатл!—Мирзо Улуғбек томоғи гип бўғилганини сезиб, лабини тишлаганича жим қолди.

Мирзо Абдуллатиф ёмон бир нарсадан ижиргангандай юзлари буришиб, ўрнидан туриб кетди. У тескари ўгирилганича бошини эгиб жим қолди. Унинг елкалари силкинар эди. Шаҳзода кўзига ёш олди деб ўйлаган Мирзо Улуғбек яна кўнгли юмшаб:

—Ўғлим!—деб чақирди. Шаҳзода жавоб бермади.

"Бир қинга икки қилич сиғмайди, деб қўрқадур. О, дўсти нодон. Кошкийди, кўзим кўр бўлса-да, сени кўр-масам!.."

—Маъзур тутгайсиз, бузруквор!—деди шаҳзода узоқ сукутдан кейин.—Мен уламоларнинг фатвосига қарши боролмасмен...

—Уламолар йиғилган бўлса, қани улар орасида шайхулислон Бурҳониддин, қани қозиул-қуззор Хожа Мискин ҳазратлари?

—Илло фатвои уламо —муҳри худодир! —деди шаҳзода падарининг саволига жавоб бермай.

—Муҳри худодур! Ёдингда бўлсин: соҳиби тож сўзи бу уламои киромлар учун вожибул имтисолдур!¹ Қўрқма! Менга ҳеч нарса керак эмас. Бу тожу тахт, салтанат, шон-шухрат—бари ўзинга буюрғай! Отанга ёлғиз расадхонани инъом этсанг бас! Бир бурда нон, бир қумғон совуқ сув бўлса етар. Азмим—қолган умримни "Зижи Кўрагоний"ни тугатиб, мутолаа билан кун кечирмоқдур!..

Шаҳзода кескин бурилиб қаради. Сийрак мўйловининг учлари дикрайиб, лаблари титраб:

—Тағин расадхона! Тағин "Зижи Кўрагоний",—деди бўғилиб.—Мударрис дасторини ўраган барча муртадларни қанотиғиз остига олиб, дин пешволарини оёқ ости қилмишсиз! Бул учун ҳақ таолонинг қаҳрига, пайғамбар алайҳиссаломнинг қарғишига учраб, тахту тождан, салтанатдан айрилмишсиз. Аммо истиғфор айтмоқни тиламай, тавба-тазарру қилмоқни истамай, тағин расадхонани ўйлайдурсиз!—Шаҳзода қиблага юзланиб, кўзларини юмди.—Эй, парвардигори олам! Анинг каломини ўзинг эшитдинг! Гуноҳи азимга ботган бу осий бандангни ўзинг афв этгайсан, ҳаллоқи олам!..

Шаҳзода бошини афсус-ла тебратиб, лаблари пичирлаб,

¹

Вожибул имтисол—бўйсунуши лозим бўлган ҳол.

юзига фотиҳа тортди. Мирзо Улуғбек кўзларини катта очганича қотиб қолди... Эвоҳ! У кўпдан бери шаҳзодадан қўрқиб юргани бежиз эмас экан. У шаҳзоданинг мутаассиблигидан, Балхда барча илм аҳлини тазйиқ остига олганидан хабардор эди, лекин уни бунчалик бемехр деб ўйламаганди!..

—Шаҳзода!—Мирзо Улуғбек юрагини ларзага солган қаҳрни яшириш умидида ерга қаради.—Валлоҳи аълам биссавоб! Ким пайғамбар алайҳиссаломнинг қарғишига йўлиқади, ким йўқ—буни ёлғиз тангри таоло биладур!

—Ҳа, парвардигори олам барини биладур! Ул раббул оламин ҳеч бир бандасининг бурнини бегуноҳ қонатмай-дур. Ва лекин динул исломга кимки қилич кўтармасин—хоҳ шоҳ бўлсин, хоҳ гадо!—ани жазосиз қолдирмай-дур. Кофиру даҳрийлар макони расадхонага ўт қўямен, ўт!..—Шаҳзода қуруқшаган лабларини ялади, пешанасини, юзини қоплаган жимир-жимир терларни сидириб ташлаб, кўзларини юмиб, яна алланималарни пичирлай бошлади.

Мирзо Улуғбек аъзойи баданини чулғаб олган совуқ ваҳимадан тирноқларигача музлаб, гаранг бўлиб турар, хаёлида эса яна ўша нотинч ва исёнкор ўйлар қуюндай чарх урар эди.

"Водариг! Мовароуннаҳр тахтида бу мутаассиб ўлтирса салтанатнинг ҳоли не кечади? Илм аҳлининг бошига не андуҳ, не кулфатлар тушади? Улардан бурун кўзи қонга тўлган бу нобакорнинг ўз тақдири не бўлади? Ақл-идрок ўрнига қилич бирла иш тутган қайси мустабид ҳокимнинг тақдири яхши бўлиб-дурки, бул нодоннинг тақдири яхши бўлсин? Бу кун илм аҳлига қайраб солган мутаассиб жоҳиллар эрта бир кун унинг ўзини чоғга итармасму?" Мирзо Улуғбекнинг хаёлига келган бу фикр қалбида ловиллаб ёнган оловга сув сепгандай таъсир этди-ю:

—Шаҳзода!—деди яна ўзини босиб.—Фозилу фузало қоронғида адашиб юрган башариятнинг йўлидаги ёруғ машъалдур! Машъални ўчирмоқни тилаган шоҳ ўзи зулмат қўйнида йўл тополмай қоладур! Мен сенга жоним ачиганидан, сенинг тақдирингни ўйлаган қиблагоҳинг бўлганимдан буни айтмоқни лозим кўрамен!

Шаҳзода тоқатсизланиб қўл силтади:

—Балли сиздай падарга! Сизнинг яхшилигингизни билурмиз. Тарноб жангида жонбозлик кўрсатган ким? Мен! Аммо музаффар ёрлиғи кимнинг номига битилди? Суюкли фарзандингиз—Абдульазиз...

—Абдульазиз ўз жигаргўшангдур...

—Куллуқ. Ихтиёридин қалъасидаги бобом Амир Темурдан қолган тиллаларимни тортиб олган ким? Яна сиз, валинеъмат падарим! Не чора? Муте фарзанд, индамай бош эгдик ва лекин бас! Соҳибқирон Амир Темур олтинларини қайға яширдингиз, соябони марҳамат?

Мирзо Улуғбек сесканиб кетди.

—Қайси тиллаларни айтасен?

Шаҳзода асабий кулди.

—Қайси тиллалар? Валинеъмат падари бузрукворим ҳеч нарсани билмайду! Мен бобом Амир Темур Қоҳираю Дамашқдан, Бағдоду Ҳинддан олиб келган жавоҳирларни, олтин зеби зийнатларни айтамен! Қайда бу бойлик?

Шаҳзода, кўзлари телбаларча ёниб, Мирзо Улуғбекка яқинлаша бошлади. Мирзо Улуғбек даҳшат ичида орқага чекинди. Чекинаркан, оёғи курсига тегиб, курси гумбурлаб ағдарилиб тушди-ю, у бирдан ҳушёр тортиб тўхтади. Шаҳзода ҳам тўхтади.

—Хўш, сўзланг: кимга инъом этдингиз? Фарзанди аржумандингизгами ё дини исломиядан юз ўгирган муртад алломаларингизгами? Али Қушчи қайда?

"Ё раббий! Бу нобакор билмаган сир-синоат йўқ! Унинг хуфиялари кирмаган тешик қолмабди!.."

—Қайдан билай, Али Қушчи қайда юрибди?

—Йўқ! Энди ҳеч бир сўзингизга инонмасмен! Лашкар йиғиб, менга қарши отланмоқдин олдин Али Қушчини саройга нечун чақирдингиз? Нелар бердингиз унга?

—Али Қушчини чақирганимни айтган айғоқчиларинг нечун унга нелар берганимни айтмабди?

—Айтди. Мен ўз оғзингиздан эшитмоқни тилаймен, суюкли падарим!

"Йўқ, билмайсен! Билсанг сўраб ўлтирмас эдинг! Бас! Бу бефойда мубоҳасага чек қўймоқ даркор!"

Мирзо Улуғбек қадини ростлаб, шаҳзоданинг кўзларига тик боқди. Шаҳзода ҳамон қалт-қалт титраб, отасига қадалиб турарди.

—Бу суҳбатдан ёлғиз муддаом—оталик насиҳатимни бермоқ эди. Таассуфлар бўлғайким, сенга падар насиҳати эмас, олтин керак экан!..—Шаҳзода гапини бўлмоқчи эканини кўрган Мирзо Улуғбек кескин қўл силтаб: "Тўхта!" деб буюрди.—Ота сўзин амри вожиб, деб билурсенми, йўқми—ихтиёр сенда. Ва лекин сўнги насиҳатимни эшит, хоҳла ўз падарингни қатл эт, хоҳла Мовароуннаҳр сарҳадидан ҳайдаб, дарбадар қил—боз ихтиёр сендадур. Лекин ёлғиз тилагим: илм йўлида отанг

қилган ишларга, унинг шогирд ва устодларига тегмагайсен. Тегсанг... ота қарғишига учраб тоабад бадном бўлурсен!. Ота рози—худо рози, ёдингда бўлсин: ал қасосил миналҳақ! Ҳеч бир ёмонлик интиқомсиз қолмай-дур! Сенга айтадурғон бошқа сўзим йўқ! Чақир ясову-лингни!

Шаҳзода Абдуллатиф юзи асабий бужмайиб бир нима демоқчи бўлди, лекин демади, тескари ўгирилиб бир зум бошини осилтириб турди, сўнг, бўғиқ овозда:

—Саройбон!—деб бақирди.

12

Бу пайт эшикка қийшиқ ўтириб олган Али Қушчи тўрт туяни етаклаб Ургут тоғлари этагидаги жилға бўйлаб борарди. "Карвон"нинг кетидан Улуғбек мадрасасининг талабаси—Мирам Чалабий деган ўн олти-ўн етти яшар муллавачча эшакда мудраб борарди.

Улар Самарқанддан кеча тун ярмида чиққан, тонг отгунча йўл юриб, субҳидам шу жилғанинг бошидаги ёнғоқзорга келиб қўнишган эди. Одамларнинг кўзига тушмаслик учун кун бўйи ёнғоқзорда дам олишиб, намозгарда яна йўлга тушишган. Али Қушчининг мўлжалида тонг отгунча "Аждар ғор"га етиб олишлари керак эди.

Тўрт туянинг ҳар бирига тўрттадан ўн олти сандиқ ортилиб, устига қуруқ пичан босилган, кўрган одам уларни чўпон-чўлиқ деб тушуниши мумкин эди. Эгниларига қора жун чакмон, бошларига чўпонларнинг кигиз қалпоқларини бостириб кийиб олган Али Қушчи билан Мирам Чалабийнинг ўзлари ҳам чўпонларга ўхшар эди.

Зарафшон устида ўн ҳафта қутурган совуқ бўрон тинган, сокин, осуда бир тун эди. Олдиндаги тоғ чўққилари тепасида бир ҳафталик ҳилол ногиронгина осилиб турар, унинг заиф шуъласида суви қуриб қолган кенг сой, сойнинг икки ёнидаги ёнғоқзорлар, қаршидаги юксак чўнг тоғлар улуғвор қорайиб кўринар, айна замонда аллақандай сирли, ваҳимали туюларди...

Али Қушчининг катта қора ҳангиси тошларга қоқилиб-сурилиб бўлса ҳам, тинмай жадаллаб борарди. Бу ҳангини ҳам, юк ортилган туяларни ҳам Қаландар билан уста

¹ *Интиқомсиз—жазосиз.*

Темур Самарқандий топиб келишди. Чолнинг ғоридаги учрашувнинг индинига кечаси Қаландар Али Қушчининг олдига яна келди. Келганда ҳам ваҳимали гаплар топиб келди.

Масжиди жомеда доруссалтана уламои киромлари йиғилиб, Мирзо Улуғбекни айблаганлари, унинг барча ишларини ношаръий санаб, фатво ўқилганини айтиб келди. Доруссалтанада қандайдир қора ғавво бошлангани фатвосиз ҳам аён, бинобарин, фурсатни бой бериб бўлмас эди. Қаландар янаги кечаси ўн-ўн беш сандиқ билан уч-тўрт туя топиб келишни ваъда қилиб, хайрлашиб чиқиб кетди. Лекин сандиқларни расадхонага олиб кириш хавфли, лаҳимга эса сиғмас, биттаю битта йўл—китобларни қопларга солиб, тор лаҳимдан жарликка олиб чиқиш лозим. Бир ўзи бу ишни уdda қилолмаслигига ақли етган Али Қушчи истар-истамас сирни Мирам Чалабийга очди. Биргалашиб китоб танлашга киришдилар. Қайси китобни қўлига олмасин, уни қолдиришга кўзи қиймас, назарида ҳар бир китоб, ҳар бир қўлёзма бебаҳо туюлар эди. Али Қушчи қўлидаги асарни варақлай-варақлай, ахири оғир хўрсиниб, жойига қўйишга мажбур бўларди. Лекин навбат Мовароуннаҳр донишларининг асарларига келганда чидаб туrolмади: устод энг моҳир хаттотларга кўчиртириб, кўк, қизил, сариқ сахтиёндан жилд ясаттирган бу оғир, нодир китобларни қолдиришга виждони чидамади... Донишлар дониши Абу Райҳон Бериуний Муҳаммад ибн Аҳмад ҳазратларининг пуштиранг ипак матога ўралган "Ал-Қонунал-Масъудий", "Мезон ул-ҳикмат" ва "Китоб уссайдана"сининг ўзи бир қоп бўлди. Шайхур-раис аталмиш Абу Али ибн Сино ҳазратларининг "Китобуш-шифо", "Китобун-нажот"и эса бир қопга ҳам сиғмади. Устоднинг ипак қоғозларга чизилган жадваллари билан хаттотлар ҳали кўчириб битмаган рисоаларини ҳам қопга солишнинг иложи бўлмади. Уларни қалин кимхобга ўраб, алоҳида ажратиб қўйди. Китоблар, китоблар, китоблар... Мана, бўлакча ишлов берилиб, қоғоздай майинлаштирилган оҳу терисига кўчирилган устоднинг суюкли рисоласи "Девону луғотит-турк". Мана, жаннатмакон Қозизода Румий ўз қўли ила битган "Риёзиёт"и, малик-уш-шуаро аталмиш Умар Хайём ҳазратларининг зарҳал жилдлик нозик шеърлар мажмуаси. Унинг ёнида эса алломалар сарбони Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ҳазратларининг бахмалга ўралган "Китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр вал-мухобала"си...

Устод жонидай суйган, қош-кўзларига суртиб ўқиган бу китобларни қандай ташлаб кетади? Эрта бир кун бу китоблар йўқ бўлса устодга не деб жавоб беради?..

Али Қушчи танлаб олган асарлар кутубхонадаги китоб ва қўлёзмаларнинг ўндан бирича ҳам келмас, лекин шунинг ўзиёқ қирқ қопдан ошиб кетди. Улар олдин бу қопларни биринчи ошёнадаги қудуққа олиб тушишди, сўнг, қўлларида шам, зимистон камбар лаҳимдан жарликка таший бошладилар. Кечқурун, ғира-шира қоронғиликда бошланган бу иш, тун ярмидан ошганда базўр тугади. Сал ўтмай, сандиқ ортилган туяларни етаклаб Қаландар билан уста Темур Самарқандий келиб қолишди.

Тўртовлашиб китобларни сандиқларга жойлашди. Ҳар бир сандиққа икки ярим-уч қопдан китоб кетди. Ўн олти сандиқ китобни тўрт туяга ортиб, устига қуруқ пичан босишди. Китобнинг нечоғлик оғир бўлиши ҳам шунда билинди: уч-тўрт ботмон, юкни писанд қилмайдиган нортуялар, китоб тўла сандиқлар остида оғир тебраниб, аранг кўзгалди...

Мана, кечадан бери улар йўлда. Бугун, жилға бўйидаги ёнғоқзорга туяларни чўктириб қўйиб, дам олишди. Бу ерларда одам сийрак бўлса ҳам, ҳар эҳтимолга қарши кундуз юришмади. Мовароуннаҳр бошига қора кунлар тушди. Ҳаммаёқда айғоқчи, ҳаммаёқда жосус. Эҳтиёт шарт. Яна уч-тўрт фарсаҳ масофани эсон-омон ўтиб, "Аждар ғор"га етиб олишса бас, у ёғи, худо хоҳласа, ишлари ўнгидан келади...

Али Қушчи "Аждар ғор"ни бундан ўн беш-ўн олти йил муқаддам кўрган эди. Илиқ куз фасли эди. Архар овини яхши кўрган Мирзо Улуғбек, эллик чоғли маҳрамлар билан Ургут тоғларига овга чиққан эди.

Эрта саҳар арабий аргумоқларга миниб олган навкарлар югурик тозиларини эргаштириб, тоғларга чиқиб кетар ва гала-гала архарларни қуршаб олиб, сойларга ҳайдаб тушар, қўлларида камон, арча панасига яшириниб олган беклар ва амирлар пана-панада туриб, ҳуркак жониворларга ўқ узишар, кечқурунлари эса, отиб олинган архар гўштидан тандир кабоблар пиширилар, кўм-кўк арчазорларга тикилган ипак чодирларда тонг отгунча базм қилишарди...

Тоғо камонкашлар ёрдамидаги "ов" жонига теккан Мирзо Улуғбек, уч-тўртта энг яқин дўстларини эргаштириб тоғларга чиқиб кетарди. Бир кун у Али Қушчи билан амир Арслонга отларни эгарлаб, ов анжомларини шай-

лашни буюрди. Аксига олиб, ўша куни ҳаво бузилган, совуқ шамол кўтарилган эди. Лекин эрталабдан қовоғи очилмай, хомуш юрган Мирзо Улуғбек тоққа чиққач, пешанасидаги ажинлари ёзилиб, лабига кулгу югурди. У оққушдай гўзал, оппоқ арабий арғумоғини чоптириб, дам сойларни кечиб ўтар, дам доволарга чиқиб, ипакдай майин товланган ўрикзор ва ёнғоқзорларга, ҳамон баҳорги латофатини йўқотмаган ям-яшил яйловларга узоқ-узоқ тикилиб қолар, лекин Алилар етиб бориши билан яна от чоптириб кетар, гўё ов ҳам эсидан чиқиб, табиатнинг фусункор гўзаллигига мафтун бўлиб қолганга ўхшарди. Бахтга қарши, сал ўтмай кўкдаги булутлар қуюқлашиб, ёмғир савалай бошлади. Бир зумда тоғу тош орасида жилғалар шарқиради. Али Қушчи билан амир Арслон Мирзо Улуғбекни қувиб етиб, қайтишни маслаҳат қилишди. Давлатпаноҳ рози бўлиб, отининг жиловини орқага бурди. Лекин худди шу пайт, сўқмоқ бўйидаги арчазордан иккита катта архар отилиб чиқди-да, тошларни шарақ-шуруқ қилиб, пастга қараб учиб кетди. Буни кўрган Мирзо Улуғбек арабий арғумоғига аччиқ қамчи босди... Али Қушчи ўзига келиб: "Тўхтанг, онҳазратим!" дегунча бўлмади, Мирзо Улуғбек арчазорга шўнғиб, кўздан ғойиб бўлди.

Али Қушчи ҳам отига қамчи босди. У уст-боши шалаббо бўлиб, арчазордан чиққанида Мирзо Улуғбек пастда шарқираб оқаётган сойдан ўтиб, иккинчи қирнинг ёнбағрида от чоптириб борар, ундан анча олдинда иккита архарнинг шохлари кўзга чалинарди... Али Қушчи: "Тўхтанг, устод, сел!"—деб бақирганича жилғаларни кечиб, шарқираб оқаётган сойга қараб от чоптириб кетди. У бир лаҳзадаёқ лойқаланган сой бўйига етганида орқадан: "Алоуддин! Али!"—деб чақирган товуш келди. Лекин тўхташнинг иложи бўлмади. Баландликдан шамолдай учиб тушган асов от зарб билан ўзини тошқинга урди, аллақандай тош ва харсангларга уриниб, қоқилиб-суриниб бўлса ҳам, сойнинг у юзига ўтиб олди. Али Қушчи шундагина орқасига ўгирилиб қаради: амир Арслон тархон сойнинг у юзида от ўйнатиб турар, қора айғирини қамчилаб, бир нима деб қичқираб, лекин зорли кишнаб, осмонга сапчиган арғумоқ ҳайқириб оқаётган асов селга бетлаёлмас эди...

Амирнинг сўзини эшитишга фурсат йўқ эди. Али Қушчи архарлар йиқитиб, йўл солиб ўтган чакалакзордан от чоптириб кетди. Ёмғир тобора кучаймоқда, баланд

чўққилардан шарқираб оқиб тушаётган жилғалардаги сув тобора кўпайиб, ҳаммаёқни сел босмоқда эди. Аҳён-аҳёнда момақалди роқ қалдираб, тоғ чўққилари ўпирилиб тушаётгандай бўлар, яшин чақнаб, борлиқ бир зум ёришарди-ю, яна қоронғилашарди...

Архарлар қор кетмаган тик чўққиларга йўл олган, улар ўтган жойларда синган шох-шабба қийшайиб, ётиб қолган ёш арча ва ирғайлар кўриниб турар, лекин кўпикка тушган аргумоқ тик чўққига қараб чополмас, сал ўтмасданоқ оқсоқланиб қоларди... Ана, олдинда ҳар бири гумбаздай-гумбаздай чўнг қоялар, гадир-будур харсанг тошлар кўринди. Бир-бирининг устига қалашган бу чўнг қоялар пастга қараб қийшайган, гўё ҳозир ағанаб тушиб, ҳаммаёқни зеру забар қиладигандай туюларди. Архарлар бу қоялар орасидан ўтса ўтгандир, лекин устод-чи?

Али Қушчи дир-дир титраб, юролмаб қолган отидан тушиб, кўз очирмас ёмғир остида қаршисидаги юксак қояни айланиб ўтди; қоянинг бир томони ўпирилиб тушиб, тубсиз ўпқон ҳосил қилган эди... Али Қушчи ҳайрон бўлиб тўхтади, тўхтади-ю, унгу рда бир нарса қимарлаётгандай туюлиб, жонҳолатда:

—Устод!—деб қичқириб юборди. Шу заҳотиёқ қаердан-дир яқиндан Мирзо Улуғбекнинг ҳорғин ва қувончли овози келди:

—Али Қушчи! Азизим!

Овоз пастдаги унгу рдан эмас, қаердан-дир юқоридан келарди. Али Қушчи икки чўнг тош оралиғидан эмаклаб ўтиб биринчи қоянинг тепасида, қийшайиб қолган харсангтош остида, тўғрироғи, қандайдир қоронғи унгу рнинг оғзида турган устодни кўрди. Унинг бошида қалпоғи йўқ—яланг бош, оқ туянинг жунидан тўқилган чакмони шалаббо, лекин кўзларида бўлакча бир ҳайрат порларди.

—Ғор!—деди у, нечундир ваҳимали шивирлаб.— Ҳудудсиз бир ғор, Али Қушчи!

—Ўзингиз омонмисиз? Отингиз қайда, устод?

—Йиқилди!—Мирзо Улуғбек пастдаги қоронғи ўпқонга ишора қилди.—Бери юр, Али!

Шу пайт уст-устига яна чақмоқ чақди-ю, зим-зиё ғор бир зумга ёришди. Ғорнинг оғзи тор бўлса ҳам ичи кенг, қуббасимон эди.

—Кирамизми?—деди Мирзо Улуғбек. Али Қушчи унинг овозидаги тарадудни сезиб, ғорга биринчи бўлиб қадам қўйди.

Ғордан "парр" этиб учиб чиққан кўк каптарлар уни бир чўчитиб, питир-питир қилиб осмонга парвоз қилди. Кўзлар қоронғилиққа ўргангач, ғорнинг қушлар уя қўйган қуббасимон шифти, ерда сочилиб ётган эски уялар, қушлар пати кўринди.

—Қиррали тош топ, Али! Ўт ёқмоқ керак!

Али Қушчи ерни пайпаслаб иккита қиррали тош топди. Мирзо Улуғбек чакмонининг қўлтиғидан озгина тивит юлиб, пилик ясади. Пилик ўт олгач, уни қуруқ чўпларга тутиб, гулхан ёқишди. Гулхан шуъласида ялтироқ кўк-қизғиш тошлардан барпо бўлган ғор ғалати жилоланиб, ярқираб кетди.

Ғор чиндан ҳам чексиз, у сирли лаҳимдай унгур бўлиб, тоққа кириб кетар эди. Али Қушчи кўйлагини қиличига боғлаб, машғал ясади-да, унгурга кирди. Илон изидай эгри-бугри бўлиб кетган бу зимистон камбар лаҳим бўйлаб ўн беш-йигирма қадамча юрилгач, йўлда яна бир унгур пайдо бўлиб, пастда бошқа бир ғор кўринди... Али Қушчи хиёл иккиланиб тургач, белбоғини ечиб, бир учини аълоҳазратларига тутқазди-да, бир учидан ўзи ушлаб, унгурга тушди. Ғор чуқур эмас эди. Али Қушчи кўкрагига осилиб тушганда оёғи ерга тегди. Бу ғор биринчисидан ҳам кенг ва баланд бўлиб, деворлари хитой чиннисидай силлиқ оппоқ мраммар билан қопланган эди. Лекин энг қизиги—бу ғорнинг охирида яна бир қоронғи туйнук кўринар, яна сал юрилса, учинчи ғор пайдо бўлар эди. Али Қушчи унга ҳам ўтмоқчи эди, Мирзо Улуғбек унамади. Улар бошқа вақт қайтиб келишга аҳдлашиб орқага қайтишди. Лекин ўша кечаси Самарқанддан нохуш хабар келди-ю, улар овни ташлаб, доруссалтанага қайтишга мажбур бўлишди...

Бу воқеа содир бўлганига ўн беш йилдан ошди. Лекин тоғ орасидаги бу сирли унгур унинг эсидан чиқмаган эди. Уста Темур Самарқандийнинг ғорсимон кулбасига кириши билан "Аждар ғор" эсига тушгани ҳам шундан. Шак йўқ, бу нодир хазина Самарқанднинг ўзида яширилса ҳам бўларди. Лекин эҳтиёт шарт, буткул жаҳон донишмандларининг ақл-идроки мужассам бўлган бу ноёб асарлар ёмон кўздан йироқроқ тургани маъқул. Эвоҳ! Нодон бидъатчилар қўлида бундай хазиналардан қанчаси зеру забар бўлган. Рум ва Қоҳира, Бейпин ва Бағдод хазиналарида йиғилган не-не китоблар, не-не ақл дурдоналари ўтга ёқилган!..

Ҳа, бу хазина учун "Аждар ғор"дан яхши жой йўқ!

Бу нотинч кунлар ўтсин. Агар ҳақ таоло иноят қилиб, тахтда Мирзо Улуғбек ўзи қолса, нур устига аъло нур. Йўқ, тахтни шаҳзода муқим эгаллаб, иш таназзулга юз тутса... яхши замонлар келгунча бу китоблар она қурсоғида ётган боладай хотиржам ётади. Ишқилиб, Али Қушчи адашиб қолмағай...

Йўқ, Али Қушчи умрида бир кўрган жойидан адашган эмас!..

Мана, ўша куз Мирзо Улуғбек билан овга чиққанда чодир қуриб бир ҳафта турган яйлов! Атрофи баланд қорли чўққилар билан ўралган кенг яйлов қандайдир бўлакча, илоҳий сукутга чўмган, фақат чигирткалар чириллайди. Юлдузлар акс этган жилғанинг оҳиста шилдираши қулоққа чалинади...

Ҳа, худди ўша яйлов! Ҳу ана у қир ёнбағрига қатор ипак чодирлар тикилган, пастга, сой этагига соғимли оқ биялар боғланган эди...

Али Қушчи ўшанда ипак чодирлар тикилган қир ёнбағридан ўтаркан, нечундир юраги "жиз" этиб, кўнгли бир хил бўлиб кетди. У маҳал билак кучга, юрак қўрга тўла, илм ва ҳаёт ишқида ёнган масъуд ёшлик чоғлари эди. Эл-улус осойишта эди. Али Қушчи билан Мирзо Улуғбек ҳали кўп улуг ишлар қилиш, илм бобида кўп нодир асарлар яратиш, кўп кашфиётлар бунёд этиш ниятида эдилар... Йиллар кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Ўша илиқ куз кунлари, сокин, серюлдуз кечалар устод билан мана шу адирларда танҳо айланиб чизган режалари, ёшлик орзуларининг юздан бири ҳам рўёбга чиқмади. Ҳайҳот, шундай шафқатсиз, меҳр-мурувватсиз экан бу тескари дунё...

Али Қушчининг эсига яна Салоҳиддин заргар тушиб, юрагини аламли дуд чулғаб олди. Устоддан шунча яхшилик кўрган бу ота-боланинг бундай куфрона неъматлик қилиши уни ҳар эслаганида бир қийнар, изтиробга соларди. Ёлғиз шу ота-бола бўлса ҳам гўрга. Али Қушчи ўша кунни мавлоно Муҳиддинниқидан қайтаётиб, яна бир машъум воқеанинг шоҳиди бўлди... Хаёлан ҳамон Салоҳиддин заргар билан баҳслашиб бораётган Али Қушчи "Шоҳизинда" қабристонига яқинлашганида, кимсасиз тор кўчаларнинг биридан елкасига хуржун ташлаб, эгнига қуроқ чопон кийиб олган бир гадо чиқиб қолди.

Али Қушчи олдин унга эътибор бермади, лекин гадо шошқалоқлик билан орқага тисарилганини кўриб, беихтиёр тўхтади. Гадо ҳам истар-истамас тўхтади-ю, қўл қовуштириб, ғалати ишшайди.

—Э, э, э, мавлоно Али Қушчи... ассалому алайкум!
Тасанно! Тасанно...

Али Қушчи ўз кўзларига ишонмай анграйиб қолди: эгнига жулдур чопон, бошига пиликлари тўзиб, пахтаси чиқиб кетган эски тақя кийган бу "гадо"... доруссалтанада номи чиққан шоир Мирюсуф Хилватий эди.

—Сизга не бўлди, биродари азиз?

Мирюсуф Хилватий кўзларини аланг-жаланг қилиб, ён-верига қараб олди.

—Эҳтиёт шарт, мавлоно. Шаҳзодаи валиаҳд ёлғиз Мирзо Улуғбекни эмас, унинг барча муқаррабларини таъйиққа олмоғи мумкин. Каминанинг насиҳатига киринг: фақир банда панада. Бу қиёмат-қойим босилгунча шаҳардан чиқиб, ғарибона кун ўтказиб турмоқ даркор, — Мирюсуф Хилватий шундай деди-да, елкасидаги хуржунини тўғрилаб, қаршидаги тор кўчага кириб кетди. Али Қушчи унинг орқасидан анграйиб қараб қоларкан, шу йил баҳорда "Боғи майдон"да берилган бир зиёфат эсига тушди. Бутун шаҳар илм аҳли, машҳур шоирлар, хонандаю созандалар йиғилган бу базми жамшидда Мирюсуф Хилватий аълоҳазратларига аталган бир шеърни ўқиб берган эди. Шеърнинг охири ҳамон эсида:

Бобонгиз фатҳ этиб шуҳрат қозонгай жумла дунёни,
Бу олам кўрмагай эмди анингдек зоти аълони.
Падари покингиз умрин нури—раҳматга тўлдирди
Олиб шоҳиста отига Хоқони Сайид унвони.
Аларнинг шуҳрати шони муяссар ўлмаган гарчи,
Вале бул дам кўрур сизда ҳам Масиҳу Мусони.
Боқингиз кўкда юлдузлар ҳарам ичра канизлардай,
Хоқоним ишқида ёнғай мунаввар айлаб осмонни!..

Ҳайҳот! Кунини кеча устоднинг оёғини ўпиб, унга шеърлар бағишлаб юрган бу шоир бугун унинг тагидан тахт, қўлидан ҳокимият кетишини сезиб, ўз жонини асрамоқ пайига тушгандир. Хилватий янглиғ мунофиқлар кўп бўлса керакким, кеча энаси Тиллабиби яна келди, шаҳардаги ваҳималардан сўзлаб, уни бўйнидан қучиб узоқ йиғлади, уни ҳам шаҳардан чиқиб, бирор жойда яшириниб турмоққа даъват этди, ялиниб-ёлворди... Муштипар эна! Билмайдиким, Али Қушчи Хилватий бўлолмайди. Устоднинг бошига қора кунлар тушганда мавлоно Муҳиддинлар янглиғ ундан юз ўгириб кетолмайди.

Вожабо: фалакнинг гардиши билан Мирзо Улуғбек ўз тахтида қолса бу одамлар не қилур? Ҳеч нарса

бўлмагандай яна унга сажда қилурми ё бунга виждонлари йўл бермасми?

Али Қушчи бу ўйлардан юраги ўртаниб, бўғилиб кетаётгандай бўлди-ю, яна ўзидан кулди: "Нечун бу ҳолга ажабланурсен, бу бевафолик бани одамнинг азалий хусусияти эмасму? Бани одам ақл-идрок ва эзгуликка эмас, қилич ва шамширға, бойлик ва тожу тахтга содиқ экани сенга аён эмасму? Бу машъум ҳақиқатни не-не донишлар, шоиру фузало куйиниб айтмаганму? Бунга ақлинг етса тагин нечун куйинасен, мавлоно Али?.."

Али Қушчи орқасига қарай-қарай сўлга, ўша ёмғирли куз куни архар овига чиққан тоғ чўққиларига бурилди. Тонг яқинлашиб қолди, чамаси, қаршидаги юксак чўққининг тепаси оқара бошлади, гўё артилгандай ялтираб турган бир парча ой устида Ноҳид юлдузи порлади. Ой хиралашган сайин Ноҳид юлдузи очилиб, тобора ярқираб борарди... Қирлар баландлашган сайин туяларнинг юриши секинлашиб, "бўҳ-бўҳ"лари кўпайди. Ҳали "Аждар ғор"га яқинлашганда туялар юролмай қолса эҳтимол. Унда сандиқларни иккита-иккитадан эшакларга ортиб чиқишга тўғри келади...

Мана, ўшанда ёмғир савалаб, қайтишга аҳд қилган жойлари. Мана, архарлар чиқиб қочган арчазор!.. Ажабо: ўшандаги хушбўй кўм-кўк арчаларнинг биттаси ҳам йиқилмаган, биттаси ҳам қуримаган. Ўшанда қандай бўлса шундай турибди. Гўё ўн беш йил эмас, ўн беш кун ҳам ўтмаган!..

Мана, сой ҳам кўринди. Ўшанда амир Арслон тархон от солдириб ўтолмаган, кўпириб, ҳайқириб оққан сой йўлдаги ўзандай жилдираб қолган эди...

Али Қушчининг тахмини тўғри чиқди: сойдан ўтиб, тик чўққига кўтарилаётганда туялар "бўҳ-бўҳ"лаб юролмай қолди. Али Қушчи тўхтаб, эшакдан тушди. Жимжит. На бир одам, на бир ҳайвон шарпаси эшитилади. Фақат арча ва ирғайлар ичида аллақандай қушчаларнинг сайраши қулоққа чалинади. Мусаффо ҳаво арча, қизил зирк, шувоқ ва яна қандайдир тоғ гиёҳларининг нозик, хушбўй ҳидига тўла.

Али Қушчи Мирам Чалабийга қаради.

—"Аждар ғор"га келдук, болам. Эшакдан туш, туяларни чўктир!

"Аждар ғор"ни эшитган Мирам Чалабийнинг кўзлари аланг-жалаң бўлиб атрофига қаради.

Али Қушчи туяларни чўктириб, қора чангалга боғлади, сўнг, тайёрлаб қўйган пиликларни олиб, тўп-тўп ўсган

иргай, арча ва қизил зирклар орасидан тепадаги қат-қат харсангтошлар томон йўл олди. Мирам Чалабий, ҳамон кўзлари аланг-жаланг, изма-из борарди.

Мана, ўшанда, жала қуйиб турганда унга баҳайбат кўринган чўнг қоятошлар! Инсон умри қанчалик қисқа бўлса, табиатнинг умри шунчалик боқий экан! Ҳар бири гумбаздай-гумбаздай келадиган чўнг қоялар бундан ўн беш йил муқаддам қандай бўлса шундай турибди! Мана, довулда Мирзо Улуғбекнинг арабий арғумоғи йиқилиб тушган унгур. Унгурнинг тепасидаги қоятош орасида "Аждар ғор!.."

Али Қушчи нечундир юраги гурс-гурс уриб, қояга тирмашди. Мана, қоянинг устида ваҳимали қийшайиб турган ўша харсангтош. Тошнинг остида таниш зимистон унгур!..

Али Қушчи қоя устига чиқиши билан унгурдан яна ўшандагидай бир гала кўк каптар "парр" этиб чиқди-ю, сесканиб кетган Мирам Чалабий ўпқоннинг четига бориб қолди. Али Қушчи унинг қўлидан "шап" ушлаб, кулимсиради.

—Қўрқма, болам, номи "Аждар ғор" бўлса-да, аждари йўқ бунинг!

Али Қушчи қўлидаги таёққа ўралган машғални ёқиб, ғорга биринчи бўлиб кирди. Ўша-ўша манзара: деворлари ялтироқ кўк-қизил тошлардан иборат катта ғорнинг ковакларига қушлар уя қўйган, ерда тўзғиган патлар, қулаб тушган уялар, тухум синиқлари. Ҳатто улар ёққан кичик гулхан куллари ва қиррали тошларгача ўз ўрнида ётарди!..

Али Қушчи қўлидаги машғални боши узра кўтариб ғорнинг тупкарасига юрди. Мана, зимистон лаҳим чапга бурилиб, пастда қора туйнук кўринди... Туйнукка сандиқ сигадами, йўқми? Сигади! Фақат туртиб чиққан тош қирраларини сал чопиш керакдур...

Али Қушчи қўлини Мирам Чалабийга бериб, пастдаги унгурга тушди.

Хитой чиннисидай силлиқ оқ мрамардан барпо бўлган катта ғор ҳам ўзгармаган, ўн беш йил муқаддам қандай бўлса шундай турарди... Ҳа, сандиқларни шу ерга жойлаштириб, туйнукларни харсангтош билан ёпиб ташлаш керак...

Али Қушчи елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил тортди. Улар ғордан қайтиб чиққанда водий куз офтобига ғарқ бўлган, қизил зиркнинг қирмизи япроқлари қуёшда оловдай ланғиллаб ёнар, ям-яшил арчалар худди чўмилгандай яшнаб кетган эди. Пастда, харсангтошлар орасидаги чакалакзорда чўкиб ётган туялар тепадан худди ғалати қояларга ўхшарди.

Мирам Чалабий кўзларини катта очиб, улуғвор тоғларга, тоғ ёнбағрида ипақдай майин товланган оч-сарик ўрикзорларга, гўё ёнгинга учрагандай ловиллаган қизил зирк ва қорақанд чакалакзорларига ҳайрат билан тикилиб қолди.

Али Қушчи унинг елкасига қўлини қўйиб:

—Иним!—деди ҳаяжонланиб.—Бу ғаройиб унгури Мо-вароуннаҳрда ёлғиз уч киши билади. Бири Мирзо Улуғбек, бири фақир, бири сен... Аҳли ирфон сарвари Мирзо Улуғбек буткул рубъи маскундин йиғдирган энг нодир хазинасини ушбу ерга яширамиз. Бу хазина бизга насиб этмаса, бўлғуси авлодларимизга насиб этгай. Шу матлабда яхши замонлар келгунча бу ғор улуғ сир тугилгай. Бу сирни наинки дўсту ақробонг, падари бузрукворинг ҳам билмағай, иним. Бу сўзимга ёлғиз олло таолло шоҳиддур. Дилингда ҳақ таолога таважжуҳ айлаб, қасамёд қил, иним.

Мирам Чалабий қиблага қараганича кўзларини юмиб, лаблари пичирлаб қасамёд ўқиди.

13

Қаландар Қарноқий Али Қушчи билан Мирам Чалабийни кузатиб қўйиб, ўзан ёқалаб орқага қайтарди. Тун ярмидан оққан, олис қирлар ортидан кўтарилган заифгина ҳилол шуъласида борлиқ сокин, осуда уйқуга чўмган.

Қаландар қирни айланиб ўтиб, расадхона дарвозасига яқинлашганда, "Боғи майдон" томондан эшагини хих-хихлаб келаётган одам қораси кўринди. Қаландар ўзини четга олмоқчи бўлган эди, йўловчи эшагини тўхтатиб:

—Ҳей, фақир, бу сенму?—деб сўради.

Бу—уста Темур Самарқандий эди.

—Ҳа, мен, отахон. Нечун қайтмадингиз?

Чол унинг саволига жавоб бермай, яқинроқ келиб шивирлади:

—Эҳтиёт бўлғайсен, болам, боядан бери бу айланада бир қора кўлага изғиб юрибди. Сергак бўл. Уқдингми?

—Уқдим, отахон...

Уста Темур Самарқандий бошқа ҳеч нарса демай, эшагини хих-хихлаб ўтиб кетди.

"Бу не кўлага? Тагин айғоқчими?"

Қаландар атрофига диққат билан разм солди. Лекин ҳаммаёқ жимжит, бирор шарпа эшитилмас эди.

Қаландар бир-бир босиб расадхона томон бораркан, шу

йил кўкламда бу ғаройиб чол билан учрашгани эсига тушиб, мийиғида кулимсираб қўйди.

Қаландар мадрасани тарк этган бўлса ҳам зоҳидлар хонақоҳидаги фисқи фасодлар, уриш-жанжалларга ўрганомай, кўнгли ғаш бўлиб юрган пайтлар эди. Бир кун кечқурун у хонақоҳга боргиси келмай, шаҳардан чиқиб, Обираҳмат бўйидаги қишлоқларни оралаб кетди. У эртасига ҳам шаҳарга қайтмай қишлоқма-қишлоқ кезиб юраркан, бир маҳал баланд тепа ёнбағридаги ғор оғзида ўтирган ғалати бир одамга кўзи тушди. Чиройли кетмон соқоли дуд ва тутундан сарғайиб кетган, бошига ағдарма телпак кийган, пешанасидаги қат-қат ажинларини қора қурум босган, лекин қадди-қомагидан аллақандай салоҳият ва куч ёғилиб турган бу чол, қўлида темир болғача, ғор оғзида қумғон ва чойдишларни тузатиб ўтирарди. Ёнидаги ўчоқда қора қозон биқирлаб қайнарди.

Қаландар чолнинг ишига бир лаҳза разм солиб тургач, камоли эҳтиром билан салом бериб, бир пиёла сув сўради. Чол бошини кўтариб, унга бошдан-оёқ разм солди, кейин қора қумғондан бир пиёла сув қуйиб узатаркан:

—Шу бўй-бастинг билан гадолиқ қилиб юрибсенми?— деди қўрс овозда.—Боракалло сендай баҳодирга!

Чолдан бу қўрсликни кутмаган Қаландар сувни бир кўтаришда сипқариб, ўрнидан турди. Лекин чол бароқ қошларини силаганича кўзини ундан узмай:

—Самарқанд фарзандига ўхшамайсен,—деди.—Қай юртдан адашиб келмишсен, дарвеш?

Қаландар истар-истамас, Яссидан, Сайхун бўйларидан келганини айтган эди, чолнинг пешанасидаги ажинлари тарқаб, чеҳраси очилиб кетди.

—Эй, дариг! Сабаб, гулдай Яссини тарк этиб, бизнинг юртда мусофир бўлиб юрибсен? Бошингга не ғам-андух тушди, сўзла, мусофир.

Қаландар кўнгли эриб, бошидан ўтган воқеаларни ҳикоя қилиб берди. Чол унинг маҳзун ҳангомасини кўзини юмиб, бошини оҳиста тебратиб эшитди. Кўнглига тасалли берди. Сўнг, ёшлигида карвонга қўшилиб Яссига борганини, равишлари пок, нафаслари оташнок Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилиб, сағанасини тавоф қилганини сўзлаб берди. Суюниб кетган Қаландар, эски ҳикматлардан ўқиб берган эди, чол ҳам ийиб кетиб, уни ғорига олиб кирди, қўйиб юбормай бир кеча меҳмон қилди. Шу-шу, Қаландар устанинг олдига тез-тез келадиган бўлди, ҳар келганида кўнгли тоғдай ўсиб, гўё ўз

юртига бориб келгандай бўлар эди... Мавлоно Али Қушчига кўмаклашиш керак бўлганида Қаландар ҳеч тортинмай тўппа-тўғри устанинг олдига бошлаб боришининг боиси ҳам шунда эди. Бошлаб бориб тўғри қилган экан, саксон яшар уста ҳамма гапга дарҳол тушунди.

Шогирдларидан уч-тўрт йигитни йиғиб, горда иш бошлаб юборди. Қаландар ҳам кечалари, теварак-атроф сал тинчиганда горга бориб, усталарга ёрдам берди: кулоҳи билан жандасини ечиб, ярим яланғочланиб олиб, дам урди, отанинг бир пудлик оғир болғаси билан тобланган темирларни мумдай эгиб, мириқиб ишлади. Унга отанинг шогирдлари шундай ёқиб қолдики, тун бўйи ишласа ҳам эрталаб кетгиси келмай қоларди. Айниқса, Босқонбек билан Қалқонбек деган ака-ука темирчилар жуда хуш келди. Иккиси ҳам ёш, шўх, ширинзабон, қўли гул йигитлар эди. Улар чарчоқ нималигини билмас, иш пайтида ҳам лабларидан кулги, қўшиқ, аския аримас эди. Ниҳоят, сандиқлар тайёр бўлгач, уста Зарафшон соҳилидаги қишлоқларга чиқиб кетиб, тўртта туя топиб келди...

...Қаландар расадхона дарвозасининг рўпарасидаги чинор тагида тўхтади. Чинорнинг остида катта супа бўлиб, Қаландар бир ҳафтадан бери шу супада тунар, кундузлари чордана қуриб қимир этмай ўтирар, лекин кўзини расадхонадан олмас эди... У чинор ковагига яшириб қўйган эски наMATни олиб, супага ёзди, хуржунини бошига қўйиб, чўзилмоқчи бўлди. Лекин шу пайт дарвоза томонда "лип" этган сояга кўзи тушди.

—Ҳей, худонинг махлуғи! Кимсан?

Соя дарахтларни паналаганича "Боғи майдон" томон йўналди.

—Жонингдан умидинг бўлса, тўхта, ҳей ғаламис!

Қора кўлага тўхташ у ёқда турсин, бир оёғини судраб босганича чопқиллаб кетди.

"Қашқир! Бу каззоб не қилиб юрибди?"—Қаландар қоронғида туртина-туртина, сояни қувиб кетди. Дарахтларни паналаб кетаётган кўлага бир-икки марта "лип-лип" этди-ю, "Боғи майдон" дарвозасига етганда гўё ер ютгандай йўқ бўлди-қолди...

Қаландар орқага қайтиб, супада хаёлга толиб, узоқ ўтирди. "Бу қора кўлага ким? Қашқирми ё бошқа бир айғоқчимми? Кўрган бўлса не бўлур?..."

Гўё қишда ковакдан ҳувиллаб кирган изғириндай совуқ бир ваҳима Қаландарнинг юрагини зирқиратиб юборди. Бу туйғу қоронғи тундай тобора қуюқлашиб борарди.

Қаландар буни сезиб қолди-ю, ўзидан ғижиниб қўлини бир силтади-да, жандасини бошига буркаб, йиртиқ наMATга чўзилди...

Эртасига Қаландар кун бўйи супадан жилмади. У чордана қуриб, бошини тебратиб ҳамду сано ўқиб ўтирар, лекин ярим юмуқ кўзларини расадхона дарвозасидан узмас эди. Кечаси кўрган қора кўлага хаёлидан кетмас, назарида, айғоқчилар пана-панада уни кузатиб тургандай туюларди...

Дарвоза берк, тош қўрғон билан ўралган расадхона жимжит. Унинг муаззам пештоқларидаги сиркор безаклар, меҳробга ўхшаш даричаларининг ҳошиясидаги нозик нақшлар, деворларига тилла суви билан битилган ҳикматли сўзлар куз офтобида гўё мўъжаз камалакдай жилоланиб, ҳавойи бир гўзаллик касб этган эди.

Осмонга бўй чўзган бу муҳташам бино, илиқ куз офтобида ял-ял ёнган бу фируза гумбаз, юксак минораларнинг зарҳал жилоси Қаландарга бошқа даврларни, масъуд талабалик чоғларини эслатиб, кўнглидаги сўнмас дардни яна қўзғади. У чоғларда Улуғбек мадрасасининг талабалари ҳафтада бир марта расадхонага келиб, кечалари фалакиёт ва риёзиёт илмидан дарс олишарди. Дарсларни аксарият Али Қушчи билан мавлоно Муҳиддин ўқир, лекин гоҳо аълоҳазратлари ўзлари ҳам сабоқ берар эдилар. Аълоҳазратлари келган кунлари расадхонага Самарқанддаги барча мударрислар, барча аҳли ирфон, машҳур фозиллар ва алломалар, баъзида эса ҳатто хорижий давлат элчилари ҳам ташриф буюришар, иккинчи ошёнадаги муаззам кутубхонага одам сиғмай қоларди. Бошига учлик қора духоба тақя, эғнига зарбоф тўн устидан оқ шоҳи ридо кийган аълоҳазратлари, кўзлари аллақандай порлаб, ёноқлари туртиб чиққан узунчоқ юзи ловиллаб, товуши ҳаяжонидан титраб, коинотнинг мураккаб сирларидан сўзлар, кўкда ғуж-ғуж ёнган юлдузларни номма-ном санаб, уларнинг самодаги ўрнини тушунтирар эди. Мирзо Улуғбек ўқиган фалакиёт сирларини, хусусан, риёзиёт фанининг мураккаб қонуларини биров тушунса, биров тушунмас, лекин унинг ранго-ранг оҳанглар касб этган овози, илҳом билан порлаган кўзларининг сеҳрига илинмаган, ҳаяжонга тушмаган бир кимса бўлмас эди! Аксарият, Мирзо Улуғбек ҳазратлари билан бирга баковуллар келишиб ош дамлашар, дардан сўнг барча аллома ва талабаларга зиёфат бериларди.

Қаландар кўзларини юмиб, чуқур тин олди... "Нечун

бу улуғ донишмандлар даргоҳини масту аласт ҳасадгўйлар уясига, улуғ истъдод ва зако соҳибларини фисқи фужур дарвешларга, оппоқ мударрислик дасторини бидъатчи гумроҳларнинг кир-чир кулоҳига алмаштирди? Нечун?"—деди у ўзидан ранжиб, лекин эсига яна Хуршида бону тушиб, ўрнидан туриб кетди...

Қаландар бонунинг тўйидан кейин гўшанишинликни ихтиёр этиб, гадолик қилиб юрган чоғлари эди. Бир кун кечқурун, Қаландар, бошида кулоҳ, эгнида хирқа, елкасида эски хуржун, "Мозори калон"дан қайтаётиб, серҳашам бир дарвоза олдида тўхтади. Унинг "ё олло дўст, ё олло"сига дарвозани очган қоровул чол, сопол косада қатиқлик гўжа билан битта зоғора тўқач олиб чиқди. Қаландар, қорни оч эди, дарвозанинг супасига ўтириб, овқатга киришди. У гўжани ичиб, энди фотиҳага қўл кўтарган эди ҳам муюлишдан эгнига зарбоф тўн, бошига сувсар бўрк кийган хушқомат бир суворий от ўйнатиб чиқиб келди. Кетма-кет қандайдир кўнғироқчаларнинг жангур-жунгури эшитилиб, муюлишда устига қизил кимхоб соябон тутилган кобулий арава кўринди...

Хушсурат суворий дарвоза олдида отидан сакраб тушиб, арғумоғининг жиловини қоровул чолга тутқазаркан:

—Ҳей!—деди Қаландарга юзланиб.—Қорнинг тўйдими бу даргоҳда? Тўйган бўлсанг йўлингга равона бўл, дарвеш!

Суворийнинг сўзлари қаттиқ тегса ҳам, Қаландар кўнглига олмаган бўлиб, дуо қилди-да, йўлга тушди. Лекин бир-икки қадам юрмаган ҳам эдики, аравадан:

—Мирзам!—деган овоз эшитилиб, беихтиёр тўхтади: "Бону!" Чексиз мунг тўла бу товуш Қаландарни чорладими ё зарбоф тўнга ўранган хушқомат суворийними?

Қаландар хуржунини кўтарганича кўча ўртасида гаранг бўлиб қотиб қолди. Кимхоб соябон ичига яшириниб олган бону эса, кўз ёши аралаш энтика-энтика давом этди:

—Мирзам! Бу кун ёмон туш кўриб, Хожа Баҳовуддин ҳазратларига етти танга атаган эдим. Ақчангиз бўлса шу гадога етти танга инъом қилинг...

Қаландар ҳушига келиб, арава томон бурилиб қаради. Тепасига ипак попилдириқлар тақилган кимхоб соябоннинг пардалари туширилган, ҳеч ким кўринмас, фақат парда четини ушлаган заифанинг оппоқ қўли кўринар, зумрад кўзли қўш узук тақилган нозик бармоқлар гўё ниманидир тимирскилагандай титрар эди...

Хушсурат суворий аравакашга қараб: "Ҳайда!" деган

маънода бетоқат ишора қилди, ўзи эса, қовоғини солганича чўнтагини кавлаштириб, ниманидир олди-да, ҳамон гангиб турган Қаландарга қараб отди. Тош йўлга тушган олтин танганинг мусатффо жаранги арава ғилдиракларининг тарақтуруғига қўшилиб кетди. Дарвоза тақа-тақ ёпилиб, кимхоб соябонли кобулий арава кўздан ғойиб бўлди...

Ногаҳон рўй берган бу учрашув, тош йўлдан юмалаб кетган бу олтин не ўзи? Бону қилган пинҳоний бир ишорами ё чиндан ҳам унга ачиниб берилган садақами, ёхуд қандай бадавлат, шоҳона даргоҳга тушганини пеш қилмоқчи бўлганими? Лекин ундай деса... чексиз мунг тўла бу товуш, бу зорли фарёд тамом бошқа нарсадан далолат берарди...

Уша куни Қаландар, гўё азиз бир нарсасини йўқотгандай қора шомгача дарвоза теварагида дайдиб юрди, кейин боши оққан томонга кетди. Бир маҳал ҳушига келиб қараса... "Шоҳизинда" қабристонида ўтирибди. Лекин қулоғи остида ҳамон бонунинг фарёдига ўхшаш зорли овози турар, хаёлидан эса, нечундир унинг шеъри чиқмас эди:

Тилим лолдур, дилим розин баён этмоқдин ожизмен,
Висолнинг орзусинда хастадур кўнгил, билмассен...

Сал ўтмай, доруссалтанада машъум хабар тарқалди-ю, Қаландарнинг кўзига олам яна ҳам қоронғироқ кўринди: гўё шаҳзода Абдулбазиз амир Иброҳимбекнинг ўғлини қатл қилдириб, унинг ҳуснда тенгсиз қаллигини ўз ҳарамига олганмиш!..

Қаландар эсдаликлар туғёни билан олишиб, расадхонани бир айланиб чиқди. Яна жойига қайтиб ўтираркан, от туёқларининг дупурини эшитиб қолди.

Шаҳар томондан от чоптириб келган тўрт нафар суворий чинорга етмай, расадхонага бурилишди. Қаландар беихтиёр сесканиб кетди: от чоптириб ўтган сипоҳлар орасида... амир Султон Жондор ҳам бор эди!.. Қаландар Қарноқий сохт-сумбати келишган бу калондимоғ амирни аълоҳазратларининг даврасида кўп кўрган, Мирзо Улуғбек амир Жондорни ҳаминша ўзи билан бирга олиб юрар эди.

"Тавба! Мирзо Улуғбекнинг энг яқин муқарраби, инонган тоғи ҳисобланган бу амир расадхонада не қилади?"

Дарвоза олдида отдан тушган суворийлардан бири қамчисининг дастаси билан дарвозани шақ-шақ урди.

—Али Қушчи қайда? Оч дарвозангни!

Расадхона қоровули Али Қушчини йўқ деди чамаси, суворийлар амир Султон Жондор билан алланимани мас-

лаҳатлашиб, яна дарвозани қоқишди. Дарвоза очилгач, амир Жондор билан яна бир суворий отларни қолдириб расадхонага кириб кетишди, икки суворий ташқарида қолди. Кўп ўтмай, расадхонага кириб кетган амир Жондор қайтиб чиқди ва ёнидаги ҳамроҳлари билан келган йўлларидан шаҳарга қараб от чоптириб кетди.

Қаландар суворийларнинг орқасидан тикилганича карахт бўлиб ўтириб қолди. Унинг юраги нечундир гурс-гурс тепар, хаёли қуюндай чарх урар эди.

Ё тавба! Наҳот Мирзо Улуғбек ҳазратларининг ўнг қўли ва энг содиқ амири ҳисобланган Султон Жондор бу разолатга борса? Мирзо Улуғбек тахтдан йиқилмасдан туриб, унинг ғанимлари хизматига ўтса. Энг яқин амири бундай тубанлик қилса устоднинг тақдири не бўлади? Али Қушчининг ҳоли не кечади?

Қаландар бу ташвишли ўйлар билан бўлиб, тун ярмидан ошганича мижжа қоқмай ўтирди. У расадхонани ташлаб кетишини ҳам, кетмаслигини ҳам билмас эди. Ташлаб кетай деса Али Қушчини ўйлар, кетмай супада ётиб қолай деса, назарида, жаноб Низомиддин Хомушнинг айғоқчилари келиб, банди қилиб олиб кетадигандай тугаларди...

Қаландар бу ўйлардан боши ғовлаб, кўзи илинган экан, яна оёқ шарпасини эшитиб уйғониб кетди... Худди кечагидай бир қора кўлага кўчанинг у юзидан дарахтларни паналаб расадхона томон ўтиб борарди. Қаландар секин ўрнидан туриб кўчанинг у юзига ўтди ва дарахтларни паналаб, кўлаганинг орқасидан юрди. Дарвозага етган кўлага у ёқ-бу ёққа аланглаб қаради, сўнг, дарвозанинг оғир мис ҳалқаларини секин шақиллатди. Ичкаридан қоровул чолнинг таниш хириллоқ овози эшитилди.

—Бу ким, тун ярмида дайдиб юрган?

—Бу мен!—қўрқибгина жавоб берди кўлага.

—Ким бўласен? Расадхонага кирмоққа ижозат йўқдур! Кўлага бир лаҳза сукут сақлагач, яна боягидай қўрқинқираб шивирлади:

—Каминани Мирзо Улуғбек ҳазратлари юбормиш. Мавлоно Али Қушчини сўрайдур...

—Али Қушчи йўқ! Қайга кетди—билмаймен!..

Кўлага нима қилишини билмай хийла турди, кейин, бир-бир босиб орқага қайтди. У чинорга яқинлашиб қолганида Қаландар дарахтлар панасидан чиқиб йўлини тўсди:

—Али Қушчида не юмушинг бор? Камина етказурмен унга.

Кўлага—паканагина одам, қўрқанидан тили калимага келмай, серрайиб турарди.

—Қўрқма! Мен Али Қушчининг шогирди Қаландар Қарноқий бўлурмен. Айт—не юмушинг бор Али Қушчида?

—Али...—деди кўлага гудраниб.—Али Қушчини Мирзо Улуғбек ҳазратлари кўрмоқни тилайдур...

Қаландар бир лаҳза иккиланиб тургач:

—Мирзо Улуғбек қайда?—деди.—Олиб бор мени. Али Қушчи қайда—ўзим айтамен давлатпаноҳга!

14

Дунёда ҳамма нарсадан мубҳамлик ёмон. Кишининг бошига тушган кулфат нечоғлик оғир бўлмасин, уни сабру тоқат ва ирода билан енгиш мумкин. Лекин ноаниқлик эзиб ташлайди кишини.

Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳрдан қувилиш хабарини илк бор эшитганда юраги қон бўлиб кетса ҳам, кейин идрок билан ўзига ўзи тасалли бериб, йўл ҳозирлигини кўра бошлади.

У ҳамон Кўксаройнинг бир бурчагидаги совуқ хонада истиқомат қиларди. Шаҳзода билан учрашган кунни эртасига унинг олдига бошига сурмаранг салла ўраган балхлик янги саройбон кирди. Саройбон унга йўл ҳозирлигини кўришни ва бу ишда ниманики даркор топса, ҳаммасини муҳайё қилишини айтди.

Мирзо Улуғбек ортиқча ҳеч нарса сўрамади. Фақат иссиқроқ кийим-кечак билан уч-тўрт кунлик озиқ-овқату яхши от-улов бўлса бас, бошқа ҳеч нарса лозим эмас, деди. Рост, бир оз пул ё тилла бўлса зарар қилмас эди, лекин тиллани ёлғиз шаҳзода инъом этиши мумкин. Мирзо Улуғбек эса ўша кунги суҳбатдан кейин шаҳзодадан ҳеч нарса тиламасликка онт ичди. Зотан, ҳажга отланган осий бандага асьясаю дабдаба не даркор? Бошга тушганини кўз кўрар. Тақдирга тан бермоқ керак.

Мирзо Улуғбек кечаси тонг отгунча мижжа қоқмай минг хил режалар тузиб чиқди. Эсон-омон Маккаи мукаррамага етиб, ҳаж қарзини ўтаса, Дамашққа ё Қоҳиратулга боради. Бирор-бир мадрасада фаррошлик қилиб, ер супуриб ўтса ҳам, илм аҳли билан бирга бўлади, қолган беш кунлик умрини таълиму тариқатга бағишлайди. Унинг номини Дамашқда ҳам, Мисрда ҳам, "Байтул ҳикма" аталмиш Бағдодда ҳам билишади. Қаерга

бормасин, иншооллоқ, хор бўлмас. Фақат... киндик қони тўкилган бобо юрти Мовароуннаҳрдан, суюкли Самарқандидан, болалик йиллари ўтган Зарафшон соҳилларидан кетмоқ, яхши кунига ҳам, ёмонига ҳам шоҳид бўлган бу маскандан айрилиб, ёт элларда мусофир бўлмоқ... уни фақат шу хаёл эзар, шу хаёл қийнар эди. У ҳар хил юмушлар билан ўзини овунтирмоқчи бўлар, тақдирга тан бермоқ керак, деган ўй билан кўнглини кўтаришга уринар, лекин барибир элидан жудо бўлиш ҳақидаги хаёл қайта-қайта ёпирилиб келиб, юраги чўғ теккандай ачишиб кетарди.

Тушдан кейин саройбон эликларга борган, чуваккина, ниҳоятда мулойим бир одамни бошлаб келди. Мирзо Улуғбек уни дарҳол таниди—бу одам Шоҳизинда хожаларидан Муҳаммад Хисрав эди. Соқолига битта-яримта оқ оралаган, лабларидан мулойим табассум аримаган бу нимжон одам Мирзо Улуғбекка жуда ёқди, Муҳаммад Хисрав унга йўлдош бўлишини эшיתיб, суюниб кетди. Саройбон шаҳзоданинг амри олийсини баён қилди: Мирзо Улуғбек билан Муҳаммад Хисрав шу бу кун, намози асрдан кейин Кўксаройдан чиқиб, "Боғи майдон"га бориб тунамоқлари, эртага субҳидам эса узоқ сафарга отланмоқлари лозим.

"Фуқаро кўрмасин дейдур!"—Мирзо Улуғбек юрагида кўтарилган аламли тугённи ичига ютиб, Муҳаммад Хисравнинг уст-бошига разм солди. Хожа эғнида эскироқ қора чакмон, оёғида қизил чармдан эскироқ маҳси, бошида одми салла эди.

—Кийимингиз олис йўлга юпун эмасму, хожа?

Хожа Муҳаммад Хисрав мулойим кулимсиради.

—Ҳажга отланган бир фақирга шоҳона кийим не даркор, онҳазратим?

Муҳаммад Хисравнинг бу гапи ҳам Мирзо Улуғбекка маъқул тушди. Лекин у: "Шоҳона кийим бўлмаса-да, олис сафарга иссиқ кийим даркор, кунлар совиб қолди", деб, саройбондан унга бош-оёқ сарупо олиб берди.

Улар шом намозидан кейин қўзғалишди. Кўксарой одатдагидай теран сукутга чўмган, ҳаммаёқ зим-зиё, фирузаранг юксак гумбазлар совуқ дахмалардай мудҳиш қорайиб турарди. Фақат мрамар сарҳовузнинг четларидаги тош фонуслар заифгина шуъла сочар, кумуш фавворалардан қуйилган сувнинг сокин шовиллаши қулоққа чалинарди, холос.

Мирзо Улуғбек аллақандай совуқ бўлса ҳам, бутун умри ўтган бу кўҳна сарой билан абадулабад видолаша-

ётгани эсига тушиб беихтиёр тўхтади. Тўхтади-ю, дилидаги аламли ҳисга бўйсуниб, қибла томондаги ҳарамхонага қаради. Девор билан тўсилган ҳарам ҳам қоронғиликка чўмган, фақат энг чеккадаги дарича худди тунов кунгидай олис юлдуз каби милтираб турарди. Наҳот кўзлари маънос ўша канизак бўлса? Қариган чоғида унинг аламли қалбини куз офтобидай илиқ нурга йўғирган ўша дилрабо маъсума бўлса? У нечун ухламайди? Нечун ҳамма даричалар қоронғи, ёлғиз унинг даричаси ёруғ? Мутолаа билан машғулми, ё... ё шаҳзода уни...

Мирзо Улуғбек кўнглига ёпирилиб келган мудҳиш шубҳадан кўз олди қоронғилашиб, деворга суяниб қолди. Назарида, юрагига заҳарли наштар санчилгандай туюлиб, бир дақиқа тишларини босиб турди, кейин саройбоннинг йўталини эшитиб, зўр ирода билан ҳисларини жиловлади-да, дарвозага томон юрди.

Дарвозадан чиққан жойда уларни тўрт нафар суворий қарши олди.

Мирзо Улуғбек кечаси бўлса ҳам Самарқандни бир айланмоқ, таниш кўчалар, даҳалардан ўтиб, доруссалтана билан видолашмоқ, Гўри Амирга бирров кириб, бобоси билан падари бузрукворининг сағаналарини тавоф қилмоқ, кейин йўлга тушмоқ ниятида эди. Лекин отга минишлари билан уларни қуршаб олган суворийлар пастга, Регистон томонга йўл олишди.

"Не қилай? Бу аёвсиз шаҳзода қабринга сажда қилмоққа ҳам ижозат бермади. Ўзинг афв этгайсен, жаннатмакон!"— Мирзо Улуғбек, Гўри Амир томонга қарай-қарай, ичида тиловат ўқиб, юзига фотиҳа тортди-да, отига қамчи босди. Силлиқ тош ётқизилган жимжит кўчалар тақа қоқилган от туюқларидан қарсиллаб кетди... Кўчанинг икки юзидаги пахса девор билан ўралган ҳовлилардан, тимли пасқам расталардан тик этган товуш эшитилмайди... Ҳар йили бу маҳалда шаҳарда тўй-томоша авжга чиқар, кечаси билан ноғоралар тарақлаб, карнайлар наъра тортар, соябон араваларга минган заифалар, хонанда ва созандаларнинг кўшиқ ва лапарлари, от ўйнатган йигитларнинг қийқириғи доруссалтанани титратар эди. Мана энди ҳаммаёқ жимжит, гўё ташландиқ гўристондай ҳувиллаб қолган. Фақат Улуғбек мадрасаси рўпарасидаги хонақоҳдан ҳамду сано ўқиган дарвешларнинг "ҳу-ҳу"лари эшитилади.

Регистон майдонига етганда, Мирзо Улуғбек чидай олмади. Отини жиловидан тортиб тўхтатди. У бир лаҳза мадрасага кирмоқчи, унинг осуда ҳужраларини бир-бир

айланиб чиқмоқчи, шогирдларидан бирортаси билан бўлса ҳам видолашмоқчи эди. Лекин олдинда бораётган суворийнинг таҳдидли овози эшитилди:

—Чуқ денг, пуштипаноҳ! Тўхтамоққа ижозат йўқ!

Мирзо Улуғбек отининг бошини бураркан, беихтиёр кўзига ёш олди. У ҳозир биринчи марта чиндан ҳам ожиз бир банда эканини тушунди. Эндигина ҳокимиятдан жудо бўлган шоҳ, умрбод дарбадарликка маҳкум этилган бир фақир эканини ҳис этди. У шундай бўлишини билар, эл-юртдан айрилишини тушунар эди. Лекин шу дақиқагача буни ақл билан идрок этса, энди, суворийнинг бетакаллуф амридан кейин, дил-дилидан ҳис этди, ҳис этди-ю, вужуд-вужудигача зирқираб кетди... "Ўзинг сабр ато қилгайсен, раббано! Наҳот энди у чиндан ҳам бу сокин кўчалардан юрмаса? Ўзи бунёд этган, чорак аср мударрислик қилган, энг масъуд дамлари ўтган бу мадрасаи муаззамни қайта кўрмаса? Ундаги суюкли талабалари билан сўнгбор видолаша олмаса? Наҳот жума намози кунлари масжиди жоменинг тилла меҳроби олдида саждага бош қўйиб, руҳан ва ақлан ўзингга тавалло қилмоқ бахтидан умрбод маҳрум бўлса, худованди карим? Нечун, қайси ёзуқлари учун уни бу кўргиликка маҳкум этдинг, халқоқи олам?.."

Тимли, қоронғи расталардан ўтилгач, чап қўлда масжиди жоменинг ложувард гумбази ярқираб кетди. Юлдузлар акс этган тилларанг пештоқлар қоронғида ғалати жилоланар, гириҳ нақшли гулдор безаклар орасига дур ва инжу сочилгандай кўк, қизғиш, сурмаранг шуъла таратиб, ял-ял ёнарди.

Наҳот суворийлар бир дақиқа тўхтамаса? Лоақал бир зум тўхтаб, тиловат қилишга ижозат бермаса?.. Йўқ, олдиндаги икки суворий отларини чоптирганларича ўтиб кетишди... Мирзо Улуғбек то Афросиёб харобаларига етгунча гўё онасидан айрилган бўтадай орқасига қарай-қарай борди... Мана, "Шоҳизинда" қабростони ҳам орқада қолиб, расадхонага олиб борадиган катта тош йўлга тушиб олишди. Лекин "Боғи майдон" дарвозаси расадхонадан хийла берида, Сиёбдан ўтиб, тепага чиққан жойда. Наҳот у расадхонани ҳам кўролмаса? Али Қушчи билан видолашолмаса? Кутубхона тақдири не бўлганини билолмай кетса? Йўқ! Мирзо Улуғбек Али Қушчини кўрмай, суюкли кутубхонасининг тақдирини, гўё денгиздан жавоҳир қидирган ғаввосдай қирқ йил не машаққатлар билан қидириб топган ноёб китобларининг тақдирини билмай бу маскандан кетолмайди!

"Боғи майдон" дарвозасида уларни яна тўрт нафар

сипоҳ қарши олди. Кузатиб келган сипоҳлар Мирзо Улуғбек билан Муҳаммад Хисравни уларга топшириб, қайтиб кетишди.

"Боғи майдон" сипоҳлари Мирзо Улуғбек билан Муҳаммад Хисравнинг отларини олиб қолиб, ўзларини ичкарига таклиф қилишди. Боғнинг қоқ ўртасида деворлари хитой кошинлари билан безатилган "Чил устун" кошонаси бўлар, тепаликка қурилган кошонанинг иккинчи ошёнидан расадхона рўйирост кўринар, агар кошонадан сал ўтиб, девордан ошиб тушилса тўғри расадхонага чиқилар эди.

Кошонанинг олдида уларни соқоли кўксига тушган букри чол қарши олиб, ичкарига бошлади. Ҳам букри, ҳам туғма гунг бу чол "Боғи майдон"да соҳибқирон ҳаёт вақтидан бери маҳрамлик қилар, Мирзо Улуғбекка ҳам мулозимлик қилган эди. Мирзо Улуғбек кошонага кирмай, чолдан бир қумғон сув сўраб олди-да, дарахтлар орасига шўнғиди.

Япроқлари сийраклашиб қолган ярим яланғоч боғ дарёдай сокин шовиллар, чирс-чирс узилган хазонлар ҳавода пир-пир учиб оёқ остидаги "гилам" устига унсизгина қўнар эди.

Мирзо Улуғбек икки ёнига арча ўтқазилган кенг хиёбондан юриб, расадхона томонга бурилганида орқадан шип-шип оёқ товуши эшитилди. "Наҳот букри чол сезиб қолган бўлса?"

Мирзо Улуғбек ялт этиб орқасига қаради, қаради-ю, анграйиб қолди: уни таъқиб қилиб келаётган на букри, на сипоҳ, балки... фариштадай мулоим кўринган... Муҳаммад Хисрав эди!..

—Бу ким? Хожа Муҳаммад Хисрав ҳазратлари... сизму? Ниятингиз ҳажга бормоқму ё каминага айғоқчилик қилмоқму?

Муҳаммад Хисрав ҳансираб тўхтади.

—Маъзур тутгайсиз, давлатпаноҳ. Айғоқчиликдан худо асрасин. Лекин букри безовта бўлиб, сизни ахтариб юрибди...

Мирзо Улуғбек нима қилишини билмай бир лаҳза иккиланиб тургач, мақсадини айтди.

—Расадхонага камина бориб келурмен,—деди Муҳаммад Хисрав қатъий. —Мавлоно Али Қушчини топсам бошлаб келурмен. Сиз қайтмасангиз, букри сипоҳларга хабар берадур.

—Сиз-чи?

—Улар сиздан шубҳа қилурлар, камина билан ишлари йўқ.

Мирзо Улуғбек кўнглида бу мўъмин одамдан миннатдор бўлиб, унга йўл кўрсатиб қўйди-да, орқага қайтди. Букри чиндан ҳам кошона атрофида айланиб юрарди. Мирзо Улуғбекни кўриб, суюниб кетган букри, имо-ишоралар билан кошонага таклиф қилди. Кошонанинг иккинчи ошёнидаги олди айвон ҳайҳотдай хонага шамлар ёқилиб, шоҳи кўрпачалар ёзилган, ўртадаги хонтахта мева-чевага тўла эди.

Букри бир чойнак чой олиб кириб, хонтахтага қўйди-да, орқаси билан юриб чиқиб кетди. Мирзо Улуғбек секин юриб айвонга чиқди.

Олис уфқдан, Ургут тоғлари ортидан кўтарилган ҳилол осмонда бир парча муздай ялтираб турарди. Япроқлари тўкилиб, ҳувиллаб қолган боғ ой шуъласида яна ҳам ғариброқ, яланғочроқ туюлар, фақат бахмалдай тиниқ осмонни тўлдирган ғуж-ғуж юлдузлар ҳеч ўзгармаган, илгаригидай ўзига чорлар, чақнаб чарақлар эди... "Ана, энг тепада, тўнтарилган чўмичга ўхшаган Дубби акбар юлдузлари, ундан пастроқда, гўё сочилган зардай ялт-ялт этган Сомон йўли, Сомон йўлининг тагида, бир парча муздай ялтираган ҳилол устида бир ҳовуч чўғ—Ҳулкар милтирайди...

О, юлдузлар, сеҳрли юлдузлар! У қирқ йил сенларнинг сирларингни билмоқ ниятида яшади, саноқсиз тунларни бедор ўтказди. Коинот сирларини билсам, ҳаёт ва башарият сирларини билурмен, деб умид қилди. Йўқ, ҳамма орзулари ҳаёт довулларида тўзғиб, қариган чоғида ғариб бир инсон, чорасиз бир банди бўлиб ўлтирибди... У бандиликнинг ғурбатини ҳам мана энди, ўзи кишансиз банди бўлганидагина тушунди. Ким билади, у ҳокими мутлақ чоғида қанча мўъмин-мусулмонлар жабру жафо чеккандур? У ҳозир ўз фарзандидан зор йиғлаганидай, жабру жафо чеккан у бечоралар ҳам ҳақ таолога тавалло қилиб, унга интиқом тилагандур? Ким билади, қирқ йил тахтада ўлтирганида қанча адолатсизлик қилди, қанча гуноҳсиз бандаларнинг кўз ёшини тўкди? Вожабо, нечун шундай? Нечун осий банда бошига ғурбат тушгандагина бошқаларни ўйлайди? Дардларига ҳамдард бўлади? Билъакс, инсоф ва адолатни хаёлига келтирмайди? Энг қабиҳ туйғулар—ўзи янглиғ бандалар устидан ҳукм сурмоқ, барчани ўз иродасига бўйсундирмоқ, шон-шуҳрат орттирмоқ нияти кўзини кўр қилиб, ақл-идрокини ўғирлайди? Бу ғаддор дунёнинг бебақолигини унутиб, мислсиз манфурликлар қилади?"

Мирзо Улуғбек, хаёлини қора тумандай чулғаб олган

маҳзун ўйлардан қутулмоқчи бўлиб, олисларга, сокин шовиллаган боғ ортидаги расадхона томонларга қаради. Шу пайт, айвоннинг эшиги оҳиста очилиб, Муҳаммад Хисравнинг боши кўринди.

—Соябони марҳамат!

Мирзо Улуғбек оёқ учида юриб эшикка яқинлашди.

—Хўш?

—Мавлоно Али Қушчини топмадим. Бир дарвеш қайда-лигини ўзим айтамен, деб бирга келди.

—Қай дарвеш?

—Девсифат бир дарвеш. Онҳазратимга олиб борасен, деб, ёпишиб олди... Букри пинакка кетибди. Дарвешни чақир десангиз, чақириб келамен...

—Ҳай, чақиринг!

"Девсифат дарвеш... Дарвеш не қилади расадхонада? Мударрислар, талабалар қайда?"

Мирзо Улуғбек ўйчан одимлаб дастурхон ёзилган хонага кираркан, пастки хонадан, бошида эски кулоҳ, этнида жулдур жанда, қора соқоли кўксига тушган, чиндан ҳам мажнунсифат бир дарвеш чиқиб келди.

—Ассалому алайкум, устод!

"Устод?"—Мирзо Улуғбек эшикда тўхтаб, жулдур кийимли дарвешга қадалиб қаради, қаради-ю, ҳайратга тушиб:

—Қаландар Қарноқий?!—деб хитоб қилди.

Қаландарнинг совуқда қорайган шиддатли юзида мулойим табассум жилва қилди:

—Танидингиз, устод!..

Мирзо Улуғбек ўрнидан жилмай ҳамон Қаландарга тикилиб турарди.

—Сени... мадрасани тарк этиб, зоҳидлик йўлига кирган, деб эшитган эдим... Расадхонада не қилиб юрибсен?

Қаландар қалин жингалак соқолини силаб, мийиғида кулимсиради:

—Расадхонада... айғоқчилик қилиб юрибмен, устод...

—Бу не сўз? Ҳазилму?

Қаландарнинг лабларидаги кулги сўниб, қовоғи солинди.

—Йўқ, чин сўз бу, устод. Жаноб Низомиддин Хомушнинг фармони ила расадхонада айғоқчилик қиламен. Токи расадхонага кўмилган тилла ва жавоҳирларни, маъжусийлар ва бединлар битган куфр китобларни даҳрий шогирдларингиз ўғирлаб кетмасин!

—Расадхонага жавоҳирот қайдан келур?

Қаландар бошини кўтариб Мирзо Улуғбекнинг кўзларига тик қаради:

—Бобонгиз Амир Темур тиллалари қайда? Уларни мавлоно Али Қушчига ким бергандур?

"Вожабо! Бу телбанамо дарвеш не дейди? Бу сирни қайдан билади? Бу ерга келишдан муроди не?"

—Мақсадинг расадхонадаги тиллаларни асрамоқ экан, нечун уни ташлаб, салтанатдан жудо бўлган шоҳни йўқлаб келдинг? Муддаонг недур, дарвеш?

—Муддаом... Илм аҳлига яхшилик қилмоқдур, устод...

Мирзо Улуғбекнинг лабларига кинояли табассум қўнди.

—Балли, дарвеш! Ва лекин илм даргоҳидан юз ўгириб, гадоликни тилаган зоҳид нечун қайта илм аҳлига яхшилик қилмоққа жазм этгандур?

Қаландар кўзини Мирзо Улуғбекнинг кўзидан узиб, ерга қаради, овози бирдан ўзгариб:

—Валинеъмат, устод,—деди секин.—Бандаи ожиздан кулмасангиз, дардимни айтамен...

Мирзо Улуғбекнинг кўзларидаги истехзо ҳайрат билан, ҳайрат аллақандай илиқ меҳр билан алмашди.

—Афв эт, дарвеш. Дардинг бўлса сўзла, ўғлим.

—Дардим шуки,—Қаландар энтикиб чуқур тин олди-ю, овози бўлакча бир самимият касб этди.—Дардим шуки, илм даргоҳини зоҳидлар гўшасига алмашиб қаттиқ янглишибмен, устод. Шу сабаб, яхшилик қилмоқ ниятини дилимга жо қилиб, илм аҳлига қайта юкуниб келдим, устод!..

Басавлат гавдаси билан ярим қоронғи хонанинг эшигини тўсиб турган саҳройи дарвеш кулоҳлик бошини эгиб жим қолди. Унинг кўнгли гирён эканини сезган Мирзо Улуғбек, юраги яна оталик меҳрига тўлиб ёнига борди.

—Боракалло, дарвеш. Машойих Абубакир Тоҳир Абҳарийдин сўрамишлар: ҳақиқат недур? Дедиким—илмдур. Дедилар: илм недур? Дедиким—ҳақиқатдур! Кўнглимдаги ҳамма шубҳаларни совурдинг, раҳмат сенга, Қаландар. Кўп улуғ ният қилибсен, ниятингга офарин. Буни Али Қушчи билурми?

—Биладур, устод, биладур,—Қаландарнинг чехраси ёришиб кетди.—Кўнглингиз тўқ бўлсин, устод. Мавлонога топширган тилла ва жавоҳирларингизни ишончли ерга яширдик. Фанимларингиз минг йил қидириб тополмай-дур!..

—Али Қушчи ўзи қайда?

—Китобларингизни туяга ортиб, яширгали олиб кетди...

"Воажаб! Гуноҳсиз норасидадай оққўнгил, кўзлари му-саффо бу гадони қайдан етказдинг?.."

Баногоҳ унинг эсига суюкли навкари Бобо Ҳусайн Баҳодирнинг бир сўзи тушди: "Фуқаро сизга содиқ. Черик ййғайлик, онҳазратим!.." Нечун ўшанда Баҳодирнинг на-сиҳатига кирмади? Нечун фуқарога мурожаат қилмади?..

—Китобларни қайга олиб кетди, дединг?

—Биллоҳ, бундан беҳабармен, устод. Бироқ кўнглингиз тўқ бўлсин: барча нодир китобларни ййғиб, ўн олти сандиққа жойлаб, тўрт туяга ортиб, кеча тунда олиб кетди. Ургут тоғларига қараб кетганини билурмен, устод...

Мирзо Улуғбек ниманидир санаётгандай кўзларини юмиб:

—Тўрт туя китоб,—деди.—Ўн олти сандиқ...—у ўрта бармоғидаги ёқут кўзли тилла узугини ўйнаганича ўйланиб қолди.

—Бу сандиқлар қайга яширилди, билмоғим керак, дарвеш,—деди у ниҳоят.

—Мавлоно эртан қайтади, устод...

—Эрта тонг йўлда бўлурмен, дарвеш,—деди Мирзо Улуғбек.—Доруссалтанадин кетурмен... Олисларга кетурмен...

Мирзо Улуғбек кўзларини юмганча секин уф тортди, пешанасидаги ажинлари қуюқлашиб, сўлгин чеҳрасида бўлакча бир ғамгинлик акс этди.

—Мавлонога бу сўзингизни етказаман,—деди Қаландар.—Сиз билан учрашмоқ йўлини ахтарамиз, устод...

—Йўқ!—Мирзо Улуғбек секин бош чайқади.—Али Қушчи яширинмоғи лозим. Уни қидирмишлар. Ва лекин... китоблар қайда? Мен бунга билмоғим даркор. Токи... Мусофир юртига кетмоқдамен. Ўз элимга қайтмоқ насиб бўлурму, йўқму—бунга ёлғиз ҳақ таоло биладур, дарвеш...

Қаландар юраги "шиғ" этиб:

—Иншооллоҳ, насиб бўлур,—деди.

Мирзо Улуғбек ялт этиб қаради, гўё ниманидир эс-ламоқчи бўлгандай қалин қошларини чимириб бир зум тикилиб турди. Қаландарнинг киртайган кўзлари, бошидаги кулоҳи билан эгнидаги эски хирқаси нечундир ҳарамда кўрган нозанинни эсига солди. Бир зум дарпарда орқасида нигоронгина бош эгиб турган бону, унинг ёйилиб кетиб, тақимига тушган майин сочлари, хаёлий гўзал ҳусни кўз олдига келди. Икки ошиқ-маъшуқнинг мунгли достони ёдига тушиб, нозаниннинг тақдирини сўрагиси ҳам келди. Лекин Қаландарнинг кўнглига озор беришдан қўрқиб:

—Кечиргайсен, дарвеш,—деди.—Сенинг олдинда гу-

ноҳкормен. Суюкли юртинг, муқаддас Яссини бадхоҳ Бароқхон зулмидан қутқара олмадим. Сен гурбат чекдинг, ўғлим...—Мирзо Улуғбек кўзига ёш олиб қучоғини ёзди.—Бу яхшилигинг мандин қайтмаса, худодин қайтгай, ўғлим...

Қаландар Қарноқий ҳам қулт этиб ютинди.

—Сиз фақирни эмас, ўз тақдирингиз ҳақинда ўйланг, устоз. Самарқанддан кетиш олдида тагин қандай тилагингиз бор? Шундан сўзланг, давлатпаноҳ.

Мирзо Улуғбек кўзларини юмиб бир дақиқа сукутга толди, кейин: —Менинг энг сўнгги тилагим, —деди Қаландарга болаларча ожиз бир илтижо билан,—эшитишимча, Биби Юлдуз... яхши кунларда ўзинг таҳсил берган Биби Юлдуз расадхонада эрмиш. Мени у шўрлик ила видолашишдан маҳрум қилдилар... Магар илож топсанг...—Улуғбек яна бир зум нима ҳақидадир ўйланиб турди-да, бармоғидаги улкан олтин узукни олиб Қарноқийга узатди. —Мана шул узукни унга бериб қўйгил. Айтгилки, камина уни никоҳимга олғонимда бахтли қилурмен, деб ўйлагон эрдим. Надоматлар бўлғайким, ниятимга етолмадим. Унга ёлғиз тилагимни етказгил: фақирни кечирсин. Мен эрсам... Мен эрсам ундан тоабад розимен.

Қаландар бетоқат бош чайқаб: —Сиз уни кўрурсиз,—деб хитоб қилди. —Бу сўзларни Бибингизга ўзингиз айтурсиз, устоз!

Мирзо Улуғбек ўз қулоқларига инонмай:

—Мен Бибини кўрурмен?—деб сўради.

—Кўрурсиз, устод, кўрурсиз,—Қаландар шундай деди-да; хуржунидан эски кулоҳ ва эски жанда олиб Улуғбекнинг оёқлари тагига ташлади:—Бул либослардан ҳазар қилмай кийинг-да, ортимдан юринг,—деди буйруқ оҳангида.

...Улар расадхонага дарвозадан эмас, лаҳим орқали кирдилар. Улуғбек юраги гурс-гурс уриб, тик зиналардан иккинчи ошёндаги кутубхонага кўтарилар экан, атрофига ҳайрат ва ҳаяжон билан тикилди. Унинг назарида, ҳаммаёқ ағдар-тўнтар, ҳамма нарса остин-устун бўлмоғи лозим эди. Йўқ, расадхона саранжом-саришта, осуда, чуқур сукутда эди. Фақат олдинда бораётган Қаландар кутубхона токчаларидаги шамларни ёққанидагина кўрди: жавонлар деярли бўм-бўш. Деворларга осилган жадваллар ҳам йўқ, аммо токча ва хонтахталардаги устурлоблар жой-жойида.

Улуғбек ялт этиб Қарноқийга қаради.

—Жадваллар қайда?

Қаландар хотиржам бўлинг, деган маънода кулимсираб бош ирғади.

—Мавлоно Али Қушчи расадхонада неки қадрли китоблар бўлса, неки асарлар бўлса, жумладан, жадвалларингизни ҳам—барчасини олиб кетмиш. Хотиржам бўлиб бу либосингизни ечинг, токи Биби Юлдуз кўриб қўрқиб кетмасун, олампаҳо,—у ҳамон кулимсираб елкасидаги хуржунидан либосларни олиб берди-да, хонадан чиқди.

Улуғбек либосларини киймай хонтахтадан узун дурбин шаклидаги устурлобни олиб, шифтдаги гуйнукдан кўриниб турган тубсиз фалакка тикилди: осмонга гўё беҳисоб тилла тангачалар сочилган. Улуғбек шоша-пиша устурлобни пастдаги судси фахрига бурди. Судси фахри сатҳида ҳам ғуж-ғуж юлдузлар чарақлади. Улуғбек улардан кўзини узолмай ўз-ўзига пичирлади: сулувлар сулуви Муштарий, гўзаллар гўзали Зуҳал дубби акбар, Олтин қозиқ... Ҳаммаси жойларидан жилибдур. Машриқдан мағриб томон жилибдур. Фалакдаги ҳолатлари ўзгарибдур. Жадвалларимизда акс этган ҳамма тахминларим, барча ўлчовларим тўғри. Ё раб... Жаннатмакон Беруний ҳазратлари ҳақ: Оллонинг ҳукми ила курраи замин бетиним айланур. Фазодаги барча жисмлар ҳолати тинимсиз ўзгарур, бинобарин, инсон қисмати ҳам, сенинг қисматинг ҳам бетиним ўзгариб турмоғи табиийдур. Фигон қилмай Оллога шукрона айт, Мирзо Улуғбек!

Улуғбек устурлобни жойига қўйди-да, деворга суяниб кўзини юмди. Шунда ҳар эслаганда дилини офтобдай ёритадиган ажиб бир манзара нигоҳи олдида қайта жонланди-ю, маънос жилмайиб:

"Йўқ, у кечирган умридан арз қилса, тақдири азалдан нолиса гуноҳи азим бўлур эрди. Минг қатла шукр, осий банданга не-не саодатли дамларни инъом этдинг, яратган эгам. Ғиёсиддин Коший ва Қозизода Румий янглиғ донолар бирла улуғ зиж яратмоқ ва унинг жаҳон узра доврўғини эшитмоқ бахтига муяссар қилдинг. Сенга минг бор ҳамдлар айтамен, парвардигори олам.

Улуғбекнинг хаёлини Биби Юлдузнинг журъатсизгина овози бўлди:

—Мана, ижозатингиз ила келдум, устоз.

Улуғбек кўзини очди. Остонада Биби Юлдуз турарди. Эгнида тўпигига тушган тилларанг ипак кўйлак ва хипчабел заррин нимча. Юзида ҳарир парда.

—Биби Юлдуз!

Биби Юлдуз устод деб хитоб қилди-ю, Улуғбекнинг қучоғига отилди.

Мирзо Улуғбек қизнинг пешонасидан, кўзларидан ўпди.

—Йиғлама, азизам,—деди у, ўпкасини аранг босиб. — Умримнинг поёнида топган энг ёруғ юлдузим, кўркам чўлпоним, йиғлама. Мен ғарибнинг юрагини тиғлама.

Биби Юлдуз кўз ёшларини базўр тийиб:

—Сизга не бўлди, устод?—деб сўради. — Мовароуннаҳр султони... Бошингизда кулоҳ, устингизда жанда, ғариб бир дарвеш қиёфасига кирибсиз... Сизга не бўлди? Майли, буткул, Мовароуннаҳр сизни султон демасун, қилган барча яхшиликларингизни унутсун, бироқ мен учун сиз султонсиз. У дунё-бу дунё оллоҳ қўшган ёримсиз. Нечун бу ҳол? Нечун бу жанда? Бу кулоҳ?—Улуғбек қизнинг майин сочларини силаб, энтикиб-энтикиб:

—Йиғлама, азизам,—деб ёлворди.—Яратган эгамнинг хоҳиши шулдур. Тақдири азалнинг пешонамга ёзгани шулдур. Осий банда, гуноҳларимни ювмоқ матлабида, мусулмонлик фарзимни бажо келтирмоқ аздада ҳажга отландим.

Биби Юлдуз бошини кўтариб унга термулди.

—Султон Улуғбек номингизга муносиб улуғ ният қилибсиз, илоё ниятингизга етинг. Ёлғиз илтижом: мен бахтиқарони ҳам бирга олиб кетинг.

Улуғбек аста бошини чайқади:

—Йўқ, юлдузим, бунинг иложи йўқдур.

—Нечун иложи бўлмас?—деди Биби Юлдуз яна кўзига ёш олиб.

—Манзил йироқ, Юлдузим. Йўл мушкул, хатарли.

Биби Юлдуз юзини кафтлари орасига яшириб:

—Майли, мушкул бўлсин, —деб ёлворди. —Сиз тўқ бўлсангиз тўқ бўлай, оч бўлсангиз оч бўлай. Отда юрсангиз отда, яёв юрсангиз яёв юрай, ялангоёқ тикон кечсангиз, тикон кечай, фақат ташлаб кетманг, устод!

Улуғбек юраги дарз кетгандай секин инграб, аста гапирди:

—Мени қийнамай, сўзимни эшит, азизам. Магар ниятимга етсам, албатта қайтурмен. Магар Самарқандга, бўлмаса Ҳиротга, Ҳирот бўлмаса Истамбулни макон қилурмен. Шунда сени ҳам йўқлаб олурмен.

Биби Юлдуз унинг гапини охиригача эшитмай:

—Йўқ-йўқ!—деб фарёд чекди.—Ташлаб кетманг, устод. Мен кўрқамен. Ўзим учун эмас, сиз учун кўрқамен. Ёмон тушлар кўрдим.

—Ёмон тушларингни яхшиликка йўйгил,—деди Улуғбек ҳам ёлвориб.—Сенинг олдингда гуноҳқормен, мени кечиргил, мен сендан тоабад розимен. Сен билан ўтган сўнгги бир-икки йил умримнинг энг саодатли йиллари бўлди. "Зиж"имга тушган минг ўттиз юлдуз бир бўлди, сен бир бўлдинг, умрим поёнида топган ёруғ юлдузим, беназир чўлпоним.

Шу пайт эшик тақиллаб, Қаландарнинг овози эшитилди:

—Тонг яқин, олампаноҳ. Соқчилар уйғониб қолмагай.

Улуғбек сўнгбор ҳамон дир-дир титраб йиғлаётган Бибининг пешонасидан ўпиб:

—Мен сендан розимен, Оллога топширдим сени,—дея олди.

—Мен сиздан розимен, устод, тоабад розимен,—кўзёши аралаш пичирлади Биби Юлдуз.—Мен ҳам сизни Оллога топширдим. Яратган эгам ўзи паноҳ бўлгай сизга.

Биби Юлдуз сирғалиб Мирзо Улуғбекнинг қучоғидан чиқди-да, оёқлари остига тиз чўкмоқчи бўлди. Лекин Улуғбек уни кўтариб ўрнидан турғизди-ю, эшик томон юрди. Чароғон кутубхона унинг учун зимистон, у ҳеч нарсани кўрмас эди.

15

Али Қушчи эртасига чошгоҳ пайтида қайтди. У эшагини йўрттириб олдинда келар, тўрт туяни етаклаб олган Мирам Чалабий эса хийла орқада қолган эди.

Қаландар уларни Кўҳак тоғи этагида—бурноғи кун кечаси узатиб қўйган ўзан бўйида кутиб олди.

Кечаси Мирзо Улуғбек билан бўлган учрашув, устоднинг гаплари, кўзига ёш олиб, қучоқлаб видолашгани уни титратиб юборди. Айниқса аълоҳазратларининг мусофирлик тўғрисида айтганлари, "Мусофир юртига кетмоқдамен, ўз элимга қайтмоқ насиб бўлурму, йўқму—билмаймен, шу сабаб—китоблар қайга яширилган—билмоғим даркор, дарвеш",—деган гаплари унинг кўнглини вайрон қилди. У ўша ердаёқ Мирзо Улуғбек билан қучоқлашиб видолашаётгандаёқ, устоднинг бу сўнгги тилаги, сўнгги васиятини ўринлатишга қасам ичиб қўйди. "Боғи майдон"дан расадхонага ўтиб, бомдодгача айланиб юрди-да, шубҳали бир кимса йўқлигига кўзи етгач, хуржунини елкасига ташлаб, сойга тушди.

Али Қушчилар кетган кечаси кимсасиз ўзанда бу кун бири ёш, бири кекса, икки йилқичи йилқи ёйиб, гулхан ёқиб ўтиришарди. Елкасига хуржун ташлаб олган дарвешни кўрган йилқичилар ийиб кетиб, уни қимиз ва яхна гўшт билан меҳмон қилишди. Лекин Қаландарга на гўшт татида, на қимиз! Тонг отиб, офтоб чиққач, у бир жойда ўтиролмаё қолди. Дам Кўҳак тепасига чиқиб, олис-олисларга, ҳарир туман билан ўралган Ургут тоғларига тикилар, дам йилқичилар олдига қайтиб тушар, лекин кўп ўтиролмаё, яна қирга чиқиб кетар эди. Ниҳоят, тоғларни чуллаган кўкимтир туман сал тарқагач, олисдаги қир ёнбағрида қатор тизилган туялар кўринди. Қаландар йилқичи чолнинг отига яйдоқ миниб, туяларга қараб чопди.

Эски кулоҳини бостириб кийиб, отини аёвсиз қамчилаб келаётган Қаландарни кўрган Али Қушчи, эшагини тўхтатиб, сой бўйига чиқиб турди.

—Ҳа, Қаландар, не бўлди? Осойишталикму?

—Иншооллоҳ, осойишталик, устод...

Эгардан сакраб тушган Қаландар шоша-пиша кечаси бўлган учрашувни айтиб берди. Али Қушчи сабрсизланиб:

—Қайси йўлдан кетганини биласенму?—деб сўради.

—Кеш йўлидан...

—Отингни менга бер!—деди Али Қушчи буйруқ оҳангида.

—Устод! Онҳазратим сизни ғанимлар кўзидан йироқ бўлсин дедилар, камина ўзим бориб келур...

—Отингни бер ё пиёда кетамен!..

Қаландар тунда амир Жондор бошлиқ бир гуруҳ сипоҳлар уни қидириб келганини айтмоқчи бўлди-ю, кўнглини ғаш қилгиси келмади.

—Устод!..

Али Қушчи ғамгин бош тебратиб:

—Устод!—деб такрорлади.—Фақир ҳам ўз устодимни кўргим келади, иним! Ким билур, букун кўрмасам, юз кўришмоқ насиб бўлурму, йўқму? Отингни бер, Қаландар!

—Тўхтанг, устод. Бўлмаса бирга бўламен. Сизни ёлғиз юборолмаймен, давлатпаноҳ сизни эҳтиёт қилмоқни каминага топширгандур, устод.

Қаландар Мирам Чалабий етаклаб келаётган туяларни гаровга бериб, йилқичилардан яна бир от олди. Жандаси билан кулоҳини ечиб, ёш йилқичининг чакмони ва ағдарма телпагини кийди.

Улар икки отда сой ёқалаб қирга чиққанларида офтоб

терақ бўйи кўтарилган эди... Тунов кунги бўрон ва изғиринлардан сўнг табиат гўё қаҳридан тушган, юмшаган, майинлашган. Офтоб ҳам куз офтобига ўхшамас, кўклардагидай илиқ, мулойим. Тиниқ осмонда сўфитўрғайлар тинимсиз вижирлашади, мусаффо ҳавода ипакдай майин, оппоқ мезонлар унсизгина сузиб юради.

Али Қушчи билан Қаландар Самарқанд деворлари яқинидан ўтадиган катта йўлдан юрмай, қир ва адирларга от солдириб кетишди. Қирларда қўй галалари чумолидай ўрмалаб юрар, баланд адирларда ёнбошлаб ётган чўпон-чўлиқлар учрар, хазон тўшалган қирмизиранг боғларда қиз-жувонларнинг гулдор рўмоллари қилпираб қолар, болаларнинг қий-чуви қулоққа чалинар эди. Улар пасқамга тушганда кунгурадор девор билан ўралган улкан шаҳар боғлар ортида қолар, лекин қирга чиққанларида, худди кафтдай кўринар эди. Турнақатор уйлар, ҳовличалар, олисдан баркашдеккина кўринган майдонлар устида осмонга бўй чўзган улуғвор масжид ва мақбараларнинг ложувард ва тилларанг гумбазлари офтобда ял-ял ёниб, шаҳарга бўлакча бир гўзаллик ва маҳобат бахш этар эди. Тўйган қўзичоқдай мудраган бу қирларга, офтобда эркаланган бу осуда боғларга қараган одам ҳозир бу элда бўрон ва довуллар бўлаётганини тасаввур этолмас, мамлакат осойишта ҳаёт кечираётгандай туюларди...

"Водариг! Нечун шундай? Нечун бу коинот, бу табиат, бу қир ва адирлар бундай соф, мусаффо, беғубор? Нечун одамлар бундай нопок, носамимий яшайдилар? Шон-шўҳрат, салтанат, тожу тахт учун бу ёлғон дунёда бир-бирига шунчалар нобакорлик қиладилар, бир-бирини кўролмайдилар?"

Али Қушчи Қаландарга билдирмай оғир хўрсиниб қўйди. Қаландар топиб келган хабар уни ҳам титратиб юборди. Устод уни Кўксаройга чақириб, кўнглидаги дарду аламларини айтганидан бери, Али Қушчи устодининг тақдири оғир бўлишини, унинг бошига кўп савдолар тушишини кутиб юрар эди. Лекин бунчалик бўлишини, "Зижи Кўрагоний"ни яратган алломалар сарвари ўз юртидан, ўзи барпо этган даргоҳдан бадарга қилиниб, гўё ялангоёқ бир гадодай она юртидан қувилишини кутмаган эди. Шаҳриёри фалак-иқтидор ҳисобланмиш устоднинг тақдири бунчалик ғариб бўлса, бошқа маърифат аҳлининг тақдири не бўлади? Унинг ўз тақдири-чи?

Али Қушчи яна ўша эски, совуқ туйғу ёпирилиб келаётганини пайқаб қолиб, ўзидан ижирғаниб кетди.

Меҳрибон устод! Ўз бошида шунча савдолар туриб, уни, Али Қушчини ўйлабди. Қочсин, шаҳзода одамларининг кўзига тушмасин дебди! Нечун бундай дедингиз, устод! Наҳот Али Қушчи ганимлар қўлига тушишдан қўрқиб, сизни сўнгбор кўриш, сўнгги васиятингизни эшитиш бахтидан бенасиб бўлса?.. Йўқ, Али Қушчи ундай нонкўр эмас. Бошига қилич келса ҳам сизнинг яхшилигингизни эсидан чиқармас, устод!

Улар боғ ва экинзорлардан ўтиб, ўрилган буғдойзорлар, қир ва адирлар оша, Кеш йўлига чиқиб олишди. Лекин карвон йўлидан юрмай яна қир бағирлаб, ўрилган буғдойзорларни оралаб кетишди. Зеро катта йўлда гоҳ Кешга, гоҳ Кешдан Самарқандга қараб от чоптириб ўтаётган суворийлар кўриниб қолар, шундай пайтларда, Али Қушчи билан Қаландар қирни паналаб, катта йўлдан узоқлашиб кетардилар... Мана, Димишқ қишлоғи ҳам орда қолди. Ана, офтоб ҳам ғарбга ёнбошлаб, ҳаво совий деди, қаршидаги тоғлардан салқин шабада эсиб, осмонни қора-қўнғир булутлар қоплай бошлади...

Кўзлари аланг-жаланг бўлиб ён-верига қараб бораётган Қаландар орқадаги Димишқ боғлари орасидан чиққан тўрт нафар суворийни кўриб қолди. Катта йўлда отларни секин елдириб кетаётган суворийлар ҳам негадир тўхтадилар.

—Сипоҳлар, устод!—деди Қаландар.—Чопинг!

У отининг бошини пасқамга бурди, лекин катта йўлга тикилиб қолган Али Қушчи жойидан жилмади. Тўртта суворийнинг иккови йўлда қолиб, иккови улар томон от солдириб келарди.

—Устод!—Али Қушчи шундай деб хитоб қилди-да, отига қамчи босди. Лекин сурмаранг салласининг печини ҳавода ҳилпиратиб, унга томон от елдириб келаётган Мирзо Улуғбек ҳазратлари "тўхта", деган маънода қўлини силкитди. Али Қушчи тиззадан келадиган шувоққа сакраб тушиб, етиб келган устодига пешвоз чиқди, отининг жиловидан олиб, узангисини ушлади. Мирзо Улуғбекнинг мижжаларида ёш томчилари милтиради.

—Мавлоно Али... ўғлим! Ҳақ таолога шукурким, сени кўрдим...—у лаблари титраб, қучоғини очди. Али Қушчи ҳам юраги зирқираб юзини устоднинг юзига босди...

Кўксаройдаги учрашувдан кейин ўтган бир ҳафта ичида устод ўзини жуда олдириб қўйган, кенг пешанаси, юзи, лабларининг четдаги ажинлари қуюқлашган, лунжлари ичига ботиб, қийғир бурни сўррайиб қолган, фақат кўзлари... теран мунг чўккан кўзларида ҳам қандайдир

аламли дард, ҳам кишини ўзига тортувчи бир меҳр бор эди. Али Қушчи уни доим шоҳона либосларда кўриб, ўрганиб қолгани учунми, устоднинг уст-боши ҳам юпунроқ кўринди. Эғнида қора жун чакмон, бошида сурмаранг оддий салла, оёғида қора сахтиён этик, устод узоқ сафарга отланган камбағал бир йўловчига ўхшар эди.

Устод билан шогирд кўришиб бўлгунча олисроқда ийманиб турган Қаландар билан Муҳаммад Хисрав ҳам яқинроқ келиб салом беришди. Мирзо Улуғбек улардан хижолат чеккандай салласининг учи билан кўзларини артиб, маъюс жилмайди. Жилмайганда кўзларининг теграсидаги ажинлари баттар қуюқлашиб, юрагидаги дард сўлғин юзига яна қалқиб чиқди. Али Қушчи унинг маҳзун чеҳрасидан кўзини олиб қочаркан, нима дейишини билмай:

—Савоби азим юмушни ният қилибсиз, устод,—деди.— Ҳақ таоло ниятингизга етказгай.

Мирзо Улуғбек маъюс кулимсираб қўйди-да, Али Қушчини қўлтиқлаб пасқамга бошлади.

—Не бўлди? Юмушни ўринлатдингму?

—Ўринлатдим, устод! Энг нодир китоблар, энг қиматли қўлёзмаларни танлаб бир жойга яширдим. Шундай жойга яширдимким, бу жоҳил уламолар минг йил ахтариб тополмайдур.

—Қайга?

—Эсингизда борму, устод? Бундан ўн беш йил муқаддам, йилқи йили кузда, архар овига чиқиб, тоғда селда қолган эдик...

Мирзо Улуғбекнинг пешанасидаги ажинлари тарқаб, чеҳраси ёришиб кетди.

—"Аждар ғор!"—деди у шивирлаб.

—Хотирангизга тасанно, устод!

—Боракалло, Али! Бу ўй қайдин келди хаёлингга?

—Бир табаррук зот сабаб бўлди, устод.

—Хазинани "Аждар ғор"га кўмганингни мендан бошқа ким биладур?

—Шогирдингиз Мирам Чалабий... Энди билса иним Қаландар биладур...

—Мавлоно Муҳиддин кўмак бермадиму?

—Йўқ...—Али Қушчи четга қараб секин бош чайқади. У мавлоно Муҳиддиннинг уйида бўлган суҳбатни айтгиси келди-ю, уни ёмонлашга тили бормади. У ҳам бир бандаи ожиз. Яхши бўлсин, ёмон бўлсин, йигирма йил бир мадрасада таҳсил кўришди, мударрислик қилишди.

Мирзо Улуғбек "ҳмм..." деб қўйди. У мўйловининг учини лаблари билан ҳимариб, кўзларини юмиб, бир лаҳза хаёлга толди, сўнг ҳушини йиғиб:

—Ўғлим Али!—деди.—Кўриб турибсен, фақир ўз улу-сим, суюкли юртим Мовароуннаҳрдан бадарга қилиниб, мусофирликка маҳкум этилмишмен. Ва лекин оллонинг ҳифзи ҳимоятига инонамен. Дилимда умидим сўнгани йўқ. Тирик бўлсам... она юртимга, бу эл, бу тупроққа қайтурмен...—Мирзо Улуғбек ғам-андуҳ тўла кўзлари билан теварак-атрофига, орқада қолган Димишқ боғларига, булут билан қопланган олисдаги Ургут тоғларига қаради, гўё энг азиз жигарбандлари билан видолашаётгандай узоқ тикилиб турди.—Йўқ, агарчи қайтмоқ насиб этмаса, агарчи пешанамга тоабад дарбадарлик битилган бўлса... муродим Истамбул ё Қоҳира мадрасаларидан бирининг тупроғини ялаб ўтмоқдур. Қолган беш кунлик умримни таҳсилу тафаккурга бахш этмоқдур. Насиб қилса бошлаб қўйган рисоаларимни ёзиб тамом қилурмен!..—Мирзо Улуғбекнинг чеҳрасидаги маҳзунлик тарқаб, сўник юзига қизиллик югурди, кўзлари илҳом билан порлаб кетди.—Ва лекин, бу ниятимга етиб, осойишта ишламоқ насиб қилса, бу хазинадаги кўп китобларга муҳтож бўламен. Шунда ўзим келмасам-да, тайинли одам топиб юборамен! Англадингми, Али?

—Англадим, устод! Лекин тилла...

—Тилладан сўзлама!—деди Мирзо Улуғбек, қовоғини уйиб.—Сенинг бошинг омон бўлса, шунинг ўзи улкан ганждур, Али! У жавоҳиротни сенга инъом этганмен... Ишқилиб эҳтиёт бўл. Алҳол Самарқанддан кетиб бир жойга яшириниб турганинг маъқулдур.

Али Қушчи оҳиста бош чайқади.

—Камина расадхонани, кутубхонани ташлаб, қайга кетамен, устод? Кетганда қайга борамен?.. Умрим шу илм даргоҳида, расадхонада ўтди. Сиз кетганда унда лоақал мен бўлай. Майдонга тушган алп манглайини қашимайдур. Бошга тушганини кўрамен, устод.

Мирзо Улуғбекнинг кўзлари яна жиққа ёшга тўлди.

—Худога шукурлар бўлғайким, оқибатли фарзанд ато қилмаса-да, сендай ўғил ато қилди! Илойим бошинг тошдан бўлғай. Мовароуннаҳр бахтига, илм-маърифат ва аҳл ирфон бахтига умринг боқий бўлғай, ўғлим!..—Мирзо Улуғбек кўз ёшларини артиб, қучоғини очди. Устод билан шогирд, гўё абадулабад дийдор кўришмасликларини сезгандай, унсиз йиғлашиб узоқ видолашишди.

Али Қушчилар билан хайр-маъзур қилиб, Кеш йўлига чиқиб олган Мирзо Улуғбек гўё ҳаммомга тушган одамдай энгил тортди. Назарида, гўё эрталаб оламни қоплаган қора булут тарқаб, борлиқ чарақлаб кетган эди.

Ҳа, у ўз умрида қанча хатолар қилмасин, қанча янглишмасин, илм-маърифат йўлида қирқ йил қилган меҳнати зое кетмабди. Али Қушчидай шогирдлари бор экан, унинг асарлари изсиз йўқолмайди. Фақат ипакдай майин мезонлар сузиб юрган бу маъсум далалар, қазон тўшалган ярим яланғоч боғлар, шувоқ ва ёвshan билан қопланган бу қўнғир қирлар, ҳарир туман қўйнидаги юксак тоғлар... булардан жудо бўлмоқ... Ё раб! Яна ўша ўй, ўша ғам-андух! Узинг сабот ато қилгайсен, халлоқи олам!..

Унинг хаёлини от туёқларининг дупури бўлди. Орқадаги қирдан икки суворий қўл силкитишиб қуюндай учиб келар, адир тепасида эса, учинчи отлиқ кўринар, у ҳам сипоҳми, йўқми, билиб бўлмас эди.

Мирзо Улуғбек нечундир юраги увишиб, отининг жилловини тортди. Қуюндай учиб келган суворийлар кўпикка чўмилган арғумоқларини аранг тўхтатишди. Бўлиқ қорабайир минган, кўзлари қисик, мўғулбашара суворий камоли эҳтиром билан қўл қовуштириб, салом берди. Иккинчи сипоҳ ҳам қўлларини кўксига қўйиб, таъзим қилди.

—Аълоҳазратлари яхши ниятлариға етиб, ҳажлари қабул бўлғай! Ҳақ таоло умрларини боқий қилғай!

Ясовулнинг ишшайиб, узун дуо қилишларида аллақандай сирли ва совуқ бир нарса бор эди. Мирзо Улуғбек юрагидаги шубҳани қувишга уриниб, илжайган бўлди.

—Дуои жонларинг мустажоб қабул, ўғлонлар! Хўш, сўзланг. Ё дуо қилмоқ ниятида Самарқанддан от чоптириб келдингларму?

Мўғулбашара ясовул яна тавозе билан бош эгди.

—Дуо бирла шаҳзодаи жувонбахтнинг сиздай падари бузрукворига йўллаган саломини келтирдим...

—Хўш?

—Шаҳзодаи жувонбахтнинг тилаги шуким, сиздай зоти олий қиблагоҳини ўз номига ярашуқ иззат-икром ила кузатмоқдур!

Мирзо Улуғбек ясовулнинг қийиқ кўзларига тик боқди.

—Шаҳзодаи жувонбахтга бориб айтгайсен: Муҳаммад

Тарағай тахтга ўлтирмоққа эмас, Маккаи муқаррамага йўл тутгандур. Бу яхши ниятни кўнглига жо қилиб, ҳажга отланган осий бандага шон-шавкат даркор эрмасдур, ўғлон!

—Боракалло сизга, валинеъмат! Ва лекин шаҳзодаи жувонбахт сиздай зоти олийнинг фақир бир гадодай Мовароуннаҳр сарҳадидан чиқиб кетмоғини тахт ва салтанат шаънига нолайиқ деб биладурлар. Ул соҳиби тож сизга уч туя озиқ-овқат ва саруполар инъом этдиларким, бу карвон субҳидам етиб келадур. Ушал дақиқагача мана шу қишлоққа...—Ясовул қамчиси билан чап томондаги қир ёнбағрига жойлашган кичик бир қишлоқни кўрсатди.—Тунамоғингизни лутфан илтимос этадурлар...

Мирзо Улуғбекнинг кўзи яна орқадаги қирда от ўйнатиб турган одамга тушди. Нечундир у амир Султон Жондорга ўхшаб кетди-ю, кўнглига яна қора шубҳа ёпирилиб келди.

—Анов ким? Амир Жондор эмасму?

—Амир Жондор?—кулди мўғулбашара суворий. —Амир Жондор не қилади катта йўлда.

Ясовул ундан розилик сўраб турмай, отининг бошини қишлоқ томонга бурди.

"Водариг! Бошимда тагин не савдолар бор?.. Шаҳзодага не керак? Мовароуннаҳрдан ҳайдади. Тожу тахт, салтанат—барини олди. Алҳол ўз ҳолимга қўйса бўлмасму?.." Мирзо Улуғбек бошини кўтариб узоқ тоғларга қаради, қаради-ю, хаёлига яна бояги ўйлар келди:

"Нечун бунчалар титрайсен, эй Муҳаммад Тарағай? Бундан ёмон не бўлур? Бошинг кетурми? Она юртинг, суюкли элингдан айрилиб, ёт элларда дарбадар бўлиб ўлгунча, ўз тупроғингда ўлганинг аъло эмасму! Нечун қалтирайсен, Мирзо Улуғбек?" Ҳодатдагидай ўзидан киноя қилиб кулган бўлди. Лекин юрагига қўйилиб келаётган аллақандай қора шубҳа гўё осмонни қоплаётган қора булутдай тобора қуюқлашиб борарди. Фақат қишлоққа яқинлашиб, ҳовлилар устида сузган ҳарир кўкимтир тутунни кўрганида, кечки подадан қайтган сигирларнинг бўкириши, болаларнинг йиғиси, қўйларнинг маъраши қулоғига кирганда, димоғига эса тандирдан узилган иссиқ нон ҳиди "гуп" этиб ургандагина, миясини чулғаб олган қора хаёллар сал тарқаб, фикри равшанлашгандай бўлди...

От чоптириб илгарилаб кетган суворийлар уларни қишлоқ чеккасидаги ҳовли олдида кутиб олиб, ичкарига бошлашди. Ҳовли ички-ташқи бўлиб, ички ҳовлининг

тўрида олди айвон пасқамгина уй бор эди. Суворийлар хонадонни ҳайдаб чиқишганми, бошқами, ишқилиб, ҳовли ҳам, уй ҳам бўм-бўш, ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит эди. Суворийлар Мирзо Улуғбек билан хожанинг юкларини ички ҳовлига олиб кириб бердилар-да, отларни етаклаб қаёққадир чиқиб кетдилар. Мирзо Улуғбекнинг ҳамроҳлари ташқи ҳовлига жойлашган, улар инларига кириб кетган каламушлардай жимиб қолган, у ердан тиқ этган товуш эшитилмас эди. Бу жимлик ва кимсасизликда аллақандай мудҳиш бир нарса бор эди. Боя сал тарқаган қора шубҳа қайта ёпирилиб келаётганини сезган Мирзо Улуғбек, майда-чуйда юмуш билан овунишга тутинди. Хуржунларини қоронғи хонага олиб кирди, токчадаги мойчироқни ёқди. Сўнг, оппоқ олтой пўстинини елкасига ташлаб, ҳовлига чиқди. Ҳовлининг бир четида қуруқ шох-шабба уюлиб ётар эди. Мирзо Улуғбек ичкарида куйманиб юрган хожани чақирди.

—Қани, хоҷам, ҳаж йўлида заҳмат чекмоқ савоб бўлур. Гулхан ёқиб исинайлик.

Улар уйга бир қучоқ қуруқ шох-шабба олиб кириб, танча ўрнига гулхан ёқишди. Қуруқ буталар гувиллаб ёниб, хонага сал файз киргандай бўлди.

Намозгар пайти яқинлашмоқда эди. Мирзо Улуғбек таҳорат олгани турди-ю, ҳовли эшиги шарақлаб очилганини эшитиб, сесканиб кетди. Зум ўтмай уй эшиги ҳам шарақлаб очилиб, остонада эгнига узун қора чакмон, бошига катта қора телпак кийган, яғриндор бир одам пайдо бўлди. Гулхан шуъласида унинг бурни пучуқ тунд юзи, қора телпакли катта боши қора қузғундай ваҳимали кўринди. Мирзо Улуғбек уни қаердадир учратган эди.

"Сайид Аббос!"—Мирзо Улуғбек уни таниб ўрнидан сакраб турди. У бор кучини йиғиб, Аббоснинг кўксига зарб билан мушт урди. Лекин Сайид Аббос тебраниб кетса ҳам ўзини тутиб, Мирзо Улуғбекнинг ёқасидан ғип бўғди. Шу пайт эшик яна шарақлаб очилиб, уйга мўғулбашара суворий отилиб кирди-да, аълоҳазратларига ташланди...

"Хожа қайда? Бу малъунларнинг муддаоси не?"—Мирзо Улуғбекнинг кўзи ярим қоронғи хонанинг бурчагига тикилиб олган хожага тушди. Хожа бошини чакмонига буркаб, ғужанак бўлиб ётар, бўлаётган олишувга қарамас эди. Сайид Аббос билан мўғулбашара суворий Мирзо Улуғбекнинг қўлларини орқасига қайириб, ҳовлига судраб чиқишди.

Поймол бўлган ғурур ва ҳақорат туйғусидан ларзага

тушган Мирзо Улуғбек лабларини тишлаб, инграб юборди. "Ё парвардигори олам! Худди қурбонлик қўйдаи судрайдилар. Қайси ёзуқларим учун бу надомат, бу хўрлик?.. Қайдасен, ўғлим Али?—Али Қушчини эслаши билан кўзига яна ёш келди.—Аттанг! Боя нечун уни орқага қайтарди? Бу нобакор шаҳзоданинг қўл остидан чиққунча бирга бўл деса бўлмасмиди?"

Мирзо Улуғбек яқинлашаётган оёқ товушини эшитиб кўзини очди, очди-ю, тубсиз осмон қаърида, тез учиб ўтаётган қора булутлар орасида милт-милт ёнган юлдузларни кўрди. Миясида нимадир ярқ этиб, кенг даштда, бобосининг қароргоҳида ўтган илиқ бир оқшом эсига тушди. Кўз олдида тепаси очиқ ипак чодир ёнида бошини силаб ўтирган момоси Сароймулк хоним келди. Момосининг қўш-қўш олтин узук тақилган оппоқ нозик бармоқлари қуш парларидай майин, қулоғи остида янграган овози ариқ жилдирашидай ёқимли эди: "Уйқунг келмаса юлдузларни томоша қилгайсен, қулуним. Юлдузлар—осмонда учиб юрган худонинг фаришталаридур! Фаришталар меҳрибон бўладур. Уйқунг келмаса юлдузларга қарайсен, тойчоғим..."

Мирзо Улуғбек ўпкаси тўлиб, калима келтира бошлади, лекин кўз ёши аралаш тепасига келиб тўхтаган Сайид Аббоснинг қора қузғун важоҳатини, боши узра кўтарган қиличинини кўрди, кўрди-ю, ижирғаниб кўзларини юмаркан: "Алвидо, Али! Умидим ёлғиз сендан! Илоҳим менинг бошимга тушган бу савдолар сенинг бошингга тушмагай!.. Ё раб, ёзуғим недур маним?" деб пичирлади.

ИККИНЧИ ҚИСМ

1

Мавлоно Муҳиддин қандайдир нохуш ўйлардан кўнгли ғаш бўлиб, хуфтондан кейин тўшак ёздириб ётиб қолган эди. Бир маҳал меҳмонхонанинг эшиги қаттиқ тақиллади. Мавлоно апил-тапил ўрнидан туриб, шамдондаги шамни ёқди ва яна ёпирилиб келган совуқ туйғулардан юрагини ҳовучлаб эшикни очди. Бўсағада отаси Салоҳиддин заргар турарди. Қўлида шам, бошида духоба дўппи устидан ўралган оппоқ салла, эгнида маъракаларда киядиган зарбоф тўн, Салоҳиддин заргар қаёққадир кетаётганга ўхшарди. У қўлидаги шамни "пуф" деб ўчириб, меҳмонхонага кирди, ўғлига "эшикни ёп!" деб имо қилди-да, тўрга ўтди. Лекин ўтирмай ўғлини кутиб турди. Эшикнинг зулфинчасини солиб ўгирилиб қараган мавлоно Муҳиддин отасининг совуқ нигоҳига кўзи тушиб, эти увишиб кетди.

—Суюкли устодинг... Муҳаммад Тарағай ибн Шоҳруҳ—
Мирзо Улуғбек оламдан ўтибди!

Мавлононинг қўлидаги кумуш шамдон учиб кетиб, ипак гиламга тушди. Салоҳиддин заргар югуриб бориб шамни олди ва кўзлари ёниб ўғлига қаради.

—Қачон?—деди мавлоно Муҳиддин шивирлаб.

—Шу букун...боши танасидан жудо қилинибдур.

—Ким жудо қилади?

—Ким бўлар эди?—Салоҳиддин заргар заҳарханда билан кулди. —Ўз пуштикамаридан бўлган зурриёти, шаҳзода Абдуллатиф!

—Ё раб!

—Энди қирғин бошланур!—деди Салоҳиддин заргар, ўғлининг ваҳимали шивирлашига эътибор бермай.—Устозингнинг барча хешу ақраболари, дўсту шогирдлари шаҳзоданинг қаҳрига йўлиқадур, таъқиб остида қоладур...

—Нечун?

—Нечун?—Салоҳиддин заргар калака қилгандай ишшайди.—Шунгаям ақлингиз етмайдими? Ҳамма давр, ҳамма замонда шундай бўлган, ўғлим! Эски тўн янги

хўжайинга тўғри келмайдур. Кўплар қирғинга учрайдур, кўплар, раҳматлик Мирзо Улуғбек янглиғ, калласидан жудо бўладур!

Мавлоно Муҳиддин қизларникидай серкиприк кўзларини юмиб, лабларини пичирлатиб юзига фотиҳа тортди. У оёғида зўрға турар, агар ёнида дарғазаб отаси бўлмаса, ҳозир йиқилиб тушар эди.

Салоҳиддин заргар буни пайқади чамаси, сал юмшаб:

—Ҳақ таолога шукурким, буни билгандай Низомиддин Хомуш ҳазратларига пирим деб қўл берган эканмен,—деди. — Сенинг такаббур шоҳингга инониб ўлтира берганда, билмам, ҳолимиз не кечар экан... Мен пирим ҳузурига кетдим. Ҳазратим сени ҳам чақиртирадилар. Борасен! Беайб парвардигор, гуноҳимни афв этгайсиз, деб оёғига йиқиласен. Шайтон йўлдан оздирганини айтиб, йиғлайсен. Сўзим аёнму? Нечун гунгдай безрайиб турибсен?

—Аён, валинеъмат...

—Фоний дунё юмушларидан юз ўгирганимга кўп бўлган. Ва лекин буни айтмоққа такаббур шоҳдан қўрқар эдим, дерсан.

—Валинеъмат!.. Жаннатмакон устоддан кўп яхшилик кўрган эдик...

—Яхшиликлар кўрган бўлсанг... сўзла! Масжиди жоменинг минбарига чиқиб жар сол!—Қалтироқ босган Салоҳиддин заргар, худди ўғлини урадигандай, муштларини тугиб, унинг ёнига келди.—Яхшилик эмиш! Улардан кўрган жабру жафо ёдингдан кўтарилдиму? Суюкли ўғли, дўзахий Абдулғазиз не қилди? Оллодан тилаб олган қизинг Хуршида, кўзимнинг нури, гулузорим ғунчаси не бўлди?

Мавлоно Муҳиддин кўзини отасининг чўғдай ёнган кўзларидан олиб қочди, оқариб кетган лабларини зўрға қимирлатиб:

—Устод шаҳзоданинг бу машъум қилмишидан беҳабар бўлган,—деди.

—Беҳабар эмиш!—Салоҳиддин заргар ғалати ҳиҳилаб кулди.—Боракалло сендай коинот сирларини билган алломаи мунажжимга! Аллома эмас, бесавод авом сендан яхшидур! Билиб қўй, ҳей, муаллим-ул аввал Арасту! Эрта бир кун қирғин бўлганда ҳаммадан бурун сенинг бошинг кетадур. Ҳамма алломалар орасида биринчи бўлиб сенинг калланг қиличдан ўтадур. Сенинг уйингга ўт қўйиладур. Сенинг!—Салоҳиддин заргар ўғлининг мушт еган одамдай чайқалиб кетганини кўриб, бирдан ҳушёр тортди. Уни

қўлтиқлаб олиб, дарча олдидаги курсига ўтқазди, токчадаги чойнақдан чой қуйиб, қўлига тутди. Мавлоно Муҳиддин, тишлари пиёлага шақ-шақ тегиб, бир-икки ҳўплам чой ичди... Салоҳиддин заргар ўғлига тикилганича унинг тепасида бир лаҳза турди, сўнг, шахтидан тушиб:

—Афв эт, ўғлим,—деди оҳиста. —Мен қаттиқ сўзла-сам... сенинг тақдирингни, хонадонимизнинг тақдирини ўйлаб сўзлаймен. Хонадонимиз тепасида қора булутлар айланиб юрибди. Биз Амир Темур...—олло таоло аларга боғи ризвонни макон қилғай! —Амир Темур авлодидан яхшилик кўрган бўлсак, ёмонлик ҳам кўрдик. Ва лекин, шаҳзода Абдуллатиф устодингнинг шоғирдларини қидирганда ҳаммадан бурун бизга ишора қиладиган ганимлар бордур, болам. Сен сабийлик ёшидан чиққансен. Буни англамоғинг керак, ўғлим...

Мавлоно Муҳиддиндан сас чиқмади. У бошини осилтирганича бир нуқтага тикилиб ўтирар, ёлғиз шамнинг заиф шўъласида унинг сўник юзи мурдадай жонсиз ва аллақандай қўрқинчли туюларди. Салоҳиддин заргар қоғоғини солиб:

—Пирим ҳузурига кетдим,—деди.—Чақиртирса борарсен, бояги сўзларимни айтарсен! Билиб қўй: бошқа чора йўқдур, болам!—у бир-бир босиб хонадан чиқди.

Отаси чиқиши билан мавлоно ҳолсизланиб тўшакка чўзилди. Лекин ухлай олмади. Кўзини юмса нигоҳи олдига қиличдан қочиб, бошини қўллари орасига яширган устод келар, танасидан ажралиб, қон аралаш тупроқда юмалаб ётган калласи хаёлидан чиқмас, юраги ўйнаб, ўрнидан туриб кетарди. У тонг отгунча ўзи билан ўзи олишиб чиқди. Шунинг учунми, бошқами, ишқилиб, субҳидам Салоҳиддин заргар айтгандек, ҳазрат Низомиддин Хомушдан одам келганида, мавлоно Муҳиддин ҳатто бир оз енгил тортди.

* * *

Бомдод намозини ўқиб бўлиб, эски наматиға ўраниб супага чўзилган Қаландар биров қаттиқ туртганини сезиб, кўзини очди. Тепасида эски кулоҳини бостириб кийиб олган Қашқир лақабли ғилай қаландар ишшайиб турарди.

—Сенга не керак, Қашқир?

—Олтин!—деди Қашқир бошини ликиллатиб.—Аммо Хомуш ҳазратларига олтин эмас, сен керак экансен. Хуржун-пуржунингни йиғиштир, дарвеш!

"Эй, дариг! Тагин не фалокатни топиб келди қашқир терисидаги бу тулки?"

Қаландар Қарноқий совуқда қақшаб қолган оёқларини уқалай-уқалай ўрнидан турди.

Кечаси кўтарилган шамол тинган ҳисоб, севалаб ўтган ёмғирдан кейин ҳаво салқин, мусаффо эди. Оқара бошлаган тиниқ осмондаги битта-яримта юлдузлар гўё совқотаётгандай ҳолсизгина милтирарди.

Неча кундан бери шаҳар узра қора қанот ёзиб, кўкда сузиб юрган қора таҳлика ҳамон тарқамаган, кўчалар, даҳалар кимсасиз, жимжит, эшиклар, дарвозалар қулф. Фақат "Мозори калон"га борадиган тор кўчада бир-иккита дўкон—чилангарлар, темирчи ва тунукасозлар устахонаси очилган, у ердан темирларнинг тарақ-туруғи эшитиларди.

Ҳазрат муридлари Қаландар Қарноқийни дарвозада кутиб олишди, чинор тагидаги ўчоқларга дошқозонлар осилган ташқари ҳовлидан олиб ўтиб, тўғри ичкарига бошлашди. Уч томони маҳобатли кошоналар билан ўралган ичкари ҳовлининг ўртасида таниш мрамар ҳовуз. Ҳовузнинг кумуш фаввораларидан отилган сув, тагига гулдор сопол парчинлар ётқизилган ариқчаларга қуйилиб, жилдираб оқмоқда... Олдинда бораётган мурид, деворлари оч фируза рангга бўялган даҳлиздан ўтиб чап қўлдаги ўймакор эшикни очди ва Қаландарга йўл берди... Қаландар бир зум тўхтаб, нафасини ростлади-да, салом бериб ичкарига кирди, кирди-ю, нечундир юраги "шиғ" этиб, пойгакда тўхтади. Ери ва деворлари такатуркман гиламларидан гул-гул ёнган танобий хонанинг тўрида, жаноб Низомиддин Хомушнинг чап ёнида, қат-қат шоҳи кўрпачалар устида... Хожа Салоҳиддин заргар ўтирарди...

Бошида оппоқ салла, эгнида зарбоф тўн. Салоҳиддин заргар қўлидаги миттигина чинни пиёлага шарбат қуймоқда эди. Қаландар Қарноқий қўл қовуштириб салом бериб кирганида, у ялт этиб қаради, лекин танимадими ё таниса ҳам ўзини танимаганликка олдим, индамай бош ирғади-да, қўлидаги мунаққаш пиёлани ҳозратга узатди. Ҳазрат унинг қўлидан пиёлани олиб шарбат ҳўпларкан:

—Ўтир, дарвеш!—деб буюрди.

Қаландар камоли эҳтиром билан қўл қовуштирганича остонага тиз чўкди. Низомиддин Хомуш ўсиқ бароқ қошларини бир-бирига туташтириб, ер остидан унга тикилиб ўтирарди.

—Хўш? Ул даргоҳи куфриётда не хабар бор? Сўзла, дарвеш!

Қаландар ўтирган жойида бир тебраниб қўйди.

—Осойишталик, пирим...

—Ҳм... Хўш, ул даргоҳга кўмилган Амир Темур тиллаларидан хабар топдингму?

—Ўлимдан хабарим бор ва лекин тилладан хабарим йўқдур, пирим.

—Бошингни кўтар, дарвеш! Кўзимга қараб сўзла!

Қаландар бошини кўтариб, ҳазратнинг чўғдай ёниб турган кўзларига тик қаради.

—Биллоҳи азим, пирим! Осий банда пуштипаноҳ пиримнинг амрини вожиб билиб, бир ҳафта расадхона дарвозасидан жилмадим. Келган-кетганларни туну кун назорат қилдим, ҳазратим...

—Хўш?

—Бирда-бир муртад қадам босганини кўрмадим, пирим.

—Бурноғи кун хуфтонда қайда эрдинг?

Қаландарнинг миясида "билади!" деган сўз яшиндай "ярқ" этди.

—Бурноғи кун хуфтонда...кун совуқ бўлди, пирим... Фақир исинмоқ ниятида сойда от боқиб юрган йилқичиларга тушдим. Исиниб, қорнимни тўйдириб қайтдим, пирим...

—Ҳм...—Ҳазрат оппоқ симобий салласининг узун пичини жаҳл билан орқага силтади:—Хорижий эллардан келган бединлар китоби, макруҳ рисоалар, куфр ёзувлар, шарми ҳаёсиз суратлар жойида турибдурму?

"Йўқ, билмайди. Али Қушчининг ишларидан беҳабар..."

—Жойида бўлмоғи даркор, пирим. Ул даргоҳга пашша ҳам кириб чиқмаса, китоблар қаён кетур, ҳазратим?

—Хўш, ул бепарҳез шоҳ... Мирзо Улуғбекнинг шогирди... номуборак номи ёдимдан кўтарилмиш...

—Али Қушчи...—деди Салоҳиддин заргар.—Мавлоно Али Қушчи...

—Али Қушчи қайда?

"Ё раббий! Билиб сўрайдими бу ё билмай сўрайдими?"

—Бир ҳафта дарвозада ўлтириб, ул зотни кўрмадим, пирим...

—Боракалло, дарвеш! Тилла жойида, бединлар битган китоблар жойида. Нобакор шоҳнинг бетавфиқ шогирди жойида, ҳаммаси жойида... —Жаноб Низомиддин Хомуш заҳарханда билан ёстиғининг остига қўл югуртириб, урчуқдеккина шақилдоғини олиб шақиллатди. Остонада таниш мурид пайдо бўлди.

—Мавлоно Муҳиддин келдиму? Келса айт—киргай!

Қаландар Қарноқий ялт этиб Салоҳиддин заргарга қаради. Заргарнинг юпқа лабларида совуқ табассум жилва қилди.

Мавлоно Муҳиддин эшикни товушсизгина очиб кирди, лаблари пичирлаб товушсизгина салом берди-да, оёқ учида қориб, кўрсатган жойга жимгина чўккалади.

Қаландар Қарноқий юраги гурс-гурс уриб бошини осилтириб ўтирар, беш-олти йил таҳсил кўрган устозининг юзига қарашга журъат этолмас, гўё ҳозир мудҳиш бир нарса рўй беришидан қўрққандай қалтирар эди.

—Мавлоно Муҳиддин! Алҳол сиз бул дарвеш бирла шаккоклар уяси бўлмиш...—ҳазрат кинояомуз кулиб қўйди.—Сизга яхши маълум бўлган шарорат уясига бо-
гурсиз...

Қаландар қизиқсиниб ер остидан устозига кўз ташлади. Мавлоно Муҳиддин, бошида отасиникидан ҳам катта оқ салла, эгнида мовут чакмон устидан кийган узун оқ ридо, ингичка қўллари кўксида, кўзларини ерга тикиб ўтирар, унинг ўтиришида, бутун вужудида қандайдир бўлакча бир мутелик бор эди.

—Нечун индамайсиз, мавлоно?

Мавлоно Муҳиддин аллақандай питирлаб:

—Сизнинг сўзингиз барча аҳли мўъминга ҳукми жорийдир, пирим,—деди гудраниб.

—Ёдингизда бўлсин, мавлоно: сиз бандаи ғофил ҳам ул даргоҳи куфриётда залолатга юз тутган эрдингиз. Ва лекин... алмаъмурин маъзурин... Сиз ул шоҳи шарир хизматида эрдингиз. Алҳамдулиллоҳ, бул савоб юмушлар ила гуноҳингизни ювгайсиз. Алқисса, ул даргоҳга йиғилган бединлар китобининг бириси ҳам йўқолмаслиги даркор. Сиз бул китобларни билурсиз, мавлоно. Бас, манов дарвеш бирла бориб, кўриб келгайсиз: ул китоблар жойида турибдурму ё шоҳи шарирнинг беимон шогирдлари яширмоққа юз тутмишму? Каломим аёнму, мавлоно?

Мавлоно Муҳиддин лаблари билинар-билинемас қимирлаб:

—Аён, пирим!—деди.

—Камина яна бир сирдан воқифдурмен,—деди жаноб Низомиддин. —Муртад шоҳ Мирзо Улуғбек ул фотиҳи музаффар... —покиза руҳлари равзаи ризвонда масрур бўлғай! —Амир Темур жавоҳиротини шул даргоҳга яширгандур. Диёнатсиз шогирди Али Қушчининг қўлига топширгандур. Аҳбобингиз Али Қушчига айтинг...—"аҳбобин-

гиз" деганда ҳазратлари Салоҳиддин заргарга қараб яна бир кулимсираб қўйди. —Қайсарлик қилмасин. Уқдингму, болам?

—Уқдим, пирим...

—Али Қушчига еткаринг, жаннатмакон Амир Темур ганжини яширмоқ гуноҳи азимдур. Яна еткаринг: шаҳзодаи валиаҳд ҳам воқифи асрордур¹.

Ҳазрат Низомиддин Хомуш кўзларини юмиб, лабларини пичирлатиб оқ фотиҳа берди. Сўнг нечундир: "Қўрқманг, мавлоно, ёнингизда сипоҳлар ҳам бўладур", деб қўшиб қўйди.

Мавлоно Муҳиддин шошқалоқлик билан ўрнидан турди. Тураётиб кўзи беихтиёр Қаландар Қарноқийнинг кўзига тушди-ю, озгин, заҳил юзига қон тепиб, салласи тагидан чиқиб турган катта қулоқлари ловиллаб кетди. "Уялдими ё қўрқдимми?"—деди Қаландар хаёлида. У мавлонони кутиб турмасдан орқаси билан юриб хонадан чиқди.

2

Мавлоно Муҳиддин жаноб Хомушнинг ҳузурига ташриф буюраркан, кўнглининг бир четида унинг нималар дейишини тусмоллар эди. Лекин бу даргоҳда Қаландар Қарноқийга дуч келаман, деган ўй етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. Хайрият, у ҳам бу фоний дунёдан юз ўгириб зоҳидликни ихтиёр этибди. Билъакс, кирмаган кўчаси, кўрмаган балоси қолмаган бу Қаландарнинг олдида нима қилар эди, ҳазратларининг саволларига нима деб жавоб берар эди?... Уни энди фақат бир ўй—бир хаёл ташвишга солар эди: Али Қушчи уни қандай қарши олади? Нима дейди? У ўзи Али Қушчининг кўзига қандай қарайди? Унга нима дейди?

Бу ўй, бу ташвиш ҳатто дарвозада кутиб турган уч нафар суворийни кўрганда ҳам хаёлидан кўтарилмади. Мавлоно Муҳиддин Али Қушчини яхши билар, унинг бир сўзли одам эканини, айтганидан қайтмайдиган бир қайсар эканини кўрган эди. Ё у ҳам Мирзо Улуғбекнинг фожиали тақдирини эшитиб, ўйланиб қолдимикин? Шояд шундай бўлса! Шояд!—Мавлоно Муҳиддин, дилида туғён, кўз олдида қандайдир туман, гўё калима келтираётгандай

¹

Воқифи асрор—сирлардан хабардор.

"шояд" сўзини такрорлай-такрорлай, расадхонага етганини ҳам билмай қолди. Фақат куз офтоби чарақлаб турган расадхонанинг юксак пештоқларини кўргандагина ҳушига келди, келди-ю, гўё йигирма йил умри ўтган расадхонага эмас, мудҳиш бир чоҳга яқинлашаётгандай, от устида гужанак бўлиб олди.

Аксига олиб, дарвозани Али Қушчи ўзи очди. Эғнида узун қора чакмон, бошида мударрислар киядиган учлик қора тақя, совуқ бўлишига қарамай кўкси очиқ, Али Қушчи ҳар нарсани кутса ҳам, мавлоно Муҳиддинни кутмаган эди, кўзларини катта очиб, бир Қаландарга, бир отда гужанак бўлиб ўтирган мавлонога қаради. Ниҳоят, кутилмаган "меҳмонлар"нинг мақсадига тушунди чамаси, лабида билинар-билинемас кулгу билан мавлоно Муҳиддинга қараб таъзим қилди.

—Хуш келибсиз, биродари азиз!

Мавлоно Муҳиддин қизларникидай катта, тимқора кўзлари жавдираб, бир қизариб, бир оқариб гўдранди:

—Ҳазрат Низомиддин Хомуш расадхонадаги китобларни кўздан ўтказиб, сон-саногини билмоқни тиладилар...

Али Қушчининг лабларидаги кинояли табассум сўниб, кўзлари қисилди:

—Мавлоно қачон ҳазратларига юкунмишлар?

Отдан тушган мавлоно тили гўлдираб бир нима деди, лекин унинг сўзини англаб бўлмас эди.

—Хўп. Сиз китобларни кўздан ўтказар экансиз, навкарларнинг муддаоси недур?

Бошига дубулға кийган чўтир сипоҳ қовоғини уйиб:

—Биз эндиликда расадхонани кўриқлаб турамиз,—деб жавоб берди.

Али Қушчи ер остидан Қаландар Қарноқийга қаради.

—Сипоҳлар расадхонани кўриқлар экан... Сизнинг муддаонгиз недур, дарвеш?

Қаландар тўсатдан кўзларини ўйнатиб:

—Бу саволга мавлоно Муҳиддин жавоб бергай!—деди.

"Боракалло, Қаландар!"—Али Қушчи ичида унга таҳсин айтиб, мавлоно Муҳиддинга юзланди, рангидан қони қочиб:

—Балли, мавлоно!—деди. —Салкам чорак аср таҳсил кўриб, бошқаларга таълим берган бу табаррук даргоҳга сипоҳларни бошлаб келибсиз. Истанг ўт қўйинг, истанг веру забар қилинг. Ихтиёр сиздадур, биродари азиз!

Чўзиқ юзи ганчдан ясалгандай оппоқ оқариб кетган

мавлоно Муҳиддин новча, озгин қадди икки букилиб, кўзларини юмиб бир нафас турди, кейин текис ерда қоқилиб-суриниб расадхона томон йўналди. Лекин ёнғоқдан ясалган икки тавақали эшикнинг қуйма ҳалқаларига қўл чўзаркан, яна тўхтаб, лаблари пичирлаб юзига фотиҳа тортди.

Ҳа, мавлоно Али Қушчи ҳақ, унинг салкам чорак аср умри мана шу муқташам бинода, қишин-ёзин бирдай салқин, бирдай осойишта, нимқоронғи хоналарда, тубсиз фалакка қаратилган олат ва устурлоблар ёнида, китоблар билан лиқ тўла жавонлар олдида ўтган эди. Ажабо: у ҳозир мраммар зинадан туриб, пастга қараб кетган мис олатнинг силлиқ ялтироқ сатҳини ва бу ноёб олатга рўбарў қилиб очилган қуббали шифт ўртасидаги туйнукларни кўрганда негадир бирдан ўпкаси тўлиб, кўзига милт-милт ёш олди. Ҳа, мавлоно Муҳиддин расадхонанинг энг пастки ошёнасида ўтириб, бу гаройиб олат ва устурлоблар ёрдамида кўкка тикилганда фоний дунё ташвишлари хаёлидан бутунлай кўтарилар, дили бўлакча бир завқ ва ҳайратга тўлар, назарида, ҳудудсиз коинот билан, аллақандай илоҳий кучлар билан, милт-милт ёнган сирли ситоралар билан узоқ ва осуда суҳбат қилар эди... Э, парвардигори олам! Нечун у масъуд дамлардан, илҳом парисининг меҳрибон қанотлари остида ўтган у ёруғ кунлардан маҳрум қилдинг? Нечун унинг гарданига мавлоно номига номуносиб бу тубан ишни юкладинг, бошига бу ташвиш, кўнглига бу ғам-андуҳни солдинг?..

Бу ўй, дилини чулғаб олган бу тиниқ мунг кутубхонага кирганида яна ҳам авжига чиқди: кутубхона устод даврида қандай бўлса шундай турар, тоқчалардаги кумуш шамдонларда шамлар ёнар, қатор курсилар олдидаги хонтахталарга даста-даста китоблар тахланган, бурчакдаги Мирзо Улуғбекнинг йўлбарс териси ёпилган баланд курсисида унинг зарбоф тўни билан қора духоба тақяси ётарди. Гўё Мирзо Улуғбек ҳаёт, гўё у ҳозир кириб келиб ўз жойига ўтиради ва сал бўғиқ, вазмин овозда фалакиёт сирлари тўғрисида суҳбат бошлайди...

Али Қушчи қўлларини кўксида қовуштирганича эшикдан кирган жойда деворга суяниб турарди. Мавлоно Муҳиддин эса бу сокин ва муаззам илм кошонасида ҳоким бўлган аллақандай сирли ва илоҳий руҳдан аъзойи бадани жимир-жимир қилиб, жавонлар ёнидан бир-бир босиб тўрга ўтди. У китобларга қўл теккизмади, кўк, сариқ, яшил ва пуштиранг чармдан қилинган қалин қўлёзма-

ларни ушлаб кўрмади, ипак ва мовутга ўралган рисо-
ларга тегмади, лекин шифтга тақалган жавонларга кўз
тикиб, тўрга ўтаётгандаёқ билди: энг нодир асарлар,
эҳтиёткорлик билан сақланиб келаётган кўп қўлёзмалар
йўқ эди! Хусусан тўрда, бўлакча эътибор ва эҳтиёткорлик
билан сақланадиган Мовароуннаҳр фозиллари ва аллома-
ларининг қалин-қалин китоблари, ипак матоларга ўралган
қўлёзмалари кўринмас, уларнинг ўрнида бошқа китоблар
турар эди. Ҳа, мавлоно Муҳиддин бу ердаги ҳар бир
китоб, ҳар бир қўлёзма, ҳар бир рисола билар, топиб
бер, деса кўзини юмиб топиб бера олар эди... Мана бу
ерда, ҳарир ипак парда билан тўсилган алоҳида жавонда
устоднинг қўлёзмалари ва рисоалари сақланарди. Бу ерда
унинг қора чарм муқовага солинган тўрт жилдлик "Тўрт
улус тарихи" деган китоби турар, ипакдай майин оқ
қоғозга битилган "Зижи Кўрагоний" жадваллари ҳам шу
ерда сақланар, жадвалларнинг ёнидан шарҳловчи рисола-
лар жой олган, юқорироқдаги тоқчаларга эса икки устод—
жаннатмакон Қозизода Румий билан Ғиёсиддин Жамшид
китоблари терилган эди.

"Бу нодир қўлёзмалар, ҳар бири бир қадоқ тилла
бахосидаги ул китоблар қайда? Уларни ким олди? Али
Қушчими? Китобларни яширган бўлса, тиллалар не бўлди?
Яширса ҳам қайга яширади? Бу хатарли юмуш бир
ўзининг қўлидан келарми? Келса нечун тунов куни ёрдам
сўраб борди?.."

Лекин китоблар йўқ, энг ноёб қўлёзмалар гумдон
қилингани шак-шубҳасиз эди!..

Мавлоно Муҳиддин орқасида Али Қушчи турганини
сезар эди. У Алининг одатини, аҳдидан қайтмайдиган
ўжар одам эканини билар, ҳатто шу топда пойгақда
газабдан қалтираб турганини ҳам ҳис этар эди... Йўқ,
Алига ҳеч нарса демайди, жаноб Низомиддин Хомушнинг
сўзларини унга айтмайди...

Хаёли қуюндай тўс-тўполон бўлиб кетган мавлоно
Муҳиддин, нима қилишини билмай, тўрга борган жойида
узоқ турди, кейин қўрқибгина эшик томон юрди. У Али
Қушчига лом-мим демай чиқиб кетмоқчи эди, лекин Али
Қушчи гавдаси билан эшикни тўсди.

—Хўш, биродари азиз, барча куфр китоблар жойида
эканми?

—Ҳа, ҳа,—деди мавлоно Муҳиддин шошиб.—Жойида,
жойида...

—Бу сўзни Хомуш ҳазратларига ҳам айтадиларму?

—А?—Мавлоно Муҳиддин ялт этиб Али Қушчига қаради. Али Қушчи кўзлари қисилиб, қийғир бурнининг катаклари ғазабли пирпираб, унга қадалиб турар, рангидан қони қочган, лаблари қаттиқ қисилган эди.

—Ҳа, ҳа, айтамен,—деди мавлоно Муҳиддин довдираб,—айтамен...

—Сенга бир саволим бор, мавлоно, —деди Али Қушчи. Унинг овози тўсатдан ўзгариб, бўғиқ эшитилди. —Шу бу кун тунда... аълоҳазратлари... устод Мирзо Улуғбек қатл қилинганидан хабаринг борму?

"Ё сарвари коинот! Ўзинг мадад қилгайсен!" —деди мавлоно Муҳиддин ичида. У гўё Али Қушчининг тарсаки туширишидан қўрққандай, ғужанак бўлиб деворга суяниб турарди.

—Ҳа, бу кун барча илм аҳли қора мотам тутмишдур! Токи барча аҳли урфон устои, маърифатпарвар инсон Мирзо Улуғбек жоҳил маддоҳлар қўлида қатл бўлди. Нечун индамайсен? Сукут—аломати ризо! Барини билурсен. Билиб туриб, эгнинга қора кийиб мотам тутмоқ ўрнига, унинг муқаддас даргоҳини тинтмоқ ва таламоқ ниятида келибсен!..

—Биродарим Али!—деди мавлоно Муҳиддин йиғламсираб.—Не қилай, мен бир ногирон бандаи ожиз бўлсам...

—Йўқ, бандаи ожиз эмас, бандаи нобакорсен! Бор, ўша қотиллар бирла қотил шаҳзоданга айт: бу табаррук даргоҳдаги барча китоблар йўқолган де! Бу даргоҳга ўт қўймоқ керак де! Ва лекин бир нарса ёдинда бўлсин: тепанга шаҳид ўлган оллонинг бегуноҳ бандаси, алломалар сарвари устод Мирзо Улуғбекнинг арвоҳи турибдур!

Мавлоно Муҳиддин тўсатдан турган жойида чайқалиб кетиб, деворни ушлаб қолди.

—Мавлоно Али,—деди аллақандай дардли овозда.—Нечун бу ҳақорат, нечун бу таъна-маломат? Бу кўргулик ҳақ таолодан бўлса мен бечора не қилай?—у оппоқ нозик бармоқлари билан кўз ёшларини артиб, Али Қушчига қаради.—Парвардигори олам шоҳид, бу машъум хабарни эшитиб, юрагим қон бўлди. Лекин не қилай, синган кўзани тузатиб бўлмайдур, мавлоно. Фақир эсам... Фақир эсам...—Мавлоно Муҳиддин ўзига, ўзининг ҳозирги аянчли ҳолатига раҳми келиб, ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди... Али Қушчи юзи буришиб, тескари бурилди. У ҳаммадан кўра мавлоно Муҳиддиннинг кўз ёшидан қўрқарди. Чунки бу одам ҳамиша шундай қилар, бошига мушкул тушиб, иродаси синаладиган пайтларда доим кўз ёши тўкиб

қутулиб кетарди... Али Қушчи алам ва ғазаб устида кўнглига келган энг аччиқ, энг аёвсиз сўзларини ичига ютиб, қўлини силтади:

—Камина кўнглимда бор сўзни айтдим, қолгани виждонингга ҳавола, мавлоно. Сенга айтадурған бошқа сўзим йўқ!—у шундай деб, эшикни бир тепиб очди. Мавлоно Муҳиддин кетиш-кетмаслигини билмагандай бир лаҳза каловланиб турди, кейин енгининг учи билан кўз ёшларини артиб, тик пиллапоярларни бир-бир босганича пастга тушиб кетди. Али Қушчи вужудида қаттиқ ҳолсизлик сезиб, ўзини курсига ташлади-да, кўзини юмди...

Ҳа, у тунов кунги учрашувдан кейин мавлоно Муҳиддиндан яхшилик кутмаган эди. Лекин қўлини ювиб қўлтиғига урмаган ҳам эди. Кўнглининг бир четида заифгина бир нур, бир умид милтираб турар эди, энди бу нур ҳам сўнди. Энди ҳамма оғирлик, ҳамма синов ёлғиз унинг зиммасига тушади. У барча синов, барча оғирлиққа бардош бермоғи керак бўлади...

Али Қушчи кимдир елкасига қўлини қўйганини сезиб, кўзини очди.

Ёнида Қаландар Қарноқий билан Мирам Чалабий турарди.

—Мавлоно Муҳиддин кетдиму?

—Кетди,—деди Қаландар.

—Сипоҳлар-чи?

—Икки сипоҳ дарвозани қўриқлаб қолди. Бирови мавлоно билан кетди...

—Сен нечук кетмайсен?

—Мен...—Қаландар Мирам Чалабийга қараб кўзини қисди.—Фақир беғам, беташвиш бир гадо эдим. Энди бу масъуд кунлар ўтиб кетди. Мавлоно Муҳиддин Хомуш ҳазратларига бориб сирни очса... уйим куяди, устод...

Али Қушчининг лабларига кулги югурди.

—Уйинг бўлмаса ниманг куядур? Қўрқма. Айрилсанг, ёски кулоҳинг билан йиртиқ жандангдан айриласен. Энди қайга кетмоқчисен, иним?

—Энди...—Қаландар катта кулоҳини бошига ишқаб елкасини учирди.—Энди... лаҳимни очиб берсангиз... Уста Темурбек Самарқандийнинг ғорига бориб турамен. Сиз не қилурсиз, устод?

Али Қушчи маъюс бош чайқаб, жавондаги китобларга тикилди.

—Камина ҳеч қайга кетолмасмен, дарвеш.

—Эҳтиёт бўлмоқ даркор, устод.

—Биламен. Ва лекин... Йўқ, ҳеч қайга бормаёмен. Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўладур, дарвеш. Кетсанг, мана, Мирам Чалабийни ҳам олиб кетгайсен.

Кўм-кўк кўзлари жавдираб турган Мирам Чалабий қовоғини солиб бошини чайқади.

—Йўқ, устод. Сиз қайда бўлсангиз, мен ҳам ёнингизда бўламен...

Али Қушчи уни елкасидан меҳр билан қучди-да, белидаги калитлар орасидан бирини танлаб олиб, тик зиналардан пастга, лаҳимга олиб тушадиган қоронғи йўлкага туша бошлади.

3

Шаҳзода Абдуллатиф кечаси тун яримдан ошгунча, то Мирзо Улуғбек орқасидан кетган амир Султон Жондор у кутган хабарни келтирмагунча мишжа қоқмади. Хабар келгандан кейин эса, гўё елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил тортиб, ўзини Амир Темурнинг олтин курсисига ташлади-ю, ухлаб қолди. У қанча ухлади—билмайди. Бир маҳал, худди тепасида биров тургандай, чўчиб уйғонди.

Шифтдаги жимжимадор қандилга терилган шамлар нечундир ўчиб қолган, фақат эшик устидаги токчада биттагина шам милтираб турар, унинг заифгина шуъласи пойгакнигина ёритар, улкан хонанинг қолган бурчаклари нимқоронғи эди!..

Шаҳзода юраги гурс-гурс уриб, ўрнидан секин турди. Назарида ўрдадай кенг, шоҳона хонанинг қоронғи бурчакларида, чир айлана саф тортган олтин курсилар тагида, тўрга осилган оғир дарпарда орқасида кимлардир яшириниб олгану, ундан кўзларини узмай хатти-ҳаракатларини кузатишар эди!

"Ё худованди карим! Ўз паноҳингда сақлагайсен!.."

Шаҳзода хонани чулғаб олган мудҳиш жимликка қулоқ солиб, тирноқларигача жимирлаб бир лаҳза турди, кейин гўё бурчак-бурчакдаги сояларни чўчитиб юборишдан қўрққандай, оёқ учида юриб, токчалардаги шамларни ёқди... Қоронғи хона ёришиб, тилла суви юритилган нозик безаклар гўё жон киргандай ярқираб кетди... Шаҳзода аъзойи бадани бўшашиб, ўзини яна тилла курсига ташлади-ю, бошини қўллари орасига олди...

"Унга не бўлди? Нечун юраги тузоққа тушган қушдай питирлайди? Нечун кўнглини бу мудҳиш қўрқув чулғаб

олди? Недан қўрқади? Алҳол барча хавф-хатарга чек қўйилмадими? Эндиликда бутун Мовароуннаҳрга ҳоқими мутлақ бўлмадими? Халлоқи олам унга саховат қилиб, явми саодатга еткармадими? Ё амир Султон Жондор келтирган шумхабар уни қўрқитиб юбордимми?.."

Йўқ, у кун бўйи амир Жондорнинг йўлини кўзи тўрт бўлиб пойлади. Ҳар сафар эшик тақиллаб, бўсағада балхий саройбон кўринганда юраги бир ҳаприқиб, ўрнидан туриб кетар, ундан "амир Жондор!" деган сўзни кутар, бошқа бир кимса ташриф буюргангани эшитганида эса, ҳафсаласи пир бўлиб, жойига ўтириб қолар эди. Ниҳоят, тун ярмидан оққанда эшик тўсатдан шитоб билан очилиб, амир Султон Жондор кириб қелди.

Амир, елкасида қора хуржун, ойсимон эгри қиличини эшикка шарақлатиб уриб, шахт билан кириб келди-да, пойгакка тиз чўкиб, сажда қилди. Шаҳзода юраги томоғига келиб тиқилгандай туюлиб, лабларини зўрға қимирлата олди: "Сўзла!.."

Соҳт-сумбати келишган амир Султон Жондор, барваста қаддини ростлаб, кафтининг қирраси билан томоғини ишқалади: "Бошини танидан жудо қилдик!"

Шаҳзода, аъзойи баданини совуқ тер босиб: "Қайда?" деб шивирлади. Амир Жондор елкасидаги хуржунни "гурс" этиб ерга ташлади-да, уни кавлай бошлади. Шаҳзода юраги музлаб орқага тисариларкан: "Йўқ, йўқ! Кўрсатма!" деган маънода қўл силтади. Амир Жондор ғалати кулимсираб хуржуннинг оғзини ёпаркан: "Қайга дафн этурмиз?" деб сўради.

Шаҳзода бу машъум хабарни қанчалик сабрсизланиб кутмасин, нечундир дафн тўғрисида ўйламаган эди. Нима дейишини билмай тили лол бўлиб қолди.

—Гўри Миргами?—деди амир Жондор шивирлаб, шаҳзода яна саросима ичида бош чайқади: "Йўқ, йўқ! Асло!"

—Балли сизга, давлатпаноҳ!—деди амир Жондор.—Дини Муҳаммадийга қилич кўтарган бу дажжолни фотиҳи музаффар мақбарасига дафн қилсак гуноҳи азимга қолурмиз. Уни бединлар уяси бўлмиш ўз мадрасасига ерламоқ даркор...

Шаҳзода ижирганиб, қўл силтади.

—Бас! Не қилсанг-да, тезроқ қил. Лекин тирик бир жон билмасин!

Амир Жондор кўзини қисди.

—Туя кўрдингми, йўқ, бия кўрдингми, йўқ, пуштипаноҳ!

Амир ғалати ишшайганича орқаси билан юриб чиқиб кетди. Шаҳзода эса устидан тоғ ағдарилгандай бўлиб, ўзини олтин тахтга ташлади.

—Оллога шукур. Мана энди...

Ногаҳон қибла томондаги деворга тутилган ипак парда орқасида бир нима гичирлагандай бўлди... Шаҳзода шитоб билан ўгирилиб қаради. Ҳа, парда чиндан ҳам қимирлар эди!..

Шаҳзода кўзлари ола-кула бўлиб, жонҳолатда қиличини қинидан суғуриб олди-ю, бир сакрашда тўрға ўтиб, парда қимирлаётган жойни қулочкашлаб чопди... Махфий эшикнинг қулфига теккан қилич, юлдуз сачратиб, шарақлаб кетди. Парда кесилган жойда қуйма пўлат эшик қорайиб кўринди: ҳеч ким йўқ эди!..

Шаҳзода пешанасидан шигиллаб оққан совуқ терни сидириб ташлаб, ўзини яна курсига отди.

"Воажабо! Унга не бўлди? Нечун титрайди? Нечун изтироб чекади? Падари бузруквор аталмиш бетавфиқ шоҳ қатл бўлса, шаҳзоданинг гуноҳи не? Уни қатл қилган ўз ғаними Сайид Аббос эмасму? Ким унга дини исломга муқовамат қилиб, барча уламоий забардастлар, сайидлар, барча уммати мустафони ҳақорат қил деди?.. Парвардигори оламнинг қаҳридан қўрқмай, арши аъло ҳисобланмиш коинот сирларини очмоққа жазм этган экан, ўз жазосини олди. Зотан, шаҳзода ундан, қиблагоҳ деб аталмиш бу бемехр мутакаббир шоҳдан не яхшилик, не меҳр-саховат кўрибдики, унга куйинади? Падар бўлиб, бир маротаба бағрига босмади, ўғлим деб бошини силамади! Бор меҳр-саховатини, бор ширин сўзини фарзанди аржуманди шаҳзода Абдульазизга бахш этди. Уни суйди, бағрига босди. Абдуллатифни эса, бемехр, бағритош энагаси Гавҳаршод бегимнинг тарбиясига топширди. Кўҳлик бўлса ҳам чеҳраси совуқ, юпқа лабларига табассум қўнмайдиган бу шаддод хотин эса, уни нечундир болалигиданоқ ёмон кўриб қолди. Гавҳаршод бегим барча набиралари орасида ёлғиз Мирзо Бойсунқорнинг арзанда фарзанди хомсемиз Алоуддавлани суяр, ёлғиз уни эркалар, сирдош тутар эди. Абдуллатиф эса бобоси Шоҳруҳ Мирзонинг дабдабали муаззам саройида тирик етимча бўлиб, кўнгли ўксиб ўсди... Болалиги ҳам майли, йигит бўлганида не иноят, не яхшилик кўрди бу отадан? Бузруквор ҳисобланмиш бу зот уни ҳамиша камситиб, ҳамиша таҳқирлаб, суюклиси Абдульазизни улуғлашга ҳаракат қилди. Билъакс, Абдуллатифнинг Тарноб жангида кўрсатган жонбозлигини,

унинг Алоуддавла устидан қозонган фатҳи нусратини Абдульазизнинг ғалабаси, деб фатво берармиди? Башарти ўшанда, Тарноб қирларида Мирзо Абдуллатиф ўз суворийлари билан сурон солиб келиб, падарига ёрдам қўлини чўзмаганда аҳволи не бўлур эди унинг? У ҳам майли, Алоуддавгани тор-мор этиб, Ҳиротни забт этганда не қилди? Ихтиёридин қалъасига яшириб қўйган Абдуллатифнинг тилла ва жавоҳирларини тортиб олмадими? Хазинага тилла керак, деган баҳонада, унинг барча бойлигини, бобоси Шоҳруҳ Мирзо инъом этган қимматбаҳо буюмларини, барча зеб-зийнатларини, Амир Темурдан булган олтин маъбудаларни—барини тортиб олиб, Самарқандга жўнатмадими? Униси ҳам майли, сал ўтмай, куч тўплаб келган Алоуддавла Ҳиротни қамал қилганда, падар бўлмиш бу зот унга ёрдам қўлини чўздими? Йўқ, ёрдам қайда? Алоуддавла Ҳиротни забт этгач, унинг—Абдуллатифнинг кўнглини кўтарган бўлиб, Балхни берди-да, ўзи шу шон-шавкати, шу маҳобати билан Мовароуннаҳрга биқиниб олди. Унга арзимаган Балхни бериб, гўзал доруссалтанани фарзанди муниси Абдульазиз тасарруфига топширди...

Шаҳзода бўлиб ўтган низо-нифоқларни эслаган сайин, томир-томирларида қони жўш уриб, ўрнидан туриб кетди. У кечадан бери шу ўйлар билан ўзини тинимсиз қамчилар, кўнглига туккан ҳамма кек, ҳамма адоватни эслашга тиришар эди. Шундай қилмаса қалбини алақандай шубҳа кемира бошлар, бу шубҳалар кўнглининг бир четида мудраб ётган илиқ эсдаликларини қўзғаб, пушаймонга айланишидан қўрқар эди.

"Ҳа, падари пок аталмиш бу зот унга бирон-бир яхшилик қилмади! Билъакс, унинг шон-шавкатиға, доврўғи ва лашкарбошилиқ салоҳиятиға раҳна солди, холос... Охирги учрашувда эса шукрона билдириб, унга оқ фотиҳа бермоқ ўрниға ёмонликни башорат қилди. Ўз қиблагоҳиға қилич кўтарган зурриёт абадулабад барака топмас, деди. Унинг қилич кўтарганини бу бетавфиқ ота қайдан билди? Бу сирни унга ким очди? Букун тунда содир бўлган бу ишни эрта Самарқанд аҳли эшитса не дейди? Бу мунофиқ Сайид Аббос билан бадхоҳ амир Жондорға инонса бўлурму? Боя амир нечун кўзини қисиб ишшайди?.."

Шаҳзода, тўсатдан қаёлиға келган мудҳиш шубҳадан карахт бўлиб, турган жойида қотиб қолди:

"Ҳа, ҳа, бу қаттол амирнинг ишшайиши бежиз эмас.

Унинг совуқ башарасида, қисиқ кўзларида, қалин пўрсилдоқ лабларида ёмон бир ифода бор. У гўё ҳамма сир-асрорингдан воқифман, энди қўлимда бир ўйинчоқ бўлурсен, дегандай қилмадимми? Тўхта! Бу сирни кимлар билади? Сайид Аббос, амир Султон Жондор, уч-тўрт навкар ва яна кимлар! Ҳа, дарвоқе, хожа Муҳаммад Хисрав бор! Лекин хожани қўрқитиб қўйилса бас, олти-мишдан ошган тақводор чол, тилини тийиб гунг бўлур. Лекин қолган бадхоҳлар...—Шаҳзода тўсатдан хаёлига келган фикрдан ўзи ҳам чўчиб, тахт атрофини гир айланиб чиқди. Лекин ўз ихтиёрига қарши кўнглининг бир четида туғилган бу мудҳиш ният тобора ойдинлашиб, қатъий қарорга айланди:—Ҳа, бу кун тунда рўй берган воқеани сир тутишнинг ёлғизгина йўли бор: бу воқеанинг шоҳиди бўлган, Мирзо Улуғбекни қатл қилишда иштирок этган кимки бор, барчасининг боши олинмоғи, барчаси маҳв этилмоғи даркор. Бу ишни олдин амир Султон Жондорга топширмақ керак, кейин унинг ўзини гумдон этмоқ даркор..."

Шаҳзода шитоб билан юриб бориб эшикни очди.

—Ким бор?

Курсида ғужанак бўлиб ухлаб қолган балхлик саройбон апил-тапил ўрнидан туриб таъзим қилди.

—Маъзур кўрғайлар, кўзим илиниб...

—Амир Султон Жондор тархонга чопар йўлланг! Дарҳол етиб келсин!

Саройбон бошини қуйи эгди.

—Давлатпаноҳ ижозат этсалар, бомдод намозини ўқиб олсам...

"Тонг отибдир-да, ўзингга шукур, парвардигори олам!"— Мирзо Абдуллатиф енгил тортиб бош ирғади:

—Маҳрамларга айтинг: оби таҳорат келтирсин!

Шаҳзода махфийхонага ўтди ва мрамар обрез ёнига чўнқайиб таҳорат олди, кейин худди жанг-жадал пайтидагидай зарбоф тўнини қибла томондаги бурчакка ёзиб, саждага бош қўйди. Намоздан кейин кўзларини юмиб ва хаёлан кўкка тавалло қилиб, ҳифзи ҳимоят тилаб узоқ ўтирди. Ниҳоят, кўнгли хиёл таскин топиб, энди ўрнидан қўзғалган эди, қўшни хонада икки кишининг тапир-тупур олишаётгани эшитилди. Мирзо Абдуллатиф зарбоф тўнини йиғиштириб апил-тапил ўрнидан турди. Шу пайт эшик шарақлаб очилиб, остонада... шаҳзода Абдулғазиз пайдо бўлди.

Яланг бош, яланг оёқ, тиззасига тушган кўк шойи

кўйлагининг ёқаси киндигигача йиртилган Абдульазиз, кўрқув ва ғазабдан ола-кула бўлиб кетган кўзларини Абдуллатифга қадаганича, эшикдан кирган жойда тўхтади.

Унинг ияги қандайдир осилиб қолган, тишлари бири-бирига тегмай шақ-шақ қилар, дир-дир титраган ногирон, қоқсуяк вужуди, ёниб турган кўзлари шундай ваҳимали ва аянчли эдики, Мирзо Абдуллатиф қиличини маҳкам ушлаганича, беихтиёр орқага тисарилди.

"Ё раб! Бунга не бўлди! Ақлидан озиб, телбаланиб қолдимму? Ҳибсдан қандай чиқди бу телба? Қандай кирди бу ерга? Ким киритди?"

Абдульазиз дир-дир титраган қўли билан жундор кўкрагини силаганича бир қадам олдинга юрди, ияги қалтираб:

—Ппадари буз...бузрукворимни не қилдинг?—деди.— Сен... ққотил!

"Эшитган! Қайдан эшитган? Ким айтган бунга?"

Абдуллатиф қиличини қинидан суғуриб, овозининг борича:

—Ким бор? Саройбон!—деб бақирди.

—Ўз қиблагоҳига қилич кўтарган сендай празил ххун-резни нечук ер ютмайди? Нечук осмон ағдарилиб ббошинга ттушмайди?—Абдульазиз, тақир боши сарак-сарак қилиб, кўзлари совуқ чақнаб, яқинлашиб келарди. Абдуллатиф деворга суянганича қиличини кўтарди, лекин Абдульазиз тўхтамади, у ҳамон ияги қалтираб, тишлари шақиллаб яқинлашиб келарди.—Ммеҳрибон, ббузрукворим!.. Не қилдинг уни? Не қилдинг, мальун ппадаркуш?..—Абдульазизнинг кўзларидан тирқираб оққан ёш томчилари қорайиб кетган сўлғин юзини селдай ювиб, таралмай патак бўлиб кетган соқолига қуйиларди.

"Ҳозир чопамен! Чопиб ташлаймен!"—ўйлади Мирзо Абдуллатиф, кўрқув аралаш совуқ журъат билан. У деворни пайпаслаганича орқага тисариларкан, эшикда пайдо бўлган балхлик саройбон билан ясовулбошини кўриб, овозининг борича бақирди:

—Ушла бу телбани! Ушланглар!

Боя шаҳзода Абдульазиз билан олишганда бахмал тўнининг ёқаси тилка-пора бўлган саройбон билан ясовулбоши югуриб келиб, Абдульазизга тирмашишди. Абдульазиз уларнинг қўлидан чиқишга уриниб, талпинаркан:

—Ҳҳазар! Алҳазар, ссендай ппадаркушдан!—деди хириллаб.—Барча авлиё ва анбиёларни шафе келтириб, қасамёд қиламен: ббошингни олиб, оёғингдан ддорга оса-

мен. Мен осмасам, иншооллоҳ, оллонинг қаҳрига йўлиқасен! Ер ютар сени! Ер!

—Олиб кет бу телбани! Олиб кет ё ҳозир чопиб ташлаймен!

—Чоп! Ўз қиблагоҳини чопган қаттол, мени ҳам чоп!—Ғазаб ва аламдан кўзлари қонга тўлган Абдулғазиз, жон талвасасида, эшикка тармашди, лекин балхлик барзанги ясовул уни бир юлқишда эшикдан узиб, судраб олиб чиқиб кетди. Шаҳзоданинг кўз ёши аралаш бўғиқ овози қўшни хонадан хириллаб эшитилди:

—Малъун ппадаркуш! Арвоҳлар ққарғишига йўлиқасен! Ер ютадур сендай оқпадарни! Ер ютадур!..

Мирзо Абдуллатиф ловиллаб ёнган пешанасини олтин тахтнинг муздай суянчиғига қўйди.

"Эй дариг! Ақлдан озган бу телба қайдан эшитди? Ким айтди унга? Қай тешикдан таралди бу машъум хабар? Уни ҳибсда ётган бу телбага етказган азозил буткул доруссалтанана, буткул Мовароуннаҳрга таратмасму? Бу малъун ғанимларнинг рақобат ва адоватларидан ўзинг асрагайсен, ўзинг бадном қилмагайсен, худованди карим! Буткул сарой каззоб, бадхоҳларга тўла! Ҳар қадамда риёкор фосиқлар кўлагаси! Кимга инонмоқ, кимга суянмоқ даркор бу машъум салтанатда?.."

Шаҳзода чўғдай қизиган пешанасини олтин тахтнинг совуқ суянчиғига тираганича узоқ ўтирди. Кўзлари юмуқ, юрагида мудҳиш қўрқув, истиғфор айтар, кўкка тавалло қилар, хаёлан ялиниб-ёлворар, лекин қулоқлари тагидан шаҳзода Абдулғазизнинг хириллоқ овози кетмас эди: "Малъун ппадаркуш! Иншооллоҳ, худонинг қаҳрига йўлиқурсен. Ер ютадур сени! Ер!.."

Мирзо Абдуллатиф хонада оёқ товушларини эшитиб, зилдай бошини кўтарди. Тепасида амир Султон Жондор турарди... Шаҳзода унинг қандайдир бесаранжом кўзларини, нечундир ғалати ишшайган дўрдоқ лабларини кўрдию, ёқасидан ушлаб, силкиди.

—Сенинг қабиҳ кирдикорларингни буткул доруссалтанана, буткул Мовароуннаҳр биладур! Кимдан чиқди бу шумхабар! Ким таратди уни?

Амир Султон Жондор ранги ўчиб, бошини ликиллатди.

—Меҳрибони бошафқат! Ўлимдан хабарим бор ва лекин...

—Ва лекин бундан хабаринг йўқдур! Ул диёнатсиз шоҳни сен қатл қиласену, мен бадном бўламен, иблиси лаин!

Амир Жондор оғир ҳансиради.

—Сўзимда бир ёлғон бўлса тепамда ҳақ таоло туриб-
дур, шаҳзодам!

—Йўқол кўзимдан, иблис!—Мирзо Абдуллатиф юзи
бужмайиб, амирнинг кўкрагига мушт урди. Амир Жондор
орқаси билан тисарилиб бориб, деворни ушлаб қолди.

Мирзо Абдуллатиф қўлини орқасига қилиб, кенг хо-
нани бир айланиб чиқди. Тахтнинг ёнидан ўтаётиб деворга
тутилган ҳаворанг ипак парданинг боғичини силтаб тор-
ди. Парда очилиб, юқоридаги дарчадан ерга бир жом нур
қуйилди-да, хонанинг фирузаранг шифти, деворларидаги
нозик бўёқлар, тепадаги олтин қандил ял-ял ёниб, ча-
рақлаб кетди, ерга тўшалган шерозий гиламлар қирмизи-
ранг товланиб, кўзни қамаштирди. Мирзо Абдуллатиф
беихтиёр тўхтаб, дарчадан кўринган бир парчагина мовий
осмонга, осмонда дўмбалоқ ошиб учган иккита каптарга
тикилиб қолди. Наҳот ғурбатга тўла бу оламда шундай
тиниқ осмон, шундай мўъжаз каптарлар, шундай чарақлаб
турган офтоб бўлса?..

Мирзо Абдуллатифнинг дилида ҳасадга ўхшаган бир
ҳарса милт этди. Лекин бурчакда турган амирга кўзи
тушди-ю, юмшаган юраги яна музлаб кетди. Амир Жон-
дор, гарчи бошини осилтириб турса ҳам, унинг ва-
жоҳатида қандайдир совуқ, қаттиқ таҳқирланган одамлар-
да бўладиган бўлакча бир виқор бор эди.

"Суянган тоғим ёлғиз шу амир... эҳтиёт шарт!"

Шаҳзода бирдан шахтидан тушиб:

—Хўш, амирим, сўзланг,—деди "сиз"лаб.—Не бўлди?

Амир Жондор қовоғи очилмай:

—Дафн этдик!—деди.—Бир бандаи мўъмин кўрмасин
деб, мадраса ҳовлисининг бир бурчига ерлатдим, пушти-
паноҳ...

—Кимлар бор эди маросимда?

—Кимлар?.. Сайид Аббос билан тўрт нафар навкар...

—Ҳм...—Мирзо Абдуллатиф сийрак муртини силаб,
амир Султон Жондорга синовчан тикилди. У бир
дақиқагина иккиланиб турди-да, сўнг бир-бир босиб амир
Жондорнинг ёнига борди.

—Сўзимга қулоқ солгайсиз, амир Жондор! Кимки...—
Шаҳзода "қатл" дейишга тили бормай, сўз қидириб
пешанасини тириштирди.—Кимки бу юмушнинг тепасида
турган бўлса... барининг боши кетмоғи даркор...

Амир Жондорнинг мўйлови диккайиб, кўзларида
ҳадиксираш аломати кўринди.

—Бари... барининг боши кетмоғи даркор?..

—Қўрқманг, сиз эмас, бошқаларни айтамен... Сиз менинг энг ишонган амирим, суянган тоғим, ўнг қўлим бўлурсиз. Шу сабабдан бу юмушни сизга топширамен. Нечун индамайсиз? Бошқа чора йўқ, амир! Зеро бу ҳодисадан бир кимарса бохабар бўлса икковимиз ҳам бадном бўламиз...

—Давлатпаноҳ... Такаббур шоҳни қатл қилган сиз эмас, Сайид Аббос! У ўз қиблагоҳи учун хун олмоқ азмида қилгандур бу ишни!

—Бас! Биз ҳам уни қатл қилмоғимиз керак!.. Сайид Аббос қайда?

—Пуштипаноҳимга юкунмоқ ниятида дарвозада ер ўпиб ўлтирибди...

—Дарҳол ҳибсга олгайсиз! Шерикларига қўшиб шу бу кун...—шаҳзода "бошини ол!" деган маънода кафтининг қиррасини томоғига ишқади.—Шу бу кун. Англадингму?

Амир Жондор ранги ўчиб бош ирғади.

—Тождоримнинг амри вожибдур!

—Балли, амирим! Доруссалтанада не сўз, не хабар бор? Ҳар кун етказиб тургайсиз. Каломим аёнму?

—Аён, пуштипаноҳ...—Амир Жондор бошини кўтариб шаҳзодага қаради ва яна боягидай ғалати кулимсираб қўйди.—Доруссалтанада не сўз, не хабар бор—Низомиддин Хомуш ҳазратларидан сўрамоқ даркор. Зеро ул табаррук зотнинг муридлари билмаган сўз, кирмаган тешиги йўқдур.

Мирзо Абдуллатиф "маъкул" деган маънода бош ирғади.

—Шаҳзода Абдулла билан Мирзо Абу Сайидга эҳтиёт бўлгайсиз!

—Оёқ-қўлларини кишанлаб, зиндон қилганмиз, давлатпаноҳ,—деди амир Жондор.

—Саройбонга айтинг—кирсин!

Бу унинг "кетавер", дегани эди. Амир Жондор қўл қовуштирганича орқаси билан юриб чиқиб кетди. Кетма-кет бўсағада саройбон пайдо бўлди.

—Ул телба шаҳзода... нечук унга саломхонага кирмоққа ижозат бердинг?..

Балхлик занжисифат саройбон кимхоб тўнининг йиртилган ёқасига ишора қилди.

—Пуштипаноҳ!..

—Ясовулар қайда эди?

—Ясовулар шаҳзоданинг йўлини тўсмоққа журъат қилмайдур, давлатпаноҳ...

—Ҳм... баковулларга айт... овқат ва шароб келтирсин!
Саройбон қўл қовуштирганича саломхонадан чиқди.
"Телба шаҳзоданинг сўзларини бу ҳам эшитди. Ясовулбоши ҳам эшитди... Буларни ҳам йўқ қилмоқ даркор..."

Мирзо Абдуллатиф кўнглига келган бу мудҳиш фикрдан ўзи ҳам чўчигандай, бўшашиб курсига ўтирди...

4

Бир ҳафта ўтди. Бир ҳафтагача шаҳзода саройдан чиқмади, тахтдан бир қадам жилмади, ҳеч кимни қабул қилмади, фақат амир Султон Жондор билан Балхдан келган энг яқин маҳрамлари ва лашкарбошилари билан бир неча кишинигина ҳузурига киритар, шулар билан маслаҳатлашар, бошқа бирор кимсани йўлатмас эди.

Иккинчи куни тун ярмида амир Жондор яна қора хуржун кўтариб кириб келди. Хуржунда Сайид Аббоснинг оқ латтага ўралган боши бор эди.

Мирзо Абдуллатиф "кўрсат", деб ишора қилди. Лекин амир Жондор қовоғини солганича қонга бўялган юм-юмалоқ тақир бошни патак соқолидан ушлаб, хуржуннинг кўзидан суғуриб олганида тирноқларигача музлаб: "Йўқот! Йўқот!" деб бақириб юборди.

Амир Жондорнинг уддабуронлиги ва шафқатсизлиги шаҳзодани ҳам ҳайратга солди, ҳам қандайдир ҳадиксиратиб қўйди. Лекин амирнинг содиқлигини ҳисобга олиб, олдинги режасидан, уни ҳам пинҳоний йўқ қилиш ниятидан қайтди. Амирни "муқаррабус султонлар"¹ қатори саройда қолдириб, Абдульазизчи ҳам унинг қўли билан қатл эттиришни кўнглига тушиб қўйди.

Шаҳзода Мирзо Улуғбекнинг ўлими ҳақида гап тарқатиши мумкин бўлган Сайид Аббосдан қутулсам кўнглим таскин топар, деган умидда эди. Лекин амир Жондор хуржунни кўтариб чиқиб кетиши билан яна ўша машъум васваса ёпирилиб келиб, иродасини карахт қилувчи бир қўрқув юрагини чулғаб олди. У қанча ҳаракат қилмасин, нигоҳи олдидан патак соқоли қонга бўялган, юм-юмалоқ тақир бош кетмас, бир лаҳза кўзи илинса гўё тепасида биров тургандай бўлиб чўчиб уйғонар,

¹ Муқаррабус султон—энг яқин маҳрам.

бурчак-бурчакларда қора кўлагалар яшириниб тургандай салгина шарпага юраги ўйнаб кетарди.

Мирзо Абдуллатиф бир-икки кундаёқ лунжлари ўйиб олингандай ичига ботиб, кўзлари катта-катта бўлиб, чўпдай озиб кетди. Лекин дардини бировга айтишдан, кечалари ёнига одам чақиритишдан чўчир, бу оғир, мудҳиш дардга учраганини бошқалар билиб қолишидан, сарой ва доруссалтанада ёвуз гап тарқатилишидан ҳадиксирар эди... Гоҳо шаҳзода вужуд-вужудини қақшатган бу васвасадан қутулиш умидида кечалари коса-коса шароб ичар, лекин шароб ҳам ёрдам бермас, билъакс, бир лаҳза енгил тортигандан кейин, хаёлини аввалгидан ҳам зимистон, куз булутидай совуқ ўйлар чулғаб оларди...

Бу кун кечқурун яна ўша бадбин совуқ васваса ёпирилиб келаётганини сезган шаҳзода, ҳарамдан канизлар чақиритиришга аҳд қилди. У отасининг ҳарамидан гўзал канизлар кам эканини билар, лекин шаҳзода Абдулъазиз ҳуснда беқиёс бир оҳуни қўлга туширганини эшитган эди. Шаҳзода шу оҳуни чақиртирмоқчи бўлиб турган эди, эшик очилиб, балхлик саройдон кириб таъзим қилди:

—Жаноб Хомуш ҳазратлари ташриф буюрмишлар...

Шаҳзода негадир юраги "шиғ" этиб, саройдонга зимдан кўз ташлади, у ҳазратнинг хайрихоҳлигини билса ҳам, бир ҳафтадан бери муршиди муқтадо, деб қўл берган пири билан кўришмаган эди. Ҳазратлари доруссалтанадаги ҳамма воқеалардан воқиф бўлмоғи керак, ҳозир нима дер экан, намозшомдан кейин ташриф буюришдан муддаоси не?

—Айтинг, марҳамат қилсинлар...

Шаҳзода ҳазратларининг истиқболига чиқиб камоли эҳтиром билан салом берди ва олтин курсига таклиф қилди. Лекин жаноб Хомуш ҳамон ўтқир кўзларини ундан узмай қадалиб турар, оппоқ, хушсурат чеҳрасида, қалин қошларининг чимирилишида аллақандай қаҳр, йўқ, қатъият бор эди. Шаҳзода совқотгандай эти жунжикиб кетди. Ниҳоят, қаҳрабо тасбеҳ ушлаган қўлларини кўтариб, кўзларини юмиб, узун дуо қилди:

—Илоҳим шаҳнатун нажаф, ҳумоюн олийларининг имонини басаломат қилгайсен, балонг юкини кўтармоққа қувват ва муҳаббатинг меҳнатини тортмоққа сабот бергайсен... Илоҳи омин!..

Ҳазрат юзига фотиҳа тортиб, юмшоқ курсига ўтираркан:

—Сенга не бўлди, саломатлигинг бахайрму, шаҳзодаи

жувонбахт?—деб сўради. Унинг овози паст, лекин ўктам эди.

—Алҳамдиллоҳ, бахайр, пирим...

—Ё бир дардга чалиндингму, тождори мусулмонон?

Шаҳзода бирдан енгил тортиб, чуқур тин олди.

—Ҳа, бош оғриғи қийнайду, пирим...

—Бош оғрийдурму ё азозил дилингга васвас солибдурму, шаҳнатун нажаф?

"Ё, худованди карим, кўнглимдагини қайдан билади?"

—Агарчи шайтон васвас қилса, лайлу наҳор¹ оллога мадҳу сано ўқиб, арзи ихлосни адо қилиб, бари андўҳни кўнглингдан ҳайдагайсен, шаҳзода. Валлоҳи аълам биссаваб.

Ҳазрат Низомиддин Хомуш шаҳзодага синовчан тикилиб бир зум жим қолди, сўнг, тўсатдан:

—Сайид Аббосни ҳибсга олибсен, деб эшитдим, нечун?—деб сўради.

"Калласи олинганини эшитмабди! Эшитса не дейди?"

—Сабаби... бандаи ожиз шаънига ҳар хил фисқи фасод сўзлар тарқатибдур...

—Сенинг шаънинга фисқи фасод сўз тарқатган Сайид Аббос эрмас, падарингнинг бетавфиқ шогирдларидур, ўғлим!

Шаҳзода ялт этиб қаради, ҳазрат қўлидаги музайян тасбеҳини битта-битта ўгириб, бир нуқтага тикилиб ўтирар, оппоқ, хушсурат чеҳрасида, ярим юмуқ кўзларида, бутун важоҳатида бўлакча бир қатъият, куч, ирода бор эди.

Жаноб Хомуш ер остидан шаҳзодага бир қараб олди. Шаҳзода қўлларини тиззаларига қўйиб, бир нуқтага тикилиб ўтирар, унинг озиб, қорайиб кетган юзидан қони қочган, лаблари қисилган эди.

—Шаҳзодаи навжувон... Мирзо Улуғбекнинг суюкли шогирди бўлмиш Али Қушчи деган баттолни танирсен?

Шаҳзода бош ирғади: "Таниймен".

—Муҳаммад Тарағайни йўлдан оздирган бул иблис расадхонада ўлтириб, қануз уммати мустафони йўлдан оздирур, шаҳзода. Бандаи ожиз бир сўз эшитдим: бул муртад аллома расадхонадаги барча китоблар ила ўлёмаларни олиб чиқиб, яширган эмиш...

—Қайға яшираду?

—Қайға яширганини сендай султони соҳибқирон билмаса, фақир қайдан билурмен? —Жаноб биринчи марта

¹ Лайлу наҳор—кечаю кундуз.

мийиғида кулимсираб, шаҳзодага қаради. У жўрттага "султони соҳибқирон", деди ва бу гапи шаҳзодага ёққанини сезиб, давом этди:

—Тагин бир хабар бор, шаҳзода. Хазинадан бобонг амирулмўъминин... —тангри таоло аларга фирдавси аълони макон қилгай! —бобонг Амир Темур жавоҳироти йўқолган эрмиш... Бул сўз муҳаққақму?

Шаҳзода бош иради: "Ҳақиқат".

—Балли. Отанг шоҳ бул жавоҳиротни яширмоқ ниятида шогирди Али Қушчига берган эрмиш. Ул диёнатсиз баттол эрса, бул ганжни ҳам куфр китобларга қўшиб яширган эрмиш. Бу ишдан воқифи асрор икки кимса бордур. Бир—Мирзо Улуғбекнинг шогирди бўлмиш мавлоно Муҳиддин. Беайб парвардигор. Ул зот ўз гуноҳларига иқрор бўлиб, ҳақ йўлга қайтгандур. Сўнгра олло гадойи Довулбекдурким, маъқул кўрсанг уни саройга йўллаймен. Ясовул қилиб олсанг, қобили бедод¹ қулинг бўлур.

—Бош устига, пирим...

Жаноб Низомиддин Хомуш қўлларини олтин курсининг суянчиғига тираб, ўрнидан турди. Унинг чеҳрасидаги бояги қатъият ва норозилик оталарча бир мулоимлик билан алмашган, зеро, ҳазрат бу суҳбатдак бенихоят мамнун эди. Дарҳақиқат, ҳазратлари Мирзо Улуғбек билан мана шундай сўзлаша олармиди? Унга мана шундай шафқатсиз гапларни айтишга журъат эта олармиди? Журъат этганда ҳам у такаббур шоҳ шаҳзодадай мутелик билан бош эгиб, сукут сақлаб ўтирармиди? Мутелик қайда? Билъакс, дарҳол мубоҳасага ўтар, илми каломдан ваъз ўқиб, ақл ўргатар эди. Шаҳзода эса... Хомуш ҳазратлари у билан бир йилдан бери мухобарада² бўлиб ўз измига тушириб олган бўлса-да, уни бунчалик мулоим бўлади, деб ўйламаган эди. Ҳар қалай, бошда, тахтни олишда тавозе билан қўл қовуштириб турса-да, тахтга ўтиргандан кейин темурзодалигини кўрсатар, деб ўйлаган эди. Йўқ, шаҳзода нечундир васвасага тушиб, ипакдай майин бўлиб қолибди. Шундай бўлгани ҳам маъқул. Мирзо Улуғбекка ўхшаб такаббур бўлса борми?

—Шаҳзодаи жувонбахт,—деди ҳазрат Низомиддин Хомуш, боягидан ҳам мулоимроқ товушда.—Вашарти лозим кўрсанг тагин бир насиҳатим бордур.

¹
² Қобили бедод—жафоларга қўнувчи, муте.
Мухобара—ёзишма.

—Бош устига, пирим, Фақир сизнинг насиҳатингизга ҳамиша мусалламдурмен ...

—Сен фақир эрмас... Ас салотин зиллоллоҳу фил арз, инчунин, худованди каримнинг ердаги соясидурсен, шаҳзода. Мана, динул ислом йўлида, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом йўлида устивор турганинг сабаб, иншооллоҳ, тангри таолонинг иноятига мушарраф бўлдинг, явми саодатга етиб, фирдавсмонанд бул элга султонун салотин бўлдинг, эндиликда кўнглингдаги бул кўҳи ғам², бул иштибоҳни ҳайдагайсен, болам, зеро, буткул Мовароуннаҳр аҳли мўъминлари ҳақ таолодан иноят тилаб, сенга дуо қиладурларким, уммати мустафолар дуоса, иншооллоҳ, мустажоб бўлғай!..

Жаноб Хомуш юз сийпаб, фотиҳа қилди-да, новча, келишган сумбатини аста тебратиб, эшикка томон юрди. Шаҳзода уни кузатиб қўймоқчи бўлган эди, ҳазрат “кераги йўқ” деган маънода қўлини кўтарди.

Шаҳзода ўзини олтин тахтга ташлаб, кўзини юмди. У чарчаган эди, лекин бу чарчоқ бояги дармонни қуритувчи ҳолсизликдан бошқача эди. Мирзо Абдуллатиф аъзойи баданига роҳатбахш бир нарса таралаётгандай бўлиб, мастона сузилган кўзларини очди, очди-ю, ҳайрон бўлиб қолди. Назарида, бул жаноб келишидан олдин аллақандай совуқ туюлган бу музайян хона гўё офтоб чиққандай чарақлаб кетган, баланд қуббасимон шифтнинг фируза бўёқлари, девордаги нафис безаклар, тилла суви юритилган нозик нақшлар, ердаги шерозий гиламлар, гир айлана терилган олтин курсилар, ҳаммаси аллақандай шўх жило сочиб, ярқираб кетган эди.

Дарҳақиқат, шаҳзода бу муаззам кошона, бу тожу тахт, бу салтанат учун курашган бўлса... барча бепарҳез диёнатсизлар, кофирликка юз тутган барча илм аҳлини қатли ом қилмоқ ниятида курашди. Шафқатсизлик қилса, шариати мустафо буни тақозо этди. Недан қўрқади?

Мирзо Абдуллатиф тилла шақилдоғини олиб, шақиллатди ва эшикда пайдо бўлган саройбонга юзланиб, қатъий амр қилди:

— Девонбегига айт: дарҳол фармон битиб амир Султон Жондорга чопар юборсин: Шу букун расадхонага бориб, Али Қушчи билан унинг шогирдларини ҳибсга олсин!

2

Мусаллам — итбат қилмоқ.

Кўҳи ғам — ғам тоғи.

Қаландар Қарноқий бир ҳафтагача уста Темур Самарқандийнинг ғоридан чиқмай ётди.

У кундуз устага қарашар, дамни босар, чўғда тобланган темирларни сандонга қўйиб, оғир босқон билан уста хоҳлаган шакллarga келтириб берар, қозон-товоқ, чойдиш ва қумғонларни тузатар, қозон қайнатар, хуллас, бир амаллаб кун ўтказар эди.

Гоҳо устанинг ғорига ҳамсоя ҳунарманд ва косиблар, темирчилар, чилангарлар, мисгарлар, суяктарош ва сангтарошлар, сандиқчи ва бешиксозлар, миҳчи ва тақачилар, этикдўз ва гиламдўзлар йиғилишар, устозлари Темур бобога аталган совға-саломларни қўлтиқлашиб, оға-ини Қалқонбек билан Босқонбек кириб келишар, шундай пайтларда ўчоқда қора қумғон биқирлаб, суҳбат қизир, до-руссалтанадаги барча янгиликлар ўртага ташланар эди. Шаҳарда аҳвол оғир, хусусан, косиб ва ҳунармандларнинг иши касод, дўконлар ҳамон берк, нарх-наво эса, кундан-кунга ошиб борарди. Ахир пировардида гап айланиб яна Мирзо Улуғбек давридаги осойишта замонларга бориб тақалар, шундай пайтларда ёш усталар, айниқса оға-ини Қалқонбек билан Босқонбек қизишиб кетиб:

— Аттанг! Пошшо ҳазратлари биздай камбағалларни ёрдамга чорламади-да! — деб қолишарди. — Барча дарвозаларни тақа-тақ ёпиб, бу нобакор шаҳзодани шаҳарга йўлатмас эдик!

Кўпчилик бу гапларни маъқуллар, Қаландар эса, устоднинг кўз ёши аралаш айтган сўнгги васияти эсига тушиб, ўрнидан туриб кетарди-ю, бир четга чиқиб, уф тортиб ётиб оларди. Ёлғиз уста бошидаги кигиз қалпоғини тўғрилаб:

— Ҳей, хом сут эмган бандалар! — деб кулиб кўярди. — Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр, деганлар. Шаҳар қамал бўлса кимга қийин? Боз сизу биздай йўқсилларга қийин. Қамал бўлиб, аёёну боёнлар чўзилса, биздай йиртиқ чопонлар узилади. Қамалдан сўзламанг, болам!

Бу суҳбатлар билан кун ўтгани билинмас, лекин узун қиш кечалари уйқуси қочиб, тонг отгунча тўлганиб чиқар эди. Аста-секин ҳудудсиз кенгликларга ўрганиб қолган дашт фарзандига бошда ғаройиб кўринган устанинг ғори ҳам қоронғи гўрдай туюлиб, юраги сиқиландиган бўлиб қолди. Гоҳо у тўлиб кетиб, ғордан чиққиси,

теварак-атрофдаги қишлоқларни айланиб қайтгиси келарди. Лекин биринчи куни кечасиёқ Мирам Чалабий келиб, Али Қушчининг саломини топширди: "Эҳтиёт бўлсин, шаҳарга чиқмасин!"

Қаландар видолашиб кетган куни кечасиёқ расадхонага Қашқир бошлиқ бир гуруҳ дарвешлар келиб, уни роса қидиришган, "топиб берасен", деб Али Қушчига зуғум қилишган эмиш. Қаландар Қарноқий буни Али Қушчи айтмаса ҳам билар, чунки ғойиб бўлганини эшитган ҳазратнинг важоҳатини тасаввур қила олар, кечаю кундуз изғиб юрган дарвешларнинг "Ё олло, дўст, ё олло"си ҳам уни ер-кўкдан қидиришаётганларидан далолат берарди.

Сўнгги кунларда, айниқса кечалари, Қаландар ўз эли, суюкли Қарноқни, болалик чоғлари ўтган қир ва адирларни, балиқ тутиб, чўмилиб юрган тиниқ сойларни, баҳор пайтлари қўйинини довуччага тўлдириб ўйнаб ўсган ўрикзор боғларни кўп ўйлайдиган бўлди. Буни ўйлаганида негадир қипчоқлар олиб қочиб кетган суюкли синглисини кўп эслар эди. Баъзан, назарида, синглиси Қарноққа қайтиб келгандай, қайтиб келиб, Қоровултепа ёнбағридаги улкан гўристонда, ота-энасининг қабри тепасида йиглаб ўтиргандай туюларди. Гўё синглиси ҳам гўристонда ўтириб уни ўйлаётгандай, хаёлан унга илтижо қилиб:

"Қайда қолдингиз, қайларда юрибсиз, оғажоним? — деб бўзлаётгандай бўларди. — Киндик қонингиз тўкилган элингизни ташлаб қайларда тентираб юрибсиз? Ота-энамининг қабрига сиз чироқ ёқмасангиз, ким ёқади, ёлғизим?"

Шу-шу, тонг отгунча мижжа қоқмас эди. Кўз олдидан икки сой ўртасидаги тепаликка жойлашган кўҳна қалъа кетмай қоларди. Қалъа баланд кунгурадор пахса девор билан ўралиб, айланасидан чуқур хандақ ўтарди. Қалъа катта эмас, ундаги ҳамма уйлар, тор кўчалар бир-бирига туташиб кетар, томда ўйнаган болалар бир зумда бутун қалъани айланиб чиқишар эди. Эрта кўкламда уйларнинг ясси томлари ям-яшил майса билан қопланар, баъзи томларда ҳатто лолақизғалдоқлар очилар, шундай пайтларда том устлари варрак учирган болалар, копток ўйнаган қиз-келиндякларга тўлиб, қалъа аллақандай яшнаб кетарди... Кейин сойнинг у юзидаги Қоровултепага побонлар қўйилиб, эркаклар, ёшу қари баб-баравар қўшга чиқишар, адирларга арпа-буғдой сочишар, боғларда, токзорларда ишлашар эди. Ниҳоят, боғлардаги ўриклар довучча тукканда қишлоқ аёллари, барча қиз-жувон,

ёш-яланглар сайилга чиқишарди. Тор қалъада қамалиб ўтган узун қиш кунларидан кейин бу сайил ажиб бир шодиёнага айланарди. Ёв бостириб келиб, Қаландарнинг суюкли синглисини олиб қичиб кетган ўша машъум кун ҳам худди шундай яхши бошланган эди...

Уларнинг боғи сойнинг у юзида, "Қоровултепа"нинг шундай тагида, қалин қайрағочлар билан ўралган қишлоқ қабристонининг ёнида эди.

У маҳалда Қаландар энди ўн олтига кириб, айна кучга тўлган, қўшни қизларнинг дилига чўғ солиб юрган хушқомат, норғул йигит эди. Отаси ўша куни туякашлар билан Ясси бозорига майда-чуйда олиб кетган эди. Қаландар қора қашқа йўрғасини четан араваларига қўшиб, онаси, синглиси ва яна бир гуруҳ қўшни қизларни боғларига ўзи олиб чиқди. Кўйлагининг енгларини биллагича шимариб, қора тепчима дўпписини чаккасига қўндириб олган Қаландар, очиқ кўксини шабадага тутиб, тол хипчинини ўйнатиб бораркан, назарида гўё аравада эмас, қанот боғлаб осмонда учиб кетаётгандай туюларди. Чунки аравада, синглисини қуршаб олган дугоналари орасида, кўпдан бери унинг юрагига чўғ солиб юрган ўн олти яшар бир қиз ҳам бор эди... Бошига гулдор қизил дурра ўраган, эгнига бўздан бўлса ҳам, ўзига ярашган қизил кўйлак кийган бу қиз, Қаландар қараганда, катта-катта ҳуркак кўзларини қаёққа яширишни билмай, "лов" этиб ёниб кетар, ёнидаги дугоналари эса қийқириб кулишиб, бечорани уялтиришар эди.

Аравалар боғларга етиши билан қиз-келинчаклар садафдай сочилиб кетишди...Қалин ўрикзор ва шафтолизорлар орасида қизларнинг кўк, қизил, сариқ рўмоллари лип-лип учарди. Қаландарнинг назарида булар қизлар эмас, кўкатлар орасига сочилган лолақизгалдоқлар, дарахт шохларида учиб-қўниб юрган митти капалаклар эди...У кун бўйи гўё туш кўраётгандай хаёлий бир ҳолатда юрди. У гоҳ қиз-келинчакларга ўчоқ қуриб берар, гоҳ сув ташир, гоҳ ўрикка чиқиб, довучча отаркан, қиз-келинчаклар орасида фақат қўшни қизни кўрар, улкан боғда ундан бошқа ҳеч ким йўқдай туюлар эди. Қиз ҳам дам-бадам унга мурожаат қилар, гоҳ ўтин ёриб беришини, гоҳ сойдан сув келтиришини илтимос қилар, гоҳ нозланиб, ўрик шохларини эгиб беришини сўрар, лекин Қаландар сал дадилроқ ҳаракат қилса, ўзини чакалакзорларга уриб, кийикдай тутқич бермас эди...

Қисқагина баҳор куни гўё ширин тушдай бир лаҳзада

ўтди-кетди. Кечқурун товоқларига ялпиз сомса, рўмолчаларига довучча тугиб, қулоқларига бинафша ранг нохатак, чучмўма ва бўтакўзлар тақиб олган қиз-келиндчаклар яна араваларга чиқишди. Қир ёнбағрида кўклам шабадасидай ёқимтой лапарлар, ҳазин ёр-ёрлар янгради. Лекин аравалар биринчи боғлардан чиқиб, ҳали сойга етмаган ҳам эдики, орқадаги "Қоровултепа" томондан "Қоч, ҳа, қоч! Ёв келди, ёв!" деган қичқириқлар эшитилди-ю, кўп ўтмай, ер-кўкни от туёқларининг дупури тутди.

Қаландар қора қашқа йўрғасини аёвсиз қамчилаб, аравани тарақлатиб бораркан, бир зум ўгирилиб қаради. "Қоровултепа"да кўринган юз чоғлиқ отлиқлар қилич ва чўқморларини бошлари узра ўйнатиб, аллақандай совуқ қийқириқ билан қора бўрондай бостириб келарди. У ер-бу ерда ёвга қарши от чоптириб бораётган қишлоқ йигитлари кўринар, лекин улар жуда оз эди. Қир бағрини хотин-халажнинг фарёди, ёш болаларнинг йиғиси тутди...

Қаландар жонҳолатда атрофига аланглади. Соё бўйига арқонлаб қўйилган ва жанг нафасини сезиб, ер депсиниб кишнаётган кимнингдир аргумоғини кўрди-да, йўрғанинг жилловини синглисига тутқазиб, аравадан сакраб тушди. Бетоқат юлқинган аргумоқни нўхталаб сапчиб минди, аравани гир айланиб, чўқморини олди ва энасининг фарёдига қулоқ солмай орқага-ёв томонга от солдириб кетди.

—Боғлар орасидан шўнғиб чиққан, устларига қора жун чакмон, бошларига қора кигиз телпак кийган ўн чоғлиқ саҳройи, "Ёв қочди, ҳо, ёв қочди!" деган қийқириқ билан тўғри унга томон бостириб келарди...

Қаландар зорли кишнаган аргумоғини ёв тўдасига соларкан, рапидадай кенг юзи ваҳимали бужмайган, оғзи қийқириқдан бир томонга қийшайиб кетган биринчи отлиқни мўлжалга олди. Отлар тўқнашиб осмонга сапчиганда қўлидаги чўқморини даст кўтариб ялпоқ юзли саҳройининг бошига зарб билан туширди-ю, эгардан қалпоқдай учириб юборди. Қаландар кетма-кет етиб келган иккинчи отлиқни ҳам чапақайлаб уриб йиқитди, лекин қуюндай ёпирилиб келган ўн чоғлиқ суворий унинг аргумоғини суриб кетди, ўзи эса бошига тушган сўйилнинг зарбидан кўзларидан юлдузлар чақнаб, ағдарилиб тушди. Отдан йиқилаётганда сўнгбор кўргани синглисининг катта очилган кўзлари-ю, қўшни қизни отига улоқдай ўнгариб олган қора чакмонли қалмоқ башара саҳройи бўлди... У қандай омон қолганини билмайди. Чамаси, эгардан учиб кетганида ёв уни ўлдига

чиқариб, устидан от чоптириб ўтиб кетди... Водариг! Нечун ўша машъум жангда омон қолди? Бу дарбадарлик, бу кўргиликлардан эзилиб, мусофирликда хор бўлиб юргунча ўша жанг-жадалда ўлиб кетса бўлмасмиди?

Бу қирғиндан кейин бир ҳафта ўтар-ўтмас, сал ўзига келган Қаландар юз чоғлиқ қишлоқ ёш-яланглари билан ёв устига отланди. Яссидан қуйроқда, даштда беомон жанг бўлди. Қарноқ йигитлари арслондай олишди, лектин ғанимлар кўплик қилди. Гўё бутун саҳро қарноқликларга қарши отлангандай, тўп-тўп бўлиб ёпирилиб келаверди. Бу жангда Қаландарнинг қиблагоҳи ҳалок бўлди. Унинг ўзи ҳам биқинидан ўқ еди. Йигитлар уни қонга беланган ҳолда, жанг майдонидан беҳуш олиб чиқишди... Шу-шу, мадад сўраб бу ёққа келди-ю, дарбадар бир мусофир бўлиб қолди. Энди уни бу элда ушлаб турадиган не қолди? Бирдан-бир умиди Хуршида бону бўлса... ҳақ таоло ундан ҳам айирди, умрининг охирида милт этган бу нур, бу бевафо дунёда ялт этган ўша ёлғиз юлдузни ҳам кўп кўрди. Ҳа, у энди кетмоғи лозим. На ўзига, на элга нафи тегди, энди ақалли қиблагоҳи билан волидан меҳрибонининг қабрига шам ёқсин, тирикликларида фарзандлик бурчини ўтай олмади, лоақал ўлганларида руҳларини шод этсин...

Эрталаб нонушта маҳалида Қаландар устага ёрилди, кўнглидаги бор дардини айтди.

Уста Темур Самарқандий қўй терисидан тикилган ағдарма телпагини тўғрилаб, наякидан сарғайиб кетган соқол-мўйловларини тутамлаб, узоқ сукутга толди. Тепадаги туйнукдан қуйилиб турган бир ҳовучгина шуълада унинг қора қурум босган серажин юзи, жимир-жимир терлаган ялтироқ пешанаси, қимтилган лабларида теран бир маҳзунлик акс этарди.

— Болам Қаландар, — деди уста ниҳоят. — Сен бу ғариб кулбамга кириб келганингда, фақир теримга сиғмай суюнган эдим. Ўғлим йўқ эди, худо мен ғариби нотавонга ҳам фарзанд ато қилди, ўлсам қабримга шам ёқиб, қуръон ўқийдурган бир зурриёт инъом этди, деб суюнган эдим. Не дейман, зорим бор, зўрим йўқ, ўғлим.

Устанинг чеҳрасидаги маҳзунлик, овозидаги дард Қаландарнинг юрагига наштардек санчилди. У нима дейшини билмай:

— Отахон, — деди ер чизиб. — Иншооллоҳ, қабрингиз шамсиз, руҳингиз дуосиз қолмас. Доруссалтанада сизни билмаган, сиз табаррук зотни иззату икром қилмаган бир

бандаи мўъмин йўқдур. Бир ёқда косиблар, бир ёқда шогирдларингиз Қалқонбек билан Босқонбек, бир ёқда мавлоно Али Қушчи...

—Оллога шукур, ўғлим, — деди уста унинг оғзидан сўзини олиб. — Бу гапни айтишдан мурод — сени ниятингдан қайтармоқ эмас, меҳрим-мурувватимни изҳор қилмоқ эди, холос. Уста Темур Самарқандий мусофирлик нелигини билади, болам... Бировнинг юртида султон бўлгунча, ўз юртингда ултон бўл, дерлар. Қаъда қаримайдур. Ўз элинга бориб ота-энанг мозорини тавоф қилиб, руҳларини шод этмоқни ният қилибсен, илоҳим ниятинга ет, ўғлим. Лекин йўлинг олис, сафаринг хатарли, болам. Не керак? Бу ғариб кулда не бор — тилаганингни ол, болам! Мавлоно Али Қушчига айт — тилладан берсин...

— Йўқ, отахон, мендай бир гадога тилла не керак? Ўзингиз айтар эдингиз: девонанинг ишини худо ўнглари деб. Бир-икки кунлик нон-туз бўлса бас, йўлда не кўп, эл кўп, юрт кўп... Мавлоно Али Қушчи билан албатта видолашамен, аммо тилла керак эмасдур, отахон...

Уста Темур Самарқандий катта қоқсуяк кафтини унинг тиззасига қўйиб, маънос кулди.

— Эвоҳ, ёшлик қиласен, болам, сен кўп дилинг пок йигитсен, биламен. Ва лекин бу осий бандалар шу иблис маъданни деб, бир-бирининг бошини еса, фисқи фасод қилиб, бир-бирига чоҳ кавласа не чора? Бу сариқ маъдан бирда кишига офат келтирса, бирда иззату икром келтиради. Қари билганини пари билмас, сўзимга инон, болам: йигит кишига гоҳо бойлик ҳам керак бўлади... Бас! Сен уялсанг, ўзим айтамен Алига.

Қаландар кун бўйи йўл ҳозирлигини кўрди. Уста Темур Самарқандий қаёққадир кетиб, қўй жунидан тўқилган иссиқ чакмон билан қўй терисидан тикилган ўзиникидай қора телпак топиб келди, ўзи ясаган пўлат ханжарини инъом қилди. Қаландар Қарноқий хуржуннинг бир кўзига нон, туз, қалампир, талқон, иккинчи кўзига кийим-кечак ва оғир йўлда керак бўладиган майда-чуйда буюмлар — қумғон, пиёла, қошиқ, товоқ солиб тахт қилиб қўйди.

Маслаҳат билан у тунда, ғор теварагида ивирсиб юрган турқи таровати совуқ ғаламислар йўқолиб, кўчалар тинчиганда ғордан чиқиб, расадхонага борадиган бўлди. Лаҳим орқали расадхонага кириб Али Қушчи билан видолашадиган, сўнг Қалқонбек билан Босқонбек шай қилиб турадиган отга миниб, йўлга чиқадиган бўлди.

Лекин негадир алламаҳалгача ғор теварагида қаланғи-қасанғиларнинг шарпаси тинмади. Ниҳоят, вақт тун ярмидан ошганда тинчигандай бўлди-ю, Қаландар чакмонини кийиб, белини боғлади.

Мойчиरोқ шуъласида уста Темур Самарқандий Қаландарни бағрига босиб, кўзига ёш олиб хайрлашди, пешанасидан ўпиб, оқ йўл тилади. Лекин худди шу маҳал, уста кетмондай кафтларини очиб оқ фотиҳа бераётганида, ногаҳон эшик тақиллаб қолди. Қаландар дарҳол ўзини панага тортди. Уста эса қўлига мойчиरोқ олиб, эшик томон кетди.

— Ким бу, қора тунда уйқу бермай, дайдиб юрган? Ташқаридан ингичка, ҳаяжонли овоз эшитилди:

— Маъзур кўргайсиз, уста, бу — мен, Мирам Чалабиймен...

— Не дединг? Қайси Мирам?

Қаландар елкасидаги хуржунини ерга ташлаб, устанинг орқасидан қоронғи йўлкага шўнғиди.

— Отахон! Мавлононинг шогирди бу! Ижозат беринг — эшикни очай!

Мирам Чалабий ғорга кирди-ю, юришга чамаси келмагандай, деворга суяниб қолди. Мойчироқнинг хира шуъласида яланг оёқ, яланг бош Мирам мажнунсифат бир девонага ўхшар, ўзиям совуқданми, қўрқувданми дир-дир титрар, тиши тишига тегмай шақиллар эди.

— Не бўлди? Сўзла, иним! — деди Қаландар, юраги мудҳиш бир туйғудан музлаб.

— Устод...устодни зиндонга солдилар.

— Қачон?

— Кеча хуфтонда. Шоми ғарибонда беш-олти нафар ясовул расадхонага бостириб кирди, ҳаммаёқни остин-устин қилиб, ахийри олдиларига солиб олиб кетди...

— Кеча олиб кетса...нечук тунда келмадинг? Нечук дарҳол хабар бермадинг?

— Сабаби... — Мирам Чалабий гапиролмай қуруқшаган лабларини ялади. — Сабаби момом... Тиллабиби бор эдилар. У киши йиғлайвериб эсимни олдилар.

— О, бечора! — деди уста. — Қайси зиндонга солмишлар? Хабар топдингму?

— Топдим. Кўксарой зиндони!..

— Ё раббий! — устанинг қўлидаги мойчироқ қалтираб кетди.

Қаландар Қарноқий забардаст қомати билан тор йўлкани қоядай тўсиб турар, унинг ҳуши бошидан учиб,

хаёллари тўзғиб кетган, фақат кўнглининг бир четида бир ҳафтадан бери тузган режалари, уйқусиз тунларда қилган орзу-умидлари — ҳаммаси ипи узилган маржондай сочилиб кетганини, энди ҳеч қаёққа кетолмаслигини, то устоднинг тақдири бир ёқли бўлмагунча, бу юртдан жилолмаслигини тушунди, назарида, сўнгги пайтларда кўп эслаган синглиси ҳам ўз энаси эмас, гўё Тиллабиби тўғрисида қайғуриб йиғлагандай туюлди.

— Ясовулларнинг қидиргани не? Китобларму?

— Китоблар, — деди Мирам Чалабий. — Тагин олтин қидирмишлар. Расадхонада олтин бор эмиш. Астағфирулло!..

"Мавлоно Муҳиддин! — деди Қаландар кўнглида. — Мавлоно Муҳиддин сирни очган! Мавлоно эмас, малъун айғоқчи! Аллома эмас, риёкор жосус!.."

У кўзини юмиб деворга суянди: "Не қилмоқ керак? Бу ерда қолганда унинг қўлидан не келади? Устодга ёрдам бера оладими, йўқми? Аммо... ёрдам беролмайман, деб устодни, қаноти қайрилган қушчадай эшикда қалтираб турган бу ёш талабани, лол бўлиб қолган бу кекса устани аросатда қолдириб кетмоқ виждондан бўлурми? Одамийликка кирурми?"

— Болам Қаландар, — деди уста. — Муллавачча совуқда дилдираб қолибди, бир пиёла иссиқ сув бер бунга, болам!..

"Мавлоно Муҳиддиннинг уйига бормоқ керак! Бориб ёқасидан ғип бўғмоқ керак! Ё сўзидан қайтсин, ё..."

— Ҳа, ҳа, тўрга ўтинг, мулла, — деди Қаландар. У тисарилиб Мирам Чалабийга йўл берди. Чўғдай қизиган миясида эса хаёллар қуюндай чарх урар, бир-биридан дадил, мардона режалар қуйилиб келмоқда эди: "Боғ томонда эшик бор! Сўнгги марта Хуршида бону билан учрашишга аҳдлашганида Қаландар боққа кириб, бону ётадиган уйнинг кичкинагина даричасини қоққанда, ул гулрухсор шу эшикдан чиқиб келган эди. Боғ томондаги шу эшикдан кира олса бас — мавлононинг меҳмонхонасига ўтиб олиш осон. Меҳмонхонага кириб, мавлонога юзма-юз келса бас — унга не дейишини ўзи билади. Ҳа, дарҳол бормоқ керак, фурсатни бой бермай, мавлонони ғиппа бўғмоқ, уни бу йўлдан қайтармоқ лозим, билъакс, устоднинг ҳаёти..."

Уйнинг тўрида қизил Самарқанд бахмалига зар тикиб ўтирган Хуршида бону ҳовлида шип-шип оёқ товушини эшитиб, бошини кўтарди. Йўқ, бу дадасининг заифгина одимлашига ўхшамас, кавушнинг асабий "дук-дук"ига асонинг "тақ-тақ"и қўшилар, бу — бобоси Салоҳиддин заргар эди. Боя хуфтонда тўрт нафар отлиқ навкар келиб отасини олиб кетгандан бери бобоси бир лаҳза ўтирмади. Асоси билан ерни қаттиқ тақиллатиб, кавушини дук-дук босиб кўчага чиқади-киради, чиқади-киради... Бобоси ҳар чиқиб-кирганида бонунинг юраги увишиб, игна тутган нозик бармоқлари титраб кетади; боя қоронғида тўфондай ёпирилиб кирган ясовуллар кўз олдига келиб, ўтирган жойида карахт бўлиб қолади. Ҳар сафар ясовулларнинг дағал овозларини, нағал қоқилган этикларнинг бетакаллуф гурсиллашини, айниқса қўрқувдан икки букилиб, титраб-қақшаб қолган отасининг дир-дир титрашини эсласа, ёдига шу йил кўкламда содир бўлган бошқа бир мудҳиш воқеа тушиб, юраги ўйнаб кетади...

Тўй бўлганига уч ойдан ошган, Қаландардан тамом умидини узган Хуршида бону, тақдирга тан бериб, ўз мирзасига ўргана бошлаган пайтлар эди. Бир кун кечқурун Кўксарой девонида хизмат қилган ёш мирза уйга ранги ўчиб, алланимадан васвасага тушиб кириб келди. Хуршида бону худди шу бугунгидай ўз хонасида зар тикиб, хаёлга чўмиб ўтирарди. Эшикда қалтироқ босиб турган мирзани кўриб, юраги музлаб кетди. Мирза секин юриб келиб уни қўлидан ушлаб ўрнидан турғазди-да, юзига узоқ тикилди. Мирзанинг бежо кўзларида ҳам қўрқув, ҳам унсиз изтироб, ҳам аллақандай шафқатсиз бир нарса бор эди. Уни биринчи бор бу ҳолатда кўрган Хуршида бону беихтиёр орқасига тисарилиб: "Сизга не бўлди, мирзам?" — деди. Мирза жавоб бермай, уни нозик белидан қучиб ўзига тортди-ю, лабларидан, юзидан, кўзларидан ўпа бошлади. Унинг бўсасида эҳтирос эмас, кишини чўчитадиган телбаларча бир нарса бор эди. Ниҳоят у ўпишдан тўхтаб:

— Дарҳол кийим-кечагингни йиғиштир! — деди қалтираб. — Зеб-зийнатларингни қутига сол! Иссиғроқ кийин! Ҳозир узоқ сафарга чиқурмиз. Тезроқ бўл! Тезроқ! — Мирза шундай деди-да, югурганича хонадан чиқиб кетди.

Хуршида бону юрагини чулғаб олган совуқ шубҳа ва қўрқувдан гарансиб, дам зеб-зийнатлар тўла қутичаларига, дам кийим-кечаклар солинган сандиқларга югурди.

Ниҳоят, хиёл ҳушини йиғиб, ичидан олмахон мўйнаси қопланган қора мовут камзулини, оёғига кобулий этикчасини кийди, бошига оқ туянинг жунидан тўқилган иссиқ рўмолини ўради, зеб-зийнатларини тилла қутичага солиб, дарича ёнига борди.

Ҳовлида югур-югур бошланган, шивир-шивир овозлар эшитилар, эшиклар шарақ-шуруқ очилиб-ёпилар эди. Қош қорайиб қолган, яқиндаги масжиддан азон айтган муаззиннинг мунгли нидога ўхшаш овози қулоққа чалинар, лекин ҳовли ва уйлар зим-зиё, ҳеч қаерда милт этган чироқ йўқ, фақат кашта тикиш учун шам ёққан Хуршида бонунинг хонасигина ёруғ эди.

Сал ўтмай мирза қайтиб кирди. У бошига тулки тумоқ, эғнига пўстин кийиб, белидаги кумуш камарига қилич тақиб олган эди. У Хуршида бонуни янги либосда кўриб, яна боягидай бир дақиқа тикилиб қолди.

Кейин яна боягидай юзларидан, кўзларидан телбаларча ўпаркан:

— Нечук олло сенга бу жамолни бермиш? — деди аламли дард билан. — Нечун мен ғарибни сеҳринга банди қилмиш? Йиғиштирилиб бўлдингму? Зеб-зийнатларни олдингму? Юр, отлар тайёр... — мирза гапини тугатмай, тўсатдан қулоғини динг қилганича қотиб қолди. Ташқи ҳовлида қандайдир тўполон бошланган, от туёқларининг дупури, қиличларнинг шарақ-шуруғи эшитилар эди. Меҳмонхонада кимдир дод солиб уввос тортди, заифалар қий-чув кўтарди... Бу қий-чувдан ҳушёр тортган мирза эшикка отилди, ўзига бўйсунмаган қалтироқ қўллари билан зулфинларни солишга уринди. Лекин шу маҳал, ҳовлида нағал қоқилган этикларнинг сескантирувчи гурсиллаши эшитилди. Зум ўтмай, кимдир эшикни шитоб билан тепди. Узилиб кетган эшик зулфини беҳуш турган Хуршида бонунинг қулоғи остидан ўтиб, тоқчага бориб тушди-ю, кумуш баркашларни даранглатиб юборди.

Мирза жонҳолатда қилични яланғочлаб қора тўфондай ёпирилиб кириб келаётган навкарларга ташланди. Лекин ёпирилиб кирган навкарларнинг бир қисми уни чалиб қулатиб, устига чиқиб олишди, бир қисми Хуршида бонуга ташланишди. Кимдир унинг бошига қора мато ташлаб, бўғиб олди, кимдир даст кўтарди... Хуршида бону навкарлар қўлида қушдай питирлаб, бошидаги қора матони юлқилаб очаркан, ерда бўғизланган қўйдаи талпинаётган мирзани кўрди. Навкарлардан бири уни аёвсиз тепкилар, яна бири қўлларини орқасига қайириб, чилвир билан боғлар эди...

Хуршида бону Кўксаройда ҳушига келди. У шифти қуббасимон чароғон хонада, қалин ипак кўрпалар устида ётар, бўйинлари ва қўлларидаги қат-қат зеб-зийнатларини нафис жаранглатиб югуришиб юрган ёш канизлар унинг бурнига биллур шишачаларни тутишиб, аллақандай ўткир ва хушбўй дориларни ҳидлатишар, пешонасига, ёноқларига атиргул сувларини суртишарди. Сал ўтмай, ҳарам бекаси кириб зўрлаб оғзига қуйгандай қилиб бир пиёла шароб ичирди-да, ҳаммомга олиб кетди. Кейин олдига шаҳзода кирди...

Хуршида бону шаҳзоданинг сарак-сарак қилган боши, шаҳват билан ёнган кўзлари, негадир дир-дир титраган узун нимжон гавдаси эсига тушди-ю, тирноқларигача зирқираб кетди...

"Ажаб! Боққа қараган дарича тиқирлагандай бўлди-ми?"—Хуршида бону кўйлагининг ёқасини ушлаганича бўйи бараваридаги тош панжарали даричага тикилиб қолди. Аксига олиб, энагаси ҳам ухлаб қолган эди. Бечора кампир, дадасининг қайтишини пойлай-пойлай ҳозиргина боши ёстиққа теккан эди, дарҳол пинакка кетди... Бону ёш боладай гужанак бўлиб ётган энагасига қўрқибгина кўз ташлади... Ҳў, қўрққанга қўша кўринур дегандек, унга дарича тиқирлагандай туюлгандир... Йўқ, яна тиқирлади. Тўхтаб-тўхтаб уч марта тиқирлади... "Ё парвардигор! Ёлғиз у, шоир Қаландар Қарноқий мана шундай тўхтаб-тўхтаб уч марта тиқирлатар эди!" Хуршида бону ҳаяжондан қимир этолмай, кўзларини катта очганича даричага тикилиб ўтирарди... Наҳот олло гадоийи Қаландар бўлса? Уми? Бошқами? Қаландар не қилади келиб? Муддаоси не?... Хайрият, жимиб қолди. Шамолга ўхшайди... Бону ўша машъум воқеадан бир ҳафта олдин Қаландарни дарвозалари ёнида кўргани эсига тушиб, беихтиёр кўзига ёш олди...

Унинг тўйидан кейин Қаландар таркидунёликка юз тутганини бону эшитган эди. Лекин уни бу аҳволда кўраман деб бошида эски кулоҳ, эгнида жулдур жанда, соч-соқоли ўсиб кетган бир девона қиёфасида кўраман деб, ўйламаган эди. Шунинг учунми, "мирзам!" деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Хайрият, кўрган туши эсига тушиб, мирзадан девонага хайри эҳсон беришини сўради-ю, бек ҳеч нарсани сезмади, олтин тангани Қаландарнинг оёқлари остига даранглатиб ташлади-да, ҳовлига кириб кетди...

Ўша кечаси мирзанинг бетоқат бўсалари, эҳтиросли

қучишлари мисоли оғу бўлиб туюлди бонуга. Ҳазрат, мирза ухлагач, тонг отгунча йиғлаб чиқди. Бир зум кўзини юмса нигоҳи олдида Қаландарнинг қиёфаси, "мирзам", деганида чарақлаб кетган кўзлари намоён бўларди-ю, эсига бурунги шоир Қаландар тушар, шу уй, шу меҳмонхонада бир-бирларига шеърлар ўқиб ўтган масъуд дамлар хаёлида жонланиб, тинган кўз ёшлари қайта тирқираб оқарди... Ё раб! Дарича яна тиқирлади! Бир... икки, уч... тўхтаб-тўхтаб уч марта тиқирлади!..

Хуршида бону юраги гурс-гурс-уриб, энагасига қаради... Шоир Қаландар Қарноқий унга ошиқ бўлиб, дарича чертиб келиб юрган маҳалда аввал ҳамиша энагаси чиқиб хабар олар, шундан кейингина бону чиқарди... Ана, яна чертди! Тўхтаб-тўхтаб уч марта чертди...

Хуршида бону шоша-пиша ўрнидан турди, бошига иссиқ тивит рўмолини ўради, мовут камзулини ёпиниб, оёғига бежирим кобулий кавушини илди-да, оёқ учига юриб хонадан чиқди. У ер-бу ерида тош фонуслар милтираган ўрдадай ҳовлидан ўтиб, боғ эшикнинг олдида борганда Хуршида бону нафаси оғзига тиқилиб, яна тўхтади... Шоир Қаландарми, бошқами? Қаландар! Ундан бошқа ким бўлади? Сарой сипоҳлари боғдан келиб, дарича чертиб юрмайди! Бироқ у бўлса... Нечун келди? Муддаси не?... Э, парвардигор, ўзинг мадад бергайсен!

Хуршида бону хира шуъла тушиб турган бобосининг даричасига бир қараб қўйди-да, эшик занжирини оҳистагина олди. Япроқлари тўкилиб, ҳувиллаб қолган боғ устида, ариқ бўйида қулоч ёзган кекса ёнғоқ тепасида, гўё масжид гумбазига қадалган кумуш ҳилолдай бир тилим ой ялтиллаб турар, унинг заиф шуъласида боғ аллақандай ғариб туюлар, яланғоч дарахтлар юпун гадолардай дилдираб қолган эди.

Даричанинг тагида ҳеч ким кўринмади. Хуршида бону дук-дук урган юрагини ҳовучлаганича ёнғоқ томонга юрди. У ерда бир нима чирс этиб сингандай бўлди. Хуршида бону тўхтаб, қоронғига тикилди. Ёнғоқ шохлари орасида бошига кулоҳ кийган барваста бир одамнинг қораси кўринди... Ҳа! Шоир Қарноқий!..

Хуршида бону дармонсизланиб ариқ бўйидаги толга суянди. Ёнғоқ тагидаги қора кўлага қалин шохлар орасидан мўралаб, секин шивирлади:

—Энагажон! Қўрқманг, бу—мен, девона Қаландар...

—"Қаландар!.."—Хуршида бону нечундир ўпкаси тўлиб, кўзига ёш олди-ю, тол тагидан чиқди.

—Хуршида бону?.. Сиз... Сизму?

—Ҳа, мен...—Қаландар Қарноқийнинг товушидаги қўрқув ва ҳаяжон Хуршида бонуга хиёл дадиллик берди. У оҳиста юриб, ёнғоққа яқинлашди. У ерда осилиб ётган шохларни журъатсизгина суриб, Қаландарнинг юзига қиё боқди. Қаландар осмондаги ойга тескари тургани учунми, унинг жанда кийган барваста гавдаси, соқол босган юзи қоп-қора ва аллақандай ваҳимали кўринарди. Илгари, бу хонадонга тез-тез келиб юрган маҳалда у қўйдаи ювош, қизлардай тортинчоқ кўринар, чеҳраси ҳам бошқача, жуда мулойим эди. Фақат синовчан қадалган кўзлари қоронгида аллақандай чақнаб турарди...

—Афв этгайсиз, бону,—деди Қаландар,—қиблагоҳингиз... мавлонога бир оғиз сўзим бор. Иложи бўлса йўқлаб берсангиз...

Қаландарнинг товуши нотаниш, бўғиқ эди.

—У киши... уйда йўқдур...—Хуршида бону яна ўпкаси тўлиб, энтикиб-энтикиб гапирди.—Сипоҳлар келиб, у кишини Кўксаройга олиб кетмишлар...

—Қачон?

—Боя хуфтонда. Тўрт нафар сипоҳ уйимизга бостириб кириб, олиб кетмишлар...

—Эй дариг!—Қаландар беихтиёр бонуга томон бир қадам ташлади.

Ёнғоқ шохлари орасидан қуйилиб турган ой шуъласида бонунинг чеҳраси ҳеч ўзгармагандай туюлди унга. Ўша, иягига томон ингичкаланиб кетадиган узунчоқ мулойим юз, кенг, силлиқ пешана, гўё уста санъаткор чизгандай қоп-қора қошлар тагида маъсум мўлтираб турган серкиприк кўзлар, ўша, хиёл җимарилиб турадиган, учларида чуқурчалари бор латиф лаблар... Фақат жуда озгану, бурунгидан ҳам хипчароқ, нозикроқ кўринади.

Хуршида бону унинг тикилиб қараганини кўриб, кўзларини олиб қочди, беихтиёр қуйилиб келаётган кўз ёшларини яширишга тиришиб, бошини эгди...

"Топиб ёлғиз, дилим розин баён этмоққа ожизмен,
Узун тунлар хаёлингга ўтур бедор, билмайсен..."

Қаландарнинг юрагини маънос куйдай тиниқ бир ҳис чулғаб олди. У илгари, мавлоно Муҳиддиннинг таълим-хонасида бону билан ёлғиз учрашган маҳалларида шундай бўлар, иягини кафтларига қўйиб, унинг шеърларига жимгина қулоқ солиб ўтирадиган бу маъсума Қаландарнинг

дилида қайноқ эҳтиросдан ҳам нашғали, чексиз бир меҳр уйғотарди... Қаландар кўнгли бир хил бўлиб:

—Қўрқманг, бону,—деди.—Падарингизга шикаст етмас.

—Иншооллоҳ, айтганингиз келсин,—деди Хуршида бону пичирлаб. —Мана, тун яримдан ошди, ҳануз дарак йўқ...

—Қўрқманг, бурни ҳам қонамайди падарингизнинг!

Қаландарнинг овозидаги кинояни сезган бону бошини кўтаради.

—Сиз қайдан биласиз?

—Биламен, бону. Токи...—Қаландар ойдинда жавдираб турган маъсум кўзларга кўзи тушиб, тилини тишлади. Хаёлидан: "Нега бу бечорага қаҳримни сочамен, унинг гуноҳи не?" деган фикр ўтди. Бечора бону! У худди шу сарда, шу ёнғоқ остида, мана шундай осуда тунда юрак ютиб унинг ёнига чиққан эмасмиди? Шу нозик қаддиқомати, ёшлиги, маъсумлиги ҳолида у билан қочишга журъат қилган эмасмиди? Умрида йўқчилик ва қийинчилик нималигини билмаган қиз, суюкли хонадонини тарк этиб, у билан дарбадар ҳаёт кечиришга, йўқчилик ва қаҳатчиликларга бардош беришга бел боғлаган эмасмиди? Шунда Қаландар шу маъсума тенги бўлолмай, унинг иродасини букиб, аҳдидан қайтарган эмасмиди? Энди нега унга зарда қилади? Нега отасининг гуноҳини унинг юзига солиб юрагини тиглайди?

Хуршида бону сабрсизланиб:

—Нечун индамайсиз? —деб сўради.

—Сабаби... бу сир-асрорни сиз билмаганингиз яхшидур, бону.

—Нега?—Бонунинг овозидаги тараддуд, чеҳрасидаги тортинчоқ мулойимлик совуқ бир қатъият билан алмашди.

—Негаким, бу сирни айтсам дилингиз оғрийди, бону...

—Дилимни оғритишдан қўрқсангиз нечун сўз очдингиз? Сўз очиб яна нечун яширасиз? Сўзланг! —Хуршида бону иссиқ қўлини Қаландарнинг қўлига қўйди. —Бошимда қилич турса ҳам сўзланг!

Унинг овози нафрат аралаш бўлакча бир алам билан янграб кетди-ю, бунинг сабабига тушунган Қаландар беихтиёр бошини эгди.

—Кечиргайсиз, бону, фақир сизнинг олдингизда гуноҳқормен...

—Қўйинг!—деди бону пичирлаб.—Барини оллодан кўрдим.

—Биллоҳ, чин сўзим шу! Айб сизда эмас, мавлонода ҳам эмас, каминададур...

—Не чора?..

—Не чора!—Қаландар жандасининг ёқасини юлқиб очди, нафаси етмай бўйинини, жундор кўрагини ишқади.—Ўша пайтда нечук сўзингизга кирмадим, нечук сиз билан бирга элимга қочмадим, нечук саҳрода ғанимлар қўлида ўлиб кетмадим? Мана, неча ой бўлдимки, шуни ўйлаймен, шу дард юрагимни тиглайди, бону!

Хуршида бону бошини бир томонга эгиб, пастки лабини тишлаб жимгина турарди. Унинг кўнглидаги бояги аламли туғён сўниб, кўзига яна ёш келди. Ўша ёз оқшоми, Қаландарни илк бор девона қиёфасида кўрганида ҳам худди шундай бўлган, дилидаги барча адоват, барча гина-кудуратлари эсидан чиқиб, кечаси билан йиглаб чиққан эди... Мана энди, унинг дардларини ўз оғзидан эшитиб, яна кўнгли вайрон бўлди, негадир унинг бир маҳаллар инъом этган шеъридан бир байт эсига тушди:

"Дарди қолимдин санам ғофил агар огоҳ эсанг,
Ҳеч ғамим йўқ, сен менга гар дилбару диллоҳ эсанг..."

"Ё раб! Гадолик йўлини ихтиёр этган бу дарвеш эски дардни кўзгаб не қилади? Нечун келди? Муддаоси не унинг?"

Хуршида бону узуклари ялт-ялт қилган бармоқлари билан киприкларидаги ёшларини артиб, Қаландарга қаради.

—Мендан бир сирни яширмоққа уринасиз?!

—Бону...

—Сўзланг! Бошга тушганини кўз кўрар. Қўрқманг!

"Ўзидан хавфсирайди. Энди сўзламасам кўнглига ёмон шубҳа тушади..." Қаландар кўрагини тўлдириб нафас олди, сўнг:

—Сиз устод Мирзо Улуғбек қатл қилинганидан хабарингиз борму?—деб сўради.

—Ё раб! Қачон?!

—Бир ҳафта бўлди... Не чора, ўз фарзанди шаҳзода Абдуллатиф қатл қилмиш...

—Ё парвардигор!—Хуршида бону кўзларини юмиб лабларини секин пичирлатди. Унинг нигоҳи элдига Кўксарой ҳарамининг серҳашам хонаси, хонага кириб, ҳарир ипак парда орқасида тўхтаган аълоҳазратлари келди, қулоқлари

остида унинг аллақандай ғамгин товуши эшитилгандай бўлди: "Бону! Шаҳзода сизни қаттиқ хўрлабдур. Мен уни қаттиқ койидим. Лекин не чора? Бўлар иш бўлибдур. Энди не қиласиз? Ҳарамда қоласизму ё ўз хонадонингизга кетасизму?"

—Аълоҳазратлари ижозат этсалар, кетар эдим...

—Тилагингиз вожиб бўлур. Саройбонга айтамен, шу букун элтиб қўядур. Отангиз билан бобонгизга дуою саломимни етказгайсиз. Онҳазрат шаҳзоданинг бу тубан юмуши учун узр сўрайдур, дегайсиз. Ёшсиз. Олло таоло эмди сизга саодат ато қилгай, қизим!..

Хуршида бону қуруқшаган лабларини ялаб:

—Ё парвардигор!—деб такрорлади.—Фарзанд ўз бузрукворини қатл қилса! Қай кунларга қолдик? Не сафолат, не қабоҳат бу?..

—Ҳа, тенгсиз сафолат, тенгсиз қабоҳат! —деди Қаландар бўғилиб.—Лекин зурриётлари қанчалар разил бўлса, устод шундай пок эди. Фарзандлари бир зулмат бўлса, ул зоти олий мисоли бир офтоб эди. Бу офтобнинг зиёсидин ёлғиз биздай муслимлар эмас, сиздай муслимлар ҳам баҳраманд эдингиз...

Хуршида бону "ҳақ сўз" дегандай оҳиста бош ирғади. Қаландар ой шўъласида бош эгиб турган бу маъсум санамга тикилганича бир зум жим қолди. У яна боягидай сирни очиш-очмаслигини ўйлаб қийналар, очай деса, унинг юрагини қон қилишдан қўрқар, очмай деса... Бону бутун вужуди қулоқ бўлиб кутиб турарди.

—Устод Мирзо Улуғбек қирқ йил шоҳлик қилиб орттирган хазинасини асраб қолмоқ ниятида, бу фожиадан бир ҳафта муқаддам, мавлоно Али Қушчини чақириб, хазинани унга топширган эди...

—Хазина?!

—Илм хазинасини айтамен. Расадхонадаги барча нодир китобларни, барча ноёб қўлёзмаларни айтамен. Бу китоблардан баъзиларини кўргандурсиз, бону?

—Ҳа, ҳа, кўрганмен...—Бонунинг эсига лоп этиб отаси берган рисола тушди. Аълоҳазратларининг олис тарих ҳодисаларини ҳикоя қилувчи бу рисоласини бону саргузашт қиссадай қизиқиб ўқиб чиққан, шунинг учун ҳам уни бўлакча бир меҳр билан оққа кўчириб берган эди!..

—Сўзлай беринг!—деди бону шивирлаб.

—Устод бу хазинанинг тақдирини мавлоно Али Қушчиға топширган эди. Мавлоно Али Қушчи устоднинг васиятига амал қилиб, эҳтиёт чораларини кўрган эди.

Буткул доруссалтанада бу сирдан бор-йўғи уч киши воқиф эди...

—Шулардан бири... қиблагоҳимдур?

—Балли!

—Сиз бу сирни отам ошкор қилмоғидан қўрқасиз?

—Не чора, шубҳа қилмоққа сабаб бордур.

—Йўқ!—Хуршида бону қоронғида кўзлари чарақлаб, Қаландарга тик боқди.—Бузрукворим бу тубанликка бормайди!

—Иншооллоҳ, айтганингиз келсин. Ва лекин...—Қаландар бонунинг порлаб турган кўзларидан кўзини олиб қочди. —Ҳар қалай, мавлоно билан бир суҳбатлашмоқ ниятида келдим, бону.

Хуршида бону чуқур тин олиб:

—Сабр қилғайсиз,—деди.—Отахоним билан ўзим сўзлашамен! Агар-чи, сиз айтгандай Кўксаройдан бешикаст қайтса ўзим сўзлашамен.

—Фақир эрта-бурускун келамен,—деди Қаландар ва жавоб кутиб бонуга қаради. Лекин Хуршида бону индамади. У бошидаги оппоқ тивит рўмолининг учини бармоқларига ўраб, кўкдаги ойга тикилиб қолган, лаблари ҳимарилган, мулойим чеҳрасида, бўтанинг кўзларидай катта-катта кўзларида чексиз бир мунг акс этиб турарди...

—Келмасам бўлмас. Сабаби... жаннатмакон Мирзо Улуғбек ҳазратларининг ноёб хазинасигина эмас, мавлоно Али Қушчидай илм офтобининг тақдири ҳам бузрукворингизнинг қўлидадур, бону...

—Мен сўзлашамен,—деди Хуршида бону. Лекин унинг овозидаги бояғи қатъият сўнган, бу қатъият теран бир ўйчанлик билан алмашган эди.

—Ташаккур, бону,—деди Қаландар.

Гап тугаган эди. Лекин Қаландар Қарноқий кетгиси келмас, бошини ҳам қилиб чуқур ўйга чўмиб қолган бу нозик санамга тикилиб, унинг қўлларида ушлаб узоқ тургиси, бағрига босиб юпатгиси, нечундир оёғига тиз чўкиб қайта-қайта кечирим сўрагиси келарди. Лекин узр айтиш ҳам ортиқча, бошқа сўзга ҳам ҳожат қолмаган эди. Буни бону ҳам тушунди чамаси:

—Хайр сизга,—деди эшитилар-эшитилмас.—Омон бўлғайсиз...

—Хайр, бону...—Қаландар оғир хўрсиниб, ёнғоқ тагидан чиқди-да, оёқ остидаги хазонларни шатирлатиб, боғ охиридаги жарликка тушиб кетди. Хуршида бону бир-бир босиб орқага қайтди. Боғ эшикка етганда бутун вужуди

бўшашиб, эшикка суюниб қолди. Сўнг, негадир бирдан ўпкаси тўлиб, иссиқ пешанасини муздай пахсага қўйиб юм-юм йиғлади...

7

Йўқ, бу Али Қушчи ўйлаган қудуқдай чуқур, мудҳиш зиндон эмас, узунига уч-тўрт, энига икки-икки ярим қадам келадиган зимистон бир унгур эди. Кечаси Али Қушчини олиб келиб қамаганларида, бу зим-зиё хона унга чин зиндондай мудҳиш туюлиб, тирноқларигача зирқираб кетган эди. Аста-секин ҳушини йиғиб, қамоқхонани бир айланиб чиқди. Али Қушчи умрида зиндон кўрмаган бўлса ҳам, унинг даҳшатлари тўғрисида бир-биридан ваҳимали кўп гаплар эшитган эди. Ҳар қалай, бу ҳибсхонага шукур қилса бўларди. Ёлғиз бир нарса ёмон, ҳибсхона сарой отхоналарига ёндош бўлса керак, димоғни ёриб юборгудай қўланса бир ҳид келар, ғадир-будир тош деворлар офтоб ўтказмагани учун жуда совуқ ва зах эди. Лекин не чора? Уни Кўксаройга, илгаригидай Мирзо Улуғбекнинг гулгун зиёфатларига, шоирлар ва фозиллар даврасида ўтадиган дилкаш суҳбатларга эмас, тамом бошқа жойга, бошқа муддаода олиб келмишлар... Бу мудҳиш, камбар ҳибсхонадан унинг қачон чиқишини, зотан тирик чиқадими, йўқми—буни ёлғиз парвардигори олам билади, холос. Бундан буён унга ёлғиз бир нарса—сабот керакдур, сабот!..—Али Қушчи ўзини босишга қанча уринмасин, гўё қафасга тушган шердай бетоқат бўлиб, ҳибсхонада гир айланар, қоронғида турганиб ғадир-будир деворларни, темир қопланган оғир эшикни қайта-қайта пайпаслаб кўрарди, гўё нафас етмаётгандай туюлиб бўғилар, тўлганар эди. Гоҳо-гоҳо ҳушига келиб, қадамини секинлаштирар, тор ҳибсхонани оҳиста айланаркан, унинг учун энди биттаю битта чора қолганини, у ҳам бўлса сабру тоқат эканини қайта-қайта кўнглидан кечирар, лекин сал ўтмай бу аҳди эсидан чиқиб, яна тоқатсизлана бошлар эди. Ниҳоят, ҳолдан тойди чамаси, кўз олди қоронғилашиб, бурчакдаги эски бўйрага чордана қуриб ўтирди, ўтиргани ҳамон нечундир эсига энаси тушди.

Кеча кечкурун энаси Тиллабиби яна келган эди. Муштипар кампир! У Оқсаройдан расадхонага нўхат солинган бир лаган палов кўтариб келибди. Али Қушчи, гарчи кампирнинг таомларини яхши кўрса ҳам, унинг

тез-тез келишини, келиб ўглининг дунёдан сўққабош ўтаётганидан нолиб, кўз ёши қилишларини ёқтирмас эди. Лекин бу сафар эрталабдан нечундир кўнгли гаш бўлиб, ўзини нохушроқ сезиб ётгани учунми, энасини кўриб суюниб кетди. Мирам Чалабийга айтиб, танчанинг қўрини янгилашиб, кампирга жой солиб берди. Сўнг, учовлон танча атрофига ўтириб, дастурхонни очишди. Зираворлар солиниб, Али Қушчи суйган қора мурч сепилган иссиқ паловнинг хушбўй ҳиди тор ҳужрани тўлдириб юборди. Лекин улар ҳали паловга қўл урмаган ҳам эдиларки, ташқарида аллақандай гала-ғовур кўтарилиб, хонага уч-тўрт нафар навкар ёпирилиб кирди.

Навкарларни кўрган Али Қушчи билан Мирам Чалабий ўринларидан сакраб туришди. Тиллабиби эса, аввал ўтирган жойида бош сараклаб, беҳуш серрайиб қолди, кейин Али Қушчини олиб чиқиб кетаётганларини кўриб, апилтапил ўрнидан турди-да, пилдираб келиб, ўглини бўйнидан қучоқлаб олди...

Энасининг унсиз йиғиси, сўник кўзларидан тирқираб оққан ёш томчилари эсига тушган Али Қушчи вужуд-вужудигача қақшаб секин инграб юборди. У кўзларини юмиб, тишини тишига босиб узоқ ўтирди, сўнг, аста-секин ҳушини йиғиб, ўзини койишга тутинди: "Нечук тўлғанасен, нечук ёш боладай бесабр-бетоқат бўласен, сенга не бўлди, Али? Ҳақ таолонинг синовларидан, бу мудҳиш ҳибсу зиндонлардан қўрқсанг, нечук устоднинг тилагига ризолик бердинг? Бошда, устод Кўксаройга чақириб, гарданинга бу хатарли юмушни юклаганида... нечук хўп дединг, нечук бир баҳона топиб ўзингни чеккага олмадинг? Ё шаҳзода Абдуллатиф ҳазрат Низомиддин Хомуш янглиғ бидъат ва хурофот маддоҳларининг қўлидаги бир қора чўқмор эканини билмас эдингми? Ўз падари покига қилич кўтарган бу мустабид ҳеч бир кимсага шафқат қилмаслигини, меҳру оқибатдан маҳрум бир махлуқ эканини билмас эдингми? Йўқ, билар эдинг! Устоднинг бошида турган қилич сенинг бошингда ҳам ярқираб турганига, устод тожу тахтдан жудо бўлса, сенинг бошинга ҳам кўп савдолар тушишига ақлинг етар эди. Ақлинг етиб туриб, бу хатарли юмушга бел боғлаган эдинг. Илм-маърифат йўлида, бўлғуси авлодларга Улуғбек зиёсидан бир нур қолдирмоқ ниятида бу юмушга ризолик берган эдинг! Бас! Бошда ҳаммасига ақлинг етиб туриб, бу хатарли ишга бел боғлабсен, алҳол нечун титрайсен? Нечун телбаланиб, ўзингни у ёқдан-бу ёққа отасен? Сабру

тоқат ўрнига бошингни деворга уриб, фарёд қиласен?— Али Қушчи яна боягидай истеҳзоли кулиб қўйди.— Билиб қўй, эй, алломаи замон! Бу ҳибсхона, бу мислсиз синов сен учун ҳали бир ҳалводир! Олло билади, бошингда ҳали не савдолар, не синовлар бор? Эҳтимол, устоднинг қутлуғ бошини кесган машъум қилич сенинг бошингни ҳам танангдан жудо қилур? Эҳтимол, қолган умринг шу тор, зах, зимистон гўрда ўтиб кетар! Эҳтимол, энди ҳеч қачон ўзинг суйган чексиз коинотни, тунларда милт-милт ёнган сирли юлдузларни кўрмассен? Уларнинг унсиз розини эшитмассен?.. Қариндош-уруғ, ёр-биродарларинг, волидаи меҳрибонинг билан абадулабад дийдор кўришмассен? Сен-ку бошингга тушганини кўрарсен, етмишдан ошган муштипар энангнинг ҳоли не кечади?"

Али Қушчи суяк-суякларигача зирқираб, изтироб ичида ўридан туриб кетмоқчи бўлди-ю, яна ўзини босиб, маъюс бош тебратди: "Сабот қилгайсен, биродари азиз! Ҳибсга тушганингга бир кун ўтмай бундай бетоқат бўлсанг, кейин не қиласен? Бошингга бундан қаттиқ мусибат, бундан ёмон савдолар тушганда ҳолинг не бўлади, азизим? Ё парвардигор! Осий бандангни бу ёлғон дунёдан ўз раҳматингга чорлагайсен ва лекин юлдузлар тўла коинотни кўрмоқ ва мушоҳада қилмоқ, фалак сирларини идрок этмоқ саодатидан маҳрум қилмагайсен!"

Расадхонани эслаши билан Али Қушчининг кўзи олдига яна устод келиб, кўнгли хиёл равшан тортди.

Устод салтанат юмушларидан безган ё кўнгли аллақандай ғам-андухга тўлган маҳалда ҳамиша расадхонага келар, қўлига олатларни олиб, фалакка кўз тикиб, тонг оттирар эди. Гоҳида, юлдузларни кузатиб чарчаган ёхуд мутолаадан толиққан пайтларида қўлига суюкли танбури-ни оларди...

Устод танбур чертишда беназир эди. Шаҳодат бармоғига олтин ноҳин тақиб, кўзларини юмиб, танбури оҳиста чертганида, кишининг дилини аллақандай тиниқ, куз офтобидай майин бир мунг чулғаб олар, киши нечундир йиғлагиси келар, лекин кўздан оққан бу ёш юракни эзмас, аксинча, бутун андуҳ, бутун дард, бутун ғуборни ювиб кетарди... Ноҳин тақилган бармоқ тагидан оқиб чиқаётган бу ҳазин куй, тасвир этиш қийин бўлган бу теран мунг кишини қандайдир софроқ, яхшироқ, меҳрибонроқ бўлишга ундарди...

Устод ўзи ҳам, танбури чертиб бўлиб, киприкларида милтираган кўз ёшларини артаркан: "Ғалат нарса-да бу

куй!—деб қўярди.—Гоҳо бу фоний оламга келганимдан пушаймон бўламен. Умар Хайём ҳазратлари айтгандек, бу дунёга нечун келдим, нечун кетдим, деган хаёлларга бориб, тўлиб кетамен. Ва лекин бир маротаба "Чоргоҳ"ни эшитсам, барча кўҳи ғамдан қутулиб, кеча туғилган гўдакдай мусаффо бўламен. Филҳақиқат, бу дунёга келиб, инсон фарзанди яратган бу бир куйни эшитиб кетмоқ ўзи бир саодат эмасму, ўғлим Али?.."

Не чора? Тенгсиз салоҳият эгаси бўлмиш шундай инсон бу бахти қаро элнинг пешанасига сигмади! Не чора?..

Али Қушчи тагидаги бўйрадан маҳсисининг ичига қандайдир ҳашаротлар ғивирлаб кирганини ва дарҳол оёқлари жазиллаб кетганини сезиб, ўрнидан туриб кетди... Ҳибсхонанинг қўланса ҳиди, захлиги ва совуқлиги етмас эдимми? Энди бургаю канага ем бўлиш қолдимми?

Али Қушчи бир ўйи тонг отди чамалаб, бир ўйи ўзини овутиш умидида, таҳоратга сув сўраб, эшикни қоқди, ҳеч ким жавоб бермагач, қўлларини тупроққа суртиб, таяммум қилган бўлди-да, чакмонини ёзиб намоз ўқиди. Намоздан кейин яна хаёл денгизига шўнғиди. Қанча фурсат ўтди? Тонг отдимми ё унга шундай туюлдимми? Башарти тонг оттириш шундай қийин бўлса, бир умр ҳибсга маҳкум қилинган мазлумлар қандай бардош қилар экан?..

Вақт ўтмоқдами ё тўхтаб қолдимми, билиб бўлмас эди, дақиқалар шундай секин ўтар эдики, назарида табиатнинг азалий қонуни бузилган, кун чиқиб ботиши, қоронғи тун ёруғ кун, зулмат зиё билан алмашиши тўхтаган, бутун мавжудот ҳаракатсиз жой-жойида қотиб қолган эди. Тун билан куннинг фарқини у фақат бир нарсадан билар, кечаси девор қавакларидан чиқадиган қана ва бургалар кўпаяр, кундузлари негадир камаяр эди. Ҳар куни икки маҳал темир тасмалар қоқилган оғир эшикнинг кафт-деккина даричаси очилиб, қоровул пиёланнинг юзидеккина арпа кулча билан бир чети кемтик сопол косада совуқ сув берарди. Али Қушчи бу сувнинг ярмини ичиб, ярми билан юз-қўлларини ювган бўлар, арпа кулчани учга бўлиб, бир қултум сув билан уч маҳал тановул қиларди.

Ҳибсга тушганининг учинчи ёки тўртинчи куни тун ярмидан ошган эди чамаси, канаю бургалар билан олиша-олиша энди кўзи илинган Али Қушчи эшик зулфинларининг шалдир-шудирини эшитиб, чўчиб уйғонди. Темир қопланган оғир эшик ёғланмаган ғилдиракдай зорли ғичирлаб очилди-да, қўлларидида машғал ушлаган одамлар кўринди.

Бир неча кундан бери ёруғ кўрмаган Али Қушчи

машғалга тоб беролмай кўзини юмди. Кўзини қайта очганида эса, беихтиёр юраги ҳаприқиб кетди. Бўсағада... лабини қилич кесиб, тиртиқ бўлиб қолган, бир кўзи ғилай кўса ясовул билан (Али Қушчи уни қаердадир кўрган эди) амир Султон Жондор тархон турар, уларнинг орқасида машғал ушлаган икки нафар ясовул кўринарди.

Оёғига қизил сахтиён этик, устига кўк мовут чакмон кийиб, белини кумуш камар билан боғлаган, бошига эса қундуз телпак кийиб, учига қизил попилтириқ тақиб олган (бу попилтириқ амирлик аломати эди) амир Султон Жондор тархон ичкарига кирмоқчи бўлиб бир қадам босди-да, иккиланиб тўхтади. Унинг қалин қошлари остига яширинган сал қисиқ кўзлари Али Қушчига синовчан тикилган, гўё унинг иродаси букилганми, йўқми, билмоқчи эди. Ниҳоят, у барваста қаддини оғир тебратиб:

—Мавлоно Алоуддин ибн Муҳаммад Али Қушчи ҳазратлари саломат бўлсинлар!—деб хитоб қилди.

"Киноя қилмоқчи!—хаёлида деди Али Қушчи. Беихтиёр устодга хиёнат қилган лашкарбошилар тўғрисидаги мишмишлар эсига тушди. —Бундан чиқди, Мирзо Абдуллатиф билан тил бириктириб, устодга чоқ қазиган амирлардан бири шу каззоб Султон Жондор экан-да! Минг ҳийлаю найранглар билан устоднинг камоли ишончини қозониб, амирлик лавозимига кўтарилган, қатта давлат орттириб, ном чиқарган бу иблис алҳол уни мазах қилармишми?"—Али Қушчи шу топда ажал билан ўйнашаётганини билса ҳам, пичингдан ўзини тутолмади:

Шаҳриёри фалак-иқтидор Мирзо Улуғбек ҳазратларининг ўнг қўли бўлмиш амир Султон Жондор тархон жаноблари бу гулшани фирдавсга хуш кептилар!

Амир Жондорнинг кўзларидаги синовчан ифода сўниб, пешанаси тиришди. У ер остидан ғилай ясовулга бир қараб қўйди. Сўнг, бир ҳатлаб ичкарига кирди-да, норғул гавдаси билан эшикни тўсиб, қиличчининг бандини ушлаб-ушлаб қўйди.

—Мавлоно Али,—деди у қовоғини солиб.—Камина илм-фандан йироқ, қўрс бир навкар эдим. Аммо сиз... сизни ақли зукко аллома деб эҳтиром қилар эдим. Таассуфлар бўлғайким, қаттиқ янглишибмен.

—Ҳайҳот! Фикримиз бир ердан чиққандур!

—Не фикр?

—Бандаи гофил ҳам сизни раҳматлик устоддан кўп яхшилик кўрган, унинг энг содиқ амирларидан бири деб ўйлаган эдим. Надоматлар бўлғайким, фақир ҳам қаттиқ янглишибмен!

Амир Султон Жондор бир қадам олдинга юрди. Унинг уйқусизликдан киртайиб қолган кўзларида ҳайратга ўхшаш бир нарса милт этди, лекин иккинчи дақиқада бу ҳайрат сўниб, қиличини ярмигача суғуриб олди, кейин негадир қайта "шақ" этиб қинига солди, тақасимон чиройли мўйловининг учлари ғалати дикрайиб, ғилай ясовулга юзланди: "Олиб чиқ!"

У шундай деб бош ирғади-да, шитоб билан юриб ҳибсхонадан чиқди. Ғилай ясовулнинг ишораси билан унинг кетидан Али Қушчи ҳам чиқди.

8

Мирзо Абдуллатиф Али Қушчини ҳибсга олишга фармон берган куниеқ усиз ҳам ёпилган расадхона билан Улуғбек мадрасасининг дарвозаларига қулф уриб, ҳамма толиби илмларни тарқатиб юборишга, илм аҳли устидан эса назорат олиб боришга ҳукм чиқарди. Шаҳзода бу фармонга имзо чекиб, муҳр босаркан, қўли қалтирамади ҳам, зотан, ҳазрат Низомиддин Хомуш келиб кетганидан кейин унинг кўнгли хийла тинчиди. Доруссалтана ва Кўксаройдаги ҳаёт аста-секин ўз изига туша бошлади. Ҳар субҳидам унга юкуниб, арзи эҳтиром қилгани барча зоти шарифлар, аркони ҳарб ва аркони давлат, арён ва боёнлар, бек ва бекзодалар Кўксаройга ташриф буюришадиган бўлди. Эгниларига лаъл ва дур қадалган зарбоф тўн, авраси кимхоб, тулки ва сувсар пўстин, бошларига қимматбаҳо қундуз телпак, тулки тумоқ ва олтин ранг сувсар бўрк кийган бу кибру ҳаво асилзодалар, Мирзо Абдуллатифнинг чиқишини кутиб, саломхонада лашкардай саф тортиб туришадиган, шаҳзода кўринганда эса гўё Мирзо Абдуллатиф эмас, соҳибқирон Амир Темур Кўрагоний тирилиб келгандай, икки букилиб саждага бош эгадиган бўлишди. Улар шаҳзоданинг ҳар бир сўзини жон қулоқлари билан эшитишар, ҳар бир гапини фармони ҳумоюн деб билишар эди. Кеча эрталаб доруссалтана савдогарлари номидан элчи бўлиб, бир гуруҳ савдогарлар юкуниб келишди. Улар қуруқ келишмаган, ўн икки нортугяга той-той шойи ва ипак, мовут ва кимхоб матолар, ҳинд чойи ва Чин мамлакатининг биллур идишларини ҳадя қилиб олиб келишган эди. Савдогарлар Абдуллатифга сиҳат-саломатлик, улуғ бахт ва шон-шавкат тилаб чиқиб кетишди. Улар чиқиши билан саройбон кириб, таъзим қилди:

—Шоир Мирюсуф Хилватий давлатпаноҳимга изҳори ихлос ниятида ташриф буюрмишлар!

—Шоир Мирюсуф Хилватий?..

Шаҳзода бу шоирнинг номини қаердадир эшитган, ҳатто унинг девонига ҳам кўзи тушган эди, у масжиди жомега шошаётган бўлса ҳам, негадир суюниб кетиб, шоирни таклиф қилди.

Эшикдан бошига гуллик гилам дўппи, эгнига узун банорас тўн кийган юмалоққина бир одам кириб, пойгакка тиз чўкди-да, кафтларини гиламга теккизиб, лабларига, қош-кўзларига суртди.

Шоирнинг бу хатти-ҳаракати шундай тез ва кулгили чиқдики, шаҳзода беихтиёр илжайиб, уни курсига таклиф қилди. Лекин Мирюсуф Хилватий кўзларини юмганича лаби-лабига тегмай бидирлай кетди:

—Фақиру ҳақир сиздай адолат масканининг шамси зиёси, салтанат тожининг дурри гавҳари, назм илмининг маликул каломи¹ шаънига бир шеър битган эдим, сиздай таъби назм лозим топсангиз ўқиб берсам...

Шаҳзода яна ўзини кулгидан тутолмай:

—Сиздай сўз султони лутфан шеър битибдур, нечун лозим топмасмен?—деди.—Бош устига. Ўрнингиздан ту-ринг, азизим!

Мирюсуф Хилватий банорас тўнининг кенг этаклари орасида оёқлари чалишиб, ўрнидан турди, қўлтиғидан ипак матога ўралган бир китобчани олиб очди ва анордай қип-қизил, юм-юмалоқ юзи илҳомдан лов-лов ёниб, овози ҳаяжондан титраб, ўқий кетди:

Бобонгиз фатҳ этиб шуҳрат қозонди жумла дунёни,
Бу олам кўрмагай эмди анингдек зоти аълони.
Падари покингиз умрин нури раҳматга тўлдирди,
Олиб шоҳиста отига Хоқони Саид унвони.
Фалак асрорига илкин кўтариб нораво султон,
Фалак қаҳрига учраб ўз бошига солди гавғони.
Амирул мўъминин тахти узукка мос лаъл янгли,
Ярашгай, қутлуг ўлсун, мулки ислом аҳли сарбони...

Охирги мисраларга етганда Хилватийнинг овози ҳаяжондан титраб кетди-ю, кўзларини китобдан узиб, шаҳзодага қўрқибгина қаради. Унинг илҳомдан гул-гул ёнган юмалоқ юзида, қўрқув чўккан кўзларида шундай зўр бир илтижо бор эдики; шаҳзода беихтиёр:

¹ *Маликул калом*—сўз подшоси.

—Тасанно сизга, азизим, тасанно!—деб юборди.

Бўш вақтларида ўзи ҳам шеър машқ қилган ва бутун бир девон битган Мирзо Абдуллатифга Мирюсуф Хилватийнинг шеъри унча маъқул бўлмади. Гарчи сўнгги байти лабида табассум уйғотса ҳам, шаҳзода бундай яланғоч назмни эмас, маъноси пардалироқ нозик шеърларни хуш кўрарди. Лекин... саройга машҳур шоирлар ва фозилларни йиғиб, асьасаю дабадали ҳаёт кечириб ишқида ёнган Мирзо Абдуллатиф учун бу... биринчи қалдирғоч эди. У саройбонни чақириб, Хилватийнинг эғнига зарбоф тўн ёпишни буюрди ва уни ўзи билан масжиди жомага таклиф қилди.

Бугун Мирзо Абдуллатиф ҳазрат Низомиддин Хомушнинг тилаги билан Бибихоним масжидига лутфан ташриф буюриб, хутба ўқиши лозим эди. Шаҳзода Кўксаройдан биринчи бор чиқиши эди. Шунинг учунми бошда кўнгли негадир гаш бўлиб, саройбонга кўпроқ сипоҳ тайин қилишни буюрди. Саройбон эллик нафар суворий тайинлаган экан, бунга сарой маҳрамлари ва девон аҳли қўшилиб, Самарқанд кўчаларидан от чоптириб ўтишганда, гўё катта қўшин бостириб келаётгандай, ҳаммаёқ тасиртусир бўлиб кетди. Кўчаларда ҳамон одам сийрак эди. Кўксаройдан Бибихоним масжидига борадиган катта кўчанинг икки юзидаги дўконларнинг аксарияти берк, фақат кулоллар ва сангтарошлар растасида ғур-ғур ва тарақ-туруқ овозлар эшитилар, ҳатто гузар ва чорраҳалар ҳам илгаригидай гавжум эмас эди. Бу ҳолат негадир шаҳзоданинг кўнглини хижил қилди, у шаҳар доруғаси Мироншоҳга айтиб, барча савдогар ва дўкондорларга дўконларини очдирмоқни дилига тугиб қўйди. Регистон майдонидан ўтаётганида ҳам шундай бўлди. Аллақандай ҳувиллаб қолган Мирзо Улугбек мадрасасининг бўм-бўш саҳнига кўзи тушганида, қатл кечаси хуржун кўтариб кирган амир Султон Жондорнинг сирли ишшайиши эсига тушиб эти увишиб кетди... Бу мудҳиш туйғу фақат масжиди жомага яқинлашгандагина хиёл тарқади...

Бибихоним масжидининг қўш тавақали залварли дарвозаси олдида уни ҳазрат Низомиддин Хомуш бошлиқ буткул доруссалтана уламоёи забардастлари, шаҳар доруғаси Мироншоҳ бошлиқ аъён ва боёнлари қарши олди.

Ҳазрат Низомиддин Хомуш хутбаи давлат ўқиб, барча уммати мустафоларнинг пуштипаноҳи, салтанатнинг қибла-

Хутбаи давлат ўқишмоқ—ҳукмронликни эълон қилмоқ.

гоҳи, шаҳзода ҳақиға узоқ дуо қилди. Яна ўн минг намозхоннинг баравар "илоҳи омини"дан юксак пештоқлардаги каптарлар "дув" кўтарилиб, масжиди жоме ларзага келди.

Бу намоздан кейин шаҳзоданинг дилидаги шубҳалар тўзғиб, кўнгли яна ҳам равшан тортди. Рост, Балхдан келган хуфиялар нохуш хабар келтиришди. Ҳирот ҳоқими, амакиваччаси Султон Муҳаммад Мирзо Улуғбек қатл қилинганини эшитиб, Мовароуннаҳрга қўшин тортиб келмоқчи бўлган эмиш. Лекин, бирламчи, Мирзо Абдуллатиф унга сулҳ-салоҳ таклиф этиб, дарҳол бошқа элчи юборди, иккиламчи, Султон Муҳаммад қиш фаслида юриш қила олмаслигига кўзи етар эди. Хуллас, бу жиҳатдан ҳам тинчиди. Фақат бир нарса уни ҳамон қийнар, кечалари ёпирилиб келадиган мудҳиш ваҳимадан қутула олмас эди. Кўзи бир зум илинса бас, гўё хонага биров киргандай: шамширини яланғочлаб тепасида тургандай туюлиб, уйғониб кетарди. Уйғонгандан кейин эса ҳар бир шарпадан юраги ўйнаб, тонг отгунча мижжа қоқмай юриб чиқарди. Шундай пайтларда хаёлини бири биридан совуқ, бири биридан мудҳиш ўй-фикрлар чулғаб олар, доруссалтанада унга қарши фитна уюштирилаётгандай, бу фитнанинг тепасида ўз жигарбандлари Мирзо Абдулла билан Абусаид Мирзо тургандай туюлар, назарида, фитначилар бу икки шаҳзодани ҳибсдан озод қилиб қочириб юборгандай бўларди-ю, кечалари улар ётган зиндон ва ертўлаларни айланиб келгиси келар, фақат саройдан чиқишга журъат етолмас эди. Эрталаб эса, саломга келган амирларнинг кўзларига қадалиб-қадалиб қарар, кимки кўзини олиб қочса, унга нисбатан кўнглида ёмон бир шубҳа уйғонарди. Сарой маҳрамлари, ҳатто балхлик мулозимларидан икки киши хилватда суҳбатлашиб турганини кўрса юраги орқасига тортиб кетар, назарида, уларнинг шивир-шивирлари бежиз эмасдай, гўё унга қарши иғво қилишаётгандай бўларди.

Аксига олиб, боя намози жумадан қайтаётганларида ҳазрат Хомуш яна мавлоно Али Қушчидан сўз очиб, хиёл тинчиган кўнглига қайта ғулу солди: бир қанча алломаи бетаҳоратларнинг номи ва хорижий бединлар юртидан келтирилган китоблар рўйхатини тутқазиб, эҳтиёт бўлмоқ кераклигини, зеро салтанат осойишталигини бузадиганлар шу бетавфиқлар эканини уқтирди, фитна ҳам, мўъмин-мусулмонларни йўлдан урувчи риндона кайфиятлар ҳам шулардан келишини қайта-қайта таъкидлади.

"Фитна" сўзини эшитган шаҳзода титраб кетди. У саройга қайтган заҳотиёқ Али Қушчини чақиртириб сўроққа тутмоқчи бўлди-ю, тунда келадиган уйқусизлик балосини ўйлаб, бу юмушини кечасига қолдирди. Мана ҳозир девонбеги келтирган барча мухобараи дигарларга¹ имзо чекиб бўлиб, унга ижозат берди-да, амир Султон Жондорни Али Қушчига юборди. Ўзи эса тахтга ўтириб хаёлга толди.

Ажабо: бу учрашув уни негадир қаттиқ ҳаяжонлантирар, ҳатто чўчитар эди.

Мирзо Абдуллатиф мавлоно Али Қушчини бир неча бор кўрган эди. Ҳиротдан Мовароуннаҳрга келиб, отаси Мирзо Улуғбек билан овга чиққан пайтларида, Кўксарой ва "Боғи майдон"да берилган зиёфатлар чоғида кўрган, ҳатто отаси иккисининг фалакиёт сирлари тўғрисида қилган суҳбатларини ҳам эшитган эди. Эсида бор, бу учрашувларда шаҳзодани бир нарса ҳайратга солган, у ҳам бўлса Али Қушчининг чеҳрасидаги қатъият ва аллақандай кишини ўзига асир қилувчи салоҳият эди. Қорачадан келган бу новча, қотма одамнинг жуссасидан куч ёғилиб турар, кенг пешанаси, ўткир кўзларида чуқур заковат акс этар, қийғир бурунли узунчоқ юзида бўлакча бир шиддат, мардлик, бир сўзли одамлардагина бўладиган зўр иқтидор сезилиб турарди.

Шаҳзода бу одамга қизиқиб қолиб, ўша маҳалдаёқ унинг коинот сирларига, илми риёзиёт ва ҳандасанинг мураккаб масалаларига бағишланган рисоаларини топдириб ўқиб чиққан, ўқиб чиқиб, унинг дақиқ фанлар борасидаги заковатига, илмининг ўткирлигига, салоҳиятига дилида таҳсинлар айтган эди. Ҳа, ҳазратнинг сўзида жон бор, Мирзо Улуғбек ўз бисотидаги бойлиги ва йиққан куфр китобларини яширмоққа жазм этган экан, Али Қушчидан ишончлироқ бир кимсани тополмас эди.

Шаҳзода ҳозир Мовароуннаҳрдан Хуросонгача донғи кетган, Мирзо Улуғбекнинг ўнг қўли ҳисобланган бу одам билан юзма-юз келади, юлдузлар сирини, демакким, осий бандалар муқаддаротини² билган алломаи мунажжим билан мунозара қилади. Йўқ, мунозара эмас, уни сўроққа тутмоғи, йўқолган тиллаларни, макруҳ китобларни топтирмоғи керак... Шаҳзода буни ўйлаганда яна Али Қуш-

¹ Мухобараи дигар—кечки ёзишмалар.

² Муқаддарот—тақдир.

чининг шиддатли чехраси, қаҳр билан чақнаб турган ўтли нигоҳи, мардонавор қиёфаси эсига тушди-ю, бир ўйида амир Жондорни қайтаргиси, мавлонони сўроқ қилишни унинг ўзига юклагиси келди. Лекин ажабо: ҳазратлари Али Қушчи тўғрисида сўзлагандан бери бу одам унинг хаёлидан чиқмай қолди, уни кўргиси, у билан баҳс қилгиси, унинг ўйларини билгиси келар эди. Мана ҳозир ҳам, хаёлига ғалати бир фикр келиб, ўрнидан туриб кетди. Башарти Али Қушчи яхшилик билан ўз гуноҳига иқрор бўлиб, олтин ва жавоҳирларни қайтарса, куйф китоблар яширинган жойни кўрсатса, уни девонга олса бўлмасми? Мағрибдан машриққача донг чиқарган бу мунажжим саройда, шаҳзоданинг ёнида бўлса ёмон бўладими? Мирзо Улуғбекнинг энг салоҳиятли шогирди ва маслаҳатгўйи ҳисобланмиш бу алломаи замон Кўксаройда, шаҳзоданинг муқарраблари қаторида қўл қовуштириб турса... шу билан барча фисқи фасод гаплар, қабих мишмишларга чек қўйилмасми?.. Али Қушчи келса, Мирзо Улуғбекнинг бошқа шогирдлари, машҳур шоирлар, муаррихлар, барча илм аҳли саройга келмасми?.. Буқун шоирлардан бири ўз изми ихтиёри билан кириб келди, лекин шаҳзода Мирюсуф Хилватийдай сертакалуф, аммо тўпори шоирларни эмас, Али Қушчидай донғи оламга кетган алломаи давронларни тиз чўктиргиси келарди...

Қўшни хонада оёқ товушлари эшитилди. Шаҳзода негадир юраги ўйнаб, шошқалоқлик билан ўзини олтин курсига ташлади-да, унинг силлиқ суянчиқларини маҳкам ушлаб олди. Рахларига тилла тасмалар қоқилиб зийнатланган оғир эшик секин очилиб, амир Султон Жондор кўринди.

—Бандини келтурдим, давлатпаноҳ...

Шаҳзода "Кирсин!" деган маънода бош ирғади.

Амир Жондор орқага чекиниб, унинг ўрнига Али Қушчи кирди, кирди-ю, билинар-билимас бош ирғаб салом берган бўлди-да, мадори қуригандай кўзларини юмиб, деворга суянди.

Мирзо Абдуллатиф қаҳри келиб: "Тиз чўк, эй нобакор!" деб бақиргиси келди, лекин дилида уйғонган қизиқсиниш устун келиб, ҳайрат билан тикилиб қолди. Бошига дарвешларнинг кулоҳига ўхшаган мўрисимон қалпоқ, эгнига қора жун чакмон кийган бу новча, қоқсуяк одам, гўё ҳеч ўзгармаган эди. Қорамағиздан келган узунчоқ озгин юзида, лабларини қимтиб, очиқ кўксини керинқираб, гўё шаҳзодани кўрмагандай кўзларини юмиб

туришида биринчи кўришидаёқ шаҳзодани ҳайратга солган ўша шуур, ўша қатъият бор, фақат қисқагина чўққи соқолига битта-яримта оқ тушган... "Устози қандай та-каббур бўлса, бу ҳам шундай такаббур!"—хаёлидан ўтди шаҳзоданинг.

Али Қушчи, гўё унинг фикрига тушунгандай кўзини очди-ю, қандилдаги шамларнинг чароғон шуъласига тоб беролмай, қайта юмди...

Ҳайҳот! Атиги бир ҳафта-ўн кун аввал бу чароғон хонада, бу олтин тахтада жаннатмакон устод ўлтирган эди! Худди шу олтин курсида ўтириб, унга, Али Қушчига кўнглидаги дардларини изҳор этган, сўнги васиятларини, тилакларини айтган эди. Энди бу курсида... ўз пушти-паноҳини қатл қилган бу риёкор қотил, у падаркуш ўтирибди... Ҳа, унинг риёкор бир қотил, хунхўр бир падаркуш экани чеҳрасидан, сийрак мўйловининг совуқ дикрайишидан, бежо ёнган кўзларидан кўриниб турибди. Кўкимтир туста кирган заҳил юзида ёмон бир хасталик-нинг нишонаси, кўзларида аллақандай қўрқув, йўқ, қўрқув эмас, телбалик бор!..

"Кўзларини очмайди. Мендай соҳиби тождан ҳайиқмайди!"

Шаҳзода қўлларини олтин курсининг суянчигига тираб, шитоб билан ўрнидан турди.

—Мавлоно Али!—деди у киноя билан.—Бу даргоҳга ухлагани келмагандурсиз? Очинг кўзингизни!

Али Қушчи кафти билан кўзларини шуъладан тўсиб, бошини кўтарди.

—Афв этгайсиз, шаҳзода. Зулматга ўрганган кўзим бу шуълага чидамайду...

—Зулматдан қутулмоқ мавлононинг ўз изми ихтиёри-дадур!—деди шаҳзода маънодор кулимсираб.

"Каминā сени қиличидан қон томган бир қаттол десам, тулкиликни ҳам биласенми?.."

—Сўзингизни англамадим, шаҳзода?..

Мирзо Абдуллатиф ял-ял ёнган шерозий гиламларни товушсизгина босиб, эшикка яқинроқ келди. Унинг кўким-тир, касалманд чеҳрасида, чуқур ботган сарғиш кўзларида аллақандай ички бир дард, қандайдир мунгли ифода пайдо бўлди-ю, устоднинг маҳзун чеҳрасига ўхшаб кетди.

—Мавлоно Али, мен сиздай доноий давронни беҳад ҳурмат қиламен. Шу боисдан билмоқчимен: сиз фақирни ким деб биласиз?—шаҳзоданинг овози фавқулодда ғамгин эшитилди.

"Ё дариғ! Бу нобакор не дейди? Муддаоси не?"

Кўнглимни эритмоқми? Кўнглимни эритиб ўзига тобе қилмоқми?"

Али Қушчи шаҳзоданинг ғамгин нигоҳидан кўзини узиб, бир нуқтага тикилиб қолди.

—Нечун индамайсиз, мавлоно?—деди шаҳзода аллақандай ўқсиб.—Менга аён: сиз мени... ўз валинеъмати... ўз қиблагоҳи билан тожу тахт талашган бир нобакор зурриёт, эл-улус осойишталигини бузган бир мустабид, аҳли урфон ғаними бўлмиш жоҳил бир гумроҳ деб биласиз!.. Ва лекин!..—Шаҳзода кўзига ёш келган одамдай тўсатдан қулт-қулт ютиниб, индамай қолди.

Али Қушчи унинг ғамгин кўзларига кўзи тушишидан қўрқиб, ҳамон ерга қараб турар, хаёлидан эса бояги фикр чиқмас, шаҳзоданинг мақсадига тушунолмаб қийналарди. Дарҳақиқат: ўз падари поки билан салтанат талашган, тожу тахт деб уни қатл қилган, ҳокимлик жилови қўлига теккан ҳамон барча маърифат даргоҳларига қулф осдириб, барча илм аҳлини тумтарақай қилган бу ҳокими мутлақ нечун унинг олдида, ҳибсда ётган бир банди олдида ўзини оқламоққа уринади, нечун кўз ёши тўкади?

—Ва лекин...—деди шаҳзода ўзини босиб олиб.—Осий банда ўз падаримни тахтдан сарнигун қилган бўлсам... бу юмушни мулки ислом йўлида қилганмен, мавлоно! Менга аён: сиз ул зотни устод деб биласиз. Ва лекин, не қилай, ул зот ҳадисни ҳукми ом билмай, шариати мустафони дастурил-амал тутмай, бетавфиқлик қилса не чора?—деди шаҳзода ва гўё Али Қушчи эътироз билдиришидан қўрққандай, бир ютиниб давом этди:—Йўқ, менинг илми фунунга қаршилиқ қилмоқ ниятим йўқ, мавлоно. Фақат илм деб, ҳақ таолони унутмоқ жоиз эмасдур...

Али Қушчи юрагида уйғонган тугённи зўрға босиб:

—Беайб парвардигор, шаҳзода!—деди секин.—Ул бандаи покни ҳақ таоло бу фано даргоҳидан ўз оромгоҳига чорламишдур. Худованди карим даргоҳига парвоз этган осий бандани ёмонламоқ, унинг қилмишларини сўзламоқ гуноҳи азимдур, шаҳзода.

Али Қушчи шаҳзоданинг юзига қарамади, лекин унинг гап тополмай дами ичига тушиб кетганини сизди. Анча сукутдан кейин шаҳзода:

—Не чора?—деди уф тортиб.—Бир-икки малъун хун-хўрлар бу машъум ишни қилгандир. Парвардигори олам шоҳид, мавлоно. Эшитиб қон йиғладум. Бу машъум юмушга бош қўшган барча қотилларни туттириб, барининг калласини олдирдим, мавлоно!..

Али Қушчи юраги музлаб, шаҳзодага ялт этиб қаради. Мирзо Абдуллатиф олтин курсига суяниб, қаққайиб турар, унинг ранги ўчган, қилич бандини чангаллаб олган қўли дир-дир титрар эди.

Али Қушчи яна кўзини олиб қочди.

"Бас! Бу мислсиз тубанлик, бу риёкорликка чек қўймоқ даркор!"

—Шаҳзода! Каминага бу сўзни сўзламоқдан муродингиз не?

—Муродим,—деди шаҳзода.—Муродим...Сиздай илм аҳлига ҳақиқатни етказмоқдур!

"Ҳақиқатни айтмоқми ё уни яширмоқми?.."

Шаҳзода Али Қушчидан жавоб кутиб сукут сақларди. Лекин Али Қушчидан сас чиқмас, у ҳамон ерга тикилиб, қовоғини солиб турар, унинг бу туришида қандайдир исёнкор бир нарса бор эди. Шаҳзода қалбида уйғонаётган ғазаб билан олишиб:

—Мен биламен!—деди.—Барча илм аҳлининг дилида не борлигини биламен! Мақсадлари не? Барини биламен, мавлоно!..

—Шаҳзода!—деди Али Қушчи.—Сиз ҳақиқатдан сўз очдингиз. Агарчи сиз айтган сўзлар ҳақиқат бўлса, илм аҳли не дейди—бундан қўрқмағайсиз. Зеро бандаси не демасин, ҳақиқат—ҳақиқатлигича қоладур. Башарти муддаонгиз шу бўлса...

—Муддаом—бу ҳақиқатни барча аҳли мўъминга етказмоқдур. Фақир бу ишда сиздай фозилларнинг ёрдамига муҳтожмен, мавлоно!

"Ё тавба! Қачондан бери бу падаркуш фақир бўлмиш?"

Шаҳзода Али Қушчининг сукутини ўзича тушунди чамаси:

—Маъзур тутгайсиз, мавлоно,—деди яна овози мулоимлашиб.—Нобакор амирлар сиздай алломалар сарбонини берухсат ҳибсга олибдилар. Бас! Алҳол мартабангиз бурунгидан ҳам юксакроқ бўладур!

Али Қушчининг эсига совуқ, зим-зиё ҳибсхона тушди, кана ва бургалар бижғиб юрган ғадир-будир деворлар кўз олдига келиб, аъзойи бадани жимираб кетди.

—Тиласангиз девонга оламиз, девонбеги бўласиз, тиласангиз саройда муаррихлик¹ қиласиз... Ёнингизга ўзингиз истаган фузало ва шуарони олиб, салтанат юмушларини қаламга олиб ўлтирасиз...

¹ Муаррих—тарихчи.

"Ҳа, ёнимга истаган шоирлар ва фозилларни олиб, сендай падаркушнинг разил юмушларингни яшириб китоб битамен, бўлғуси авлодлардан қатлу қирғинларингни бер-китиб, мадҳу сано ўқиймен, шон-шуҳратингни улуғлаб рисолаю қасидалар ёзамен...Ё раббий! Ўзинг мадад бер! Устоднинг покиза руҳини шод этмоқ ўрнига, унга қилич кўтарган у падаркушни мадҳлаб тонгла маҳшарда ул бандаи покнинг кўзига қай кўз билан қараймен?"

Али Қушчи хаёлини чулғаб олган тумандан қутулмоқчи бўлгандай бошини қаттиқ силкиб, кўзини очди. Шаҳзода унинг рўпарасида турар, унинг киртайган кўзларида сохта табассум жилва қиларди.

—Кечиргайсиз, шаҳзода. Камина муаррих эмасманким, сарой юмушларини китобга битсам...

—Ўзингиз битмасангиз, бош донишларга бош бўласиз! Тиласангиз Ҳиротдан машҳур муаррихлар чақиртирамин...

—Афв этгайсиз. Ул зукко муаррихлар бандаи ожизнинг раҳнамолиғига муҳтож эмасдурлар...

Шаҳзоданинг юпқа лабларидаги сохта табассум оҳиста сўниб, кўзлари қисила бошлади.

—Муаррихлик қилмасангиз, саройда мунажжимлик қиласиз.

—Бу ишда ҳам маъфудурмен¹, шаҳзода. Камина илми нужумдан беҳабармен...

—Бас!—Мирзо Абдуллатифнинг қисилган кўзларида совуқ учқунлар чақнади.—Мен сенинг муродингни биламен, бегавфиқ! Сен... сен қиблагоҳимни йўлдан урган, оллоҳнинг қудратига шак келтирган кофирсен! Сен барча алломаларни чалғитган муртадсен, муртад!..

Али Қушчи унинг нигоҳида худди қутурган итнинг кўзларида бўладиган мудҳиш бир ифодани кўриб кўзини юмди...

"Ё тавба! Наҳот барча илм аҳлининг тақдири, буткул Мовароуннаҳр тақдири ақли ҳушидан айрилган шу телбанинг қўлига тушса?"

—Тилла қайда?—тўсатдан сўради шаҳзода.

—Қайси тилла?

—Ул диёнатсиз шоҳ бобом Амир Темур хазинасидан ўғирлаб, сенга топширган қуйма тиллаларни айтамен! Диёнатсиз шоҳ топширган хорижий бединлар битган китобларни айтамен!

1

Маъфу—узрли.

—Шаҳзода! Ўз падари покинғизни диёнатсиз шоҳ демоқ...

—Бас! Сўзла, иблиси лаин! Бединлар битган куфр китобларни яширмоқдин муддаонг не? Барча бандаи мўъминларни йўлдан урмоқму? Ҳақ йўлидин қайтариб, кофирлар динига киритмоқму? Айт, иблис!—Шаҳзода, лабининг четлари кўпириб, Али Қушчини ёқасидан ушлади.—Олтин ва жавоҳирларни яширмоқдин мақсадинг не, фитна қўзғаб, мени сарнигун қилмоқму?

Али Қушчи юзига сачраган тунуқдан жигрғаниб кетди. Унинг дилида уйғонган ва бир зум аъзойи баданини қарахт қилиб қўйган мудҳиш қўрқув тўсатдан зўр ички туғён билан алмашди.

У шаҳзодани силтаб ташламоқчи бўлди-ю, тўсатдан негадир ҳужрада йиқилиб қолган энаси Тиллабиби эсига тушиб, бир дақиқа иккиланиб турди, сўнг, қалбидаги туғён устун келиб, қаддини ростлади.

Қалтироқ босган шаҳзода ҳамон унинг ёқасига ёпишиб силкир, кўпик сачратиб такрорлар эди:

—Топ тиллаларни! Ё дарҳол топасен, ё...

Али Қушчи омбурдай метин панжалари билан уни билақларидан ушлаб қаттиқ сиқди.

—Торт қўлингни, шаҳзода!—деди ҳансираб.—Тиласанг шамширингни олиб чоғиб ташларсен, тиласанг зиндонинг-да чиритарсен! Аммо қўлингни торт ёқамдин!—У шаҳзоданинг қўлларини ёқасидан узиб, кўкрагидан итариб юборди. Мирзо Абдуллатиф гандирақлаб бориб тахт олдига, зинага қоқилиб кетди-ю, олтин курсини ушлаб қолди. У нима бўлганини тушунолмай, бир зум талмовсираб турди, кейин овозининг борица:

—Саройбон! Амир Жондор! Ким бор?—деб бақирди.

Эшикда бир-бирини туртган амир Жондор билан бошига сурмаранг салла ўраган занжисифат саройбон кўринди.

—Олиб чиқ, бу азозилни! Олиб чиқиб кишанла! Эндиликда умри зиндонда ўтсин!—Шаҳзода саройбонга қараб шундай деди-да, ҳансираб амир Жондорга юзланди.—Мавлоно... ким эди... мавлоно Муҳиддин қайда?

—Мавлоно Муҳиддин дарвозахонада... Давлатпаноҳимга арзи ихлос билдирмоққа мунтазирдур...

—Айт, кирсин!

Хонадан чиқаётган Али Қушчи мавлоно Муҳиддиннинг исмини эшитиб тўхтади. Балхлик саройбон билан амир Жондор унинг қўлларига ёпишди. Лекин Али Қушчи

уларни силтаб ташлаб, шаҳзодага ўгирилиб қаради. Кўзларининг косаси ўйнаган Мирзо Абдуллатиф бир нуқтага тикилганича хонанинг ўртасида оёқларини кериб турар, у гўё ҳамма нарсани унутган, аллақандай мудҳиш ўйлар билан банд эди.

—Шаҳзода!—Али Қушчи эшик кесақисига оёқларини тираб тўхтади.—Эҳтимолким, бошқа кўришмасмиз. Шу боисдан сўнгги сўзимни айтамен: сен устоддай доно давроннинг илм дурдоналарини йўқ қилмоқни ният қилиб-сен. Падари покинг арвоқини ўртага солиб, башорат қиламен: ё бу тубан ниятингдан қайтасен, ё икки дунё хор бўласен!

—Иншооллоҳ, мен эмас, сендай ношаръий ишлар қилган бединлар хор бўлур!—Шаҳзода яна боягидай оғзидан кўпик сачратиб, яқинлаша бошлади.—Халлоқи олам ўз бандаси учун ҳамвор¹ қилиб яратган рўйи заминни курраи арз² деган, кавокиби собиталарни³ эса фалакда чарх уриб айланур деб, Қуръони мажидга шак келтирган сендай бетавфиқлар дучор бўлур оллонинг ғазабига!

Аламли туғенда ёнган Али Қушчи кулмоқчи бўлди-ю, кулолмади:

—Вожабо!—деди у бўғилиб.—Устод яратган фалак илмига шубҳа қилсанг, нечук боя фақирни мунажжим қилмоқ истагини билдирдинг? Нечук...

Шаҳзода бетоқат қўл силтаб:

—Олиб чиқ уни!—деб бақирди.

—Даф бўл, амир. Ўзим чиқамен!— Али Қушчи амир Жондорни силтаб ташлаб, эшикни бир тепиб очди-да, саломхонадан ўзи юриб чиқди.

9

Мавлоно Муҳиддин дарвозахонанинг тагидаги ертўлада ўтирар, тўғрироғи, дам ўтирар, дам оёқ остида ивирсиб ётган темир-терсак, эски қурол-аслаҳа, эгар-жабдуқлар орасида туртиниб-суртиниб, бетоқат айланар эди. Ертўла зиндондай зим-зиё, умрида зиндон кўрмаган мавлоно Муҳиддин зиндонга тушганига амин эди.

1

2 *Ҳамвор*—текис.

3

Курраи арз—Ер шари.

Кавокиби собита—ҳаракатсиз юлдузлар.

Уйдан чиқишда мавлоно уни Кўксаройга сўроққа чақирганларига, сўроқдан кейин қўйиб юборишларига амин эди. Қиблагоҳи Салоҳиддин заргар ҳам қулоғига шундай деб шивирлаган эди. Шунинг учунми, бошқами, ишқилиб, йўлда келаётганларида мавлоно сўроқ ҳақида эмас, кўпроқ Али Қушчи билан бўладиган юзлашиш тўғрисида ўйлаган, чунки уни ўйлаши билан расадхонадаги тўқнашув эсига тушган эди. Бу учрашув сира хаёлидан чиқмас, ҳар эслаганда Алининг: "Ёдингда бўлмай, мавлоно Муҳиддин! Тепангда устоднинг арвоҳи бордур!" деган сўзлари қулоқлари остида янграгандай бўларди. Кўксаройга етиб отдан тушаётганларида ҳам гўё ҳозир Али Қушчи кутиб оладигандай юраги орқасига тортиб кетди. Лекин уни Али Қушчи эмас, турки тароватлари совуқ, қўрс ясовуллар қарши олишди, дарвозахонадан олиб ўтишгач, худди қудуққа тушаётгандай тик зиналардан юриб, қандайдир ертўлага бошлаб тушишдида, шу зим-зиё зиндонга итариб юбориб, эшикни занжирлашди. Ҳамиша Кўксаройга чақирилганида сержило, чароғон хоналарда, шоҳи ва кимхоб кўрпачаларда ўтириб, устоднинг гулгун суҳбатларини тинглашга ўрганган мавлоно Муҳиддин, эс-ҳушидан айрилгандай, қаерга келиб қолганини тушунолмай узоқ турди. Уни оёқлари остида изғиб юрган каламушлар ҳушига келтирди. У сочлари тикка бўлиб, ўзини эшикка отди. Жон талвасасида нимжон муштлири билан эшикни дўппослади, оғир мис ҳалқаларидан ушлаб юлқиди. Лекин темир билан қопланган зилдай эшик қимирламади ҳам, қўрқув ва даҳшатдан совуқ тер босган мавлоно, эшикни қўллари қонагунича дўппослади, кейин уни очишга ожиз экани, бу совуқ қабрга тириклай кўмилганини ўйлади-ю, ерга тиз чўкиб, ёш боладай ҳўнграб юборди...

"Ё парвардигори олам! Осий бандангни ўзинг кечиргайсен!"

У кўзларидан тирқираб оққан ёш томчиларини қўллари билан артиб, юм-юм йиғларкан, бу жаҳаннамга тириклай кўмилгани бежиз эмаслигини, ҳақ таоло олдида кечирилмас гуноҳ қилганини ўйлаб, ўздан койинишга тутинди. Ҳа, у кечаю кундуз тоат-ибодат қилиб, хилватда истиғфор айтиб ўтириш ўрнига, даҳрий шоҳга шогирд тушиб, даҳрий илмлар ила шуғулланди. Ул сарвари коинотнинг даргоҳи илоҳийсига кўз тикди, оллодан қўрқмай фалакиёт сирларини очмоққа жазм қилди. Шайтоннинг измига кириб, кўп ношаръий ишлар қилди. Энди ҳақ таолодан

қўрқмоқ ўрнига унинг ношукур бандаси Али Қушчидан қўрқиб ўтирибди...

Эгар-жабдуқ ва темир-терсақлар орасида изғиб юрган каламушлар яна оёғидан тортқилади. Мавлоно ўрнидан сакраб турди. Яна бояғидай сочи тикка бўлиб, ўзини эшикка отди-ю, бутун вужуди қулоққа айланиб қотиб қолди: тик пиллапоялардан тушиб келаётган дукур-дукур оёқ товушлари эшитиларди:

"Ё парвардигор! Ўз ҳифзи ҳимоятингга олғайсен!.."

Дукур-дукур оёқ товушлари яқинлашиб, қулф-калитларнинг шарақ-шуруғи эшитилди. Оғир эшик ғирчиллаб очилиб, тор йўлакда машъал ушлаган икки ясовул кўринди.

—Мавлоно Муҳиддин!..

—Мен! Камина!—Мавлоно Муҳиддин ўзини машъалга отди.

Машъал ушлаган ғилай сипоҳ уни елкасидан ушлаб, қаттиқ силкиди.

—Тўхта! Ақлингдан озибсен, мавлоно! Орқамдан юр!..

Мавлоно Муҳиддин тор йўлакнинг совуқ деворларини пайпаслаб тик зинанинг поғоналаридан апил-тапил ҳатлаб, юқори кўтариларкан, яна ўпкаси тўлиб, кўзига ёш олди.

"Водариг! Наҳот тагин бу ёруғ дунёни кўрмоқ насиб бўлур?"

Зимистон йўлакдан ўтгач, олдинда бораётган ясовуллар уни қандайдир бостирмалар, отлар кишнаган отхоналар, гурс-гурс босқон урилиб, темир-терсақлар тарақ-туруқ қилган ертўлалар ёнидан олиб ўтишди. Ҳовлига чиққанлари ҳамон мавлононинг кўзи осмон тўла юлдузларга, Кўксарой гумбазининг устида осилиб қолган ва гўё соф тилладан ясалгандай тиниқ ялтиллаган ярим ойга тушди, тушди-ю, дарҳол кўзини олиб қочди. Назарида, кўкда милт-милт ёнган юлдузларга қараш шаккоклик бўладигандай туюлиб: "Гуноҳкор бандангни ўзинг кечиргайсен, тангрим!" деб қўйди.

У қаёққадир шошар, лекин нега шошаётганини ўзи ҳам билмас, ҳамма нарса тушида бўлаётгандай туюлар эди. Қудуқдай чуқур, мудҳиш ертўладан кейин улар кирган чароғон хоналар, олтин шамдонларда ёнган юзларча шамлар, қуббасимон ложувард шифтларда товланган тилла қандиллар, оёқ остига тўшалган майин ипак ғиламлар—уни ғалати ҳолатга солиб қўйди. У гўё бу музайян серҳашам хоналардан тушида ўтиб бораётгандай

бўлар, бояги мудҳиш гўр ҳам, бу чароғон хоналар ҳам, ҳаммаси туш бўлиб чиқишини тилар эди. У фақат четларига дур ва инжу қадалган ўймакор эшик олдида тўхтаб, кўк кимхоб тўн кийган серсавлат одамни кўргандагина ҳушига келди. Бу одамни у қаердадир учратган эди. Ҳа, уни қудаси амир Иброҳим тархоннинг уйида кўрган эди. Исми шарифи амир Султон Жондор тархон эди, чамаси...

Амир Жондорнинг қип-қизил серсоқол юзида ачиниш ифодаси жилва қилди. У қовоғини уйиб:

—Тугмаларингизни солинг, саллангизни тузатинг, мавлоно!—деди.—Ҳозир давлатпаноҳга қуллуққа кирасиз...

Мавлоно Муҳиддин шоша-пиша мовут чакмонининг тугмаларини солди, ихтиёрига бўйсунмаган қалтироқ қўллари билан салласини тузатган бўлди. Ичкарига кириб кетган амир Жондор қайтиб чиқиб, имо қилди:

—Киринг!

Мавлоно Муҳиддин яна туш кўраётгандай бўлиб, ичкарига кирди, кирди-ю, одатда устод Мирзо Улуғбек ўтирадиган олтин тахт ёнида қовоғини солиб турган, сийрак мўйлови ғалати дикрайган заҳил юзли новча одамни кўриб, пойгакка тиз чўкди.

Қўлларини кўксига қовуштириб, тахт ёнида оёқларини кериб турган Мирзо Абдуллатиф ер остидан амир Жондорга кўз ташлади: "Мавлоно Муҳиддин шуми?"

—Шу!—бош ирғади амир Жондор.

—Ҳмм...—шаҳзода истеҳзоли жилмайиб лабини тишлади. У мавлоно Муҳиддинни биринчи кўриши эди. Лекин донғи Али Қушчидан кам бўлмаган бу одамнинг рисоаларини ҳам мутолаа қилган эди. Мутолаа қилган пайтларида машҳур рисоаларнинг муаллифи унга нечундир тамом бошқача, нигоҳи ўткир, соқоли кўксига тушган, калондимоғ бир аллома бўлиб туюлган эди. Шаҳзода бу одамнинг—ўз эътиқодидан воз кечиб, бош эгиб келган бу алломанинг Али Қушчидан ҳам забардаст ва шиддатлироқ бўлишини истар эди. Бу ерда эса... қора мовут чакмони озгин танасида қопдай шалвираган, нимжонгина бир кимса оёқлари остида юмалаб ётарди.

Мирзо Абдуллатиф бир-бир босиб, унинг тепасига борди.

—Ўрнингиздан туринг, мавлоно!..

Мавлоно Муҳиддин шоша-пиша ўрнидан туриб, шаҳзодага кўз қирини ташлади-да, синган таёқдай икки букилганича қотиб қолди. Шаҳзодани унинг кўзлари

хайратга солди. Мавлононинг қўрқувдан катта очилган кўзлари худди гўзал нозанинларнинг кўзларидай серкип-рик ва аллақандай маъсум эди. Шу сабаб бўлди, негадир шахтидан тушиб:

—Нечун қалтирайсиз, мавлоно?—деди.—Юқори ўтинг, ўлтиринг...

Мавлоно Муҳиддиннинг жавдираб турган маъсум кўзларида қўрқув аралаш таажжуб акс этди. У худди уйқудан уйғонган одамдай талмовсираб:

—Қуллуқ, валинеъмат...—деб гудранди.—Камина оёғингизга юкунмоқ тилагида келдим...

—Юқори ўтинг, ўлтиринг, мавлоно!—шаҳзода кулиб, устига ипак кўрпача ёпилган курсини кўрсатди. Шаҳзоданинг кулганини кўриб, амир Жондор ҳам кулимсиради.

—Ўтинг, мавлоно, ўтинг...

Мавлоно Муҳиддин, гўё бу кутилмаган такаллуфга инонмагандай, журъатсизгина юриб бориб, шаҳзода кўрсатган курсига омонатгина ўтирди. Шаҳзода қўлларини кўксига қовуштирганича унга яқинроқ келиб тўхтади.

—Мавлоно Муҳиддин! Мен сизнинг илми риёзиёт ва фалакиёт бобида битган рисолаларингизни мутолаа қилган эдим...

У сўзини тугатмаган ҳам эди, мавлоно Муҳиддин апил-тапил ўрнидан туриб, таъзим қилди.

—Давлатпаноҳ афв этгайлар! Бандаи ғофилни шайтон йўлдан оздирган эди...

Мирзо Абдуллатиф ижирганиб юзини бужмайтирди. У мавлоно Муҳиддиндан бу гапни кутмаган, билъакс, мавлоно ўз эътиқодларини ҳимоя қилишини истар, чунки Али Қушчи билан бўлган тўқнашувдан кейин у негадир илми фалакиёт бобида баҳс қилишни, донғи оламга кетган бу алломага ўз илми, ақл-идрокининг ўткирлигини кўрсатиб, сўнг уни ҳақ йўлга қайтаришни тилар эди. Мавлоно бўлса...

—Ҳмм... Шайтон йўлдан оздирган денг, мавлоно?..

—Шундай, валинеъмат. Шайтон!

—Демакким, ўзингиз битган рисолаларга эмди ўзингиз инонмайсиз?..

—Инонмаймен, давлатпаноҳ!

Шаҳзода кинояли кулимсираб, ер остидан амир Жондорга қаради. Амир эса "мавлоно яхши одам", деган маънода илжайди. Шаҳзода ундан юз ўгириб яна қовоғини солди. Қизиқ. Унинг иродасига сўзсиз бўйин эгишга тайёр турган бу нимжон мавлоно нечундир шаҳзоданинг ғашини

келтирмоқда эди. У ҳозир нима истайди—ўзи ҳам билмас эди. Агар мавлоно Муҳиддин Али Қушчига ўхшаб, ўз сўзи, ўз эътиқодида қаттиқ турганида шаҳзода эҳтимол боягидан ҳам дарғазаб бўлар, балки уни жаллодга топширишдан ҳам тоймас эди. Лекин ажабо: даҳрий шохнинг суюкли шогирди ҳисобланган, донғи мағрибдан машриққача кетган бу фозилнинг субутсизлиги ҳам унга нечундир ёқмади. У кўнглининг бир четида Али Қушчига қарши чиққан аллома Али Қушчидан ҳам иқтидорлироқ бўлишини истарди. Мавлоно эса...

Мирзо Абдуллатифнинг дилидаги қизиқиш бирдан сўнди-қолди. У амир Жондорга "олиб кет уни!" деб буюрмоқчи бўлди-ю, китоблар эсига тушиб, мавлонога юзланди.

—Расадхонадаги китоблар сонини билурсиз, мавлоно?..

Мавлоно Муҳиддин кўзлари яна садоқат билан милтираб, бош ирғади:

—Ўн беш-ўн олти минг жилд, эҳтимолким ундан ҳам кўпроқдир, пуштипаноҳ.

—Қайси китоб, қайси қўлёзмалар йўқолганини яхши биласизму?

—Билмоқ қийин эмасдур, давлатпаноҳ.

—Хўш?

—Мирзо Улуғбек ҳазратлари барча нодир китобларни...

—Куфр китобларни денг!

—Афв этинг, давлатпаноҳ! Барча куфр китобларни ажратиб, алоҳида сақлар эди. Булар орасида Рум ва Чиндан, Миср ва Фарангистондан, Ҳинд ва Истамбулдан келган китоблар, ноёб қўлёзмалар бўлар эдиким, бари йўқолгандур. Мовароуннаҳр ва Хуросон донишларининг асарлари алоҳида сақланар эдиким, булар ҳам бир неча минг жилддан ортиқ эди...

—Бу китобларни Али Қушчи яширганини қайдан биласиз?

Мавлоно қулт этиб ютинди.

—Мавлоно Али Қушчи ўз оғзи билан иқроп бўлган эди, давлатпаноҳ.

—Олтин ва жавоҳирларни яширганига ҳам ўз оғзи билан иқроп бўлганму?

—Ўз оғзи...—Мавлоно Муҳиддин гапиролмай дудуғланиб қолди.

—Хўш?—Шаҳзода бир ҳатлашда унинг ёнига келди ва ўрнидан турмоқчи бўлган мавлонони елкасидан босиб ўтқазди.—Сўзланг, мавлоно!..

—Устод... Мирзо Улуғбек ҳазратлари...—Мавлоно Муҳиддин ранги ўчиб жим қолди.

—Хўш?—бақириб юборди шаҳзода.

—Падари бузрукворингиз... тожу тахтдан жудо бўлишидан бир ҳафта муқаддам Мавлоно Али Қушчини чақириб, бу гуноҳ юмушни унга юклаган эканким, ул зот каминани бу сир-синаотдан воқиф қилган эди...

—Не мақсадда сизни воқиф қилгандур?

—Мақсади... бу гуноҳи азим юмушга каминани ҳам тортмоқ эди...

—Сиз бош қўшмадингиз?

—Асло, давлатпаноҳ. Фақирни бу гуноҳ юмушдан ҳақ таоло ўзи асрамиш...

—Ҳмм...—Шаҳзода ер остидан яна амир Жондорга қаради. Бўшашиб турган амир Жондор кўкрагини керди, қаддини ростлаб:

—Чақирайми?—деди.—Мавлоно Али Қушчини... олиб кирайликми?

Али Қушчининг исмини эшитган мавлоно Муҳиддин ялт этиб амир Жондорга қаради, жавдираган серкиприк кўзларида қўрқув аралаш бир илтижо жилва қилди.

Амир Жондор ранги ўчиб:

—Мавлонода айб йўқ!—деди ёлворган товушда.—Имон-сиз Али Қушчи...

Шаҳзода сийрак мўйлови ғалати дикрайиб:

—Йўқ!—деди қатъий.—Мавлонони ул муртаднинг ёнига элтинг! Икковини бир зиндонга ташланг! Мавлоно бу сўзларни ул бетавфиқнинг бўйнига қўйсин. Сўнгра бирга олиб келасиз!..

Мавлоно Муҳиддин курсидан ҳолсизгина сидирилиб тушиб, шаҳзоданинг оёқлари остига йиқилди:

—Шафқат қилгайсиз, давлатпаноҳ!

—Олиб кет буни!—Шаҳзода кўзлари ёниб, бақириб юборди. Рангида қони қолмаган амир Жондор нимжонгина мавлонони қўлтиғидан олди.

—Сабр қилинг, мавлоно...

Мавлоно Муҳиддин амирнинг сўзларига қулоқ солмай унинг қўлида ёш боладай талпинар, кўз ёшларини юзига суртиб, юм-юм йиғлар эди. Шаҳзода афти буришиб, тескари бурилди.

Салоҳиддин заргар ўғлини кутиб, тонг отгунча мижжа қоқмади. Тиқ этган товуш эшитилса юраги ўйнаб, эшикка тикилиб тонг оттирди. Мавлоно Муҳиддиндан дарак бўлмади. Уни Кўксаройда олиб қолганларига энди шубҳа қолмади. Кўксаройда олиб қолишнинг маъносини яхши тушунган, сарой тагидаги зиндон ва ертўлалар тўғрисида бир-биридан мудҳиш гаплар эшитган Салоҳиддин заргар, ваҳима босиб, ўзини қасрга қўйишни билмай қолди. Умри бино бўлиб, хасталикдан чиқмаган, қиздай нимжон ва ногирон фарзанди бу зах ҳибсхоналарга, кана ва бургаларга тўла машъум зиндонларга тушса... не бўлади? Ҳоли не кечади? Неча кунга бардош бера олади? Наҳот у қариган чоғида ёлғиз ўғлидан, кўзининг гавҳаридан айрилиб қолса? Ўзинг мадад бергайсен, парвардигори олам!.. Бир оёғи ерда бўлса, бир оёғи гўрда турганида у қайга боради? Додини кимга айтади? Арз қилиб борадиган бирдан-бир одам жаноб Хомуш бўлса... Заргар унинг айтганини қиламан деб, бу уқубатга гирифтор бўлди. Лекин ҳазратдан бошқа кимга боради? Ким унинг жонига ора киради?

Салоҳиддин заргар ўйлай-ўйлай яна ҳазратнинг оёғига бош уришга аҳд қилди. У бомдод намозини ўқиб бўлгач, эгнига туя жунидан тўқилган илиқ чакмонини, бошига гуллик олача тақясини кийиб, устидан оқ шойи салласини ўради. Токчадаги пўлат қутичаларнинг бирини очиб, нафис товланган зеб-зийнатлар орасидан бири фируза, бири ёқут кўзли иккита тилла узук олди. Одатда у ҳазратни йўқлаб борганида битта қимматбаҳо зийнат инъом қилар эди, бугун нечундир унинг ёнига яна биттасини қўшди, сўнг, бандига дур қадалган серҳашам асосини қўлига олиб, уйдан чиқди.

Осмон оқара бошлаган, боғдаги юсак оқ теракларнинг учлари ялтираб қолган, лекин ҳали офтоб чиқмаган эди. Салоҳиддин заргар ҳовлидаги тоklarнинг тагидан ўтиб, дарвозага бориб қолганида, орқадан:

—Бува... буважон!—деган овоз эшитилди.

Енгилгина кийинган Хуршида бону, юзига ташлаб олган ҳарир дуррасини ҳилпирашиб, чопқиллаб келди... Ранги ўчган, уйқусиз кўзларида мунгли изтироб, лаблари йиғлашга тайёр гўдакнинг лабларидай пирпираб учарди:

—Буважон, қайга?.. Бизни ташлаб қайга борасиз?

Салоҳиддин заргар суюкли набирасининг кўзлари жиққа ёшга тўлганини кўриб, ўзи ҳам қулт этиб ютинди:

—Кўрқма, болам. Тезда қайтамен. Дадангдан... хабар олиб қайтамен.

—Кўксаройга борасизму?—деди бону шивирлаб.—Кўксарой... Кўксаройга борманг, буважон!

Чол секин бош чайқади.

—Йўқ, Кўксаройга эмас, бошқа бир жойга бориб келамен... Дадангдан хабар топмоқ даркор, болам...

—Дадам...—Хуршида бону гапиролмай кафтларини юзига босиб, йиғлаб юборди.—Дадам бечорага қийин бўлур, буважон, мен биламен, қийин бўлур...

Салоҳиддин заргар сергакланди. Оппоқ қошлари бир-бирига туташиб:

—Нени биласен?—деб сўради.

—Буважон! Мавлоно Али Қушчи зиндонга тушган эмиш. Шаҳзода барча илм аҳлларини қирғин қилмоқ ниятида эмиш...

—Ким айтди? Қайдан эшитдинг бу сўзни?—Салоҳиддин заргарнинг чўққи соқоли диккайиб, кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Хуршида бону айтмайдиган гапни айтиб қўйганини сезиб, бошини эгди.

—Эшитдим... эшитиб, қўрқиб кетдим, буважон...

Салоҳиддин заргар қовоғини солди.

—Кўрқма, болам. Шаҳзода илм аҳлини эмас, даҳрийларни, дини исломияга қилич кўтарган диёнәтсиз кофирларни қувғин қилур. Сенинг даданг эса, ҳақ таолони тилидан ҳам, дилидан ҳам қўймаган бир фақир ҳақирдур. Иншооллоҳ, тангри таоло уни ўз паноҳида сақлар... Бор, юмушингни қил, болам!—Салоҳиддин заргар набирасининг пешанасидан ўпди-да, дарвоза томон йўналди.

"Ё раббим! Бу машғум хабарни, мавлоно Али Қушчи зиндонга тушганини қайдан эшитмиш?"

Бостирманинг тагида челақка ўт ёқиб, исиниб ўтирган қоровул Салоҳиддин заргарни кўриб, ўрнидан сакраб турди. Белбоғидаги калитлар орасидан биттасини олиб, дарвозага қараб чопган эди, заргар дўхтатди.

—Тунда ҳовлига бирда-ярим одам келмадимми?

—Йўқ, холам, одам тугул, пашшани ҳам йўлатмадим!

—Ҳм... сергак бўл... Каминадан берухсат бир одам кирса каллангни оламен!—Салоҳиддин заргар қўлидаги асоси билан ерни дўқ-дўқ уриб, дарвозадан чиқди. Лекин Хуршида бонунинг айтганлари-ю, бу сўзларни қайдан эшитди, деган фикр "Мозори калон"га етиб боргунча кўнглидан чиқмади.

"Мозори калон"га ёндош ҳазратнинг ҳовлиси олдидаги

очиқ майдоннинг ҳар жой-ҳар жойида қаландарлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, гулхан ёқиб исиниб ўтиришар, масжид рўпарасидаги хонақоҳнинг олдида бошқа бир гуруҳ дарвешлар қозон қайнатишарди.

Салоҳиддин заргар ташқари ҳовлидаги чинор тагида ўтириб ҳазратнинг чақирishiни кута бошлади. Одатда у камдан-кам кутар, заргар келиши билан ҳазрат дарҳол чақиртириб оларди. Бу сафар ҳазрат ҳузурида мўътабар бир зот бўлса керак, ички ва ташқи ҳовлидаги муридлар оёқ учида юришар, бир-бирларининг қулоқларига шивирлашиб сўзлашар, турнақатор бўлишиб, ошхонадан ичкарига кумуш баркашларда овқат ташишар эди... Аҳён-аҳёнда аллақандай қаландарлар, тунд юзли ясовулар от чоптириб келишар, уларни ҳеч ким куттирмас, келишлари билан ичкари ҳовлига олиб кириб кетишар эди. Ниҳоят, қиздай нозик ёш мурид келиб, заргарни ичкарига таклиф қилди...

Салоҳиддин заргар ёш муриднинг кетидан ички ҳовлига томон юраркан, гўё ҳозир ҳазратдан ноҳуш гап эшитадигандай, юраги увишиб кетди. Салоҳиддин заргар пойгакка тиз чўкиб камоли эҳтиром билан салом берди. Жаноб Хомуш тиз чўкиб, камоли эҳтиром билан салом берган Салоҳиддин заргарга ер остидан бир қараб қўйди-да, бошини ҳам қилиб, тасбеҳ ўгиришда давом этди.

—Не арзи ихлосинг бор, хожа Салоҳиддин,— деди.— Фурсат зиқ.

Салоҳиддин заргар ўтирган жойида тавозе билан таъзим қилди.

—Оллога шукрким, соҳибназар пуштипаноҳимнинг муборак қўлларини олмоққа мушарраф этмишдур...

—Сўзла, заргар. Доруссалтанада не сўз бор? Аҳли тижорат орасинда не хабар бор?

Салоҳиддин заргар юраги увишиб:

—Пирим, —деди овози қалтириб— Шу кеча Кўксаройдан сипоҳлар келиб, ёлғиз фарзандим... мавлоно Муҳиддинни олиб кетган эдилар. Қайтиб келмади, пирим...

Ҳазратнинг лабларига билинар-билинемас кулгу югурди.

—Қайтмаса... зурриётингиз мавлоно Муҳиддин шаҳзодага ёқиб қолгандур?..

—Пирим...

—Ёҳуд, билъакс, мутарадид¹ фарзандингиз ўз биро-

¹ Мутарадид—беқарор.

дари Али Қушчи билан юзлашганда бу даргоҳи табаррукда қилган аҳду иқрорини тардид¹ қилгандур?

Салоҳиддин заргар тили калимага келмай ғулдираб қолди:

—Бейб парвардигор... осий банда... гуноҳини афв этгайсиз, пирим!

—Осий банда,—деди ҳазрат соқолини серкиллашиб.— Сени яхши биламен, заргар. Ул такаббур шоҳни пуштипаноҳ айлаб, унинг меҳри муруввати ила бойлик орттириб, энди тавба-тазарру қиласен!

—Пирим. Садоқати зоҳир қулингиз...

Салоҳиддин заргар икки букилганича пешанасини гиламга қўйиб, жим қолди. Мудҳиш қўрқув уни гангитиб қўйган, хаёлида фақат: "Ё раббано. Ўзинг шафе бўлгайсен!" деган фикр такрорланар, лекин тили калимага келмас эди.

—Инналлоҳо маассобирин. Сабр қилинг, заргар...— Ҳазрат Хомуш ёстиғи остидан шақилдоғини олиб, шақиллатди. Эшикда дарҳол ёш мурид пайдо бўлди.

—Девона Довулбек келдими?

—Келмиш, пирим.

—Айт, кирсин.

Салоҳиддин заргар кимдир ёнига "гурс" этиб чўккалаганини эшитиб, қўрқибгина кўз қирини ташлади. Унинг ёнида жулдур кийимли дарвеш эмас, белига ойсимон эгри қилич таққан, бошига дубулға кийган бир кўзи ғилай сипоҳ чўккалаб ўтирарди.

—Хўш, қочоқдин хабар топдингми, дарвеш?

—Йўқ, пирим...

—Бир қочоқ Қарноқийни тополмасанг... нечун сени қаландарбоши қилдим? Нечун уддабурон деб, Кўксаройга ясовулбоши қилдим, Қашқир?

—Гуноҳкормен, пирим. Не чора, доруссалтанада титмаган жойим, кирмаган тешигим қолмади...

Қаландар Қарноқийнинг номини эшитган Салоҳиддин заргар бошини сал кўтариб, қулоқ солди. Нечундир набирасининг бояги сўзлари эсига тушиб, юраги шиф этди.

Қашқир ўтирган жойида питирлаб:

¹ Тардид қилмоқ—рад этмоқ.

—Иншооллоҳ, топамиз, пирим,—деб бидирлади.—Ер ютса-да, топамиз у бадбахтни.

Жаноб Хомуш кўнгилсиз гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлиб:

—Хўш,—деди.—Бу одамни танийсенми, дарвеш?

Қашқир Салоҳиддин заргарга қиё боқиб, ишшайди.

—Бу зоти шарифни танимайдурғон кимса буткул Мовароуннаҳрда йўқдур, пирим.

—Бул зотнинг зурриёти мавлоно Муҳиддин ҳибсга олинган эмиш, хабаринг борму?

Қашқирнинг лабидаги табассум сохта ғамгинлик билан алмашди.

—Надоматлар бўлғайким, бу нохуш юмуш фақирга юкланган эди, пирим.

—Хўш? Сўзла...

—Мавлоно Муҳиддин ҳибсда, батавфиқ Али Қушчи билан бир жойда ётибди, пирим.

—Нечун? Ё сўроқ қилинмадиму?

—Йўқ, сўроқ қилингандур. Мавлонога тасанноким, пиримга қилган аҳди иқроридин қайтмабдур.

—Бўлмаса... сабаб ҳибсга соладур?

Қашқир елкасини учирди.

—Давлатпаноҳ буни лозим топса, бандаси не қилсин, пирим? Давлатпаноҳ айтмишким, сўзлаган сўзинг ҳақиқат бўлса, бу сўзни Али Қушчининг бўйнига қўясен. Бўйнига қўйиб, ул палидни инсофга келтирасен, сўнг, ҳибсдин озод қиламен...

—Пирим!—Салоҳиддин заргар инграб юборди. У ўзини ҳазратнинг оёқлари остига ташламоқчи эди, лекин жаноб Хомушнинг: "Бас! Фармони ҳумоюн амри вожибдур!" деган хитобини эшитиб, ялт этиб қаради.

Салоҳиддин заргар ҳазратнинг шиддатли чеҳрасидан, аллақандай илҳом билан порлаган сеҳрли нигоҳидан кўзларини олиб қочаркан: "Ё раббий! Ўзинг мадад қилгайсен!—деб пичирлади.—Нечун Али Қушчининг сўзини буларга етказдим? Нечун анинг сирини очдим?.."

—Кўзингни арт, заргар!—деди ҳазрат.—Ул осий зурриётингга ҳифзи ҳимоятни бандасидан эрмас, тангри таолодан сўрагайсен. Калимаи шаҳодатни арз қилиб, лайлу наҳор истиғфор айтгайсен. Ўрнингдан тур, эй бандаи бериҳ.

Салоҳиддин заргар нигоҳини чулғаб олган туман орасидан эшикни аранг топди ва гандираклаб хонадан чиқди. Даҳлизда кўксини чангаллаганича бир зум деворга суяниб

турди. Шу пайт қўли ён чўнтагидаги тилла узукларга тегди, тегди-ю, кўнгли бир хил бўлиб кетди. Пирига атаган узукларни бермай қайта олиб кетиш ёмон бир нарсанинг аломати эди. У бир ўйи қайтиб кирмоқчи бўлди-ю, журъат этмади. Юрагини чулғаб олган мудҳиш туйғудан дармон-сизланиб, гандираклай-гандираклай уйдан чиқди.

11

Хуфтонда уста Темур Самарқандийнинг ғоридан чиқиб кетган Қаландар Қарноқий тун ярмидан ошганда қайтиб келди-да, боқоннинг ёнидаги пўстакка юзтубан тушиб ётиб олди. Устанинг саволига қисқагина қилиб: мавлоно Муҳиддин ҳам зиндонга тушибди, отахон, деб қўя қолди. У хаёлан ҳамон Салоҳиддин заргарнинг боғида юрар, кўз олдида ҳамон Хуршида бонунинг ёш билан ювилган маъюс юзи турар, қудоқлари остида ҳамон унинг ўксик овози янграр эди.

Букун у мавлоно Муҳиддиннинг уйига иккинчи марта борди, бориб яна тунов кунгидай боққа қараган таниш дарчани чертди. Одатдагидай уч марта чертди. Хуршида бону уни кутиб ўтирган, эканми, лаҳза ўтмай боғ эшик очилиб, кимдир чиқди. Кобулий кавушларнинг енгил "шип-шип"идан "Қаландар дарҳол таниди: бону!

Хуршида бону бир-бир босиб келиб, ёнғоқ тагида турган Қаландар Қарноқийнинг рўпарасида тўхтади. У салом бердими, йўқми, Қаландар билмай қолди. Бону, гўё салом қилгандай, бошини эггачи жимгина турарди. Эгнида тўпиғига тушган узун кўйлак устидан кийган қора бахмал мурсак, бошида рўмол ўрнига қора духоба ёпинчиқ, ҳатто, юзига тутган ҳарир ипак дурра ҳам қоп-қора бўлиб туюлди Қаландарга. Қоронғида унинг юзи аниқ кўринмас, лекин духоба ёпинчиқ ўраган бошини эгиб, жимгина туриши яхшиликдан дарак бермас эди. Қаландар қуруқшаган лабларини ялаб:

—Иншооллоҳ, яхшилик бўлғай,—деди. —Мавлоно... қайтдими, бону?

Хуршида бону секин бош чайқади:

—Йўқ...

—Астағфирулло! Нечук?

Хуршида бону бошини кўтариб қаради. Унинг йирик оҳу кўзлари қоронғида қандайдир совуқ нур сочиб, ялтиллаб кетгандай туюлди.

—Мен қайдан билай? Ҳар нечук, мавлоно Али Қушчига чоҳ қазиган кимсани зиндонга ташламаслар...

Қаландар ўзини туютмай:

—Водариг!—деб юборди. Бонунинг сўзларидаги аламли таъна унинг юрагига заҳарли наштар бўлиб қадалди. Хуршида бону бўғилиб кетаётгандай энтикиб-энтикиб нафас оларди.

—Сиз... қўрқманг деган эдингиз... Дадангизга шикаст етмайди, тезда қайтади, деган эдингиз. Қани қайтгани?

Қаландар, юраги увишиб, бонунинг чақнаб турган кўзларидан кўзини олиб қочди.

—Ғофил банда, гуноҳимдан ўтгайсиз, бону...

—Дадам бечора ногирон бир одам. У кишини зиндонга солиб, чиритамен деб, қўрқитмоқ осондур. Бироқ олло шоҳид: у зот ўз виждонини сотмайди. Ўз аҳбобига хиёнат қилмайди...

Хуршида бону кўз ёшларидан "ғип" бўғилиб, гапиролмай қолди. Қаландарнинг кўксига қадалган заҳарли наштар, гўё буралиб-буралиб юрагини тилка-тилка қилиб юборгандай бўлди.

—Кечиргайсиз, бону,—зўрға дея олди у. —Мен ўйлаган эдим, ғофил банда...

—Ногирон, ожиз одам зиндонга қандай бардош қилади?—деди Хуршида бону.—Ҳоли не кечади? Бечора отам!

Бу сафар бонунинг аламли овози Қаландарга нечундир дарвоза олдидаги ўша машъум учрашувни эслатди. Ўшанда ҳам бонунинг "мирзам!" деб чақирган овози аламли фарёдга тўла эди, ҳозир ҳам. Гарчи у ҳозир оҳишта гапирса ҳам, сўзларида ўша дард, ўша фарёд, йўқ, қандайдир чуқур бир илтижо бор, гўё бошига тушган бу савдода ёлғиз ундан, Қаландардан нажот кутарди!

Эвоҳ! Қаландар бонуга, юзини кафтлари билан яшириб, унсиз йиғлаётган бу санамга нима дейди? Уни қандай юпатади?

Қаландар, гўё мотам тутгандай қора либосларга ўраниб олган бу нозик санамни бағрига босиб, ёш тўла кўзларидан ўпиб тинчитгиси келар, аллақандай дил сўзларини топиб, юпатишни истар, лекин, кўнглига қаттиқ озор берган одам, унга яқинлашишга журъат қилолмас эди.

—Қўйинг, бону, йиғламанг,—деди у ниҳоят.—Ноумид шайтон. Оллонинг меҳри дарёдур...

Бону унсиз титраб йиғлашда давом этар, унинг сўзларига қулоқ солмас эди.

—Иншооллоҳ, биз ҳам қараб турмасмиз. Бир йўлини топамиз, ҳаракат қиламиз, бону...

Хуршида бону бошини бир томонга эгиб, унга қиё боқди. Унинг ёш тўла кўзларида умид учқунлари милтиради.

—Бобом бечора қайга боришни, кимга арз қилишни билмайду.

—Ҳа, қийин,—деди Қаландар фиғони чиқиб,—бу бераҳм мустабид барча илм аҳлини йўқ қилмоққа жазм этгандур. Устод ёққан илму маърифат машъалин сўндириб, буткул Мовароуннаҳрни зулмат қаърига чўктирмоққа азм қилгандур. Лекин, иншооллоҳ, бу қораниятига етмас! Зеро, маърифат машъалин ўчириб, элни зулматга солмоқни ният қилган бирдан-бир мустабид машъум мақсадига етмагандур!..

Қаландар бунинг ҳаммасини ёниб-ўртаниб гапирди-ю, бирдан жим қолди: унинг олдида бош эгиб пиқ-пиқ йиғлаб турган бу санам ундан бундай улуг хитоблар эмас, кўнглига тасалли берадиган сўзларни кутар, нажот тиларди.

—Иншооллоҳ, бир йўли топилиб қолар, бону,—деди у.—Сўзимга инонинг, биз ҳам қараб ётмасмиз, шу буюндан ҳаракат қиламиз...—Қаландар сўзини тугатолмади. Шу пайт, боғ эшик шарақлаб очилиб, олдин аёл киши, унинг кетидан яна бир одамнинг соялари кўринди.

—Хуршида! Қайдасен, болам?

—Энагам! Бувам!—қўрқиб шивирлади Хуршида бону. У қўлини Қаландарнинг қўлига қўйди. Бонунинг мулойим кафти чўғдай эди.

Қаландар чўғдай ёнган бу қўлларни қисаркан, бутун вужуди ловиллаб кетди.

—Қўрқманг, бир йўлини қиламиз, бону! Мен тагин келамен!..—У орқага тисарилиб, ўзини дарахтлар панасига оларкан, Хуршида бонунинг:

—Лаббай, буважон!—деган мулойим товушини эшитди.

Қаландар қоронғи кўчалардан, пана-пасқам жойлардан юриб, орқага қайтаркан, хаёлидан: "Не қилмоқ даркор?" деган бир фикр чиқмас, нигоҳи олдидан бонунинг ёш билан ювилган маъсум чеҳраси кетмас эди. Унинг қулоқлари остида ҳамон бонунинг аччиқ таъналари янграр эди, лекин бу сўзлар қанчалик аламли бўлмасин, Қаландар буюн бир нарсани аниқ сездди: бону ундан ниманидир кутар, унга суянмоқ истарди. Бу истак, Хуршида бонунинг овозидаги бу пинҳоний илтижо уни

ҳам суюнтирар, ҳам аллақандай чўчитар, "Не қилмоқ даркор? Бу икки устодни қандай қутқармоқ керак?" деган фикрни қайта-қайта эсига солиб, юрагини зирқиратар эди.

Қаландар тўсатдан олдинда "ярқ" этган олов кўриб, тўхтади. Қўлларида машғал ушлаган икки навкар унга етмай чапга бурилиб кетди.

У қаёққа кетаётган эди? Боши оғиб қаёққа келиб қолди? Ҳа, у Тиллабибидан хабар олгани Гўри Амир томонга, Али Қушчининг Оқсарой ёнидаги ҳовлисига кетаётган эди.

Қаландар ён-верига синчиклаб қаради. У заргарлар растасидан ўтиб, Кўксаройга яқинлашиб қолган эди. Олдинда, баландликда, кунгурадор девор билан ўралган қора гумбазлар қоронғида чўнг қоялардай совуқ маҳобат билан юксалиб турар, у ерда милт этган чироқ кўринмас, муаззам сарой, гўё ҳаётсиз ташландиқ бир қасрдай жимжит ва ваҳимали туюларди...

Гўё ташландиқ қасрга ўхшаган бу сарой, теран сукутга чўмган бу гумбазлар негадир ёд бўлиб кетган мисраларни эсига солди:

Тотлиғ-тотлиғ еганлар,
Турлук-турлук еганлар,
Олтун тахт ўлтурганлар,
Туфроқ аро ётмишлар...

Мавлонолар тушган зиндон қабристонга ўхшаган бу саройнинг қаерида? Унга туйнук очиб бўладими?

Қаландар дарахтларни паналаб олдинга юрди, лекин сал ўтмай қалъа томондан яна машғал ушлаган посбонлар кўринди. Афтидан, посбонлар тун бўйи сарой атрофида айланиб юришар эди.

Қаландар шарпасиз одимлаб орқага чекинди. Панапасқам жойлардан, дарвешлигида кўрган тор кўчалардан юриб, Оқсаройга ўтди. Ўтишга ўтди-ю, лекин кўнгли вайрон бўлди. Тиллабиби қаттиқ иситмада, чўғда ётгандай тўлғаниб, алаҳсираб ётган экан, Қаландарни ўғли Али деб ўйлаб, бўйнига осилиб олди, ёш чиқмаган нурсиз кўзларини юмиб, юз-кўзларидан ўпди, кейин, ўғли эмаслигини билгач, уввос тортиб йиғлади-ю, йиқилиб қолди...

Қаландар Тиллабибининг аламли фарёдини қайта эшитаетгандай бўлиб, бошини чопонига буркаб, ғужанакланиб ётиб олди. Уни ҳатто устани кўргали келган Қалқонбек билан Босқонбек ҳам ўрнидан турғизолмади. Оғанин темирчилар одатдагидай ҳазиллашиб: "Э, оға, қўйинг, шу

ёлгон дунёнинг ташвишларини! Девонанинг ишини худо ўзи ўнглабди!" деб, тегажоқлик қилиб кўришди ҳам, бўлмади, Қаландар турмади, ўзи билан ўзи олишиб, ич-этини еб ётаверди.

Вақт тун ярмидан оғиб, Қалқонбек билан Босқонбек энди кўзғалишган эди, эшик яна тақиллаб қолди.

Қўлига лип-лип этган мойчиروқни олиб, қоронғи йўлакка кириб кетган уста, эшикда ким биландир узоқ гаплашиб тургач, Мирам Чалабийни эргаштириб кирди.

—Бу йигит бир кимсани бошлаб келибди,—деди уста Қаландарга.—Бегона одам, кирсинми?

Мирам Чалабий салом бериб олдинга ўтди.

—Мавлоно Коший! Барча толиби илмлар уни сизга йўллабдур, шоир.

—Менга йўллабди?! —Қаландар ҳайрон бўлиб ўрнидан турди. —Қани? Чақир! Кирсин!

Улуғбек мадрасасининг энг ёш мударриси ҳисобланган мавлоно Коший ибн Муиниддин ғорга киргач, қоронғига ўрганолмай кафти билан кўзларини тўсиб бир лаҳза турди. Кейин, гўё Қаландар Қарноқий эмас... бутун оламга донғи кетган улуғ аллома билан кўришаётгандай камоли эҳтиром билан салом берди. Қаландар ҳам, ёш бўлса-да, устоднинг ҳурматини қозонган бу машҳур алломани кўриб суюниб кетди. Унинг келиши, ҳар нечук бу оғир, қора кунларда оламда яхшилар ҳам борлигидан далолат берарди.

Уста оловдондаги иссиқ кўрни ағдариб, устига саксовул ташлади, супага наMAT ёзиб, меҳмонларни ўтиришга таклиф қилди. Қаландар ҳамон ғорга кўниколмай, кўзлари аланг-жаланг бўлиб ўтирган Кошийнинг тиззасига қўлини қўйди.

—Сизни каминага муллаваччалар юборган эмиш, биродар? Улар каминани қайдан эшитибдур?

Мавлоно Коший иягидаги сийрак соқолини силаб кулди, гулхан шуъласида унинг сўлғин юзига қон югуриб, кўзлари чақнаб кетди.

—Сизнинг донғингиз бутун Мовароуннаҳрга кетгандур, шоир. Алхусус, сиз дарвешликни тарк этиб, мавлоно Али Қушчининг қанотлари остига қайтганингизни эшитган толиби илмларнинг ҳурмати чексиздур.

Қаландар Қарноқий ғамгин кулимсираб, гулханга тикилди. Мавлоно Кошийнинг сўзлари унинг қалбидаги ярани қайта тирнади. "Дарвешликни тарк этиб, илм даргоҳига қайтганидан не фойда, на ҳибсдаги устозларининг жонига ора кира олди, на бонунинг дардига малҳам бўла олди!"

Қаландар оғир хўрсиниб, Кошийга қаради:

—Хўш, илм аҳли орасида не сўз, не хабар бор, биродар?

Коший ўйчан кўзларини гулхандан узмай:

—Барча талабалар, барча илм аҳли ғам-андухдадур, шоир,—деди.—Биласиз—мадрасалар ёпилгандур. Илм аҳлининг тақдири не бўлади, ҳануз қоронғидур.

—Ғам-андухдин не фойда? Ғам-андух кишига ёр бўлмайди, биродар.

—Ҳақ гап!—деди Мирам Чалабий, гулхан шуъласида кўзлари чақнаб.—Толиби илмлар айтган эмиш: Али Қушчини дарҳол қутқармоқ керак, деган эмиш. Нечун бунни айтмайсиз, мавлоно Коший?

Коший кўра ёнида гулхан ёқиб ўтирган ака-укаларга ҳадиксираб қаради, Қаландар кулимсираб: "Қўрқманг, азизим, булар ўзимизнинг йигитлар", дегач:

—Ҳа,—деди бош ирғаб.—Кеча оқшом каминанинг ҳузурига бир гуруҳ талабалар келдилар. Ўзларини чоғга отишга ҳозир муллаваччалар, бошимиз кетса ҳам мавлоно Али Қушчини қутқарамиз, дейдилар.

—Қай йўсин?

—Ётган зиндонини билсак туйнук очар эдик, дейдилар.

Дам босаётган Қалқонбек Кошийнинг сўзларига қулоқ солиб турган экан:

—Боракалло! Зап йигитлар экан!—деб хитоб қилди.—Не дейсиз, оға?

—Не дейман, балли, дейман, иним!—кулди Босқонбек, қора қумғонни оловдан оларкан.—Кўкрагида ёли бор бундай йигитлар топилса биз ҳам қўшиламыз! Қаландар оғамдай тун-кун ғам чекиб ётмаймыз. Қалқон бўл деса, қалқон бўламыз, бос деса, босамиз. Лаббай, Қаландар оға?

Қаландар ака-ука темирчиларнинг гапларига бир кулиб қўйди, лекин кўз олдига кунгурадор девор билан ўралган қаср, машғал кўтариб сарой теварагида айланиб юрган бояғи посбонлар келиб ўйланиб қолди. Уста эса, бошини сараклатиб:

—Ҳе, хом сут эмган бандалар!—деб кулди.

—Нечук куласиз, отахон?—деди Қалқонбек.

—Шунинг учунким, бу сарой, бу зиндонларни ким қурганини билмайсиз. Бу зиндон, бу саройларни оламини зер-забун қилган, кимсан Амир Темур қурдиргандур!

—Бўлмаса не қиламыз, отахон?!—деди Мирам Чалабий куйиниб.—Маслаҳат беринг: не қиламыз?

—Ҳа, йўл топмоқ керак.—Қаландар бошини қўллари билан сиқиб, оғир тебраниди.—Йўл топмоқ керак!

Уста катта ялпоқ кафти билан серажин юзини силаб, гулханга тикилиб ўтирар, мўйловга ўхшаган қалин қошири остидаги кўзлари юмук, лаблари қимтилган эди.

—Фақир буни кўп ўйладим. Ўйлай-ўйлай шу хаёлга келдим: уларни қутқарса олтин қутқаради. Бошқа чора йўқ!

—Олтин?—ҳамма бирдан жимиб қолди. Ҳатто Қалқонбек ҳам дам босишдан тўхтаб, яқинроқ келиб ўтирди.

—Ҳа, олтиндан бошқа нарса бу ишда ёрдам беролмас,—деди чол.—Эсларингда бўлсин: шаҳзоданинг саркардалари орасида бир одам йўқким, олтинга сотилмасин! Қармоқ ташлаб, улардан бирини илинтирмоқ даркор. Али Қушчининг қутлуғ бошини қутқармоқ учун олтин-жавоҳирларни аямаслик лозим. Мирзо Улуғбекдай донишманд ҳам буни ўйлаган бўлса ажаб эрмас!—Чол, сир-асорни очиб қўймадимми, деган маънода Қаландарга қарани. Лекин Қаландар сўна бошлаган гулханга тикилиб, ҳамон хаёлга толиб ўтирарди. Уста олтиндан гап очиши билан унинг эсига негадир Қашқир тушди. У боя хуфтонда Қашқирни узоқдан кўрган эди. Қашқир ясовуллар кийимида, бошида дубулға, белида ойсимон эгри қилич, остида бўлиқ тўриқ арғумоқ, расадхона ёнида ўн чоғлик суворий билан от чоптириб ўтиб кетди. У отда шундай давлат тўкиб ўтирар эдики, Қарноқий ўз кўзларига ишонмай қолди!.. Ҳа, чол ҳам, Қашқирга қармоқ ташлаб кўрмоқ керак, деди. Тавба! Нечук бу фикр унинг хаёлига инвалроқ келмади?

Коший Қаландарнинг сукутига бошқа маъно берди намаси:

—Олтин билан иш битса бир иложи топилур,—деди.—Барча талабалар, барча илм аҳли қўлидан келган ёрдамини аямас!

—Олтиндан бурун уста айтган қармоққа илинадурган балиқни топмоқ керак!—деди Қаландар.

Коший ака-ука темирчиларга яна бир қараб қўйғач:

—Балиқ ҳам топилур,—деди овозини пасайтириб.—Канина амир Султон Жондор деган бир одамни биламен. Узоқ қариндош бўлур...

—Амир Султон Жондор? У виждонсиз амир шаҳзоданинг ўнг қўли эмиш!

—Демакким, наҳанг экан-да!—кулди Мирам Чалабий.

—Наҳангким, наҳангларнинг наҳанги. Аммо, қайдам, узоққа тушадиму, йўқму?

—Қўрқма, болам. Наҳанг бўлса... қармоққа тушмаса олмоққа тушади! Аммо хўрак каттароқ бўлмоғи даркор!—

Уста Темур Самарқандий шундай деб, қўлини фотиҳага очди.—Бу юмушда худованди карим омад бергай, овларинг ўнгидан келгай, болаларим, илоҳи омин!

12

Кўксаройдан итдай чарчаб қайтган амир Султон Жондор тўшакка кириб, энди кўзи илминган ҳам эди, кимдир елкасидан секин туртди.

—Маъзур тутгайсиз, амирим, Кўксаройдан чопар келмиш.

Амир Жондор кўзларини зўрға очди. Тепасида ёш маҳрами тавозе билан қўл қовуштириб турарди.

—Саройдин келди?

—Саройдин, амирим...

—Чақир!—Амир Жондор уф тортиб, кўзини юмди. Мана, неча ойдурким, ҳар куни аҳвол шу: туну кун тинчлик йўқ. Шаҳзода кечани кеча демай, кундузни кундуз демай чопар юборгани юборган, гўё у қадимий асилзодалар авлодидан бўлган бообрў лашкарбоши амир Султон Жондор тархон эмас, зоти паст бир маҳрамдай майда-чуйда юмушларни ҳам унга юклагани-юклаган.

Шаҳзода фақат отасини эмас, жигаргўшаси Абдулғазизни ҳам унинг, амир Жондорнинг қўли билан қатл қилди...

Амир Жондор ўша машъум кечани ўйларкан, қатл пайтида ияги қалтираб, ёш боладай юм-юм йиғлаган Абдулғазиз гўё уйга кириб келаётгандай бўлди-ю, ялт этиб эшикка қаради, сўнг, вужудини совуқ тер босиб:

"Осий бандангни ўзинг кечиргайсен, парвардигор!"—деб пичирлади.

Ҳа, бу малъун шаҳзода кўп тубан юмушларни унинг қўли билан қилди. Ўзи бўлса... ўзи сўнгги пайтларда ёмон бир одат чиқарди. Тун ярмигача, аксарият тонг отгунча ухламайди, салтанат ишларини, девонга оид барча ёзишмаларни тунда қилади, иш йўқ пайтларида эса базм қуради. Лекин унинг базмлари ҳам қилиқларидай совуқ Илғари, Мирзо Улуғбек даврида, доруссалтананин машҳур шоир ва фозиллари, машшоқ ва хонандаларни тўпланадиган чорхари базмхонада ёлғиз ўзи ўтириб, бода ичади, аллақандай мунгли хаёлга чўмиб, оғир тебраниб машшоқларнинг ғамгин куйларини эшитади, аҳён-аҳёнда ҳарам канизларидан бир-иккитасини чақиртириб, рақсга

туширади, лекин аксарият, канизларни ҳайдаб юбориб, яна машшоқларга маҳзун куйлар чалдиради. Ўхтин-ўхтин кўнгли суҳбат тусаб қолган пайтларда амир Жондорни ёхуд қўшни хонада кутиб ўтирган девон бекларидан битта-яримтасини таклиф қилиб, қўлига бир коса бода тутиб меҳмон қилган бўлади... Эй, парвардигори олам! Унинг бошига не кўйларни солдинг? Амир Султон Жондор тархон Мирзо Улуғбекдан юз ўгириб, Мирзо Абдуллатифга юкунганида унинг умиди шу эдимиз? Шаҳзоданинг ўнг қўли, инонган тоғи, садр аъзам¹ бўламен, деб ўйламаган эдимиз? Шаҳзода шунчаки номига тахтда ўлтирар, салтанатни эса мен тебратамен, буткул Мовароуннаҳр оёқларим остида бўлади, деган умидда эмасмиди? Барча зоти шарифлар, барча бек ва бекзодалар, бой ва савдогарлар, аркони ҳарб ва аркони давлат, аъён ва боёнлар менинг дарвозамда қўл қовуштириб туради, менинг давлатим, менинг кошонам доруссалтанада энг бадавлат, энг муҳташим бўлади, ҳарамимга эса Мовароуннаҳрнинг энг мушрўй нозанинларни йиғамен, деган ишончда эмасмиди? Шу умидда шаҳзоданинг барча буйруқларини фармони ҳуююен деб билган, энг тубан, энг разил топшириқларини бажо келтирган эмасмиди? Хўш? Бунинг эвазига ундан не яхшилиқ кўрди? Бойлиги, шон-шавкати ортдимиз? Ҳарамидоги бирорта малакни инъом қилдимиз? Йўқ! Амир Жондор Салоҳиддин заргарнинг набирасига кўз тиккан эди, заргарга шаръий куёв бўлиб, донғи буткул доруссалтанага кетган бу санамни никоҳимга оламан, деган ниятда эди, бу ниятига ҳам етолмади. Энди совчи юбораман, деб турганда, шаҳзода мавлоно Муҳиддинни ҳибсга олди-ю, бу юмуш тўхтаб қолди. Амир Жондор қанча уринмасин, мавлоно Муҳиддиннинг жонига ора киролмади. Бошқа амирлар эса, уни шаҳзоданинг энг яқин муқарраби, деб ўйлайдилар, унинг қўлидан келмайдиган иш йўқ, деган хаёлдалар. Шу боисдан унга ёмон кўз билан қараб ҳасад қиладилар, салтанатда бўлаётган барча мараз ишларни ундан кўрадилар, барча қатлу қирғинга амир Султон Жондор сабаб, деб ўйлайдилар. Амир бўлса, ўз жонини зўрға сақлаб юрибди. Зотан ёлғиз амир Жондор эмас, шарафсиз Хуросон юришидан кейин, хусусан, шаҳзода Абдулғазизнинг доруссалтанада қилган зуғумларидан сўнг, Мирзо Улуғбекдан норози бўлиб, Абдуллатиф томонга

¹ Садр аъзам—биринчи вазир.

ўтган амирларнинг ҳаммаси букун пушаймон. Зеро шаҳзода улар кутган юксак рутба ва олий лавозимларни инъом этмади, у фақат жаноб Низомиддин Хомуш раҳнамолиғида иш тутмоқда, ёлғиз шу такаббур зотни тан олиб, туну кун унинг оёғига бош урмоқда. Ҳатто шайхулислом Бурҳониддин ҳам бир четда қолиб кетди... Амир Султон Жондор эса... телба шаҳзода ҳар куни унинг кўзларига тикилиб қарайди, унинг сўзларига, ичган қасамларига инонмайди, босган ҳар бир қадамни зимдан кузатади, сўроққа тутиб қийнайди...

Амирнинг қалбини унга ёт бўлган қандайдир чуқур ғамгинлик чулғаб олди. Нечун у Мирзо Улуғбекдан юз ўгирди, нечун унинг яхшиликларини унутиб, куфрони неъматлик қилди?

Амир қаттиқ уф тортиб, ўрнидан тураётганида эшик секин очилиб, Қашқир кирди: "Мана, орқамдан яна бир айғоқчи қўймиш!"

—Хўш?—деди амир дағаллик билан.—Тун ярмида тагин не юмуш чиқди, ғилай?

Қашқир ғалати ишшайиб жавоб берди:

—Буни давлатпаноҳимдан сўрайсиз, амирим!

Амир Жондор ғилайни сўкиб юборишдан ўзини зўрга босиб, тескари бурилди. Барваста гавдасини сипоҳий либосларга сиқиб кийинаркан, Қашқирнинг фавқулодда юмшоқ, мулойим овозини эшитди:

—Шавкатли амирим! Сиз фақирга инонмайсиз. Биламен. Ва лекин, шаҳзоданинг бу ишлари каминага ҳам ёқмайду.

"Шайтонга дарс берадиган бу Қашқирнинг нияти не? Кўнглимга қўл солиб, сир олмоқму ё бошқа муддаоси борму?"

Амир Жондор кумуш камарини боғлаган бўлиб, унга қарамай сўради:

—Қайси юмушларини айтасен?

—Қайси бирини айтмай, амирим? Ўзига маҳрам қилиб олди. Дуруст. Аммо маҳрамликдан не фойда?

"Эй дариг! Бу не ҳол? Жонимни, бошимни тикиб хизматини қилсам ҳам инонмайди, айғоқчи устига айғоқчи қўяди!"

Тунов куни мавлоно Коший келиб қўйнига қўл солиб кўрди. Аллақандай норози одамлар тўғрисида сўзлади, ҳаммаёқ нотинч, фуқаронинг аҳволи танг, доруссалтанада қаҳатчилик, савдо-сотик касод, деб арз қилди, ахири Али Қушчи билан мавлоно Муҳиддинни суриштириб, олтин ва жавоҳирларга шама қилди. Амир Жондор бир ўйи уни

сўзи устида шап ушлаб, шартта зиндонга тиқмоқчи ҳам бўлди-ю, қариндошлик андишасида уришиб-сўкиб, ҳайдаб чиқарди. Букун бўлса... Илоннинг ёғини ялаган бу муғамбир қўйнига қўл солиб кўрмоқда!..

Амир Жондор қиличини тақиш баҳонасида ҳамон Қашқирга қарамай:

—Сенга ҳайронмен, ғилай,—деди.—Мирзо Улуғбек даврида кўча-кўйда тиланчилик қилиб юрган бир гадо букун шаҳзоданинг муроввати билан ясовул бўлдинг. Тағин не керак сенга, Қашқир?

—Ясовулликдан не фойда? Номи улуғ, супраси қуруқ, амирим!

—Супранг қуруқ бўлса мен не қилай, ясовул бўлдинг, ҳаракат қил, Қашқир!

—Ёлғиз отнинг чанги чиқмас! Қарс икки қўлдан чиқаду, амирим! Бир юмуш бор.

—Не юмуш?

—Хўп десангиз айтамен, аммо қўрқманг. Кўп содиқ одамлар бор...

"Содиқ одамлар? Фаришта тўнидаги бу иблис не дейди? Фитна борми... ё мени синаб кўрмоқчимми?"

Амир Жондор шартта бурилиб, Қашқирни гирибонидан ушлаб ўзига тортди.

—Жонингдан уминг бўлса тўғриси сўзла: ким сенга мени синамоқни топширди? Шаҳзодами ё Низомиддин Хомуш ҳазратларими? Қорнингни ёриб, ичагингни салла қиламен. Сўзла, иблис!—Амир Жондор ясовулнинг томоғини ғиппа бўғиб олди. Унинг қўллари бургутнинг панжасидай қаттиқ эди. Ясовулнинг ғилай кўзи қинидан чиқиб, олайиб кетди.

—Ким юборди, сўзла, ифрит!

—Биллоҳ ёлғон сўзласам! Бердиси айтгунча белимни синдирманг, амирим...

—Бердиси не? Фитнами?

—Йўқ, олтин, амирим, олтину жавоҳир!..

—Барча фитна, барча қабоҳат олтину жавоҳирдан бошланур! Хўш, қай кўчада ётгандур олтину жавоҳирлар?

—Кўчада эмас, сизнинг қўлингизда, зиндонда ётибди, амирим!

"Зиндонда ётибди! Пирига дўст бўлмаган бу шайтон басир не дейди? Кимни айтади? Шаҳзода Абдуллоними ё шаҳзода Абу Саидними?"

Амир Жондор Қашқирнинг гирибонидан ушлаган қўлларини қаттиқроқ сиқди.

—Кўзингни ўйнатмай очиқ сўзла, шайтон!

Қашқир жон талвасасида унинг қўлида питирлаб хириллади:

—Икки аллома... Али Қушчи билан мавлоно Муҳиддин...

"Аждаҳонинг кўзини чуқиган қузғун! Икки мавлонони қутқариб не қилади? Олтин-жавоҳирларни ким беради? Салоҳиддин заргарми?"

Амир Жондор Қашқирни қаттиқроқ бўғмоқчи бўлди-ю, негадир Коший билан бўлган суҳбат эсига тушиб, қўйиб юборди. Қорнидан тойиб кетган кумуш камарини тўғрилаб, эшикка томён юраркан, пичинг қилди:

—Билиб қўй, Қашқир! Икки кемага оёқ қўйган фарқ бўлур! Амир Султон Жондор олтин-жавоҳирларга сотилмайди!

Кундуз ёққан қор яхлаб, аёз бошланган эди. Совуқда пишқириб, ер депсиниб турган отлар, туёқлари остидан кўчган муз парчаларини сачратиб, тош йўлни қарсиллатиб чопиб кетди.

Шаҳар кўчалари гўристондай жимжит ва зимистон эди. Ҳар куни бу маҳал эшитилиб турадиган қоровулларнинг шақилдоғи ҳам эшитилмас, қаландарларнинг "ҳақ дўст, ё олло"си ҳам қулоққа чалинмас, кечаси машғал ёқиб даҳа-даҳаларни айланиб юрадиган суворийлар ҳам кўринмас эди.

Амир Жондор олдинда от чоптириб бораркан, ҳамон Қашқирнинг сўзларини ўйларди. У шайтонга тузоқ қўйган бу ясовулнинг илмоғига чап берганидан хурсанд эди. Токи бошига кулоҳ, эгнига хирқа кийиб, кўча-кўйда гадолик қилиб юрган бу дарвешни анчадан бери танир, уни саройда ясовул кийимида кўриб аввал ажабланган, кейин бу ишда жаноб Хомушнинг қўли борлигини пайқаб қолган эди... Ҳа, ҳазратнинг шахсий айғоқчиси ҳисобланмиш бу одамдан эҳтиёт бўлмоқ даркор. Лекин айни замонда Қашқирнинг сўзлари унга тинчлик бермас, ҳамон хаёлидан чиқмас эди... Қашқир "кўп садоқатли одамлар бор", деди. Қандай одамлар? Мақсадлари не? Наҳот доруссалтанада фитна бўлса-ю, амир Султон Жондор беҳабар бўлса? Қаердадир Мирзо Улуғбекнинг суюкли навқари Бобо Ҳусайн Баҳодир яшириниб юрибди. Унинг номини эшитса шаҳзода ҳам дағ-дағ қалтираб қолади. Сўнгги кунларда шаҳар доруғаси Мироншоҳ ҳам камнамо бўлиб қолди. Шайхулислом Бурҳониддин эса, бошдаёқ шаҳзодага рўйхуш бермаган эди, ҳозир қорасини ҳам кўрсатмайди.

Эҳтиёти шарт. Ҳар нечук, Қашқир айтган одамларни билиб қўймоқ даркор. Зеро бу телба шаҳзодага суянмоқ— кўланкага суянмоқ билан баробар. Бойқушнинг кўзларига ўхшаган кўзлари ёмон... Бу кўзлардан қўрқмоқ жоиз...

Амир Жондорнинг хаёлини Кўксарой олдидаги майдонда гулхан ёқиб ўтирган ясовулларнинг овози бўлди. Отлиқларни кўриб, ўрниларидан сакраб турган ясовуллар, амир Жондор билан Қашқирни таниб, жойларига қайтишди. Амир Жондор, отининг жиловини дарвозада қарши олган соқчига тутқазиб, ичкари кирди. Уни сарҳовуз ёнида кутиб олган балхлик занжисифат саройбон саломхонага эмас, негадир ҳарамга ёндош меҳмонхонага бошлади.

Мирзо Абдуллатиф ҳарамга ёндош бу шоҳона хонанинг тўрида, қават-қават шоҳи кўрпачаларда ёнбошлаб ётар, олдидаги хонтахтада бир лаган бедана кабоб билан шаффоф май тўла биллур хитой идиши турарди. Шифтдаги қандил ва токчалардаги олтин шамдонларга терилган шамларнинг кўпчилиги ўчирилган, меҳмонхона ғира-шира эди. Шунинг учунми, тўрда ёнбошлаб ётган шаҳзода амир Жондорнинг юрагида аллақандай ёмон бир шубҳа уйғотди. У қўл қовуштирганича пойгакка чўккаламоқчи эди, лекин шаҳзода ўрnidан кўзғалиб, "бери кел!" деб ишора қилди. Уйқусизликдан киртайиб қолган кўзларини амирнинг кўзларига қадаб, одатдаги саволини берди:

—Хўш, амир? Доруссалтанада не мужда бор?

"Тағин беҳурмат қилиб санлайди!"—Амир Жондор унинг кўзларидан кўзини олиб қочаркан, бошини қуйироқ эгди:

—Иншооллоҳ, осойишталик, давлатпаноҳ.

—Осойишталик бўлса нечун кўзингни яширасен?

Амир Жондор зўраки жилмайди:

—Соябони марҳаматимнинг нурли чеҳрасидан кўз қамашадур...

—Хушомадни биласен, тулки!—деди шаҳзода мастона кулимсираб.—Ва лекин билиб қўй, амир, юрагингда не муддаонг бор—кўзингдан кўриб турибмен.

—Зоти олийларига шон-шавкат тиламоқдан бошқа муродим йўқдур. Салтанатингиз бундан ҳам зиёд...

—Бас! Салтанат ташвишларидан чарчаганмен!—деди шаҳзода.—Кўнглим бошқа бир нимарсани истайди, шуаро тили билан айтганда, гул искамоқни тилайди, амирим!

Амир Жондор бирдан енгил тортиб, шаҳзодага қаради, кўзлари мастона сузилиб, жилмайиб ўтирганини кўриб, ўзи ҳам жилмайди.

—Сиз пуштипаноҳим искамоқ тиласа ҳарамда гул кўпдур...

—Мен истаган гул ҳарамда йўқдур!—шаҳзода шундай деб, ёстиғи тагидан тилла шақилдоғини олиб, шақиллатди. Эшикда балхлик саройбон кўринди.

—Ҳарам бекасига айт! Кирсин!

Саройбон орқаси билан юриб чиққач, шаҳзода амирга бир пиёла май қуйиб узатди.

—Камина бир гулнинг таърифини эшитдим, амир, Кўнгил шу гулни искамоқни тилайдур...

Жодуликдин ҳар дам ул оҳу кўзинг жон куйдурур,
Гул мисоли икки лабинг лаъли маржон куйдурур...

—Хўш, шеър нечук, амир?

—Аъло, валинеъматим!—амир Жондор бир сипқаришда пиёлани бўшатди, аллақандай шубҳадан кўнгли ғаш бўлиб:

—Сиздай офтоби олам искамоқни тилаган бу гулрухсор қайси гулшаннинг гули экан?—деб сўради.

Мирзо Абдуллатиф унга жавоб бермай, эшикни секин очиб кирган ҳарам бекасига юзланди. Юзига ҳарир ҳаворанг парда ташлаб олган бека, эшикдан кирган жойида икки қўлини кўксига қуйиб, салом берди.

—Ул гулрухсорнинг таърифини мана, бекам айтадур,— деди шаҳзода.—Келинг, бекам, ўлтиринг, тортинманг.

Ҳарам бекаси учига дур қадалган зардўзи кавуши билан гиламни товушсизгина босиб келиб, шаҳзоданинг рўпарасига назокат билан тизза букди. Шаҳзода илжайганича унга ҳам бир пиёла май қуйиб тутди. Ҳарам бекаси таъзим билан пиёлани олди, қўш-қўш узук тақилган нозик бармоқлари билан юзидаги ҳарир ипак пардани кўтариб, майдан бир ҳўплади-да, сузук кўзларини Мирзо Абдуллатифга тикди.

Бека ўттиздан ошган, лекин ҳануз латофатини йўқотмаган, оппоқ юзининг ўнг томонида катта қора холи бор, кўҳлик жувон эди. Амир Жондор унинг пуштиранг ипак кўйлак ва қизил мовут мурсак остида лорсиллаб турган бўлиқ қоматига, пиёлани олаётганда очилган оппоқ қўлларига тикилиб, қулт этиб ютинди. Бунини пайқаб қолган шаҳзода қовоғини солди.

—Бекам, ул гулнинг таърифини қилинг амирга...

Ҳарам бекаси ўртасига кўкимтир хол қўйилган қийғоч қошларини чимириб, амирга қаради.

—Амирим ул гулрухсорни кўрмаса-да, таърифини

эшитгандур. Шаҳзода Абдулғазиз ҳуснда тенгсиз у нозанинни амир Иброҳимбек ўғлидан тортиб олган эди...

Амир Жондор чўчиб шаҳзодага қаради. Мирзо Абдуллатиф Абдулғазизнинг номини эшитган ҳамон чеҳрасидаги табассум сўниб, юпқа лаблари ҳамарилди, айна замонда негадир кўзлари қисилиб, амир Жондорга қадалди. Амир беихтиёр кўзини олиб қочаркан, хаёлидан: "Эй, дариг! Бу не кўргулик!—деган фикр ўтди.—Бир умидим шу малак эди..."

—Хўш? Нечук индамайсен, амир?—деди шаҳзода...

—Ул гулнинг таърифини эшитганмен, валинеъмат. Ва лекин...

—Хўш? Сўзла!

Амир Жондор пешанасидан қуйилган совуқ қатраларни сидириб ташлаб, ер остидан ҳарам бекасига кўз ташлади. Шаҳзода буни пайқаб қолиб, бекага имо қилди: "Чиқиб тур!"

Бека истар-истамас ўрнидан туриб, эшикка томон йўналди. Шаҳзода тоқатсизланиб амирга юзланди.

—Не сўзинг бор? Сўзла, амир!

Амир Жондор нима қилишини, нима дейишини билмай талмовсираб қолди.

—Давлатпаноҳ! Ул санам шаҳзода Абдулғазизнинг ҳарамиди бўлган. Очилмаган гул-гунчалар кўпдур.

—Гоҳо очилмаган гулдан очилган гулнинг иси хушбўй бўладур, амир...

—Иккиламчи, маълумингиз бўлғай, бу гул ҳибсда ётган мавлоно Муҳиддиннинг гулшанидан бўлур. Ҳибсда ётган бир кимсанинг ожизасини ҳарамга олмоқ... Сиздай салтанат соҳибининг шон-шавкатига лойиқ бўлурму, ҳазратим?

—Ҳмм...—Мирзо Абдуллатифнинг пешанаси тиришди, ингичка мўйлови асабий қамирлаб:

—Хўш,—деди.—Мавлоно Али Қушчи қалай? Ҳамон иқроор бўлмадиму?

—Худодан қўрққан банда иқроор бўлур, валинеъмат. Бу қайсар нобакор...

—Бас!—шаҳзода қўлларини парқу ёстиқларга тираб қаддини ростлади.—Иқроор бўлишни тиламаса зиндонда чириб кетсин! Аммо мавлоно Муҳиддинни қамоқдан чиқаргайсен!

Амир Жондор дами ичига тушиб, индамай қолди. Шаҳзода яна бир пиёла шароб қуйиб унга узатаркан:

—Ма, ич, амир,—деди ва кулди.—Билиб қўй, биздай амиралмўминин қўлидан ёлғиз сен май ичурсен.

—Қуллуқ, давлатпаноҳ. Тангрининг марҳамати ёғилиб, салтанатингиз бундан ҳам улуг бўлсин, илоҳи омин!..

—Омин. Хўш, ул гулрухсор қачон муҳайё бўлади?

Амир Жондор юрагига бир нарса санчилгандай бўлиб, яна шаҳзодага қаради, қаради-ю, унинг синовчан қадалиб қолганини кўриб илжайишга мажбур бўлди.

—Қар қалай, маслаҳат шуким, бир ҳафта сабр қилгайсиз, давлатпаноҳ. Салоҳиддин заргар доруссалтанада энг давлатманд, энг баобрў зотлардандур. Унинг камоли иззатини ерга урмай, ўртага одам қўймоқ даркор, давлатпаноҳ...

—Ўзинг совчи бўласен, амир! Аммо ул гулрухсорга кўзингни тикмагайсен. Гулга тикилган кўзингни ўйиб, бошингни сапчадек узиб ташлаймен, амир!..—Шаҳзода тўсатдан кўзларини қисиб, хахолаб кулиб юборди.

"Бу иблиснинг ҳазили ҳам турқи тароватидай совуқдир!" Амир Жондор оғир, норғул гавдасини базўр кўтариб ўрнидан турди, кўз олди қоронғилашиб, хонадан чиқди-ю, деворни ушлаб қолди. Хаёлида яна ўша аламли фикрлар қуюндай чарх урди.

"Эй дариг! Бошимга не савдолар солдинг? Ул даҳрий шохдан юз ўгириб, бу шаҳзоданинг этагини тутиб, кўрган яхшилигим шу бўлдими? Бир умидим шу гулрухсор эди, бу умидим ҳам Чин-мочин чиннисидай чил-чил синдимми?"—Амир Жондор хонада қандайдир шарпа эшитиб, кўзини очди. Эшикда балхлик занжисифат саройбон турар, саройбоннинг мушук кўзларига ўхшаган кўк кўзларида таажжуб, йўқ, аллақандай шубҳа бор эди. Амир Жондор қаддини ростлаб, белидаги камарини тўғрилади.

—Ғилай қайда?

—Ғилай?—деди саройбон тушунмай.

—Ғилай ясовулни айтамен! —Амир Жондор бир кўзини қийшайтириб кўрсатди. Саройбон тушуниб кулиб юборди.

—Дарвозахонада ўлтирибди.

Амир Жондор кўксигаги туғённи босиб, оғир одимлаб хонадан чиқди.

Қашқир бир жойда ўтиролмай торгина дарвозахонада қафасга тушган бўридай бетоқат айланиб юрарди. Деворларига суворий совутлар—жибо ва дубулға, қилич ва қалқон осилган дарвозахонада Қашқирдан бошқа ҳеч ким

йўқ, ясовуллар дарвоза олдидаги майдонда гулхан ёқиб, исиниб ўтиришарди. У дам-бадам тўхтаб, сарой томонга қулоқ солар, лекин у кутган товуш—нағал қоқилган оғир этикларнинг таниш гурс-гурси эшитилмас, ҳаммаёқ жимжит эди.

Қашқирнинг талвасага тушиши бежиз эмас, у амир Жондордан, тўғрироғи, амир унинг бояги гапларини шаҳзодага айтиб қўйишидан қўрқарди. Бу гап оғзидан қандай чиқиб кетганини Қашқир ўзи ҳам билмай қолди, лекин сўнгги кунларда унинг бошига шундай савдолар тушдики, кўнглидаги розини айтмай чораси қолмади.

Бундан бир ҳафта муқаддам Қашқирни яна жаноб Низомиддин Хомуш чақиртирди, ундан Кўксаройда содир бўлаётган воқеаларни, шаҳзоданинг бошқа эл-улуслар билан олиб бораётган ёзишмаларини, саркардаларнинг ўзаро муносабатларини, девон бекларининг юмушларини—барини бир-бир суриштирди. Мирзо Улугбек навкарлари ва шогирдлари, илм аҳлидан кимлар ҳибсга олиниб, кимлар эркакка чиқарилганини, хуллас, сўраб-суриштирмаган сир-асрори қолмади. Қашқир пирининг барча сўроқларига жавоб берди, ҳазрат ундан рози бўлгандай эди, лекин сўроқ охирида сўз айланиб яна ном-нишони ўчган Қаландар Қарноқийга бориб тақалди-ю, пири уни қаттиқ койиди. Унга инониб, саройга тайинлаганида, шаҳзоданинг шахсий ясовулларидан бири қилиб қўйганида, қаёқдаги мусофир бир гадони тутолмасанг не қилиб юрибсен, деган сўзларни айтиб, шундай койиди, шундай писанда қилдики, Қашқир пирининг олдидан ер бўлиб, кўнгли чўкиб чиқди.

Ойсиз, зим-зиё, совуқ бир кеча эди. Ёилай аламини арғумоғидан олмоқчи бўлгандай, уст-устига қамчи босди. лекин қабристон ёнидаги дарвешлар хонақоҳига яқинлашиб ҳамду сано ўқиётган қаландарларнинг "ё олло дўст, ё олло"сини эшитганида, тўсатдан кўнгли бир хил бўлиб кетди. Исириқ ҳиди анқиган хонақоҳга кириб, жулдур кийимли олло гадолари орасида ўтиргиси, уларга қўшилиб зикр тушгиси, кўкнори отиб ё наша чекиб узоқ хаёлга толгиси келди. Бу бевафо фоний дунёнинг барча ташвишларини, кўнглида зил бўлиб ётган ҳамма ғам-андуҳларини эсидан чиқариб, бир зумга бўлса ҳам беғам-беташвиш гадога айланиш истаги уни йўлдан бурилишга ундади.

Шифти қуббасимон ярим қоронғи хонақоҳда бири зикр тушиб, бири наяки чекиб, яна бири кун бўйи эшикма-эшик юриб топган чақаларини санаб, қора дуд орасида

аридай ғувиллашиб ўтирган зоҳидлар Қашқирни қий-чув билан қарши олишди. Бирови уни даргоҳи илоҳийни тарк этган муртад ва кофир, деб сўкса, бирови бошидаги дубулғаси ва эгнидаги совутларига ёпишиб кулги қилди, яна бирови дарҳол қўлига наша тутуни буруқсиган чилим тутди. Наша жуда ўткир эканми ё Қашқир анчадан бери чекмай юргани учунми, бир-икки тортишдаёқ кўз олдини аллақандай туман қоплади, кўнглидаги барча қайғулари тўзғиб, ўзини бошқа бир оламга кириб қолгандай ҳис қилди. У бошидаги дубулғаси, эгнидаги совутини ечиб, кулоҳ кийиб, зикр тушди, кейин бир кафт кўкнори ичиб узоқ хаёлга толди, гадоликда, йўқсилликда ўтган умрини ўйлаб ўпкаси тўлиб йиғлади, ниҳоят хонақоҳнинг қоронғи бир бурчига кириб ухлаб қолди.

У уйғониб кетгач, қанча ухлаганини, қаерда, кимлар орасида ётганини анчагача эслай олмади. Хонақоҳда фақат битта мойчироқ тутаб турар, жулдур хирқаларига ўраниб олган дарвешлар ерга ташланган бўйраларда бир-бирининг пинжларига кириб, пинакка кетишган эди. Қашқир дубулғаси билан қиличини аранг топиб, қўланса ҳидга тўла хонақоҳдан чиққанида тун ярмидан ошиб кетган, булутлар орасида бир ҳовуч чўғдай милтираган ҳулкар тиккага келган эди.

Қашқир совуқда депсиниб турган бетоқат арғумоғига миниб, қамчи урди... "Мозори калон" билан Кўксарой ораси анча бор, йўл шаҳар чеккасидаги боғлар, камбағал-косиблар даҳасидаги тор кўчалар, пастак дўкончалардан иборат расталар, пана-пасқам жойлардан ўтар эди. Яланғоч боғлар, токзорлар ҳувиллаб ётар, ҳаммаёқ гўристондай осуда эди... Қашқир боғлардан ўтиб, бозор майдонига чиқди. Сўнг, эскифурушлар растаси олдидан от чоптириб ўтиб, анҳор бўйлаб кетди. Анҳор бўйида темирчи ва чилангарлик дўконлари жойлашган бўлиб, бу ерда ҳам қоровуллар кўринмас эди. Қашқир тўсатдан нечундир юраги ҳувиллаб, отини яна қамчилади. Темирчилик охиридаги чорраҳадан ўнг қўлга бурилиб кулолчилар растасига чиқилар, сўнг бешиксоз ва эгарсозлар растасидан ўтиб Кўксарой майдонига борилар эди.

Қашқир темирчилик растасининг охирига борганида, баногоҳ олдидан уч нафар отлиқ чиқди. Қашқир уларни тунда шаҳар оралаб юрган суворийлар деб ўйласа ҳам, сесканинқираб, ўзини сал чапга олди. Лекин отлиқлар унга йўл бериш ўрнига қуюндай бостириб келишарди. Қашқир жонҳолатда отининг бошини бурмоқчи бўлди,

лекин шу пайт суворийлардан бири ён томондан бостириб келиб бошига қора жун қопга ўхшаган бир нарсани ташлади-да, ипидан тортиб, томоғидан ғип бўғиб олди. Қашқир қоп ичида питирлаб қиличига ёпишди, лекин кимдир қўлларидан "шап" ушлаб орқасига қайирди-да, чилвир билан маҳкам боғлади. Сўнг, эгарга ўнгариб олиб, от чоптириб кетди. Қашқир олача қоп ичида нафаси қайтиб талпиниб кўрди. Бақирай деса кимдир қопнинг боғичини қаттиқроқ тортарди-ю, томоғини яна "ғип" бўғиб оларди... Отлиқлар, Қашқирнинг чамасида, бир-икки фарсаҳ йўл юришди, қандайдир жарликлардан, ариқлардан ўтишди. Ниҳоят, тўхтаб, уни отдан ағдариб олишди-да, худди гўрга судраб кириб кетаётгандай судраб кетишди. Қашқир даҳшат ичида "тириклайин кўймоқчилар!" деган хаёлга борди. "Вой-дод!" деб бақирган бўлди-ю, ҳушидан кетди.

Қашқир ҳушига келганда чиндан ҳам гўрсимон бир унгурда ётар, тепасида соқол-мўйловлари ўсиб кетган уч-тўрт одам турарди. Қўлларидаги мойчироқ шуъласида юз-кўзларини танғиб олган, соқол-мўйловлари ўсиб кетган бу одамлар Қашқирнинг кўзига ажал бўлиб кўринди-ю, аъзойи бадани музлаб, кўзини қайта юмди. Кимдир ёнига тиз чўкиб, юзига бир пиёла сув сепди.

—Бас, Қашқир! Мугамбирлик қилмай кўзингни оч!

Дўриллаб эшитилган бу товуш алланечук таниш эди. Қашқир кўзини секин очди-ю, тили калимага келмай анграйиб қолди: тепасида энгашиб турган, соқол-мўйлови ўсиб кетган бу кимса... Қаландар Қарноқий эди.

—Қаландар!—деди Қашқир шивирлаб.

—Қалай, ўхшайманми?—Қарноқий кўзини қисиб кулди.—Қани, ўрнингиздан туринг, ясовулим! Гадолик йўлини тарк этган бу қочоқни ушлаб зиндонга солинг!

Қарноқий шундай деб, Қашқирни ёқасидан ушлаб ўрнидан турғазди.

—Хўш, жанда ўрнига бу совут, кулоҳ ўрнига дубулға, асо ўрнига қилич муборак бўлғай, иблиси лаин?

Қашқир тушимми, ўнгимми дегандай, кўзини яна юмиб очди... Йўқ, бу кўраётганлари туш эмас, у чиндан ҳам гўрдай совуқ, ярим қоронғи ғорда турар, атрофини қора чакмон кийиб, юз-кўзларини қора мато билан танғиб олган, соқол-мўйловлари ўсиб кетган қароқчисифат одамлар қуршаб олган, улар орасида уч ойдан бери дом-дараксиз кетган девқомат Қаландар Қарноқий ҳам бор эди...

Қўрқувдан дир-дир титраган Қашқир, ҳамон гарангсиб, кўзлари олазарак бўлиб турарди.

—Ҳа, ясовул? Нечук индамайсен? Ё жандангни совутга алмашганинг учун худонинг қаҳрига учраб гунг бўлиб қолдингми?

Қашқир бошини кўтармай минғирлади:

—Не қилай? Камина бир фақир ҳақир... оллонинг хоҳиши...

—Бу фақир ҳақир қанча бегувоҳнинг ёстиғини қури-тиб, қанча мўмин-мусулмоннинг бошини қиличдан ўткарди? Қанча бечорани зиндонга ташлади?

—Худонинг хоҳиши шу эса, не чора?

—Худога тил теккизгунча ўз гуноҳингдан сўзлаб тавба-тазарру қил, эй каззоб! Мавлоно Али Қушчи билан мавлоно Муҳиддинни ҳибсга олган сенми?

—Ммен. Лекин... ёлғиз қилмадум бу юмушни...

—Сўзингни англамадим?..

—Амир Жондор тархон бош-қош бўлмиш.

—Бас! Бу икки зот қайда ётганини биласенми?

Қашқирнинг дилида, гўё зимистонда шам ёнгандай, нимадир милт этди. У оҳиста бошини кўтарди. Юзларини боғлаб олган номаълум кимсалар ҳамон уни қуршаб турар, лекин ҳеч бири индамас, ҳеч бирини таниб ҳам бўлмас, ёлғиз соқол-мўйлови ўсиб кетган паҳлавонжусса Қаландар Қарноқий унинг рўпарасида туриб сўроққа тутмоқда эди.

—Биламен...

—Билсанг... уларни қутқармоқнинг иложи борми?

—Қутқармоқ?

—Қочирмоқнинг иложи топилурми, муғамбир?

Қашқирнинг дилида милт этган шам, гўё ёруғроқ ёниб, кўнгли ёришиб кетди. У "иложи топилур!" деб юборгиси келди-ю, кўзи Қаландарнинг ўқдай қадалиб турган кўзларига тушиб, тили гўлдираб қолди.

—Ббуни ўйлаб ккўрмоқ даркор. Ҳибсхонага амир Жондорсиз кириб бўлмас.

Қаландар уни билагидан ушлаб қаттиқ сиқди.

—Сўзимга қулоқ сол, Қашқир, бу разил юмушларинг эвазига падаркуш шаҳзодадан қанча тилла олдинг?

Қашқир аллақандай кўнгли ўксиб:

—Бир бечора гадога тиллани ким берадур,—деди.— Марҳамат қилса қорнимизни тўйдирар, бўлмаса у ҳам йўқ...

—Бўлмаса сўзимни эшит, Қашқир: агарчи бу икки мавлонони қутқармоққа ёрдам берсанг... қўлингга юз тилла санаб берамен!..

"Юз тилла!—деди Қашқир ичида. —Юз тиллани қайдан олади бу гадо!"

Тўсатдан Али Қушчининг қўлида қолган Амир Темур олтинлари тўғрисидаги мишмишлар эсига тушиб, Қашқирнинг кўзи чарақлаб кетди.

—Қайдам, одамларнинг кўнглига қўл солиб кўрмоқ даркор,—деди у эҳтиёткорлик билан.—Бу ёқда амир Жондор бор, бу ёқда девонбеги, зиндонбеги, соқчилар...

Қаландар унинг билагини қаттиқроқ сиқди.

—Муддаонг савдолашмоқми? Нархини оширмоқми?

—Йўқ, йўқ! Қийинлигини айтамен.

—Қийинлигини фақир ҳам билади. Осон бўлса юз тилла ваъда қилмас эрдик.

—Мақсад аён. Чорасини қидириб кўрамен,—деди Қашқир, қўлини бўшатишга уриниб.

—Тўхта, Қашқир! Мавлонолар ётган зиндон саройнинг қай ерида? Аниқ билиб келасен. Уларни қочирмоқ қийин бўлса... зиндонга туйнук очиб кирмоқнинг чораси борми? Буни ҳам билиб келасен...

—Қуллуқ...—Қашқир яна қўлини бўшатмоқчи бўлди, лекин Қарноқий боягидан ҳам қаттиқроқ сиқди.

—Тўхта! Энди охирги сўзимни эшит, Қашқир: мен биламен, сен Низомиддин Хомуш ҳазратларининг амри билан фақирни излаб юрибсен. Ҳазрат менинг бошимга тилла ваъда қилгандур. Тўғриму?..

—Тўғри...

—Яхши билиб қўй, Қашқир, фақирнинг бошини тиллага сотмоқни ўйласанг, ўз бошинг кетади! Бу сирни ошкор этсанг, биздан қочиб қутулмассен! Осмонга чиқсанг, оёғингдан судраб тушамен. Оғзимдан ютиб, қулоғимдан чиқарамен. Уқдингми? Бас! Сенга бир ҳафта муҳлат берамен. Бир ҳафтадан кейин... Кўҳак тоғининг этагидаги ёнғоқзорда, тун ярмида учрашурмиз... Бу сўз маъқул бўлса, каломуллои шарифни қўлингга олиб қасам-ёд қилгил!

Юзига ниқоб тортган серсоқоллардан бири ёстиқдай келадиган қуръонни қўлига тутқазди. Қашқир уни олиб ўпди, кўзларига суртди...

—Биллоҳи азим...

Қашқир лабларини пичирлатиб қасамёд қилиб бўлган ҳамон даврадагилардан бири қўлидан қуръонни тортиб олиб, бошига бояги қора жун қопни ташлади, бошқалари қўлларини қайириб боғлади, кейин ерга йиқитишиб, гўё бир қоп гўштдай судраб кетишди. Фордан чиққанларидан кейин бўлса керак, уни кўтариб эгарга ўнгариб олишди-да, қаёққадир от чоптириб кетишди. Улар яна боягидай

узоқ йўл юришди, қандайдир жарликлардан, ариқлардан от сакратиб ўтишди. Ниҳоят, бир жойда эгардан туширишиб, қопнинг боғичини ечдилар-да, ўзлари тасир-тусир от чоптириб кетишди... Қашқир жон талвасасида боғични бўшатиб, бошини қопдан чиқарганида суворийларнинг қораси ўчган, фақат узоқлашиб бораётган от туёқларининг дупуригина эшитилар, чилвири белига боғланган арғумоғи ёнида депсиниб турарди... Қашқир теварак-атрофига разм солди. Уни Зарафшон бўйидаги тўқайзорга ташлаб кетишган, олисда Қаландар айтган Кўҳак тоғи элас-элас қорайиб кўринарди... Қашқир уст-бошини пайпаслаб ушлаб кўрди. Қароқчилар ҳеч нарсага тегмаган—белидаги қиличи, бошидаги дубулғаси—ҳаммаси ўрнида эди... Қашқир отига миниб шаҳар томон йўл олди... У бир неча кунгача гўё бунинг ҳаммасини тушида кўргандай хаёли паришон бўлиб юрди. У нима қилишини билмас эди. Бир-икки марта ҳазратларининг оёғига йиқилиб, содир бўлган воқеани айтиб беришга жазм қилди, лекин ҳар сафар буни ўйлаганида кўз олдига қабрга ўхшаган ғор, уни қуршаб олган қароқчисифат кимсалар келар, Қаландарнинг "Билиб қўй, Қашқир, бу сирни ошкор этсанг биздан қочиб қутулмассен. Осмонга чиқсанг оёғингдан тортиб туширамиз!" деган сўзлари эсига тушарди.

Қашқир ҳамон туш кўраётгандай паришонхотир бўлиб юрса ҳам, Қаландарнинг топшириғини унутмади, баъзи нарсаларни зимдан суриштириб кўрди. Лекин Али Қушчи билан мавлоно Муҳиддин ётган ҳибсхонага кириш амри-маҳол эди. Бунинг учун ё амир Жондорни қўлга олиш, ё девонбегининг муҳри босилган фармон бўлиши, ёхуд зиндонбегининг қўйнига қўл солиб кўриш керак эди. Қашқир ўйлай-ўйлай, ахири амир Жондорни қўлга олишга аҳд қилди. У кўпдан бери амир Жондорни зимдан кузатиб юрар, сўнгги пайтларда амир аллақандай бесаранжом бўлиб қолганини ҳам сезар эди. Ёлғиз амир Жондор эмас, барча сарой аҳли осойишини йўқотган, ҳамма бир-биридан қўрқар, бир-бирига айғоқчилик қилар, зотан, саройда фароғат қолмаган эди.

Қашқир қулай фурсат тополмай юриб, ахири шу бугун ёрилган эди. Лекин амир Жондор ҳушёрлик қилди. Кўнглини очмади...

—Ҳа, Қашқир, нечук қафасга тушган оч қашқирдай тиним билмай айланасен?

Қашқир ёмон бир иш устида қўлга тушгандай ялт этиб қаради. Дарвозахонанинг эшигида амир Жондор

турар, унинг бароқ қошлари остига яширинган кўзлари синовчан қисилган, қовоғи уйилган эди.

"Шаҳзодага сирни очибди. Уйим куйди!"

Амир Жондорнинг мийиғига кулгу югурди.

—Нечук қалтирайсен, Қашқир? Мана фармон! Бор, мавлоно Муҳиддинни ҳибсдан чиқариб олиб кел!

Қашқирнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

—Али Қушчи гуноҳига иқрор бўлганми?

—Али Қушчи ўлганда иқрор бўлур! Мавлоно Муҳиддинни айтамен.

—Али Қушчи иқрор бўлмаса, нечук мавлоно Муҳиддин ҳибсдан бўшатилаур?

—Сабаби...—Амир Жондор заҳарханда билан кулди.— Сабаби, давлатпаноҳнинг ишқи мавлоно Муҳиддиннинг ожизасига тушибди.

—Қайси ожизаси?—деди Қашқир ҳайрон бўлиб.— Шаҳзода Абдулғазиз хуштор бўлиб, амир Иброҳимбекнинг ўғлидан тортиб олган малак эмасми?

—Сен билмаган сир-асрор йўқ, муғамбир!

—Биламен. Сабаби... Қаландар Қарноқий деган бир дарвеш...—Қашқир сўзини охирига етказмай гудраниб қолди.

—Қайси Қарноқий? Не деб гуддирайсен, шайтони басир?

—Э-э, амирим, бир девона бор эди, шу санамни деб хушидан айрилган... Хўш, зиндонга тушамизми?

—Ўзинг тушиб, олиб чиқ!

—Сиз тушмасангиз, зиндонбеги фақирга инонмас, амирим.

—Хўп, юр!—деди амир, лекин дарвозахонадан чиқишдан олдин Қашқирнинг елкасидан ушлаб тўхтатди.— Тўхта, Қашқир. Боя бир сўз айтган эдинг...

—Қайси сўз?

—Ишончли кишилар бор деган эдинг...

Қашқир ҳадиксираб эшикка қаради, сўнг амирнинг қулоғига эгилиб шивирлади:

—Кўксарой бу сўзни айтадурган жой эмасдур, амирим... Бошқа пайт айтамен.

—Яна йиғламоқни бошладингизми, мавлоно? Уч ой бўлди, туну кун кўз ёши тўкасиз? Фойдасини кўрдингизми?—Али Қушчи қўлларини кўксидан қовуштирганича

муздай деворга суяниб турарди. Зимистон хонанинг бир бурчидан мавлоно Муҳиддиннинг йиғи аралаш заиф овози эшитилди:

—Фойдаси бўлур эди, агарчи сиз сўзимга кирсангиз...

—Таассуфлар бўлғайким, сизнинг сўзингизга киролмасмен. Юз маротаба айтдим...

—Қайсарлик қиласиз. Бу қайсарлигингиз билан ўзингизни ҳам, каминадай ногирон бир фақирни ҳам бу жаҳаннамга тириклайин кўммишсиз!..—Қоронғида пиқ-пиқ йиғи овози эшитилди. Мислсиз мунг ва изтиробга тўла бу ингичка товуш Али Қушчининг кўксини тешиб ўтгандай бўлиб, қўллари билан қулоқларини босди, кўзларини чирт юмиб олди. Мана икки ойдан ошди, аҳвол шу: туну кун йиғи, нола, таъна-маломат... Али Қушчи бошига тушган ҳамма мусибатга—очликка, совуққа, нафасни бўғувчи қўланса ҳидга, кана ва суваракларнинг хуружига —ҳаммасига бардош қилишга тайёр, лекин бу овоз, ногирон гўдакнинг йиғисидай бу зорли йиғи юрагини тилка-тилка қилаётгандай қийналар, изтироб чекар эди. Биринчи кунлари у мавлононинг йиғисини эшитганда ўзи ҳам кўз ёшларини тиёлмай тўлғанди, уни ёш боладай юпатишга уринди, сабр-тоқатга чақириб, ялиниб-ёлворди, узоқ-узоқ насиҳатлар қилди. Лекин бу насиҳатлар мавлононинг қулоғига кирмас, кўз ёшларини булоқдай оқизиб, нола чеккани чеккан эди. Бир томони мавлонога ҳам қийин, у ҳибсга тушган дастлабки кунлари қаттиқ ётиб қолди, кечалари оловдай ёниб алаҳлаб чиқар, ёмон тушлар кўриб уввос тортиб уйғониб кетар, кўзларига алланималар кўриниб қоронғи бурчакка тикилиб олар ва бир нималар деб пичирлар эди. Шундай пайтларда Али Қушчи унинг ақлидан озишидан ё ўлиб қолишидан қўрқиб ваҳимага тушар, гўё бунга ўзи айбдордай кечаси билан мижжа қоқмай қийналиб чиқар, аини замонда юрагидаги сирни оча олмаслигини, бу сирни очишга ҳаққи йўқ эканини тушуниб икки ўт ўртасида ёнар эди. У мавлоно Муҳиддинга қўлидан келганича ёрдам беришга, унинг жонига ора киришга уринарди, келган овқатнинг кўпроқ қисмини унга берар, кечалари чакмонини унинг устига ёпиб, ўзи тонг отгунча тор хонани айланиб чиқарди. У энди фақат шундай пайтларда, мавлоно Муҳиддин уйқуга кетиб, ўзи эса совуқдан тишлари тишларига тегмай тор ҳибсхонани гир айланиб юрган пайтларидагина ором оладиган бўлди. Шундай бедор тунларнинг бирида унинг хаёлига ғалати бир фикр келди...

Сўнги йилларда Али Қушчи катта бир рисола ёза бошлаган эди. "Рисолаи дар фалакиёт" деб номланган бу китоб коинот илмининг энг мураккаб масалаларига бағишланган эди.

У рисоланинг муқаддимасини, тўғрироғи, муқаддиманинг биринчи қисмини ёзиб тугатган эди ҳам. Ҳандаса илмининг асосларига бағишланган бу қисмда, Али Қушчи нуқта, чизиқ, сатҳ, тўғри ва эгри чизиқ, мутасави, тўғри мутасави чизиқлар ва ниҳоят доира тушунчаларига батафсил тўхтаган, лекин табиат масалаларига доир иккинчи қисмини ҳали бошлай олмаган эди.

Али Қушчи кечалари, мавлоно Муҳиддиннинг кўзи илинганда, зимистон хонани секин айланаркан, ногаҳон хаёлига шу рисолани давом эттириб, уни ниҳоясига етказиш фикри келди. Рост, қоғоз-қаламсиз коинот илмининг чигал масалаларини ечиш қийин. Лекин не чора? Қоғоз-қалам йўқ деб, умри беҳуда ўтадимми? Бир чорасини қилмоқ керак. У рисола устида қайта-қайта ўйларкан, бу иш кўнглига катта тасалли беришини сезиб қолди. У тор хонани оҳиста айланиб фалак илмининг мураккаб қонунларини идрок этаркан, ҳибсда ётгани батамом эсидан чиқар, кўнглидаги барча ташвиш, барча ғам-андух гўё тўзғиб кетар, ҳатто қалбидаги сўнмас дард, энаси Тиллабиби тўғрисидаги нотинч ўйлар ҳам хаёлидан кўтарилар эди. Мана бугун ҳам мавлоно Муҳиддин мизғиб кетгандай бўлиб, ҳибсхона жимиб қолиши билан Али Қушчининг хаёли яна ўша суюкли рисоласига кетди. Лекин фикрларини бир жойга тўплаб, энди чор унсур—ўт, ҳаво, сув ва тупроқдан ташкил бўлмиш жисмларнинг таркиби ҳақида ўйлашга киришган ҳам эди, мавлоно Муҳиддин уйғониб кетиб, яна кўз ёшини бошлади. Шу сабабми, унинг ноласи бугун ҳар кунгидан ҳам баттар таъбини хира қилди. "Бу не фозилким ҳаётни теран идрок этмаса, идрок этиб, сабр-тоқат қилмаса?—деди у куйиниб.—Наҳотким, бу зот ўша риёзиёт илмида ҳеч бир аллома бас келолмайдиган машҳур ва маълум мавлоно Муҳиддин ҳазратлари бўлса? Эй, парвардигори олам! Бошимга не савдолар солсанг солғайсен ва лекин бу бандангдай беқарор ва субутсиз қилмагайсен!"

Зимистон хонанинг бир бурчидан мавлоно Муҳиддиннинг ингичка, ногирон овози эшитилди:

—Эй, парвардигор! Бу қайсарликдан энди не фойда? Бу куфр китоблар алҳол кимга керак?!

Али Қушчи гўё юрагига биров ниш ургандай қалтираб кетди.

—Не дедингиз, биродари азиз? Куфр китоблар?! Бу... бу қабиҳ сўзни айтмоққа қандай юзингиз чидади, мавлоно Муҳиддин?!

—Виждондан сўзламанг! Ношаръий китоблар битиб, гуноҳи кабирга ботмасак, олло таоло бошимизга бу кулфатларни солмас эди, мавлоно!

Али Қушчи асабий кулди.

—Бу сўзни бир бандаи ғофил айтса ажабланмас эдим... Лекин сиздай етук алломанинг оғзидан эшитмоқ... ақлга сиғмайди, мавлоно. Зеро бу уқубатни сиз билан меним бошимга ҳақ таоло эмас...—осийлик қилсам ўзинг кечиргайсен, парвардигори олам!—Ҳақ таоло эмас, ўз падари бузрукворига қилич кўтарган бир падаркуш солгандур, мавлоно!

—Тангри таоло лозим ва лобид кўрмаса бу ғурбат бўлмас эди!

Али Қушчининг асабий пирпираган лабларига кинояли табассум югурди.

—Ҳа, тангри таоло лозим кўрса шу букун бу ғурбатдан соқит бўлурсиз!

—Иншооллоҳ, шундай. Ва лекин бунинг учун шаҳзодага муқовамат¹ қилмай гуноҳимизга иқрор бўлмоғимиз даркор.

—Сўзингизда мантиқ йўқдур, азизим! Хўп, камина шаҳзода билан ўшал такаббур ҳазрат айтгандай бедин китобларни яшириб ғайришаръий юмуш қилибмен ва бунинг жазосини тортмоқдамен. Ва лекин сиз-чи? Сиз жаннатмакон устоднинг васиятидан юз ўгириб, бу сирни очдингиз. Куфр китоблар яширилганига қуръони шарифни ўпиб иқрор бўлдингиз. Ҳақ сўзми бу?

—Хўш?

—Ҳақ сўз бўлса сиз нечун жазо тортмоқдасиз? Тангри таоло нечун сизга бу жазони лойиқ кўрадур?

—Фақир сизнинг гуноҳингизга куйганмен!

—Йўқ!—деди Али Қушчи ҳансираб.—Сиз каминанинг гуноҳимга эмас, ўз гуноҳларингизга куймишсиз. Ул алломалар сарвари, ҳокими одил, устод Мирзо Улуғбекнинг сўнгги тилагини оёқости қилганингиз учун олло таоло сизга бу интиқомни лозим ва лобид кўрмишдур. Зеро... сўзимни бўлмагайсиз, мавлоно! Зеро худованди каримнинг бандаи мўъминлари бўлмиш аҳли донишлар битган бу

¹ Муқовамат—қаршилиқ.

нодир китобларни яширмоқ гуноҳ эмас, уларни ақли фасод гумроҳлар қўлига топшириб, йўқ қилмоқ гуноҳи кабирдур, мавлоно!

—Йўқ қилмоқ нияти йўқдур!

—Йўқ бўлса нечун ақли донишлар яратган бу дурдоналарни макруҳ деб атайдур? О, мавлоно, мавлоно!—Али Қушчи юраги тарс ёрилиб кетаётгандай бўлиб қаттиқ уф тортди.—Не чора, устод Мирзо Улуғбек пешанамизга сиғмади! Ул алломаи воҳид Мовароуннаҳр осмонида порлаб турган бир шамс эди. Бу шамсни сўндирган жоҳил уламоларнинг муддаоси менга аёндур. Зеро, узлуксиз урушлардан чарчаб, устод даврида энгил нафас олган бу шўрлик эл, надоматлар бўлғайким, тагин мустабид шоҳ чангалига тушди. Мустабидлар эса, илми маърифатга дўст бўлолмайдур. Зеро, бири сув бўлса, бири олов, бири зиё бўлса, бири зулматдур, мавлоно!—Али Қушчи нафас етмай томоғини силади-ю, жим қолди. Ўртага чўккан жимликда қаердандир бир бурчакдан мавлоно Муҳиддиннинг йиғламсираган маҳзун товуши келди:

—Не қилай, азизим, не қилай?

—Сабот қилинг, биродар. Зеро, барча мустабид шоҳларнинг кучи қиличида бўлса, ақли донишларнинг иқтидори шундаким—улар зулматдан сўнг офтоб чиқишини биладур. Ойнинг ярми қоронғи бўлса, ярми ёруғдир. Фақат бу офтобни сабот билан кута билмоқ керакдур. Токи сабот қилмоқ ҳам муқовамат қилмоқ билан тенгдур, мавлоно!..

—Ё раббий! Эу ғурбатда ҳам муқоваматни ўйлайдур!

—Сиз бўлса жон сақламоқни ўйлайсиз! Лекин жон сақламоқ аҳдида бу тубан падаркушнинг оёғига йиқилиб, устоднинг васиятига хиёнат қилганда, не бўлдингиз? Камина билан бир зиндонда ётибсиз.

—Агар-чи сиз бу йўлдан қайтсангиз эди...

—Йўқ, қайтмасмен! Қайтмасмен!—деди Али Қушчи қоронғида энтикиб.—Устоднинг покиза руҳига хиёнат қилиб бу нодир хазинани маҳв этгандан кўра фақир бу қабрга тириклайин кўмилганим мақбулдур! Бу нуқусил ақл! гумроҳларга бош эгиб, бўлғуси насллар, авлод ва аждодлар лаънатига қолгандан бу зиндонда чириб кетганим яхшидур!

Али Қушчи жим қолиши билан қоронғи бурчакда яна мавлоно Муҳиддиннинг шикаста товуши эшитилди:

—Устод йўлида ўз жонингизга қасд қилдингиз. Дуруст.

1
Нуқусил ақл—калтабинлар маъносида.

Фақирга раҳм-шафқат қилмадингиз. Дуруст. Ва лекин энангизга раҳм қилсангиз бўлмасми?

—А?

—Бечора кампир! Унинг ҳоли не кечди?

Али Қушчи индамади, қоронғида унинг оғир энтикиб, аллақандай вишиллаб нафас олгани эшитилди, холос.

Мавлоно Муҳиддин унинг энг нозик жойига теккан, усиз ҳам безиллаб турган ярасини шафқатсиз тирнаган эди...

Ҳибсга тушибдики, Али Қушчининг кўз олдидан ўша машъум манзара —кутубхонага тўсатдан бостириб кирган навкарлар ва остонада йиқилиб қолган энаси Тиллабиби кетмас эди. Ҳар сафар Али Қушчи буни эслаганида вужуд-вужудигача қақшаб, ўзини қўярга жой тополмай қоларди. Бу сафар юраги қаттиқ ачишди-ю, аъзойи бадани бўшашиб ердаги бўйрага ўтириб қолди.

У бетиним безиллаган юрагига қўлини қўйиб, узоқ ўтирди, нечундир маъсум болалик чоғлари, ёзда энаси ва падари поки билан бирга соябон аравада қовун сайлига чиқадиган пайтлари эсига тушди.

Шаҳар ташқарисида, Обираҳмат томонларда, уларнинг боғлари, қовун полизлари бўларди.

Али Қушчи айниқса қовун сайлини яхши кўрар, полизлар тепасига тикилган қамиш капаларни, асалдай ширин қовунлар кўнглига текканда палак оралаб хом сапча топиб, тошга ёриб ейишларини, кечқурунлари чайлалардан кўтариладиган аччиқ тутун ҳидини, ҳудудсиз даштда бўладиган кўпкар суронларини севар, қиши билан боққа кўчиб чиқадиган бу завқли дамларни соғиниб кутарди.

Қишлоқда уларнинг қариндошлари, сон-саноксиз амма-холалари бўларди. Юзлари турнақдай буришиб қолган, лекин тилларидан бол томган бу меҳри дарё амма-холалар кичкина Алини кўрганда атрофида гиргиттон бўлишар, юз-кўзларидан ўпишиб, бири ҳовуч-ҳовуч майиз, бири туршак, бири ёнғоқ билан чўнтақларини тўлдириб юборишарди. Энаси Тиллабиби бўлса, бу айланиб-ўргилишлардан қўрқар, ҳар кун кечқурун исириқ тутатиб, унинг бошидан айлантитар, кечалари эса муштдеккина бўлиб, унинг бошида тонг отгунча ўтириб чиқарди...

Муштипар она! Уғлининг болалик чоғларидагина эмас, Али Қушчи кап-катта йигит бўлиб, улоқ, пойга ва човгон¹ ўйинларига қатнашиб юрадиган пайтларида

¹ Човгон—тўп ўйини.

ҳам Тиллабиби унинг орқасидан қолмас, гоҳо: "Эҳтиёт бўл, бўталоғим!" деб қичқирганча асов отлар орасига кириб кетар эди. Энасининг бу қилиқларидан уялган Али Қушчи ҳарчанд илтимос қилмасин, ялиниб-ёлвормасин, ҳатто қаттиқ-қуруқ сўзламасин, фойда бермас, Тиллабиби: "Бўталоғим!" деб қичқирганича орқасидан югургани югурган эди...

Али Қушчининг хаёлини яна мавлоно Муҳиддиннинг йиғламсираган товуши бўлди:

—Дилингизга озор берган бўлсам, кечиргайсиз, ҳабибим. Не қилай?..

Али Қушчи индамади. Шу пайт ташқарида, қаердадир олисда, дукур-дукур оёқ товушлари эшитилгандай бўлди. Али Қушчи нафасини ичига ютиб деворга суянди. Мавлоно Муҳиддин ҳам ҳиқиллашдан тўхтаб, бирдан жимиб қолди. Ташқаридаги гурс-гурс қадамлар яқинлашиб оғир қулфларнинг шарақ-шуруғи сукутни бузди.

"Ўзинг шафе бўлгайсен, парвардигор!"—пичирлади мавлоно Муҳиддин. Али Қушчи ҳамон деворга суяниб тикка турар, юраги увишиб, оёқлари қалтирай бошлаган эди.

Темир қопланган оғир эшик оҳиста ғичирлаб очилиб, қўлида шам ушлаган зиндонбеги, унинг кетида иккита сипоҳ кўринди. Али Қушчи шамнинг хира шуъласида амир Султон Жондор билан ғилай ясовулни таниди. Амир Жондор ташқарида қолди, ғилай ясовул эса зиндонбегининг қўлидан шамни олиб ичкарига кирди. Шамни боши узра баланд кўтариб:

—Мавлоно Муҳиддин! Қайдасиз?—деб сўради.

Хонанинг бир бурчида гужанак бўлиб ётган мавлоно Муҳиддиндан садо чиқмади. У беҳуш йиқилиб қолганга ўхшарди.

—Гунг бўлдингми, мавлоно?—деди ғилай сансираб.—Соҳиби қарам давлатпаноҳимнинг инояти-ла ҳибсдан озод бўлдинг! Тур ўрнингдан!

—Лаббай? Ҳа, ҳа!..—Мавлоно Муҳиддин, ғилайнинг сўзига ниҳоят эндигина тушунгандай апил-тапил ўрнидан турди. Лекин ёруққа чиқмади. У қоронғи бурчакда ивирсиб ниманидир қидирар, алланималарни пичирлаб, гўё ақлдан озган одамдай ўзини у ёқдан-бу ёққа отар эди.

—Мавлоно, чиқ зиндондан!—деди ғилай бақириб. У қўлидаги шамни баландроқ кўтариб деворга суяниб турган Али Қушчига қаради.

"Ё раб! Ўзинг шафқат қилгайсен!"—деди Али Қушчи юраги музлаб. Лекин ясовул индамади. У кўзларини ғалати ўйнатиб бир ишшайди-да, хонадан чиқди.

"Наҳот тўхтамас? Наҳот бир сўз айтмай бу совуқ гўрда тириклайин қолдириб кетар?"

Темир қопланган оғир эшик оҳиста гичирлаб ёпилди. Йўлакдан тушиб турган хира ёруғлик сўниб, ҳибсхона яна мудҳиш қоронғиликка чўмди.

Али Қушчи аъзойи бадани бўшашиб бўйрага тиз чўқаркан, мавлоно Муҳиддинга айтган бояги гаплари эсига тушди, хаёлидан: "Ғурури ғолиб келиб айтган бояги такаббур сўзлар учун кўк юборган бир интиқом эмасму бу?" деган фикр ўтди. Лекин иккинчи дақиқада қалбида яна ўша исёнкор туйғулар жўш урди: "Виждон амрига бўйсунган садоқати зоҳир бир қулингга бу жазони лозим ва лобид топиб, тубанликка юз тутган ул субутсизга меҳр-шафқат инъом этсанг... адлу инсоф қайда, эй парвардигори олам?"—деди у хаёлан, сўнг, пешанасини гадир-будир деворга қўйиб пичирлади:

"Бошга тушганни кўз кўрар, сабр қил, Али, сабр!"

15

Қаландар Қарноқий айтган Кўҳак қирининг этагида Қашқирни юзига ниқоб кийган бир кимса кутиб олди-да, жилга бўйидаги ёнғоқзор томон бошлаб кетди. Лекин ёнғоқзорга етмай тўхтади, кафтларини оғзига тутиб, зағчадай қағ-қағ қилди. Дарҳол ёнғоқзордан ҳам "қағ-қағ"лаган овозлар эшитилди-да, уч нафар отлиқ кўринди. Отлиқлар Қашқирни қуршаб олиб, ёнғоқзорнинг орқасидаги жарликка бошлаб тушишди. Жарликнинг тубида Қаландар Қарноқий гулхан ёнида исиниб ўтирарди. Бу сафар Қаландар уни очиқ чеҳра билан қарши олди, ҳатто "Қашқир" ҳам демай, "Э, хуш келибсиз, ясовулбошим!"—деб ёнидан жой кўрсатди.

Қашқир Қаландарнинг ёнидаги харсангтошга чўнқаяркан, тун ярмида чуқур жарликда гулхан ёқиб ўтирган девсиймо Қаландар ҳам, уни қуршаб олган ниқобли кимсалар ҳам йўлтўсар қароқчиларга ўхшаб кетди-ю, кўксига пинҳона тупуриб қўйди.

Қаландар унга наяки тутиб:

—Хўш, не мужда келтирдинг, гапир, ясовул?!—деди.

Қашқир мужда эмас, нохуш хабар келтирганини ўйлаб питирлаб қолди.

—Сўзла, ясовул!—деди Қаландар бургутнинг чангалидай панжалари билан унинг тиззасини қисиб.

Қашқир құрқа-писа гапни мавлоно Муҳиддиндан бошлади. Лекин сўзини тугатмасданоқ Қаландар ўрнидан туриб кетди. Гўё гап мавлоно Муҳиддин эмас, ўз устида бораётгандай чуқур бир афсус билан:

—Аттанг, аттанг!—деб қўйди.—Ахир субутсизлик қилибдур-да! Суф ундай алломай замонга!—У гулханни чир айланиб Қашқирнинг рўпарасида тўхтади. Қовоғини солиб:

—Хўш?—деди.—Али Қушчининг аҳволи нечук? Уни қутқармоқ йўллари топилдими? Туйнук очишнинг иложи борми? Чамалаб кўрдингми?

—Кўрдим... Қаландар... Туйнук очишнинг иложи йўқдур. Зиндонлар Кўксаройнинг остида. Пойдеворлари мустаҳкам. Бўлса бир йўли бордур—амир Жондорни қўлга олмоқ даркор.

—Амирни қўлга олиб бўладиму?

—Камина қўйнига қўл солиб кўрдим.

—Хўш?

—Амир ҳам шаҳзодадан норозидур. Чамамда, шаҳзода амир Жондорга, амир шаҳзодага инонмайди.

Қаландар заҳарханда билан кулди.

—Иншооллоҳ, айтганинг келсин! Жаннатмакон устоднинг яхшиликларига мислсиз ёмонлик қилган эди бу амир. Кимки яхшиликка ёмонлик қилса ёмонлиги ўзига қайтади. Уни қўлга олмоқ лозим бўлса, дарҳол қўлга олмоқ даркор.

Қашқир гулхан шуъласида кўзларини ўйнатиб бир ишшайиб қўйди.

—Қўлга олмоқ керак, тўғри. Аммо амир Султон Жондор тархоннинг нархи фақирнинг нархидан юқори туради...

Қаландар қўлини силтади.

—Ҳа, муғамбир! Иш битса бас—оғзингга сифганини оласен!

—Балли! Аммо тилла-тилла деб, минг сўзлагандан бир марта унинг ўзини кўрмоқ яхшидур, дарвеш!

Қаландар Қарноқий пўнғиллаб сўкинди-да, белбоғидан беш-олти танга олиб, Қашқирнинг оёқлари остига ташлади. Тошга теккан олтин тангалар қоронғида даранглаб юмалаб кетди. Қашқир шоша-пиша уларни йиғиштириб олиб, қўйнига яшираркан, Қаландарга қараб кўзини қисди.

—Сенга айтадурган тагин бир сўзим бор, Қаландар.

—Не сўз? Яхшиликму?

Қашқир гулхан атрофида ўтирганларга ҳадиксираб қаради.

—Бу хабарни ёлғиз сенга айтмоғим маъқул...

Қаландар бепарво кулди...

—Бу йигитларга ўзимга инонгандай инонамен, Қашқир. Сўзла сўзингни!

Қашқир елкасини учирди.

—Мавлоно Муҳиддиннинг амир Иброҳимбекнинг ўғлига никоҳланган бир ожизаси бор эди... Сулувликда донғи оламга кетган...

Қарноқий бетоқат бўлиб:

—Сўйла, ғилай!—деб бақриб юборди.

—Биласен, раҳматлик шаҳзода Абдулғазиз амир Иброҳимбекнинг ўғлини қатл қилдириб, бу нозанинни ўз ҳарамига олган эди...

Қаландар унинг кўкрагидан "шап" ушлаб ўрнидан турғазди.

—Нечук чўзасен? Тезроқ сўзла, баттол!

—Сўзим шуким,— деди Қашқир ғулдираб.— Бу гулрухсор нозанинга Мирзо Абдуллатифнинг ишқи тушибдур...

—Хуршида бонуни қайдан кўрибди бу хунрез?

—Ҳи-ҳи-ҳи, ёқамни қўйиб юбор, дарвеш...—Қашқир Қаландарнинг қўлидан зўрға чиқиб, бўйинини силади.— Шаҳзода ул гулрухсорга ишқ қўйса мен бечоранинг гуноҳим не? Қайдан кўрибди деб, ҳайрон бўласен? Кўрмаса таърифини етказганлар бордур, дарвеш!

—Сенга ўхшаган ғаламислар!.. Хўш, сўзла, муддаоси не шаҳзоданинг?

—Муддаоси ҳарамга олмоқ! Айш қилмоқ!..

—Оғзингни юм, қузғун!—Қаландар бошини қўллари орасига олиб оғир тебранди.—Қачон?

—Буни бир билса, амир Жондор биледи, холос!

Қаландар бошини чангаллаганича сукутга толди. Ўртадаги гулханнинг сўна бошлаган шуъласида унинг серсоқол ялпоқ юзи, бир нуқтага тикилган кўзлари, бутун важоҳати аллақандай қўрқинчли, гўё у ҳозир ўрнидан сакраб туриб ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб юборадиганга ўхшарди. Гулхан теварагида ўтирган, қалпоқларини қошларигача бостириб кийиб олган йигитлар ҳам жим, ҳеч кимдан садо чиқмасди. Қашқир бу йигитларга тикилиб қарагиси, уларни таниб олгиси келар, лекин қўрқар эди.

Қаландар бошидаги кулоҳини юлиб олиб, қаттиқ гижимлади.

"О, инсоф нелигин билмаган шаҳватпараст хоқон! Ҳарамингда занжирбанд этилган ўнлаб канизлар, ипсиз боғланган бахтсиз малаклар етмасмиди? Энди келиб-келиб унинг ёлғиз умиди, кўзининг нури, кўнглининг

гулига кўз тикасенму? Қалбида милтираб турган сўнги шуълани сўндириб, бор-йўғидан жудо қиласенму? Сенда инсофу адолат борми, эй нобакор палид?.."

Тўсатдан Қаландар шитоб билан ўрнидан турди.

—Сенга бир сўзим бор, Қашқир. Қанча тилла керак бўлса аямаймен: мавлоно Али Қушчини қутқармоқ йўлини ахтариб кўргайсен. Унғача овқат-повқат бериб турмоқнинг чорасини топгайсен. Бу ишда менга айтадурган сўзинг бўлса... мана бу йигит воситачи бўлур.—Қаландар четроқда ўтирган Босқонбекка имо қилди.—Қачон, қай жойда учрашмоқни сўзлашиб олинглар.

Қаландар шундай деди-да, "кетдик!" деган маънода қўл силтаб, қантариғлиқ турган отларга томон йўналди.

16

Хуршида бону тонг палла ҳовлидан эшитилган аллақандай овозлардан, у ёқдан-бу ёққа югуриб ўтаётган одамларнинг оёқ товушларидан уйғониб кетди. Ёнида ётган энагасининг тўшаги бўш, хонада ҳеч ким йўқ эди. Хуршида бону юраги "шиғ" этиб, ўрнидан турди-да, елкасига бахмал камзулини ташлаб, ҳовлига чиқди.

Қаршидаги меҳмонхонанинг даричалари чароғон, шоҳи дарпардаларда қучоқлашиб кўришаётган одамларнинг соялари акс этарди. "Дадам! Дадамлар қайтибдур!" деган фикр миясида чақмоқдай чақнади-ю, уй тўла эркак экани ҳам эсидан чиқиб, меҳмонхонага қараб югурди... Хуршида бону кирганида дадаси, тўғрироғи, дадасига ҳам ўхшаган, ҳам ўхшамаган, соч-соқоли ўсиб, кўзлари ичига ботиб, чўпдай озиб кетган қоқсуяк бир чол (ҳа, ҳа, дадаси худди бобосидай чолга ўхшаб қолган эди!) кўз ёшлари тирқираб, одамлар билан қучоқлашиб кўришар эди. Хуршида бону ёш боладай пиқ-пиқ йиғлаган бу юпун чолга тикилиб, бери лаҳза лол бўлиб қолди-ю, кейин хўнграб юбориб, ўзини унинг қучоғига отди...

Бир лаҳзада уйлари тўйхонага айланди. Қассоблар келишиб боғларида кўй сўйишди, ошпазлар ош дамлашди. Кун бўйи уйларидан одам аримади. Қўни-қўшнилари, қариндош-уруғлар, савдогарлар, шоирлар ва фозиллар, эркак ва аёллар, хуллас, одам узилмади. Сочини олдириб, соқол-мўйловини қиртишлатиб, бошига оппоқ салла ўраб, эгнига заррин тўн кийиб олган дадаси ҳамон оғир касалдан турган хастага ўхшаса ҳам, бир-икки кундаёқ

ўзига келиб, одамбашара бўлиб қолди. Хуршида бону дадасини, хусусан бир кундаёқ эгик қаддини ростлаб, бурунгидай илдам одимлаб, нуфузли меҳмонларни ўзи кутиб олиб, ўзи кузатиб қўяётган буваси Салоҳиддин заргарни кўрганида, негадир қайта-қайта Қаландарнинг гаплари эсига тушар ва мавлоно Али Қушчини ўйлар эди... "Мавлоно Али Қушчи ҳам ҳибсдан чиққанмикин ё ҳамон зиндонда кулфат тортиб ётганмикин?.. Ё дадаси... Йўқ, йўқ, дадаси Қаландар ўйлаган одам эмас! Агар Қаландарнинг айтганлари рост бўлганда дадаси уч ойдан бери зиндонда изтироб чекиб ётмас эди. Бундай ғариб, бундай аянчли ҳолга тушмас эди!.."

Хуршида бону дадаси билан тўйиб-тўйиб суҳбатлашгиси, ундан ҳол-аҳвол сўрагиси, айти замонда мавлоно Али Қушчининг ҳолини билгиси келар, лекин уйларида ҳамон одам узилмас эди. Букун тушдан кейин келувчилар хиёл сийраклашиб, уйлари бир оз тинчиган эди, кечқурун сарой маҳрамларига ўхшаш уч-тўртта басавлат, кибор одамлар кириб келишди-ю, Салоҳиддин заргардан тортиб, хизматкорларигача—ҳамма яна саросимага тушиб қолди. Улар кетгандан кейин эса, билъакс; уйлари аллақандай мудҳиш сукутга чўмди. Бу жимлик ва уйдагиларнинг хатти-ҳаракатлари худди дадасини ҳибсга олиб кетган машъум тундаги хатти-ҳаракатларга ўхшарди. Қаттиқ шамол туриб, қор аралаш ёмғир ёға бошласа ҳам, буваси Салоҳиддин заргар авраси мовут сувсар пўстинини кийиб, шони ғарибонда қаёққадир кетди, хизматкор ва қоровуллар эшик ва дарвозаларни тақа-тақ ёпиб, ҳужраларига кириб олишди, энагаси эса нечундир йиғлаб кириб ётиб қолди. Не бўлди? Ё дадасининг бошига бошқа бир уқубат тушдими? Уқубат тушса, ундан, Хуршидадан нечун яширишади?

Катта меҳмонхонанинг дарчалари ёруғ, чамаси, дадаси уйғоқ эди. Хуршида бону эгнига қундуз ёқали қизил барқут камзулини ташлаб, ўз хонасидан чиқди. Дадаси меҳмонхонанинг тўрида, қора мовут чакмонига ўраниб, чордана қуриб, сариқ сахтиён жилдли катта бир китобни ўқиб ўтирарди. У қизининг кирганини сезмади ҳам. Хуршида бону оёқ учида юриб бориб, унинг рўпарасига оҳиста чўнқайди. Чўнқайганда кумуш шамдондаги шамлар "лип" этди-ю, дадаси чўчиб бошини кўтарди. Унинг чуқур ботган катта-катта кўзларида қўрқув аралаш таажжуб акс этди.

—Кел, қизим.

Дадасининг ганч девордай оқарган сўлғин юзини, қўрқув чўкиб аянчли жавдираб турган маҳзун кўзларини кўрганида бонунинг ўпкаси тўлиб, "қулт" этиб ютинди.

—Дадажон... кўп қийналибсиз, азоб чекибсиз...

Мавлоно Муҳиддин бошидаги учлик қора духоба тақясини тўғрилаб, ўзининг майин, ўксик товуши билан:

—Ҳақ таолонинг бу кўрсатганига ҳам шукур, қизим,— деди.—Мана, эсон-омон дийдор кўришдик...

—Ҳа, парвардигоримга минг қатла шукур, бир балон азимдан қутулмишмиз,—пичирлади бону. У кўнглига туғиб қўйган гапларини айтишга ийманар, бу гаплар усиз ҳам аранг ўтирган отасининг ўксик руҳига озор беришидан чўчир, айни замонда Қаландар Қарноқийнинг сўзлари ёдидан ҳеч кўтарилмас эди. У Қаландарнинг айтганлари ёлгон бўлиб чиқишини, мавлоно Али Қушчи ҳам дадаси билан баб-баравар ҳибсдан озод қилинганини эшитгиси келар, шундай бўлишини дил-дилидан истар эди.

—Дадажон!—деди у, хиёл ўзини босиб.—Бу машъум зиндонда ёлғиз ўзингиз ётдингизми?

Мавлоно Муҳиддин кўзларини юмиб, оҳиста бош чайқади.

—Йўқ, қизим, Али Қушчи... ўзинг билган мавлоно Али Қушчи билан бирга бўлдик...

Хуршида бону ранги ўчиб, бир энтикиб қўйди.

—Мавлоно Али Қушчи... ул зоти шариф ҳам зиндондан чиқдимми?

—Йўқ, болам, ҳануз зиндонда...

—Сабаб, дадажон?

Мавлоно Муҳиддин вужудига совуқ бир нарса теккандай жунжикиб, қизига қўрқинқираб қаради: Унинг чуқур ботган маъюс кўзларида аллақандай шубҳа жилваланди.

—Оллонинг хоҳиши шу бўлса начора, болам?

Мавлоно кўзини қизининг нигоҳидан олиб қочди. Ганчдай оқарган сўник юзига қизиллик югурди.

"Чин! Қаландарнинг сўзлари чин!"

Хуршида бонунинг хаёллари қуюндай тўс-тўполон бўлиб кетди.

—Дадажон!—деди у юрагидаги даҳшатли шубҳа билан олишиб. —У бечора... бечора мавлононинг аҳволи оғирму?

Мавлоно Муҳиддин қизига қарамай бош ирғади.

—Оғир, қизим, оғир...

—Нечук у бечорани қийнайдилар? Нечук зиндондан чиқармайдилар, дадажон?

Мавлоно Муҳиддиннинг чеҳрасидаги қизиллик оҳиста

сўниб, юзи яна оқара бошлади, сўррайиб қолган узун бурнининг катаклаи керилди.

—Айб мавлононинг ўзидадур, қизим. Ул зот бисёр ўжар, бисёр қайсардур. Бу замонда...—Мавлоно қоронғи даричага ҳадиксираб қараб қўйди, овозини пасайтириб давом этди:—Тахтга... Мирзо Абдуллатифдай мустабид шоҳ ўлтирганда қайсарлик қилиб бўлурму, қизим?

—Дадажон, мен бир сўз эшитдим...—деди Хуршида бону, деди-ю, дудуғланиб қолди. Мавлоно Муҳиддин бошини кўтариб қизига қаради. Унинг кўзлари қисилган, чеҳрасидаги маҳзунлик аллақандай совуқ бир ифода билан алмашган эди.

—Қай сўз?

Хуршида бону отасининг бесаранжом кўзларига тоб беролмай ерга қаради.

—Мавлоно Али Қушчи... Мирзо Улуғбек ҳазратларининг кўң нодир китобларини яширған эмиш...

—Бу сўзни қайдан эшитдинг?

Хуршида бону бошини кўтармади. Дадасининг овозида ҳам тараддуд, ҳам аллақандай шафқатсиз бир оҳанг бор эди. Лекин бонунин бу шафқатсизлик эмас, тамом бошқа нарса чўчитар, миясини "Чин! Чин! Бечора мавлоно зиндонда ётибдур!"—деган фикр аёвсиз пармалар эди.

—Бу сўзни қайдан эшитдинг, дейман?

—Ҳамма айтадур...

—Ҳамма деб кимни айтасен?

—Ҳамма... ҳамсоюлар... Бирга таҳсил кўрган дугоналарим...

—Бирга таҳсил кўрган дугоналар!...—деди мавлоно Муҳиддин аллақандай ижирғаниб.—Мирзо Улуғбек шариати мустафони дастуриламал тутмаган такаббур шоҳ эди. Зеро, муслималар ҳам ўқисин деб, уларни йўлдан уриб, гуноҳга ботгандур!

Хуршида бонунинг эсига негадир яна ўша эртақдай қизиқ ёзилган рисола тушди. Мирзо Улуғбек битган ва Мовароуннаҳр тарихига бағишланган бу рисолаи бир кечадаёқ ўқиб чиққани, сўнгра муҳаббат билан оққа кўчириб бергани ёдига келди, келди-ю, тўсатдан ҳўнграб юборди.

—Отажон! Сизга не бўлди, дадажон?

Бирдан сергакланган мавлоно Муҳиддин қизига ҳайрат билан тикилди. Хуршида бону юзини кафтлари орасига яшириб ўтирар, ёқут кўзли нафис тилла узуклар тақилган оппоқ нозик бармоқлари орасидан сизиб чиққан ёш

томчилари бурнининг четларидан юмалаб тушиб, иягидаги чуқурчага қуюларди. Мавлоно Муҳиддин унга Мирзо Улуғбек билан Али Қушчини ёмонлаб хато қилганини дарҳол пайқади: у ўзини Мирзо Улуғбекнинг энг суюкли шогирдиман деб фахрланиб юрганларидан бону хабардор эди. Ҳайҳот! Эндиликда фақат Али Қушчи эмас, ўз жигаргўшаси, суюкли фарзанди, нури чашми ҳам ундан ҳазар қилади!.. Мавлоно Муҳиддин хўрлиги келиб, кўзига ёш олди.

—Қўй, қизим, ул машъум кунларни эсимга солма. Отанг кўрган мусибатни олло таоло ҳеч бир бандасига раво кўрмагай! Не қилай, мавлоно Али Қушчининг тақдири каминанинг қўлида эмас. Даданг ногирон бир бечора!—Мавлоно Муҳиддин ўпкаси тўлиб, гапиролмай қолди. Лекин сезгир одам, бу сафар кўз ёшлари қизининг ўнглини эритолмаганини пайқади-ю, қаттиқ оғриниб, бошини ҳам қилди. У қизига қаттиқроқ гапиргиси келди. Лекин... боя Кўксаройдан амир Жондор бошлиқ бир-икки нуфузли аъёнлар келиб, шаҳзоданинг тилагини изҳор этишди, эрта-индин Хуршида бонуни саройга, Мирзо Абдуллатифнинг ҳарамига олиб кетишларини, унгача ҳозирлик кўриб қўйишларини тайинлашди... Яна Кўксарой! Яна ҳарам!.. Аввал шаҳзода Абдулъазиз ҳарами, энди Мирзо Абдуллатиф ҳарами! Бу машъум хабарни эшитган Хожа Салоҳиддин заргар ўзини қаёққа қўйишини билмай, ахири маслаҳат излаб қаёққадир кетди. Бу шумхабар Мавлонони ҳам титратиб юборди, лекин кўз олдига салкам уч ой ётган мудҳиш ҳибсхона келди-ю, розилик беришдан бошқа чора тополмади. Ҳозир Хуршида бону оҳиста кириб келганда мавлоно Муҳиддин шуни ўйлаб қўрқиб кетган эди. Йўқ, энагаси бу шумхабарни унга айтмабди чамаси, бону мавлоно кутгандай арз қилиб йиғламади, билъакс, тамом бошқа нарсадан сўз очди. Энди у қизига не дейди? Бу машъум хабарни унга қандай айтади?

Мавлоно Муҳиддин қизининг сўзлари оғир ботганини билдирмай:

—Бор, қизим,—деди.—Бу юмуш ожизаларнинг юмуши эмас. Ўз юмушингни бил, болам.

Хуршида бону секин ўрнидан турди, унсизгина одимлаб, эшикка томон йўналди.

—Хуршида! Қизим...

Бону тўхтади, бошини бир томонга эгганича, дадасига қаради. Шамнинг хира шуъласида унинг чеҳраси аниқ

кўринмас, лекин бошини бир томонга эгиб, жимгина туришида аллақандай мажруҳлик, йўқ, чексиз бир дард бор эди. Мавлоно Муҳиддин юраги зирқираб кетди-ю, айтмоқчи бўлган гапини ичига ютди.

—Бу бечора падарингни кечиргайсен, қизим... Тақдири азал шу нарсани лозим кўрса не чора? Энаганг айтар... Афв эт, қизим...

Мавлоно Муҳиддин лаблари пирпираб, рўмолчасини кўзларига тутди. Хуршида бону бирдан ёпирилиб келган аллақандай шубҳадан эти увишиб, гандираклаганича меҳмонхонадан чиқди.

Ташқарида ҳамон қор аралаш ёмғир ёғар, бўрон қутураб, боғдаги кекса дарахтлар аянчли ғийтиллар, гўё совуқдан нола чекиб зорланар эди. Ҳовлида ҳеч ким кўринмас, фақат дарвоза томонда қоровулларнинг гангир-гунгир овозлари эшитиларди. Хуршида бону севалаб ёғаётган ёмғирни сезмасдан, ҳовлининг ўртасидаги иш-комнинг муздай устунига суянди.

"Бу бечора падарингни кечиргайсен, қизим... Энаганг айтар. Тақдири азал шуни лозим кўрса не чора?.. Нени лойиқ кўради? Энагам нени айтади?.. Афв эт, қизим!.. О, дадажон! Дадажон!.."

Ногаҳон бонунинг қулоғига кимдир "Хуршида!.. Хуршида бону!" деб шивирлаётгандай туюлиб, сесканиб кетди. Овоз боғ томондан келарди... Бону юраги гурс-гурс уриб бир-икки қадам юрди. Боғ эшик қийғоч очик эди.

—Бону...

"Қаландар! Дадамлардан мавлоно Али Қушчини сўрамоқ ниятида келгандур..."

Хуршида бону қаёққа қочишини билмай, атрофига аланглади, лекин шу пайт эшикда Қаландарнинг новча, забардаст қомати кўринди.

—Бону! Тўхтанг, бир сўзим бор сизга!..

Хуршида бону қўрқа-писа дарвозахонага қаради-да, оёқ учида юриб, боғ эшикка яқинлашди. Қаландар чекиниб ўзини боққа олди.

—Бону...

—Нечун келдингиз?—Хуршида бону деворга ҳолсизгина суяниб, юзини кафтлари орасига яширди.—Мен бечорани қийнаб не қиласиз?

—Тўхтанг, бону!..—деди Қаландар тўсатдан амирона оҳангда.—Дадангиз...сизга ҳеч нарса демадими?

—Айтди... Сиз ҳақ сўзни сўзлабсиз. Бироқ не чора? Дадам... ногирон бир бечора...

—Тўхтанг, бону. Бу кун бу даргоҳга Кўксаройдан биров келдими?

Боя тушда келган нотаниш, аммо юриш-туришларидан сарой маҳрамларига ўхшаган калондимоғ одамлар эсига тушган бону яна эти жунжикиб:

—Келди,—деди.

—Улар не муддаода келганлар...—Қаландар сўзини айтолмай дудуғланиб қолди-ю, ўзидан ғижиниб, шафқатсизлик билан:—Шаҳзода сизни ўз ҳарамига олмоқ ниятида эканини эшитдингизми?—деб сўради. Хуршида бону ялт этиб Қаландарга қаради, қоронғида унинг нафас етмай энтиккани эшитилди.

—Йўқ...

—Билмасангиз, билиб қўйинг, бону. Бу баттол падаркуш жамолингиз таърифини эшитибди, эшитиб ўз ҳарамига олмоқни ният қилибди...

Совуқ қалтироқ босган Хуршида бону кўзларини юмди. Унинг нигоҳи олдидан дадасининг хаста чеҳраси кетмас, қулоқлари остида унинг ғамгин овози қайта-қайта такрорланар эди:

"Бу бечора падарингни кечиргайсен, қизим. Тақдири азал шу нарсани лойиқ кўрса не қилай?..."

—Нечук индамайсиз, бону?—Қаландар унинг муздай қўлларидан ушлади.—Сўзимни эшитинг, бону! Агар... Агарчи менга инонсангиз, шу бу кун олиб кетамен. Содиқ одамлар, жон аямас ёр-биродарлар бор. Бу хавф-хатар ўтгунча яшириниб турсиз. Нечун сўзламайсиз, бону?

Хуршида бону тўсатдан кўзига ёш олиб:

—Сиз,—деди титраб.—Сиз ташлаб кетмайсизму?

Қаландар кутилмаган бир журъат билан уни нозик белидан қучиб, ўзига тортди.

—Ё раб! Мен сизни ташлаб қайга кетамен, бону?

Хуршида бону ёш билан ювилган юзини бир зум Қаландарнинг серсоқол юзига босди. У таҳқирланган гўдакдай ўксиб-ўксиб йиғлар, алланималар деб пичирлар эди.

—Хуршида! Хуршида бону!..

Хуршида бону кўз ёшларини артиб, Қаландарга қаради.

—Хўп. Қайга десангиз кетамен.

—Иссиқ кийимларингизни олинг...

—Йўқ. Бу уйга қайта кирмаймен,—деди Хуршида бону.—Ёнимда сиз бўлсангиз совуқдан ўлмасмен...

Қарноқий индамай бонунинг даст кўтариб олди-да, сирпанчиқ ерда тойиниб-сирғаниб, жарликка қараб кетди.

Зимистон ҳибсхонада бўйрага чордана қурганича чуқур хаёлга толган мавлоно Али Қушчи оёқлари зирқираб ўрнидан турди. Томирлари тортиб увишиб қолган оёқларини уқалай-уқалай, қафасдай тор хонани бир-икки марта айланиб чиқди. Сўнг, боши айланиб, хаёли чувалиб кетаётганини сезиб деворга суянди.

Тўсатдан унинг нигоҳи олдига иссиқ уйда оёқларини танчага суқиб, сувсар пўстинга ўраниб ўтирган мавлоно Муҳиддин келди, келди-ю, оёқлари баттар зирқираб кетди. У шундай толиққан, оёқлари шундай безиллаб оғрир эдики, ўзини яна бўйрага ташлаб чўзилгиси келди. Лекин зах ерга тўшалган бўйрага ўтириш—музга ўтириш билан баравар эди. Али Қушчи шу совуқ бўйрада ётаман деб оёқдан айрилди... У ҳам мавлоно Муҳиддинга ўхшаб шаҳзодага бўйин эгса, оёғига йиқилиб "Аждар гор"га бошлаб борса бас, бу қоронғи гўрдан қутулиб, чароғон уйда без-без оғриган оёқларини шоҳи кўрпа ёпилган иссиқ танчага суқиб фароғатда ётмасмиди? Илми фалакиёт масалаларига бағишланган суюкли рисоласини ҳам шу кўркам истироҳатгоҳларда иссиқ танча ёнида ёзмасмиди? Ахир Мирзо Абдуллатиф, яширилган китобларни топиб берсанг саройга муаррих қилиб оламен, деб ўзи айтмадими? Айтди! Тиласанг муаррих бўласен, тиласанг девонда муншийлик қиласен, деди. "Нечун унинг иродасига бош эгмайсен? Эг! Нодир китобларни қайга яширганингни айт! Сўнгра шоҳона оромгоҳларда ўлтириб, шаҳзоданинг улуғ ишлари, Мовароуннаҳр элига қилган эзгуликлари, кўрсатган меҳр-мурувватларини тараннум этиб, китоблар бит, ҳамдлар ўқи! Бу китоблар эвазига сандиқ-сандиқ олтин оласен. Бойлик ва шон-шухрат орттирасен. Бу мислсиз азоб-уқубатлардан қутулиб, матлуб ёруғлиққа чиқасен". Али Қушчи маъюс кулимсираб қўйди, гўё ўз ўйларидан ўзи кўрқиб кетгандай, яна тор хонада айланишга тутинди. "Унга не бўлди? Шайтон васвасасидан ўзинг қутқариб, ўзинг сабот ва сабру қаноат инъом қил, парвардигори олам!..."

Али Қушчи хаёлини чулғаб олган оғир ўйлардан қутулишга тиришиб, бошини қаттиқ силкиди, кўнглидаги ғам-андуҳни енгиш ниятида бор иродасини тўплаб, яна рисола устида ўйлай бошлади... Боя қаерга келган эди? Ҳа, кусуф, яъники сайёраларнинг тутилиши устида, кусуфи кулли ва кусуфи жузъий ҳодисалари—ой ва қуёшнинг тўла ва қисман тутилиши тўғрисида ўйлаган эди.

Кусуф ҳодисаси икки курра —қамар¹ ва курраи арзнинг бир-бири ва шамс² теварагидаги ҳаракатига боғлиқдир. Лекин буни қандай айтмоқ, рисолада қай йўсин баён этмоқ даркор? Буни шундай пардалаб айтмоқ лозимким, уни фақат аҳли донишларгина тушунсин. Зеро, "ҳаракат" деган сўзнинг ўзи бу жоҳил уламоларни ларзага солади. Ёдида бор: бу чигал масала жаннатмакөн устод Қозизода Румий билан мавлоно Гиёсиддин Жамшид ҳазратлари ҳаёт маҳалида ҳам кўп мунозара ва мубоҳасаларга сабаб бўлган эди. Лекин у маҳалларда расадхона ҳали ишга тушмаган, кўп сайёраларнинг фалакдаги ўрни ва ҳаракати яхши аниқланмаган эди. Сўнгги йигирма йилда эса жаннатмакөн устод раҳнамолигида юлдузлараро, сайёралараро ҳаракатлар, авж, яъники, энг юқори, ҳазиз, яъники энг пастки ҳаракатлар мукамал жадвалларда қайд қилинди. Қани энди, бул жадваллар унинг қўл остида бўлса?... Зеро, бу мукамал жадвалларсиз, қоғоз-қаламсиз бу мураккаб рисола устида ишлаб бўлурму?— Унинг кўз олдига беихтиёр "Аждар ғор" келди. Ғорга яширинган сандиқларнинг бирига 1022 юлдуз ва бу юлдузларнинг фалакдаги ўрни тасвир этилган қирқ олти сурат-жадвал жойланган... Мавлононинг эсида бор: ул бандаи хоксор, устод Мирзо Улуғбек кечалари нимқоронғи расадхонада ўтириб, бу сурат-жадвалларни томоша қилишни яхши кўрарди. Тилла суви юритилган бу суратлар кечалари чинакам самони эслатар, тилла нуқталар билан белгиланган юлдузлар эса қоронғида чинакам юлдузлардай ялтиллаб кетарди...

Али Қушчи "Зижи Кўрагоний" жадвалларини эсларкан, бундан беш-олти йил муқаддам устод билан ҳазрат Низомиддин Хомуш ўртасида бўлиб ўтган бир тўқнашув ёдига тушди. Лекин... Вожабо! Ҳазратнинг ўшанда айтган гаплари тунов куни шаҳзода айтган гапларнинг баайни ўзи эди. Наҳот бу гапларни шаҳзодага жаноб Хомуш ўргатган бўлса? Ё бильакс... йўқ, аксинча бўлиши эҳтимолдан йироқ. Шаҳзода у маҳалда бу жоҳил ҳазратдан узоқда, узоқ Ҳиротда эди...

Жума куни эди. Бир гуруҳ амирлар ва нуфузли беклар билан—улар орасида Али Қушчи ҳам бор эди—овга чиққан устод, жума кунлари масжиди жомеда ўқиладиган

1

Қамар—ой.

2

Шамс—қуёш.

хутбага шошилар эди. Лекин ҳар қанча шошилмасин, улар борганда хутба ўқилиб бўлган, намозхонлар тарқала бошлаган эдилар.

Аълоҳазратларини дарвозада кутиб олган шайхулислам Бурҳониддин масжидга бошлаб кирди. Лекин улар шоша-пиша таҳорат олиб, энди намозга киришган ҳам эдилар, масжид ҳовлисида қандайдир ғала-говур кўтарилди, кимнингдир: "Ҳой, уммати мустафолар!" деган дўрилдоқ овози эшитилди.

Эшикдан кирган жойга тиз чўкиб, саждага бош қўйган Али Қушчи хаёлини бўлмасликка ҳар қанча уринмасин, бу ўктам, дўрилдоқ овозни баралла эшитар эди. Ҳовлидаги шов-шувни босиб, ваъз айтаётган кимса эса, доруссалтанада бедин алломалар кўпайиб кетганини, улар арши аъло ҳисобланмиш осмони фалак сирларини очмоққа жазм этиб, барча мўъмин-муслмонларни йўлдан ураётганини сўзлар эди...

Ранги ўчган, лаблари қаттиқ қимтилган устод намоз тугаган ҳамон шитоб билан юриб, масжиддан чиқди. Устоднинг кетидан чиққан Али Қушчи, айвонда туриб, ҳовлидаги юзларча намозхонларга, оқ ридо ва оқ саллалари уламоларга қарата нутқ ирод қилаётган жаноб Хомушга кўзи тушди. У маҳалда ҳозиргидан ҳам басавлат, хушқомат ва хушсурат ҳазрат, бир қўлида асо, бир қўлида қаҳрабона тасбеҳ, ичкаридан чиққан устодни кўриб, асосини силкитди, кўзлари аллақандай чиройли ёниб:

—Мана!—деди.—Ул бетавфиқ алломалар устози Мирзо Улуғбек ҳазратлари ўзи иқрордур...

Устод йироқроқда тўхтаб:

—Сўзингизни англамадим, тақсир!—деди.

—Нечун англамайсиз? Ё олло ўз бандасига инъом этмиш ва ҳамвор ҳисобланмиш рўйи заминни курраи арз демоқ гуноҳи кабир эмасму, бандани бериб?

Устоднинг кўзлари қисилиб, лаблари асабий пирпиради.

—Маъзур тутгайсиз, тақсир! Бу ҳақиқатни биздан салкам беш юз йил муқаддам муаллимул аввал Абу Райҳон Беруний Муҳаммад ибн Аҳмад ҳазратлари эътироф этгандур!

—Ул зот расул эмаским, анинг сўзи...

—Ҳа, ул зот расул эмас. Ва лекин ақл-идрокда тенгсиз бир воҳиди замон эрди.

—Демакким, арши аъло ҳисобланмиш осмони фалакни уммонга, оллонинг шамчиноқларини балиқларга ўхшатмоқни ҳам ўшал бетавфиқ воҳиди замон ўргатгандур сизга?

—Йўқ, тақсир. Бу фикрга шогирдим Али Қушчи...—

Мирзо Улуғбек Алига қараб кулимсираб қўйди.—Мавлоно Али ўз ақл-идроки билан етгандур.

—Ана! —Ҳазрат ғолибона назар билан пастда бош эгиб турган уламоларга юзланди. —Зероким... Валақад зананган вассар дунё биносотибия ва жаҳонноҳа... Бу оят ёдингиздан кўтарилибдур, Мирзо Улуғбек.

—Йўқ, бу оят ёдимдадур, тақсир. Ва лекин олло ўз бандасига ақл-идрокни шу мақсадда инъом этмишким, илм ва тафаккур ила олам сирларини ўргансин...

—Филҳақиқат!—хитоб қилди шайхулислом Бурҳониддин. У бошидаги салласини тузатиб, олдинга ўтмоқчи бўлди, лекин ҳазрат Хомуш яна кўзлари чиройли порлаб:

—Даф бўл!—деб ўшқирди.—Шайхулислом бўлмиш сен бетавфиқ аҳкоми динни оёқости қилдинг. Буткул...

—Бас!—Устоднинг овози масжид гумбазини янградиб юборди. —Ё хонақоҳингизга бориб, тариқат ила шуғулландинг, ё навкарларимга фармон берамен—дарҳол зиндон қиладур.

Токи бу мўътабар масканни куфр даргоҳ деб, мўминларни чалғитиб юрган анов табаррук зотлар эрмас, ақли расо дин пешволари эрмас,—устод масчит майдонида тавозе билан ерга тикилиб турган уламоларга ишора қилди,—мен бул табаррук зотлар олдида ҳамиша бош эгиб келганмен. Доруссалтанадаги бўлаётган тубан юмушларга Сиз ва Сизга ўхшаган бир ҳовуч бидъат ва хурофот бандилари сабабдурлар.

Устод шундай деди-да, вазмин одимлаб, айвондан тушди. Жаноб Хомуш нажот кутиб, пастда бош эгиб турган уламоларга қаради. Лекин... устод айни кучга тўлган, тахтда муқим ўтирган пайтлар эди. Уламолардан садо чиқмади...

Ўша куни кечаси тун ярмида устод расадхонага кириб борди. У бир жойда ўтиролмас, дам ўзи тузган жадвалларга, дам осмони фалакка тикилар, дам кутубхонани оҳиста айланаркан, ҳадеб уф тортар ва бир сўзни такрорлар эди: "О, жоҳиллар, жоҳиллар, жоҳиллар!"

Ҳа, Али Қушчи ўшанда "ҳаракат" сўзидан қочиб, осмонни уммонга, юлдузларни эса балиқларга ўхшатиб бир рисола ёзган ва бунинг учун устоднинг таҳсинига ҳам сазовор бўлган эди...

Юлдуз эмас, шайтонга қарши отилган тош, курраи арз

Аҳкоми дин—дин қоидалари.

эмас, ҳамвор бўлмиш рўйи замин эмиш... О, жоҳил уламолар, гафлат уйқусида ётган ғариб маҳдудлар!..

Тўсатдан Али Қушчининг хаёлига ёмон бир фикр келиб, тизгинсиз қайғу юрагини яна чангаллаб олди: бу мислсиз жазо, бу уқубатларга бардош беролмай шу совуқ гўрда ўлиб кетса... "Аждар ғор"га яширинган бу жадваллар, бу нодир хазинанинг тақдири не бўлади? Бу сирдан ёлғиз Мирам Чалабий воқиф. Лекин Мирам Чалабий сабийлик ёшидан чиқмаган бир муллаваччадир. Унинг қўлидан не келади?

Аъзойи бадани бўшашиб деворга суянган Али Қушчи эшик дарчасининг ғичирлаб очилганини эшитиб, сесканиб кетди. Кафтдеккина дарчадан тушиб турган заиф ёруғликда ичкарига чўзилган тўқач кўринди. Бу—одатда бериладиган пиёланинг юзидеккина арпа нонга ўхшамас, жўхори унидан ёпилган, қалин юмалоқ тўқач эди.

Али Қушчи ҳайрон бўлиб, тўқачни олди. Олаётганда энгашиб дарчадан йўлакка қаради. Оғзига талқон солгандай садо чиқмайдиган зиндон қоровули бу сафар ҳам индамай бир чойдиш сув чўзди.

Али Қушчи чойдишни олиб, бўйрага бориб ўтирди. У очми, тўқми—яхши билмас, овқатга аллақандай бефарқ бўлиб қолган эди. Лекин тамом ҳолдан кетаётганини сезиб, тўқачни синдирди, синдирди-ю, бир зум анграйиб қолди. Тўқачнинг ичида найча қилиб ўралган хат билан бир суямча келадиган ханжар чиқди. Ханжарнинг ёнида чинчилоқдеккина қалам ҳам бор эди... Гўё арзи доди арши аълога бориб етгану, парвардигор унинг кўз ёшига раҳм-шафқат айлаган...

Али Қушчи юраги гурс-гурс уриб ўрнидан турди. Эшикка суяниб, унинг кафтидеккина дарчасидан тушиб турган хирагина шуълада найча қилиб ўралган қоғозни очди.

"Меҳрибон устод! Аввало сиз меҳрибон отахонимизнинг дуои жонингиз ва сиҳатларингизни олло таолодан туну кун тилаб турибмиз. Иккиламчи, билмоқни истаймиз: қутлуғ бошингизга тушган бу уқубатни осон қилмоқ учун не даркор? Шу қоғознинг орқасига битиб, чойдишга солиб чиқаргайсиз... Насиб этса қалбингизга туйнук очиб кирсак, сиз соябони марҳаматни бу зулматдан халос қилиб, дийдор кўришсак, деган ражодамиз. Иншооллоҳ, бу тилагимизга етурмиз. *Садоқати зоҳир шоғирларингиз*".

Али Қушчи нечундир кўнгли эриб кўзига ёш олди. "Бу ҳифзи ҳимоятинга минг қатла шукур, эй парвардигор!.. Лекин ким экан бу "садоқати зоҳир шогирдларингиз" деган? Мирам Чалабийми? Йўқ, у ёш, бу иш қўлидан келмайди. Ёш мударрис Мансур Кошийми? Қайдам, Коший ҳам мўмин-мулоимгина бир одам. Бир бўлса Қаландар Қарноқий бўлур...—Али Қушчи Қаландарнинг забардаст сохт-сумбатини, саҳройиларга хос бўлакча мардлигини ва дангаллигини эслаб, меҳр билан жилмайиб қўйди. —Хан-жарни эса... Уста Темур Самарқандий ясагандур. Лекин... вожабо! Али Қушчи ханжарни не қилади? Қалам тараш-лайдиму?"

Ногаҳон эсига яна мактуб тушди: "Насиб этса қалбингизга туйнук очиб кирсак, сиз соябони марҳаматни бу зулматдан халос қилиб, дийдор кўришсак, деган ражадомиз. Иншооллоҳ, бу тилагимизга етурмиз..."—Бу сўзларнинг маъноси не? "Қалбингизга туйнук очсак", деганлари зиндонга туйнук очсак деганлари эмасми?...—Али Қушчи хаёллари алғов-далғов бўлиб, бир жойда туролмай қолди, қўллари билан деворнинг ғадир-будир тошларини пайпаслаганича, ҳибсхонани бир айланиб чиқди.

Йўқ! Бу харсанг тошларни емириб, бу метин девордан туйнук очиб бўлмас! Бу ақлга сиғмайдурган бир хом хаёлдур! Кимсан соҳибқирон ўз раҳнамолигида қурдирган бу машъум зиндон, бу ҳибсхоналарни кўрмаган авомларнинг хаёлий умидларидур. Токи бу зиндон сон-саноксиз қуллар ва асирлар, гадолар ва сипоҳлар елкасида келган харсангтошлардан барпо бўлгандурким, уни тешган бир марди майдон чиққан эмас!.. Сенинг ғамингда юрган шогирдларинг бу ҳақиқатни билмайди. Сен эсанг бунга ақлинг ета туриб, кимдандир умид қиласен, негадир ҳовлиқасен? Кимдан умид қиласен, нечук ҳовлиқасен, ўпкангни бос, биродар!

Али Қушчи чуқур ҳўрсиниб, юришдан тўхтади. Негадир эсига яна энаси Тиллабиби тушиб юрагини чангаллаганича узоқ турди, сўнг, тизгинсиз ғам қайта хуруж бошлаганини сизди-ю, ўзини койиб кетди:

"Нечун бунча кўз ёши тўкасен, нечун бунча оҳ-фарёд қиласен, мавлоно Али! Бундан кўра бемехр шаҳзодага изҳори ихлос қилиб, оёғига бош ур! Айтганларини вожибул-изъон, деб бил! Йўқса кўз ёшингни тий! Қаддингни тутиб, хаёлингни жиловлаб, ишингни қил! Суюкли рисо-лангни тугат! Зеро, бундай содиқ шогирдларинг бор экан,

қилган ишинг ҳайф' кетмайди, ўзинг фавт бўлсанг-да, битган китобинг ўлмайди!"

Али Қушчи кафтдеккина дарича шуъласида ҳалиги мактуб орқасига "Қоғоз, қалам" деб ёзди. Бир лаҳза ўйлаб тургач, "Энам, Тиллабиби", деб қўшиб қўйди-да, шогирдлари айтгандай, чойдишга солиб, зиндон қоровулига узатди. Сўнг, кўнгли аллақандай равшан ториб, "нонушта"га киришди.

18

Ҳарам бекаси таъриф қилган тенгсиз гўзал қайгадир қочганини эшитган Мирзо Абдуллатиф, амир султон Жондорга: "То бу беҳаёни топиб, қўл-оёғини боғлаб олиб келмагунча кўзимга кўринма!" деб ҳайдаб чиқарган эди. Мана, бир ҳафтадан ошди ҳамки, на санамдан, на амир Султон Жондордан дарак бор! Бугун шаҳзода ўзи амирга чопар юборишга мажбур бўлди: шу букун кечқурун, намоз аср олдидан расадхона ҳовлисида маъжусийлар ва бединлар юртдан келтирилган куфр китобларни ёқиш маросими бўлиши керак эди. Жаноб Хомуш ва бошқа уламоёйи киромлар кўпдан бери бу савоби азим ишга журъат этишни маслаҳат бериб юрган бўлса ҳам, шаҳзода негадир кўнгли чопмай, пайсалга солиб келарди. У бир неча марта расадхонага бориб, иккинчи ошёнадаги кутубхонани кўздан кечирган, ҳатто бир қанча китобларни саройга олдирган эди.

Дарҳақиқат, кутубхонадаги китоблар орасида ҳазрат айтган хорижий эллардан, маъжусийлар юртдан келтирилган ва номаълум ёзувларда битилган китоблар ҳам бор эди. Лекин ажабо: шаҳзода ҳар сафар расадхонага бориб кутубхонага кирганида ва шифтга тегадиган зарҳал жавонларга терилган чарм жилдли оғир китобларни, ипак ва шоҳи матоларга ўралган нодир қўлёзмаларни кўрганда негадир кўнгли бир хил бўлиб кетар ва жавонларнинг олдидан жилолмай қоларди. Ҳиротда, бобоси Шоҳруҳ Мирзо қўлида тарбияланган бўлса ҳам, фақат улуми диния эмас, дақиқ фанлар, фалакиёт ва риёзиёт илмидан ҳам таҳсил кўрган шаҳзода бу кутубхонанинг доврўғи бежиз эмаслигини биринчи кўришдаёқ тушунди. Гарчи, Али Қушчи ва унинг шогирдлари кўп нодир китоб ва

¹ Улуми диния—диний илмлар.

қўлёмаларни гумдон қилган бўлса ҳам, шаҳзода кутубхонани кўздан кечириб, бунга яна бир карра инонди! Ҳалиям яхши китоблар кўп, отаси Мирзо Улуғбек чиндан ҳам энг нодир асарларни терган эди.

Шаҳзода бир неча бор расадхонага пинҳона бориб, бу китобларни кўздан кечирган эди. "Пирим" деб юкунган ҳазрат Ҳомуш яна ҳузурига келди. У одатдагидан ҳам мулоим ва ширинсухан эди.

Ҳазрат узоқ панду насиҳат қилиб, кейин бир истак билдирди. Истаги шундан иборат эдики, шайхулислом Бурҳониддин билан Мирзо Улуғбекни қатл қилиш ҳақидаги фатвога муҳр босишдан бош тортган Самарқанд қозиси Хожа Мискин ҳазратларини давлат юмушларидан четлатиб, бу ўринларга садоқат зоҳир уламоларини тайинлаш эди.

Шаҳзода ҳазратнинг ниятини дарҳол тушунди-ю, шайхулисломлик мансабини олишни унинг ўзидан илтимос қилди. Шундан кейин ҳазратнинг чеҳраси батамом очилиб кетиб, яна бир истак билдирди: шаҳзода туну кун Кўксаройда ўлтиравермай, гоҳо-гоҳо фуқарога ҳам кўришиб турмоғи даркор. Бу ишни ҳазрат ўз зиммасига олади. Расадхона ҳовлисига барча уламолар, амиру умаро, дарвешлар, ҳатто илм аҳлини ҳам йиғдиради. Шаҳзоданинг улуғ мақсадлари тўғрисида ўзи нутқ қилади. Лозим бўлса шаҳзода ҳам яхши ниятларини изҳор этиб, аҳли мўминларни хушнуд этади.

Ҳазратнинг бу илтимосини қайтариб бўлмас эди. Абдуллатиф розилик берди-ю, жаноб кетгач девонбеги билан ясовулбошини чақиртириб, балхлик содиқ суворийларидан икки юз нафарини расадхонага юборишни, Кўксарой билан расадхона орасидаги кўчаларнинг ҳаммасига отлиқ посбонлар қўйишни топширди. Бугун эса бунга ҳам кўнгли тўлмай, амир Султон Жондорга чопар юборди. Негаки, шаҳзода Мовароуннаҳрни забт этганига тўрт ойдан ошса ҳам на эл тинчиди, на унинг кўнгли! Ё тавба! У тахтада ўтириб не ёмонлик қилганини билолмайди. Ҳидоят йўлини тарк этиб, куфриётга юз тутган барча муртадларни зиндон қилдирди, баъзиларининг бошини танидан жудо эттирди, муртадлар уяси бўлмиш мадрасаларни ёпдириб, эшикларига қулф урдирди. Салтанат душманларини, Мирзо Улуғбекка ён босган барча аркони давлат, барча сардору саркардаларни шафқатсиз маҳв этиб, ҳаммаёқни тинчитгандай бўлди. Лекин нечундир кўнгли фароғат топмайди. Назарида ўтирган тахти тебраниб тургандай, гўё ҳаммаёқда унга қарши фитна

уюштирилаётгандай, ҳамон қайлардадур қочиб юрган Бобо Ҳусайн бошлиқ бир гуруҳ амирлар шамшир чархлаб, уни сарнигун қилиш пайида бўлаётгандай туюлади. Ҳамон кечалари ухлай олмайди, бир зум кўзи илинса, гўё биров қилич яланғочлаб эшикдан кириб келаётгандай бўлиб уйғониб кетади-ю, тонг отгунча мижжа қоқмайди... Ким билади, жаноб Хомуш янглиғ садоқат зоҳир уламои забардастларнинг бу дуойи жонлари истиқболнинг хайрли аломати, файзи илоҳийдур, эҳтимол букун бўладиган савоби азим юмуш... кўнглига ором, дилига тавфиқ ато қилур! Ким билади, эҳтимол муртад алломаларнинг энг қайсари бўлмиш Али Қушчини ҳам йўқ қилмоқ даркордур. Шаҳзода унинг такаббур бошини аллақачон танидан жудо қилар эди, фақат йўқолган китоблар ва гум бўлган олтин-жавоҳирлар қўлини боғлаб турибди, бир кун бўлмаса бир кун зиндон уқубатига бардош қилолмай, сир-синоатини очар деган умид уни тўхтатиб турибди.

Эшик оҳиста очилганини эшитган шаҳзода кескин бурилиб қаради. Бўсағада ҳазрат Хомушнинг таклифи билан саройга олинган ғилай ясовул қўл қовуштириб турарди.

—Хўш, амир Жондор қайда?

—Амир жаноблари хасталаниб тўшак ёзиб ётиб қолибдур, давлатпаноҳим!

Шаҳзода кўзлари қисилиб, ясовулга қадалиб қаради. Ясовул негадир қийшанглаб қолди.

—Амирнинг хасталигини ўз кўзинг билан кўрдингми?

—Ўз кўзим билан, валинеъмат...

—Ўзинг ғилай бўлсанг нени кўрасен?...—Шаҳзода заҳарханда кулиб, Қашқирга яқинлашди.—Хўш, ул бешарму беҳаёдан дарак борми?

—Йўқ, пуштипаноҳим...

—Йўқ! Йўқ! Қачон "бор" деган мужда келтирасен? Мавлоно Муҳиддин не дейди?

—Мавлоно...—Қашқир бошини бир томонга эгиб шаҳзодага журъатсизгина қаради-ю, унинг ҳамон қадалиб турганини кўриб, дарҳол кўзини олиб қочди.

—Хўш? Сўзла! Нечун ғилай кўзингни яширасен?—деди шаҳзода, ингичка мўйловлари ғалати қимирлаб.

—Подшоҳи олам! Мавлоно Муҳиддин... ақлидан озмиш...

—А?!—Шаҳзода ранги ўчиб, хиёл орқага тисарилди.—Кимдан эшитдинг бу сўзни?

—Кеча тинтувга борган ясовуллардан эшитган эдим... Букун Регистонда кўрдим. Яланг оёқ, яланг бош, кўй-

лакчан чопиб юрибдур. Падари хожа Салоҳиддин заргар маҳрамлари билан тутиб кишанлаб олиб кетди. Бечора...

—Бечора!—деди шаҳзода ҳансираб.—Кимки, имони ихлосга шак келтириб, имонини иблиси лаинга сотса... ҳоли шу бўладур! Бор! Сарой аҳли ҳозир бўлсин, алҳол йўлга тушамиз...

Ғилай ясовул келтирган бу машъум хабар шаҳзоданинг дилидаги гулуга гулу қўшиб ғаш қилди. Лекин Кўксаройнинг аллақандай совуқ кошоаларидан очиқ ҳавога чиққач, кўнгли бирдан равшан тортди. Ажабо: бундан бир-икки ҳафта олдин ёққан қалин қордан асар ҳам қолмаган, билъакс, кун шундай исиган эдики, кўча юзларини, уйларнинг томини, ҳатто пахса деворларнинг устини кўм-кўк барра майса қоплаган, шарқираб оқаетган ариқ бўйларидаги тол шоҳлари қизариб, куртак ёза бошлаган эди. Ғир-ғир эсаётган илиқ шабада баҳор гиёҳларининг хушбўй ҳидини уфурмоқда, димоққа олис қирлар нафаси, бинафша ва чучмўмаларнинг нозик бўйлари, ёвшан ва шувоқларнинг сал тахир, лекин хушёқим ҳидлари гуп-гуп урарди. Шаҳзода чеҳраси ёришиб, тўйиб-тўйиб нафас оларкан, кўз олдига нечундир Ҳирот атрофидаги ям-яшил қирлар келди. Бобоси Шоҳруҳ Мирзо билан ҳар кўклам бу қирларга чиқиб, улоқ чопган, арғумоқ ўйнатиб пойгага тушган беғубор ўсмирлик йиллари эсига тушиб, кўнгли бир хил бўлиб кетди-да, остида бетоқат депсинган қора арғумоғига қамчи урди. Буни кўрган ёнидаги маҳрамлар ҳам отларининг жиловини қўйиб юбордилару, тош ётқизилган кўчалар от туёқларининг дупуридан қасир-қусур бўлиб кетди. Кўчанинг икки томонида, Кўксаройдан расадхонага бора-боргунча ҳар ўн беш-йигирма қадам жойда тигларини кўкка қаратган найзабардорлар турар, гузарларда эса, оғир либослари устидан совут кийган сипоҳлар от ўйнатиб юришарди.

Мирзо Абдуллатиф от чоптириб бораркан, кўчанинг икки юзида, туғли найза ушлаган сипоҳларнинг орқасида, таъзимда қотиб қолган мингларча одамларни кўрарди. Гузарлардаги оломон ҳам жимгина саждага бош эгиб турар, одамлар девор ёриқларидан, эшик тирқишларидан мўралаб қарашар, болалар эса томларга чиқиб олишган, уларнинг кўзларида таажжуб, ҳайрат, қўрқув акс этарди. Шаҳзоданинг қалби букунги ложувард осмондай чарақлаб кетди. Ҳа, у Мовароуннаҳр учун, Самарқанддай шаҳри муаззам учун беҳуда олишмаган! Бобокалон Амир Темур ўзига доруссалтана қилган бу шаҳри бузрук кўчаларидан

бир маротаба от чоптириб ўтмоқ, оломоннинг тиз чўкиб, саждага бош эгиб турганини кўрмоқ учун бир эмас, юз жон бўлса ҳам тикмоққа арзийди!.. О, нақадар улуғ, нақадар ширин экан бу салтанат, бу тожи тахт! Шаҳзода ҳозир отини жиловидан тортиб тўхтатса-ю, қўл қовуштириб турган бу оломонга тиз чўкиб, ер ўпмоқни амр қилса, амри вожиб бўлади. Тиз чўк, деса чўқади, ер ўп, деса ўпади. Қани бир кимарса амрини вожиб қилмай кўрсинчи?..

Расадхона олдидаги майдонга ҳам тумонат одам йиғилган эди. Юзларча қаландарлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, қўлларидаги исириқ тутатилган исириқдонларини силкиштишиб, кулоҳ кийган бошларни бир меъёрда тебратишиб, мадҳу сано ўқишар, яланг оёқ, яланг бош гадолар, қаланғи-қасанғилар қоқсуяк қўлларини чўзиб тиланчилик қилиб юришар, қилич яланғочлаб олган суворийлар чор тарафдан оқиб келаётган оломон устига от чоптириб, орқага сураб, сипоҳларнинг ҳайқириғи, йиғилган халойиқнинг гувиллаши, қаландарларнинг зикри ва юқорида, расадхона минораларида чалинаётган ноғораларнинг гумбирию карнайларнинг суронли наъраси осмони фалакни тутган эди.

Расадхонанинг қўш тавақали темир дарвозаси ланг очик, дарвозанинг икки ёнида, кун илиқ бўлишига қарамай, устларига мовут чакмон, тулки ва сувсар пўстин, бошларига қундуз телпак кийган доруссалтана зодагонлари, имомлар ва уламолар йиғилган эди. Дарвозадан киргач, ҳовлининг ўнг қўл томонида баланд ёғоч сўри қурилиб, унга шерозий гилам ва шойи кўрпачалар ёзилган. Сўрининг икки томонида тўнлари устидан оқ ридо кийиб, бошларига салла ўраган уламои киromлар, эгниларига зарбоф тўн, бошларига дур ва садаф қадалган қимматбаҳо телпак кийган, кумуш камарларига тилла бандли қилич таққан амирлар туришар, улар орасида шаҳар доруғаси Мироншоҳ ҳам кўринар эди.

Шаҳзода дарвозада кўринган ҳамон, жаноб Хомуш турган ўрнадан қўзғалди, сўрининг икки ёнида турган тоти олийлар, аён ва боёнлар қўл қовуштирганларича орқага чекиниб унга йўл беришди. Шаҳзодани ўз ёнига, шойи кўрпачалар ёзилган сўрига таклиф қилди.

Сал ўтмай, ҳовлига бошларига учлик тақя кийган, уст-бошлари юпунгина йигирма чоғлик мадраса талабалари кириб келишди ва кўзлари жавдираб тўхтаб қолишди. Улардан кейин ҳамон мударрислик кийимларини ташла-

маган ўн чоғлик мавлонолар кириб, толиби илмларнинг ёнида саф тортиб туришди.

Ҳазрат "бошлаймизми", деган маънода шаҳзодага юзланди. Шаҳзода "бошлайверинг", деб бош ирғади.

Жаноб Хомуш қўлидаги каҳрабо тасбеҳини ўгирганча ўрнидан турди. Қора бахмал тўн устидан кийган оқ ридосини тўғрилаб олдинга ўтди ва майдонга йиғилган оломонга қараганича нутқ ирод қилди.

Маросимда ҳукм сурган аллақандай илоҳий руҳ, расадхона ҳовлиси ва дарвоза олдига тўпланган оломоннинг гуриллаши, ҳазратнинг ҳаяжонли ваъзи, йиғилганларнинг "илоҳи омин" деган хитоби—бунинг ҳаммаси унга истиқболнинг хайрли аломати, файзи илоҳий бўлиб кўринди-ю, руҳлантириб юборди. Оломоннинг хитобларига ниҳоят дарвешларнинг ҳамду саноси қўшилди-да, шаҳзоданинг вужудини боягидан ҳам кучли ҳаяжон чулғаб олди. У гўё қанот ёзиб кўкка парвоз қилаётгандай туюлиб, кўзларини юмди, лаблари оҳиста пичирлади: "Эй халлоқи олам. Осий бандангни ўзинг кечиргайсен. Ўз марҳаматингни дариг тутмагайсен".

Унинг хаёлини шов-шув бўлди. У юраги "шиғ" этиб кўзини очди. Ўртадаги гулхан ҳамон кўкка чарс-чурс юлдузчалар сачратиб ловиллаб ёнар, лекин одамларнинг кўзи гулханда эмас, дарвозада эди, у ерда эса қандайдир ғалаён давом этар, "ушла", "тўхтат" деган хитоблар эшитиларди. Тўсатдан ғалаён тинди-ю, дарвозада... яланг оёқ, яланг бош, кўйлагининг ёқаси киндигигача йиртилган, бир енги узилиб, осилиб қолган, соқол-мўйлови ўсиб кетган бир кимса кўринди. Важоҳати мудҳиш, мажнун-сифат бу кимса... —ё раббий!—мавлоно Муҳиддин эди! Мавлоно телба кўзларини ловиллаб ёнган гулханга қадаганича, кирган жойида бир зум турди, сўнг, қўлларидаги кишанларини шарақлатиб, ер депсиниб ўйнай кетди. Тўсатдан у ўйнашдан тўхтади, дарвоза томонга юзланиб:

—Ушланг бул телбани. Ушланг!—Ҳазрат Хомушнинг овози шов-шувни босиб янгради. Мавлоно Муҳиддин, гўё қулоғига чўғ киргандай, ялт этиб қаради, телба кўзлари ёниб ҳазратга бир дақиқа тикилиб турди-ю, "Ҳой мусулмонлар! —деб бақирди.—Зиндондан қочган кофир Али Қушчи топилмиш! Мана, ул иблиси лаин! Ушланглар бу кофирни! Ушланглар!"

Бир неча сипоҳ унга ёпирилиб, занжирбанд қўлларини қайириб олишди. Лекин мавлоно қандайдир ғайритабиий бир куч билан уларни силтаб ташлади-да, шаҳзода билан ҳазрат томон яқинлаша бошлади. У ҳамон қутурган

кўзлари ёниб: "Али Қушчи! Ушланглар бу кофир мавлонони!" деб бақирар эди. Унинг кўпирган лаблари, қутурган кўзлари, бутун важоҳатида шундай мудҳиш бир нарса бор эдики, шаҳзода беихтиёр орқага чекиниб: "Тутинглар бу телбани!" деб қичқириб юборди. Яна бир неча сипоҳлар ва гулханга китоб ташлаётган қаландарлар мавлоно Муҳиддинга ёпирилишди. Мавлоно ёпирилганлар билан олишаркан, бу сафар телба кўзларини шаҳзодага тикиб, бирдан: "Ҳа-а... Падаркуш!—деб хитоб қилди.—Ҳой, мусулмонлар! Ўз падари бузруквори, Мирзо Улуғбек ҳазратларини қатл қилган падаркушни топдум! Ушланглар уни! Ушланглар! Дўзах ўтида ёнмоғи даркор бу падаркуш! Ўтга ташланглар уни! Ўтга!"

Дарвоза олдидаги майдонга йиғилган оломон, ҳатто ҳовлидаги аёни боёнлар, бутун халойиқ, гўё тилдан қолгандай бир лаҳза гунг бўлиб қолди. Шу пайт, дарвозада... ечилиб кетган салласининг бир учи ерда судралган Салоҳиддин заргар кўринди. Ияги қалтираб, кўзларидан шашқатор ёш оққан Салоҳиддин заргар: "Пирим!" деб хитоб қилганича ҳазрат Хомушга қараб югурди, лекин ҳовли ўртасида сипоҳлар билан олишаётган ўғлини кўриб, унга ташланди. Бироқ қаландарлар ва сипоҳлар заргарга эътибор бермай, мавлонони чалиб йиқитишди-да, қўлоёқларини ушлаб, судраб кетишди. Боши тошга тегиб ёрилган, уст-боши қип-қизил қон бўлган мавлоно Муҳиддин эса, ҳамон талпинар, ҳамон хириллаб бақирар эди:

—Ўтга ташланглар бу падаркушни, мусулмонлар. Ўтга ташланглар...

Салоҳиддин заргар юм-юм йиғлаб сипоҳлар ва қаландарларга ёпишар, уларни тўхтатишга ҳаракат қилар, лекин биров унга қайрилиб қарамас эди...

Шаҳзоданинг кўз олди қоронғилашиб еру кўк чархпалак бўлиб кетди-ю, йиқилиб тушишдан қўрқиб, ҳазратнинг қўлидан ушлаб қолди.

—Ўзингизни босинг, шаҳзода. Барча халойиқнинг кўзи сиздадур. Қадингизни тутинг.

Жаноб Хомуш яна узоқ ваъз айтди, лекин унинг сўзи шаҳзоданинг қулоғига кирмас эди. Унинг кўз олдидан ҳамон мавлоно Муҳиддиннинг мудҳиш важоҳати кетмас, қулоқлари остида ҳамон унинг хирилдоқ овози янграрди: "Падаркушни топдум, мўъминлар. Ўтда ёнмоғи даркор бу падаркуш. Ўтда..."

Норасиданинг қабридай кичкинагина янги қабр тепа-сида, кўзлари юмуқ, чўккалаб ўтирган Қаландар Қарноқий: "Туринг, шоир, фурсат зиқ, туринг", деб шивирлаган товушни эшитиб бошини кўтарди. Уч-тўрт қадам наридаги сада тагида чўккалаб ўтирган бир одам-нинг қораси кўринарди. Бу—Мирам Чалабий эди.

Қаландар Қарноқий яна бир марта тиловат қилиб юзига фотиҳа тортди-да, ўрнидан турди... Тонг яқин, осмонда сузган сийрак булутлар орасида заиф милтираган юлдузлар кўзга чалинади, қаердандир олисдан, садақайрағочлар ортидан тиловат қилган қорининг ногирон овози қабристон устида ҳазин куйдай оҳиста таралади... Бу овоз Қаландарга нечундир мавлоно Али Қушчининг овозини эслатди. Назарида, гўё қори эмас, ҳибсда ётган устод ўз энасига қуръон бағишлаётгандай бўлиб, кўзига яна ёш келди...

Муштипар кампир! Беш ой кўчага тикила-тикила, эшикдан ким кирса шунга: "Бўталоғим!" дея талпина-талпина, кеча, ниҳоят, узилибди...

Қаландар бундан беҳабар эди, чунки сўнгги пайтларда устодга боғлиқ махфий бир иш билан туну кун банд эди. Мавлонони қутқаришнинг минг бир йўлини ўйлаб кўрган Қаландар ва унинг дўстлари кеча, ниҳоят, шу қарорга келишди: ясовул кийимини кийган Қаландар ёнига Қалқонбек билан Босқонбекни олиб, от ва қурол-аслаҳаларини шай қилиб, тун ярмида Шоҳизинда қабристонига боришади. Қабристонда уни Қашқир кутиб олади... Қашқир уларга Али Қушчини ҳибсдан олиб чиқиб, махфий қатл қилиш тўғрисидаги девонбегининг сохта ёрлиғини топширади.

Ясовул кийимидаги Қаландар билан унинг йигитлари бу сохта ёрлиқ билан Кўксаройга киришади ва зиндонбегига ёрлиқни кўрсатиб, Али Қушчини олиб чиқишади...

Режа ниҳоятда хатарли эди: сохта ёрлиқ дарвозабон билан зиндонбегини шубҳага солиши эҳтимолдан холи эмас. Бу ҳолда... уларнинг тақдирини йигитларнинг до-жураклиги-ю, қиличларнинг ўткирлиги ҳал қилажак.

Кеча Қаландар Қалқонбек билан Босқонбекни олиб, Зарафшон бўйидаги тўқайзорда тайёрлик кўрди. Ясовуллар киядиган либосларни топдириб келишди, қилич ва ханжарларини чархлашиб, эгар-жабдуқларни шай қилиб қўйишди. Сўнгра Шоҳизиндада учрашадиган жойларини

белгилаб олишгач, Қаландар устанинг олдига кетди. Бу хатарли юмушдан олдин у ҳозирлаб қўйган совға-саломларини олиб, Хуршида бонуни кўриб келиш ниятида эди. Ғорга борса... бу маъюс хабар!.. Хайрият, устанинг ёнида Мирам Чалабий бор экан, уни отига мингаштириб, гўристонга кетди...

Қаландар, гўё ўз энаси билан сўнгбор видолашаётгандай, орқасига қарай-қарай гўристондан чиқди.

...Эллик тиллага Қашқир топиб берган кўркам қашқа арғумоқ қабристон четигаги қайрағочзорда қантариглик турарди. Қаландар ғамгин ўйга толган Мирам Чалабий билан жимгина хайрлашди-да, отига минди. Унинг хаёли ҳамон орқада, қабристонда, норасиданинг гўридай кичкинагина тупроқ уюми остида ётган, нимаси биландир ўз энасига ўхшаб кетадиган Тиллабибида эди.

Қаландар кунни кеча совуқ қабр янглиғ Кўксарой зиндонида ётган устоддан ўз номасига жавоб олган, унинг "қоғоз ва қалам"дан кейин "энам Тиллабиби" деган сўзларини ўқиб титраб кетган эди... "Бенуқсон парвардигор. Унинг, мавлононинг гуноҳи бўлса бордур. Ва лекин фарзанд доғида ёнган бу муштипар онаизорнинг ёзуғи недур, ё раб?"

Қаландар анчагача маъюс ўйлар гирдобидан чиқолмади, фақат йўлнинг бир қисмини ўтиб, тонг ота бошлагандagina кўнгли сал ёришиб, хаёли Хуршида бонуга оғди...

Мана, бир ойдан ошдики, Хуршида бону тоғда, устанинг ошнаси Бобомурод мироб деган бир боғбоннинг уйида турибди. Қаландар ҳафтада бир, гоҳида икки марта бориб, уни кўриб келади. Бу учрашувлар Қаландарнинг дилини гоҳ ёруғ нурга, чексиз меҳрга тўлдиради, гоҳ кўнглига аллақандай нотинч, мубҳам ташвиш солади.

Хуршида бону соғиниб кутади, ҳар сафар уни кўрганда кўзи жиққа ёшга тўлади, лекин Қаландар билади: унинг кўзларида қандайдир шубҳа, пинҳоний бир андуҳ бор. Бу шубҳа, бу пинҳоний ғам худди олис-олислардаги ёнгин шуъласидай унинг ўйчан боқишларида, ногирон табассумларида, ҳуркак ҳаракатларида бот-бот зуҳр этиб қолади... Ҳар борганида бону ундан оиласининг ҳол-аҳволини қайта-қайта суриштиради, унинг жавобларини энтикиб-энтикиб тинглайди. Қаландар ёлғон-яшиқ гапларни қўшиб бўлса-да, уни тинчитади. Аввалги сафар борганида бону отасининг ақлдан озганини эшитмаган эди. Лекин энди-чи? Расадхонада содир бўлган бу мудҳиш воқеани дорус-салтанада эшитмаган бир кимса йўқ. Эҳтимол унга ҳам

бориб етгандур! Агар бориб етган бўлса, Қаландар унга не дейди! Кўнглини қандай овлайди?

Қаландар, эғнида суворий либос, бошида дубулға, белида қилич, отини дам йўрттириб, дам чоптириб бораркан, хаёлидан шу фикр чиқмас, тоққа яқинлашган сайин кўнглидаги нотинч мубҳам туйғулар ортиб борарди.

Йўл тобора ўрлаб, қирлар баландлашиб борар, мусатффо тонг ҳавосида йироқдаги қорли чўққилар жуда яқин кўринади. Офтоб ҳали чиқмаган, лекин қорли чўққилар усти гўё олов пуркагандай ял-ял ёна бошлаган эди. Ёмғирда чўмилган кўм-кўк барра майсалар ғир-ғир эсан тонг шабадасида майин чайқалар, гўё ипакдай товланиб, кишининг руҳини эркалар эди... Майса билан қопланган бу кўм-кўк адирлар, олисдаги қорли чўққилар, шарқираб оққан сойларни кўрганда Қаландарнинг эсига ўз юрти тушиб, дилини аллақандай осуда бир маъюслик чулғаб олди. Ҳа, унинг, Қаландар Қарноқийнинг суюкли юрти ҳам, Қарноқ теварагидаги қир ва адирлар ҳам мана шундай майин, ям-яшил майса билан қоплангандир. Қалин боғлардаги ўрик ва шафтолилар ҳам худди мана шундай куртак ёзиб, гуллаш арафасида тургандир... Қани энди, мавлоно Али Қушчи зиндондан қутулиб чиқса-ю, Қаландар унинг оқ фотиҳасини олиб, бонунини отга мингазиб, шу илиқ баҳор кунлари йўлга чиқса!.. Қирлар, довонлар оша сойлар, жилғаларни кечиб, оқкўнгил чўпон-чўлиқларнинг овулларида тунаб, ўз юртига қараб кетса? Бону билан бу осуда қирлар, ҳудудсиз кенг даштда отларини дам йўрттириб, дам қушдай учиршиб, танҳо суҳбатлашиб, узоқ йўл босишса. Қаландар унинг кўнглидаги барча аламларни тўзғитиб юборса!..

Кун қиёмга келганда, олдинда, икки қир оралиғидаги сой бўйида "Куйган тепа" қишлоғининг боғлари кўринди. Қаландар жилғага тушиб, суворий либосларини ечиб, ўз кийимларини кийиб олди. Сипоҳлар бу ерларга кам келар, қишлоқ аҳли, ҳатто Хуршида бонунинг ўзи ҳам от ўйнатиб келаётган суворийни кўриб, ваҳимага тушиши эҳтимолдан холи эмас эди.

Бобомурод миробнинг ҳовли-жойи қишлоқнинг энг чеккасида, тоққа туташиб кетадиган баланд қир ёнбағрида эди. Қаландар ҳар сафар одамларнинг кўзига тушавермаслик учун қишлоққа кирмасдан жилға бўйлаб бориб, қирга ўрлаб кета қолар эди. Бу сафар ҳам сойдан чиқиб, отини тикка соларкан, отанинг болохонасида алвонранг бир нарсаси "лип" этгандай бўлди.

"Бону!"

Қаландарнинг юраги нечундир увишиб кетди.

Дарҳақиқат, Қаландар Бобомурод ота кўрғонининг четан деворига яқинлашганда ичкаридан югуриб чиққан бону кўринди. Эғнида уйларида кийиб чиққан гулдор ипак кўйлак, бошида илиқ тивит рўмол, Бону чопқиллаб келиб отнинг жоловидан ушлади-ю, юзини аргумоқнинг ўмровига босиб пиқ-пиқ йиғлаб юборди.

Қаландар эгардан сакраб тушиб бонунинг қўлларидан ушлади.

—Сизга не бўлди, бону? Нечун йиғлайсиз?

Бону жавоб бермади, ҳовлидан чиққан Бобомурод отани кўриб, шоша-пиша кўз ёшларини артди. Лекин Қаландар мироб билан, кейин, ҳовлида ип йиғириб ўтирган отанинг кампири ва келинлари билан кўришиб бўлиб, болохонага чиққан ҳамон, бону яна ўпкаси тўлиб, кўзлари ёшланди. Қаландар унинг иягидан ушлаб, бошини кўтарди.

—Нечун индамайсиз? Ё бу ерда кўнглингиз оғридими, бону?

Хуршида бону "йўқ", деб бошини чайқади.

—Сиз... бир ҳафта бўлди, қайда қолдингиз?

Қаландар кўнгли бир хил бўлиб, унинг нозик бармоқларини кафтлари орасига олди.

—Ўзингиз биласиз, бошимда минг бир ташвиш, бону...

—Биламен... —Хуршида бону ёшли кўзлари жавдираб, Қаландарга тикилди.—Отамлардин хабар топдингизми?

—Ҳа...—Қаландар кўзини бонунинг жавдираб турган кўзларидан олиб қочди.—Оллога шукур, осойишталик...

—Саройдан сипоҳлар бормаптиму? Тўполон бўлмаптиму?

—Йўқ, осойишталик...

—Оллога шукур...—Хуршида бону маъюс кулимсиради-ю, ёқасига туфлаб қўйди.—Туш кўриб кўрққан эдим.

Қаландарнинг юраги орқасига тортиб:

—Не туш?—деб сўради.

Хуршида бону "сўраманг, ёмон туш", деган маънода бош чайқади, сўнг, хиёл қизаринқираб:

—Бир ҳафта бўлди, ҳар куни кўзим тўрт бўлиб йўлингизга тикиламен,—деди.—Ёмон ўйларга бориб, жисмим зирқирайди...

—Бону!—Қаландар яна унинг нозик қўлларидан ушлади. У бир зумгина бу маъюс санамнинг хипча белидан қучоқлаб бағрига босгиси, юзидан, лабларидан ўпиб юпат-

гиси келди, лекин бонунинг кўзлари нечундир яна жиққа ёшга тўлганини кўриб, юраги шиг этди-ю, айланиб келишга ундади.

Улар боққа чиқишди. Боғдан арчазор тоғ этакларига ўтиб, жилга бўйлаб ўрлаб кетишди. Хуршида бону гулдор ипак кўйлаги билан қизил бахмал камзулини, оёғига қизил кобулий этикчасини кийган, чехраси ҳам сал ёришган, фақат серкиприк бўта кўзларидаги аллақандай пинҳоний маҳзунлик сўнмаган эди.

Қаландар унинг ёзилиб кетиб, тақимига тушган майин сочларига, ҳаяжондан тиниқ қизиллик югурган маъсум юзига, бошини бир томонга эгиб, ўйчан одимлашларига тикилиб бораркан, нечундир бу кун кечаси бўладиган хатарли юмуш қайта-қайта эсига тушиб, дилини она алласидай ҳазин бир туйғу чулғаб олди...

Пастда, қир ёнбағирларида дехқонлар ҳайдалган ерларга экин экишар, кетмонларини офтобда ярқиратишиб ер чопишар, дарахтларнинг тағларини юмшатишар, ундан ҳам пастда, ям-яшил яйловда, сигир подалари, қўй-эчкилар ёйилиб юрар, қишлоқ боғларининг устидан эса ҳарир кўкимтир тутун кўтарилар, болаларнинг қий-чуви, бузоқларнинг, қўй-эчкиларнинг маъраши қулоққа элас-элас чалинади... Унинг элида, узоқ Қарноқда ҳам худди шундай кунлар бошлангандир? Одамлар қалъадан "Қоровул тепа" ёнбағридаги боғларга кўчиб чиққандир?..

Қаландар чуқур хўрсиниб, офтобга қаради. Фурсат кетмоқда, офтоб тик тепага келган, ҳатто хиёл мағрибга оға бошлаган эди. Қаландар юрагига яна ёпирилиб келган совуқ ҳисларни ҳайдаб, олдинда гул териб, ўрлаб бораётган Хуршида бонуга қаради.

—Бону!

Бону қўлидаги нафармонранг бинафша ва сариқ гуллар дастасини ҳавода силкитиб, "бу ёққа келинг!" деб имлади-да, тўзғиган сочларини майин қора ипак рўмолдай қилпиратганича тошдан-тошга сакраб ўрлаб кетди. У юқорироқдаги атрофи арча билан ўралган кўм-кўк майсазорга етиб тўхтади.

—Мирзам!..

Бу ўша таниш овоз, гадолик кунлари эшитган аламли нидо эди. Қаландар бир силтанишда эғнидаги чакмонини счиб, қўлига олди-да, юқорига интилди.

Бону уни арчазор ичида кутиб турарди. Юзи сал оқарган, кўзларида пинҳоний тараддуд.

—Қайтасизми?

—Ўтиринг, бону. Сизга айтадурғон бир оғиз сўзим бор. Қаландар чакмонини майсазорга ташлаб, ёнбошлади. Бу ердан, кўм-кўк арчалар билан ўралган майсазордан теварак-атроф кўринмас, фақат уларни қуршаган ёш арчалару мусаффо осмонда сузиб юрган сийрак оқ булутлар қолганди, холос... Бону сочилиб кетиб, тақимиға тушган сочларини назокат билан йиғиб, Қаландарнинг ёнига журъатсизгина чўнқайди.

—Не сўз?

Овозида аллақандай қўрқув, жавдираган кўзларида яна ўша тараддуд.

—Нечун бундай қиласиз, бону?

—Не қилдим?

Жавоб ўрнига Қаландар уни белидан қучиб, ўзига тортди-ю, пирпираб учган лабларидан, лабларининг четигадаги нўхатдай холидан ўпди. Бону кўзларини юмиб, бирдан ловиллаб кетган юзини унинг юзига босди. Бону титрар эди. Унинг лаблари чўғдай оташ, кўкраклари етилган, лекин ҳали қўл тегмаган шафтолидай юм-юмалоқ ва майин, оппоқ, нозик танаси оҳу танасидай ҳуркак ва бетоқат эди...

Қаландар, гўё ҳушидан айрилгандай, кўзларини юмиб узоқ ётди, кўзларини очганида эса мусаффо осмон сатҳида сузиб юрган оппоқ булутларни кўрди, улар булут эмас, кўкда оҳиста сузиб юрган оқ лайлакларга ўхшарди... Борлиқ унинг ҳисларидай тиниқ, осуда бир фароғатга чўмган, ҳаммаёқ жимжит, фақат қаердадир баландда, лайлаксимон оппоқ булутлар остида сўфитўрғайлар бетиним вижирлар, бу вижир-вижирда ҳам фақат бир нарса эшитилар эди: ором, ором, ором...

Қаландар офтобдай илиқ бу туйғуга бўйсуниб, кўзларини қайта юмди, юмди-ю, бонунинг аллақандай ўксик йиғисини эшитиб, қаддини ростлади.

Хуршида бону, хаёлий гўзал сочлари майсалар устига тартибсиз сочилган, етилган шафтолидай юм-юмалоқ кўкраклари очик, лабларини тишлаб пиқ-пиқ йиғлаб ётарди.

Қаландар унинг бошини кўтарди, тўзгиган сочларини йиғиб-йиғолмай:

—Сизга не бўлди, бону?—деб сўради.

Хуршида бону жавоб бермади, юзини қўллари билан яшириб ҳўнграб юборди.

—Бону! Сўзланг: не бўлди? Агарчи мен...

—Йўқ, йўқ!—деди бону ўксиб.—Сиз эмас, мен бахтиқаро... ошиқлик қандай бўлишини энди билдим... Не-

чун олло бизни бултур қовуштиради? Нечун сизга бокира пайтимда... нечун илк ишқимни сизга инъом этмоқ насиб қилмади мен бахтиқарога!..

—Бону!—Қаландар бутун йигитлик кучи билан унинг нозик қоматини ўзига тортди, қуруқшаган лабларини бонунинг офтоб тегмаган оппоқ сийнасига босди...

Бу сафар унга осмон боягидан ҳам тиниқ, офтоб боягидан ҳам илиқроқ туюлди. Кўкда пирпираб учган сўфитўрғайларнинг вижир-вижирларига энди чексиз меҳрга тўла майин бир овоз қўшилган эди:

—Мирзам, мирзам, мирзам...

Қаландар кўзларини очишга мажולי йўқ, ўзича жилмайди:

—Айтмишларким, равзаи ризвонда ҳуснда тенгсиз ҳурилиқолар бўлар эмиш. Бўлса бордур. Ва лекин фақирга ўшал тенгсиз жаннатингни ато қилсанг, ҳуснда беназир ҳурилиқоларингга қарамас эдим.

—Нечун?—кулди бону.

—Сўраб не қиласиз? Фақир барча ҳурилиқою фа-ришталарни тарк этиб, оллодан ёлғиз сизни тилаб олар эдим.

—Мирзам!—Хуршида бону унинг боши узра эгилди, уялинқираб соқол-мўйловларини тузатиб, юзини юзига босди, босди-ю, негадир яна кўзига ёш олди.

—Энди кетманг, мирзам. Менга ҳеч нарса даркор эмас. Қорним тўқ, устим бут бўлса кифоя. Жорийангиз бўлиб, тоабад хизматингизни қиламен. Юртингизга кетайлик, мирзам.

Қаландар, эсига ёмон бир нарса тушгандай, ирғиб ўрнидан турди. Ё раб! Офтоб мағрибга энгашган, арчаларнинг сояси узунлашган эди.

Хуршида бону ранги ўчиб, Қаландарнинг кўзларига тикилди.

—Кетасизми?

Қаландар унинг изтиробли нигоҳига тоб беролмай, кўзини олиб қочди.

—Кечиргайсиз, бону. Бормасга иложим йўқ...

—Ҳозир кетасизми?—деди бону, овози титраб.

—Кетмасам бўлмайди, бону. Бир юмуш бор...

Хуршида бону унинг сўзини охиригача эшитмади. Пирпираб учган лабларини қаттиқроқ тишлади-да, тез бурилиб пастга қараб чопиб кетди. Қаландар уни жилгадан ўтиб, боққа яқинлашиб қолганида қувиб етди.

—Бону! Сўзимга қулоқ солинг, бону!—Қаландар уни

елкаси дан ушлаб ўзига қаратди. Лекин Хуршида бону юзини кафтлари орасига яшириб, ўксиб-ўксиб йиғлар эди. Бу—боягидай маънос йиғи эмас, аччиқ аламга тўла чексиз фарёд эди.

—Бундай бўлса... нечук бу ерларга олиб келдингиз? Ўзингиз олиб келиб, нечук ўзингиз хор қиласиз? Нечук келмай туриб ташлаб қочасиз?

—Сабаби...—Қаландар унинг юрагини тилка-пора қилишини сезиб, дудуғланди. Лекин ҳақиқатни айтмай илож йўқ эди.

—Сабаби, букун мавлоно Али Қушчини зиндондан қутқариб олиб чиқмоқ ниятимиз бор, бону...

Хуршида бону нам киприкларини пирпиратиб Қаландарга қаради. Унинг ёш тўла кўзларида ҳайрат аралаш ваҳима акс эди.

—Зиндондан қутқармоқ ниятингиз бор? Қандай қутқарасиз?

—Йигитлар бор. Бир неча ойдан бери шу ишнинг ҳаракатида эдик. Сиз билан ҳар дам бўлолмаслигимнинг боиси ҳам шунда, бону...

Қаландар гапни бошқа томонга буришга уринди. Лекин Хуршида бону ранги ўчиб, унинг қўлидан маҳкам ушлаб олди.

—Бу ишингиз хатарли эмасму? Мен Кўксаройни биламен...

—Қўрқманг. Хатарнинг олдини олганмиз...

—Йўқ, йўқ, мен биламен! Биламен!

Барча гина-кудуратлари эсидан чиққан Хуршида бону оқариб кетган юзини Қаландарнинг кўкрагига босиб, бетоқат шивирлади:

—Йўқ, йўқ, бу ишингиз кўп хатарлидур! Сиз у ёқда... ҳибсга тушсангиз, мен бу ёқда не қиламен, мирзам? Не қиламен?

—Иншооллоҳ, ишимиз ўнгидан келар. Қўрқманг, бону, яхши йигитлар бор!—Қаландар унинг тўзгиган сочларини тузатиб, яна юзидан, кўзларидан ўпди.—Мавлоно зиндондан чиқса бас, ўз юртимга олиб кетамен. Насиб қилса эрта-бириси кун йўлга чиқамиз...

Хуршида бону, унинг иссиқ бўсаларига жавоб бермас, ҳамон юзлари ёниб, кўзларини юмганича Қаландарнинг пинжида унсизгина титрар эди. Тўсатдан у бошини кўтариб, Қаландарга қаради, кўзлари аллақандай чарқлаб:

—Боя... равзаи ризвондан сўзладингиз...—деди энти-

киб.—Оллодан бир тилагим бор, дедингиз. Шу сўзингиз рост бўлса... Кетмоқдан аввал... имом топиб, никоҳ хутбасини ўқитсангиз...

Бу сўзларнинг шафқатсиз маъносига тушунган Қаландар ҳам титраб кетди.

—Мен сизнинг шаръий манқахангиз бўлсам дейман. Олло бу ёлгон дунёда саодатли кунларга етказмаса, тонгла маҳшарда...—Хуршида бону гапиролмай антика-антика жим қолди. Қаландар ҳам индамай уни бағрига босди...

Қишлоқдан имом қидириб ўтиришга фурсат йўқ эди. Қаландар воқеани Бобомурод отага тушунтирди. Бу гапдан негадир хурсанд бўлиб кетган мироб, хутба дуосини ўзи ўқиб никоҳлаб қўйди.

Нон ушатилиб, дастурхонга фотиҳа қилингандан кейин аллақандай тинчиб, жимиб қолган Хуршида бону, Қаландарни боғ чеккасига кузатиб қўйди. Қаландар сўнг бор унинг жонсиз лабларидан ўпиб, отига минди. У боғлар ортидаги сўнгги қирга чиқиб ўгирилиб қараганида, Хуршида бону ҳамон хайрлашган жойида қотиб турар, кўзлари ҳамон унинг йўлида эди. Қаландар мудҳиш бир нарса рўй берадигандай юраги ачишиб отининг жиловини тортди, бир зум орқага қайтгиси, баланд қоя устида турган бонунинг олдига от чоптириб боргиси, уни даст кўтариб олиб, бағрига босгиси қелди. Лекин қирларга ёнбошлаётган офтобга кўз ташлади-ю, тишини тишига босиб отининг бошини доруссалтана томон бурди.

20

Кўксаройдан чопар келганда амир Султон Жондорнинг чорхари меҳмонхонасига беш-олти амирлар йиғилган, улар шаҳар доруғаси Мироншоҳ билан шайхулислом Бурҳониддин жанобларини кутишиб, суҳбатлашиб ўтиришар эди. Дарвозани қулфлаб, ҳамма эшикларнинг зулфини солиб, дарчаларга кўк бахмал дарпарда тутиб, шам ёқиб ўтирган меҳмонлар "чопар" сўзини эшитиб ўринларидан ирғиб туришди. Оқ шойи кўйлак устидан банорас тўғ кийиб, меҳмонларга ўзи хизмат қилиб юрган амир Султон Жондор турган жойида серрайиб қолди. Ёлғиз Мирзо Улуғбекнинг суюкли навқари Бобо Ҳусайн Баҳодир ҳушини йўқотмай, дарҳол шамдондаги ёлғиз шамни пуфлаб ўчирди, кейин, қоронғида амир Жондорнинг ёнига келиб:

—Меҳмонхонага ташидан қулф солдирилинг!—деди ами-

рона оҳангда.—Ўзингиз бошқа уйга чиқиб, тўшак ёзиб ётиб олинг! Тўшак ёзиб ётганингизни чопарлар кўрсин!

Амир Жондор дарҳол сергакланди. У меҳмонхонанинг эшигига отнинг калласидай қулф солдириб, ўзи бошқа хонага чиқиб, пешанасини танғиб ётиб олди. Лекин унинг тўшакда ётганини айтгани чикқан маҳрам тезда қайтиб кирди.

—Балхлик саройбон ўн нафар навкар билан келибди, амирим. Хаста тугул, ўлим тўшагида ётган бўлса-да, олиб кетамиз, дейди. Шаҳзоданинг фармони олийлари шу эмиш... Билъакс, кириб тинтув қилар эмиш!

"Тинтув" сўзини эшитган амир Жондор жон талвасасида апил-тапил ўрнидан турди.

—Чиқиб айт, ҳозир чиқамен. Отни жабдуқла!

Амир Жондор кийиниб, икки қўлтигида икки маҳрам, инқиллаб-синқиллаб кўчага чиққанида, балхлик занжисифат саройбон ўн чоғлик навкар билан дарвозада бетоқат от ўйнатиб турарди. Унинг авзойини кўрган амир Жондорнинг эти жунжикиб кетди. У жўртгага қаттиқ инқиллаб, маҳрамлар ёрдамида отга минаркан, ёш маҳрамнинг қулоғига секин шипшиди:

—Саройда нохуш хабар борга ўхшайди. Меҳмонларга айт: мен қайтгунча тарқалмасун...

Вақт тун ярмидан ошган, одатда бу пайтларда сукутга чўмадиган доруссалтана кўчалари аллақандай нотинч эди. Олис-яқинда от туёқларининг дупури эшитилар, ўхтин-ўхтин қўлларида машғал ушлаган суворийлар у ёқдан-бу ёққа тасир-тусир от чопиб ўтишар, қоронғида изғиб юрган қандайдир кўлагалар кўзга чалинарди. Кўксаройда фавқуллода бир воқеа содир бўлганига шубҳа йўқ эди, лекин не воқеа? Амир Жондор ўйлаб ўйининг тагига етолмас, буни биладиган балхлик саройбон эса, оғзига талқон солгандай индамай олдинда от чоптириб борарди.

"Ё тавба! Бу бемеҳр мустабиднинг қаҳридан ўзинг асрагайсен!" деди амир Жондор, вужудини чулғаб олган совуқ туйғудан юраги увишиб. Мана, бир ойдан ошдики, амир Жондор саройга бормади. Мавлоно Муҳиддиннинг ожизаси Хуршида бону бир тунда дом-дараксиз гумдон бўлганидан бери Мирзо Абдуллатифнинг кўзига тушишдан кўрқиб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди. Келган чопарларнинг ҳаммасига "хастамен, туролмаймен", деб жавоб берди. Ҳатто расадхонада бўлган китобларни ёқиш маросимига ҳам бормади. Лекин маросимда содир бўлган воқеани, ақлидан озган мавлоно Муҳиддиннинг ҳазрат

Низомиддин Хомуш билан шаҳзодага айтган сўзларини ўша куниёқ эшитди. Ўша кундан бери, мавлоно Муҳиддиннинг сўзлари буткул доруссалтанага тарқаб, ҳамма жойда, ҳамма ўлтириш, ҳамма анжуманларда гап бўлмоқда. Шу воқеадан кейин нечундир амир Жондордан ҳол-аҳвол сўрагани келувчилар ҳам кўпайиб кетди. Келувчиларнинг ҳаммаси расадхонадаги воқеадан сўз очар ва бу билан амир Жондорнинг кўнглига қўл солиб кўрмоқчи бўлишар эди. Лекин суҳбат асносида ёт бир кимса кириб қолса, мавзу дарҳол ўзгарар, суҳбат бошқа масалаларга кўчар эди. Шундай бўлса ҳам, амир Жондор бир нарсани аниқ билиб олди: шаҳзодадан, унинг шафқат-сизлигидан норози одамлар, хусусан амирлар, бек ва бекзодалар у ўйлагандан ҳам кўп экан. Не чора? Шарафсиз Хуросон юришидан кейин Мирзо Улуғбекдан юз ўгириб, шаҳзода билан зимдан тил бириктирган саркардалар ва нуфузли беклар ўзлари кутган имтиёз, юксак рутба ва шон-шуҳратга эриша олмадилар. Ҳазрат Низомиддин Хомушнинг оёғига бош урган шаҳзода ёлғиз шу такаббур ҳазрат билан бир гуруҳ уламоий киромларнинг домига тушиб қолди. Шулар ёт деса ётади, тур деса туради. Ҳатто шайхулислом Бурҳониддин ҳам бир четда қолиб кетди. Саройда эса тавфиқ ва фароғат қолмади... Бу ҳолатни зимдан кузатиб юрган амир Жондор, кўп шубҳа ва мулоҳазалардан кейин, бугун, ниҳоят, бир гуруҳ норози амирлар билан нуфузли бекларни чақиришга журъат этган эди. Бундан мақсад, уларнинг кўнглига қўл солиб кўрмоқ ва агар ҳамманинг фикри бир жойдан чиқса унда...

Унда нима бўлишини ўйлашдан амирнинг ўзи ҳам қўрқар эди.

"Ё дариг! Наҳот бу диёнатсиз падаркуш унинг муддасидан хабар топган бўлса? Хабардор бўлса бас—амирнинг боши кетиши муқаррар! Ё раб! Ёмғирдан қочиб, дўлга тутилдим дегани шудир! Мирзо Улуғбекдан қутулиб, шон-шуҳрат орттирамен деб, бу бемехр хунрезга йўлиқдимму?—деди амир Жондор, деди-ю, хаёлига бир фикр келиб, тирноқларигача музлаб кетди.—Ал қасосил миналҳақ! Бу савдо ва надоматлар аълоҳазратларининг бегуноҳ кесилган боши, тўкилган қони учун қайтган бир жазо эмасму?.."—Амир Жондор кўз олди қоронғилашиб, эгарнинг қошини ушлаб қолди-ю, ён-верига қаради.

Улар Кўксарой майдонига етган эдилар. Дарвоза олдида гулхан ёқиб ўтирган сипоҳлар амирни қўлтиғидан олиб, отдан туширишди. Амир Жондор, қандайдир ҳарорат

ичида ёнса ҳам, дарвозадан ўзи юриб кирди, лекин ҳайҳотдай ҳовлидан ўтиб, саройга етганда оёқлари қалтираб кетиб деворга суяниб қолди. Саройбон уни чиндан хаста деб ўйлади чамаси, қўлтиғидан суяб олди.

Амир Жондор саройбон очган эшикдан ичкарига кириб қўл қовуштирганда Мирзо Абдуллатиф нечундир саломхонанинг қоқ ўртасида оёқларини кериб олтин курсининг суянчигига суяниб турарди. Амир Жондор икки букилиб таъзим қиларкан, бир дақиқагина унинг чеҳрасига кўзи тушди. Лекин шу бир дақиқанинг ўзидаёқ мудҳиш бир нарса рўй берганини сезиб, яна тирноқларигача музлаб кетди. Шаҳзоданинг усиз ҳам озгин, заҳил юзи, қовоғининг остлари кўкариб кетган, тикондай қадалган кўзларида ҳам қўрқув, ҳам аллақандай совуқ йилтиллаган муз шуъласи бор, лекин энг даҳшатлиси... худди жигари шаҳзода Абдульазиздай бошини сарак-сарак қилиш одатини чиқарган эди. Амир Жондор шаҳзодага қарашга журъат этмаса ҳам, унинг гилами товушсизгина босиб ёнига келганини ва қандайдир вишиллаб нафас олганини эшитди.

—Хўш, амир Жондор! Абу Саид Мирзо қайда?

—Абу Саид Мирзо?—Амир Жондор қўрқибгина бошини кўтарди-ю, дарҳол ерга қаради.

Мирзо Абдуллатифнинг ичига ботган телба кўзларида, мурдадай қонсиз юзида, бошини сарак-сарак қилишида, зотан бутун важоҳатида аёвсиз бир нарса бор эди.

—Нечун индамайсен? Абу Саид Мирзо қайдадур?

—Абу... Абу Саид Мирзо зиндондадур, давлатпаноҳ!

—Зиндонда бўлса... топ!—Мирзо Абдуллатиф амирни ёқасидан ушлаб қаттиқ силкиди.—Зиндонда бўлса дарҳол топиб келгайсен. Дарҳол!

Амир Жондорнинг миясида "қочибди!" деган фикр чақмоқдай чақнади.—"Шаҳзода Абу Саид Мирзо қочибди!"

—Зиндонда бўлса нечун титрайсен? Бор, кишанлаб олиб кел ул мальунни!

—Валинеъмат пуштипаноҳим! Ўлимдан хабарим бор ва лекин Абу Саид Мирзодан хабарим йўқдур... Бир ой бўлди, уйда тўшак ёзиб ётганмен... Оғир хастамен, давлатпаноҳ!..

—Хаста!—деди Мирзо Абдуллатиф ҳансираб.—Тўнғиздай семириб кетибсен. Тагин хастамен деб зорланасен! Биламен! Сен баттол тўшакда ётиб, менга қарши ўргимчакдай тўр тўқийсен.

"Ё раб! Бу телба не дейди? Валиликми бу ё тусмоллаб сўзлайдими?"

—Сўзла, азозил! Абу Саид Мирзо билан тил бирик-тирдингми, йўқми?

—Биллоҳи азим...

—Биллоҳи азим бўлса, ул ғаламис Мирзони дарҳол банди қилиб олиб келасен! Олиб келиб оёғим остига ташлайсен!..

—Ташлаймен, валинеъмат...

—Шу букун!

—Иншооллоҳ, офтоби олам!

Мирзо Абдуллатиф амирнинг ёқасини қўйиб юборди, вишиллаб нафас олганича гандираклаб бориб ўзини тахтга ташлади. Амир Жондор ҳам ҳолсизланиб деворни ушлаб қолди. Унинг кўз олдига негадир ўз меҳмонхонасида уни кутиб ўтирган меҳмонлар келди... "Шу букун банди қилиб олиб келасен, олиб келиб оёғим остига ташлайсен!.." Майли, ишқилиб, бу телбанинг қўлидан соғ-саломат қутулиб чиқса бас! У ёғи нима қилишни ўзи билади. На яхшилик ва на ёмонликни билган бундай телбага хизмат қилмоқ ўтакетган нодонлиқдур!

Амир Жондор чўчиб кўзини очди. Тахтда ялпайиб ўтирган Мирзо Абдуллатиф тилла шақилдоғини бетоқат шақиллатар эди. Эшик оҳиста очилиб, бошига сурмаранг салла ўраган балхлик саройбон кирди.

—Амир Султон Жондор тархонга сарой ясовулларидан ўн нафарини берасен. Амир жаноблари шу букун ул иблиси лаин Абу Саид Мирзони тутиб, банди қилиб олиб келадур!

Шаҳзода амир Жондорга "чиқавер", деб бош ирғади-да, саройбонни имлади.

—Бу каззоб амирнинг орқасидан айғоқчи қўй! Эҳтиёт бўл: илоннинг ёғини ялаган бу тулки Абу Саид Мирзога қўшилиб қочиб кетмасин! Бошинг кетади! Уқдингму?

—Уқдим, давлатпаноҳ...

—Тўхта!—Мирзо Абдуллатиф эшикка йўналган саройбонни тўхтатди-ю, нечундир хаёли фаромуш бўлиб, бир нуқтага тикилиб қолди.—Ҳа! Зиндон бегига амр қил: ҳибсда ётган мавлоно Али Қушчини келтирсин!

Мавлоно Али Қушчи ҳайрат ва аросатда қолди. Мана, бир ҳафтадан ошдики, ташқаридан келиб турадиган тўқач нонлар келмай қолди. Кечадан бери эса тўқач тугул арпа

нон билан бир чойдишгина совуқ сув ҳам тўхтади. Ё уни эсидан чиқаришган, ёхуд бу қоронғи гўрда очдан ўлдиришга қасд қилишган. Энг ёмони шундаки, мавлоно "Рисолаи дар фалакиёт"нинг муқаддимасини қоғозга тушириб бўлган, энди бу ёзувларни чойдишга солиб, пинҳоний "садоқати зоҳир шогирдлари"га узатиш ниятида эди. Бу нияти ҳам пучга чиқди ҳисоб... Сўнгги кунларда мавлононинг иккала оёғи шишиб, бурунги оғригига минг чандон оғриқ қўшилдики, юрса юрганда оғриydi, ўтирса ўтирганда. У соатлаб бир жойда турганича, оёқларини уқалайди, тишини тишига қўйиб шишларни силайди. Ниҳоят, ҳолдан тойиб, йиртиқ бўйрага ёнбошлайди. Лекин кўп ётолмайди, тагидан зах ўтиб, суяк-суякларигача зирқираб кетади-ю, туришга мажбур бўлади. Безиллаб оғриган оёқларини силаб-сийпаб сал тинчитгач, оқсоқлана-оқсоқлана тор хонани айланиб, яна рисола устида мулоҳаза юритади, ўзини чалғитиш, вужудини қақшатган оғриқни унутиш умидида ўйлайди. Лекин сўнгги пайтларда ўйлашга ҳам мажболи қолмади. Бир томондан очлик, бир томондан оғриқ енга бошлади чамаси, ҳарорати ортиб, кўз олдини туман қоплайдиган бўлди, бу туман орасида гоҳ нурсиз кўзларидан шашқатор ёш қуйилган энаси Тиллабиби. кўринар, гоҳ устод Мирзо Улуғбек, гоҳ Қозизода Румий ҳазратлари пайдо бўлиб, панд-насиҳатлар қилишар, гоҳ рисола устида баҳс юритишар, тузатишлар киритишар эди. Вожабо, ҳарорат пасайиб сал ҳушига келганда ўйлаб қараса бу "тузатиш"ларда ҳамиша жон бўларди... Букун оғриқ уни айниқса қаттиқ қийнади. Тирноқларигача зирқиратган бу оғриқ билан олиша-олиша туришга ҳам мажболи келмай, ҳарорат ичида ёниб ётаркан, гўё эшик очилиб устод киргандай, гўё тепасига келиб:

—Сенга не бўлди, ўғлим Али?—деб сўрагандай туюлди.

—Не қилай, устод?—деди Али Қушчи, хаёлан ёнига чўнқайган устодга мурожаат қилиб.—Хасталик енгди...

—Аттанг! Бу оғир юмушни юклаб, сенга завол қилибмен, ўғлим. Ўрнингдан тур, шаҳзоданинг оёғига йиқил. Бошқа чора йўқдур, Али.

—Йўқ, устод. Сизнинг васиятингизни тарк этиб сирасрорни очгандан кўра, бу совуқ гўрда ўлганим аълодур, устод. Тонгла маҳшарда қай юз билан сизнинг юзингизга қараймен?..

Устод унинг сўзига қулоқ солмай, қўлтиғидан кўтариб, ўрнидан турғазмоқчи бўлармиш, сўнг, бирдан ўзгарган дарғазаб овозда:

—Тур дейман!—деб ўшқирармиш.—Сени офтоби олам Мирзо Абдуллатиф чорлайдур!

"Офтоби олам чорлайдур! Тушимму бу, ўнгимму?" Мавлоно бутун иродасини жамлаб кўзини аранг очди. Ажабо: унинг ёнида устод эмас, икки сипоҳ қўлтиғидан ушлаб турар, эшикда машғал ушлаган учинчи сипоҳ кўринарди. Али Қушчи тишини тишига қўйиб қаддини ростлашга ҳаракат қилди, лекин ростлай олмай деворга суянди-ю: "Сув!" деб пичирлади.

—Сув!—бақирди сипоҳлардан бири.—Сув келтир тез!

Али Қушчи бир коса сувни бир кўтаришда сипқариб, косани қайтариб берди. Муздай сув негадир ичини ёндириб ўтгандай туюлди. Хаёли равшанлашиб: "Шаҳзода фақирни не қилади?—деди ичида.—Мақсади не? Тағин сўроқми? "Куфр" китобларни топ, деб зуғум қилишми?—Али Қушчи дармонсизланиб кўзларини юмди.—Шаҳзода уни бу ҳолда кўрса не дейди? Ўжарлик қилсанг бундан ҳам хор бўласен, деб хурсанд бўлмасми?"

Али Қушчи ҳибсхонадан ўзи юриб чиқмоқчи бўлди, лекин оёқлари иродасига бўйсунмай, қалтираб кетди-ю, сипоҳлар уни яна суяб қолишди. У узундан-узоқ ер ости йўлагидан ўтиб, тепага чиққунча сипоҳларга суяниб борди, сўнг тишини-тишига қўйиб бир-бир босиб ўзи юриб кетди.

Тонг яқин бўлса керак, олис-яқиндан хўрозларнинг қичқириви, эшакларнинг ҳанграши эшитилар, лекин осмон тўла юлдузлар тиниқ чарақлаб турар, ғир-ғир илиқ шабада кўкатларнинг, баҳор гиёҳларининг муаттар ҳидини уфуриб, димоққан гуп-гуп урарди... Улар сарой ўртасидаги мрамар сарҳовуз ёнига борганларида, Али Қушчи бир зум тўхтаб, осмонга, чарақлаб турган юлдузларга тикилди... Ана, қоқ пешанада Дубби аскар, ундан сал пастроқда бир ҳовуч қўрдай ғуж-ғуж милтираган Ҳулкар! Гумбаз устидаги Ноҳид юлдузи эса худди артилган олмосдай ялтиллайди... Тонг яқин...—мавлоно кўзларини юмиб, юзини майин шабадага тутди, гуркираб ўсаётган майсаларнинг сал тахир ва чучук бўйини тўйиб-тўйиб ҳидлади.

Ё тавба! Бу рўйи замин, бу ҳудудсиз коинот қанчалар фусункор, қанчалар гўзал экан, нечун одамлар бундай тубан, бундай раҳм-шафқатсиз яралгандур!

—Мавлоно!—сипоҳлар уни ҳолдан тойди деб ўйлашди чамаси, яна қўлтиқлаб олишди, лекин Али Қушчи "ўзим!" деди-да, оқсоқлана-оқсоқлана, ўзи юриб кетди.

Али Қушчини саломхонага олиб киришганда Мирзо Абдуллатиф олтин курсида чуқур хаёлга чўмиб ўтирар

эди. Эшик очилганда у чўчиб бошини кўтарди, сўнг гўё Али Қушчидан ҳадиксирагандай оҳишта юриб ёнига келди-ю, қўл қовуштириб:

—Ассалому алайкум, мавлоно!—деди кутилмаган бир мулойимлик билан.

"Бу риекор падаркушга не бўлди? Нечук сертавозе бўлиб қолди?"—Али Қушчи деворга суянганича шаҳзодага ҳайрат билан тикилди. Мирзо Абдуллатифнинг кўзлари уйқусизликдан қизариб, бурни сўррайиб қолган, соқол-мўйловлари қайчиланмаган, хатти-ҳаракатлари бесаранжом, ўзиям қаттиқ саросимада эди.

"Ё тавба! Бунга не бўлди?"

Шаҳзода бежо кўзлари билан бир зум унга синовчан қадалиб турди, кейин қўлидаги шақилдоғини боши узра кўтариб, қаттиқ шақиллатди.

—Зиндонбеги бепаросатлик қилибди!—деди у эшикда пайдо бўлган саройбонга юзланиб.—Мавлоно кўп азият чекибди. Бу зоти шарифни дарҳол ҳаммомга юборинг! Эгнига янги сарупо кийдириб, қорнини тўйдириб олиб келинг!

Ҳайратдан лол бўлиб қолган Али Қушчи ўзига келгунча саройбон уни қўлтиқлаб саломхонадан олиб чиқиб кетди. Мирзо Абдуллатиф ўз фармонидан мамнун бўлди чамаси, мийиғида кулимсираганича, қўлларини орқасига қилиб, тахт атрофида айланишга тутинди.

Али Қушчини чақиртиришдан мақсад—ундан зойича¹га қараб, ўз тақдирини билиб беришини сўрамоқ эди. Чунки расадхонада содир бўлган машъум воқеадан кейин шаҳзода яна эски дардга мубтало бўлди. Кечаларигина эмас, кундуз кунлари ҳам юраги ўйнайдиган, кўзига алланималар кўринадиган бўлиб қолди.

Кеча кечқурун ногаҳон унинг қўлига шаҳзода Султон Муҳаммаднинг бир номаси тушди. Нома шайхулисом Бурҳониддин жанобларига йўлланган бўлиб, унда икки шаҳзода—Мирзо Абдулло ва Абу Саид Мирзонинг номлари зикр этилган эди. Шаҳзода шайхулисом Бурҳониддиндан кўпдан бери ҳадиксираб юрар, чағир кўзли кибру ҳавоси баланд бу уламо, гўё унга эътимод қилмагандай, саройга ташриф буюрмаслигининг ўзиёқ унинг қора ниятларидан далолат берарди. Рост, узоқ Хуросондан йўлланган бу

1

Зойича—гороскоп. Мунажжимларнинг юлдуз ва жадвалларга қараб башорат қилиши.

нома шундай сирли иборалар билан битилган эдики, унинг мазмунини илғаб олиш амримаҳол эди. Лекин сирли иборалар билан битилган номанинг шайхулислом Бурҳониддинга йўлланишининг ўзи, хусусан унда икки шаҳзоданинг номи зикр қилиниши Мирзо Абдуллатифнинг кўнглидаги эски шубҳани яна бир бор таъкидлади: дорус-салтанада унга қарши фитна бор!..

У Мирзо Абдуллони яқинда кўрган эди. Лекин Мирзо Абу Саид... Шаҳзода шайхулислом Бурҳониддиндан қандай ҳадиксираса, қайсар така-туркманлар қони аралашган бу нобакор Мирзодан ҳам шундай чўчиб юрар эди... Мирзо Абдуллатиф уни ўз кўзи билан кўришга азм қилди. У девонбеги билан ясовулбошини олиб, Кўксарой остидаги зиндонларга, тўғрироғи, зиндонларга олиб борадиган зимистон камбар йўлакка тушди. Зиндонбеги бошлиқ бир неча сипоҳлар, қўлларида машғал, тор ва қоронғи йўлакни ёритиб олдинда боришарди. Мирзо Абдуллатиф аъзойи баданини чулғаб олган мудҳиш қўрқувдан юраги увишиб, машғал ушлаган сипоҳлар орқасидан қоқилиб-суқилиб бораркан, бобоси қурдирган бу ер ости унгурга, илон изи бўлиб кетган бу чексиз камбар лаҳимга ҳайрат билан тикилар, машғал шуъласида аллақандай кўлагалар изғиган бу зимистон йўлак яна ҳам совуқроқ, ваҳима-лироқ туюлар эди.

Абу Саид Мирзо бу зимистон унгурнинг энг охирида, соҳибқирон Амир Темур ўзининг энг ёвуз ғанимларини сақлайдиган, эшигига темир қопланган тор ҳибсхонада сақланарди. Мирзо Абдуллатифни кўриб, нечундир олазарак бўлиб қолган зиндонбеги, қўллари дир-дир титраб, эшик қулфини узоқ тимирскилади. Ахийри ясовулбоши уни итариб юбориб эшикни ўзи очди ва ёнидаги сипоҳнинг қўлидаги машғални юлиб олиб, биринчи бўлиб ичкарига кирди. Ясовулбошининг орқасидан Мирзо Абдуллатиф кирди, кирди-ю, юраги музлаб кетди: ҳибсхона бўм-бўш, бир учи деворга қоқилган узун кишан ерда арқондай эшилиб ётарди!..

"Фитна! Тахтга Абу Саид Мирзони кўтармоқ аҳдида уюштирилган фитна!"

Боши сараклай бошлаган Мирзо Абдуллатиф, кўзлари олайиб, зиндонбегига қаради. Зиндонбеги гўё биров оёғига болта ургандай, ерга "гурс" этиб йиқилди-да, шаҳзоданинг этикларини қучди.

—Валинеъмат пуштипаноҳим! Ўлимдан хабарим бор, лекин бу юмушдан хабарим йўқ!

—Ўлимдан хабаринг бўлса ўласен! Ё топасен, ё ўласен!—
Мирзо Абдуллатиф этикларини ўпиб, ерда юмалаб ётган зиндонбегини бир тепди, бир тепди-ю, худди телбалагандай, унинг устига миниб, аёвсиз савалай кетди. Бир зумда оғиз-бурни қоп-қора қон бўлган зиндонбеги қўллари билан юзини, бошини тўсишга уриниб ерда илондай тўлғанар, қон туфлаб алланималарни гўлдирар, ялиниб-ёлворар эди. Лекин унинг меҳр-шафқат сўраб қилган илтижоси, оғзидан оққан лахта-лахта қон Мирзо Абдуллатифнинг юрагида раҳм-шафқат эмас, билъакс, қаҳру ғазаб уйғотгандай, тобора қаттиқроқ савалар, кўзлари телбаларча ёниб, аёвсиз дўппослар, тепкилар эди. У зиндонбеги ҳушидан кетиб, жимиб қолгандагина тепкилашдан тўхтаб ён-верига қаради. Ҳамма ундан кўзини олиб қочар, ҳамманинг юзида қўрқув аралаш аллақандай ижирғаниш ифодаси бор эди... Нафасини аранг ростлаган шаҳзода, бир ерда сулайиб ётган зиндонбегига, бир ёнидаги маҳрамларига қаради-ю, ўзини ҳам ваҳима босиб, шартта бурилиб, ҳибсхонадан чиқди...

Саломхонага қайтгач, бутун Кўксаройни оёққа турғазди. Ҳаста ётган амир Жондорни олдириб келиб, сўроққа тутди. Лекин бундан не фойда? У энди Абу Саид Мирзонинг топилишига инонмай қолди. Доруссалтанادا зимдан фитна уюштирилаётганига энди шубҳа қолмади. Лекин бу фитнанинг тепасида кимлар бор? Шайхулислом Бурҳониддинми? Шайхулислом бўлса, унга қайси амир, қайси аркони давлат, қайси аркони ҳарб қўшилган?.. О, кошкийди, ҳозир шаҳзода бу машъум фитнани очса, унинг тепасида турган барча ғанимларни тутса? Лекин кимни тутади? Шайхулислом Бурҳониддинними? Эвоҳ! Унинг қўли амирларга, бек ва бекзодаларга етса етадики, шайхулисломга етмайди! Амирлар эса... Шайтонни жиловлаб миниб, иблиси лаинга йўл кўрсатадиган бу сардору саркардаларнинг қайси бирини ушлайди? Мирзо Абдуллатифнинг назарида, энди бутун Мовароуннаҳрда ҳеч бир кимса қолмадики, унга инониб, унга суяниб бўлса! Унинг назарида, бу фитнага аралашмаган бир кимса йўқ, ҳамма, ҳатто Балхдан ўзи олиб келган мулозимлари ҳам унга қарши иғво бошлаган эди...

Мирзо Абдуллатиф тўсатдан хаёлига бир фикр келиб, саломхонанинг ўртасида тўхтаб қолди. Унинг эсига отаси Мирзо Улуғбекнинг бир сўзи тушди. Отаси худди шу ерда, олтин курсининг ёнида туриб:

"Болам!—деган эди ёлвориб.—Бу машъум тожу тахт,

бу бебақо салтанат ҳеч бир кимсага вафо қилган эмас. Наинким сенга, ҳатто жаннатмакон бобонг Амир Темур Кўрагонийга ҳам вафо қилган эмас. Бу тожу тахтни деб, қатлу қирғинга юз тутмагил, зеро тожу тахт ила бевафо хотин орасида фарқ йўқдур, болам..."

"Наҳот ул бетавфиқ шоҳнинг илтижоси арш-аълога етиб бормиш? Наҳот унинг кўз ёшлари инобатга ўтмиш? Йўқ, йўқ! Қайдаги ўйлар келади хаёлига. Динул исломга қилич кўтарган ул шоҳи шарирнинг тилаги ижобат бўлмас! Осий банданга ўзинг шафе бўлгайсен, халлоқи олам!"

Эшик оҳиста очилиб остонада саройбон кўринди. Эшик очилганда чўчиб, қиличининг бандини ушлаган Мирзо Абдуллатиф, қўрққанини билдирмаслик учун кўкрагини керди.

—Хўш?

—Мавлоно Али Қушчини келтирмишлар.

—Айт, кирсин!

Мирзо Абдуллатиф қатор лаъл қадалган кумуш камарини тузатиб, тахтга бориб ўтирди. Унинг юраги негадир тез-тез ура бошлаган, ҳаяжондан нафаси сиқилган эди.

Саройбон қўлтиқлаб олган Али Қушчи хаста одамдай хонага бир-бир босиб кириб келди-да, яна боягидай деворга суяниб бошини эгди. У таъзим қилдими ё ҳолсизликдан бош эгдими, бунини билиб бўлмас эди. Али Қушчининг оёғига этик, эғнига иссиқ қора мовут чакмон, бошига қора қундуз телпак кийдиришган, фақат соқол-мўйлови олинмаган, лекин ўсиб кетган соқол-мўйлови унинг сўлғин, рангпар чеҳрасига бўлакча бир салобат, қандайдир маҳобат бахш этар эди. Мирзо Абдуллатиф саройбонга "чиқавер" деб имо қилди-да, кўнгли алланечук бўлиб, Али Қушчининг олдида борди. Овози ўзгариб:

—Қалайсиз,—деди,—ҳолингиз дурустми, мавлоно?

Али Қушчи кўзини бир очиб, қайта юмди. Олдида камоли эҳтиром билан қўл қовуштириб турган Мирзо Абдуллатифни кўриб, яна боягидай ҳайратга тушди. "Бу каззобга не бўлди? Нечук бу хунхор саллоҳ бирдан инсофга келмиш?"

—Оллога шукур,—деди у оҳиста.

—Тамадди қилдингизми, мавлоно?

Али Қушчи билинар-билинемас бош ирғади: "Қилдим"...

—Бир қултум май ичасизми?

Али Қушчи индамади. У ҳамон кўзини юмиб турар,

иссиқ ҳаммом ва яхши таомдан кейин унинг аъзойи бадани тамом бўшашган, зирқираб оғриган оёқлари қалтирар, кўз олдини туман босиб, хаёли чувалиб борар, агар шаҳзода ижозат берса, у ҳозир "шилқ" этиб йиқиларди-ю, уйқуга кетарди...

Мирзо Абдуллатиф токчада турган нафис мунаққаш кўзачадан бир коса шароб қуйиб келиб, Али Қушчига тутди.

—Бир қултум ичинг, мавлоно! Банияти шифо, қувват бўлур.

"Ҳа, шифо қилса ажаб эмас!"—Али Қушчи дир-дир титраган қўлига қадаҳни олиб, бир кўтаришда сипқариб юборди. Мирзо Абдуллатиф унинг қўлидан пиёлани олиб, токчага қўйди, сўнг, индамай саломхонани бир неча марта айланиб чиқди. У шароб таъсир қилишини кутиб, бот-бот мавлонога ер остидан қараб қўяр эди. Дарҳақиқат, сал ўтмай, Али Қушчининг рангпар юзига қизиллик югурди, кўзлари чақнаб, серҳашам хонани кўздан кечирди. Мирзо Абдуллатиф четроқдаги суянчиғи зарҳалланган юмшоқ курсилардан бирини унинг олдига суриб қўйди.

—Ўлтиринг, мавлоно!..

Али Қушчи ичида кулимсираб қўйди. Хаёлидан яна: "Ғалат! Бу тубан фирибгарга не бўлди! Раъйи не бунинг?" деган фикр ўтди. Шароб унинг фикрини равшанлаштирди, оёғини, бутун вужудини қақшатган оғриқни хиёл босди.

Мирзо Абдуллатиф унинг олдида қўл қовуштириб тўхтади ва яна боягидай мулойим товушда:

—Мавлонои азиз!—деди.—Камина сиздай донои давронни лутфан таклиф қилмоқдан бир тилагим бордур. Лекин бу тилагимни изҳор этмоқдан аввал бир нарсани билиб қўймоғингизни сўраймен... Сизни ҳибсга солмоққа фармон қилганимда бу баттоллар сизни бундай қийноқ остига олур, деб ўйламаган эдим. Афв этгайсиз, мавлоно!

"Ҳа, ўйламаган эдинг! Эҳтимол устоднинг орқасидан қотил йўллаганимда ҳам ул воҳиди замоннинг қутлуғ бошини кесадилар деб ўйламагандурсен!.."

—Букун ҳолингизни кўриб, кўп пушаймон чекдим. Зиндонбегини қаттиқ жазолаб, ҳибс қилдирдим...Бенуқсон парвардигор, бандаи ғофилнинг гуноҳидин ўтгайсиз, мавлоно...

1

Воҳиди замон—ўз даврининг яғонаси.

"Ё тавба! Бу бемеҳр-бешафқат мустабиднинг бошига не кунлар тушдиким, ҳибсда ётган мендай бир бечора бандидин кечирим сўрайдур!" Али Қушчи Мирзо Абдуллатифнинг аллақандай жавдираб турган кўзларидан кўзини олиб қочди.

—Сиздай ҳокими мутлақ хоқонлар фақирдай бандаи мўъминлардин афв сўрамайдур. Муродингиз не, сўзланг, шаҳзода!

Али Қушчининг гапи Мирзо Абдуллатифга маъқул тушмади чамаси, юзига қон тепди, қовоғини уйиб:

—Сизни чақирмоқдан муродим шулким,—деди ранги ўчиб.—Зойичага қараб, салтанатнинг тақдирини сўзлаб берсангиз!..

Али Қушчининг лабларига билинар-билинимас табас-сум югурди:

"Фалакиёт илмига инонмай, устод барпо этган расад-хонани бединлар уяси деб атаган одам, энди нечун каминага мурожаат қилади?"

Шаҳзода унинг табассумига тушунди чоғи:

—Кўнглингизга озор берган бўлсам... кечиргайсиз, мавлоно!—деди уф тортиб. Унинг касалманд чеҳрасида теран бир маҳзушлик акс этди, овози кутилмаганда ғамгин ва самимий оҳанглар касб этиб, қалтираб кетди: —Аmmo... сиздан яширмаймен, мавлоно. Ҳодисалар силсиласи шундай-ким... ўз тақдирим устида ўйламай иложим йўқдур, зеро, эл-улус тақдири соҳиби тож тақдирига боғлиқдур... Сиз эса коинот сирларини, юлдузлар сирини биласиз, мавлоно...

Али Қушчи ҳамон кўзларини очмай сукутга чўмиб ўтирар, хаёлида эса қандайдир исёнкор ўйлар туғён қиларди.

"На яратгувчи ва на бандасининг жазосидан қўрқмай, ўз падари покингни қатл этдинг. Бу бебақо тожу тахтни деб, кулли аҳли донишлар сарбони бўлмиш улуғ алломани маҳв қилдинг. Энди остингдаги тожу тахт силкинганда тақдири азалдан қўрқиб, ҳибсда ётган фақир бир бандига юкунасен! Лекин бандаи ожиз не дейди? Унинг ҳоли эртақдаги йўловчининг ҳолига ўхшайди: ўннга юрсанг шерга йўлиқасен, сўлга юрсанг аждаҳонинг комига тушасен!.. Зеро, ўз падарига қилич кўтарган зурриётнинг тақдири зойичасизоқ аёндур! Бўйнингта тавқи лаънат тамғаси осилиб, абадулабад бадном ва бадбахт бўлганинг пешанангда ярқираб тургандур, шаҳзода!"

—Шаҳзода маъзур кўрсинлар. Фақир кўпдан бери илми нужумни тарк этганмен...

—Боракалло сизга!—кулди Мирзо Абдуллатиф, унинг кулгиси сохта ва алақандай асабий эди.—Илми нужум бобида доврүфингиз оламга кетгандур!

—Қачонлар бўлган! Алҳол... хасталик енгмиш...

—Хаста бўлсангиз табибларга кўрсатамен. Тиланг—Кўксаройда туринг, тиланг—расадхонада туринг. Энг яхши баковуллар, энг содиқ маҳрамлар хизматингизга мунтазирдур.—Мирзо Абдуллатиф унинг жавобини кутмай, шақилдоғини шақиллатди ва эшикда пайдо бўлган саройбонга юзланиб, фармон берди:

—Мавлонога Кўксаройдан энг кўркам, энг баҳаво жой тайин қилинг! Шу букун бу зоти шарифни сарой табибларига кўрсатинг! Баковуллар тайин қилинг. Яхши таомлар тайёрлаб берсин. Эндиликда мавлононинг ҳолидан ўзим хабар олиб турамен...

Али Қушчи эсига энаси Тиллабибининг сўзлари тушди: "Раҳматлик қиблагоҳинг айтгувчи эди: "Шер билан подшодан йироқ бўлмоқ даркор!"

У хўрсиниб, ўрнидан турди... "Не чора, бу мустабиднинг қаҳрини кўрдинг, алҳол меҳрини ҳам кўриб қўй, Али! Ҳар қалай, ҳибсда ётганингдан ёмон бўлмас..."—Али Қушчи мийиғида кулимсираб, саройбон етагида саломхонадан чиқди.

22

Хуршида бону билан видолашиб "Куйган тепа"дан чиққач, отини бетиним чоптирган Қаландар Самарқандга қош қорайиб, дарвозабонлар дарвозаларини ёпишга ҳозирланаётганларида етиб келди. Агар эғнида суворий либослари бўлмаганда, эҳтимол уни шаҳарга киритишмас ҳам эди. Қалқонбек билан Босқонбек аҳдлашган жойларида—Шоҳизинда қабристонини ортидаги жарликда кутиб туришар, лекин Қашқирдан дарак йўқ эди.

"Наҳот алдаган бўлса? Наҳот олтинларни чўнтагига уриб қочган ё сир-асрорни очган бўлса? Ё билъакс, Қашқир ҳам қўлга тушиб қолдими?"—Қаландар минг хил хаёлга борар, бетоқат бўлиб, жарликда у ёқдан-бу ёққа одимлар, лекин ғилайдан ҳамон дарак йўқ эди. Ана, милт-милт ёнган уфқ юлдузлари ёнида Зухро юлдузи ҳам кўринди, олис-яқинда хўроз қичқирди. Энди Қашқирнинг келишидан фойда йўқ. Қаландар қайтишни ўйлаб, отининг айилини торта бошлади. Лекин шу пайт тепада, жар

устида аллақандай шарпа эшитилди, сўнг, пастга югуриб тушаётган кўлага кўринди. Қаландар ўзини панага олди-да, кўлага яқинлашгач, олдини тўсди:

—Бу ким? Сенми, Қашқир?

—Мен, дарвеш...

Қашқир ҳансираб тўхтади. Қаландар уни ёқасидан ушлаб ўзига тортди.

—Тагин не баҳона топиб келдинг, муғамбир?..

—Баҳона эмас, шумхабар,—деди Қашқир. У ҳамон ҳансираб, қаттиқ югурганиданми, қўрққаниданми, ўпкасини босолмас эди.

—Хўш?—деди Қаландар сабрсизланиб.—Сўзла!

—Мирзо Абу Саид зиндондан қочибди. Кўксаройда тўполон...

—Қачон?

—Буни худо билмаса бандаси билмайди. Боя кечқурун шаҳзода зиндон айланиб юриб билиб қолибди. Қараса Мирзо Абу Саид йўқ. Сарой остин-устин. Зиндонбегининг ўзи зиндон қилинди.

Қоронғида Босқонбекнинг кимгадир писанда қилиб: "Ҳап сеними?" деган овози эшитилди. Қалқонбек гурс-гурс юриб Қаландарнинг ёнига келди:

—Ёрлиқсиз борсак не қилади? Ёрлиқ ўрнига қилич бор, оға?

Қаландар жавоб бермади. Хаёлидан: "Бўрининг оғзига тушган бутун чиқмас экан-да!" деган фикр ўтди. Ҳа, бир неча ойдан бери қилинган ҳаракат бекор кетган эди. Қаландар бўшашиб, ерга ўтириб қолди.

23

Сой бўйига тикилган кўримсизгина чодир ёнида бетоқат айланиб юрган амир Султон Жондор от туёқларининг дупурини эшитиб, ўгирилиб қаради.

Қир ёнбағридаги сийрак арчалар орасидан саман йўрғасига яйдоқ миниб, амирнинг зотли қорабайирини етаклаб олган Қашқир чиқиб келди. Қашқир, нечундир оғзи қулоғида, ишшайиб келарди. Уни кутавериш тоқати тоқ бўлган амир Жондор кумуш сопли оғир қамчисини ўйнатиб, Қашқирга томон юрди.

—Қайда юрибсен, шайтони басир?

Қашқир амирнинг ҳақоратомуз сўзларини эшитмагандай қийғоч кўзини қисиб яна тиржайди.

—Фақир бир гаройиб нимарса кўрдим, амирим!

—Гаройиб нимарсангни қўйиб, отларни эгарла, иблис!..
Чаноқийга кеч қоламиз!

Амир Жондор кумуш сопли қамчиси билан гулдор қизил сахтиён этигининг қўнжини чарс-чарс савалаб, чодирга кириб кетди.

Амирнинг даргазаб бўлиши бежиз эмас, Қашқир отларга кетганда, пешин ҳам бўлмаган эди. Лекин пешинда сойдан бир уюр йилқи ўтган эди, тушовда юрган қора арғумоғи тушмагур тушовни узиб, йилқиларга қўшилиб кетди. Қашқир саман йўрғасига миниб, уюрни қувди. Йилқиларни жилғанинг қуйи томонидаги "Куйган тепа" деган қишлоқ ёнида зўрға қувиб етди. Лекин амирнинг боқувли қорабайри тутқич бермай қирга қараб чопди. Қашқир уни қир ёнбағридаги бир боғбоннинг четан девор билан ўралган боғига қамаб, зўрға ушлади, ушлади-ю, бояги "ғалати нимарсага" кўзи тушиб лол бўлиб қолди. Бу "нимарса..." мавлоно Муҳиддиннинг ожизаси, шоир Қаландар Қарноқийни шайдо қилган ва ниҳоят Мирзо Абдуллатифнинг ҳарамидан қочиб, яшириниб юрган ҳуснда тенгсиз санам... Хуршида бону эди! Қашқир қорабайрни тизгинидан ушлаб, боғдан олиб чиқиб кетаётганида, болохонада турган жойида кўриб қолди, тўғрироғи, олис-олисларга тикилиб турган бу париваш бир кўринди-ю, йўқ бўлди, гўё шарпа сезган оҳудай ҳуркиб қочди. Лекин пуштиранг ипак кўйлак кийиб, юзига зар сочилган ҳарир дурра ташлаб олган бу нозанин бу ерларга шунчалик ёт ва шунчалик гўзал эдики, Қашқир, гарчи уни ҳеч қачон кўрмаган бўлса-да, дарҳол фаҳмлади: бу ўша, Қаландар Қарноқийни ақли ҳушидан оздирган, шаҳзода Абдульазиз амир Иброҳимбекнинг ўғлидан тортиб олган, энди эса, Мирзо Абдуллатиф билан амир Жондор қидириб юрган нодираи даврон эди...

Ҳуснда тенгсиз бу соҳибжамолнинг қочишига Қашқир ўзи ёрдам берган бўлса ҳам, Қаландар Қарноқий уни қаёққа гумдон қилганини билолмай доғда юрган эди. Омади келган экан, букун бу сир-асрорни ҳам билиб олди. Унинг олисдан ишшайиб келиши ҳам шундан эди. Қашқир бу хушхабарни амирга айтиб, уни хушнуд қилиш ниятида эди. Лекин... бошига мугиз битса ўз хўжасини сузадиган бу эшак унинг сўзига қулоқ ҳам солмади. Қутурган итдай қошиб берди. Жуда соз! Бир жиҳатдан бу хўкизнинг шундай қилгани ҳам яхши бўлди. Қашқир бу сирни арзонга сотмаслиги даркор...

Амир Жондор белига қиличини тақиб, чодирдан чиқди. Гўё беш-ўн нафар қароқчилар йиғинига эмас, Кўксаройга, Мирзо Абдуллатиф ҳузурида бўладиган машваратта ташриф қилаётгандай, зарбоф тўнини кийиб, кумуш камарини боғлаб олибди... У ҳамон қовоғини солганича гурс-гурс юриб келиб, типирлаб турган қорабайирнинг жиловидан олди, гилай ёрдамида оғир гавдасини эгарга ташлаб, отига қамчи босди...

Кун ботган, лекин қорли чўққиларни чулғаб олган улкан аланга сўнмаган, буткул борлиқ—осмонўпар тоғлар, кўм-кўк арчазор қирлар, ям-яшил яйловлар, шарқираб оққан сой—ҳамма, ҳаммаси гўё бу улкан аланганинг шуъласига чулгангану, бўлакча бир тиниқлик касб этган, тоғу тошларгина эмас, ҳатто майсаларга ҳам олтиндан жило берилгандай майин товланар, шабадада ястанган ўтлоқлар дам кўк-сарғиш ипақдай эшилар, дам қизғиш рақсга кириб, ял-ял ёнарди... Қаердадир кўкда, кўз илгамас баландликда сўфитўрғайлар вижир-вижир қилади, тоғу тошлар панасида какликлар сайрайди. Аҳён-аҳёнда от туёқларининг остидан қирғовуллар пир-пир отилиб чиқади, лекин семизлигидан кўп учолмай, ўзини ерга тап-тап ташлайди. Ҳар сафар от туёқлари остидан қирғовуллар пир-пир учиб чиққанда, теран хаёлга чўмган амир Жондор сапчиб тушади-ю, ичида қаттиқ сўкиниб кўяди, лекин сал ўтмай, яна хаёлга кетади. Амирдан қолмай деб, саман йўрғасини тинимсиз қамчилаб бораётган Қашқир эса... ҳамон ногаҳон кўзи тушган болохонадаги санам тўғрисида ўйлайди. Унинг кўз олдидан ҳануз бир кўриниб ғойиб бўлган нозанин кетмас, назарида, нозанин бир лаҳзагина намоён бўлганда бу кенг жаҳон чарақлаб кетгандай туюларди. У эндигина бу мислсиз гўзални деб, Қаландар Қарноқийнинг тарки дунё бўлганини ҳам, амир Иброҳимбекнинг ўғли қатл қилинганини ҳам, Мирзо Абдуллатиф, ҳатто амир Султон Жондорнинг ўзи ҳам нечундир доғда юрганига—ҳаммасига тушунди. Лекин у ҳозир офтоб янглиғ кўзини қамаштириб юборган бу маънос санам тўғрисида эмас, кўпроқ амир Султон Жондор тўғрисида ўйларди. Олдинда от чоптириб кетаётган амирнинг ўтовдай чўнг гавдасига тикилиб бораркан, Қашқир унга бу хушхабарни айтмаганини эслаб суюнади.

Мана, икки ҳафтадан ошди, Абу Саид Мирзо зиндондан қочгандан бери амир Султон Жондор тархон шаҳзоданинг қаҳридан қўрқиб бу ерларда жон сақлаб юрибди. Амир билан бирга Қашқир ҳам қочди. Қочмай чораси қолмади, зеро, авваллари ҳазрат Низомиддин Хо-

мушдан қўрққан бўлса, сўнгги пайтларда шаҳзода ҳам уни шубҳа остига олганини сезиб қолди. Улар доруссалтанада туropolмай бу тоғларга қочиб келганларида гиёҳлар эндигина униб чиққан эди, мана энди ўтлар тиззадан келиб қолди, тоғлардаги ёввойи ўрикларнинг довуччалари нўхатдай бўлди... Ўзлари ҳам инсон нигоҳидан йироқ бу тоғларда ёввойи ҳайвонлардай кун кечирришяпти. Шаҳзоданинг айғоқчи ва сипоҳларидан қўрққан амир бир кун бир жойда муқим туropolмайди, у сойдан-бу сойга кўчади, ғорларга кириб ё жарликларга тушиб, кўримсизгина эски чодирини тикдириб пусиб ётади. Қашқир эса, кундуз ов қилади, қирғовул-пирғовул отиб, хўжайинини боқади. Кечалари эса чор-атрофдаги қишлоқларга ўғирликка боради, "ови юришган" кунлари битта-яримта қўйми, эчкими топиб отига ўнгариб қайтади. Лекин сўнгги пайтларда ўғирликка чиқиш ҳам хатарли бўлиб қолди. Қишлоқларда усиз ҳам ўлпону жарима йиғувчилар кўпайиб кетди. Деҳқонлар норози бўлиб галаён кўтарди, чамаси, ўлпончилар ёлғиз юрмай, қуролли сипоҳлар, ясовуллар етагида келишадиган бўлишди...

Амир ҳам тинч ётмас эди. Ора-сира, гоҳо уч-тўрт кунда бир, аксарият қоронғи тун қўйнида, пана-пана жойларда беш-олти номаълум кимсалар йиғилишиб маслаҳат қилишади. Амир Жондор "чаноқий" деб атаган бу маслаҳатларга Қашқирни чақирришмайди, у одатда отларни қўриқлаб олисроқда юради. Қашқир уни четлатганларидан ранжимас, лекин уни қўшмаганлари учунми, бу чаноқийлар жуда сирли туюлар ва кўнглида қизиқиш уйғотарди. Кунлар шу йўсин ўтиб бормоқда, бироқ бу хуфя чаноқийларнинг фойдаси кўринмайди. Зотан беш-олти қувғинди амирларнинг қўлидан не келади? Бошида тож, тагида тахт, қўлида саноқсиз лашкари бўлган шаҳзодани сарнигун қилмоқ осонми?

Сўнгги кунларда Қашқирни кўп ўйлатган бу хаёллар букун унинг миясидан чиқмай қолди. Мана ҳозир ҳам, олдинда бораётган амирнинг ўтовдай чўнг гавдасига қайта-қайта тикилиб қараркан, ногаҳон хаёлига бир ўй келиб, аъзойи бадани жимирлаб кетди.

Агар Қашқир тўнғизмижоз бу амирни тарк этиб, Кўксаройга қайтиб борса не бўлади? Қайтиб бориб, шаҳзоданинг оёғига йиқилса, бояги ҳуснда тенгсиз паривашдан дарак етказса не қилади? Шаҳзода унинг гуноҳларини кечмайдими? Нечук кечмасин? Кечади? Токи, қайда юрибсан, деб сўраса, "Ул нодираи давронни қидириб

юрган эдим, уни топмай қайтмайман, деб қасам ичган эдим", дейди. Агар шаҳзода тиласа амир Султон Жондорни ва ҳаттоки Қаландар Қарноқийнинг ўзини ҳам ушлаб бермоқ қўлидан келади, негаки Қаландар Қарноқий ҳам тузоқдан қўрқмай ўзини тариққа урган беданадай, шаҳзоданинг айғоқчиларидан қўрқмай, бу сулувнинг қўйнига кириб юргандур!..

Бу ўйлардан ҳаяжонланиб кетган Қашқир саман йўргасини уст-устига қамчилаб, амир Жондорга етиб олди. Амир Жондор энсаси қотгандай бир ўқрайиб қаради-да, отининг жilовини қирга буриб, ўрлаб кетди. Бу қирнинг этагидан "Куйган тепа" қишлоғига олиб борадиган ўзан ўтар, ўзанда намозшом пайтлари одам гавжум бўлар эди.

—Амирим, қирнинг ортида "Куйган тепа" бор. У ерларда одам кўп бўладур!

Амир Жондор қир ёнбағрида ўсган ёлғиз арча ёнида тўхтади. Барваста гавдасини оғир тебратиб, эгардан тушаркан:

—Қишлоқ—сойнинг у юзида!—деди жеркинқираб.—Бу юзида ёлғиз қўрғон бор. Қирга чиқиб қўрғонга қара. Қўрғон ичида икки жойда ўт ёнмоғи даркор. Икки жойда ўт ёнса келиб хабар берасен. Уқдингми, шайтони басир?

—Уқдим, амирим!..

Қашқир қирга от солдириб чиққунча тоғ чўққилари устида лов-лов ёнган қирмизи шафақ сўниб, водий майин қоронғиликка чўмди. Пастдаги сой ва сой бўйидаги қўрғон кўринмас, фақат сойнинг у юзидаги боғлар орасидан ўчоқларда ёнган олов шуъласи милт-милт этарди. Қашқир отини ниқтаб қирдан энди туша бошлаган ҳам эди, қаердадир олдинда, оламни чулғаб олган майин қоронғилик орасида, бирдан лов этиб гулхан ёнди. Қашқир ҳадиксираб тўхтади. Гулхан хийла олисда ёнса ҳам, унинг айланасида ивирсиб юрган аллақандай кўлагалар кўзга чалинди. Сал ўтмай амир айтган иккинчи гулхан ҳам лов этиб ёнди-ю, қўрғоннинг баланд деворлари атрофида, дарвоза олдида от ўйнатиб юрган суворийлар кўринди. Қашқир саман йўрганинг бошини орқага бурди. Лекин бу пайт тепадан от чоптириб тушиб келаётган амир Жондорнинг ўзи кўринди. У: "Амирлар келмиш! Орқамдан чоп!" деб буюрди-да, Қашқирнинг ёнидан от ўйнатиб ўтиб кетди.

Икки ҳафтадан бери одам қорасидан қўрқиб, пана-панада пусиб ётган амир Жондорнинг бу қилиғи Қашқирга гайритабиий туюлди. Лекин буни ўйлаб туришга фурсат йўқ эди, у ҳам отига қамчи босди. Қўрғон дарвозаси

олдида уларни бир гуруҳ суворийлар, қўлларида машғал ушлаган аллақандай нотаниш навкарлар қарши олди. Амир Жондор улар ёрдамида отдан тушгач, Қашқирни четга тортди.

—Дарвозадан жилмай, келган-кетганлардан воқиф бўлиб тур! Кимлар келди, кимлар кетди—барини билиб ол! Уқдингми?

Амир қамчиси билан этигини чарс-чарс уриб, қўрғонга кириб кетди. Қашқир отларни четроқдаги толга боғлаб, орқага қайтаркан, сойдан яна бир гуруҳ суворийлар чиқиб келаётганини кўриб, истиқболларига шошилди. Лекин машғал ушлаган навкарлар ундан олдин етиб бориб, суворийларни отдан тушира бошлашди. Қашқир навкарларга аралашиб-қуралашиб, отларни жиловидан оларкан, биринчи бўлиб отдан тушган қора чўққи соқолли салладор уламони таниб юраги ўйнаб кетди: отдан биринчи бўлиб тушган бу салладор уламо... кўпдан бери кўзга тушмай юрган шайхулислом Бурҳониддин жаноблари эди!.. Шайхулислом жанобларидан кейин шаҳар доруғаси Мироншоҳ отдан тушди. Мироншоҳ билан шайхулислом жанобларини қўрғондан чиқиб келган серсавлат бир амир қарши олиб, ичкарига бошлади. Қашқир бу амирни ҳам таниб, яна боягидай ғалати бўлиб кетди: эғнидаги суворий либослари ўзига кўп ярашган, сарвдай хушқомат, хушсурат бу одам Мирзо Улуғбек ҳазратларининг суюкли навкари... Бобо Ҳусайн Баҳодир эди!.. Мирзо Улуғбек ҳазратлари тожу тахтдан жудо бўлиб, қатл қилингандан кейин Бобо Ҳусайн Баҳодир ҳам қайгадир ғойиб бўлган, Мирзо Абдуллатиф уни ҳам кўпдан бери қидиртириб топдиролмайдиганда эди. Вожабо! Бу номдор аркони давлат ва аркони ҳарб, дин пешволарию бек ва бекзодалар бу эски қўрғонда не қилади? Амир Жондор айтган катта чаноқийда не битим тузилади?—Қашқир қоронғида дарвозада турган навкарларнинг кўзини шамғалат қилиб, "лип" этиб қўрғонга кирмоқчи бўлди, лекин навкарлардан бири кўриб қолиб, йўлини тўсди. Қашқир бир-бир босиб, отлар ёнига қайтди, чакмонини шувоқзорга тўшаб, ёнбошлади...

Чаноқийга чақирилганлар келиб бўлди чамаси, дарвозада турган навкарлар қўлларидаги машғалларини ўчириб, қўрғонга кириб кетишди, қўрғондаги гулханлар ҳам сўнди, фақат бир жойда ёнаётган оловнинг шуъласи кўзга чалинар, у ерда кабоб пиширилаётган бўлса керак, қовурилган гўшт ва пиёз ҳиди димоққа гуп-гуп уриб, Қашқирнинг иштаҳасини қитиқлар эди...

Қашқир чалқанча ётиб, осмон тўла гуж-гуж юлдузларга тикилди. Назарида, осмонни тўлдириб юборган бу оппоқ юлдузлар гўё унга кўз қисиб, мазах қилаётгандай, улар гўё юлдуз эмас, олам сирларидан хабардор аллақандай жонли нарсалардай бўлиб туюлди. Мирзо Улуғбек ҳазратларини шаҳриёри фалак-иқтидор дегувчи эдилар, бу ҳудудсиз коинотнинг барча сир-асроридан воқиф дониши жаҳон дегувчи эдилар. Шу сабаб уламои киromлар у зоти шарифни ҳам ёмон кўришар, ҳам ундан қўрқишар эди... Филҳақиқат: бу сўзда бир ҳикмат борга ўхшайди-ким, кимки у дониши жаҳонга ғанимлик қилса, ҳоли вой бўлди. Мирзо Улуғбек ҳазратларига қилич кўтарган баттоллардан бири Сайид Аббос эди. У ҳам ҳақ таолонинг қаҳрига йўлиқди. Аълоҳазратларининг тузини еб, тузлиғига туфлаган қанча амиру умаро қатлу қирғинга учради. Энди навбат шаҳзоданинг ўзига келди...

Қашқир боя йўлда ўйлаган ўйлари эсига тушиб, эти жунжикиб кетди. Йўқ, "падаркуш" деган ном чиқариб, дуоибад бўлган у саллоҳга юкуниб бўлмайди! Бу чаноқийга Мироншоҳ билан шайхулислом Бурҳониддиндай зоти олийлар, амир Султон Жондор билан Бобо Ҳусайн Баҳодирдай саркардалар йиғилмишми, бас, шаҳзоданинг куни саноқликдур!..

Қашқирнинг дилини водийни чулғаган қора шом янглиғ қора ғам чулғаб олди. Хаёлидан: "Бу жаҳаннамга, ҳеч бир кимсани омон қолдирмайдурган бу икки ўт орасига печун тушиб қолдим!" деган фикр келиб, кўнгли алғовдалғов бўлиб кетди. Лекин қанча ўйламасин, бу бетизгин ғам, бетасалли саволга жавоб тополмади.

Қашқир ота-онасини эслай олмас, эсини танибдики, бир нарсани билар, у ҳам бўлса Самарқанд бозори эди. У донғи магрибдан машриққа кетган шу улкан бозорда мешқобчи, карвонсаройларда фаррош, ҳаммомларда гўлаҳлик қилиб катта бўлди. Қилмаган иши, кирмаган кўчаси қолмади. Ўғирлик ҳам қилди, каллакесарлик ҳам. Ахийри гуноҳларини ювмоқ ниятида зоҳидликни ихтиёр этиб, хилватга кирган эди, хилватда ҳам осойиш топмади... Сабийлик ёшида бир ўғриказзобнинг қўлига тушиб ўғри бўлган эди, гўшанишинлик пайтларида ҳазрат Низомиддин Хомушнинг назарига тушиб, айғоқчи бўлди, алҳол бу баттол амирнинг тузоғига илиниб, икки ўт орасида қолди... Мана, ёши қирқдан ошди, лекин бу бебақо дунёга келиб, не ёруғлик кўрди?..

Қашқир лабларида шўртак бир нарса сезиб, негадир ўпкаси тўлди-ю, ўзини тутолмай пиқ-пиқ йиғлаб юборди.

Бас! Бу гуноҳ йўлдан қайтмоқ, беғуноҳ мўъминлар қонига ботган бу шаҳри азимдан бош олиб чиқиб кетмоқ даркор. Бошқа чора йўқдур!..

Қашқир аламли хаёллар уммонига чўмиб, пинакка кетган экан, кимдир елкасидан туртиб уйғотди.

—Отларни эгарла, ясовул. Меҳмонлар тарқаладур!

Қашқир кўзларини ишқалади, шоша-пиша ўрнидан турди. Қаршидаги юксак чўққилар ортидан олтин баркашдай ялтиллаган тўлин ой кўтарилмоқда, ойнанг гўё сут билан йўғрилгандай майин шуъласига чўмилган водий, баланд тоғлар, сойнинг у юзида элас-элас кўринган боғлар, шарқираб оқаётган жилға, қўрғон теварагида кишанларини шарақлатиб ўтлаб юрган отлар, бутун олам аллақандай ғалати, хаёлий бир манзара касб этган эди. Қашқир бояги қўрғон ва бояги сой эмас, гўё бошқа бир оламга келиб қолгандай бир дақиқа ҳайрон бўлиб қолди, кейин дарвозада ғала-ғовур бошланганини эшитиб, шоша-пиша отларни юганлаб, айилларни тортди. У отларни етаклаб дарвозага борганда, ичкаридан қоронғида оққушдай ажиб товланган оқ тулпорини ўйнатиб Бобо Ҳусайн Баҳодир чиқди, доруға Мироншоҳ билан шайхулислом Бурҳониддин жаноблари эса дарвозада амир Жондор билан хайрлашмоқда, бошқа навкарлар улардан йироқроқда қўл қовуштириб туришарди.

Амир Жондор "нечун кутдирасен?" дегандай, Қашқирга бир ўқрайиб қаради-да, Мироншоҳ ва шайхулислом жаноблари билан тезроқ хайрлашиб, қорабайирини жиловидан олди. Четроқда турган сипоҳларнинг бири югуриб келиб уни қўлтиғидан кўтармоқчи бўлди. Лекин, одатда, отга ўзи минолмайдиган амир Жондор, бу сафар сипоҳни итариб ташлаб, бир талпинишда оғир гавдасини эгарга олди.

—Хўш, омон бўлинг, пирим!

—Оллоҳга топширдим, амир!

Амир Жондор бетоқат аргумоғини уст-устига қамчилаб, қўрғон ортидаги қирга чиққунча от чоптириб борди, қирга чиққач, отини жиловидан тортиб, пастга, ой шуъласида қорайиб кўринган қўрғонга ўгирилиб қаради. Қўрғон олдида ҳамон аллақандай кўлагалар ғимирлаб юарди.

—Хўш, чаноқийга қайси зоти олийлар ташриф этмиш, танидингми, ясовул?

Қашқир одатдагидай эҳтиёткорлик билан жавоб берди:

—Қайдам, қоронғида унча танимадим, амирим!..

—Муғамбирлик қиласен, шайтони басир!

—Биллоҳи азим, амирим.

—Билмасанг билиб қўй: бул чаноқийга доруссалтана доруғаси Мироншоҳ билан шайхулислом Бурҳониддин жаноблари лутфан ташриф буюрмишлар! Боя нечун шошганимни энди уқдингми, ғилай?

—Уқдим, амирим!—Қашқир саман отини ниқтаб, амирга яқинроқ борди.—Чаноқийда не маслаҳат бўлди? Бу дарбадарлик ғурбатидан қачон халос бўлурмиз, амирим?

—Сабру тоқат қилгайсен, ғилай!—деди амир Жондор ва нечундир кулди.—Сабот қилсанг тезда бу ғурбатдан халос бўлиб, шаҳзоданинг ҳарамига кирасен, унинг сулув нозанинларини қучиб ётасен, ғилай!

"Шаҳзоданинг куни битгандур!"

Қашқир кундуз болохонада кўрган санам тўғрисида гапни айтадиган пайт келганини сезиб, юраги ўйнаб кетди. Кейин бояги маъюс ўйлари эсига тушиб, бир зум иккиланди, лекин... тарки одат амри маҳол, риёкорликка ўрганган одам, қиқирлаб кулди:

—Амирим ўз сўзида турадим, йўқми—билмасмен. Аммо бу дарбадарликдан қутулган кунда фақир сизга ҳуснда тенгсиз бир париваш тортиқ қиламен, бошингиз кўкка етадур, амирим!

—Қайси париваш?—Амир Жондор арғумоғини қамчилаб Қашқирнинг устига бургутдай бостириб келди.—Илоннинг ёғини ялаган шайтони басир! Сен мавлоно Муҳиддиннинг ожизаси қайга яширинган—биласен! Билиб туриб мендан сир тутасен!

Қашқир отини жиловидан тортиб орқага тисарилди.

—Амирим...

—Сўзла, иблиси лаин, қайга яширгансен ул малакни?

Қашқир, бир ўйида амирни тўғри Хуршида бону яшириниб ётган жойга бошлаб боргиси келди-ю, Қаландарнинг таҳдидли сўзлари эсига тушиб, ўзини тийди. Агар бону ётган жойни айтса, бу ҳирсли қўтас уни ҳозироқ бу хатарли юмушга ундашдан тоймайди.

—Амирим, бу дарбадарликдан қутулган куни беш-ўн навкар берасиз, топиб келамен. Ҳозир ул малакни қидирмоқдан фойда йўқ!

Амир ўзича пўнғиллаб сўкинди, кейин:

—Эрта эмас, бириси куни тилаган навқарингни берамен,—деди.—Топиб келмоғинг аниқму, шайтон?

—Аниқ, амирим!

"Боғи майдон"ни бир сайр қилиб келиш ниятида чиққан Мирзо Абдуллатиф, боғни кўргач, Кўксаройга қайтгиси келмай қолди. Пешинда қуйган жаладан кейин боғ гўё чўмилган келинчакдай очилиб кетди. Ёмғирда ювилган дарахтлар, хиёбонларнинг икки ёнида саф тортган сарвлар аллақандай мулойимлашиб, яшнаб, бўлакча бир гўзаллик касб этди. Арчалар орасида товланган оқ, сариқ, нафармон ва қизил гул косачаларини лим-лим тўлдирган тиниқ томчилар, гўё нафис пиёлачаларга қуйилган майдай гул-гул ёнди, борлиқни булбул хониши тутди. Гўё ҳар бир шох, ҳар бир япроқ тагига яшириниб олган булбуллар тобора авжга чиқар, бошқа ҳамма қушлар овозини босиб, яйраб-яйраб, тўлиб-тошиб сайрашарди.

Абу Саид Мирзо қочганидан кейин яна васваса босиб, уйқу кўрмай изтиробда юрган шаҳзода гўё кўнглидаги барча ташвиш ва ғам-андуҳлардан соқит бўлгандай енгил тортди. Майин қизил қум сепилган, беҳад катта боғнинг энг хилват жойларигача олиб борадиган хиёбонларни, ҳилол ва юлдузлар шаклида ясашиб, бўлакча бир меҳр билан парвариш қилинган мўъжаз гулзорларни айланаркан, шаҳзода болалик ва ўсмирлик чоғларида бу гулгун масканда ўтган маъракалар, дабдабали тўйлар, хушовоз хонандалар, товусдек раққосалар иштирокида берилган базми жамшидлар эсига тушиб, нечундир кўзига ёш келди. Ёдида бор: қайси бир улкан маъракага у олис Хуросондан жаннатмакон бобоси Шоҳруҳ Мирзо билан бирга келганди. Худди мана шундай илиқ кўклам пайталари эди. Камида бир туман суворий кузатиб келган бу катта карвоннинг бошида, устига ипак соябонлар тутилган кобулий араваларда, энагаси Гавҳаршод бегим канизагу жориялари билан савлат тўкиб ўтирарди. Юзларига ҳарир ипак дурра ташлаб олган бу гўзал канизлар шаҳзоданинг юрагини жазиллатар, у дам от ўйнатиб соябонли аравалар атрофида гир айланар, дам аргумоғини аёвсиз қамчилаб, йироқ-йироқларга чоптириб кетарди. Бобоси Шоҳруҳ Мирзо тез юришни ёқтирмас, у энг яқин муқарраблари, хусусан, уламолар ва дин пешволари билан суҳбатлашганича, карвон бошида отини секин йўрттириб борар, лекин невараларининг шўхликларини тақиқ этмас, биль-акс, улар от ўйнатиб, қиличбозлик қилиб юрганларини кўрса хушнуд бўлиб кулиб қўяр эди. Кечқурунлари эса,

катта карвон кенг даштда, бўлиқ ўтлоқларда қўнар, қир ёнбағирларига ранго-ранг ипак чодирлар тикилар, ҳаммаёқда лов-лов гулханлар ёнар, Ҳиротнинг машҳур баковуллари барра қўзилардан кабоб қилишар, доривор ўтлар солинган хушбўй шўрвалар пиширишар... Шунда қоронғиликка чўмган қенг дашт улкан лашкар қароргоҳини эслатиб, шаҳзоданинг хаёлини олиб қочар, юрагида жўшқин, пўртанавор истаклар уйғотар эди. У гоҳ даштдаги отларнинг кишнашига, гоҳ яқин чодирлардаги гўзал канизакларнинг майин кулгиларига, зеб-зийнатларининг нафис жаранглашларига қулоқ солиб, осмонга сочилган беҳисоб юлдузларга тикилиб ётаркан, олам беғубор, ёруғ бир маскан бўлиб туюлар эди унга. Юраги улуғ жангу жадаллар, дабдабаю асьасалар, шон-шавкату тожу тахт ишқида ёнар, лекин бу тожу тахт унга шон-шавкату улкан бахт эмас, бундай гурбат ва изтироб келтирар, деган хаёл етти ухлаб тушига ҳам кирмас эди... Кошкийди, ўша беғубор ўспиринлик йиллари бир дақиқагина қайтиб келса?..

Шаҳзоданинг дилини маъюс, аммо ҳар кунги мудҳиш туйғуларга ўхшамаган, аллақандай покиза ҳислар чулғаб олди. Шаҳзода мажруҳ қалбини илиқ нурга йўғирган бу эсдаликлар олами билан видолашгиси келмай бир-бир босиб "Чил устун"га қайтди. Кун ботганми, йўқми, билиб бўлмас, лекин деворлари кўк, сариқ, пуштиранг хитой кошинлари билан безатилган "Чил устун" кошонаси гўё улкан бир гулхан ичида қолгандай ял-ял ёниб кўзни олар, фақат кошонанинг тўрт бурчидаги ложувард минораларгина бўлакча жилоланиб, оловга бўй бермаган тош устунлардай бу ажиб гулхандан ажралиб турарди...

Шаҳзода кошона олдида қўл қовуштириб турган маҳрамлар ёнидан ўтиб, оқ мрамар зинанинг пиллапояларини бир-бир босиб, иккинчи ошёнага чиқди. Иккинчи ошёнанинг зарҳал безаклардан чарақлаб кетган серҳашам хонасида уни балхлик занжисифат саройбон кутиб олди. Шаҳзода унинг таъзимига эътибор ҳам бермай айвонга чиқди. Четларига ўймакор панжара ясалган катта айвонга ипак кўрпачалар тўшалган, ўртадаги хонтахтага баркаш-баркаш ноз-неъматлар қўйилган эди. Бу ердан, тепаликка қурилган бу кошонанинг айвонидан, ёмғирда чўмилган кўз илғамас улкан боғ, қизил қум сепилган хиёбонлар, ҳилол ва юлдуз шаклидаги гулзорлар янада гўзалроқ, янада сўлимроқ кўринарди. Олисда, Кўҳак қирининг ортида, ҳарир кўкиш туман орасидан кўтарилган юксак

тоғлар кўзга чалинар, Самарқанд дарахтлар орасидан аниқ кўринмас, лекин бериқоқда, яшил япроқлар орасида, яна бир юксак бино кўзни қамаштириб чарақлар, бу—шафақ жилоланган расадхона пештоқлари эди...

Шаҳзоданинг хаёлини саройбоннинг журъатсиз овози бўлди:

—Давлатпаноҳ афв этгайлар. Қайтмоқ даркор. Тезда доруссалтана дарвозалари беркиладур...

"Дарвоза беркиладур?.. Йўқ, у Кўксаройга қайтмайди. У букун шу боғда, шу кошонада тунайди. Шояд бу боғда тунаб, юрагини эзган мудҳиш васвасадан қутулса, шояд!.."

—Мусаллас борму?—деди шаҳзода кўзларини юксак тоғлардан узмай.

—Бор, давлатпаноҳ...—Саройбон оёқ учида юриб, меҳмонхонага кириб кетди-да, дарҳол қайтиб чиқди. Шаҳзода унга қарамаса ҳам, кўзачадан қуйилаётган шаробнинг майин қултиллашини эшитди.

—Марҳамат қилгайсиз, давлатпаноҳ...

Шаҳзода гулдор хитой косасида қип-қизил ёниб турган қуюқ майини бир кўтаришда сипқариб, "тагин" деб имо қилди. Иккинчи қадаҳни ҳам бўшатиб, саройбонга қайтариб бераркан:

—Букун шу жойда тунаймен,—деди.—Баковуллар борму?

—Хизматингизга мунтазирдур, давлатпаноҳим...

—Айт, бедана кабоб пиширсинлар!

—Бош устига...

—Тўхта!—шаҳзода кулимсираганича саройбоннинг қўлидан гулдор чинни идишни олиб хонтахтага қўйди. Унинг дилида қандайдир янги бир тилак, шўхлик, сафо истаги туғилган эди.

—Кўксаройга чопар юбор! Ҳарам бекасига айтсин: беш-олтита ёш канизлар билан хонандаларни олиб, дарҳол етиб келсин... Уқдингму?—шаҳзода яна кулимсираб, саройбонга кўз қисди:

—Букун бирга айш қиламиз. Канизлар орасидан кўнглингга ёққанини танлаб оласен!..

—Тасанно, давлатпаноҳим!—Саройбон кулимсираб, орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Шаҳзода мунаққаш чинни идишдан яна бир пиёла май қуйиб ичди-да, хонтахтадаги ноз-неъматлардан бир-икки чуқилаб, ипак кўрпачага ёнбошлади...

Боғлар ортидаги шафақ сўнган, осмонда, сийрак булутлар орасида илк юлдузлар ёнган эди. Пастдан сарой-

боннинг ўктам овози, дукур-дукур оёқ товушлари эшитиларди. Сал ўтмай, бу овозлар ҳам тинди-ю, кошона теран сукутга чўмди. Шаҳзода бутун аъзойи баданига роҳатбахш бир нарса қуйилиб, бўғин-бўғинларигача бўшашиб, майинлашиб бораётганини сизди-да, бошини парқу ёстиққа ташлади, кўзлари илиниб бораркан, кўнглидан: "Шояд шу бугун барча ғурбатлардан халос бўлсам!" деган фикр ўтди. Лаблари пичирлаб: "Ё раббим! Ўз ҳифзи ҳимоятингда сақлаб, раҳм-шафқатингни дариг тутмагайсен!" деб қўйди.

Шаҳзода туш кўрди. Гўё у Кўксаройда, ҳарамхонага ёндош ўрдадай кенг, муҳташам хонада катта базми жамшид қураётган эмиш. Базмга барча амирлар ва нуфузли беклар, девон ва сарой маҳрамлари, шаҳзоданинг энг яқин муқарраблари йиғилган эмиш. Баковуллар олтин баркашларда таом устига таом тортишар, май дарё бўлиб оқар эмиш. Пойгакда ўтирган машҳур созандалар жон олувчи дилрабо куйлар чалармиш, хонанинг тўридаги ҳарир парда орқасида эса ярим яланғоч нозанинлар зеб-зийнатларини ёқимли жаранглатиб, нозу карашмалар билан минг мақомда хиромон қилармиш... Тўсатдан эшикда амир Султон Жондор тархон кириб, саждага бош эгармиш. Шаҳзода амир Жондорни кўриб, ўрнидан туриб кетармишу:

—Ушланглар бу фитначини!—деб бақирармиш.—Бу каззоб доруссалтанада яшириниб, бизга чоҳ қазиб юрган-дур!

Тўрда ўтирган бир неча амирлар ўринларидан сакраб туриб, қиличларини яланғочлар эмиш. Лекин амир Жондор бунга парво қилмай, шаҳзодага юзланиб яна таъзим қилармиш.

—Пуштипаноҳим! Фақир фитна-фасоддан йироқ садоқати зоҳир қулингиздурмен!—дермиш.

—Содиқ қулим бўлсанг қайларда юрибсен, баттол?—деб бақирар эмиш шаҳзода.

—Садоқати зоҳир қулингиз сиздай валинеъмат пуштипаноҳимга кийик овлаб, тоғларда юрган эдим. Букун бир кийикнинг бошини келтирдим! Уни есангиз барча ғурбат, барча хасталикдан фориг бўлиб, қушдай енгил тортасиз, давлатпаноҳ!—Амир Жондор шундай деб, эшикдан кимнидир имлаб чақирармиш. Хонага дастурхон ёпилган катта олтин баркаш кўтариб, нотаниш бир навкар кириб келармиш. Амир Жондор унинг қўлидан баркашни олиб, шаҳзодага узатармиш:

—Барча дардингизга даво бўладур, татиб кўринг, давлатпаноҳ!

Шаҳзода баркашни олиб, дастурхонни очармиш. Олтин баркашда... қонга бўялган унинг ўз боши тиржайиб ётармиш!.. Баркаш қўлидан тушиб, қонга бўялган боши ерга юмалаб кетармиш...

Шаҳзода дод солиб қичқирганича... уйғониб кетди. У тушидагина эмас, ўнгида ҳам дод солиб бақириб юборди чамаси, чанг ва сетор овози келаётган ёндош хонадан балхлик саройбон билан яна бир маҳрам югуриб чиқди. Улар чиққанда, шаҳзода, ўнг қўлида яланғоч қилич, чап қўли билан айвоннинг устунини қучоқлаганича сармаст одамдай чайқалиб турар, унинг бу туриши, олазарак кўзлари, бутун важоҳати шундай мудҳиш эдики, югуриб чиққан саройбон билан маҳрам яқин келолмай бўсағада тўхтаб қолишди.

—Сиз... сизга не бўлди, давлатпаноҳ?

Балхлик саройбоннинг таниш овози шаҳзодани хиёл ҳушига келтирди. У ҳозир кўрганлари туш эканини энди-гина тушуниб, бўшашиб кўзини юмди. Лекин кўзини юмиши билан нигоҳи олдига яна олтин баркашда тиржайиб ётган ўз боши келиб, бир ирғиб тушди-ю, қилич яланғочлаганича қаршисида турган саройбон томон юрди. Саройбон билан унинг орқасига яшириниб олган маҳрам, саросима ичида, ўзларини четга олишди. Бошидаги тождор телпаги бир томонга оғиб кетган, кўзлари қинидан чиқаёзган шаҳзода гандираклай-гандираклай чароғон хонага кирди. Пойгакда қути ўчиб турган бир неча машшоқ ва хонандалар уни кўриб, ўзларини зинадан пастга отдилар, тўрда, ипак парда орқасида бир-бирларининг пинжларига кириб олган канизақлардан бири додлаб юборди.

—Йўқол!—бақирди шаҳзода пойгакда тўхтаб.—Йўқол бу даргоҳдин!

Ярим яланғоч канизлар, гўё ҳурккан кийиклардай, бир-бирларини туртиб-суришиб, мрамар зиналардан пастга отилишди.

Шаҳзода уларнинг диркиллаган оппоқ танларидан кўзини олиб қочаркан: "У ерда ҳам яланғоч канизлар, бу ерда ҳам яланғоч канизлар,—деган фикр хаёлидан ўтди.—Эй дариг! Тушимми бу ўнгимми? Бошимда яна не савдолар бор, халлоқи олам!..."

Чароғон хона уни хиёл ўзига келтирди. У қиличини қинига солиб, хонанинг ўртасида тўхтади. Лекин юраги ҳамон гурс-гурс урар, нафаси етмай ҳансирап эди...

"Оллога шукурким, туш экан. Туш! Лекин қонга бўялган ўз боши!.. Эй, дариг! Осий банданг бошига тагин не савдолар соласен? Тақдир нени раво кўрадур?"

"Тақдир" сўзи шаҳзодага негадир мавлоно Али Қушчини эслатди.

"Филҳақиқат, ул жомииул улум¹ зойича кўриб, шаҳзодадининг тақдирини сўзлаб бермоғи лозим эди!"—Шаҳзода кўзлари бежо ёниб, эшикда қотиб турган занжисифат саройбонга қаради.

—Дарҳол Кўксаройга чопар йўлла! Мавлоно Али Қушчини олиб қайтсин!

—Давлатпаноҳ!—Айвон эшигида турган саройбон журъатсизгина одимлаб, ичкарига кирди.—Тун ярмидан ошмиш. Доруссалтана дарвозалари ёпилгандур!

Шаҳзода қалтироқ босиб, унга томон юрди.

—Чопарнинг илкига ёрлиқ битиб, муҳр босиб бер! Ёхуд ўзинг бирга бор! Бас! Мавлонони ер остидан бўлса-да, дарҳол топиб келасен. Уқдингму?

Саройбон жимгина бош эгганича пастга тушиб кетди.

Шаҳзода ҳолсизланиб деворга суянди. Мудҳиш кўрқув уни қарахт қилиб қўйган, у ҳолдан тойиб "шилқ" этиб йиқилиб тушишга тайёр, лекин йиқилиб тушишдан кўрқар, зеро, кўзини юмса олтин баркашда қонга беланиб тиржайиб ётган ўз бошини кўришини билар эди. Нигоҳи олдидан кетмаётган бу даҳшатли манзарани унутиш умидида у яна бир пиёла май ичди. Лекин аксига олиб, бу сафар мусаллас унинг юрагини баттар увиштирди. У гўё эшикдан ҳозир амир Жондор кириб келадигандай, кириб келиб дастурхон ёпилган машъум баркашни узатадигандай, яна бир лаҳза гаранг бўлиб турди. Бугун вужуди қулоққа айланиб, пастдаги овозларга қулоқ солиб қотиб тураркан, олазарак кўзлари тўсатдан токчадаги китобларга тушди. Айвонга чиқадиган эшикнинг устидаги қуббасимон токчага терилган бу китобларга, афгидан, ҳеч ким тегмаган, уларнинг кўк, сариқ, қизил чарм жилдлари олтин қандилга терилган шамлар шуъласида хил-хил жило таратиб камалакдай товланарди.

Шаҳзода нигоҳи олдидаги совуқ манзарани қувиш умидида кўк чарм жилдига зарҳал безак солинган қалин китобни олди: Низомий Ганжавий!..

¹ Жомииул улум—барча илмлар эгаси.

Шаҳзода ёшлигида, мадрасада таълим олиб юрган чоғларида Низомийнинг мусиқадайд тиниқ шеърларини, пурҳикмат ривоятлари ва дostonларини кўп мутолаа қилган эди. Шу сабабданми, шаҳзоданинг дилида умидга ўхшаш қандайдир бир нарса "милт" этди. Гўё хаёлини чулғаб олган мудҳиш жумбоққа Низомий Ганжавийдан жавоб топадигандай шоша-пиша китобни очиб, биринчи мисраларига кўз югуртирди, югуртирди-ю, худди бошига оғир гурзи тушгандай чайқалиб кетди. Кўз олди қоронғилашиб, кўк чарм жилдлик оғир китоб, худди тушида кўрган олтин баркашдай, қўлидан сирпаниб тушиб, йиртиқ варақлари гиламга сочилиб кетди...

Ё раб! Ҳозир китобни очганда дафъатан кўзи тушган илк мисралар... тушида кўрган қонли калладан ҳам даҳшатли эди... Шаҳзода юрагини чангаллаганича кўзини юмди, лекин зарҳал ҳарфлар билан битилган сирли мисралар худди бояги қонли калладай кўз олдидан кетмай, оловдай ловиллаб турарди. Шаҳзода дилига даҳшат солган бу икки байтни охиригача ўқидими, йўқми, ўзи ҳам билмас эди. Лекин ундаги "Падаркуш, тожу тахт, олти ой..." деган сўзлар худди қиздирилган темир билан ўйиб ёзилгандай миясини жаз-жаз куйдириб, нигоҳи олдида ял-ял ёниб турарди. "Падаркуш... тожу тахт... олти ойдан ошмайду..."

"Унинг тахтга ўтирганига неча ой бўлди?.. Шаъбон ойи эди. Букун раббуул аввал... олти ой... бўлмиш!"...

Шаҳзода турган жойида гиламга тиз чўкиб, саждага бош қўяркан, кўксидан аччиқ фарёд аралаш бир нидо отилиб чиқди:

"Осий бандангга ўзинг шафқат қилгайсен, эй парвардигори олам! Ва лекин ёзуғим недур? Қудратингга шак келтириб, ҳақ йўлидан тойган ул бетавфиқ галаи сакларни қатлу ом қилганимми? Бединлар битган макруҳ китобларни ўтга ёққанимми?.. Осий бандангга аён қил, ёзуғи недур унинг, недур?"

Шаҳзода ер ўпганича кўкка тавалло қилиб, раҳм-шафқат тилар, юм-юм йиғлаб, телбаланиб алланималарни сўзлар эди...

Раббуул аввал—1450 йил май ойига тўғри келади.

Мавлоно Али Қушчини тун ярмида уйғотишганда унинг хаёлидан: "Тагин шаҳзодами? Тагин зойича кўриб, тақдирини айтиб беришми?" деган фикр ўтди. Али Қушчи умри бино бўлиб, илми нужум билан шуғулланмаган, зотан башорат қилиш одати бўлмагани учун бу учрашувдан ийманар, икки ҳафтадан бери уни яхши парвариш қилиб, умид билан кутиб ётган шаҳзодага тайинли бир гап айтолмаслигини ўйлаб, виждони қийналар эди. Мана энди ўша оғир кун келди. Лекин, ажабо: Али Қушчини уйғотишган ясовуллар уни саломхонага бошламасдан Кўксаройдан ташқарига олиб чиқишди, дарвозада тайёр турган арабий аргумоқлардан бирига миндиришиб, Регистон майдони томон от чоптириб кетишди.

Кундузги илиқ ҳаво бузилиб, кучли шамол кўтарилган, осмонни қора булут қоплаган, кимсасиз кўчалар жимжит эди.

"Бу қоронғи тунда уни қаёққа олиб борадилар? Мақсадлари не бу суворийларнинг?"—Али Қушчининг кўнглида совуқ бир шубҳа уйғониб, бадани жимирлаб кетди. Лекин хиёл мулоҳаза қилгач, ичида кулимсираб қўйди: "Бошингга не савдолар тушмасин, бу кўрганингдан ёмон бўлмас. Нечун титрайсен, мавлоно?.."

Олдинда от чоптириб кетаётган навкарлар Кеш дарвозасидан чиққач, чапга бурилишди, кейин қандайдир жарликлардан, сувсиз хандақлардан, ариқлардан ўтиб боғ ва экинзорларни оралаб кетишди. Шу йўсин анча юргач, катта йўлга чиқишди. Чиқишлари билан Али Қушчининг юраги яна бир ҳаприқиб тушди: бу йўл тўғри расадхонага олиб борар эди!.. Наҳот уни расадхонага олиб борсалар? Муддаолари не?

Йўқ, олдинда от чоптириб кетаётган сипоҳлар расадхонага етмай яна чапга, "Боғи майдон" томон бурилишди. Боғнинг усти берк дарвозахонаси олдида Али Қушчини балхлик занжисифат саройбон қарши олиб ичкарига бошлади. Саройбон оғиз очиб бир нарса демади, лекин унинг индамаслиги яхшилиқдан дарак бермас, зимистон тун қўйнида ўрмондай шовиллаётган бу улкан боғда нимадир рўй берган эди.

"Чил устун" кошонасининг биринчи ошёнасида милт этган чироқ кўринмас, фақат тепадаги битта даричадан ёруғ шуъла қуйилиб турар, лекин ичкарида "тиқ" этган товуш эшитилмас, муаззам кошона улкан дахмадай теран сукут сақларди.

Мармар зиналардан юриб, иккинчи ошёнага чиққан саройбон эшик олдида тўхтаб, Али Қушчини кутиб турди. Али Қушчи чиқиб боргач, эшикни оҳиста очиб, нечундир унга йўл берди. Ичкарига биринчи бўлиб кирган Али Қушчи пойгакда ҳайрон бўлиб тўхтади. Ўртага хонтахталар қўйилиб, ипак кўрпачалар тўшалган, тўрига эса ҳарир нимпушти парда осилган серҳашам хона дафъатан бўм-бўшдай туюлди унга. Иккинчи дақиқадагина у хонтахтанинг орқасида қиблага қараганча саждага бош қўйиб, ер ўпиб ётган бир одамни кўрди. Лаблари алланималарни пичирлаб ер ўпиб ётган бу одам... шаҳзода Мирзо Абдуллатиф эди! Хонтахтанинг бу томонида, айвонга чиқадиган эшик олдида кўк жилдлик қалин бир китобнинг йиртилган варақлари сочилиб ётарди.

Али Қушчи ҳайрон бўлиб саройбонга қаради. Саройбон шаҳзодани калака қилгандай афтини буриштирди-да, олдинга ўтиб:

—Давлатпаноҳ...—деди журъатсиз бир товушда.—Мавлоно Али Қушчи келдилар...

—А?—шаҳзода ялт этиб қаради. Унинг сўник, заҳил қузида, қайчиланмаган соқол-мўйловларида ёш томчилари милтираб турарди.

—Э-э, ҳа, мавлоно Али Қушчи! Хуш келибсиз, мавлоно, хуш келибсиз...—Шаҳзода шоша-пиша ўрнидан турди, белидаги қиличи билан хонтахтани шарақлатиб уриб, олдинга ўтди-да, тавозе билан салом берди.

—Сизни кўрмоқдан бисёр хурсандмен, мавлоно, бисёр хурсандмен...

Шаҳзоданинг дудуғланиб гапирган гаплари ва хатти-ҳаракатларида телбаларга хос кишини чўчитадиغان бир нарса бор эди. Лекин бу—тунов кунги жиннилик эмас, бошқача, мудҳиш бир телбалик эди!

"Ё тавба! Нечук бу қузғун инсофга келмиш? Фақир кеча "муртад" аллома эдим, буқун нечук "мавлоно" бўлдим?"

Шаҳзода саройбонга қараб ерда ётган китобга ишора қилди, гўё китоб эмас, чаённи кўраётгандай ижирганиб:

—Буни олиб ўтга ташла!—деб амр қилди.

Саройбон гиламда сочилиб ётган варақларни йиғиштириб китобнинг орасига солди-да, индамай хонадан чиқди. Саройбон чиқиши билан Мирзо Абдуллатиф, нам кирикларини пирпиратиб, Али Қушчига юзланди. Овози аллақандай ногирон титраб:

—Соҳиби карам мавлоно!—деди.—Мен сиздан зойича кўрмоғингизни сўраган эдим. Кўрдингизму?

Шаҳзоданинг хушомад аралаш аянчли табассуми сабабми, ё сўнги сўзларни қўрқинқираб айтгани учунми, Али Қушчи юраги "шиғ" этиб, кўзини унинг ёшли нигоҳидан олиб қочди. У ҳозир "йўқ" дейиши билан шаҳзода дарғазаб бўлишини билар эди. Лекин ундан қўрққани учун эмас, нечундир шохи синиб, аянчли аҳволга тушиб қолган бу мажруҳга ачингани учун ҳам аллақандай ийманинқираб:

—Кечиргайсиз, шаҳзода,—деди оҳиста.—Камина тунов куни иқрор бўлган эдим: илми нужумдан беҳабармен...

—Йўқ! Йўқ!—шаҳзода қўрқиб кетиб, орқага тисарилди.—Сиздай алломаи даврон илми нужумдин беҳабар бўлмоғи ғайритабийидур, мавлоно!

Мирзо Абдуллатифнинг овозида, ёш милтираган кўзларида шундай зўр бир илтижо бор эдики, Али Қушчининг хаёлидан яна бояги фикр ўтди: "Бу телбага не бўлди? Нечун бундай титрайди?"

—Надоматлар бўлсинким, камина бу борада маърифатсиз бир авомдурмен,—деди у, шаҳзодага қарамай.—Илми риёзиёт бобидан сўрасангиз, жавоб берамен. Фалакда ситоралар ҳолатидан сўрасангиз, эҳтимол сўзлаб берсам. Ва лекин...

—Юлдузлар ҳолатини билган аллома илми нужумдан ҳам боҳабар бўлмоғи даркор...

—Надоматлар бўлгайким...

—Йўқ! Сиз биласиз! Маним пешанамга нелар ёзилган, салтанатнинг тақдири не бўлур—барини биласиз. Ва лекин айтмоқни истамайсиз!—шаҳзода ўнг қўлини қиличининг бандига қўйганича хонанинг ўртасида қовоғини уйиб турарди. Унинг кўзларидаги бояги изтироб яна ўша таниш шафқатсиз ифода билан алмашди, юпқа лаблари қаттиқ қисилиб, сийрак мўйлови дикрайди. У ҳозир қутуриб: "Саройбон!" деб бақирши ва "Йўқот бу муртадни!" деб буюриши эҳтимолдан холи эмас эди...

"Не қилмоқ керак? Зойича кўрдим. Қўрқманг. Тақдирингиз ёмон бўлмас, десинми? Умри бино бўлиб ёлгон сўзламаган Али Қушчи энди зиндондан қўрқиб, ёлгон сўзлайдими? Билмаган илмини биламен деб, тасалли берадими? Зотан, ўз падари бузрукворига қилич кўтарган куниеқ тақдири аён бўлган бу падаркушга ёлгон сўзлаб кўнглига таскин бермоқ виждонга хилоф эмасми?"

Али Қушчи ўртада серрайиб турган шаҳзодага ер остидан бир қараб қўйди. У ҳамон шаҳзоданинг "қутуриб" телбаларча бақиршини кутарди. Лекин шаҳзода тўсатдан юзини кафтлари орасига яшириб:

—Нечун раҳм қилмайсиз, мавлоно?—деди йиғламсираб.—Наҳот ғанимларимнинг фисқи фужур сўзларига инонсангиз? Устодингиз бўлмиш ул зотнинг пешанасига ёзилгани шу бўлса не чора? Ул зотга суиқасд қилган барча қузғунларни қатл қилдириб, қасос олдим. Бошқа не қилай? Ёзуғим не маним? Агарчи куфр китобларни ўтда ёндирган бўлсам... ҳақ йўлида, дини ислом йўлида ёндирганмен...

Шаҳзода "куфр китоблар" дейиши билан Али Қушчининг қалбида милтираб турган аллақандай нур сўнди-қолди. У: "Бу китоблар куфр эмас, салтанат кўкида порлаб турган бир машъал эди. Сен бу машъални сўндириб, эл-улусни ҳам, ўзингни ҳам абадулабад зулматга маҳкум этдинг, эй нобакор!" дегиси келди-ю, шаҳзоданинг унсиз титраб йиғлаётганини кўргач, қалбида уйғонган туғённи ичига ютди.

—Туш кўрибмен,—деди Мирзо Абдуллатиф тўсатдан.—Бисёр ёмон туш, мавлоно. Бисёр ёмон...

У, гўё бу мудҳиш тушни қайта кўраётгандай кўзларини катта очиб бир нуқтага тикилиб қолди. Сўнг, юзини яна кафтлари орасига яшириб инграб юборди...

Али Қушчи нима қилишини билмай анча турди. У шаҳзодани юпатай деса сўз тополмас, унинг ҳоли қанчалар аянчли эканини сезмасин, дилида унга нисбатан илиқ бир туйғу йўқ эди, айна замонда унинг мажруҳ ҳолатини, нола чекиб тўлғанишларини кузатиб туриш ҳам жуда оғир эди.

—Фақирни кечиргайсиз, шаҳзода,—деди у.—Не чора, фақир расул эмаски, оллодан ваҳий келтириб дилингизга фароғат солсам! Каминага ижозат бергайсиз, шаҳзода...

Мирзо Абдуллатиф жавоб бериш ўрнига тўсатдан турган жойида тиз чўкди-да, қиблага қараб саждага бош қўйди...

Али Қушчи кўнгли бир хил бўлиб, оёқ учида юриб хонадан чиқди, тик пиллапоярлардан бир-бир босиб пастга тушаркан, шаҳзоданинг:

—Ёзуғим не маним, эй парвардигори олам!—деб инграганини эшитиб юраги зирқираб кетди-ю, қадамини тезлатди.

Пастда, зинадан тушган жойида, қўлларини орқасига қилиб, асабий айланиб юрган балхлик занжисифат саройбон Али Қушчига савол назари билан қаради. Али Қушчи "ҳайронман" деб елкасини учирган эди, саройбон: "Ақлидан озган", деган маънода тилла узукли шаҳодат бар-

моғини чаккасига ниқтади-да, шартта бурилиб, ён эшикдан ичкарига кириб кетди. Саройбон эшикни очганда ичкаридан канизларнинг шўх кулгиси, зеб-зийнатларнинг нафис жаранглаши эшитилди-ю, эшик ёпилиши билан янги тинди. Ажабо: саройбон уни на ичкарига таклиф қилди, на посбонлар қўлига топширди.

Али Қушчи ҳайрон бўлиб боққа чиқди. Атроф ёришиб қолган, кўкдаги булутлар сийраклашган, осмоннинг артилган шишадай тиниқ жойларида сўнгги юлдузлар милтираб турар, кечаси ёмғирда чўмилган катта боғ булбулларнинг хонишига тўлиб кетган эди... Кошона олдида ҳеч ким кўринмас, фақат гулзор ўртасидаги тепаси гумбазсимон, ҳаворанг шийпонда кечаси уни Кўксаройдан олиб келган икки сипоҳ устунларга суяниб мудрашарди. Али Қушчи бирпас ҳайрон бўлиб тургач, қизил қум сепилган хиёбондан юриб боғ оралаб кетди. Унинг фикри ёди ҳамон шаҳзодада эди, кўз олдида ҳамон унинг ёш билан ювилган аянчли чеҳраси турар, қулоқлари остидан зорли нидоси кетмас эди.

"Ҳайҳот! Ким айтмиш, бу норасо дунёда ҳақ ва адолат йўқ деб! Бор! Кимки, бу дунёда ёмонлик қилса—хоҳ шоҳ бўлсин, хоҳ гадо—у жазосиз қолмайди! Инсонга ақл ва шуур шу мақсадда берилганким, у бу теран ҳақиқатни тушунсин! Кимки бу ҳақиқатга тушунмай, адолатсизлик йўлини тутар экан, охири вой бўлиши муқаррар!.. Мана, шаҳзода! Тожу тахт ва шон-шавкат ишқида ўз падарини қатл қилишдан ҳам тоймаган эди. Алломалар сарвари ёққан илм машъалини сўндириб, Мовароуннаҳрни зулмат қўйнига ташлаган эди. Оқибати не бўлди? Ҳа! Бу фоний дунёда ҳам ҳақ ва адолат бордур. Бандан мўъминларга қатлу қирғин келтирган, меҳр-шафқат ўрнига жабру жафо, илми маърифат ўрнига зулмат уругини сочган ҳеч бир кимса интиқомсиз қолмайду!.."

Али Қушчи дукур-дукур оёқ товушларини эшитиб ўгирилиб қаради. Боя ҳаворанг шийпонда мудраб ётган ясовулларнинг бири унга томон югуриб келарди.

"Яна шаҳзодами? Яна зойичами?"

Йўқ, ясовуллар уни "Чил устун"га эмас, дарвозага бошлашди. Дарвозада толларга боғланган отлар шай турарди. Али Қушчи ясовуллар ёрдамида отга минаркан, хаёлидан: "Яна Кўксаройгами?—деган фикр ўтиб, вужуди ачишиб кетди.—Ҳа, Кўксаройга. Лекин икки ҳафта ётган ёруғ хонага эмас, ўшал жаҳаннамга, совуқ гўрга тиқишар сени!"

Али Қушчи, икки ёнида икки ясовул, отини йўрттириб бораркан, гўё олам билан видолашаётгандай чор атрофига—йўл бўйдаги юксак сарвларга, кечаси ёмғирда чўмилган боғларга, адирларни қоплаган ҳўл майсаларга, мусаффо осмонда милт-милт ёнган сўнгги юлдузларга суқланиб қарар, қараб тўймас эди.

Ё раб! Мунчалар фусункор экан бу олам! Ариқ бўйларида гўё маъсум келинчаклардай бош эгиб турган мажнунтоллар, япроқларида шудринг томчилари ялтираган оқ тераклар, чакалакзорлардаги қушлар нағмаси, теварак-атрофдан элас-элас қулоққа чалинаётган қўй-қўзилар маъраши, майса ва дашт гиёҳларининг муаттар нафасига қўшилиб эсан аччиқ тутун ҳиди... Наҳот бунинг ҳаммасидан маҳрум бўлиб, тагин ўшал мудҳиш гўрга тушса?..

Тўсатдан ҳаммаёқ тасир-тусир бўлиб кетди. Юраги ўйнаб кетган Али Қушчи икки томондаги қамишзор жарликлардан от солдириб чиққан тўрт нафар суворийни кўрди. Юзларига қора чарм ниқоб тутиб, бошларига ағдарма телпак кийган бу суворийлар, қилич ўйнатганларича, қуюндай ёпирилиб келдилару, довдираб қолган ясовулларнинг бошларига қоп ташлаб гип бўғиб олдилар. Али Қушчи ҳушига келгунча суворийларнинг бири отини жиловидан олиб, пастга, жарликка етаклади. "Қароқчисимон бу йўлтўсарлар ким? Қуюндай ёпирилиб қайдан келди?"

Туя бўйи келадиган қамишзорга киришлари билан олдинда бораётган суворий юзидан қора чарм ниқобини юлиб олди.

—Қаландар Қарноқий!

—Устод!

Қаландар отда энгашиб, қулочини ёзди:

—О, устод, устод! Ниятимиз пок эканми, дийдор кўришмоқ насиб бўлди!

Али Қушчи ҳамон ҳушини йиғолмай, Қаландарнинг серсоқол юзига, ёш милтираган кўзларига ҳайрат билан тикиларкан, юраги яна жиз этди: қамишзор орасидан Мирам Чалабий билан Мансур Коший чиқиб келишди.

—Мирам, ўғлим! Мансур Коший!

—Устод!

Қаландар Али Қушчини қўйиб юбориб, ясовулларни чакалакзорга судраб тушган ниқобли йигитларга юзланди.

—Чилвир билан бутага боғланглар. Тезроқ, Қалқонбек! Фурсат зиқ, Босқонбек!

Ниқобларини ечмаган йигитлар бошларига қоп кийдирилган ясовулларни буталарга боғлаб бўлишлари билан, Қаландар отига қамчи босди.

—Кетдик, устод, фурсат зиқ!

Қаландарнинг шошилиши бежиз эмас, осмонда юлдузлар сўниб, теварак-атроф ёришиб қолган эди. Лекин улар чапга бурилиб, юз қадамча юрмаган ҳам эдилар, "Боғи майдон" томондан от туёқларининг дупири эшитилди-ю, қамишзор орасида тўхташга мажбур бўлишди. Сал ўтмай, юқорида, оқара бошлаган уфқда, катта йўлдан от чоптириб ўтаётган ўн нафарча суворийлар кўринди. Шу пайт, рўпарада, катта йўлнинг у юзидаги тепаликда ҳам бир гуруҳ отлиқлар пайдо бўлди. Тепаликда бирдан пайдо бўлган бу отлиқлар, қўлларидаги яланғоч қиличларини бошлари узра ўйнатишиб, ваҳимали қийқириқ билан ёпирилиб келишарди. Тепадан қора тўфондай ёпирилиб тушаётган суворийларни кўрганда "Боғи майдон" томондан келаётган отлиқлар саросимага тушиб тўхтаб қолишди, олдинги суворийлар эса отларининг бошларини орқага буришди.

"Шаҳзода!"—хаёлидан ўтди Али Қушчининг.

Ҳавода қиличлар ярқираб, отларнинг зорли кишнаши борлиқни зир титратди.

—Кетдик, устод. Бу ерда турмоқ хатарлидур!—Қаландар Қарноқий Али Қушчининг отини етакка олиб илгарилаб кетди. Али Қушчи кўзини чирт юмиб олди, лекин қанча уринмасин, нигоҳи олдидан "Чил устун"да қиблага қараганича ер ўпиб ётган шаҳзода кетмас, қулоқлари остида ҳамон унинг аянчли йигиси янграр эди: "Туш кўрдим, мавлоно... Бисёр ёмон туш..."

Катта йўлда ҳамон қиёмат-қойим давом этар, қиличларнинг шарақ-шуруғи, отларнинг кишнаши ва одамларнинг ваҳший қийқириқлари эшитилиб турарди...

* * *

Мирзо Абдуллатиф саройбон бошлиқ ўн чоғлик балхлик навкарлари билан "Боғи майдон"дан чиққанида уфқ оқара бошлаган, теварак-атроф ёришиб қолган эди. Лекин кечаси билан мижага қоқмаган, кўз олдини қандайдир туман қоплаган шаҳзодага ҳаммаёқ, ҳатто ёмғирдан кейин бўлакча тиниқлик касб этган мусаффо осмон ҳам қоп-қора гуюлиб, эти увишиб кетди. У олдинда от чоптириб бораркан, йўл бўйидаги сарвлар панасида, икки томондаги

жарликларда аллақандай кўлагалар изғиб юргандай туюлиб дам-бадам сесканар, гоҳ отининг жиловини тортар, гоҳ олазарак бўлиб, ёнидаги навкарларига қарарди.

Аксарияти балхлик, ўнг қулоқларига тилла исирға тақиб, бошларига сурмаранг салла ўраган қушбурун, занжисифат маҳрамлари эса, у қараганда кўзларини олиб қочар, отларининг бошларини тортиб, орқага тисарилар эди. Ҳар сафар тик қарашга журъат этмай орқага тисарилган бу навкарларини кўрганида шаҳзода қиличини қинидан суғуриб олиб, уларнинг устига от солдириб боргиси келар, лекин бундай қилишга фурсат йўқ, у Кўксаройга ошиқар эди. Назарида, доруссалтананага етиб, Кўксаройга кириб олса бас, кечаси кўрган туши ва ҳамон кўз олдида турган мудҳиш манзарадан халос бўладигандай туюларди.

Ана олдинда, Афросиёб қирлари устида, уфқни тўсган кунгурадор девор ҳам кўринди. Девор тагидан чуқур хандақ ўтади. Хандақ сувсиз, ундан ўтилса бас... Лекин худди шу пайт, олдинда бораётган шаҳзода хандаққа яқинлашиб қолганида, ўнг қўлдаги тепаликда бир гуруҳ суворийлар пайдо бўлди.

Ҳаммаси бир хил қора чакмон ва қора телпак кийган, баъзилари юзларига қора ниқоб тутган бу қора гуруҳ, тепада бир дақиқа от ўйнатиб турди-да, қора тўфондай ёпирилиб кела бошлади...

Юрагини чулғаб олган мудҳиш туйғу шаҳзодани карахт қилиб қўйди. У тепадан ёпирилиб тушаётган қора гуруҳ тобора яқинлашаётганини, ўз навкарлари эса, отларининг бошларини буриб, тасир-тусир қочаётганини сезиб турар, лекин, худди илоннинг сеҳрига илинган бақадай, сурон солиб келаётган суворийлардан кўзини ололмас, жойидан жилолмас эди.

Ана, қийқириқлари оламни тутган қора тўфон пастдаги хандаққа етди. Тўфоннинг олдида бир-бирларининг отларини қамчилаган икки суворий келарди. Ниқобларини юлиб олган бу икки суворийнинг бири... амир Султон Жондор эди. Иккинчиси... ё раб! Худди тушида баркаш кўтариб кирган навкарга ўхшаган бу иккинчи суворий... кўпдан бери фитна кўзгаб қочиб юрган Бобо Ҳусайн Баҳодир эди!..

Шаҳзода жонҳолатда отининг бошини бурди, лекин қочиб бораётган навкарларига яқинлашиб қолганида, тўсатдан елкасига зарб билан қадалган ўқ-ёй уни букчайтирганича эгардан ағдарди...

"Наҳот куни битган бўлса? Наҳот тожу тахт, салтанат, шон-шавкат—баридан айрилган бўлса?"

Бутун оғирлиги билан гурсиллаб қулаган шаҳзода юрагига санчилган оғриқдан тўлганиб кўзини очди... Ҳудудсиз осмон, гўё қонли уммондай қирмизи тусга кирган, кўз қамаштирган бу мудҳиш уммон қаърида лахча чўғ булутлар сузиб юрарди... Шаҳзода ҳолсизланиб кўзини юмаркан, тўсатдан қонли булутлар орасидан чиқиб келган... падари бузрукворини кўрди.

Эғнида ял-ял ёнган зарбоф тўн, бошида гўё қонга бўялгандай қип-қизил салла, ҳатто соқол-мўйловлари ҳам қип-қизил Мирзо Улуғбек, кўзларида ёш, худди қанот ёзгандай қўлларини ёзиб, унга томон оҳиста тушиб келарди...

Оламни от туёқларининг дупирию қандайдир қаҳрли сурон тутган, бу сурон орасидан отасининг мунгли овози аниқ эшитилиб турарди.

"Жигаргўшам, болам! Пуштикамаримдан бўлган зурри-ётим! Падаринг бошига етган бу қузғунлар сенинг бошингга ҳам етибдур. Не чора? Ота-бобонгга вафо қилмаган бул машъум тожу тахт сенга ҳам вафо қилмайдур, дедим. Сўзимга инонмадинг. Не қилай, болам?.."

Оламни тутган қаҳрли сурон яқинлашиб келмоқда, кўз ёши аралаш бу мунгли овоз эса, аксинча, тобора узоқлашмоқда эди... Шаҳзода, гўё отасини тўхтатмоқчи бўлгандай бор кучини йиғиб талпинди, талпинди-ю, боши узра кўтарилган яланғоч қилични кўриб, кўзини юмди, юмаркан:

"Туноҳқор фарзандингизни кечиргайсиз, бузруквор!" деб пичирлади.

26

Қаландар Қарноқий йўлга чиққанида тун ярмидан ошган эди. У барвақтроқ йўлга тушмоқчи эди, лекин қабристондан қайтган Али Қушчи ғорнинг энг ичкарисига ўтиб, юзтубан тушиб ётиб олди-ю, Қаландар уни безовта қилишга журъат этмади.

Устодни қабристонга Қаландар ўзи бошлаб борди. Гиллабининг вафотига бир ой тўлмаса ҳам, унинг қабри кўм-кўк майса билан қопланган эди... Устод энасининг қабри тепасида намози асрдан то қора шомгача қимир эммай ўтирди. Қаландар унинг аллақандай чўкиб қолган

чўпдай бўй-бастига, кўзлари юмуқ, соқол-мўйлови кўз ёшларидан нам, унсиз йиғисига четдан қараб ўтираркан, нечундир узоқ Қарноқда, "Қоровул тепа" остидаги кўҳна қабристонда қаровсиз ётган ўз энасининг қабри эсига тушиб томоғи гип бўғилди.

Устод гўристонда ҳам, йўлда ҳам бир оғиз гапирмади, лекин Қаландар унинг унсиз изтиробларини бутун вужуди билан ҳис этар, ҳис этгани учун ҳам на тасалли беришга тили боради, на рухсат сўрашга...

Фурсат ўтиб бормоқда, горга йиғилган қўни-қўшни темирчи ва чилангарлар, Қаландар билан хайрлашмоқчи бўлиб келган Қалқонбек билан Босқонбек—ҳамма сукутга чўмган эди. Қаландар босқон ёнида хаёлга толиб ўтирган устага қаради. Уста унинг аҳволига тушунди чамаси, қоронғи бурчакда ётган мавлононинг ёнига бориб, алланималарни айтди. Устод ўрнидан турди, лекин шу пайт эшик тақиллаб, мавлоно Коший билан Мирам Чалабий кириб келишди-ю, Қаландар яна тутилиб қолди.

Мавлоно Кошийнинг айтишича, Мирзо Абдуллатифни қатл қилган фитначилар шаҳзоданинг бошини кесиб, Мирзо Улуғбек мадрасасининг дарвозасига осиб қўйишган эмиш. Фитначилар ҳибсда ётган шаҳзода Мирзо Абдуллонни тахтга кўтарган эмиш. Шаҳарда осойишталик эмиш. Кўплар каламушлардай ин-инларига кириб кетган бўлсада, Регистон майдонига бориб, мудҳиш манзарани томоша қилувчилар ҳам бор эмиш. Хуллас, бировлар бу қатлу қирғиндан қўрқиб, уйларида пусиб ётган бўлса, бировлар беҳад хурсанд эмиш...

Қаландарнинг эсига яна ўша таниш мисралар тушиб, бошини чайқади:

Тотлиғ-тотлиғ еганлар,
Турлук-турлук еганлар,
Олтин тахт ўлтурганлар
Туфроқ аро ётмишлар...

Уста Темур Самарқандий мийиғида кулимсираб: "Туфроқ аро ётмишлар!" деб қўйди.—О, бевафо тожу тахт! Сени деб не-не қатлу қирғинлар бўлмади! Сени деб не-не подшоҳлар ўзларини ўтга урмадилар!

—Аммо, ҳайҳот! Ҳеч бир шоҳ ўзига бундан бир сабоқ олмагандур!—Али Қушчи маъюс бош чайқаб, Қаландарга юзланди: —Ҳар қалай, Мирзо Абдуллонни мўъмин одам, деб эшитган эдим. Эҳтимол, бу падаркуш мустабиднинг тақдири унга бир сабоқ бўлур. Эҳтимол, илм аҳлига

Мирзо Абдуллатифдай бераҳмлиқ қилмас. Бир ой-ярим ой сабр қилгайсен, шоир. Шояд инсофга келиб мадрасани қайта очса. Бирга бўламиз. Бурунгидай толиби илмларга раҳнамолик қиламиз...

Қаландар, гўё ўз дилига қулоқ солаётгандай, бошини ҳам қилиб узоқ ўйланиб қолди. Йўқ, унинг жисми Самарқандда бўлса ҳам, руҳи қачондан бери ўз маскани—олис Қарноқда эди... у хаёлан аллақачон Хуршида бону билан бирга қир ва адирлар оша ўз элига йўл олган, бутун қалби, бутун вужуди билан ўз юртига қараб талпинар эди.

—Ташаккур, устод. Ва лекин элимга кетмасам бўлмас...

—Нечун?—деди Мирам Чалабий ҳаяжонланиб.—Иншооллоҳ, ҳамиша бундай жабр-жафо бўлмас...

Мирам Чалабийнинг сўзига мавлоно Коший ҳам қўшилиб, уни кўндиришга урина бошлашган эди, гапга уста Темур Самарқандий аралашди:

—Ўғлимни ўз ихтиёрига қўйгайсиз, болам. Мусофир юртида султон бўлмоқдан, ўз юртинда ултон бўлмоқ аълодур. Туғилган элнинг тўрғайи ҳам яхши кўринади, дейдилар. Ўғлим Қаландар ўз юртини соғинибди. Унга ижозат беринг, мавлоно!—Уста шундай деб, дуога қўл очди. Устанинг дуойи жонидан кейин Али Қушчи горнинг энг хилват жойига яширинган хуржунни олдириб, Қаландар Қарноқийга бир ҳовуч лаъл ва жавоҳир билан битта қуйма тилла инъом этди.

—Фақирга қилган барча яхшиликларингга минг-минг раҳмат, иним!—деди у овози қалтираб.—Каминадан қайтмаса оллодан қайтгай. Осойишталик бўлса қайтиб келарсен. Иншооллоҳ, дийдор кўришгаймиз!..

Гор олдида иккита от тайёр турарди. Улар сўнгбор қучоқлашиб хайрлашаркан, уста ҳам, мавлоно Али Қушчи ҳам беихтиёр кўзларига ёш олдилар. Буни кўрганда Қаландар ҳам томоғи гип бўғилганини сезди-ю, отига сакраб миниб, уст-устига қамчи босди...

Мана, доруссалтана аллақачон орқада қолди. Кўҳак тоғининг этагида Қаландар Қалқонбек билан Босқонбекка ҳам рухсат берди. Худди ўз укаларидай бўлиб қолган бу оға-инилар билан қучоқлашиб хайрлашди-да, жилга бўйлаб отини йўрттириб кетди. Лекин хаёли ҳамон Самарқандда. Кўз олдидан ҳамон устоднинг ғамгин чеҳраси кетмас, қулоқлари остида ҳамон устанинг ҳаяжонли гаплари, берган оқ фотиҳаси янграб турарди.

У гўё шаҳарнинг ҳар бир даҳаси, ҳар бир гузари, ҳар бир кўчасига кириб чиқар, хаёлан гоҳ расадхона билан, гоҳ салкам йигирма беш йил тупроғини ялаб ўтган Улуғбек мадрасаси билан видолашар эди... Салкам йигирма беш йил! Ўсмирлик пайтида келган осий банда мана энди қирқдан ошди. Соч-соқолига оқ тушди... Бу орада бошига не гурбат, не кулфатлар тушмади. Лекин ҳақ таолога шукурким, гоҳ бошига уқубат солса, гоҳ иноятини дариг тутмади: шу шаҳарда у илм зиёсидан баҳраманд бўлди, шу шаҳри азимда Мирзо Улуғбек билан мавлоно Али Қушчидай алломаи замонларга шогирд тутиниб, уларнинг меҳр-муҳаббатларига мушарраф бўлди... Яна ҳақ таолога шукурким, у хиёнат йўлига кирмади, ўз устодлари олдидаги шогирдлик қарзини узди. Сўнгги бир-икки ҳафта, хусусан, илоннинг ёғини ялаган Қашқир қайгадир йўқолганидан бери, Қаландар ўзини қўярга жой тополмай қолган, мавлонони қутқаришдан умидини узган эди. Хайрият, устанинг: "Бу муқарраб-ус султонлар орасида олтинга сотилмайдурғони йўқдур", деган сўзи тўғри чиқиб, бошқа бир ясовул топилди. Шу ясовул ёрдамида кеча, ниҳоят, устодни қутқарди. Мана энди пок виждон билан Хуршида бонунни олиб ўз юртига кетса бўлади. Ҳа, оллога яна бир бор шукурким, бу масканда унга шундай улкан муҳаббат ато қилди... Бу муҳаббат уни қанча-қанча ўт-чўққа ташласа ҳам, охири, иншооллоҳ, бахайр бўлди. Насиб қилса шу букун бонунни олиб узоқ йўлга чиқади... Бир бечора камбағалга шундан бошқа не керак?

Қаландарнинг эсига яна сўнгги учрашув тушиб, кўнгли бир хил бўлиб кетди. У кейинги пайтларда бонунни ўйларкан, ўша кунги иссиқ бўсаларни, қалбида уйғонган бўлакча бир меҳрни, илгари ҳеч қачон ҳис этмаган бахт туйғусини эсламоқчи бўларди. Лекин бунинг ўрнига негадир кўз олдига ҳадеб бонунинг ғамгин чеҳраси келар, кўз ёшларини қулт-қулт ютиб айтган гаплари, "никоҳ хутбасини ўқитинг, шаръий хасмингиз бўлай", деган илтижолари қайта-қайта эсига тушиб, кўнгли алғов-далғов бўлиб кетарди...

Мана ҳозир ҳам, доруссалтанадан чиқибдики, юрагини аллақандай мубҳам туйғулар, теран бир мунг чангаллаб олди. Бу ноаниқ ҳислар, бу чексиз қайғу айрилиқданми, бошқами—Қаландар буни изоҳлаб беролмас, лекин қанча уринмасин, ундан қутула олмас, доруссалтанадан узоқлашган сайин юрагини зирқиратган бу оғриқ тобора ортиб борарди...

Қаландар бошидаги телпагини тўғрилаб, осмонга қаради. Боя хуфтонда қуюқлашган булутлар тарқаган, бахмалдай майин, тиниқ осмон юлдузга тўлиб кетган эди... Ана, энг тепада, зардай сочилиб ётган Сомон йўлининг устида, Дубби акбар ситоралари битта-битта бўлиб чарақлаб турибди. Ундан пастроқда Ҳулкар юлдузлари ўчоқдаги қўрдай гуж бўлиб милтирайди. Зухро юлдузи ҳали кўринмайди, лекин тонг яқин, олис-олисларда итларнинг ҳуриши, хўрозларнинг қичқирғи эшитилади... Ана, ўнг томондаги тоғ чўққилари чўғдай яллиғланиб, Самарқанд нонидай юм-юмалоқ тўлин ой кўринди. Ой чиқиши билан борлиқ бўлакча бир улуғворлик касб этди, қирлар, адирлар, жилға бўйидаги тўқайзорлар—ҳаммаси нотаниш ва аллақандай сирли бир оламга ўхшаб кетди...

Қаландар отининг бошини қирга бурди... Ажабо: сўнгги икки ҳафтада қирлардаги майсалар тиззага келган эди... Қаландар Қарноқийнинг юртида кўклам сал кеч келади. Эҳтимол у ёқларда ўт-ўланлар тиззага келмагандир, лекин ям-яшил қирларда, Сайхун бўйларидаги чексиз даштларда ҳанузгача лолақизғалдоқлар очилиб ётгандир!..

Қаландар Қарноқий Хуршида бону билан бу қирлардан от чоптириб ўтишини, қизил гиламдай тўшалган қизғалдоқлар, адирлар оша суюкли қишлоғига кириб боришини ўйлади. Ўйларкан, кўнглидаги губор хиёл тарқаб, дили ёришгандай бўлди.

Ой чиққани учунми, сал ўтмасданоқ уфқ оқариб, тоғ чўққилари устида Зухро юлдузи чарақлади. Қаландар таниш сойга тушганида теварак-атроф ёришиб, тепада қишлоқ боғлари кўзга чалинди.

Қаландар отдан тушиб юз-қўлларини ювди, таҳорат олиб, бомдод намозини ўқиди, сўнг, юраги яна аллақандай увишиб, отга минди. У ҳар сафар шундай бўлади, сойдан ўтиб қишлоққа яқинлашаётганида висол орзуси билан йўғрилган нотинч бир ҳис ёпирилиб келиб, соғинган қалби бетоқат питирлаб қолади. Букун у хиёл барвақтроқ келди. Эҳтимол, бону ҳали уйқудан турмагандур? Иссиқ тўшакда маъсум гўдакдай тиниқ нафас олиб ухлаб ётгандур!..

Ё раб! Бу не?..

Қаландар Қарноқий тепада, Бобомурод ота ҳовлисининг деворлари олдида от ўйнатиб турган беш-олти нафар суворийларни кўриб, беихтиёр отининг бошини тортди. Олисдан суворийлар улоқ талашаётган чавандозларга ўхшар, бир жойда гир айланишиб, ниманидир тортишар, йиғилган оломон билан олишар эди. Ниҳоят, улардан бири

оқ матога ўралган бир нарсани ердан узиб, эгарига ўнгариб олди-да, даврани ёриб чиқиб, қир бағирлаб от чоптириб кетди. Суворий отининг бошини қирга бураётганида, оқ мато орасидан нимадир сидирилиб тушди-ю, сочилиб кетиб, гўё қора бахмал рўмолдай ҳавода назокат билан ҳилпиради.

"Бону!"—Бу фикр мясида чақмоқдай чақнаган Қаландар арғумоғига қамчи урди. Четан девор ёнида турган эркак-аёл баробар суворийлар орқасидан югуришди. Лекин турнақатор бўлиб кетаётган отлиқлар тобора узоқлашиб борарди.

Қаландар Қарноқий усиз ҳам учиб кетаётган бўлиқ арғумоғини аёвсиз қамчилаб бораркан, фикрлари қуюндай чарх урарди:

"Наҳот сўнгги умиди сўнса! Наҳот кўз очиб кўрган севгилисидан, бу зулмат қаърида порлаган ёруғ офтобидан айрилса? Инсофу адолат қайда, эй парвардигор?"

Ана, биринчи суворий арғумоғини тўхтатиб, оқ матога ўраб-чирмалган, тўзғиган сочлари от туёқлари остида ҳилпираган аёлни—унинг Хуршида бону эканига энди шубҳа қолмади!—бошқа отга миндира бошлади. Оқ матони йиртиб, қўлларини бўшатиб олган бону, суворий билан олишар, ўзини отдан ерга ташлашга уринар эди. Буни кўрган Қаландар арғумоғини қаттиқроқ қамчилади. У суворийларга яқинлашиб қолганда, энг охириги отлиқ ўгирилиб қаради, қаради-ю, жонҳолатда фарёд кўтариб отига устма-уст қамчи босди.

"Қашқир! Даюс!"

Қаландар қиличини қинидан суғуриб олди. Қашқир қичқирганда Хуршида бонунини отга миндираётган суворий ҳам ўгирилиб қаради.

—Амир Жондор!

Қаландарни кўрган амир ҳам навкарларига бир нима деб бақирди. Лекин Қаландар унинг нима деганини эшитмади. У ҳамон дод солганича от чоптириб бораётган Қашқирни қувиб етди-да, оёқларини узангига тираганича бутун кучи, бутун оғирлиги билан унинг дубулға кийган бошига қилич солди. Шартта кесилиб учиб кетган дубулғалик бош от туёқларининг остига тушиб, юмалаб кетди. Қаландарнинг назарида, Қашқирнинг ерда юмалаб бораётган боши мудом чинқираётгандай туюлиб, юраги зирқираб кетди. Лекин ойсимон эгри қиличларини ўйнатиб, устига бостириб келаётган икки суворийни кўриб, ҳушини йиғди. Суворийлардан бири, чамаси,

шаҳзоданинг хорижий навкарларидан бўлса керак, бошига туғлик мис дубулға кийган қора барзанги сипоҳ, эгарга энгашиб олдинда келар, иккинчиси эса, сал орқада қолган эди. Қаландар отини тўғри барзангига солди. Зарб билан тўқнашган икки арғумоқ зорли кишнаб, осмонга сапчиди. Барзанги оёқларини узангига тираб эгри қиличини осмонга кўтарди. Лекин Қаландар отининг бошини чапга бурди-ю, ўнг ёнбошида қолган барзангини бир ҳамла билан отидан учириб юборди. Буни кўрган иккинчи суворий жон талвасасида отининг бошини орқага бурди. Қаландар отини аёвсиз ниқтаб, уни қувиб бораркан, бир зум кўзи амир Жондор билан Хуршида бонуга тушди. Бонуни қўйиб юборган амир, от устида камонини тортиб, ўқ узмоқчи бўлар, бону эса, эгардан йиқилай-йиқилай деб, унга тармашар эди.

"Номард!"

Қаландар қочиб бораётган суворийни ташлаб, отининг бошини амир Жондор томон бурди, бурди-ю, кўксига мислсиз зарб билан қадалган ўқ-ёйни чангаллаганича отининг бўйнига муккасидан йиқилди. Жон талвасасида отининг ёлига тармашаркан, бонунинг: "Мирзам!" деган фарёди қулоғига чалингандай бўлди.

"Хуршида! Бону... Шарый манкуҳам!.." хаёлидан ўтди унинг. Ҳолсизланиб отдан сирпаниб тушаркан, нечундир кўз олдига олис Қарноқ қирларидаги гўристон, гўристон четидаги отасининг қабри тепасида йиғлаб ўтирган синглиси келди. Сўнг, осмону замин—ҳаммаси чир айланди-ю, чархпалак бўлиб кетди.

* * *

Хуршида бону бир неча бор ҳушидан кетиб, бир неча бор ҳушига келди. Сўнгбор ҳушига келганида ўз уйлари, ўз хонасида ётганини, тепасида юм-юм йиғлаб ўтирган кекса энагаси билан аллақандай қақшаб-қалтираб қолган бобосини кўрди, кўрди-ю, яна кўзини юмди... Унинг кўз очиб юмганини кўрган энагаси: "Нуридийдам! Гиргиттонинг бўлай, қизалоғим!" деган нидо билан юз-кўзларидан чўлп-чўлп ўпди. Энагасидан кейин бобосининг зорли хитоби эшитилди:

—Бўстонимнинг гули! Боғимнинг булбули! Кўзингни оч, олтиним!..

Кимдир лабига дир-дир титраган чойнак тутди. Хуршида бону қуруқшаган лаблари билан бир-икки қултум

сув ичди, ичаркан, негадир кўз олдига кўксидаги ўқ-ёйини чангаллаганича отнинг бўйнига муккасидан йиқилган Қаландар келди, қулоқлари остида унинг: "Бону!" деб қичқирган товуши янграб кетгандай бўлди-ю, тирноқларига ачишиб бетоқат тўлғанди... Қаердадир олисдан, гўё туман орасидан, бобосининг овози эшитилди:

— Ёнидан жилма, кампир... Ҳовлида амир Жондор кутиб ўлтирибди. Мен табибдан хабар оламен...

Амир Жондор!.. Бонунинг назарида, бу икки сўз мисоли симоб янглиғ қулоқларини тешиб ўтди. Амирнинг мудҳиш иши, бонуни силтаб ташлаб узган ўқи, сўнг, унинг фарёдларига қулоқ солмай, отига ўнгариб олиб қочганлари эсига тушиб, инграб юборди. Ногаҳон миясида бир сўз ярқ этди: "Оғу!"

Ҳа, ҳа, токчада, унинг зеб-зийнатлари солинган тилла қутчасида, узукнинг кўзига яширинган мошдаккина оғу бор. Бу оғуни у ҳарамда топдириб олган, лекин ичишга улгурмаган, Мирзо Улуғбек ҳазратлари ҳарамдан бўшатгач, тилла узугининг кўзига яшириб қўйган эди!..

Хуршида бону кўзлари бежо ёниб, уйнинг токчаларига қаради. Тилла қутича кўринмас эди...

Бону талвасаланиб ўтирган энагасига қаради:

— Энажон. Қутичам, зеб-зийнатларим қайда?

— Ўрнида, оппоғим, ўрнида!— кампир шоша-пиша ўрнидан туриб, икки дарица ўртасидаги токча олдига борди, тилла ва кумуш баркашларнинг орқасига қўл суқиб, таниш тилла қутичани олди.

Хуршида бону қалтироқ қўллари билан қутичани очиб, ажиб товланган қимматбаҳо тошлар ва зеб-зийнатларни титкилашга тутинди: мана ўша, катта ёқут кўзли тилла узук!..

— Энажон!..— Хуршида бону кампирни уйдан чиқаришнинг баҳонасини тополмай дудуғланди.— Энажон, бир пиёла сув беринг!..

— Сув?— деди кампир тушунмай.— Мана, узум шарбати бор, болам.

— Йўқ, йўқ, сув беринг, энажон, совуқ сув!..

Саросимада қолган шўрлик кампир куймаланганич ташқарига югурди.

Хуршида бону игнача билан узукнинг ёқут кўзини кўчирди. Тангрига шукур! Қора майиздеккина оғу узукнинг кўзига ёпишиб қолган эди. Хуршида бону ун тирноғининг учи билан кўчириб олди, лекин оғзиг солишдан олдин, кўнгли бир хил бўлиб, зеб-зийнатларг

тўла чароғон хонага, шифтдаги олтин қандилга, нозик ўймакорлик билан ишланган қуббасимон токчалардаги мунаққаш идишларга бир-бир тикилди.

Бундан бир йил муқаддам, ҳафтада уч марта, худди шу музайян меҳмонхонага унинг дугоналари, доруссалтана зодагонларининг ожизалари йиғилишар эди. Ўртага тутилган ҳарир парданинг бу томонига ёзилган ипак кўрпачаларда ўтиришиб, қиқир-қиқир кулишиб уни—чеҳрасидан аллақандай нур ёғилиб турадиган девқомат мударрисни кутишар эди...

Қаландар Қарноқий кириб келиши билан юзларини ипак дурралар билан тўсиб олган нозанинлар бўйинлари ва қўлларидаги қимматбаҳо зеб-зийнатларини, оёқларидаги қўш-қўш тилла ҳалҳолларини нафис жаранглантишиб, бир-бирларини туртишиб, шоирнинг эътиборини тортмоқчи бўлишар, лекин жўрттага қовоғини уюб олган Қаландар Қарноқий, бошини китобдан кўтармас, кўтарганда эса ёлғиз унга—Хуршида бонуга нигоҳ ташлар эди...

Бону ўпкаси тўлиб, кўзларини юмаркан, эсига сўнгги видо онлари тушди. Ўшанда, никоҳ хутбасидан кейин, Қаландар уни иягидан ушлаб бошини кўтарди, гўё уни биринчи бор кўраётгандай юзига узоқ тикилиб турди, кейин бўлакча бир меҳр билан ёшли кўзларидан оҳиста ўпаркан:

—Хуршидам! —деди овози дарз кетиб. —Ўзимнинг шаръий манкуҳам!..

Шаръий манкуҳам!.. О парвардигори олам! Нечун ул масъуд дамларни ўзинг инъом этиб, нечун тагин ўзинг маҳрум қилдинг? У дарвешнинг ёзуғи не?

Маънос хаёлларга чўмган Хуршида бону қўлидаги оғуни тамом эсидан чиқарган эди, даҳлизда шип-шип оёқ товушини эшитиб ҳушига келди. "Гуноҳкор бандангни ўзинг кечиргайсен!"

Бону майиздеккина заҳарни оғзига солди-да, бир қултум совуқ шарбат ичиб ўзини ёстиққа ташлади.

Эшикдан кирган кампир куймаланиб келиб, ёнига чўккалади.

—Сув келтирдим, болам, кўзингни оч!..

Хуршида бону бошини кўтарди, бир қултумгина сув ичиб, яна ўзини ёстиққа ташлади. Сув томоғидан ўтиши билан ичакларига, йўқ, юрагининг остига чўғ теккандай бўлиб "жаз" этди-ю, бесаранжомланиб ингради.

Ҳалҳол—оёққа тақиладиган олтин ҳалқа.

Кампир қўллари қалтираб, яна лабларига пиёла тутди.
—Сенга не бўлди, болажоним?..

Бонунинг юрагига теккан чўғ энди мисоли қиздирилган темирга айланиб, ичакларини жаз-жаз куйдира бошлаган эди. У бетоқат бўлиб бошини кўтарди. Назарида, бутун меҳмонхона, шифтдаги олтин қандил, токчалардаги биллур идишлар, деворларга осилган шерозий гиламлар, ҳаммасини ўт олган, ҳаммаси ловиллаб ёна бошлаган эди. Уйни туган бу ўт орасида отининг бўйинини қучоқлаб, питирлаб ётган Қаландар Қарноқий кўринди...

—Энажон!

—Энажон деган тилгинангдан ўргилай! Сув берайми? Мана сув...

—Энажон!—Хуршида бону аллақандай чарақлаб кетган кўзларини кампирга тикди.—Энажон, мен ўламен. Ўлсам... бувамга тилагимни айтинг...

—Қайдаги сўзларни айтасен, болам!..

—Ўлсам... Гўрим Қаландар... Қаландар Қарноқийнинг гўри билан... бир бўлсин!

—Болам! Болажоним! Бу сўзни қайдан топдинг? Қайси Қаландар?..

Хуршида бону кўнгли озиб ўқчиди-ю, ўзини тутиб, кўзларини юмди.

—Нечук эсингиздан чиқди, энажон? Дадамнинг шогирди... Мусофир шоир Қаландар... гўримиз бир бўлмай...—Хуршида бону гапиролмай, мис жомга қараб талпинди.

Кампир бир зум кўзларини катта очиб қотиб қолди, сўнг, фарёд солганича, ташқарига отилди...

Ўша куни Оқсарой ёнидаги ҳовлисига келган Али Қушчи, намози асрдан кейин иссиқроқ кийиниб, уйдан чиқди. У мавлоно Муҳиддинни кўришга аҳд қилган эди. Мавлоно Муҳиддин қанча хиёнат қилмасин, номига муносиб қанча тубанликларга бормасин, унинг ақлдан озиб, занжирбанд қилинганини эшитган Али Қушчи чидаб туролмади. Ораданималар ўтмасин, улар салкам чорак аср борди-келди қилишган, бир мадрасада таълим олиб, таълим беришган эди. Шу сабабданми, бошқами, мавлоно Муҳиддин тўғрисидаги гаплар уни титратиб юборди. Айни замонда мавлоно Муҳиддиннинг ақлдан озиши тўғрисидаги, хусусан, расадхонадаги куфр китобларни ёндириш

маросимига кириб бориб, ҳазрат Низомиддин Хомуш билан шаҳзодага айтган гаплари ҳақидаги миш-мишларни эшитганда Али Қушчининг хаёлига яна ўша эски ўйлар келди: ҳа, бу фоний дунёда ҳақ ва адолат йўқ, деган сўзлар бекор! Яхшиликка яхшилик, ёмонликка ёмонлик қайтгусидур! Ва лекин... Лекин бу ўйлар унинг қалбида тунов кунгидай исёнкор туйғулар эмас, аксинча, аллақандай маънос ҳислар уйғотди. Ҳайҳот! Мавлоно Муҳиддиндай ўткир фозил, фалакиёт ва илми риёзиёт бобида юксак чўққиларни забт этган зукко аллома бу ҳақиқатни билмаса ё билмоқдан қўрқса не чора?

Али Қушчи ҳар эҳтимолга қарши, Салоҳиддин заргарнинг уйига тўғри борадиган катта кўчалардан юрмай, айланма йўллар ва тор кўчалардан кетди. Шаҳар бундан етти-саккиз ой муқаддам қандай бўлса шундай, мубҳам бир ҳаёт кечирар, кўча ва гузарларда одам сийрак, расталар, дўконлар ёпиқ, ҳаммаёқ жимжит эди, лекин бу жимликдан қандайдир совуқ бир таҳликанинг нафаси келар, шунинг учун ҳам ҳаммаёқ тақа-тақ беркилган. Фақат кунлар узайган, илиган, вақт намози асрдан ўтса ҳам, ҳали шафақ сўнмаган, шаҳар ҳарир нимпушти дарпарда билан ўралгандай тиниқ қизғиш шуълага чўмилган эди.

"Боғи шамол" томондан юрган Али Қушчи, Салоҳиддин заргар гузарига яқинлашиб қолган эди, кўча юзидаги эшиклардан бири очилиб, бошига қундуз телпак, эгнига кимхоб тўн кийган, юм-юмалоқ бир одам чиқди. Али Қушчи ўзини кўриб-кўрмаганликка олиб, ўтиб кетмоқчи эди, лекин кимхоб тўнли юм-юмалоқ одам, пилдираб келиб қўл қовуштирди.

—Э-э, ассалому алайкум, биродари азиз!..

Али Қушчи бир зум гарангсиб қолди.

Пилдираб келиб таъзим қилган кимхоб тўнли бу юм-юмалоқ кимса... бундан етти ой муқаддам дарвешлар хирқасига ўраниб, яшириниб юрган шоир Мирюсуф Хилватий эди...

—Сиз зоти шарифни ҳибсда кўп азият чекмиш, деб эшитган эдим, кўриб бисёр масрур бўлдим, мавлоно, бисёр масрур бўлдим...

—Оллога шукур,—деди Али Қушчи, нима дейишини билмай.

—Барча илм аҳлини тазйиқ қилган ул хунхўр падаркушдан ҳазар, алҳазар! Аммо тахтимизнинг валиаҳди Мирзо Абдулло кўп соҳиби карам, кўп олижаноб зот деб

эшитган эдим, сизни кўриб бунга имоним комил бўлди, мавлоно...

Али Қушчи яна нима дейишини билмай:

—Иншооллоҳ, шундай бўлсин,—деб қўйди.

—Бунга шубҳа қилмагайсиз, мавлоно. Мана, камина ул тождори мусулмононинга бир мадҳ битдим, тиласангиз ўқиб берамен, мавлоно! —Мирюсуф Хилватий шундай деб, қўйнидан зар матога ўралган кафтдеккина бир китобчани олди-да, Али Қушчининг розилигини олмасданок томоқ қириб ўқий кетди:

Бобонгиз фатҳ этиб шуҳрат қозонди жумла дунёни,
Бу олам кўрмагай энди, анингдек зоти аълони.

—Шоир Хилватий!

—Лаббай?—Мирюсуф Хилватий илҳом билан порлаган кўзларини китобдан узиб, Али Қушчига қаради.

—Камина бу шеърингизни кўп эшитганмен. Боракалло сизга!

Али Қушчи оғзи очилганича анграйиб қолган Мирюсуф Хилватийни кўчанинг ўртасида қолдириб, йўлида давом этди. У бир-бир босиб, шоирдан узоқлашиб бораркан, дард билан бош тебратиб:

—О, хом сут эмган бандалар!—деб қўйди.

Шафақ сўнган, шаҳар узра майин қоронғилик қанот ёзмоқда эди.

Али Қушчи Салоҳиддин заргар яшайдиган гузарга етиб борганида ҳаммаёқ қоронғиликка чўмган эди, лекин... ажабо: ҳамиша ёпиқ турадиган қўш тавақали темир дарвоза ланг очиқ эди! Дарвозадан кирган жойда, одатда қоровуллар ўтирадиган қоронғи бостирмада ҳеч ким кўринмас, лекин ўрдадай ҳовлида фонуслар ёнар, аллақандай жом ва қумғон кўтарган аёллар икки меҳмонхона орасида у ёқдан-бу ёққа югуриб юришарди.

"Буларга не бўлди? Мавлоно омонми?"

Ҳовлига кирган жойда ҳайрон бўлиб тўхтаган Али Қушчи рўпарадаги катта меҳмонхонадан чиққан муштдеккина чолни кўриб, унга томон юрди, юрди-ю, беихтиёр яна тўхтади: икки букилиб, муштдеккина бўлиб қолган бу чол... Хожа Салоҳиддин заргар эди!..

Ҳовлидаги фонуслар ва дарчалардан тушган кўк, сариқ, қизғиш шуълада унинг кўзлари телбаларча ёнар, соқоли селкиллаб, боши сарак-сарак қиларди... Али Қушчини кўрган заргар унга қараб талпинди, кейин кўз ёши аралаш:

—Ўғлим... Алоуддин!—деди-да, меҳмонхонанинг мармар зинасига ўтириб қолди.

Али Қушчи чолнинг ёнига бориб чўккалади.

—Мавлоно эсонми, бузруквор?

Заргар бошини сараклатиб, меҳмонхонага ишора қилди, йиғламсираб:

—Мадад бергайсиз, мавлоно!—деди.—Табиб! Табиб бор!

Чолнинг сўзини мавлононинг ҳоли оғир, унга табиб келди, деган маънода тушунган Али Қушчи, ичкарига шошилди. Даҳлизда мис идишлар, чил-чил синган косалар, тўкилган овқатлар сочилиб ётар, ҳавони аллақандай қўланса ҳид тутган эди. Али Қушчи табиб билан олишайтган телба мавлонони кўришдан чўчигандай, даҳлизда журъатсизгина тўхтаб, нафасини ростлади-да, эшикни секин очди...

Чароғон меҳмонхонанинг тўрида, кўзлари бежо бир кампир сочлари тўзғиган беҳуш бир малакни қучоқлаб ўтирар, унинг ёнига бошига учлик оқ қалпоқ, энига оқ яктак кийган қотма бир одам тиз чўккан эди. Эшик очилганда бошига учлик оқ қалпоқ кийган одам ялт этиб қаради, сўнг, беҳуш малакни қучоқлаганича қотиб қолган кампирга бир нима деди-да, ўрнидан турди. Шу заҳотиёқ кампирнинг фарёди уйни зир титратди... Эшикдан қоқиниб-суриниб Салоҳиддин заргар кирди ва уйдан чиқаётган табибга тўқнашиб йиқилиб тушди. Табиб уни ўрнидан турғизмоқчи бўлган эди, чол унинг қўлини силтаб ташлаб, ўксиб йиғлаганича ўзини мурда устига ташлади:

—Бўстонимнинг гули! Очилмай сўнган гунчам! Сен ўлгунча мен ўлсам бўлмасму? Қари қўйдаё маъратиб, қари бувангни кимга ташлаб кетмишсен, қўзичоғим?.. Инонган фарзандим сен эдинг! Энди бу давлат, бу хонумоним кимга қолур, олтиним? Кимга?..

Муштдеккина бўлиб қолган заргарнинг гўдакларча фарёди Али Қушчини титратиб юборди. Кўзида гилт-гилт ёш, у деворга суянганича гарансиб турарди. Айни замонда, энаганинг қўлида жонсиз ётган Хуршида бонуни таниган ҳамоноқ, хаёлидан: "Қаландар Қарноқий қайда?—деган фикр ўтди.—Унга не бўлди? Наҳот у бечора ҳам?.. Йўқ! Йўқ! У бечора дарвешни ўзинг асрагайсен, парвардигор..."

Меҳмонхонага фарёд солиб бир гуруҳ хотин-халаж кириб келди. Ҳаммаёқни қий-чув, йиғи тутиб кетди. Али Қушчи пешанасини муштлаб йиғлаётган заргарга тасалли

беришини ҳам, чиқиб кетишини ҳам билмай ҳамон гангиб турган эди, кимдир секин қўлидан ушлади.

—Сизни биров йўқлаб келди, мавлоно...

—Қайдан келди?

—Қайдам. Мадраса талабасига ўхшайдур...

Али Қушчи юрагига ўрмалаган совуқ шубҳадан бадани жимирлаб, меҳмонхонадан чиқа бошлаган эди, Хуршида бонунинг тепасида йиғлаб ўтирган кампир:

—Ўғлим Али Қушчи!—деб унга қараб талпинди. Кампирнинг овози шундай алам билан янградикки, уйни тутган қий-чув бир зум тинди. Али Қушчи эшикни очганича бўсағада тўхтади.

—Ўғлим Али Қушчи!.. Кўзимнинг нури... нуридийдам, набирам, жон бераётиб тавалло қилган эди...—кампир гапиролмай юзини шапатилганича уввос тортди. Ҳамма, ҳатто Салоҳиддин заргарнинг ўзи ҳам йиғидан тўхтаб, унга тикилиб қолди.

—Набирам не деган эди? Тилаги не эди унинг? Сўзла, кампир!—деди Салоҳиддин заргар, овози қалтираб. Кампир энгининг учи билан кўзини артиб:

—Нуридийдам, набирам,—деди ўқсиб,—мусофир шоир Қаландар билан гўримиз бир бўлсин деган эди...

"Мусофир шоир Қаландар билан гўримиз бир бўлсин?! Ё раббий, бу кампир не дейди?..."

Бўсағада гарангсиб турган Али Қушчининг хаёлини Салоҳиддин заргарнинг:

—Шоир, Қаландар?!—деган хитоби бўлди. Ҳозиргина пешанасини муштлаб, гўдаклардай нола чекиб ётган чол ўрнидан туриб кетган, кўзлари чақнаб айланасига қарар, лекин, чамаси, ҳеч кимни кўрмас эди.

—Бу сўзни қайдан топдинг, кампир?! Мен ким, Хожа Салоҳиддин заргар, бўстониинг гули, ёлғиз набирам, кўзимнинг нури, суюкли набирамни ўшал гадо билан бир ерга кўмаменми? Не деб алжирайсен, кампир?

—Қўзичоғим,—деди кампир йиғлаб.—Қўзичоғимнинг илтижоси...

—Бас! Ёлғиз набирамнинг бошига етган ўшал гадо! Ҳам ўзининг бошига етди ул бетавфиқ, ҳам гулимнинг!

Заргар гапини тугатмаган ҳам эди, кишанларнинг шарақлаши эшитилиб, эшикда... мавлоно Муҳиддин кўринди.

Эгнидаги бўз кўйлагининг ёқаси киндигигача йиртилган, қоқсуяк бадани дир-дир титраган, соқол-мўйловларига тупук сачраган мавлоно Муҳиддин эшикда тўхтаб:

—Тўй?—деди бошини ғалати ликиллатиб.—Бу хонадон-да тўй бўладиру, фақирни таклиф қилмайду!

Мавлоно Муҳиддин мудҳиш ишшайиб бир Али Қушчига, бир жой-жойларида қотиб қолган аёлларга қаради. Сўнг, тўрда сочлари тўзғиб ётган бонуга кўзи тушди, тушди-ю, чуқур ботган бежо кўзларида нимадир ярқ этди. Ярқ этганда тупук сачраган юзидаги мудҳиш ифода саросима билан, саросима изтироб билан алмашди. У яна бир Али Қушчига, бир тирик мурдадай қарахт бўлиб қолган отасига қаради, кейин овозининг борича:

—Қизим!—деб чинқирди. Бу чинқирик, гўё қоқсуяк баданин тешиб чиққан бу нидо шифтдаги олтин қандил, беҳисоб тоқчаларга терилган ҳисобсиз зеб-зийнат ва олтин баркашларни янгради юборди.

—Қизим! Ёлғизим!—Мавлоно Муҳиддин занжирбанд қўлларини ёзганича олдинга талпинди, лекин оёқлари чалиниб кетиб, бўсағада гурсиллаб йиқилди-ю, ўқ теккан қушдай питирлаб қолди.

Мавлонога интилган Али Қушчи эшикдан югуришиб кирган бир неча кишини кўрди-да, юраги зирқираб, ўзини ташқарига олди. У ҳовлига чиқиши билан кимдир ёнига югуриб келди.

—Устод!..

Али Қушчи зўрға ҳушини йиғиб ёнидаги одамга қаради.

—Мирам Чалабий?

—Устод! Қаландар Қарноқий оламдан ўтибди...

—Қачон?—Али Қушчи беихтиёр орқага тисарилди.—Ким хабар қилди?

—Хабарни уста бобо етказди. Боя хуфтонда жасадини Ургутдан олиб келишган эмиш...

Али Қушчи турган жойида чайқалиб кетиб, устунни ушлаб қолди-да, тез юриб ҳовлидан чиқди. Дарвозага борганида меҳмонхонада кўтарилган фарёдни эшитиб беихтиёр тўхтади. Тошни эритадиган бу фарёд орасидан Салоҳиддин заргарнинг "ўғлим!" деган нидоси аниқ эшитилиб турарди.

Али Қушчи, бир лаҳза иккиланиб тургач, юраги зирқираганича дарвозадан чиқди.

* * *

Қаландар Қарноқийни эрта бомдодда, Тиллабиби ётган қабристонга, муштипар кампирининг ёнига дафн этишди.

Дафн маросимида мавлоно Али Қушчи билан уста, Мирам Чалабий билан Мавлоно Коший, Ургутдан марҳумнинг жасадини олиб келган уч-тўрт деҳқон ва Қалқонбек билан Босқонбек бошлаб келган беш-олти темирчилар қатнашди.

Бир кундаёқ ўзини олдириб, мункайиб қолган уста, марҳумнинг жасадини гўрковга ҳам бермай лаҳадга ўз қўли билан қўйди, гувалаларни ўзи териб, ўзи тупроқ тортди. Сўнг, қабр тепасига тиз чўкиб, узоқ тиловат қилди. Чолнинг қора қурум босган серажин юзида, юмуқ кўзларида, аллақандай ҳорғин овозида чуқур қайғу, гўё уста мусофир бир дарвешни эмас, ўз ўғлини тупроққа берган эди. Али Қушчи чолнинг маҳзун овозидан кўнгли эриб, энаси қабри ёнида ер чуқилаб ўтираркан, кўз олдидан кечагина видолашган Қаландар Қарноқийнинг шиддатли қиёфаси кетмас ва негадир ҳақ ва адолат тўғрисида ўйлаган ўйлари қайта-қайта эсига тушарди...

"Ҳайҳот! Нечук бундай қиласен, парвардигори олам? Нечук адолат қиличингни дам шаҳзоодай мустабид қонхўрлар бошига соласен, дам бу мусофир янглиғ бир бечоранинг орзу-умидларини чил-чил синдирасен! Умри гадоликда ўтган бу нотавон камбағалнинг гуноҳи не? Ҳукмингда инсоф ва адолат борми? Агарчи бор бўлса, бу мислсиз жабр нечун? Нечун?"

Али Қушчи елкасида кимнингдир қўлини сезиб, бошини кўтарди. Тепасида Мирам Чалабий турар, одамлар ўринларидан қўзғалишган эди.

Уфқ улкан гулхандай ловиллаб ёнар, олисдаги қорли тоғлар чиқаётган офтоб нурида кумуш сочилгандай ялтиллер, кекса қайрағочлар билан ўралган эски қабристонни қушлар нағмаси тутган эди...

Улар қабристондан чиқиб, катта йўлга етганларида Мирам Чалабий билан Мансур Коший тўхтади.

—Ижозат этсангиз, биз шаҳарга қайтамыз,—деди Мансур Коший.—Сиз-чи, устод?

—Мен...—Али Қушчи асосига суяниб, мункайиб кетаётган устанинг кетидан тикилди.—Мен устанинг ёнида бўламен. Бошимизга оғир мусибат тушганида шул камбағал косиблар ёрдам қўлини чўзган эдилар. Энди биз ҳам бу чолни ёлғиз қолдирмайлик.

Коший "маъқул", деган маънода бош ирғади.

—Бу тилагингиз мақбулдур, устод. Иншооллоҳ, юрт тинчиб қолур. Тинчиб қолса келиб хабар оламиз...

Мансур Коший сўзини тугатмаган ҳам эдики, Мирам Чалабий:

—Устод!—деди ҳаяжонланиб. —Энди аҳволимиз не бўлади?.. Не юмуш қиламиз?

Али Қушчи Мирамнинг сўзларига жавоб бермай, Ургут тоғларига тикилди. Мирам Чалабийнинг назарида, устод "Аждар гор"ни қидираётгандай туюлиб, ўзи ҳам офтобда ғалати ялтиллаган юксак чўққиларга кўз тикди... Али Қушчи чуқур тин олиб:

—Шу букунгача не иш қилган бўлсак, шу юмушни қиламиз, болам!—деди.—Устод, жаннатмакон Мирзо Улуғбек ҳазратлари ёққан илм шамини ўчирмоқ гуноҳи азим бўлур. Зеро...—Али Қушчининг овози тўсатдан титраб кетди-ю, бўлакча бир самимият касб этди.—Зеро, илм аҳлининг ғанимлари бўлмиш мустабид шоҳлар келиб кета берар, аммо бу маскан, бу заҳматкаш халқ абадул-абад ҳаётдур. Шу юрт ҳурмати, келгуси авлодлар ҳурмати, устод бошлаган улуғ ишни охирига етказмоқ даркор, чироғим.

Али Қушчи Мирам Чалабийни ҳаяжон билан қучиб, елкасини қоқиб қўйди.

Улар қучоқлашиб видолашдилару, ажрашдилар: Мирам Чалабий билан Мансур Коший шаҳар томон йўл олдилар, Али Қушчи эса уста Темур Самарқандийнинг орқасидан кетди...

* * *

Саккиз юз етмиш иккинчи ҳижрий йилнинг куз кунларидан бири эди. Нонуштани Самарқандда қилиб йўлга чиққан юз туялик катта карвон пешинда Доргомдан ўтиб, бепоён ялангликка чиқиб олди. Бир-бирига туташиб кетган боғлар, гавжум қишлоқлар ортда қолди, олдинда, то олис-олислардаги доvon тоғларигача теп-текис дашт ястаниб ётар, фақат у ер-бу ердагина ясси тепаликлар, ярим хароба кўҳна қўрғонлар, беш-олти уйдангина иборат кичик-кичик қишлоқлар кўзга чалинар эди.

Карвоннинг бошида, бўйинларига офтобда ялт-ялт этган мис қўнғироқлар осилган нортуяларнинг олдида тўрт нафар суворий от ўйнатиб борар, карвоннинг охирида ҳам тўрт нафар навқар кузатиб келар эди. Қарийб ярим фарсаҳ жойга чўзилган бу катта карвон аҳли орасида зарбоф ва кимхоб тўн кийган савдогарлар, бола-чақаларини соябон араваларга ўтқазиб, ўзлари от ўйнатиб бораётган кибор задагонлар, эшак ва хачир минган фуқаро ва ҳатто бошларидаги кулоҳларини тебратиб, ҳамду сано

ўқиб пиёда кетаётган дарвешлар ҳам бор эди. Карвонни кузатиб бораётган бу оломон орасида бошларига мударислар киядиган учлик қора бахмал тақя кийиб, устидан енгилгина дастор ўраган, эгниларига эса қора чакмон устидан енгсиз оқ жома кийган икки киши кескин ажралиб турар, улардан бири—етмишларга бориб қолган бўлса ҳам, кўринишидан бардам, калта қирқилган қордай оппоқ соқоли ўзига хўп ярашган, нигоҳи ўткир, хушсурат бир чол, иккинчиси элликлардан ошган, лекин соқол-мўйловиغا деярли оқ тушмаган бир мўйсафид эди.

Саман отини бир меъёрда йўрғалатиб бораётган қотма, хушқомат чол қорамағиздан келган шиддатли чехрасига ярашган қалин қошларини чимириб, дам орқага, боғлар ортида қолган Самарқандга тикилар, дам ўнг қўлдаги Ургут тоғларига қадалиб-қадалиб қарар, у бир нимадан безовталанаётганга ўхшар, чуқур ботган ўйчан кўзларида ҳам теран бир қайғу, ҳам аллақандай тарадуд сезилиб турарди...

Карвон олдиндаги ясси қирга чиқиб, олисда "Қароқчи тепа" деган қишлоқ кўриниши билан чол отининг бошини чапга буриб, катта йўлдан узоқлаша бошлади. Унинг орқасидан ёнидаги шериги ҳам отининг бошини бурди. Лекин улар йўлдан узоқлашмаган ҳам эдиларки, отлиқ навкарлардан бири орқаларидан қувиб етди.

—Мавлоно Али Қушчи? Қайга йўл олдингиз?

Олдинда бораётган оқ соқолли хушқомат чол ўгирилиб қаради. Унинг кўзлари қисилиб, лабларига истеҳзоли табассум югурди:

—Қўрқманг! Қочмоқ ниятим йўқдур! Зеро, бу юртдан кетмоқни ўз идроким билан ихтиёр этганмен.

Ясовул хижолат чеккандай томоқ қириб:

—Карвондан қолиб кетасиз, деб қўрқамен, мавлоно,— деди.

—Карвон "Қароқчи тепа"да тунайдими?

—Балли!

—Бир раъкат намоз ўқиб, қувиб етамен.

Ясовул истар-истамас отининг бошини буриб, катта йўлда узоқлашиб бораётган карвонни қувиб кетди.

Али Қушчи кафтини қошларининг устига тутиб, Ургут тоғларига узоқ тикилиб турди, сўнг, дардли хўрсиниб отдан тушаркан:

—Мавлоно Коший!—деди ёнидаги шеригига юзланиб.— Мирам Чалабий шу ерга келур. Унинг йўлини пойлаб турсангиз. Камина ҳозир қайтамен...

Али Қушчи отининг жиловини Мансур Кошийга ушлатди-да, ўзи қир ёнбағридаги шувоқзорга қараб кетди...

"Эй дариг! Худди ўша жой. Ўша пасқамлик!"

Ҳа, ўшанда ҳам худди мана шундай кун ботай-ботай деб турган кечки пайт эди. Кеч куз бўлса ҳам, осмон беғубор, кун илиқ эди... У маҳалда раҳматли Қаландар Қарноқий ҳам ҳаёт эди. Улар олдин сипоҳлардан ҳадиксираб пастга, пистирмага қочган, кейин эса, устодни таниб, отларининг бошини орқага бурган эдилар, устод ҳам—покиза руҳи гулшани бақода масрур бўлғай!—устод ҳам уларни таниб, от чоптириб келган эди. Улар худди мана шу шувоқзорда узоқ қучоқлашиб турган, устод, кўзида ҳалқа-ҳалқа ёш, унга сўнгги васиятларини айтган, сўнгги тилакларини сўзлаб, видолашган эди. Эртасига эса, машъум хабар доруссалтанани, наинки доруссалтанани, буткул Мовароуннаҳрни зир титратган эди.

Эвоҳ! У замонларга салкам йигирма йил бўлибди! Бу орада қанча сувлар оқиб кетди. Не-не ҳодисалар юз берди, не-не одамлар оламдан ўтди. Аммо бу ер, бу осмон, ҳарир туман билан ўралган бу юксак тоғлар... ўшанда қандай бўлса шундай турибди. Гўё йигирма йил эмас, йигирма кун ҳам ўтмагандай, устоднинг маҳзун чеҳраси, ғам тўла ўйчан нигоҳи ҳамон кўз олдидан кетмайди. Бир зум кўзини юмса унинг босиқ, мунгли овозини эшитгандай бўлади... Ўшанда, бундан йигирма йил муқаддам, устод мана шу пасқамликда туриб, Али Қушчи билан сўнгбор видолашганида, бу элга қайтмоқ, бу юрт, бу масканни кўрмоқ насиб бўладими, йўқми, деб ғам чеккан, бу ўй, бу ташвишдан кўнгли вайрон эди. Мана энди унинг ўзи ҳам шу ўй, шу ғам билан банддур. Самарқанддан кетмоққа аҳд қилгандан бери, бу ғам туну кун хаёлидан кўтарилмай, юрагини қон қилади. Лекин не чора? У қутлуғ зот оламдан ўтгач, Мовароуннаҳр осмонини чулғаган зулмат булутлари тарқармикин, деган умидда йигирма йил ўтди. Йигирма йил зулмат ичида яшаб бўлса ҳам, устоднинг васиятларини рўёбга чиқармоққа уринди. Бидъат ва хурофот маддоҳларидан яшириб, устоднинг китобларига шарҳлар битди, илми риёзиёт ва илми фалакиёт бобида рисолалар ёзди, қисқаси, устод ёққан илм шамини ўчирмасликка уринди... Гоҳ Абусаид Мирзо, гоҳ ҳазрат Низомиддин Хомуш хуфиялар юбориб,

1
Гулшани бақо—жаннат.

яширилган китобларни топиб беришга даъват этишди, бирда катта рутбалар ваъда беришса, бирда таҳдид қилишди. Али Қушчи бариға чидади, йўқчиликда яшаса ҳам катта инъомларга учмади, устодга берган сўзидан қайтмади, сир-асрорини очмади. Лекин бундан не фойда? Устоднинг илми фалакиёт бобида яратган буюк асарлари жаҳон илм аҳлига ҳамон бориб етмади. Шу пок ният, Мирзо Улуғбек битган рисоаларни, илм бобида қилган улуг кашфиётларини жаҳонга таратмоқ, илм аҳлига етказмоқ нияти энди уни она юртини ташлаб кетмоққа ундади. Она юртини? Йўқ, у киндик қони тўкилган бу тупроқни, барча аждодлари, суюкли энаси Тиллабибининг хоки ётган бу юртни эмас, элни зулмат қўйнига ташлаган хоқонларни, илм аҳлига қилич кўтарган жоҳил гумроҳларни тарк этмоқдадур! У устоднинг асарларини жаҳон илм аҳлига етказолмай ўлиб кетмасам, деб қўрққан эди, хайрият, Абдурахмон Жомий билан Мир Алишер Навоий ҳазратлари Ҳиротда туриб ёрдам қўлларини чўздилар, Мовароуннаҳр сарҳадидан чиқмоққа ижозатнома олиб бердилар. Мавлоно Али Қушчи у зоти шарифларга кўнглида таҳсинлар айтиб, дуо қилиб, йўлга шайланди... Аммо... яна ўша ўй, ўша ташвиш унинг кўнглини вайрон қилди: киндик қоним тўкилган бу заминга, суюкли она юртимга, яхши-ёмон салкам етмиш йил умр кечирган бу заҳматкаш элимга қайтиб келмоқ nasib бўлурми, ё қолган беш кунлик умрим дарбадарликда ўтиб, хоким мусофир юртида қолиб кетурми, деган фикр уни ларзага солади, буни ўйласа ўпкаси тўлиб, кўзига филт-филт ёш келади... Мана ҳозир ҳам, жаннатмакон устод билан сўнгбор видолашган бу пасқамликни, унинг табаррук изи қолган бу шувоқзорни кўрганида кўнгли бир хил бўлиб, тиз чўкди-ю, қиблага қараб саждага бош эгди.

"Э парвардигори олам! Мусофирликда бошимга не кулфатлар солсанг ҳам розимен, аммо хокимни бу тупроқдан бебаҳра қилмагайсен!.."

Мавлоно Али Қушчи кўзларини юмганича кўкка тавалло қилиб узоқ ўтирди. Сўнг, раҳматлик уста Темур Самарқандий ясаб берган пўлат пичоғи билан ерни қовлаб бир сиқим тупроқ олди. Бу тупроқни кеча энаси Тиллабиви қабридан олган бир сиқим тупроққа қўшиб, белига тугди-да, ўрнидан турди, тураркан, катта йўлдан тушиб келаётган икки отликни кўрди. Отлиқларнинг бири Мансур Қоший, иккинчиси ўттиз беш-қирқ ёшлар чамасидаги малласоқол, кўзлари кўм-кўк ёш мударрис эди.

Ёш мударрисни кўрганида Али Қушчининг чехрасидаги маҳзунлик илиқ табассум билан алмашиб, отлиқларга пешвоз чиқди. Уни кўрган ёш мударрис ҳам отдан сакраб тушиб, қўл қовуштирди.

—Ассалому алайкум, устод!

—Ваалайкум ассалом, ўғлим Мирам!—Али Қушчи бир ёш мударрисга, бир эгар устидаги икки ёни қаппайиб турган хуржунга қаради.—Қалай, "Аждар ғор"да осойишталикми?

—Осойишталик, устод, осойишталик!—деди Мирам Чалабий мулойим кулимсираб.—Устоднинг сандиғини очдим. Барча қўлёмаларидан бир нусхадан, "Зижи Кўрагоний"дан уч нусха олдим, мавлоно...

—Жаннатмакон Қозизода Румий китоблари эсингдан чиқмадими, ўғлим?

—Йўқ, устод. Ул зоти олийнинг "Риёзиёт"идан бир нусха, Гиёсиддин Жамшид ҳазратларининг "Ҳандаса"сидан бир нусха олдим, устод...

—Боракалло, ўғлим!—деди Али Қушчи.—Барча сандиқлар жойидами?

—Жойида, устод!

—Ғорнинг оғзини яхши беркитдингми?

—Беркитдим, устод...

—Балли, ўғлим. Хуржунни отимга юкла!—Али Қушчи ҳарир туман орасидан элас-элас кўриниб турган олис тоғларга тикилди, гўё баланд чўққилар орасига яширинган "Аждар ғор"ни кўрмоқчи бўлгандай, узоқ қадалиб қаради. Лекин кун ботган, бояги сийрак булутлар қалинлашиб, тоғ чўққиларини қоплаган эди.

Али Қушчи оғир хўрсиниб, қаршисида бош эгиб турган шогирдларига қаради, гўё ўз-ўзига гапираётгандай оҳиста сўзлади:

—Ҳануз хотирамда. Ўша машъум кечадан сал олдин устод билан худди мана шу ерда учрашиб, видолашган эдик. Раҳматлик устод бу нодир хазинани сақламоқни фақирга юклаган эди. Энди, камина буни икковингга, икковингни оллога топширамен... Абадулабад эсларингда бўлғай: Мовароуннаҳр донишларининг ақл дурдоналари йиғилган бу ноёб хазина бўлғуси авлодларга, узоқ зурриётларимизга хизмат қилур. Зероким, Мовароуннаҳр элини чуллаган бу зулмат қанчалик чўзилмасин, бир кун эмас, бир кун бу қора булутлар тарқаб, офтоб чиқажак-дур... Ноумид шайтон, фақир ҳам, Мовароуннаҳрни чуллаган бу зулмат тарқаган кунда қайтамен, деган

умиддамен. Ва лекин қайтмай мусофирликда оламдан ўтсам... бу хазинани кўз қорачиқларингиздай сақлангиз, сўнг, инонган шогирдларингизга топширингиз, улар ҳам ўз шогирдларига топширғай. Ва шу йўсин зурриётлардин зурриётларга ўтиб, элимиз осмонига офтоб чиққанда яшайдурган бахтли авлодларимизга етиб борғай... Сенлардин тилайдурган бошқа тилагим йўқ. Фақир сиздай шогирдларимдин минг бор розимен. Агарчи осий банда дилларингга озор берган бўлсам, кечиринглар...

—Розимиз, устод.

—Мингдан-минг розимиз!..

Али Қушчи аввал Мансур Коший билан, сўнг Мирам Чалабий билан қучоқлашиб видолашди. Али Қушчи кўз ёшларини яширмай юм-юм йиғлаётган суюкли шогирди Мирам Чалабийни пешанасидан ўпаркан, устод Мирзо Улуғбек ҳам кўзи гирён, уни қучоқлаб узоқ видолашгани эсига тушиб, томоғи ғип бўғилди...

Мирам Чалабий билан Мансур Коший уни катта йўлгача кузатиб қўйишди. Али Қушчи тепага чиққунча орқасига қарай-қарай борди. Тепага чиққач, оёқларини узангига тираб, сўнг марта орқасига қаради.

Шогирдлари пастда қўл силкитишиб турар, Самарқанд. Самарқандгина эмас, яқиндаги боғлар ҳам кўринмас, гўё бутун олам унинг тирқираб оқаётган кўз ёшларига ғарк бўлган эди. Али Қушчи қўлини сўнгбор силкитиб, шогирдлари билан видолашди-да, кўз ёшларини артиб, отининг бошини довонга бурди...

1970—1973

ҚАНОТ ЖУФТ БУЛАДИ

Қисса

«Инсоният ўз ўтмиши билан кулиб
видолашади».
(К. Маркс)

БИРИНЧИ БОБ

Акрам уйга кириши билан столдаги мрамар сиёҳдоннинг тагига қистирилган хатга кўзи тушди:

«Ойингиз билан меҳмонлар поездга кечикамиз, деб сизни кутишмади. Мен институтга кетдим. Бугун соат учда Убайжонларнинг факультетида қизиқ мунозара бўлар экан («Севги, замон ва ахлоқ» деган), лекциядан чиқиб ўшатга бораман. Сизга бу мунозара бачкана туюлса керак, албатта. Бормай қўя қолинг, чунки мунозарадан кейин барибир оймларникига кетаман. Сайёра».

Акрам балкон олдидаги бир туп чиллаки ўрикка тикилиб ўйланиб қолди. Ўрикнинг тиниқ кўм-кўк япроқлари орасида эндигина сув ола бошлаган мевалар нафис товланар, пастки шохларда икки мусича пат-пат қанот уришиб ўйнар эди.

Кампир-ку, майли, унча-мунча нарсаларни кўмглига олавермайди, лекин укасининг хотини билан қишлоқдаги қўшнилари, Амаки деган одамнинг хотинидан уят бўлди. Шунча йилдан бери энди келганларида тузукроқ меҳмон ҳам қилолмади-да. Акрам лоақал бугун шаҳарни таксида айлантириб, майда-чуйда совға-саломлар билан ўзим кузатиб қўяман, деган умидда эди, бу ҳам бўлмади.

У эрталаб уйдан чиқаётганида, институтга бораману қайтаман, деб ўйлаган эди, лекин энди кетмоқчи бўлиб турганида тўсатдан директор чақириб, бундан бир ой олдин техника кенгашида қилган докладыни сўраб қолди. Бу доклад институтнинг бош архитектори Зафар Бобоевнинг бир лойиҳаси тўғрисида эди. Акрам ўз докладыда бош архитекторнинг лойиҳасини анча қаттиқ танқид қилган, лойиҳанинг яхши томонларини эътироф этгани ҳолда, унинг қишлоқ ҳаёти талабларидан узоқ эканини (Зафар Бобоевнинг бу иши Зарафшон воҳасидаги катта бир қишлоқни қайта қуришга бағишланган эди) исботлаб берган эди. Бунинг устига кенгашнинг ўша мажлисида институт директори Султон Қосимов

жуда ғалати йўл тутган, Акрамнинг далилларини инкор этмагани ҳолда, бош архитекторни ҳам анча суяб гапирган эди. Шунинг учун ҳам Акрам бугун унга докладни шундайлигича қўлига тутқаза қолмади, яна бир марта кўриб чиқди, баъзи аниқликлар киритиб, қайта машинка қилдирди ва шундан кейингина олиб кириб берди. Хуллас, шу ишлар билан бўлиб, меҳмонлар ҳам эсидан чиқибди!

Институтда, қишлоққа менчалик яқин турадиган, уни менчалик биладиган бирорта архитектор йўқ, деб гердайиб юрган одам, озиб-ёзиб келган қариндошларини тузукроқ бир меҳмон ҳам қилолмаса, ҳатто кузатиб ҳам қўёлмасал..

Акрам пешанасини ишқалаб, стол олдида тўхтади. Шу пайт кўзи яна Сайёранинг хатига тушди.

«Севги, замон ва ахлоқ...»

Акрам бунақа мунозараларни чиндан ҳам кўпда хушламас эди, бироқ Сайёранинг: «Сизга бу мунозара бачкана туюлса керак, албатта», деган сўзлари кўнглига негадир оғир ботди-ю, боргиси йўқ одам, боришга қарор қилди.

Мунозара Убайжонларнинг факультетида бўлар экан. Убайжон, Сайёраларнинг узоқ қариндоши, ёш шоир, адабиёт факультетида ўқирди шекилли. Сайёра ҳам қизиқ. Ўзи-ку, эрта-индин давлат имтиҳонидан ўтади, врач бўлади, адабиётчиларнинг қуруқ сафсатасига лақиллаб юргунча дарсини тайёрласа-чи!

Акрам стул суянчиғига илинган пиджагини елкасига ташлаб уйдан чиқди.

...Акрам эшикда чақчақлашиб турган студентлар орасидан суқулиб ўтиб залга кирганида рўпарадаги баланд минбарда тўладан келган кекса бир домла нутқ сўзламоқда эди. Домланинг сал бўғиқ овози ҳаяжондан ёқимли эҳтирос касб этган, ўзи ҳам оппоқ сочлари тўзғаб қўлларини кафедрага тираб, ёниб гапирмоқда эди.

— Биз юксак маданиятга интиламиз, деган гап ўз миллий анъаналаримиздан, характеримиздаги энг яхши, олижаноб инсоний фазилатлардан воз кечамиз, деган гапмикан? Асло...

Акрам эшикда тўхтаб, зал тўла қиз-йигитлар орасидан Сайёрани излаб топди. Топди-ю, бир зум домланинг гаплари қулоғига кирмай қолди.

Сайёра залнинг кўчага қараган катта деразасига яқин жойда, ҳаминша бирга юрадиган дўстлари орасида ўтирарди. Унинг бир ёнида қизғиш рангга бўялган соч-

ларини бошига баланд қилиб турмаклаб олган Нилуфар деган қиз, бир ёнида Убайжон. Убайжоннинг чап томонида сочини калта қилиб қирқтирган кичкинагина, юлдузи иссиққина бир қиз ўтирар, бу — Акрамнинг ҳамқишлоғи, ўша Амакининг қизи Шоҳиста эди. Шоҳиста ҳам медицина институтида ўқир, афтидан, уни ҳам бу ерга Убайжон олиб келган эди. Уларнинг олдидаги қаторда узун бўйли, ёш бўлса ҳам соқол қўйган бир йигит ўтирар, у минбарга тескари бурилиб, қизларга ниманидир ҳикоя қилар, Сайёра билан Нилуфар эса кафтларни билан оғизларини тўсиб, қотиб-қотиб кулишар, баъзан «жим бўл» деган маънода елкасига уриб қўйишар эди.

Акрам ғаши келиб кўзини олиб қочди. Шу пайт залда шов-шув кўтарилди, кимдир: «Масалан?» — деб қичқирди.

— Масалан... — Домла бошини орқага ташлаб, оппоқ қалин сочларини силаб қўйди. — Масалан, илгариги ўзбек қизларига хос бўлакча иффат, уятчанлик, одоб ва ахлоқ, вафо ва садоқатни олайлик...

— Ҳозирги ўзбек қизларида садоқат қолмади, демоқчимисиз?

Залда «гурр» кулги кўтарилди.

Домла овоз келган томонга хўмрайганча тикилиб, бир лаҳза жим қолди, кейин оғир хўрсиниб, давом этди.

— Йўқ, мен ундай демоқчи эмасман, ука. Лекин... аччиқ ҳақиқатдан кўз юмолмайман. Мен афсус билан айтаманки, бизнинг қизларимизга хос ажойиб фазилатлар, яъни бўлакча уятчанлик, камтарлик, ибо ва ҳоказо хислатлар... илгаригидай эмас! Билмадим, эҳтимол биз кексалар ҳаётдан орқада қолгандирмиз...

— Яшанг! Тан олганингиз учун раҳмат, домла!

Кулги ва шов-шув босилар-босилмас залда аёл кишининг:

— Сўз Шавкатжонга берилсин! Кинорежиссёр Шавкат Хўжаев гапирсин! — деган овози янгради. Бу Сайёра эди.

Акрам аллақандай ижирғаниб ўша томонга қаради.

Сайёра билан Нилуфар қўл силкитишиб, юзлари ловиллаб: «Шавкатжон гапирсин, Шавкатжон!» деб қичқаришар, соқолли йигит эса, гўё гапришни истамагандай, бепарво кулиб, минбарга тескари қараб ўтирар эди.

Акрам бир ижирғанди-ю, яна минбарга юзланди. Шу пайт, қўлида қўнғироқ, мунозарага ранслик қилаётган ёш йигит:

— Сўз шоиримиз Убайжон Жуманиёзовга, — деб юборди.

Шов-шув ва қарсақлар остида минбарга Убай чиқди. Бўй-басти сал бесўнақайроқ кўринса ҳам, ўзига ярашган ёқимтой бир табассум билан залга бир лаҳза тикилиб турди, сўнг кутилмаганда дўриллаган овоз билан гап бошлади:

— Домланинг яхши насиҳатларини эшитиб ўтириб, бир воқеа эсимга тушиб кетди... Бизнинг қишлоғимизда икки опа-сингил бор эди. Иккаласи ҳам худди домла айтганларидай жуда одобли, ифбатли, камтарин қизлар эди. Ўзлари ҳам анча... хушсурат, юлдузи иссиқ қизлар эдики, биз ҳам ҳалигидақа...

— Шайдоси эдик, денг?

Убайжоннинг оғзи қулоғига етиб, ўттиз икки тиши барабар чарақлаб кетди.

— Э, тузук йигит экан-ку бу!— деди Акрам. Убайни у Сайёраларнинг уйида бир неча бор кўрган, кейин Шоҳиста билан бирга кўчаларда учратган, лекин ёзилиб гаплашмаган эди: «Опа-сингиллар деб кимни айтяпти? Шоҳиста билан... Ҳамида эмасми?» деб ўйлади Акрам, лекин сал ўтмасданоқ бошқалар ҳақида гапираётганини тушунди.

— Бир пайт опа-сингиллар турмушга чиқишди. Лекин опаси эрининг ҳақоратларига чидолмади, кўп ўтмай эридан ажраб, ўқишга кетиб қолди. Синглиси ҳам эрдан ёлчимади, лекин уй бузилмасин деб, ҳаммасига чидади. Ҳам даланинг қаттиғига, ҳам уйнинг аччиғига дош берди. Қишлоқда уни мақтамаган одам йўқ эди. Опасини қанча гап-сўз қилишса, синглисини шунча кўкларга кўтаришарди... Энди бу ёғини эшитинг. Бултур опаси қишлоққа қайтиб борди. Тиш доктори бўлиб борди. Ўзи билан ўқиган бир доктор йигитга турмушга чиқибди. Ўзи ям денг, ёшариб, очилиб кетибди. Опасининг олдида синглисини мисоли бир кампир дейсиз...

— Бундан чиқди, опаси жигарингиздан урган экан-да...

Сув сепгандай жимиб қолган залда бу луқма шундай совуқ эшитилдики, ён-веридан хитоблар ёғилди:

— Бачкана!

— Жим!

— Тишш...

Убай кўзлари қисилиб.

— Хуллас,— деди,— ҳозир бутун қишлоқ опасини ўтказгани жой топмайди, синглисини биров эсга ҳам ол-

майди... Хўш, энди мен ҳурматли домладан сўрамоқчиман: бу икки қишлоқ қизининг қайси бири чин олқишга сазовор. Ўз инсоний қадрини таниган опаи ёки гапсўздан қўрқиб нодон эрнинг чўрисига айланган сингилми?..

Бу сафар ғала-ғовур, кулги, қарсақлар у ер-бу ердан эшитилган хитобларни босиб кетди. Айниқса, Сайёралар томонидаги ёшлар хушнуд. Улар ер депсиниб чапак чалишар, Нилуфар билан Сайёра эса кафтларини лабларига қўйиб: «Қойил! Қойил!» деб қичқиришар, ёлғиз Шоҳиста қулоқлари ловилаб, тиззасидаги дафтарларини варақлаб ўтирар эди.

Акрам депсиниб, бақираётган Сайёрага яна бир қаради ва гижинди. «Қачонгача ўзини эрга теккан хотин эмас, ўн етти яшар қизчадай тутаркин бу?..»

Акрам бир ўйи хотинининг ёнига ўтмоқчи ҳам бўлди-ю, худди шу пайт зал ўртасидаги ораликдан унга қараб келаётган ҳалиги семиз домлага кўзи тушди. Домла оппоқ бошини кулгили даражада баланд кўтариб, юмалоқ қорнини гўё қалқондай олдинга чиқариб, лапанглаб келарди.

Домла эшикка яқинлашиб қолганда стуллардан биридани узун бўйли, озғин ва хушбичим бир йиғит кўтарилди ва ғалати кулимсираб домлага эргашди. Бу — Зафар Бобоев эди!

«Ие, бу нимага келди экан? Ҳа, айтмоқчи, Нилуфарнинг атрофида айланишиб юрибди-ку! Демак, домла... Нилуфархоннинг отаси, бўлажак қайнатаси шу киши экан-да!» деди Акрам ва Зафарнинг ғалати кулимсирашини кўриб, ўзи ҳам кулимсиради: «Номус қиляпти шекилли қайнатасидан!»

Зафар уни кўриб кўзини қисди ва домлани олдинга ўтказиб, Акрамнинг ёнида тўхтади.

— Сен ҳам келганмидинг? Ҳа, айтмоқчи, Сайёрахон шу ердалар-ку! — кулди у. — Жа`боплашяпти-ку бу ёшлар, а?

— Ҳа, боплашяпти!

— Домла ҳам қизиқ... Гапирмай қўя қолинг, десам кўнмадилар... Айтмоқчи, институтга кириб чиқасанми? Сенга телеграмма бор. Директорга бердим. Чақиршибди сени!..

Акрам ундан қанақа телеграмма эканини сўраб улгурмади. Зафар «домла кутиб қолмасинлар», деган маънода имо қилиб, чиқиб кетди.

— ...Сўз ёш кинорежиссёр Шавкатжон Хўжаевга!

Акрам соқолини силаб, ишончли одимлар билан минбарга томон юрган «ёш кинорежиссёр»га бир қараб қўйди-да, ўрнидан турди. Йўқ, гап телеграммада эмас, у «ёш кинорежиссёр» деган икки оғиз сўзданоқ кўзлари чарақлаб кетган қизларни кўриш, уларнинг шавқли қичқириқларини эшитишга тоқати йўқ эди.

* * *

Телеграмма қишлоқдан эди.

«28 майда тантанали вазиятда клуб очилади. Қишлоқ лойиҳасига баъзи ўзгаришлар киритиш масаласи ҳам бор. Акрам Холиқовни бир ҳафтага командировка қилишингизни сўрайман. Колхоз раиси Туроб Икромов».

Акрам телеграммани Султоннинг (улар институтда бирга ўқиганлари учун сенсирашиб гаплашишарди) олдига суриб қўйди.

— Бориш керак.

— Майли, бориб кел. Биздан ҳам салом айтиб қўй раисга,— деди директор ва тўсатдан қизларникидек серкиприк кўзлари қисилиб, хахолаб кулиб юборди.— Жа ажойиб чапани ошнанг бор-да! Раис оғайнингни айтаман. Бобоевнинг лойиҳасини нимага ўхшатган эди ўшанда, яланғоч хотингами? Ха-ха-ха...

— Бачкана гап-ку,— деди Акрам.

— Бачканами, йўқми, аммо гапида жон бор эди,— деди Султон кўз ёшларини артиб.— Айтмоқчи, докларнинг икки нусха кўчиртириб, бир нусхасини министрликка, бир нусхасини қурилиш комитетига юбортирдим.

— Намунча?— деди Акрам ҳайрон бўлиб. Султоннинг худди ҳозиргина сартарошхонадан чиққандай ялтиллаб турган силлиқ юзида аллақандай ҳорғин бир ифода пайдо бўлди, сал қисилган қўй кўзларига ўйчанлик чўкди.

— Гап шундаки, сен ҳақ экансан,— деди у хўрсиниб.— Сен минг маротаба ҳақ экансан, дўстим. Қишлоқ ҳаётини билмас экан Зафаржон!

«Энди ақлинг кирдимми?» деди Акрам ичида, лекин индамади, чунки Султон бошини маъюс чайқаб, самимий куйиниб гапирарди:

— Уни қишлоқ ҳаётини билмаслигини, демак, қишлоқ лойиҳаси устида ишлайдиган бизнинг институтимизга унча тўғри келмаслигини мен ҳам билардим. Лекин биринчидан, Ленинград таълимини олган-ку, девдим.

Иккинчидан, сенлар ҳам уни талантли-талантли, деб жа... осмонга чиқариб қўйдиларинг!..

— Мен ҳали ҳам унинг истеъдоди борлигини инкор этмайман, фақат...

— Истеъдод, истеъдод! Бу муқаддас сўзнинг қадри қолмади!— деди Султон, кутилмаган бир ғазаб билан.— Мен унинг талантини билмадим, лекин мансабпарастлик касалига мубтало бўлганини жуда яхши тушундим!

«Ия, гап тагидан гап чиқиб қолди-ку!»— Акрам Султоннинг тарам-тарам бўлиб қизарган юзига синовчан тикилди.

— Нима бўлди ўзи? Ораларингдан бир гап ўтдими?

— Гап бир нима бўлишида эмас, ҳамма гап принципда!— деди Султон.— Лекин ростини айтсам, гап ўтган жойи ҳам бўлди!— Султон икки қўли билан кўксарғиш япон пиджагининг ёқасидан ушлаб ўрнидан турди, полдаги гулдор гиламни вазмин босиб, кабинетнинг у бошидан бу бошига бориб келди.

— Гап шундаки, кенгашда танқидга учраган ўша лойиҳасини қурилиш комитетига кўтариб чиқибди. Бу ҳам етмагандай, Архитекторлар союзида ёшлар муҳокамасига қўйиб, ҳар хил гапларни гапирибди!.. — Султон, худди шилимшиқ бир нарсага кўзи тушгандай ижирганиб кетди.— Яна талант дейсан!.. Сени билмадим, лекин мен талант деганда биринчи навбатда софдилликни, покликни назарда тутаман. Бас, шундай экан, айт-чи, софдил, пок одам шу ишни қилармиди? Шунча одам, каттакон бир кенгаш, ниҳоят, ёмон бўлсам ҳам менинг юзимга оёқ қўйиб-а?

— Хўп, у яхши қилмабди,— деди Акрам.— Лекин... кечирасан, сенга битта саволим бор.

— Хўш?

— Сен унинг лойиҳасига қарши экансан, нега ўшанда, техника кенгашида ўз фикрингни аниқ айтмадинг? Бундан чиқди... Юқорига чиқмаса, индамай қўя қолар экансан-да!

— Ана холос! — Султон қўлларини кенг ёзиб хушнуд кулди.— Биринчидан, кўнгилчанман. Иккинчидан, ўзинг ўйлаб кўр, дўстим; у оддий архитектор эмас, ҳатто сенга ўхшаган устахона бошлиғи ҳам эмас, институтнинг бош архитектори бўлса!.. Биз икки раҳбар техника кенгашида ит-мушук бўлиб ўтирсак...

— Билмадим, гап принципиал масала устида...

— Мана энди принципиал туриб гаплашамиз!—деб кулди Султон.— Албатта, сен ҳақсан. Мен ўшанда кўн-

гилчанлик қилмай, фикрингни қувватлаб чиқсам бўларди. Умуман, бундоқ ўйлаб қарасам, сенинг қадрингни билмас эканман. Рост айтаман, дўстим!

— Раҳмат!..

Эшик шарақлаб очилиб, хонага бирин-кетин икки қиз кирди. Қизларнинг юзлари ҳаяжондан қизарган, улар қувончларини яширишга ҳаракат қилишар, лекин кўзларини чақнаб, лабларини йиғиб олишолмас эди.

— Кечирасиз, Султон Қосимович, биз...

Директор қўлларини столга тираб, секин ўрнидан турди, қовоғини солиб:

— Нима гап ўзи?— деди.

Баланд қилиб турмаклаган сочи қулаётган минорадай бир томонга оғиб кетган пакана қиз олдинга ўтди ва лаб-лунжини зўрға йиғиб:

— Бизнинг лойиҳамиз, тўғрироғи, Зафар Бобоевичнинг янги музей лойиҳаси конкурсда ютиб чиқди,— деди ва энтикиб нафас олди.

— Иккинчи мукофот олди,— деди дугонаси ва ийманиб ерга тикилди.

Акрам ялт этиб Султонга қаради. Султон пастки лабини тишлаб, гўё бир нимадан саросимага тушган одамдек, столдаги қоғозларни титкилар эди. Лекин бу ҳолат бир дақиқагина давом этди, иккинчи дақиқада Акрамга кўзини қисиб кулимсиради-да, столни айлашиб ўтиб, қизлар олдига келди.

— Табриклайман. Қачон келди бу хабар?..

— Бугун, ҳозир Союздан телефон қилишди,— деди баланд сочи қулаётган минорадай қийшайиб қолган қиз. — Зафар Бобоевични зўрға қидириб топдик. Энди...— қиз қизариб кулди.— Ювмоқчимиз... Зафар Бобоевичнинг кабинетларига марҳамат қилсаларингиз. Сиз ҳам, Акрам Холиқович...

Қизнинг гапи оғзида қолди, остонада, икки қўлида икки шиша вино Зафар, унинг кетидан бир қути майдачуйда кўтарган юмалоққина хомсемиз йигит кўринди.

— Мана, ҳали ҳам қадримизни билмайсанлар!— деди Зафар, виноларни столга қўяркан. — Биз ҳам институтнинг обрўсини кўтарамиз, ҳам ўзимиз зифат қиламиз!

Султон хохолаб кулди.

— Топган гапини қаранглар! Кошкийди, бу музей институт планига кирса! Ҳали ҳам институт лойиҳачиларини ишдан қолдириб, ҳар хил конкурсларга қатнашиб юрганнинг учун индамаганимизга шукур қил!

— Ҳали шунақами?— деди Зафар ва қизларга юзланди:— Очманглар шампанскоени! Кетдик. Ўзимиз ичамиз!

— Йўқ-йўқ! Ҳазил-ҳазил. Хурсандмиз-хурсандмиз! — Султон қулоч ёзиб Зафарни қучоқлади ва кулиб ўпиша кетди.

Акрамга Султоннинг хушнудлиги ясама-сунъий туюлиб, юзини четга бурди... Унга нима бўлди? Наҳот ҳасад қилса? Йўқ, нега ҳасад қиларкан? У Зафарнинг истеъдодли архитектор эканини ҳеч қачон инкор этган эмас. Агар уни танқид қилган бўлса... қишлоқ лойиҳалари учун, қишлоқ ҳаётини яхши билмаслиги учун танқид қилган, холос!

У Зафарнинг қўлини маҳкам сиқди.

— Табриклайман, дўстим.

Зафар кулиб қучоқлаша кетди.

— Сен қучоқлашнинг келмаса, мен қучоқлай... Мен сени яхши кўраман. Принципиаллигинг учун яхши кўраман, дўстим!..

Акрамга унинг: «Принципиаллигинг учун» дегани «аҳмоқлигинг учун» дегандай эшитилди-ю, бир юлқиниб қучоғидан чиқди.

Шампанскоенинг тиқини пақиллаб отилди. Қий-чув, кулги кўтарилди.

Акрам биринчи қадаҳдан кейин ҳеч кимга билдирмай секин чиқиб кетди.

* * *

Кун болган, бутун шаҳар, кўп қаватли уйларнинг дераза ва балконлари, кўча юзидаги чинорлар, акас ва оқ тераклар гўё нафис қизғиш шуълага чулгангану ажиб бир латофат касб этган... Акрам уйга боргиси келмай, кўчани тўлдирган одамлар оқимига қўшилди. Бу оқим ҳам илиқ ёз оқшоми кайфиятига берилган. Енгил кийинган йигитларнинг сабабсиз кулғисиди бўлакча бир шўхлик бор, кофталарини ечиб, қўлларига илиб олган қизлар аллақандай очилиб кетган, уларнинг тиниқ чеҳралари, шўх қилиқлари, майин кулгилари дилларни қитқлайди. Ҳавода ёшлик ва муҳаббат туйғуси кезади.

Бу туйғуга беихтиёр бўйсунган Акрам шаҳар марказидаги паркка етгач, ёшлар кафеси томон йўл олди. Атрофи ток ва чирмовиқ билан ўралган ойнаванд кафе одамнинг кўплигидан тилла балиқчалар сузиб юрган улкан аквариумни эслатарди. Акрам кафега киргиси келмай, очиқ ҳаводаги столлар қўйилган жойга бурилди

ва ишкомнинг тагидан ўтаётиб беихтиёр тўхтади. Сўрининг юқори томонида, ток шохларининг панасида, ёруғ кафега телбалардай тикилиб Акрамнинг ҳамқишлоғи, колхоз раиси Туробжон Икромовнинг укаси Муроджон деган студент йигит турарди.

— Муроджонмисан? Нима қилиб турибсан бу ерда?

— Ўзим... шундай...— Муроджон тузоққа тушган ҳушдай типирчилаб қолди, узун, ингичка бўйинини бир томонга қийшайтириб, Акрамнинг ёнидан ўтиб кетмоқчи бўлди.

— Тўхта, ука. Нима гап ўзи?

— Нима ишингиз бор? Ўзим юрибман. Шу!— Муроджон худди йиғлаётгандай ҳиқиллаб гапирди-да, Акрамнинг ёнидан ўтиб, ўзини хиёбонга урди.

Акрам ялт этиб у тикилиб турган томонга қаради, қаради-ю, ҳамма нарсага тушунди. Кафе ичида эшикка яқин жойда бояги мунозарадаги «компания» «қўр ташлаган», столнинг тўр томонида эса Убай билан Шоҳиста ўтиришарди. Акрамнинг эсига Туробжоннинг гапи тушди: «Бизнинг уканинг ишқи Ҳамидахоннинг синглисига тушибди. Буям сенга ўхшаган лапашангроқ. Опаси сени доғда қолдириб кетгандай, синглисням бу лапашангни бошлаб кетмасин-да, ишқилиб!..»

Акрам энди сўри тагидан чиқаман деганда бояги соқолли режиссёр ўрнидан туриб, Сайёранинг олдига ўтди ва ҳазиломуз таъзим қилиб, уни танцага таклиф қилди. Сайёра ҳам кулиб унга эргашди ва қоматини ғалати қилпилатиб, твистга тушиб кетди.

Акрам кетишини ҳам, тураверишини ҳам билолмай жойида қотиб қолди, кейин гўё уларни кузатиб тургандай бўлаётганини сезиб, ташқарига чиқди. У жўрттага олисроқ столни танлади, лекин ўтириб овқат чақиргани улгурмаган ҳам эдики, эгилиб-букилиб танца қилаётган Сайёра тўсатдан Акрам ўтирган томонга тикилиб қаради, кейин Шавкатжонга бир нима деб кулди-да, ташқарига қараб юрди.

«Оббо! Ҳали пойлаб юрибсиз демаса эди!» — Акрам келганига пушаймон бўлиб ўрнидан турди. Сайёра зинадан чопқиллаб тушиб унинг олдига келди: юзи ловиллаб, кўзлари қувончдан чақнаб турарди.

— Келишга келиб, қаёққа қочяпсиз, хўжайин? — у кулиб Акрамни қўлтиқлаб олди ва ичкарига бошлади.

Даврадагилар эр-хотинни ўринларидан туриб кутиб олишди, кинорежиссёр эса, гўё эски қадрдондай аския қилди:

— Ҳозирги замон зиёлиси деб мана Акрам акамларни айтса бўлади. Шундай гўзал рафиқалари ярим кечада кафе-ресторанларда юрадилару рашк қилмайдилар...

Акрам ҳали гап топмаган ҳам эдики, Сайёра кулиб жавоб берди:

— Чунки гўзал рафиқалари шундай... одобли, шундай вафодорки, рашк қилишларига ҳеч бир асос йўқ!

Сайёра кулганича Акрамни ўз ёнига ўтқазди, унинг кулгиси, умуман, қилиқлари шундай самимий эдики, Акрамнинг кўнгли ёришиб кетди.

«Мен ҳам баъзан жуда ошириб юбораман-да!— деди у хаёлида.— Ҳозирги ёшлар ўзи шунақа: очиқ-ёриқ, ўзларини сал эркин тутишади...»

Шавкатжон билан Нилуфар Сайёранинг гапига қаҳқаҳ отиб кулишди. Убай эса юзини тўсиб турган кўкини тутунни пуфлаб илжайди, ёлғиз Шоҳиста уялиб ерга қаради. У, гарчанд сочинини қирқтириб, жуда очилиб кетган, ўзбек қизидан кўра киноларда учрайдиган француз гўзалларига ўхшаб кетса ҳам, узунчоқ юзи ловиллаб, серкиприк шаҳло кўзларида уятчан табассум жилва қиларди... Ҳамида ҳам шундай эди... Йўқ, бунчалик... чиройли эмас эди! Лекин... Бу шоир йиғитнинг мақсади нима? Киноактриса қилмоқчимиз уни? Наҳот рашки келмаса?

«Соқол», гўё Акрамнинг ўйларини тасдиқлагандай, ҳадеб Шоҳистага тегишар, боя мунозарада сўзга чиққан домлага тақлид қилиб «ўзбек қизларининг қирқкокиллари ва уятчан табассумларини» мақтар, ифбатли қизларнинг юриш-туришлари, салом-аликлари қанақа бўлишини имо-ишораларда кўрсатар, Шоҳиста бунга бир жилмайиб қўйса, Сайёра билан Нилуфар стулларида ағанаб тушгудек бўлиб, қотиб-қотиб кулишарди. Бу сафар Акрамга Сайёрадан ҳам Нилуфарнинг кулгиси оғир ботди. Ахир... нима бўлганда ҳам домла унинг дадаси-ку? Наҳот қиз бола ўз отасини шунчалик менсимаса? Лекин... домлага ҳам қойил. Бошқаларга ифбат тўғрисида ваъз ўқийди-ю, ўз қизининг юриш-туриши бу...

Ниҳоят, Убай кулиб:

— Домла-ку, кекса одам, эски зиёли,— деди.— Ёш зиёли қандай қараркинлар бу масалаларга?

Акрам елкасини қисди:

— Мен бу масалаларда... чегарадан чиқмаслик керак, деб ўйлайман.

— Ҳар ҳолда баъзи пенсионерларнинг гапидан дуруст,— деди Шавкатжон ва ҳамма баравар кулиб юборди.

Акрам тиззасида Сайёранинг қўлини сезиб, гижинди. Сайёранинг бу ҳаракати: «Қўйинг, индаманг, кулги бўласиз», деган маънони билдирарди.

«Нега энди мен шу олифтага қолоқ кўринишдан кўрқиб кўнглимдагини айтмас эканман?» деди Акрам нчида.

— Йўқ, қанча гапирманг, биз эски урф-одатларимизга, жа... ёпишиб қолганмиз,— деди Иллуфар.— Ҳар куни эрталаб трамвай, троллейбусга чиқинг: қоп-қопчиқ, халта-хуржун, тоғора-баркаш кўтариб олган одамларга кўзингиз тушади!.. Уруш-жанжал... Айниқса, қишлоқдан келганлар уялтиради кишини!.. Замон талабига ҳам қараш керакми ахир?..

«Қошки сен қишлоқ аҳлининг дардини тушунсанг!»— Акрам тиззасида яна Сайёранинг қўлини сезиб, силтаб ташлади. Ҳаяжондан қилт этиб ютинди.

— Ҳамма айбни эскиликка тўнкашдан осони йўқ. Лекин нега шу маҳалгача бу одамлар эскилик чангалдан қутулолмайди? Сиз буни бир ўйлаб кўрдингизми? Биз буни ўйлаш, бу чигал масалаларни ҳал қилишга ёрдам бериш ўрнига ўзимизни четга олиб қочамизу, кейин номус қилиб юрамиз!

Шавкатжон қўлини силтади:

— Оламнинг ташвиши бизга тушиб қолдим, келинлар, қўяйлик шу гапларни. Ҳозир мен битта латифа айтиб бераман...

Лекин Иллуфар унинг гапига қулоқ солмай, яна Акрамга юзланди, баланд қилиб турмакланган ва ўзига ярашиб тушган сочини тўғриларкан:

— Йўқ, мен бу гапингизга унча қўшилмайман,— деди:— Бултур ёзда биз Зафар акамлар билан Гуржистонга бордик. Тбилисида юрдик, лекин бирор марта ҳам ҳалигидақа нарсаларни учратмадик. Сиз гуржи қишлоқларида ҳамма масала ҳал бўлган деб ўйлайсизми? Йўқ, ҳамма гап маданиятда, ўша сиз айтган анъаналарнинг илғорлигида.

— Бизнинг маданиятимиз бошқа ҳеч бир маданиятдан кам эмас!— Акрам жуда кескин гапирганини, шунинг учун ҳам гапи аллақандай ясама чиққанини сезиб, қизариб кетди.

Шавкатжон кулгига олиб:

— Гапингиз тўғри. Абу Али ибн Сино, Беруний,

Улуғбек, Алишер Павоний!— деб хитоб қилди-ю, кейин тўсатдан пешанасини тириштириб, жиддий деди:— Лекин... Масалан, ҳозирги санъатимизни олайлик. Бизнинг кинофильмлар билан бадий асарларни грузин санъати ёки масалан, бугунги қирғиз адабиёти билан солиштириб бўладими?

— Кечирасиз, мен бу соҳаларда ҳукм юритолмайман!— деди Акрам.

— Мана, Убайжон айтсин...

Убай пешанасини ишқаб:

— Қийин масала...— деб кулди.

Шавкат елкасини учуриб:

— Мана шунақамиз биз, тан бермаймиз!— деб гап бошлаган эди, Сайёра ҳазилга бурди:

— Мана энди сиз яратасиз буюк асарларни!

— Агар бош ролни сиз ижро этсангиз!— деди Шавкатжон ҳам кулиб.— Йўқ, рост айтаман,— деб қўшимча қилди у.

Сайёра негадир қизариб:

— Артистка бўлишга йўл бўлсин менга!— деди.— Қариб қолганман. Мана, Нилуфархон билан Шоҳистани чақиринг студиянгизга.

— Нилуфархон албатта қатнашади. Шоҳиста жонжон деб қатнашарди-ю, Убайдан қўрқяпти.

— Сценарий автори рашк қилса... Ҳалиям ўзимнинг хўжайиним тузук экан!

Тўсатдан бутун кафени чинқирган, чийиллаган овозларга тўлдириб жаз янгради. Қўшни столда ўтирган кичкинагина тепакал бир одам йўрғалиб келиб, Нилуфарга таъзим қилди. Нилуфар, гўё шуни кутиб тургандай дарҳол ўриндан туриб, танцага тушиб кетди. Шавкатжон ҳам кулиб Шоҳистани таклиф қилди. Шоҳиста худди қишлоқ қизларидай қўрқиб Убайга қаради, Убай унинг елкасидан қучиб ўзига тортди, ярим ҳазил, ярим чин қилиб:

— Мен кинорежиссёрларга ишонмайман!— деди.

Шавкатжон қўлини бир силтаб, Сайёрага таъзим қилди. Сайёра кулди:

— Билмадим, хўжайин рухсат берармиканлар?

Акрам Сайёрага қаради, у: «Қачондан бери мендан рухсат сўрайдиган бўлиб қолдингиз?» демоқчи эди, лекин хотини чиндан ҳам мулойим термилиб турганини кўриб:

— Марҳамат,— деди.— Мен қачон сизга танца тушишни ман қилган эдим?

Акрам бу гапни айтишга айтди-ю, бироқ Сайёра Шавкатнинг қаршисида кўзлари чақнаб, тор кўйлагининг ичида кўкраклари диркиллаб, сал тўлиша бошлаган хушбичим қомати силкиниб, ўйнай башлаганида, юрагига бир нарса қадалгандай бўлди. Акрам, рашк қилишга асос йўқлигига, умуман, бунинг ҳаммаси шунчаки бир ҳазил эканига ақли етиб турса-да, минг қилса ҳам қишлоқдан чиққан одам эмасми, унга бу чинқироқ музыка, бу танца, айниқса, хотини билан Шавкатжоннинг бир-бирига муқом қилиб қийшанглашлари шунчалик хунук ва бачкана туюлдики, столни бир тепиб туриб кетгиси келди... Тўсатдан у ўзини бу катта, чароғон базм хонада, бу сершовқин, ширакайф ва хушнуд ёшлар орасида жуда ёлғиз сизди, шундай ёлғиз сиздики, кафенингина эмас, шаҳарни, яшаб турган уйи, ишлаб турган институти — ҳаммасини ташлаб қишлоққа, ўша болалик йиллари ўтган сўлим сойликка, булоқ бўйларига жўнаб қолгиси келди...

Унинг хаёлини Зафарнинг: «Ия жамоат жам-ку! Столни суринг, бирга ўтира қолайлик!» деган хитоби бўлиб юборди.

Эшикдан кирган жойда... Зафар бошлиқ боя Султоннинг олдида шампанское кўтариб кирган қиз-йигитлар турар, ораларида фақат директор йўқ эди. Улар шовқинсурою билан битта столни кўтариб келишди. Юмалоқ йигит официанткани кутишга сабри чидамай, ошханага қараб чоғди, турмакланган сочи бир томонга қийшайиб қолган қиз Нилуфарнинг қулоғига алланималар деб шивирлади. Нилуфар олдин: «Вой, шунча янгиликлар бор экану мендан яширибсиз?» деб Зафарга гинахонлик қилди, кейин ноз билан лабини чўзди:

— Табриклайман, Зафар ака!

Зафар кулиб, ҳаммининг кўзи олдида уни маҳкам қучоқлаб, ўпди.

— Мукофотга никоҳ тўйи қўшилди!— деб қичқирди бақалоқ йигит ва қўлидаги шишаларни столга дўқиллатиб қўйди.— Очилсин шишалар!

Яна ғала-ғовур, кулги кўтарилди, фақат ёшликдагина бўладиган беташвиш, беқайғу бир хушнудлик бошланди. Ёлғиз Акрам, худди ёт одамлар орасига тушиб қолган етим боладай хомуш ўтирар, бундан ўзи ҳам ўнғайсизланар, ҳатто Сайёра ҳам ўнғайсизланаётганини сезар, лекин унинг продасидан устун бир куч ўртада ғов бўлиб турарди! Ниҳоят, буни Зафар ҳам пайқаб қолди шеккилли, қўлини унинг тиззасига қўйди:

— Сенга нима бўлди, жуда хомуш кўринасан? Ке, қўй, шу одатингни! Биласан-ку, мен сени жуда ҳурмат қиламан, дўстим! Уйламагинки, баъзи лойиҳаларни танқид қилганим учун ёмон кўради, деб. Биз баҳслаш-сак принципиал масалалар устида баҳслашамиз. Султонга ўхшаб... Ке, майли, битта олайлик.— Зафар Акрамни қучоқлаб, рюмкасини уриштирди.— Сеннинг муваффақи-ятларинг учун!

Акрам шу топда Зафарнинг дили фақат катта муваффақият инъом этадиган бўлакча бир меҳрга тўла эканини кўриб, кўнгли хил ёришгандек бўлди, қадаҳдаги вишонни битта кўтарди. У Зафарга бир-икки оғиз илиқ сўз айтмоқчи эди, лекин Зафар ўрнидан туриб, Сайёрага юзланди:

— Қани, битта танца тушайлик, Сайёрахон! Рухсат берасанми оғайни ё рашк қиласанми?

— Нилуфархон турибди-ку!

Акрам бу гапни айтишга айтди-ю, ўзидан ёжинди! «Қишлоқи!»

Зафар унинг гапини эшитмаганга олиб, Сайёранинг белидан қучди. Сайёра яна боягидай кўзлари чақнаб, даврага тушиб кетди.

«Менга нима бўляпти ўзи? Илғор знели! Архитектор»,— деди Акрам, лекин ўзидан кулишга қанча уринмасин, дилида уйғонган ва тобора ўсиб бораётган исёнкор туйғуни боса олмас эди.

Нилуфарни Шавкатжон илиб кетди. Бақалоқ йиғит Шоҳистани ҳам қўярда-қўймай ўрнидан турғизди. Убай Акрамга яқинроқ сурлиб ўтирди.

— Кайфингиз йўқроқми, домла?

— Ҳа, шу... асаблар,— деди Акрам бошқа гап тополмай.

Убай сигарета чекаркан, секин шеър ўқиди:

«Асаблар, асаблар, асаблар,
Сабабсиз сочилган газаблар...»

Убай юзини тўсган паға-паға тутунни қўли билан ҳайдаб кулди:

— Парво қилманг, ака, замонанинг зайли бу...

— Замонанинг зайлими ё... турмушнинг аччиқ-чучукларини билмаган тантиқларнинг олифтагарчили-гимми?

— Қўйинг, сал кулиб қарайлик бу ишларга,— деди Убай ёқимли жилмайиб.

Акрам индамади. У кўнглининг бир четида бу босиқ, ўйчан йигит ҳақ эканини сезиб турар, лекин юрагида жўш ураётган тугённи босолмас эди.

— Кетиш керак!— деди у ўзича ва Зафар билан Сайёра қўлтиқлашиб столга яқинлашаётганини кўриб, ўрнидан турди:

— Кетамизми, хоним?

— Бирпас ўтирайлик,— деди Сайёра қошларини чимириб.

— Ия, ўтириш энди бошланди-ку? Ё хотинингни қизганяпсанми?— Зафар қаҳ-қаҳ отиб кулди ва Сайёранинг қўлидан тортиб, жойига ўтқазди.— Қўрқманг, Сайёра-хон. Агар Акрам, кеч қолдинг, деб сўкадиган бўлса, парткомга ариза берасиз!..

Сайёра ўзига ярашиб тушган тилла тишини кўрса-тиб жилмайди-да, эрига қаради. Унинг бу қарашида ҳам илтимос, ҳам таҳдидга ўхшаш аллақандай совуқ бир нфода бор эди.

— Хўп, бўлмаса, сиз қолинг, мен кетдим,— Акрам шахт билан ўрнидан туриб, эшикка томон йўналди.

* * *

«Нега шундай қилдим? Аразлаган ёш боладан баттар бўлдим-ку?»— деди Акрам, лекин бир қарорга келгунча оёқлари уни ташқарига олиб чиқиб қўйди.

Паркда одам сийраклашган, лекин у ер-бу ерда қўлтиқлашиб, кулишиб юрган ёшлар учрар, хиёбондаги скамейкаларда бир-бирининг пинжига кириб ўтирган қиз-йигитлар беихтиёр эътиборни тортар эди.

Акрам кечанинг илиқ ҳавосидан — бу ҳаво унга негадир олис қишлоғини, тоғ этагидаги қийғос гуллаган бодомзорларни эслатди — кўкрагини тўлдириб нафас олди-да, хиёбон бўйлаб бир-бир босиб кетди.

У, гарчанд кафедан Сайёрага жаҳл қилиб чиқиб кетган бўлса-да, ҳозир уйга Сайёрасиз қайтгиси келмасди. Ёш болаларда бўладиган бемаъни бир одат: аввалига уришиб қолади-ю, кейин «ярашолмай» эзилиб юради. Унинг бу қишлоқи дағаллиги, аразчилиги қачон қолар экан? Ахир, боя Убай айтгандай, ҳозирги ёшлар учун бунинг ҳаммаси табиий бир нарса-ку? Сенга бу хулқ-атвор ёқмас экан, бошида онанг топган қишлоқ қизига уйланиб қўя қолсанг бўлмасмиди? У уйингда овқатингни пишириб, болаини боқиб, тинчгина ўтирмасмиди, сен ишингни қилиб тинчгина юрмасмидинг?

Акрам хиёбоннинг охиридаги чинорга етганда, хаёлга чўмиб бир оз турди.

У Сайёра билан илк бор шу чинор тагида учрашган эди. Ушанда ҳам мана шундай ёз пайти, йўқ, бундан сал олдин, ўрик гуллаган пайтлар эди. Ҳали-ҳали эсида: Сайёра, эғнида оқ кўйлак ва нафис пуштиранг жемпер, чаккасида миттигина ўрик гули, пошнаси баланд туфлиси билан асфальт йўлдан тўқ-тўқ юриб келган, чинор тагида турган Акрамни кўрганда эса чеҳраси чаккасидаги ўрик гулидай яшнаб кетган ва қўлларида ўйнаб келаётган бир ўрим майин сочини орқасига ташлаганича чопқиллаган эди олдига.

Акрам ўшанда юраги гурс-гурс уриб, қизга пешвоз юраркан, бутун олам, паркдаги ҳар бир дарахт, ҳатто мана шу кекса чинор ҳам нафис ўрик гулига буркангандай туюлган эди унга.

Акрам Сайёра билан ўшандан сал олдин унинг дадаси, профессор Обид Юнусовичнинг эллик йиллик тўйида танишган эди. Профессор Обид Юнусович, эғнида қора костюм, шаънига кўтарилган қадаҳлардан мамнун, дугоналари орасида юлдуздай чақнаб ўтирган қизнинг олдига Акрамни ўзи бошлаб борган ва хазиломуз гапириб: «Ўртоқ ёшлар, бу хушсурат йигитни каминанинг энг яхши шогирди — бўлажак катта санъаткор, архитектура профессори Акрамжон Холиқов, деб билгайсизлар!» — деб таништириб қўйган эди.

Шундан кейин Сайёра уни танцага таклиф қилган, одатда қизлардан тортиниб юрадиган Акрам эса ичилган винонинг таъсирида туппа-тузук сайраб, қизни роса кулдирган эди. Сайёра ҳам ўша кеча унинг ёнидан кетмаган, ҳатто дугоналари: «Уни қара, ҳалитдан бўлажак профессорни танлади», деб кулишганда ҳам, эътибор қилмаган эди...

Ўша кеча Акрам қизнинг нозиқ белидан қучиб, унинг кулиб турган мулойим чеҳрасига тикилиб таппа тушаркан, гўё ўспиринлик чоғида Ҳамидани севмагандай, гўё илк севгининг оловли тафтини биринчи марта бошдан кечиргандай бўлган, кейин бир ҳафта, то шу хиёбонда учрашгунларигача кечалари ором билмай шаҳар кўчаларини кезгани-кезган эди...

Акрам Обид Юнусовични ўйлаши билан кўнглидаги муз сал эригандай бўлиб, унинг олдига боришга аҳд қилди, лекин трамвайга чиққиси келмай, ҳамон ўй ўйлаганча пиёда кетди.

...Кўча эшикни қайнанаси Мавжуда хола очди. Ак-

рамнинг саломига эшитилар-эшитилмас: «Келинг», деди-да, индамай уйга кириб кетди.

«Бу кишига тағин нима бўлди?»

Мавжуда хола, бошда Акрамни қизига муносиб кўрмаган бўлса ҳам, сўнгги пайтларда муомаласи анча ўзгарган, ўз таъбири билан айтганда, «кўнгли илиган» эди.

Акрам тор йўлакдан ўтаётиб, ичкарида ёруғ меҳмонхонанинг тўрида ўтирган семиз одамга кўзи тушди. Бу ўша, боя мунозарада нутқ сўзлаган домла эди. У рўпарасида ўтирган Обид Юнусовичга қараб, қўл силкитиб гапирмоқда эди. Акрамнинг қулоғига унинг: «Йўқ, йўқ, Обид Юнусович, мен бу фикрингизга қўшилолмайман», деган гаплари чалинди.

— Бу гапни мана бу ёшлардан эшитсам ажабланмас эдим,— деди домла, эшикдан кирган Акрамга юзланиб.— Лекин сиз...

— Аксинча, бу киши эҳтимол сизнинг фикрингизга қўшилсалар керак,— деди Обид Юнусович ва мийиғида кулимсираб уйдан чиқди. Акрам қайнатасининг пичингини биринчи бор эшитиши эди, у ҳайрон бўлиб унинг орқасидан қараб қолди.

Домла қўлларини шимининг киссаларига тикиб ва юмалоқ қорнини ғалати тебратиб уйни бир айланиб чиқди.

— Гап бугун институтда бўлган мунозара устида кетяпти,— деди у ўртада тўхтаб.— Сиз ҳам борувдингиз шекилли? Мана, сиз ёшсиз. Яхши зиёли йигитсиз. Қани, айтинг-чи, ука, ёшларимизнинг бу хулқ-атвори, бу қилиқларига сиз қандай қарайсиз?

Акрам елкасини қисди. Қизиқ, гарчи у домланинг ғазабига тушунса ҳам, унинг гаплари негадир гашини келтирди.

— Шу институтда йигирма йил ишлаган кекса домладан кулиш! Уни шу қадар беҳурмат қилиш... Йўқ, сиз ўйламангки, ёшлар иззат-нафсига теккани учун шундай даргазаб бўляпти, деб! Йўқ, гап менинг устимда эмас, ука... Гап умуман, одоб-ахлоқнинг бузилиб кетаётгани, агар истасангиз, ёшларимизга таъсир кўрсатаётган нотўғри қарашлар устида боряпти!— Домла тўладан келган юмалоқ юзи ловиллаб, кўзлари чақнаб, хонани яна бир айланиб чиқди ва қўлларини орқасига қилиб, Акрамнинг рўпарасида тўхтади.

— Мен ҳайронман, ука, бизнинг давримизда комсомол бунақа ҳодисаларга бўлакча баҳо берарди. Ҳо-

зир... билмадим, иш шу зайлда кетаверса, ёшларимиз нима бўлади?

Акрам бенхтиёр кулимсиради.

— Кечирасиз, домла. Бу ёшлар орасида ўз қизнигиз ҳам бор эди шекилли.

Домла оппоқ бошини сал эгиб, Акрамга жиддий тикилди:

— Наҳотки сиз мени, бошқаларни қоралаб, ўз қизини оқлайди, деб ўйласангиз, ука?— деди у маънос бош чайқаб.— Агар истасангиз мен ҳаммадан бурун ўз қизим ва куёвим, тўғрироғи, бўлажак куёвимни қоралайман. Мен ҳаммадан бурун ўз фарзандларимнинг хулқатворидан изтироб чекаман, ҳа.

Акрам кўзини унинг кўзидан олиб қочди. Ҳозиргина кафедра кўп нарсадан ранжиган одам, у энди домланинг газабга тўла гапларини эшитаркан, худди кўзгуда ўз аксини кўргандек, ижирғанди. Хайрият, шу пайт Обид Юнусович қайтиб кирди-ю, домла Акрамнинг жавобини кутмасдан, шляпасини қўлига олди.

— Йўқ, бу оилада менинг маслакдошим йўқ экан,— деди у ҳазиломуз.— Иним ҳам сизнинг тарафингизни олди, энди чекинмасдан иложим йўқ.

— Демак, ноҳақлигингизга иқроор бўлибсиз,— деб кулди Обид Юнусович.— Чунки ҳақ одам чекинмайди. Принципиал...

— Йўқ, йўқ! Принципиал одам ҳам вазиятни ҳисобга олиб вақтинча чекинishi мумкин. Тактика, дейдилар бунинг номини!— Домла кулимсираб Акрам билан хайрлашди.

Уни кузатиб чиққан Обид Юнусович қайтиб кириб очиқ деразанинг олдига ўтди ва қоронғиликка тикилиб, ўйланиб қолди.

Ғалати одамлармиз-да,— деди у хиёл сукут сақлагач.— Шунча воқеаларни бошдан кечириб, ҳануз ҳаётга фалсафий қарашни ўрганолмаймиз. Ахир турмуш — кўлмак сув эмас, оқиб турган бир дарё-ку!.. Шуни эсдан чиқариб қўямиз-да, ҳар бир янгиликдан сочимиз тикка бўлаверади.— Обид Юнусович кескин ўгирилди, қўллари кўксида қовуштириб ва ялтироқ катта бошини бир томонга сал эгиб, Акрамга тикилди:— Яна ўша жонга теккан гап. Ёшларимиз ундоқ, ахлоқи бундоқ деб додлаб келибди. Унинг гапига қулоқ солсанг, осмон ағдарилиб ерга тушаётгандай. Мен ҳеч тушунолмайман— нега энди ёшларимиз шу одамга ўхшашлари керак экан? Нега энди улар шу одамнинг гапини гапирши-

лари керак экан?.. Бугун институтда бир мунозара бўлганмиш...

— Мен ҳам борувдим,— деди Акрам.

— Нима бўлди ўзи бу одам шунча ваҳима кўтарадиган? Унга қолса, студентларнинг ярмини институтдан ҳайдашдан ҳам тоймайдиган.

Акрам яна бояги ўйлари ёдига тушиб, қизариб кетди.

— Билмадим энди. Жуда ҳам унақа ваҳима қиладиган гап бўлмади шекилли. Лекин... ёшлар ҳам, ўзингиз биласиз, баъзан жуда ошириб юборишади.

— Биладан,— деди Обид Юнусович кескин,— лекин бу ёшликка хос табиий бир хислат, ахир. Мен ана шу хислатлари учун ҳам севаман уларни. Менга уларнинг самимийлиги, фидойилиги, ҳар қандай адолатсизликка, расмиятчиликка, мансабпарастликка қарши курашга тайёр эканликлари ёқади. Бу ажойиб хислат-ку, ахир?

Обид Юнусович тўхтаб Акрамга қаради, унинг юпқа лабида билинар-билинмас бир табассум ўйнади.

— Ё сиз ҳам домланинг фикрига қўшиласизми?

— Йўқ, унчалик эмас...

— Менга қаранг, ўғлим,— деди Обид Юнусович.— Мен сизнинг оила ишларингизга аралашмоқчи эмасман. Лекин... Сайёра эшикдан йиғлаб кирди. Гап сўрасам, айтмади. Нима бўлди тағин?

Акрам ерга қаради...

Нима дейди қайнатасига? Сайёра кафедра ўзини ёмон тутди, ёшлар билан чақчақлашиб ўтирди, танца тушди дейдимми?

— Билмадим энди,— деди Акрам.— Мен сал асабийлашдим шекилли...

Обид Юнусович бошини чайқаб кулимсиради.

— Мен ҳам сиздай қишлоқдан чиққан одамман. Ёшларнинг тарафини олсам ҳам, уларнинг баъзи қилиқлари менга ҳам ёқмайди. Лекин ҳаёт билан ҳисоблашиш керак, ўғлим. Ҳар ҳолда... Майда-чуйда нарсалар баҳона бўлиб, турмушларнинг бузилиб кетмасин. Ўзингиз ётгани билан бир гаплашинг.

* * *

Сайёра дадасининг иш хонасида, диванда деворга қараб ётар, Мавжуда хола олиб кирган чой столда аллақачон совиб қолган эди.

Иўқ, Сайёрага Акрамнинг уни кафега ташлаб кетгани эмас, ҳаммадан кўра Зафарнинг гаплари алам қилди.

Акрамнинг қилиғидан ер ёрилмадики, Сайёра ерга кирса!.. Ҳамма унга ачиниб қараётганини сезиб, Сайёра кўзига ёш олди, кейин хўнграб йиғлаб юборишидан қўрқиб ўрнидан турди. Буни кўриб бошқалар ҳам қўзғала бошлаган эди, Зафар эътироз билдирди.

— Иўқ, йўқ, зиёфат энди бошланди, бемалол ўтира-веринглар. Сайёраҳонни ўзим машинада олиб бориб қўйиб келаман.

Улар Шавкатжоннинг сал дағалроқ ҳазили ва Нилуфарнинг асабий кулгиси остида кафедан чиқишди. Зафарнинг янги ҳаворанг «Волга»си паркдан чиқаверишда, дарвозанинг ёнида турарди. Зафар машинанинг эшигини очаркан:

— Уйга Акрамдан олдин етиб олинг, кириб борганда гап билан узиб-узиб оласиз,— деб кулди.

— Иўқ, йўқ, мен уйга бормайман,— деди Сайёра.— Мумкин бўлса... дадамларникига элтиб қўйинг. Биласиз-ку ишчилар шаҳарчасида турадилар...

Зафар машиналар у ёқдан-бу ёққа фириллаб ўтаётган катта кўчада «Волга»ни худди сувдаги балиқдай енгил учириб бораркан:

— Сиз хафа бўлманг, Сайёраҳон,— деди, қандайдир жуда самимий товушда.— Баъзан шунақа бўлади. Аслида... ёмон йигит эмас, Акрам.

— Раҳмат,— деди Сайёра совуққина. «Яхши бўлса шундай қилармиди? Менинг қадримни билмаса майли, билмай қўя қолсин, ақалли ўз қадрини билса бўлмасмиди?.. Ўз қадрини билган қайси йигит бошқалар олдида ўз хотинини шунчалик ерга уради?» Сайёра пастки лабини тишлаб жим қолди.

— Лекин...— Зафар жилмайди.— Баъзан мен ҳам унга ҳайрон бўламан. Шундай... яхши, оққўнгил, ақлли одам янгиликларни унча хушламайди. Ўзингиз биласиз, айниқса бизнинг соҳамизда, архитектура соҳасида янгилик кўп. Бу жуда табиий бир нарса, чунки архитектура— одамнинг диди, завқи, маданиятига боғлиқ бир санъат. Бунинг устига, ўзингиз кўриб турибсиз, кун сайин одамларнинг маданияти, гўзалликка интилиши ортиб борапти. Ҳайронман, наҳот Акрам буни тушунмаса...

— Буни тушуниш учун таланти керак кишига!— Сайёра бу гап оғзидан қандай чиқиб кетганини ўзини

сезмай қолди ва чўчиб Зафарга қаради. Зафар унинг овозидаги аччиқ кинояни пайқамадими ё биллиб билмасликка олдини, ишқилиб:

— Акрам институтда ўқиб юрган пайтларимизда қобилиятли студентлардан эди,— деди.— Кейин... ҳар ҳолда ўшанда Ленинградга юборамиз, деганларида кетаверса бўларкан! Мен ҳам ўшанда бормаганимда, билмадим ҳозир нима бўлардим?

Сайёра совуққина кулди.

— У бечора қандай борсин, алвастидай бўлиб бўйнига осилиб олган бўлсам!

— Сиз унинг бўйнига осилиб олганмидингиз ё у сизнинг этагингизга ёпишиб олганмиди?— кулди Зафар ва Сайёрага бир қараб қўйди.— Бир гап айтсам хафа бўлмайсизми?

Сайёра унинг нима дейишини олдиндан сезиб, юраги ўйнаб кетди.

— Қанақа гап экан?— деди у ва ҳаяжонини яшириш учун кулди.

— Ўшанда мен... ёлғиз мен эмас, ҳамма ёш аспирантлар ошиқ эдик сизга!..

— Бўлмаган гап!— деди Сайёра, ўзи бўлса Зафар бу сўзни қайта айтишини дил-дилидан истар эди.

Зафар кулди.

— Ҳозир ҳаммасини айтиб берардим у аттанг, мана, уйлариңгизга келдик...

— Раҳмат,— Сайёра ўзини босиб олиб машинадан тушди, Зафар билан қўл бериб хайрлашаркан, ҳазиллашди.— Бу гаплариңгизни Нилуфархон эшитса, билмадим, ҳозир сизга нима дерди!

— Нилуфархоннинг рашк қилишга асоси йўқ. Ёшликда бўлган гап-да!

Сайёра дарвозага суянганича узоқлашаётган машинанинг чўғдай чироқлари қоронғиликка сингиб кетганича кутиб турди, сўнг, қулт ютиниб, ҳовлига кирди. Зафарнинг охириги сўзи уни негадир шундай ўкситдики, уйдан чопқиллаб чиққан қизчасига ҳам қарамай дадасини иш хонасига кирди-да, ўзини диванга отиб хўнграб йиғлаб юборди.

Йўқ, бу ўкинч ёшлари эмас. Сайёра институтга кирган йили Зафар, гарчи аспирант бўлса ҳам, худди мактабни кечагина битирган ўқувчи болага ўхшарди. Акрам эса, эҳтимол армия хизматини бажариб, «пишиб» қайтгани учундир, билагини кучга тўлган, хушқомат, тап тортмас йигит эди. Рост, Сайёранинг дугоналари сиртидан

сал дағал кўринган Акрамни «қишлоқи» деб мазах қилишар, Сайёрага эса унинг мана шу соддалиги хуш ёқар, хаёлида уни Мажнунга ўхшатар ва бу мажнунтабнат йиғитнинг Лайлоси бўлишни орзу қиларди...

Ҳа, Сайёра илк севгисидан пушаймон қилмайди, шунчаки ўшанда ёшлик қилганидан, бир-икки йил ўйнаб қолиш ўрнига, биринчи курсни битирар-битирмасдан турмушга чиққанига ўқинади, холос... Бу хато унинг бошига кўп савдолар солди. Иккинчи курсни битирмасданок ҳомиладор бўлиб, политехника институтни ташлашга мажбур бўлди... Рост, кейин медицина институтига кирди. Раъйн бўлмаса ҳам, осонроқ бўлармикан, деб кирди... Лекин шундан кейин бошига ҳам эрининг ташвиши тушди, ҳам бола, ҳам институт ташвиши. Девонафёъл эр бўлса — девоналигини қилди. Зафарга ўхшаганлар уч йилда ўйнаб-кулиб ёқлаган диссертацияни беш йил деганда аранг ёқлади, ўшанда ҳам кафедрадагилар билан ишлашолмай, лойиҳа институтига ўтиб кетди. Лекин «принципиаллик қиламан» деб, у ерда ҳам иши юришмайди. Аспирантурага у билан баравар кирган Зафар Ленинградда диссертация ёқлаб келиб, институтга бош архитектор бўлди, қанча-қанча талантили лойиҳалар яратди. Мана, мукофотлар оляпти, тагида шахсий «Волга», Акрам бўлса... энди бир устахонанинг бошлиғи бўлди.. Лекин барибир оддан тушса ҳам, узангидан тушмайди, Сайёранинг кўнглига қарамайди, ўзи санъатга тушунмагани ҳолда, у санъатга қизиқса мазах қилади, ёр-дўстларини камситмоқчи бўлади. Уларнинг олдида кулги бўлаётганига фаҳм-фаросати етмай, ҳадеб осмондан келади, ҳозирги ёшлардан, кўп нарсалардан орқала қолаётганига тушунмай, ўзини доно деб ўйлайди. У Зафарни ҳам хушламайди. Зафар янги замонавий шаҳарлар қуриш ўрнига қишлоқ лойиҳалаш институтида бекор юрибди, институтда фақат мансаб учун ўтирибди, деб ҳисоблайди. Сайёра эса, соддалигини қаранг, бу гапларга ишониб юрар эди. У мана энди Зафар билан гаплашгандан кейин кўзи очилди. Тавба. Нима учун ёш олим янгиликка интилса, уни турмушни билмасликда айблаш керак экан? Нима учун у бирон яхши иш қилолмай, ивирсиб ётган институтнинг ишларини йўлга қўймоқчи бўлса... унга мансабпараст деган ном тақинш керак экан? Нега ёш олим ўзини ёшлардай тутса, эр-хотини муносабатларига янгича қараса, умуман, турмушдаги янгиликларни дарров тан олса, уни енгилтак дейиш керак экан? Нима учун бунинг тескарисини қилган, беш-

олги йиллаб диссертация ёзган, ёшлар билан ёшлардай бўлолмаган, хотинини ҳаммага рашк қилган, ҳаётдаги ҳар бир янгиликка ҳадиксираб қараган одам — «принципиал» олим, чин инсон, камтар бир мутахассис деб ҳисобланар экан? Нега?

Шу бугунгача Сайёра баъзан ҳар хил шубҳаларга борса ҳам асосан, эри билан дадасининг фикрларига қўшилиб келарди. Бугун, биринчи марта Шавкатжон билан Зафарни яқиндан кузатар экан, соддалик қилиб юрганини тушунди. Акрамнинг кафедра ўзини тутиши қаёқда-ю, Шавкатжон билан Зафарнинг муомалалари, гап-сўзлари қаёқда? Уларнинг ҳар бир гапи, қизлар билан муомаласи, ҳазил-мутойибалари бу икки ёшнинг янгича зиёли, янгича санъаткор ва олим эканликларини кўрсатмайдими?

Сайёра шу пайтгача илк севгиси ҳурмати, беғубор қизлик туйғулари ҳурмати, чидаб келарди. Ҳатто Акрамнинг кунчилигига ҳам чидаб, ҳар нима бўлсаям севади-ку, севгани учун рашк қилади-да, дер эди. Энди ўйлаб қараса... яхши кўрган одам шундай қиладими? Ёшгина хотинини ҳаммага кулги қилиб ёлғиз ташлаб кетадими? Ундан кўра судраб олиб чиқиб кетгани яхши эмасмиди? Майли, қишлоқлик бўлсаям, мард йиғитнинг иши бўларди ўшандай қилса!..

Сайёра Акрам чиқиб кетганда Шавкатжоннинг илжайиб қўйганини кўз ўнгига келтириб, алам ва хўрликдан ғужанак бўлиб олди. Шу пайт Акрамнинг:

— Сайёра, менга қаранг, Сайёра, — деганини эшитиб қолди-ю, сапчиб ўрнидан турди.

Акрам диван олдида сал эгилиб, қўлларини чўзиб турарди.

Сайёра унинг қўли тегиб кетишидан кўрққандай орқароққа сурилиб, тиззаларини қучоқлаб олди. Акрамнинг чакка суяклари туртиб чиққан узунчоқ юзида гуноҳкорона бир ифода пайдо бўлди.

— Сайёра... — деди у. — Кечирасиз энди, шунақа бўлди...

— Шунақа бўлди! — Сайёранинг кўзлари тўсатдан совуқ чақнади. — Бундан кўра... ўша жойда икки буклаб ерга тиқиб кета қолсангиз бўлмасмиди? Қани, ўша керилиб юрган... йиғитчилигингиз? Чапанилигингиз?

Акрамнинг чеҳрасидаги гуноҳкор ифода сўниб, пешанаси тиришиб, қошлари чимирилди.

— Майли энди, қўйинг шу гапларни!

— Ҳа, албатта, сизга барибир. Баттар бўлинг! Хотинингизни ўша йиғитлар ичириб маст қилишди. Боя жинингизга ёқмаган кинорежиссёр хушомад қилди, машинада олиб келиб қўйдн...

Сайёра, тўсатдан юзига теккан тарсакидан гангиб қолди, сўнг ранги ўчиб, кўзлари чақнаб, олдинга талпинди:

— Алам қилсин, алам!— йнғи аралаш қичқирди у, бироқ иккинчи тарсакидан боши деворга тегиб, ёнбошига ағдарилиб тушди.

Эшнк шарақлаб очилиб, остонада ҳайратдан кўзлари бақрайиб, няғи қалтираган Мавжуда хола кўринди. У: «Вой, дадаси...» деди-ю, лаблари қуруқшагандай ғалати тамшаниб, полга шилқ этиб тушди. Яхши ҳам югуриб кирган Обид Юнусович уни ушлаб қолди.

Акрам, нима қилиб қўйганини ўзи ҳам тушунмай, бир диванда титраб йнғлаётган Сайёрага, бир Мавжуда холани елпнётган қайнатасига қаради.

Обид Юнусович ранги қув ўчиб, тескари бурилди.

— Шу ҳам одамгарчилик бўлдимми?— деди қалтираб.— Садқаи олимлик кетинг!

ИККИНЧИ БОБ

Акрамни ярим қоронғи перронда укаси Нортожи кутиб олди. Новчадан келган, ёш бўлса ҳам қорин сола бошлаган Нортожи Акрам билан сал ийманниқираб, худди ўз акасини эмас, марказдан келган катта одамни қарши олаётгандай, тортинибгина кўришди, қўярда-қўймай қўлидан чамадонини олиб ҳол-аҳвол сўраркан:

— Раис ўзлари чиқмоқчи эдилару тўсатдан обкомга чақириб қолишди,— деди.— Аммо-лекин яхши бўлди келганингиз. Зўр тантана бўлмоқчи. Обкомдан ҳам одам келармиш.

— Мунча дабдаба қилишмаса!

— Ўзи дабдаба қилса арзийдиган иш бўлди-да!— деди Нортожи.— Бу айланадаги колхозларда бунақа шоҳона, муҳташам бинно йўқ, ака...

Вокзалнинг олдида янги юк машинаси кутиб турарди. Шофёр эшикни очди, лекин Акрам кузовда ўтирган болали аёлга кўзи тушиб, уни кабинага туширди-да, ўзи тепага чиқиб, қуруқ похолга ёнбошлади. Нортожи унинг ёнига чўзилди. Машина қўзғалиб, юлдузга тўла осмон худди катта планетарийдай секин айлана бошлади. Акрам болалик чоғларида, ҳовлида кўрпага ўралиб, осмон-

га тикилиб ётадиган илиқ ёз оқшомлари эсига тушиб, кечадан бери намозшом кўнгли сал ёришгандай бўлди.

Сукутни Нортожи бузди:

— Аммо-лекин зап ажойиб илмга ўқиган экансиз, ака. Узиям, олди боғ, орқасида «Бақабулоқ», мисоли жаннат бўлди-да... Номингиз ўчмайдиган бир иш бўлди, ака...

Акрам укасининг гапига маъюс кулиб қўя қолса ҳам, кўз олдига «Бақабулоқ» келиб, кўнглининг аллақандай нозик торлари чертилгандай бўлди.

Атрофи қалин қайрағоч ва чилонжийдалар билан ўралган ва қишин-ёзин қозондай қайнаб ётадиган бу катта булоқ, тўғрироғи, ўнларча булоқлар қишлоқнинг қоқ ўртасида, кўҳна қалъа жойлашган тупроқ қўрғоннинг шундай ёнбошида эди. Булоқнинг қоқ ўртасида бир маҳаллар яшин тегиб қулаган, лекин илдизлари омон қолиб, кўндаланг ўсган улкан чинор бўлар, каттароқ болалар чинор устидан калла ташлаб ўйнашар, улар четроқдаги майда булоқчаларда ҳуркиб-қийқиришиб чўмиладиган қизларнинг кийимларини олиб қочишар, Акрамга ўхшаган кичкина болалар эса қизларга қўшилиб чўмилишар эди...

Санъат саройи шу булоқнинг устидаги тепаликка қурилган. Акрам уни кўз олдига келтиришга уриниб кўрди, лекин Нортожи яна хаёлини бўлди.

— Ростини айтсам, биз сиз билан фахрланамиз, ака. Катта-кичик, қариндош-уруғлар ҳаммамиз доим гапириб юрамиз. Аммо-лекин бир нарсадан сал... ҳалигидақа... ранжишади одамлар...

Нортожи ўнғайсизланиб томоқ қирди.

— У ҳам бўлса... уйингизга борганлар гоҳо сал ранжиб қайтишади.

«Келин шикоят қилибди-да!»

— Мен ўзимизникиларни айтмайман,— деди Нортожи, гўё Акрамнинг ўйларига тушунгандай.— Узимизникилар билдиришмайди, билдиришсаям жигар эмасми, кечиришади. Мен ошиз-оғайинларингизни айтаман...

«О, ука, соддасан-да, содда!»

Акрам чуқур тин олди, бироқ индамади. У укаси айтган гапларни ўзи ҳам сезар ва дил-дилидан эзилиб юрар эди. Акрам ҳар сафар қишлоққа келганида уни ёр-биродарлари, қариндош-уруғлари бошларига кўтаришади, у бўлса шу маҳалгача ҳамқишлоқларининг бирортасини ёлчитиб меҳмон қила олган эмас. Сайёра билан тез-тез хафаланиб қолишининг сабабларидан бири

ҳам шу. Лекин гап фақат Сайёрада эмас. Ҳамқишлоқларининг ўзлари ҳам унинг ялтироқ буюмларга тўла икки хонали торғина уйига кирганларида кўзгудай тоза полни, полга тўшалган қирмизи гиламларини босишга ийманиб, довдираб қолишади, сўнг худди қафасга тушган қушдай, тезроқ чиқиб кетишга ошиқишади... Нортожи буни тасаввур ҳам қилолмаса керак. У ёш бўлса ҳам, ҳамма урф-одатларни яхши билади. Шунинг учун қариндош-уруғларнинг орасида бир мўйсафид тенги обрўси бор. Ёшлигига қарамай, усиз на тўй ўтади, на бошқа йиғин... Унинг бу одатлари илгари Акрамга ҳам ёқарди, лекин ҳозирги гаплари...

— Бу қийин масала, ука,— деди Акрам.

— Биладан, ака... Бироқ... гапирсам сизни ўз акам, деб гапирман. Шаҳарда шунча обрў орттирдигиз, раҳмат, энди қишлоқда ҳам мартабангиз улуг бўлса деймиз. Биладан — сиз қўли очиқ, бағри кенг одамсиз. Лекин кешнойимлар... чамамда сиз у кишини сал эркалатиб юборгансиз...

Акрамнинг кўз олдига негадир қайнатаси, унинг худди ижирғангандек бурушган юзи келди, қулоқлари остида: «Шу ҳам одамгарчилик бўлдими? Садқан олимлик кетинг!» деган сўзлари янгради.

— Хўп, ука, кейин гаплашармиз,— деди Акрам ва бўғилиб кетаётгандай бўлиб, қаддини ростлаб ўтирди.

Шаҳар аллақачон орқада қолган, унинг чироқлари узоқда сочилган симобдай милтирар, машина кенг даштда учиб борар эди. Олисда, серюлдуз осмон уфққа туташиб кетган жойда, пасту баланд қирлар, адирлар қорайиб кўринарди. Акрам бир-бирига туташиб кетган бу адирларга, ўнг томондаги тоғ чўққиси устида ялтиллаб турган ярим ойга, ой шуъласида сокин тин олиб ётган кенг даштга кўзи тушди-ю, гўё она алласидай маъюс ва илиқ эсдаликлар қўйилиб келиб, юрагидаги музни эритиб юборди...

Урушнинг сўнгги йиллари ўн икки-ўн уч яшар Акрам қишлоқда тузилган «Эшак карвон»га қўшилиб бу даштдан, ҳў ўша адирлар ортидан шаҳарга ғалла таширди.

Ҳар кун тонг чоғида бир ғала болалар эшакларига бир қондан ғалла ортиб йўлга чиқишар, яланг оёқ тикан кечиб, йўлсиз адирлар ошиб, тушда шаҳарга кириб боришар, қабул пунктига ғаллаларни топшириб орқага қайтишар, ғира-шира қоронғиликда қишлоққа етиб олишар, бир коса арпа гўжани ичишга ҳам мажоллари қолмай, таппа-таппа ташлаб ухлаб қолишар эди...

Урушдан кейинги дастлабки оғир йилларда эса ўн олтига кирган Акрам қўш от қўшилган шотили аравада бу йўллардан ёзда галла, кузда пахта ташиганди...

Мана, ўшандан бери кўп йиллар ўтди, кўп сувлар оқиб кетди. Акрам армияга бориб хизматини ўтаб қайтди, институтни битирди, диссертация ёқлади, манман деган йигитлар ҳасад қиладиган гўзал бир қизга уйланди, лекин ўша оғир йиллар, қўшнилариининг қизи Ҳамидахонга ошиқ бўлиб, унинг ишқида бу олис йўлларда ҳазин куйлар айтиб, арава ҳайдаб юрган чоғлари ҳамон тотлироқ кўринади унга. Агар ихтиёр Акрамда бўлса, у кўплар ҳасад қиладиган ҳозирги турмушини ўша беғубор ёшлик чоғларига, ҳозирги раис Туробжон икковлари Ҳамидахонлар учун боғлардан белбоғ-белбоғ узум ва шафтоли ўғирлаб чиқиб, пахтазордаги жийдалар соясида уларни меҳмон қилган пайтларига жон-жон деб алмашар эди!

Баъзан кечкурунлари Акрамлар йўлга чиқадиган маҳалда Ҳамида билан унинг дугонаси, Туробжоннинг севгилиси Малоҳатхон бир-иккита тўқач ё уч-тўртта қовоқ сомса олиб чиқиб беришар ва ҳазил-мутойибалар билан кузатиб қўйишар, шундай пайтларда Акрам, назарида, аравада эмас, юлдуз тўла осмон узра сузиб кетаётгандай бўларди. Ажабо... шундай қаттиқ севишганларига қарамай, Ҳамида бирор марта қўлини ушлатмабди! Лекин унинг худди синглиси Шоҳистанин кўзларидай шаҳло кўзларини сузиб қарашлари, сал эркаланиб гапиришлари энг эҳтиросли бўсаларнинг таптани беради!.. Қим билади, агар Акрам армияда юрганида юз берган англашилмовчилик бўлмаганда, эҳтимол, у ҳозир Ҳамидахонга уйланиб оддий, лекин беғалва ва беташвиш турмуш кечирармиди?..

Ушандан кейин Акрам Ҳамидани тўй бўлган йили учратди. Бу учрашув ҳам қизиқ бўлди.

Акрам Сайёра билан катта кўчадан «Бақабулоқ»қа кетаётган эди, Ҳамида эри ва худди ўзиндай кўзлари катта-катта, юлдузи ниссиққина қизчаси билан тор кўчадан чиқиб қолди. Ҳамиданин эри Содиқвой деган қопқора, лекин хушбичим, чапанитабнат йигит хотини билан қизидан уч-тўрт қадам олдинда келарди. У тўхтаб Акрам билан қўл бериб кўришди-да, йўлида давом этди, лекин хотинини жуда қаттиқ рашк қилади, деган гаплар рост экан шекилли, Ҳамида бошини ҳам кўтармади. Аксинча, Акрамлар билан қаторлашганда бошини яна ҳам пастроқ эгиб: «Салом», деб пичирлади-да, «шаҳар-

лик опа»га тикилиб қолган қизининг қўлидан тортиб, тез ўтиб кетди.

Акрам фақат унинг атлас кўйлак ичида тўлганган позик қоматини, қирра бурнини ва сал эгилган узун киприкларини кўриб қолди, холос.

У маҳалда «Ҳамида — Акрам можаросини» эшитмаган Сайёра эрини туртиб:

— Қишлоғингизда шундай гўзаллар туриб, сиз ҳам юрибсиз шаҳардан уйланиб!— деб кулди. Эртасига эса, афтидан, уларнинг «можаросини» хотинлардан эшитган бўлса керак:

— Ҳамма балони ичингизга ютган писмиқ экансизку!— деди ва кулиб қўшимча қилди:— Шошмай турунг, ҳали кўрасиз мендан!..

Акрамнинг кўз олдига диванда ғужанак бўлиб йиғлаб ётган Сайёра келди, келди-ю, чуқур тин олди. Лекин шу заҳотиёқ хаёлини кечаги изтиробли ўйлар чулғаб олди: «У-чи? У яхши қилдими? Худди турмушга чиқмаган тантиқ қизчаларга ўхшамадимми? Эркалик ҳам эви билан-да, ахир?..»

Машина қандайдир боғлар орасига шўнғиди, у ер-бу ерда чироқлар милтиради...

* * *

Эртасига Акрам барвақт уйғонди. Эндигина кун чиққан, ариқ бўйидаги мирзатеракларнинг учлари йилтиллаб турар, лекин боғ ҳамон сояга чўмиб ётарди...

Нортожиннинг хотини, қўлида челақ, эғнида тўпигига тушадиган узун қирмизи кўйлак, бошида қизил дурра, оёғидаги оғир калишини шапиллатиб сигир соғишга ўтиб кетди. Ойиси Моҳира хола, Акрамни ухляпти, деб ўйла-са керак, оёқ учида юриб, ўчоққа олов ёқди...

Акрам секин ўрнидан турди, сочиғини елкасига ташлаб, боғ оралаб сойга тушиб кетди.

Сой ҳам, сойнинг у юзидаги боғлар ҳам ҳали сояда, фақат тўғон бўйидаги баланд оқ тераклар, «Бақабулоқ» бўйидаги чинорларгагина кун тушган эди. Чинорлардан сал чапроқда, қалин дарахтлар орасида Санъат саройи, тўғрироғи, унинг кўк-қизғиш пештоқлари товланиб кўри-нардн... Дарахтлар орасида ловиллаб ёнган бу қизғиш шуъланинг ўзи бионинг улуғворлиги ва муҳташамлигидан далолат берарди... Акрам бу ғалати кўк-қизғиш шуъладан кўзини узиб, пастдаги булоққа тушиб кетди. Қизик, уйдаги жанжалдан кейин кўнглининг бир четида

уйғонган аллақандай бир шубҳа унга тинчлик бермас эди. У ўз лойиҳаси асосида қурилган бу муҳташам бинони кўришга ошиқмас, гўё кўп йиллик режа ва орзулари пучга чиқишидан қўрқаётган одамдай, нимадандир қўрқар эди!..

Акрам булоқ бўйига чўнқайиб, муздай сувга ювинаркан, эсига яна Сайёра тушди...

Тўй бўлган йили ёзда, ҳар куни эрталаб Акрам ювингани сойга тушганида кетидан қўлида челақ, сув баҳона Сайёра ҳам тушиб келарди. У маҳалда Сайёра «қишлоқни келинчак» бўлишни ҳавас қилиб, эгнига хонатлас кўйлақ, оёғига амиркон кавуш кийиб, бошига оқ шоҳи рўмол ўраб олган, ўзи ҳам юриш-туришлари, қилиқлари, ҳатто уялиб қочиншларигача ёш келинчакларга ўхшар, Акрамнинг назарида, бўлакча бир латофат касб этган эди!..

«Қачон у бунчалик ўзгарди? Нега бундай бўлди? Нега?— деди Акрам, деди-ю, ўзидан гижинди:— Профессорнинг тантиқ қизи — унга шон-шухрату бошқача турмуш керак эди. Бошда шоҳона уйларда яшаб, шахсий «Волга»ларда юрадиган машҳур кишининг хотини бўламан, деб ўйлаган эди. Бу орзуларининг биттаси ҳам рўёбга чиқмади. Менга ўхшаган оддий, тўпори бир одамни бошига урсинми у?»— деди Акрам, лекин алам устида ноҳақ ва бачкана хаёлларга бораётганини сезиб, кинояли кулимсиради. У оғир қўзғалиб ўрнидан турди, лекин уйга киргисен келмай, жар ёқасидаги мажнунтолга суянганича хаёл суриб қолди.

Офтоб терак бўйи кўтарилган, сой ҳам, сойнинг у юзидаги туташ боғлар ҳам илиқ нурга чўмилиб, аллақандай яшариб, очилиб кетган эди. Нотаниш подачи чол тўғон бўйига йиғилган сигирларни ўзан бўйлаб тоққа қараб ҳайдаб ўтди. Теваракдаги боғлардан эшитилаётган болаларнинг қий-чуви, аёлларнинг ҳай-ҳув овозлари, қўзиларнинг маъраши аста-секин тинди...

Акрамнинг хаёлини: «Ия, Акраммисан? Қачон келдинг, ука?» деган таниш овоз бўлди.

Жар устида елкасига баркашдай кетмон, Амаки. Амакининг ёнида, қўлида челақ, хотини — мулойим юзли, кичкинагина аёл турарди.

Амаки кулимсираб пастга туша бошлаган эди, Акрам тезроқ юриб, олдига чиқиб борди.

Амаки елкасидаги кетмонини ерга қўйиб сўрашди, калта қирқилган, оқ оралаб қолган соқол-мўйловини силаб, сўради:

— Кечаси келдингми? Қалай, бизнинг тентак қизини кўриб турасанми? Уқиши, юриш-туриши тузукми ишқилиб?

Акрамнинг: «Тузук, яхши», деган жавобидан миннатдор бўлиб, томоқ кирди, сўнг, чиройли қиртишланган мўйловини силаб:

— Жаа... минг қўйни олдингга солиб хаёлга чўмиб турибсан?— деб ҳазиллашди.

— Ҳа, шу... минг қўй қаёқда, болалик пайтлар эсга тушиб кетди.

— Шунақами?— деди Амаки.— Бўлмаса мана бу пасон кийимларингни ечиб, жўнроғини кий. Елканга кетмонни ташлаб, пахтазорга чиқ. Уша... гўза суғориб, пахта ташиб юрган пайтларингням бир хотирлаб қўй, ука! Қайтага ўша маҳалда шўхроқ эдинг. Қара, ҳалитдан сочларингга оқ тушибди!— деди у ва рўмоли билан юзини ярим тўсиб олган хотинига қаради:— Ҳалиям ўзим тузук эканман, а, лаббай, аяси?

«Аяси»нинг худди Шоҳистаникига ўхшаган катта қора кўзларида тўсатдан шўх учқунлар чақнади-ю, Акрамдан ниймангандай юзини четга ўгирди:

— Ҳа, ҳалиям қирчиллама йигитсиз, дадаси!

— Балли, аяси! Қани челақни бер, шу гапингга ўзим олиб чиқиб берай сувни. Саломатлигинг керак менга!

«Аяси»нинг узунчоқ оқ-сарик юзида, кўзларида яна шўх табассум чақнади.

— Саломатлигим керак бўлса... бурунги замоннинг чолларига ўхшаб шартта ёш хотин олинг-қўйинг. Мен ҳам бой акамнинг бойвуччасидай, хизматни тўқолингизга юклаб, ўзим тўрда ўтирай!..

— Майли, уйлан деб қистаб қўймасанг уйланаман, аяси,— деди Амаки дўпписини чаккасига суриб.— Аммо-лекин сўз беролмайман: ёш қайлиғимни ишлатиб, сен тўрда ўтирасанми ё ёш қайлиғим тўрда чиқиб, сен унинг хизматини қиласанми?!

— Майли, дадаси,— деди «аяси».— Сиздай қирчиллама йигитнинг хизматини қилиш ўзи бир давлат биздай бечорага!

Амаки қаҳ-қаҳ отиб кулди, сув тўла челақни хотинига тутқазаркан:

— Яша!— деди.— Аммо-лекин шу сафар олдинг, аяси. Қойил!

У кула-кула кетмонини елкасига ташлади.

— Хўш, мен кетдим, Акрамвой. Уша ўзинг билган

пахтазор. Зериксанг, битта кетмонни елкангга ташлаб чиқиб бор. Ариқ бўйига ёнбошлашиб бир отамлашамиз, ука.

Амаки жар бўйдаги қатор толларни ёқалаб, кунботиш томондаги пахтазорга қараб кетди. Йўқ, «қирчиллама йингит» сўнгги йилларда ўзини хийла олдириб қўйибди, бу қадам олишиданоқ билишиб турибди, лекни... ўша хушчақчақлик, ўша ҳазил-мутойиба, кулги, аския...

Акрамнинг эсига яна қайнатасини гаплари тушиб, маънос жилмайди... «Садқан олим кетинг!..»

Кун бўйи уйдан одам аримади. Олдин унинг ёр-дўстлари келишди, кейин идора ходимлари, улардан сўнг ўқитувчилар, ниҳоят, тушдан кейин Туробжон кириб келди.

Туробжон — тўладан келган узунчоқ юзи офтобда чўяндай қорайиб, пишиқ, хушбичим қомати бир оз тўлишиб, роса кучга кирган, ўзиям эгнида оқ шоҳи кўйлак, оёғида учи бигиз ялтироқ туфли, бошида шляпа, колхоз раиси эмас, иши юришиб кетган ёш савдо ходимига ўхшарди.

У олисдан шовқин-сурон кўтариб келди:

— Қойилман бунақа архитекторга! Бу ёқда шоҳона қасри битиб манаман, деб турибди, кириб кўришга ҳам эринадилар! Қани, тур ўрнингдан! Ургилдим сендақа олимдан!

Туроб Акрам билан қучоқлашиб, ўпишиб кўришди, одоб юзасидан домлалар билан бир пиёла чой ичишиб, бир зум гаплашиб ўтирди, сўнг узр сўраб, уни бошлаб олиб чиқиб кетди.

Сойда, булоқ бўйида ҳаворанг «Волга» кутиб турарди. Жуссаси пачоққина бўлса ҳам, лақаби Полвон, таниш шофёр:

— Келинг, оламда бормисиз, Акрам ака?— деган эди, Туробжон:

— Акрам аканг келишга келибдилару, аммо-лекин хонимчалари билан чўқишиб қолганми дейман, қовоқларидан қор ёғиб турибди!— деб аския қилди.

— Парво қилманг, Акрам ака! Хотинди қўйиб, соғлиқни ўйланг. Хотин топилади, аммо соғлиқ топилмайди, ака!— Полвон хахолаб кулди.

Туробжон «Волга»нинг эшигини очиб, Акрамга йўл бераркан:

— Саройни кўрсин, ҳамма хафагарчилиги тарқаб кетади!— деди.— Эртага тантанали мажлис, мажлисдан

кейин зиёфат, дўстим. Райкомдан, обкомдан одамлар келишади. Райондаги ҳамма раисларни чақирдим. Кўриб қўйишсин, Туроб Икромовнинг қадам олишини! Лаббай?— кулди Туробжон.— Аммо-лекин бош планга анча-мунча ўзгариш киритадиган бўлиб қолдик!— деб у Акрамнинг тиззасига қўлини қўйди.— Бу катталарга ҳам ҳайронсан киши. Бугунги гаплари эртага тўғри келмайди. Бир, клуб сол, сарой қур, маданиятни кўтар, дейишади, бир, йўқ, олдин халқнинг қорнини тўйдир, кейин уй-жойга киришасан, дейишади. Идора билан меҳмонхонанинг лойиҳасини ўзгартирмасак бўлмайдиганга ўхшаб қолди. Дабдабали бўлмаса— сал бундайроқ бўлар... Майли, буни кейин, бафуржа гаплашамиз... Мана, эски қўрғонни ҳам текислаб қўйдик. Қурилишни бошлайверсак бўлади...

Акрам машинадан тушаркан, ўз кўзларига ишонмай қолди.

Кўҳна қишлоқ жойлашган, атрофи баланд пахса девор билан ўралган улкан тепалик ёнғоқ отса юмалайдиган текисликка айланган, тепалик билан бирга унинг устидаги эски уйлар, дўконлар, уч-тўрт мачит — ҳаммаси беиз-бенишон йўқолган, фақат илгариги тупроқ қўрғоннинг ёнбошига жойлашган баланд қуббали мачитгина ёнғинда омон қолган ёлғиз бинодай сўппайиб турарди!..

Бош план бўйича қишлоқнинг тўрт томонидан келадиган тўртта тор кўча кенгайиб, тўғриланиб, шу ерга келиб қўшилиши керак эди. Ҳозир бу тўртта кўчанинг фақат биттаси, идоранинг олдидан ўтиб, шаҳарга қараб кетадиган катта кўчагина асфальтланиб, унинг ўнг юзига элликка яқин янги уй тушган эди!..

Қизиқ: бош планда бунинг ҳаммаси жуда чиройли, салобатли, оригинал кўринар эди. Лекин Акрам ҳозир болаликдан таниш кўҳна қалъа ўрнига сфтобда оппоқ оқариб ётган бу сайёҳонликни кўрганда, гўё азиз бир нарсасидан айрилган одамдай, кўнгли орзиқиб кетди. У эндигина атрофи баланд пахса девор билан ўралган бу катта тепалик, унинг устидаги эски уйлар, дўконлар, тор кўчалар, ҳатто мачит ва дарвозалар — ҳаммаси қишлоққа қандайдир ўзига хос бир кўрк бериб турганини тушунди. Эсига беихтиёр яна Зафар тушди. Бундан уч йил аввал, бош план техника кенгашида муҳокама бўлганда, институтга эндигина келган Зафар гарчи «Бақабулоқ»ни кўрмаса ҳам, бу тепаликни сақлаб қолишни, уни катта боққа айлантириб, Санъат саройини

шу боққа, қуббали мачитнинг ёнига қуришни тавсия этган эди. У фақат битта талаб қўйган эди: «Сарой тамом янги услубда, ойна ва бетондан қурилиб, ортиқча ҳашамлардан холи, худди учаётган қушдай енгил бир бино бўлиши керак, ўшанда эски мачит билан янги сарой бир-бирига узукнинг кўзидай ёпишиб тушади!..» деган эди.

Зафарнинг фикрига ўшанда ёлғиз Акрам эмас, техника кенгашининг бошқа аъзолари ҳам қаттиқ эътироз билдиришган, кўҳна мачит билан Санъат саройининг ёнма-ён тушиши уларга бачкана бир стилизация бўлиб туюлган эди. Ўша мажлисда қатнашган Туробжон эса: «Йўқ, кечирасиз, ҳозир бурунги чўнтаги пуч деҳқон йўқ, биз қурсак ҳашаматли қилиб, салобатли қилиб қурамыз. Сиз айтган ойнаванд клубингиз яланғоч хотинга ўхшаркан, бизга яланғоч хотинлар кетмайди!»— деб ҳаммани кулдирган эди. Наҳот Зафар ҳақ бўлса?

Машина Санъат саройига йўл оларкан, кечадан бери Акрамни эзаётган ёмон бир шубҳа қайта ёпирилиб келди...

Катта кўчанинг ўнг томонида худди кечагина қурилгандай оппоқ қатор уйлар кўринди, уйларнинг олдига ўтқазилган тўрақ ниҳоллари одам бўйи ўсиб, гўё ғоз турган ёш солдатлардай саф тортган эди.

Йўқ, Акрамнинг шубҳалари бекор. У мана шу уйларнинг лойиҳаси устида ишларкан, ҳам ҳозирги ёшларнинг талаб ва дидини, ҳам қишлоқ ақлининг эҳтиёжларини ҳисобга оламан деб, она сути оғзига келмаганмиди?.. Зафар бу уйларни икки қаватли қилиб қуришни маслаҳат берган эди. Лекин... Акрам Мирзачўлда қурилган икки қаватли, ҳатто уч қаватли уйларни, бу уйларга кўчиб кирмасдан туриб, қочишга ошиққан колхозчиларни ҳам кўрди-ку!.. Ана бу ердаги одамларга бир қаранг: ҳаммасининг чеҳраси очиқ, раис икковларига узоқдан салом бериб, кулиб қарши олишяпти!..

Чап қўлдаги боғлар чекиниб, пастда қамиш ва жийдалар орасида, булут орасида «ялт» этган мусаффо осмондай «Бақабулоқ»нинг тиниқ мовий сатҳи чарақлаб кетди...

Булоқнинг устидаги майдонда... икки қаватли улкан, улугвор бино қад кўтарган эди. Одам бўйи мрамар тошдан, қолгани қизил ғиштдан қурилган бу бино шундай салобатли эдики, бир қарашда улкан қояни эслаганди...

Санъат саройининг олдидаги кенг майдонда иш қизгин, ўнқир-чўнқирларни текислаётган бульдозерларнинг кучаниб ўкириши, шағал тўкиб, асфальт ётқизаётган машиналарнинг гуриллаши оламни тутиб кетган.

Беш-олти мўйсафид ўртадаги фонтан теварагига гул ўтқазмоқда, яна бир-икки одам ариқ бўйлари ва хиёбонларга чим ётқизмоқда эди. Фақат бир одам, у ҳам бўлса юзлари ажиндан бужмайиб қолган, нягида уч-тўрттагина тук ўсган муштдеккина бир кўса, клубнинг зинасига чопонини тўшаб, ёнбошлаб ётарди. Бошқалар раис билан Акрамни қўл қовуштириб қарши олган ҳолда, кўса жойидан ҳам қўзғалмади.

— Ҳа, кўса,— деди Туробжон,— кўкноридан кўпроқ отворганмисан дейман, ётибсан парвойинг фалак?

Кўса пинагини бузмай нягидаги икки тук «соқоли»ни силаб:

— Хўш, парвойим фалак бўлса нима бўпти?— деди.— Биров орқалаб кетармиди бу Афандининг дарвозасини?

Акрамнинг ёдига қўрғон олишдан олдин дарвоза қурган Афанди тушиб, беихтиёр илжайди. Лекин Туробжонга унинг аскияси қаттиқ тегди шекилли:

— Ҳа, сен маданият нималигини тушунибсанмики, дарвозадан гапирасан!— деди қовоғини солиб.— Сенга бир қадоқ кўкнори-ю, бир қумғон заҳардеккина памил чой бўлса бас, култепада ҳам ағанаб ётаверасан!

Улар саккиз қиррали баланд устунларнинг орасидан ўтдилар, дарвозага ўхшаган оғир эшикларни очиб, ичкарига кирдилар.

Клубнинг ташқи кўриниши қанчалик салобатли ва улуғвор бўлса, ичи ҳам шундай эди. Унинг оғир шифтини саккиз қиррали учта мустаҳкам устун ушлаб турар, ғиштдан ясалиб, мрамар тош рангига бўялган бу устунлар катта фойени тўлдириб юборган, ҳатто сал кам олти юз кишилик залнинг четлари ва саҳнанинг икки ёпида ҳам худди шундай устунлар «соқчи» турарди. Шунинг учунми ё эшик ва деразаларга тутилган барқут дарпардаларнинг оғирлигиданми, хуллас, улкан зал совуқроқ кўринди Акрамга. Қизиқ, лойиҳада бу зал ҳам, улкан фойе ҳам, ҳатто саккиз қиррали устунлар ҳам бунчалик оғир ва бесўнақай туюлмаган эди...

Туробжон девордаги тугмани босиб, залнинг шифтидаги тилларанг қандилни ёқди ва кўк-сарик нурга чўмилган катта залга қараб:

— Хўш, қалай?— деб сўраб қўйди.

Акрам унинг гапига ичида кулиб, зал билан фойега яна бир айланиб чиқди, ён томондаги хоналарни кириб кўрди... Йўқ, у янглишмаган: бино салобатли, муҳташам, бироқ аллақандай оғир, совуқроқ эди. Акрам лойиҳа билан амалий иш ўртасида, ҳар бир ижодкорнинг хаёли билан яратган асари ўртасида бўладиган фарққа ўхшаш бир фарқ бўлишини биларди, албатта, лекин бунчалигини кутмаган эди. Унга фақат бир нарса ёқди, у ҳам бўлса фойенинг деворларидаги ганч безаклар!.. Иккинчи қаватдаги ўқиш залининг девор ва шифтлари ҳам шунақа ўймакорлик билан безатилган бўлиши керак. Лекин иккинчи қаватни йиғиштиришаётган экан, Туробжон: «Онангни ҳам отанга бепардоз кўрсатма», деганлар, эртага кўрасан», деб чиқармади, сўнг ҳайрон бўлиб:

— Хўш, нега қовоғинг тушиб кетди? Ё ўз қасринг ўзинга ёқмаяптими?— деб сўради.

— Йўғ-е,— деди Акрам, нима дейишини билмай.

— Қани, бўлмаса бу ёққа юр-чи?— Туробжон уни қўлтиқлаб фойега бошлаб чиқди ва ўрта девор олдида тўхтади. Деворга оқ шоҳи парда осилган эди.

— Энди мана бунни кўриб қўй, дўстим!— Туробжон, гўё қимматбаҳо бир буюмни кўрсатмоқчи бўлган одамдай, деворга тутилган матонинг четини оҳишта кўтарди. Парданинг тагида мрамор тахта бўлиб, унга шу сўзлар ёзилган эди:

«Бу муҳташам бинно «Бақабулоқ» қишлоғининг азиз фарзанди, таниқли архитектор, фан кандидати Акрам Холиқов лойиҳаси асосида қурилди...»

Акрамнинг ёдига негадир укаси Нортोजининг: «Номингиз ўчмайдиган бир иш бўлди, биз сиз билан фахрланамиз, ака», деган сўзлари тушди.

— Нима қилардинг шуни?...

Туробжон Акрамни елкасидан қучоқлаб кулди.

— Мана шу камтарлигинг учун яхши кўраман-да сени, дўстим! Хўш, кетдик бўлмаса!

— Қаёққа? Бирор иш борми?

— Иш бўлса қочмас. Малоҳатхон қулнинг ўргилсин қайнатма шўрвани биқирлатиб ўтирибди... Бирпас ёзилишамиз.

— Шунақами?— деди Акрам. Унинг кўнглига ҳозир ҳеч нарса сиғмас, у фақат бир нарсани — ёлғиз қолишини истар эди.— Бундоқ қилсак,— деди Акрам.— Сен мени Фортепага олиб чиқиб қўйсанг. Мен Малоҳат-

хоннинг шўрваси тайёр бўлганида ўшатдан тўғри тушиб борсам.

Фортепа қишлоқнинг кунботиш томонидаги энг баланд қир, унинг устига чиққан кишига бутун қишлоқ кафтдай кўринади.

Акрам ҳозир шу қирнинг тепасидан туриб лойиҳасини яна бир хаёлидан ўтказгиси, тўғрироғи, кекса чинор тагида бир лаҳза ёлғиз ўтириб, фикрини йиғиб олгиси келди.

Туробжон кулди:

— Авлиёга атаган назр-ниёзнинг бўлса менга бера қол, яримта олиб, қиттак-қиттак қилайлик... Хўп, майли, кетдик!— деди у.

Туробжон Акрамнинг авзойи бузуқлигини машинага чиққанларидан кейингина сездим, сездим-ю, юзига тикилиб:

— Менга қара?— деди.— Сенга нима бўлди? Ё чиндан ҳам Сайёрахон билан уришиб қолдингми?

— Йўқ...

— Парво қилма!— деди Туробжон яна аввалги хунчақчақ кайфиятига қайтиб.— Сайёрахон бўлмаса Ҳамидхон бўлар!.. Ҳамидахон демоқчи... синглиси Шохистанинг атрофида битта шоир йиғит ўралашиб қолганмиш, танийсанми?

— Оз-моз танийман.

— Хўш?

— Туппа-тузук йиғит. Бизнинг қайнатамизга бир оз яқинлиги борга ўхшайди.

— Яша!— деди Туробжон.— Энди... қайнатанга яқинлиги бор деб, шундай қизни қўлдан чиқариб юборамизми?

Акрамнинг эсига кафенинг ёнида шумшайиб турган Муроджон тушди.

— Қўлдан чиқармайман десанг... бу гапни уканга айт.

— Укамни қўйиб тур. Укам қўй оғзидан чўп олмай диган мўмин бир йиғит. Лекин уни мўмин деб, оғзидаги ошини тортиб олишадими?

— Шохиста ош эмас, тирик жон. Ҳозирги замоннинг қизи,— деб кулди Акрам.

— Биламиз бу янги замоннинг қизларини! Бошда пишиб турган иш эди. Унниям ўша эски жазманинг... Ҳамидахон йўлдан урди... Лекин...— Туробжон муштини туйиб Акрамнинг тиззасига қўйди, овози ички бир ғазбдан титраб, деди:

— Аммс-лекин билиб қўй. Шоҳистани қўлдан чиқарадиган аҳмоқ йўқ бу ерда! Агар уни укамга олиб бермасам... Туроб номимни бошқа қўйганим бўлсин!..

Акрам ялт этиб дўстига қаради. Бу ўша, Акрам яхши билган ва яхши кўрган, сал чапани, лекин мард, софдил ва адолатпарвар Туробжонми ё бошқа одамми?

— Ҳа, намунча ағраясан?— деб кулди Туробжон.— Гапнинг пўскалласини айтдим-қўйдим. Оғзидаги ошнини бировга олдириб ўтирадиган аҳмоқ йўқ ҳозир!

Акрам кўнглига келган гапни айтмоқчи эди, лекин машина Фортепа бағридаги қабристоннинг пахса девори олдига келиб тўхтади-ю, гапи оғзида қолди.

* * *

Акрам қабристон четидаги ёлғизоёқ йўлдан тепадаги кекса чинорга қараб секин кўтариларкан, болалик чоғларида бувисидан эшитган ривоятлар эсига тушиб, ўзича кулимсираб қўйди.

Бу қирнинг тагида катта аждаҳо бор эмиш. Бир маҳаллар бу аждаҳо тоғдан чиқиб келиб, қирқ кун қирғин қилиб, ҳар куни қишлоқнинг бир сулув қизини ютган эмиш. Ахийри навбат қишлоқ ҳокимининг гўзал қизига етган эмиш. Ушанда ҳоким фуқарога мурожаат қилиб: «Қим аждаҳони ўлдирса, қизимни ўшанга бераман», дебди. Қизни севган қирқ йигит аждаҳо билан қирқ кун олишибди. Аждаҳо ўттиз тўққиз йигитни енгиб ҳаммасини ютган фақат довюрак бир чўпон аждаҳо билан қирқ кун танҳо олишиб, ахийри уни ўлдириб, шу тепанинг тагидаги горга кўмган ва қирқ кечаю кундуз тўй-томоша қилиб, ҳокимнинг гўзал қизини олган эмиш.

Бувиси бу эртакини шунчаки айтиб қўя қолмас, балки ҳар сафар: «Аждаҳо ҳалиям горда беҳуш ётибди, агар сен бирор ноҳўя иш қилсанг, ё бировнинг боғига тушсанг, ё бировнинг боласига тегиб йиғлатсанг у тирилик чиқади, чиқиб яна қирғин қилади», деб қўшиб қўяр эди. Акрам эса бу гаплардан ваҳимага тушиб, кечаси тушида аждаҳо билан олишиб чиқарди...

Умуман, Фортепа азалдан ваҳимали афсоналарга тўла эди! Илгариларни ҳамма гўристонларда бўлганидек, бу гўристоннинг ҳам ўз жинниси бўларди! Акрамнинг эсида бор: урушдан олдин, Акрам етти-саккиз яшар пайтида, бутун қишлоқ ёзда ҳу анави адирлар ортидаги

даштга қовун экиб, қапа қуриб кўчиб чиқар, болалар ҳар кунни кечқурун эшакда қишлоққа қовун ташинишар эди. Шундай пайтларда Фортепанинг ёнидан Ҳошим жинни деган юз-кўзларигача соқол босган машҳур жиннига дуч келмасдан ўтиб олишдан катта ташвиш йўқ эди улар учун!

Акрам ҳар сафаргидай бу эсдаликлардан кўнгли ёришиб, чинордан сал берироқда, бир тўп қалин қайрағочлар соясида тўхтади. Бу ердан туташ боғларга кўмилган катта қишлоқ чиндан ҳам кафтдай кўринар, пастдаги сой, сойнинг у юзидаги Акрамларнинг боғи, ҳатто тўғон устидаги тегирмон, тегирмондан сал чапроқдаги оплоқ жийдазор — Акрам Ҳамида билан илк бор шу жийдазорда учрашганди — ҳаммаси аллақандай яқинлашиб қолгандай туюларди!

Акрам бош план устида ишлаганида Фортепанинг устига қанча марта чиққан, чинор тагига асбоб-ускуналарини ёзиб қўйиб, соатларча ўтириб томоша қилган эди. Қишлоқни тўртга бўлиб, тўртта асосий кўча ўтказиш ва бутун қурилишни шу кўчаларга мослаб лойиҳалаш фикри ҳам худди шу ерда туғилган!..

Акрам қалин боғлар орасидан марказий кўчани қидириб топаркан, кўзи аввал тупроқ қўрғоннинг ўрнига, кейин... Санъат саройига тушди. Кўҳна қўрғоннинг ўрни худди қуриб «қолган ҳовуздай оқариб ётар, «Бақабулоқ» бўйидаги Санъат саройи эса тепадан улкан бир қояга ўхшарди.

«Бу муҳташам бино... азиз ҳамқишлоғимиз, таланти архитектор, фан кандидати Акрам Холиқов лойиҳаси асосида қурилди...» Акрам ичида кулимсираб яна сойга, дўппи-дўппи шафтоли ўғирлаб юрган боғларга, Ҳамида билан илк бор учрашган жийдазорга тикилди, лекин кўнглидаги бояги ёрқин туйғуларни уйғотишдан ожиз, оғир ўйга чўмди.

Агар уч-тўрт йил олдин, бош план устида ишлаётганида туппа-тузук кўринган Санъат саройи лойиҳасининг эскирганини энди ўзи ҳам сезган бўлса, ўн йилдан кейин одамлар нима дейди? Юз йилдан кейин-чи? Юз йил у ёқда турсин, йигирма-ўттиз йилдан кейин унинг ўзи, ўзи тугул қизи Нодира ҳам бояги ёзувни кўриб отасидан номус қилмасмикан?..

Демак... демак, у сўнгги беш-олти йилда меъморчилик соҳасида рўй берган кескин бурилишларни илғаб ололмаган, ёшлардан орқада қолган!.. Лекин... наҳот Зафар, ўзбек меъморчилигининг қадимий анъаналарини

инкор этиб, оддий деҳқон учун икки, ҳатто уч қаватли уйлар қуриш керак, деб юрган Зафар ҳақ бўлса?..

Мана, оддий деҳқон уйи: олди айвон, эшиги боққа қараган даҳлизнинг икки томонида иккита катта хона. Уйнинг кўча томонига дераза очилмаган. Нега?.. Зафарга ўхшаганларга қолса... аёл киши эркак зотини кўрмаслиги учун шундай қилинган! Аҳмоқона гап. Ўзбек юртидай серқуёш ўлкада дераза кўп бўлишига ҳожат йўқ, аксинча, кам бўлгани яхши: жазирама ёзда уй салқин туради. Умуман... серфарзанд ўзбек деҳқонига бир эшикдан тўрт хонага кирадиган уйлар тўғри келмайди, демак, бу масалада Акрам ҳали ҳам бўлса, ҳақ, лекин... У бундан муҳимроқ масалаларда ноҳақ! У бир нимда адашяпти, худди Сайёранинг кўнглига йўл тополмагандай, ўз ижодида ҳам аллақандай муҳим бир нарсани илиб ололмапти!.. Афтидан, Султон Қосимов тўсатдан унинг ёнини олиб, жуда сирдош бўлиб қолиши ҳам бежиз эмас. Акс ҳолда... бир-икки йил олдин Зафарни институтга ўзи чақириб олган, ўзи бош архитектор қилиб кўтарган одам, энди нега тўсатдан орқага чекиниб қолди, нега унинг устидан «маълумот» тўплай бошлади?

«Мен сени принципиаллигинг учун яхши кўраман...»— Акрамнинг эсига Зафарнинг шу гапи тушиб, маъюс кулди.

Йўқ, чек қўйиш керак бу ишларга! Агар унда инсоф дегандан озгинагина қолган бўлса, агар бир маҳаллар уни «жуда истеъдодли» деб юрган гапларда тариқдайгина ҳақиқат бўлса... у тамом янги йўл тутиши, кўп эътиқодларидан мардларча воз кечиши керак. Акс ҳолда... бу ишни йиғиштириб қўйиб, қишлоққа келиши керак. Қишлоққа келиб, худди бурунгидай, худди боя Амаки айтгандай, елкага кетмонни ташлаб, далага чиқиши керак!..

Акрам бу ўйлардан боши ғовлаб секин орқага қайтаркан, қабристоннинг этагидаги қалин қайрағочзор олдига қўш от қўшилган шотили арава келиб тўхтаганини, аравадан оқ рўмолли уч-тўртта хотин ва қўй судраган бир чол тушганини кўриб қолди.

Чол аравадан судраб туширган қора қўйини етаклаб, қирга ўрмалай бошлади-ю, Акрамни кўриб бошқа йўлга бурилди. Аравадан тушган аёллар ҳам чолнинг кетидан эргашди, фақат бир хотин афтидан жуда художўй бўлса керак, қайрағоч панасига ўтиб, юзини тескари ўгириб олди.

Акрам унга эътибор бермай, қайрағочнинг ёнидан

ўтиб, катта йўлга бурилди, бурилди-ю, қўққисдан кўкрагига биров туртгандай бўлиб, беихтиёр тўхтади. Қайрағочнинг панасида юзини рўмоли билан тўсиб, ерга қараб турган аёл... Ҳамида эди!.. Катта қуралай кўзлари қўрқувданми, уятданми, ғалати пориллар, озгин, узунчоқ юзи ловиллаб ёнарди. Афтидан, у Акрамни узоқдан таниган, танигану унга рўпара бўлишини ҳам, бўлмаслигини ҳам билмай, ўзини панага олган эди!

Акрам юраги ўйнаб, унга томон бир қадам ташлаган эди, Ҳамида жон-жаҳди билан қўл силтади:

— Йўқ, йўқ, кетаверинг, кетаверинг...

Акрам нтоаткорлик билан катта йўлга бурилди, лекин бурилаётганида, назарида Ҳамида пастга, Туробжонларнинг уйига имо қилиб, «Малоҳат» деб шивирлагандай бўлди. Акрам бу ишоранинг маъносини Малоҳатни кўрганда тушунди.

Акрам кириб борганида Малоҳат ҳовли ўртасидаги баланд ишком тагида самоварга олов ташламоқда эди. Эгнида атлас кўйлак, қошида ўсма, кўзида сурма, у ҳали ҳам ўша ёшлик чоғларидагидай дўндиқ ва шўх кўринарди. Акрамни кўзларини сал сузиб, кулиб қарши олди. Оппоқ лўппи қўлини бериб кўришаркан, дабдурустдан:

— Ҳамидани кўрдингизми?— деб сўради, сўнг жавоб кутмасдан, қўлига хат қистираркан:— Мана буни олиб қўйинг,— деб шипшиди.— У сиз билан бир кўришсам дейди, бечора. Ё... Янги ёрни топганда, эскиси эсингиздан чиқдими?

Акрам, юраги яна боягидай ҳаприқиб кетса ҳам, ўзини босиб ҳазиллашди.

— Йўқ, нега, у пайтлар эсдан чиқармиди!

— Хайрият,— деди Малоҳат кулиб.

Шу пайт ҳовли билан боғ ўртасидаги ариқнинг у юзида Туробжон кўринди. Эгнида тўн, кўкраги чапаниларча очик, қўлларини белига тираб қичқирди:

— Ҳей, менга қаранг, ўртоқ кандидат. Бировнинг хотинини гапга солишга қандай ҳақингиз бор? Бу ер шаҳар парки эмас, «Бақабулоқ!» Кандидат бўлмоқ туғул профессор бўлсангиз ҳам оёғингизни осмондан қилиб қўямиз, ҳа!

Туробжон ўз ҳазилидан ўзи завқланиб, хахолаб кулди, Малоҳат эса эридан ўпкалади:

— Қўйинг, қаёқдаги гапларни. Мен Акрам акамлардан гина қиляпман: озиб-ёзиб келганингизда, қайлиқчангизни олиб келмабсиз, деб!

— Бу зиёлилар ўзи шунақа бўлади, хотин,— деди Туробжон.— Биздақа кетмончи бечорани феодалдан олиб, феодалга солишади-ю, ўзлари хотинларини тўрт девор орасидан чиқаришмайди...

Малоҳат эрига тақлид қилиб кулди:— Шунинг учун айтишар экан-да, домланинг айтганини қилгину қилганини қилма деб...

— Яша, хотин, боладинг!.. Қани, юр, оғайни, меҳмонлар кутиб қолишди...

— Ҳозир,— Акрам ариқнинг у юзига, тол панасига ўтиб, хатни очди.

«Акрам ака!

Сиз билан бир кўришим керак. Айтадиган бир гапим бор. Жуда, жуда муҳим гап. Қачон десангиз майли, мен тайёрман... Ҳамида».

Акрам хатни қайта-қайта ўқиркан, худди қор тагидан униб чиққан бойчечакни кўриб, олис баҳор ҳиди димоғига урган одамдай, кўнгли илиқ бир нурга тўлиб, ўрнидан турди, сўнг ишком тагида кулиб турган Малоҳатни кўриб, жилмайганича хатнинг орқасига шу сўзларни ёзди:

«Ҳамидахон. Ўша ўзингиз билган жар бўйида, жийдазорда учрашсак. Вақтинин Малоҳатхон айтадилар. Акрам».

Хатни Малоҳатга қайтариб бераркан, хаёлидан шўх бир фикр ўтди. «Намунча эзиласан, Акрамвой? Бу гавғонинг ҳаммасига қўл силтаб, Ҳамидага уйланиб, Амаккага ўхшаб, кетмонини уриб бегавго, беташвиш яшасангиз нима бўпти? Беш кунлик дунёда бу сохта шуҳрату сохта обрўни ким қўйибди сенга оғайни?...»

УЧИНЧИ БОБ

Сайёра, давлат имтиҳонлари яқинлашиб қолган бўлса ҳам, ўша воқеадан кейин, бир неча кунгача уйдан чиқмади. Назарида, бутун шаҳар бу воқеани эшитган, у уйдан чиқиши билан таниш-билишларининг ҳаммаси шу тўғрида гапирга бошлайдигандай туюлар эди. У кўнглини хуфтон қилган аламли хаёллардан қутулиш учун ҳамма китобларини йиғиштириб олиб, кечаю кундуз дарс тайёрлади.

Ҳафтанинг охирида азонлаб Убай телефон қилди. У шу кунни диплом ёқлар экан, Сайёранинг боришини илтимос қилди. Сайёра имтиҳонларни баҳона қилиб қутулмоқчи бўлган эди, Убай астойдил ранжиб:

— Дипломим атрофида кўтарилган шов-шувдан хабарингиз бор-ку!— деди. Обид Юнусович бўлмаганида эҳтимол ёқлатишмасди... Наҳот қизиқмасангиз? Кейин... жиндай ўлтиришимиз бор. Агар сиз бормасангиз, Шоҳиста ҳам бормаиди. Биласиз-ку уни...

Сайёра унинг дипломи атрофидаги гаплардан хабардор эди, кафедраларида уни қандайдир «сўлчиликда» айблашган, ахирри Обид Юнусович, гарчи адабиётшунос бўлмаса ҳам, асосий оппонентликни ўз зиммасига олиб, дипломнинг ғоявий ва фалсафий жиҳатдан тўғрилигини исбот қилганидан кейингина, ёқлашга рухсат беришган эди.

— Хўп,— деди Сайёра.— Боришга ҳаракат қиламан.

Сайёра боришга борди-ю, институт олдидаги хиёбонда Шоҳиста билан қўлтиқлашиб юрган Нилуфарни кўриб, борганига пушаймон қилди. Чунки Нилуфар уни кўриши билан чопқиллаб келди, нафис бўялган кўзларини катта очиб:

— Вой, ростми шу гап?— деб сўради ва жавоб кутмасдан бидирлаб кетди:— Мен у киши ғалати эканини билардим, бироқ бунчаликка боришларини... Яна олим деган номлари бор!..

Сайёра Нилуфарнинг ачиниб гапирганини ёқтирмаса ҳам, ўпкаси тўлиб, кўзига ёш олди.

— Кўйинг, хафа бўлманг,— деди Нилуфар,— унақа одам... хафа бўлишга арзимаиди. Зафар акамлар менга шундай қилсалар... билмадим нима қилардим!

Сайёрага ҳаммадан кўра Нилуфарнинг шу гапи қатиқ тегди. Шундай хўрлиги келдики, агар Шоҳиста бўлмаганида, қайрилиб кетиб қоларди.

Одамлар ҳам ғалати. Бир нарса атрофида шов-шув қанча кўп бўлса, унга шунчалик кўп қизиқишади.

Учинчи қаватдаги адабиёт факультетининг катта залида тантанали бир руҳ ҳоким эди. Столлар гулдас-таларга тўлиб кетган, узун йўлакда фақат бешинчи курс студентлари эмас, қуйи курс студентлари ҳам кўзга ташланар, гўё кутилмаган бир воқеа юз берадигандай йиғилганларнинг чехрасида, юриш-туришларида бўлакча бир ҳаяжон акс этар эди. Убайжоннинг ўзи эгнида янги йўл-йўл костюм, бўйнида галстук, қўллари шимпининг чўнтагида, гўё ҳамманинг, айниқса, пастки курс қизларининг эътибори унда эканини сезмагандай, аудиториянинг тўрида бир гуруҳ дўстлари билан чақчақлашиб турарди. Сайёраларни кўриб, дарҳол улар томон юрди. Нилуфар билан кўришаркан, Сайёрага юзланиб:

— Сизни келмассиз деб ўйловдим,— деди.

«Бу ҳам эшитибди!»— деди Сайёра хаёлида ва кулган бўлди:

— Сиз диплом ёқлайсизу мен келмайманми, Убайжон?

— Раҳмат,— деди Убай ва Нилуфарга қаради:— Ҳали ёқлайманми, йўқми — худо билади!

— Дадамлардан қўрқмасангиз ҳам бўлади,— деди Нилуфар.— Сизни деб кеча дадамлар билан уришиб қолдим!

Убай кулиб Шоҳистага юзланди:

— Чин дўстлар мана шунақа бўлади. Сиз юрибсиз...

Шоҳиста унинг сўзини эшитмай, тўсатдан «Вой!» деди-ю, ҳозирги қиёфасига мос тушмаган бир соддалик билан Сайёранинг орқасига яшириниб олди.

— Ана, айтмаганмидим у ҳам келади деб!..

Убай дераза томонга лоқайд кўз ташлаб:

— Муроджонми?— деб сўради ва кулди.— Майли, у ҳам муҳаббат ҳақидаги янги фикрларни эшитиб қўйсин, зора кўзи очилса!.. Айтмоқчи...— Убай нимадир эсига тушиб Сайёрани четга бошлади.— Хўжайинингизни айтаман. Бу қанақа пасткашлик? Олим одам! Мен ҳозир бу гапни ҳам айтаман.

Сайёра бир сапчиб тушди.

— Вой, вой, нима деяпсиз?

— Қўрқмай қўя қолинг. Исми шарифларини айтмайман. Шунчаки мисол сифатида...

— Йўқ, йўқ, айта кўрманг.

— Ана шу-да,— деди Убай.— Ҳаммаларнинг қўрқасизлар, ўзбек аёллари. Қўрқоқсизлар...

Унинг сўзини кўнғироқ овози бўлди. Йўлакнинг у бошида деканатдан чиққан домлалар кўринди.

— Шоҳистанинг ёнидан жой олинг,— шивирлади Убай.— Мен сизларга қараб гапирсам сўзимдан адашмайман...

Сайёра, гарчи унинг дипломи атрофида кўтарилган шов-шувдан хабари бўлса ҳам, мазмунидан беҳабар эди. Шунинг учунми, бошқамп, ишқилиб, Убайга сўз беришганда ва у минбарга чиқиб қўлёзма солинган папкани очганида, юраги аллақандай орзиқиб кетди. Сўнг, ёнида ўтирган Шоҳиста ҳам юзидан қони қочиб, пинжиги тикилганини сезиб, унинг қўлини сиқди: «Қўрқма. Яхши бўлади».

Убайнинг дипломи «64—65 йиллар ўзбек ҳикоячилигида муҳаббат мавзун» деб аталар эди.

Афтидан, унинг дипломи атрофида кўтарилган гап, сўзлар бежиз эмас эди, Убайжон бу давр ҳикоялари шаънига деярли яхши гап айтмасдан, дабдурустан танқидга ўтиб кетди... Йўқ, гап фақат бу ҳикояларнинг схематиклигида, мазмунининг саёзлигида ҳам эмас, ҳамма бало автор позициясининг ҳаётдан узоқлигида, илгари сурилган идеалларнинг примитивлигида эди. Унинг фикрича, муҳаббат ҳақидаги ҳикояларнинг аксарияти бугунги кунга бағишланган бўлса-да, уларнинг қаҳрамонлари ҳозирги замондан анча орқада қолган ёшлар... Баъзи ёзувчилар идеал сифатида илгари сурган бу ижобий қаҳрамонлар ўн саккиз-ўн тўққизинчи аср кишиларини эслатади. Уларнинг кўпчилиги қизларга бир гап айтишга қўрқишади, шеърлар ёзиб оқ-воҳ қилиб юришади. Уларнинг энг юксак орзуси, муҳаббат ҳақидаги идеали ҳам ўзларидай тортинчоқ, қирқ кокил қўйган, йиғитларга гап отиш тугул, ҳатто кўз қирини ташлашдан ҳам нйманадиган қизлардир... Рост, баъзи ҳикояларда бу уятчан, ифбатли қиз янглишади, яъни, аввалбошда тортинчоқ йиғитнинг қадрига етмай, почаси тор шим кийган, зулук мўйловли олифтага кўнгил қўяди, лекин сал ўтмай унинг ифлос ниятли бачкана бир кимса эканини билиб қолади ва сочинни қиртишлаб, тақир бош бўлиб юрадиган, почаси кенг шим киядиган, ўзи содда бўлса ҳам нияти яхши, қалби пок йиғитга қайтиб келади...

Убай бунинг ҳаммасини кулгига олиб, почаси тор олифта деганида, лабларини силаб, почаси кенг шим киядиган, лекин пок қалбли қаҳрамон деганида, Муроджон ўтирган томонга ишора қилиб, шундай ҳазилмутойиба билан гапирдики, «гурр-гурр» кулги кўтарилиб, ахийри қарсак бўлиб кетди...

Сайёра ҳаммага қўшилиб куларкан, бенхтиёр домлар ўтирган томонга қаради: у ерда ҳам баъзилар кулиб, баъзилар қовоғини солиб, ўтирар, дадаси чап қўли билан ялтироқ бошини силаганича, гўё ҳеч нарсани сезмагандай, ниманидир ёзиш билан банд, Нилуфарнинг дадаси эса залга ер остидан тикилганича бармоқлари билан столни асабий чертар, унинг юмалоқдан келган хушсурат юзи қизариб кетган эди.

Убайжон эса ҳамон ўша тақлидда, ярим ҳазил, ярим чин давом этарди... Баъзи ҳикоялар ҳаётдан шунчалик узилиб қолганки, уларда бугунги ёшларнинг мақсадлари, орзу-умидлари, ҳатто энг оддий истаклари, чунончи, яхши кийиниш, чиройли бўлишга интилишлари ҳам жиддий суратда қораланади. Масалан, ҳикояда чирой-

ли кийинган, сочларини янгича причёска қилган қизни учратсангиз бас, билаверинг: бу — салбий қаҳрамон!.. Узун сочнинг шайдоси бўлган бир автор ҳозирги замон қизларининг причёскаларидан шу даражада дарғазаб бўладики, уларни... «сиркахона» деб атайдн...

Бу сафар Обид Юнусович ҳам кулиб юборди-ю, домдаларнинг ҳаммаси, ҳатто Инлуфарнинг дадаси ҳам кулгига қўшилди. Лекин Сайёра, эшикда турган баъзи йигитларнинг чеҳрасида совуқ бир ифода борлигини сезиб қолди.

Убай Сайёраларга қараб, билинар-билинмас бош чайқади. Сайёра: у ҳозир бояги гапни айтмоқчи, деган фикрга бориб, юраги ўйнаб кетди. Лекин Убайжон баъзи ҳикоя қаҳрамонларининг руҳий қашшоқлиги ҳақида гапира бошлади ва бир ҳикоянинг мазмунини айтиб зални яна кулдирди.

Бу ҳикоянинг қаҳрамони — у ижобий қаҳрамон, албатта — уйига келса хотини овқатини истиб қўйиш ўрнига, пардоз-андоз билан шугулланиб ўтирган экан. Бу нарса йигитни, яъни ижобий қаҳрамонни шунчалик хуноб қиладики, у томоғидан овқат ўтмай, биринчи хотинини, яъни қадрини билмай қўйиб юборган жуфти ҳалолни эслаб кетади. Маълум бўлишича, биринчи хотини, унинг кейинги хотинидай гўзал бўлмаса ҳам, шундай меҳрибон эканки, йигит ишдан қайтганида доим овқатини иситиб қўяр, эшикдан кириб келиши билан қумғон ушлаб, қўлига сув қуяр экан.

Гўзал хотинидан кўнгли қолган йигит уни ташлаб, биринчи хотинининг олдига қайтиб боради, лекин ҳайҳот, эрининг йўлига тикила-тикила кўзлари тўрт бўлган биринчи хотин, у боргунча бошқа эр қилиб кетибди...

Убайжон кулгидан ўзини зўрга тутиб, хитоб қилди: — Албатта, олдига қўйилган чой совиб қолгани учун ёки калишини ювиб қўймагани учун хотинини қўйиб юборадиган бунақа йигитлар ҳам учрайди турмушда. Лекин энг ёмони шундаки, ёзувчи сатирик ҳикояга қаҳрамон бўладиган бу кимсанинг ёнини олади, унда, унинг мешчаплик ўйлари, майда, чиркин ҳис-туйғуларидан кулиш ўрнига, хайрихоҳлик билдиради! Бу эса муҳаббат, вафо, оила ҳақидаги эски тушунчалар қон-қонимизга сингиб кетганини, турмушдаги янгиликлар дилнимизда катта қаршилик тугдираётганини кўрсатиб турибди. Афтидан, капитализм сарқитлари деб аталган, аслида феодализм даврида туғилиб, қалбимизда илдиз отган тушунчалардан қутулиш осон эмас. Ёшларимиз бу ил-

латлардан қутулишга қаттиқ ҳаракат қилишяпти, янги муносабат, маданият, янги ахлоқ нормаларини эгаллашга интилиш катта, лекин афсуски, адабиёт бу курашдан, бу чигал муаммолардан бирмунча четда қоляпти... Умид қиламанки, адабиётимизнинг асл қаҳрамонлари чой совиб қолгани учун турмушни фожиага айлантирадиган одамлар бўлмаса керак...

Убайжон гапини тугатмаган ҳам эдики, Муроджоннинг асабдан титраган ингичка овози янгради:

— Сенга... сиздақа олифталарга қолса... қизларимизда одоб-ахлоқ деган нарса бўлмаса, ҳаммасини йўлдан урсаларинг...— Муроджон нафаси етмай энтикди, узун қўллари билан столни чангаллаб олдинга энгашди.— Мен... мен биладан, сендақаларнинг ниятини!..

Зал тўсатдан сув сепгандай жимжит бўлиб қолди. Ҳамманинг кўзи Убайда эди. У қални қошлари чимирилиб, бурун катаклари пирпираб, Шоҳистага тикилиб турар, Шоҳиста эса юзлари ловиллаб, кўзларини ерга тикиб ўтирар, узун киприклари орасида негадир ёш томчилари милт-милт қилар эди. Убай томоқ қириб:

— Йўқ, оғайни,— деди кулимсираб.— Мен қизларимиз одобсиз бўлсин, демайман, мен фақат... қизларимизнинг инсоний туйғуларини ҳурмат қилайлик, дейман, уларнинг гўзалликка, нафосатга бўлган интилишларини ахлоқсизликка йўймайлик дейман, холос. Қолаверса... йигитларимиз ҳам қаддини тутса дейман. Чунки ўз қаддини билган йигит суймаганга суйканмайди...

Убайжон кулги, шов-шув ва қарсақлар остида Шоҳистанинг ёнига келиб ўтирди. Сайёра унинг қўлини сиқмоқчи эди, лекин Нилуфар ҳатто Шоҳистага ҳам навбат бермай ва анчагача унинг қўлини қўйиб юбормай, кула-кула табриклади.

Биринчи бўлиб, Обид Юнусович сўз олди. У ҳазиломуз гап бошлади:

— Мен адабиётчи эмасман, шунчаки жиндай фалсафага алоқам бор, шунинг учун хато қилсам кечирасизлар...

Обид Юнусовичнинг фикрича, ёш дипломат ўз ишида мураккаб, лекин ҳаётини масалани ўртага ташлаган ва дадил фикрлар айтган. Шу билан бирга дипломат турмушдаги янги сифат ўзгаришларни кўрмаган, ёки кўришни нстамаган, адиблар билан мунозара қиларкан, қизишиб кетиб, ўзи ҳам бир ёқламаликка йўл қўйган.

Албатта, яхши кийиниш, янгича причёскалар қилиш, чиройли ва маданиятли бўлишга интилган ёшларни қо-

ралаш, умуман, кишининг ташқи қиёфасига қараб баҳо бериш кулгили бир нарса, лекин ҳаётдаги энг катта бахт фақат кайф-сафодан иборат деб ўйлаётган қиз-йигитлар йўқми?.. Шубҳасиз, бугунги космос даврида ўз севгилисига бир оғиз гап айтишдан қўрқиб, у билан фақат хат орқали «гаплашадиган» йигитларни идеал сифатида илгари суриш кулгили бир нарса, бироқ соф туйғуларни оёқ ости қилаётган, муҳаббат деган сўзнинг юксак маъносига истеҳзо билан қараётган ёшлар озми?..

Зал бир «ғув» этди, Убайжоннинг кўзларидаги шўх кулги сўниб, лаблари четида истеҳзолли табассум пайдо бўлди.

Обид Юнусович ялтироқ бошни силаб, маъюс бир товушда давом этди:

— Мен ёш дипломантнинг фикрларини инкор этмаганим ҳолда, диққат-эътиборларингизни яна бир нарсага тортмоқчиман. Сўнгги пайтларда мен бир неча бадний асар ўқидим, бир неча пьеса ва кино кўрдимки, ҳаммасида бир мавзу, бир воқеа такрорланади: йигит севган қиз бошқа йигитга кўнгил қўяди. Сал ўтмай ундан ҳам совиқ бўлади, ҳатто бошқалар билан юради ва ниҳоят, яна аввалги ёри билан топишади. Йигит ҳам севгилисининг ҳамма хатоларини кечириб, ўзини бахтиёр деб билади... Албатта, турмушда бунақа воқеалар ҳам бўлиши мумкин. Лекин бу нарсалар мен ўқиган асарларда тасвирлангандай осон бўлармикан? Энг муҳими буни муҳаббат дейиш тўғри бўлармикан? Мен буни муҳаббат дея олмайман. Турмушда бунақа нарсалар осонликча юз бермайди, жуда мураккаб ҳодисалар, инсон тақдирининг ниҳоятда драматик нуқталарига бориб тақалади, аксарият оғир фожиялар билан тугайди.

Обид Юнусович буни шундай куйиниб гапирдики, Сайёра беихтиёр унинг чеҳрасидан кўзини олиб қочди: «Дадажон, билиб турибман, «қизим сенга айтаман, келиним сен эшит» демоқчисиз. Бироқ... бошимга қандай мушкул тушмасин... уни кечирмайман, кечиролмайман, дадажон!..»

Обид Юнусовичдан кейин Нилуфарнинг дадаси сўз олди. У ҳаяжонданми ё Обид Юнусовичнинг гаплари ёқиб тушганиданми, юмалоқ юзида хуррам табассум ўйнаб:

— Худди кўнглимдагини топдингиз-да, домла! Яшанг!— деб хитоб қилди ва бир Убайжонга, бир Нилуфарга тикилиб давом этди:

— Ҳа, ёшларимиз орасида чалкаш фикрлар юриб-

ди. Ахлоқ ва одоб масалалари ҳалигидақа бўлиб кетяпти...

Нилуфар, гўё дадаси уятли бир гап айтгандай қулоқларигача қизариб кетди, қошларини чимириб, минбарга қадалди. Дадаси буни пайқади шекилли, тўсатдан, ўнгайсизланиб йўталди, дудуқланиб қолди:

— Албатта, албатта... Ҳозир бу ҳақда мунозара қиладиган пайт эмас. Бу алоҳида мунозарага мавзу бўладиган гап. Хўш, муайян бу дипломга келсак — шубҳасиз, авторнинг талантидан дарак беради. Автор яхши, яъни ҳозирги ёшлар тили билан айтганда, ўткир танқидчи бўлиб етишиши мумкин. Фақат ҳалиги масалалар... хулласи калом, мен дипломга яхши баҳо берардим...

Мажлис тугаб, ҳамма Убайжонни қуршаб олганда, Обид Юнусович Сайёрага бери кел, дегандек имо қилди.

— Агар у ёқ-бу ёққа борадиган бўлсанг... кеч қолмагин, қизим,— деди маъюс тикилиб.

Сайёра уятли бир иш устида қўлга тушган ёш боладай қизариб:

— Хўп бўлади, дадажон,— деди.

* * *

Убай Сайёраларга зиёфат бўладиган ресторанининг адресини айтиб, ўзи жой олиб туриш учун таксида олдироқ кетди. Ресторан шаҳарнинг четидаги кўрimsизгина, лекин хилват паркда эди. Сайёралар автобусда етиб боргунча кун ҳам ботди. Убай уларни парkning дарвозасида кутиб олиб, ичкарига бошлади. У ёпиқ ресторанда ўтиришни истамай, бинонинг чап қанотидаги сўрининг тагига жой қилдирган эди. У ерда вино ва овқатга тўла столнинг тўрида... Шавкатжон билан паканагина бир ёш жувон қадаҳларини тез-тез уриштириб, кулишиб ўтиришарди. Шавкатжон, қизларни кўриб, ўридан сапчиб турди, дик-дик юриб пешвоз чиқди ва олдиларида ғоз туриб, битта-битта таъзим қилиб кўришди, сўнг столга бошларкан, Сайёрани қўлтиқлаб:

— Сизга айтадиган битта гапим бор, Сайёраҳон,— деди аллақандай сирли оҳангда.

Сайёра, гарчи бу гапга совуққинна кулиб қўя қолса ҳам, юраги ўйнаб кетди.

Шавкатжон Сайёрани пакана жувон билан таништириб — ёш жувон ўсиб келаётган талантли кино танқидчи экан — уларнинг ўртасига ўтирди ва дарҳол қадаҳларга вино қўйди.

— Албатта, биринчи қадаҳни машҳур дипломантнинг бутун шаҳарни ларзага солган қаҳрамонона иши учун ичишимиз керак эди,— деди у, ўзига ярашиб тушган майини қўнғир соқолини силаб.— Лекин мен бу анъанани бузиб, қадаҳни даврамиздаги гўзал қизларимиз учун, яна тўғрироғи, уларнинг шу бугун кўрсатган қаҳрамонликлари учун кўтаришни таклиф қиламан!

Нилуфар бўялган кўзларини катта очиб кулди:

— Вой, қанақа қаҳрамонлик кўрсатибмиз биз!

— Мен ўзбек хотин-қизлари учун эрларнинг уйларига ташлаб, мана шунақа ўтиришларга келишни мисли кўрилмаган бир қаҳрамонлик деб ҳисоблайман!

— Шоҳистахон, эшитяпсизми нима деяптилар?— деди. Нилуфар.

Шоҳиста қизариб кулди ва Убайга қаради. Убай қўлидаги қадаҳини баланд кўтариб:

— Мен соф муҳаббат учун ичаман!— деди.

— Кошки соф муҳаббат ўзи бўлса!— деди танқидчи жувон.

— Йўқ, бунақа одамлардан узоқроқ юриш керак, кетдик, Шоҳиста!— деди Убай ва Шоҳистанинг чиндан қўзгалганини кўриб кулди:— Пулимизга келган винони шуларга ташлаб кетамизми? Олдин ичайлик, кейин кетамиз!

Ўтириш қизиб, ҳазил-мутойиба, кулги тобора авж оларди. Айниқса, Шавкатжон очилиб кетди, у дам қалтис ҳазил ва латифалар айтиб ҳаммани кулдирар, дам хотин-қизларни улуғлаб устма-уст қадаҳ кўтарар эди.

Сайёра бу хушчақчақ руҳга бенхтиёр қўшилиб, ўйнаб-куларкан, уч-тўрт кундан бери кўнглини хуфтон қилиб юрган гўбор тарқаб, яйрай бошлади. Аста-секин уни эзиб юрган ўйлар, эрининг қилмиши, ўзи ва қизининг тақдири ҳақида чеккан ташвишлари, ҳаммаси қандайдир майда ва арзимас бир нарса бўлиб кўрина бошлади унга. Сайёра ҳозир фақат бир нарсани аниқ ҳис этар: у ҳали ёш ва гўзал эди! У ҳали ёш ва гўзал бўлгани учун Шавкатжон унга ҳаммадан кўп хушомад қилар, шундай хушомад қилардики, ҳатто танқидчи жувон билан Нилуфардай чиройли қиз ҳам рашк қила бошладилар. Лекин бу рашк Сайёранинг аччиғини чиқармас, аксинча, шўхлик уйғотар, кулгисини қистатар, кўнглида уйғонган ишончга ишонч қўшар эди. Назарида, олти-етти йил турмуш қуриб, ҳеч қачон ўзини бунчалик эркин ҳис этиб, бундай яйраган эмас эди.

Учинчи ё тўртинчи қадаҳдан кейин Сайёра сал орқа

га сурилиб, причёскасини тўғриларкан, тўсатдан Убай унга синовчан тикилиб қараётганини кўриб, юзига қон тепди. Убайнинг бу қарашида: «Сизга нима бўлди, Сайёрахон?» деган бир савол бор эди.

«Бу нега менга хўжайин бўлиб қолди?»— деб ўйлади Сайёра. У эндигина Убай билан Шоҳиста сал четроққа сурилиб, бошқалардан ажралиб, аллақандай ётсирашиб қолишганини пайқади.

«Шоҳистасини қизганяпти!..— деди ичида Сайёра ва кинояли жилмайдди.— Бояги гапи қаёқда-ю, бу қилиғи қаёқда! Шоҳистани ҳалиги бечорадан айнитиб олгунча нималар қилмади. Сочини қирқтирди. Кафеларга, танцаларга ўргатди, ўргатди-ю, ўзига ром қилиб олгандан кейин ўзгарди қолди... Энди бизни, мени унга ёмон таъсир кўрсатади деб, қўрқяпти шекилли!»

Сайёра, тўсатдан ўпкаси тўлиб, қилт юттиди. «У шундай қилмаганда мен бу ерга келармидим? У яхши бўлса мен шундай қилармидим? Мен унга... ёшлигимни, энг пок туйғуларимни ҳадя қилганимда... кўрган яхшилигим шу бўлдимми?» Сайёра йиғлаб юборишдан қўрқиб, бошини эгди. Шу пайт ичкарида музыка янгради-ю, Шавкатжон уни танцага таклиф қилди.

У Сайёранинг белидан олиб, даврага бошларкан:

— Сизга нима бўлди?— деди кўзларига тикилиб.

— Ҳеч нима, ўзим...— Сайёра унинг офтобда қорайган шиддатли чеҳрасидан кўзини олиб қочди.

Шавкатжон кулди.

— Сиз ўз қадрингизни билмас экансиз. Қўйнинг, шу хафагарчиликларни!

«Бу ҳам эшитибди!»

— Мен ҳозир сизга бир гап айтаман, Сайёрахон, илтимос — кулманг.

«Наҳот муҳаббат изҳор этса!» Шавкатжон белини қаттиқроқ қисганини сезган Сайёра юраги ўйнаб, тирноқларигача жимирлаб кетди.

— Тунов кунини киноактриса бўлишингиз керак, деса кулувдингиз. Бугун шу гапини яна айтмоқчиман, янги фильмимдаги бош ролни таклиф қилмоқчиман, сизга.

Сайёра юрагига қуйилиб келган иссиқ тўлқин секин тарқаётганини сезиб, чуқур нафас олди.

— Убайжоннинг сценарийсинми?

— Ҳа, Убайжон билан биргаликда ёзганмиз. Кейин москвалик машҳур бир кинодраматургнинг консултациясидан ўтган... Сиз сценарий Убайжонники бўлмаса ўйшамайсизми?

— Йўқ, гап унда эмас. Мен... сценарий Убайжонники бўлса Шоҳистахон ўйнасин демоқчи эдим,— деб кулди. Сайёра.

— Авваламбор, бу роль Шоҳистахонга тўғри келмайди. У ёшлик қилади. Лекин тўғри келганда ҳам... Убайжон рухсат бермас эди. Мен, умуман, Убайжонга ҳайронман. У худди... кўнгли нима тусаганини ўзи ҳам билмайдиган боши қоронги хотинга ўхшайди. Бир қарасаңгиз, ундай дейди, бир қарасаңгиз, бундай... Майли, Убайни қўйиб турайлик. Сиз менинг саволимга жавоб бермадингиз...

— Қўйинг, мендан артистка чиқармиди! Ана, Нилуфархонни олинг. Жон-жон дейди.

— Жон-жон деб тургани учун ҳам тўғри келмайди,— деди Шавкатжон кескин.— Лекин агар гап Нилуфарда бўлса, унга ҳам ўзинга яраша роль бор... Сиз нега энди гапни чалғитяпсиз, Сайёраҳон?

— Чунки...— Сайёра яна кулгига олмоқчи бўлди-ю, Шавкатжон маъюс тикилиб турганини кўриб:— Билмадим энди,— деди яна ҳаяжонга тушиб.— Менда артистлик қобилияти...

— Гап қобилиятда эмас!— деди Шавкатжон, унинг сўзини бўлиб.— Кинода ҳамма нарсани самимият ҳал қилади...

У бир зум жим қолди, сўнг, Сайёранинг қўлини қаттиқроқ сиқиб:

— Сиз ё чиндан ҳам ўз қадрингизни билмайсиз, ё муғамбирлик қиляпсиз,— деди.— Мана, кўрарсиз, сиз кинода ҳаётдагидан ҳам чиройли чиқасиз, Сайёраҳон. Лекин гап фақат сизнинг ҳуснингизда эмас, сиз қандайдир... жуда ҳам поксиз!.. Сизнинг чеҳраңгизда... бўлакча бир софлик бор...

Сайёра гапни ҳазилга йўйишга тиришиб:

— Қўйинг,— деди.— Нархимни жуда оширвордингиз...

— Худо урсин агар...

— Ахир давлат имтиҳонлари турибди!

— Давлат имтиҳонларингизни бемалол топшираверасиз. Бизга ҳозирча бошқа ишлар ҳам етиб-ортади. Тахминан, бир-икки ҳафтадан кейин актёрлар синаб кўрилади, яъни талабгорларни суратга олиб кўрамиз... Воқеа қишлоқда ўтади. Сердарахт, серсув, салқин бир қишлоқни танлаймиз. Ҳам ишлаймиз, ҳам дам оламиз. Ўзи яхши роль. Хўп денг, Сайёраҳон...

— Қайдам... Агар сценарий ёқса...

— Балли, ана энди ўзингизга келдингиз!— деди Шавкатжон.— Бўлмаса бундай қиламиз. Мен сизга сценарийни бераман, сиз ўқиб чиқасиз. Аминманки, сизга жуда ёқадди. Чунки фильм... Утакетган кўрс, дағал одамнинг қўлига тушиб қолган пок бир жувон тўғрисида, унинг фожиали муҳаббати тўғрисида бўлади... Умуман, бугунги ўзбек аёлининг тақдири ҳақида жиддий бир гап айтсак деган умиддаман... Келишдикми?

— Майли,— деди Сайёра.

— Сиз ҳали шундай машхур бўлиб кетасизки...

— Раҳмат...— Сайёра Шавкатжон унинг белини қаттиқроқ сиққанни ва алақандай суқланиб тикилганини сезиб, уят ва ҳаяжондан эти алланечук жимирлаб кетди. Хайрият, шу пайт улар танца тушаётган музика тугаб, твист бошланди. Шавкатжон унинг белидан қўлини олмасдан:

— Давом этамизми?— деди. Сайёра жонҳолатда «йўқ» деб бош чайқаган эди:

— Майли, сиз твистни қойил қилолмайсиз,— деб кулди.— Нилуфархон ҳам хафа бўлмасин!

Нилуфар, Шавкатжон нмо қилганини кўриб ўрнидан турди ва кўзлари чақнаб, позик, хушбичим қоматини қилпилатиб уларга томон юрди.

Сайёра унинг ёнидан ўтиб столга яқинлашаркан, тўсатдан сўри тагидан чиқиб келган Зафарга кўзи тушди.

Зафар Нилуфарни кўриб тўхтади, гўё ўтиришни ҳам, қайтиб кетишни ҳам билмай қолган одамдай, бошини эгиб бир лаҳза турди, сўнг шиддатли қадамлар билан Сайёрага яқинлашди.

Сайёрага йўл бериб ўрнидан турган Убайжон уни кулиб қарши олди.

— Келинг, Зафар ака. Марҳамат. Қайси бирдан қуяй?

— Раҳмат, мен рулдаман,— деди Зафар. У Сайёра-нинг ёнига ўтираркан, Нилуфарга яна бир қараб қўйди. Нилуфар ҳам уни кўриб узоқдан қўлини силкиди. Зафар ундан кўзини узиб Сайёрага қаради. Унинг сал қисилган кўзларида шундай жиддий ва синовчан бир ифода бор эдики, Сайёра беихтиёр қизариб кўзини олиб қочди.

«Нима бало, бунгаям юққанми бизни хўжайиндан?»

— Акрамдан дарак йўқми?

Сайёра: «Мен унақа одамни танимайман», деган маънода елкасини учирди. Зафар қизариб, олдида-

ги овқатни чўқилади ва твист тугаши билан ўрнидан турди.

Нилуфар Шавкатжоннинг қўлига суйанганича жўлма-йиб келарди:

— Танишиб қўйинг, Зафар ака, кинорежиссёр...

— Эсингиздан чиқдимми, биз танишмиз-ку?— кулди Зафар ва ўрнидан қўзғалди.

— Қани, кетдик бўлмаса!

Нилуфар кўзларини катта очди:

— Вой, нега?

Шавкатжон қўлини ёзиб:

— Ие!— деб хитоб қилди,— ўтириш энди бошланди-ку!

— Мен ҳеч қаёққа кетмайман,— деди Нилуфар.

Бир зум оғир, ноқулай сукут чўкди, сўнг Зафар бо-сиқ, лекин қатъий товушда:

— Илтимос қиламан, юринг,— деди.

— Нега энди?

— Гап бор...

Нилуфар бир ҳиқиллади-да, ишончсиз одимлар би-лан қоронғи хиёбонга қараб кетди. Зафар Сайёранинг ёнидан ўтаркан:

— Машинада жўй бор, Сайёрахон, хоҳласангиз юринг,— деди.

— Йўқ,-йўқ, Сайёрахонни юбормаймиз,— деди Шав-катжон.

Зафар «иштиёрингиз» деган маънода елкасини қис-ди-да, Нилуфарнинг орқасидан кетди.

Сайёра негадир яна ўпкаси тўлиб ўйлади.

«У ақалли Зафардай ҳам бўлолмади. Зафарга ўх-шаб етаклаб олиб кетиш ҳам қўлидан келмади-ю, тагин ҳамма аламини менадан олди!..»

У қилт ютиниб, қўлини сувга чўзди.

Шавкатжон Сайёранинг ёнига ўтираркан, Убайга қараб:

— Сен ҳам қизиқсан-да, шоир! — деб кулди. — Шо-ҳистахон билан энди топшидингми? Зиёфат қилган одам меҳмонларга қарамас экан-да. Қани Сайёрахон, қадаҳи-нгизни чўзинг. Қўрқманг, ўзим олиб бориб қўяман так-сида!

Сайёра танқидчи жувоннинг қовоғи тушиб кетгани-ни, Шоҳиста эса Убайжоннинг қулоғига бир нима деб шивирлаганини кўрди, кўрди-ю, бирдан қандайдир ҳу-шёр тортиб ўрнидан турди.

— Раҳмат. Мен ўшалардан қолмай...

Зафарнинг таниш «Волга»си парк дарвозаси олдида оқариб кўринади.

Сайёра дарвозага яқинлашиб қолганида Зафарнинг боягидан ҳам кескин, шиддатли овозини эшитиб қадамини беихтиёр секинлатди:

— Олдин орани очиқ қилинг, кейин истаган номаъқулчилигингизни қилаверасиз. Лекин... агар мени севишингиз, мени ҳурмат қилишингиз рост бўлса... иккинчи бу ишни қилманг!

Нилуфар йиғламсираб қичқирди:

— Нима қилдим, шунчалик?..

— Сиз мастсиз! Тушунасизми, мастсиз, маст!— қандайдир жирканч билан хитоб қилди Зафар.

«Наҳотки мен ҳам маст бўлсам!..» Сайёра йўл ўрта-сида тўхтаб қолди. Зафар уни кўриб, машинанинг эшигини шарақлатиб очди.

— Чикнинг, машинага... Қелинг, Сайёрахон!

Пик-пик йиғлаётган Нилуфар кўзларини артиб, машинанинг бурчагига ётиб олди. Зафар газ берди. «Волга» енгил қўзғалиб, неон чироқларининг оқиш шуъласида аллақандай сирли туюлган кўчалардан учиб кетди.

Нилуфар ҳамон гужанак бўлиб товушсиз йиғлар, Зафар чурқ этмас эди.

Сайёра, гарчанд Шавкатжоннинг иродасига бўйсунмай, зиёфатдан чиқиб кетгани учун ўзидан мамнун бўлса ҳам, буларга қўшилганидан хижолатда эди. У кўнглининг бир четиди Зафар ҳақ эканига тушунар, лекин шунга қарамай, унинг бугунги қилиқлари дилида қандайдир исён-уйғотар, назарида, тунов куни у янглишган, Зафар ҳам Акрамга ўхшаган кўрс бир одам эди...

Ниҳоят, Зафар, гўё унинг фикрларини пайқагандай:

— Мени кечирасиз, Сайёрахон,— деди ўйчан бир товушда.— Четдан қараганда ҳамма нарса бошқача кўринади. Лекин мен шунга аминманки, Акрам қилгуликни қилиб қўйиб, ўзи ҳам пушаймон бўлиб юрибди...

Сайёранинг кўз олдига бир зум Акрамнинг маъюс чеҳраси келди, қулоқлари остида: «Сайёра, менга қаранг, Сайёра», деган гуноҳкор товуши эшитилиб, юраги «шиғ» этди. Лекин шу заҳотиёқ унинг кафедаги кўрслиги, қўш тарсакиси эсига тушиб, эриган кўнгли қайта музлади.

«Сиз ё муғамбирсиз, ё чиндан ҳам ўз қадрингизни билмайсиз, Сайёрахон. Сиз... қандайдир жуда поксиз.

Мана кўрасиз, кинода ҳаётдагидан ҳам чиройли чиқасиз...»

Сайёра бошини силкиб, сочларини тўғрилади.

— Йўқ,— деди у қатъий.— Сиз у кишини билмайсиз, Зафар ака.

— Биладан, Сайёрахон, биладан,— деди Зафар.— Эҳтимол бояги ёшларни билмасман. Лекин Акрам... яхши йигит... Мен шу кунлари кўп ўйладим. Икковимиз тортишиб юрган масалалар ҳақида кўп ўйладим, Сайёрахон. Анча-мунча масалаларда мендан кўра у ҳақ экан. Биладан — кўрслиги бор. Лекин... у, жуда соф йигит, Сайёрахон...

Машина дарвоза олдида тўхтади. Сайёра машинадан тушаркан:

— Маслаҳатларингиз учун ташаккур!— деб пичинг қилди ва хайрлашмасдан ичкарига кириб кетди.

ТўРТИНЧИ БОБ

Жуда қизиқ яратилган-да одам боласи!

Акрам қишлоқдаги қурилишни, айниқса, деворлари одам бўйи кўтарилган идора билан меҳмонхона биноларини кўриб, улар ҳам Санъат саройидай кўримсиз чиқишнинг сезиб, қанчалик эзилмасин, саройнинг очилишига бағишланган тантанадан кейин кўнгли хийла кўтарилди.

Авваламбор, бу тантаналар вақтида уни жуда кўтаркўтар қилиб юборишди. Обкомдан келган вакил уни қўлтиқлаб олиб, қўярда-қўймай президиумга олиб чиқиб, ўзининг ёнига ўтқазди. Қолаверса, Туробжон мажлисини очиб: «Бу тантаналарнинг сабабчиси, ҳамқишлоғимиз, машҳур архитектор, ҳурматли олимимиз Акрамжон Холиқов ҳам шу ерда ўтирибдилар», деб уни имо қилганда... бутун қишлоқ аҳли оёққа туриб хийла вақт қарсақ чалишди. Мажлисдан кейин колхоз боғида бўлган зиёфатда унинг шаънига шундай қадаҳлар кўтарилдики, ичкиликни кўпда хушлайвермайдиган Акрам, оз-оздан ичиб, кайфи ошиб қолди. Лекин энг муҳими, зиёфат охирлар вақтида Малоҳат Акрамга муғамбирона кулимсираб, қўлига бир парча қозоқ қистирди. Бу — Ҳамиданинг жавоб хати эди:

«Майли, сиз айтгандек бўла қолсин. Эртага қоронғи тушганда тегирмон бўйидаги жийдазорга бораман Ҳамида».

Бунинг ҳаммаси бир бўлди-ю, Акрам эртасига ҳам худди катта бир хурсандлик кутаётган одамдай, қўли ишга бормай, кун бўйи боғни айланиб юрди. Рост, эрталаб, кайфи тарқалгандан кейин, Акрам кечаси зиёфатда уни ортиқча кўтар-кўтар қилиб юборишганига иқрор бўлди, лекин мажлисдаги оддий кишилар-чи? Уларга бу улкан ва чиндан ҳам муҳташам бўлиб кўринган бино ёқиб тушгани учун ардоқлашмадимикан уни? Бу бино Зафарга ўхшаган мутахассисларга ёқмаса ёқмас, лекин кечаси йиғилган бутун халойиқнинг дидига мос тушганлиги маълум бўлди-ку, ахир? Агар Акрам бошда оддий кишиларнинг дидини ҳисобга олмаганда нима бўларди? Уни кечагидай самимий кутиб олишармиди?

Ҳа, эҳтимол, унинг лойиҳалари келгуси авлодларга кўримсиз ва бесўнақай бир нарса бўлиб кўринар, лекин узоқ келажак нуқтан назаридан қараганда ёлғиз Акрам эмас, Зафарга ўхшаганлар, ҳатто ундан ҳам талантили одамларнинг ижодиёти ҳам эскириб қолмасмикан? Ахир одатда минг-минглаб санъат асаридан тарихда биттасигина қолади-ку? Шундай экан, олис келажакда бўладиган нарсаларни ўйлаб бунчалик эзилиб юришнинг ҳожати борми? Ҳамма ҳам гений бўлавермайди. Демак, инсоннинг вазифаси ўз кучига ортиқча баҳо бермай, шон-шухратни ўйламай, қўлидан келган хизматини қилиб тинчгина яшаш эмасми!

Акрам шуни ўйларкан, негадир кечаси Туробжон айтган бир гап эсига тушди. Ултириш қизиби, ўзаро суҳбат бошланганда Туробжон:

— Менга қара, дўстим, — деди Акрамнинг тиззасига қўлини қўйиб. — Сен улуғ одамсан, олимсан. Ҳаммаси тўғри. Аммо-лекин кўрган кунингга ҳайронман. Шу ҳам турмушми? Уша товуқнинг катагидай уйингни ташлаб қишлоққа келмайсанми? Кўриб турибсан — колхознинг ишлари михдай. Катта устахона очиб бераман. Уша ишларингни шу ерда ҳам қилаверасан. Уша маошинг — мзош. Хотиннинг институтни битиргандир — унга ҳам иш тайёр. Саратовдан келган докторимиз бор, қариб қолган ҳадеб кетаман деб, жанжал қилади. Хотиннинг бир йил ишласа — бош врач бўлади. Қарабсанки, икки йилда тагингда «Волга», юрибсан гаштингни суриб... Лаббай?..

Акрам Туробжоннинг бу гапини бугун бир неча марта эслади, лекин ҳар эслаганда кўз олдига негадир Сайёра эмас, Ҳамида келар, келарди-ю, кўнгли алғов-далғов бўлиб кетар эди. Ахийри, кун ботиш олдига уйда

ўтиришга сабри чидамай, худди илк учрашувга шошилган ёш йигитчадай ҳаяжонланиб, сойга чиқди.

Сойнинг **ғарб** этагидаги боғлар, жар бўйидаги азим тол ва тераклар ҳали сояда, қаршидаги нур селига чўмган қишлоқ эса худди чўмилиб чиққан ёш келинчақдай яшнаб ётарди.

Сой бўйидаги ялпиз, қамиш ва какраларнинг намхуш ва аллақандай маънос ҳиди, пода қайтишини кутаётган болаларнинг қий-чуви, атроф боғлардаги қўй-қўзиларнинг маъраши, ўчоқлардан кўтарилган ва аччиқ тезак ҳидини таратиб қалққан кўкимтир тутун — буларнинг ҳаммаси Акрамнинг дилида яна ўша тотли хотираларни уйғотди-ю, айрилиқ дардини қайта туйиб, юраги орзиқди.

Сал ўтмай, олисдаги оппоқ жийдазорга, тепароқдаги боғларга қуюлиб турган нур сўниб, ҳаммаёқни соя қоплади, қирдан ёпирилиб тушган пода теваракдаги уйларга таралди, туташ боғлар тепасида милт-милт юлдузлар ёнди...

Акрам, худди хатарли жойга яқинлашаётган одамдай юраги гурс-гурс уриб, тегирмонга қараб йўл олди. Ажабо, Ҳамидани нима мажбур қилди экан бу учрашувга? Ўша беғубор ёшлик чоғларини бир эсламоқчи бўлдими ё бошқа бир нияти борми? Турмушидан шикоят қилиб бир маслаҳат сўрамоқчимми, ёки...

Акрам хаёли шу жойга келганда, куни кечагина Сайёрага қилган муомаласи эсига тушиб, бир зум виждони қийналиб, ҳатто бормай қўя қолсаммикап, деган фикрга ҳам келди, лекин унинг ўзидан кучлироқ бир нарса уни тегирмонга судрарди... Афтидан, Ҳамиданинг жийдазорга келишга рози бўлиши ҳам бежиз эмас, у ҳам ўша қизлик туйғулари билан яшамаса бундай қилмас эди. Агар Акрамнинг тахминлари тўғри чиқса, агар Ҳамидани эски гапларни қўзғаса... Акрам нима қилади? Нима дейди?

Акрам жар ёқасидаги жийдазорга етиб борганда осмонда ҳам, сойдаги сувда ҳам милт-милт юлдузлар ёнди, тегирмон устидаги оқ терак шохлари орасида сирғадай ялтиллаб ярим ой кўринди...

Атроф жимжит эди. Фақат новдан қуйилаётган сув шовиллар, тегирмон парраклари гувиллар эди. Гоҳо-гоҳо тоғдан эсган енгил шабада жийда шохларини силлаб шитирлатиб қўярди!..

Акрам жийда шохларини эгиб, юзига босди. Жийда гулини тўккан бўлса-да, оқиш япроқчалар ва гул ту-

гунчаларининг хушбўй ҳиди димоғига гупиллаб кириб, кўнгли яйраб кетди.

Шу пайт, қаердадир юқорида, жар устидаги боғлар орасида, аёл кишиларнинг шивир-шивири ва бўғиқ кулгиси эшитилди. Илгарилари Ҳамида билан Малоҳат доим ўша томондан тушиб келишарди...

Акрам бир чўчиб, жийда панасидан чиқди-ю, ой нурида тепада қорайиб кўринган иккита гавдага кўзи тушди.

— Ана, келибдилар, — деди аёлларнинг бири. Бу Малоҳат эди. У Ҳамидани пастга, Акрам турган томонга итарди, лекин Ҳамида унинг қўлидан шап ушлади-да, бирга судраб тушди.

Малоҳат бўлгани учунми, Акрам бирдан енгил тортиб, уларга пешвоз чиқди, аввал Малоҳат, кейин Ҳамида билан кўришди, кўришаркан, бир зум унинг юзига тикилди. Ҳамиданинг чеҳраси сўлгин, ўзи ҳам анча озган, қорайган, қўллари қавариб, дағаллашиб қолган эди. Ҳамида буни сезгандай уялиб қўлини тез тортиб олди-ю, ерга қаради. Малоҳат кулди:

— Ҳа, учрашувга бир ўзингиз келибсиз-да! Оғайнингиз қани?

— Қайси оғайнимни айтяпсиз?

— Қайси бўларди? Бурун бунақа учрашувларга ким билан келардингиз, ўша оғайнингизни айтяман-да!

— Оғайним бошқа бир жононни топибди, ўшанга кетди!

— Ҳа, оғайнингиз жа ҳовлиқиб кетяпти!— деди Малоҳат.— Шу кетишда икки хотин олишдан ҳам тоймайдилар!.. Майли, мен кетдим, гапларингга халақит бермай.

Малоҳат келган томонга бурилган эди, Ҳамида яна қўлидан ушлади.

— Тўхта, бирга гаплашайлик, ахир.

— Ўзинг гаплашавер,— Малоҳат қўлини тортиб олиб, тепага чиқиб кетди ва ўша ерда туриб деди:

— Ҳамидахоннинг ҳамма гапига ишонсангиз бўлади, Акрамжон. Мен ҳам қўшиламан бу гапларга.

Акрам энди ўзини тамом босиб олган, у ҳатто бояги ҳаяжонидан ўзи ҳам ҳайрон эди.

— Нима гап ўзи, Ҳамидахон?

Ҳамида бошини бир томонга сал эгиб қиё боқди-ю, яна кўзини олиб қочди. Атлас кўйлак устидан кийган қизғиш жемперининг тугмаларини ўйнарган, оҳиста деди:

— Билмадим, менинг хатимни олиб кўнглингизга нималар келди?..

Унинг қиё боқиши, айниқса, катта-катта ғамгин кўзлари ўша ёш ва маъсума Ҳамидага ўхшаб кетдими ё овозидаги маъюслик таъсир этдими, хуллас, Акрам бехтиёр юраги «шиғ» этиб, қўлидан ушлади.

— Мен ўзим ҳам бир гаплашсам деб юрувдим. Қалай, турмушингиз, ишларингиз тузукми?

— Турмушим...— Ҳамида кескин бўлмаса ҳам, қатъий бир ҳаракат билан қўлини Акрамнинг қўлидан чиқариб олди, ўша маъюс товушда:

— Турмушимни эшитгандирсиз, нимасини сўрайсиз?— деди оғир хўрсиниб.— Кечаю кундуз рашк, рашк, рашк... Қай балодан ҳам сиз билан... Ёшликдаги гапларни эшитиб... Нима бўлган, нима гуноҳ қилган эдим ўшанда? Ўзим ҳам билмайман. Турмушимиз заҳарга айланди...— Ҳамида қилт-қилт ютишиб, индамай қолди. Акрам ҳам индамас, у ачинишини ҳам, тасалли беришини ҳам билмас эди. Негадир кўз олдига чаккасини ушлаб олган Сайёра келди, кўзларидан ўт чақнаб: «Уринг! Бундан кўра ўлдирганингиз яхши. Уринг!» деб бақирганлари қулоқлари остида қайта янграгандай туюлди-ю, тишини тишига босди.

Ҳамида кўзини артиб, гуноҳкор товушда:

— Майли,— деди. Мен турмушимдан полигани келганим йўқ бу ерга. Сизга битта илтимосим бор, Акрам ака...

— Марҳамат...— деди Акрам, ўз овозини ўзи танимай.

— Билмадим, сиз эшитганмидингиз, йўқми... мен колхозда маданий ишларга бошчилик қилардим. Клуб, кутубхона дегандай. Шу ишга ўрганиб, овуниб юрган эдим, бўшатиб юборишди.

— Ким?

— Ким бўларди, раис акамлар-да!

— Туробжонми?

— Туроб акамлардан бошқа раис бормилар?— кулди Ҳамида.

Акрам унинг кулгисига эътибор бермай:

— Нега?— деди.

Ҳамида бирпас ўйланиб тургач, секки гап бошлади:

— Айтаверсам гап кўн. Бир томони хўжайиндан ҳам бўлди. Хўжайин у кишига ваъда бериб қўйибдилар: қайсинглимини уканга олиб бераман, деб. Шу важдан икковимиз уришиб қолдик. Бироқ асли гап бунда ҳам

эмас. Ҳамма бало... мен ўзим ҳам билмай, у кишини танқид қилиб қўйибман...

— Танқид учун ишдан ҳайдадимми? Туробжон-а? Нима деб танқид қилувдингиз?

— Энди... Қайси бирини айтай?— Ҳамида рўмолини бошининг орқасига суриб, Акрамга тик қаради. Акрам ҳам биринчи марта унга дадилроқ тикилди ва яна боғидай галати бўлиб кетди: ой шуъласида аёлнинг кенг пешанаси, қулоқларини бекитиб турган жингалак сочлари, маънос қора кўзлари унга яна ўша ёш, маъсум Ҳамиданинг ўзгинаси бўлиб кўринди. Ҳамида буни сезиб ерга қаради ва шошиб, ҳаяжондан дудуқланиб гапира бошлади:

— Ҳамма бало... колхозимиз сирти ялтироқ, ичи қалтироқ олифтага ўхшайди. Бу ёқда шоҳона идора, меҳмонхона, сарой қуряпмизу каттароқ, тузукроқ бир боалар боғчаси йўқ. Яслиларнинг аҳволи ундан ҳам баттар. Боалар далада тупроққа қоришиб офтобда ётишади. Бригадаларга чиқсангиз кўрасиз, ҳамма жойда тутга осилган беланчаклар. Шу аҳволда чақалоқлар нима бўлади? Кўпчилиги касал. Айниқса, мечал боалар билан ич касал боалар кўп. Нега десангиз, болалик оналар пахтазордан чиқнашади-ю, ювинадиган бир жой йўқ, тезроқ эмизишга шошилишади...

Ҳамида, гўё бу гаплар Акрамга қандай таъсир этганини билмоқчи бўлгандай, кўзларини ердан узиб бир қараб олди.

Акрам ойдинда қорайиб кўринган тепадаги боғларга тикилиб, хаёлга чўмиб турар, унинг ўйчан чехрасидан бир нарсани уқиб олиш қийин эди.

— Мен гапирсам... клуб керак эмас, идора керак эмас, демадим. Шунчалик, сал бундоқроқ қилиб қурилса қандай бўларкин, дедим... Олдин хотин-қизларимизнинг жонига ора кирадиган ишларни қилсак, боғча-яслиларни тузатсак, шийпонларимизга қарасак, дедим, гуноҳим шу бўлди. Пўқ, гапимга қулоқ солиш қаёқда, тўнини тескари кийиб олди...

— Правление, партбюрога айтсангиз бўлмасмиди?

— Партбюро,— деди Ҳамида,— партбюро секретари ёш йигит. Ҳали Туробжон акага гап ўтказадиган ҳоли йўқ. Кейин... Ўзингиз биласиз, Туробжон аканинг обрўси катта. Пахта планини ортиғи билан бажариб турибди, даромад ҳам яхши... Худо ҳаққи, мен у кишини ёмонламоқчи эмасман. Фақат... шон-шуҳратга ошиқяптилар. Тезроқ қаҳрамон бўлсам дейдилар. Газеталарга чиқсам,

колхозимизга ҳар кун и чет эллик меҳмонлар келса, доврўғим оламга ёйилса дейдилар...

Ҳамида кўкраги «тарс» ёрилиб кетаётгандай чуқур нафас олди, сўнг ўксиниб давом этди:

— Қайдан билай, мен у кишини ўша ҳаммамиз бирга... ишлаб юрган чоғларимиздагидай, деб ўйлабман. У киши бўлса... жуда ҳовлиқиб кетган эканлар... энди... Сиз шу планларни чизгансиз, олимсиз, тушунасиз деб, у кишига гапингиз ўтади, деб келдим олдингизга...

Акрам чурқ этмади. У Ҳамиданинг озғин жуссасига, эгик бошига тикилиб тураркан, боя келаётгандаги ўйлари, ҳаяжонлари эсига тушиб, гоҳ уятдан юзлари бужмаяр, гоҳ Туробжонга қарши кўксига зўр туғён кўтарилар, гоҳ хаёлида ўзини сўкиб кетар эди. У йўлда келаётгандаги умидлари пучга чиққанини, бунинг ҳаммаси ёшлиқдаги ширин бир хомхаёл эканини тушунди. Илгариги Ҳамида, кўкламдаги лола каби ўша пайтда очиқлиб, ўша маҳалдаёқ хазон бўлганига кўзи етди, лекин қишда китоб орасидан чиққан лола барги кишининг эсига лозор далаларни туширгандай бошини эгиб, маънос турган бу аёл ҳам унинг юрагини илиқ ва ҳазин туйғуларга чулғамоқда эди. У энди Ҳамидадан ҳеч нарсани кутмас, фақат қўлларини ўпиб тасалли бергиси, акасидай меҳрибонлик кўрсатиб, ёш болани тинчитгандай тинчитиб қўйгиси келар эди.

Ҳамида унинг узоқ сукутга чўмганига ўзича бошқа маъно берди шекилли:

— Майли,— деди хўрсиниб. — Агар ораларингиз бузилиб қолишидан қўрқсангиз...

— Йўқ-йўқ! — деди Акрам шошиб. — Албатта гаплашаман. Кўнглингиз тўқ бўлсин...

— Раҳмат, — Ҳамида ойдинда кўзлари нам тортиб, Акрамнинг юзига қаради, сўнг оҳиста тин олиб, қўлини чўзди.

— Раҳмат сизга. Дардимни кимга айтишимни билмай юрувдим. Агар... ёрдамнингиз тегмаса ҳам, кўнглим тоғдай ўсди..

— Йўқ, бунақа умидсизликка тушманг! — деди Акрам ва томоғи ёпиб бўғилиб индамай қолди. У аёлнинг қўлини бир зум тутиб турмоқчи, ўзини босиб яна бирикки оғиз илиқ гап айтмоқчи эди, лекин Ҳамида қўлини шошиб тортиб олди-да, қоронғида қоқиниб-суриниб юқорига, ой шуъласида қорайиб кўринган боғларга қараб югуриб кетди.

«Наҳот Туробжон шунчаликка борган бўлса? Наҳот Ҳамидани шу аҳволга солиб қўйса?.. Туробжон-а? Ун олти яшар пайтларида ҳамма ноҳақликларга қарши кўкрак кериб чиқадиган, ўша чоғдаги раиснинг нопок ишларига қарши чиқадиган Туробжон-а?..»

Акрам кимсасиз сойни ёқалаб орқага қайтаркан, хаёлан ўзи билан ўзи гаплашар эди.

Туробнинг гап-сўзлари, юриш-туриши, одамлар билан қилган муомалалари — ҳаммаси энди Акрамнинг назарида ўзга маъно касб этди, гўё кўз олдини тўсиб турган бир парда кўтарилиб, олис-олисларни кўра бошлаган эди.

Туробжоннинг ўрнида бошқа одам бўлганида эҳтимол, Акрам таажжубланмас эди. Одам иши ўнгидан келган пайтларда ўзини йўқотиб қўйиши ажабланарли ҳол эмас, ёш раҳбарнинг боши айланиб қолиши табиий. Шон-шухрат шунақа нарсаки, у Туробжон тугул ҳаётий тажрибаси ундан ўн баравар ортиқ одамларни ҳам йўлдан чалғитган. Лекин Туробжон!..

— Туробжон! — дерди Акрам ва яна ўша урушнинг охирги ва урушдан кейинги биринчи йилларни, бирга дўстлашиб, Ҳамида ва Малоҳатлар билан учрашиб юрган чоғларини эслаб кетарди. Қони қизиқ Туробжон поҳақ ишларни кўрганда ўзини аямай олишганлари, раиснинг ножўя хатти-ҳаракатларига қарши чиқаман деб, ахийри армияга жўнашга мажбур бўлганлари ёдига тушиб, таажжубланар, «шундай йигит нега энди бунчаликка борди экан», дерди хаёлида, лекин шу заҳотиёқ эрталабки ўз ўйлари эсига тушиб, хаёли чувалашиб кетарди.

Ахир Ҳамида колхоздаги бу ишлар учун Туробжондан ҳам аввал уни, Акрамни танқид қилиши мумкин эди-ку! Рост, бош планда боғча ва ясли бинолари ҳам бор, бироқ Санъат саройи, идора ва меҳмонхона қурилишига ажратилган маблағ бошқа қурилишларни бошлаш имкониятини бермас эди. Акрам буни била туриб, Туробжонга бир оғиз тузук маслаҳат бердимиз? Маслаҳат бериш у ёқда турсин, ортиқча безак ва ҳашамлар учун лойиҳасини танқид қилган Зафарни «ҳаётни билмаслик»да айбламадимиз?.. У ҳам майли, ўз оиласида кўрсатган ҳунарлари-чи? Сайёрага қилган қўполлиги-чи?..

Акрам, хаёли шу ерга келганда яна тунов кунгидай, «У-чи? У яхши қилдимиз? — деди алам билан, лекин энди бу ўй ҳам унга тасалли беролмади. — Ахир... Ҳами-

дани шунчалик қизганган Содиқвой ҳам ҳали хотинини уриш даражасига бормабди-ку!.. Мард бўл, Акрамвой!»

У ўз боғлари рўпарасига етгач, тўхтади. Уйга киргиси йўқ, уйқуси тамом қочган эди. Бир нафас иккиланиб тургач, пахтазорга, Амакининг олдига боришга аҳд қилди.

...Пахтазор сойнинг ўнг юзида, боғлар тугаган жойдан бошланиб, қир бағирлаб олис-олисларга чўзилиб кетган эди.

Илгарилари бу ерлар ям-яшил бедазор эди. Ёзда унинг ичи беданага тўлиб кетар, ёш йигитлар ва беданабоз чоллар тузоқ қўйиб, эртаю кеч бедазордан чиқишмас эди. Кейинроқ бу ерга кузда бугдой, ёзда тарик экиладиган бўлди. Болалар, ногора чалиб, сопқон отишиб, экин қўришар эди, ниҳоят, уруш йиллари пахта экиладиган бўлди-ю, шундан бери четларига тут ўтқазилиб, колхознинг энг йирик пахта бригадасига айлан-тирилди.

Акрам пахтазорга ўтган ариқ бўйида анча турди. Соининг чап юзидаги боғлар, боғ орасидаги полизлар қорайиб кўринар, мирзатераклар ойдинда қатор саф тортиб турган сувориларни эслатар, соининг бу юзидаги кенг, текис пахтазор ой шуъласида аллақандай сокни, осойишта уйқуга чўмганга ўхшар, фақат юқориди, Фортепанинг устидаги қалин қайрағочлар билан ўралган қабристон қандайдир ваҳимали туюлар эди...

Ана у ерда, ҳозир эшаклар ёйилиб юрган сойликда Акрам билан Туробжон ҳар оқшом отларни тушовлаб қўйиб, тағларига пичан тўшаб уйқуга кетишар, тонг палла ширин уйқуда ётган пайтда Амаки келиб уйғотар ва улар отларини аравага қўшиб, йўлга тушишар эди.

Баъзан кечқурунлари, пода тарқаб, ғира-шира қоронғилик тушган пайтларда Ҳамида билан Малоҳат ана шу тўғон устидаги осма кўприкдан ўтиб, қўрқа-писа олдларига келишар, улар битта-яримта жўхори кулча, баъзан бир ҳовуч туршак, баъзан қурт олиб келишар ва бирга ўтириб ейишар эди.

Ёшлик ажойиб-да! Тўғон устида қизларнинг қорасини кўришлари билан, уларнинг пиқ-пиқ кулгиси, битта ширин сўзиданоқ диллари ёришиб кетарди йигитларнинг! Улар олиб келган иккита жўхори тўқач дунёдаги ҳамма таомлардан лаззатлироқ туюларди!.. Қани эди ўша беғубор масъуд дамлар қайтиб келса! Акрам бу шон-шуҳрат, эришган ҳамма муваффақиятлари, олим

деган номи — ҳамма-ҳаммасини ўша оғир, лекин беташвиш ёшлик чоғларига бир зум ҳам иккиланмасдан алмашар эди!

«Ҳа, қарияпман шекилли. Киши қариганда ёшлигини кўп қўмсайди дейишади... Лекин... қирққа кирмай қариган бўлсам... бу ёғи нима бўлади?..»

Акрам мийиғида кулимсираб, пахтазорга бурилди ва катта ариқни ёқалаб кетди. У тўғри қилган экан, чунки сал юрмай, каллакланган тутлар билан ўралган пайкалда бир-иккита одамнинг қораси, шалоп-шалоп қилиб сувга тушган кетмон овозлари эшитилди.

Тўсатдан, қорайиб кўринган одамлардан бири:

— Вой!— деди-ю, жўяклардаги сувни шалоплатиб қочди, унга иккинчиси қўшилди, шу заҳотнёқ олисроқдан:

— Ҳа, нима бўлди, оппоқ қизларим?— деган таниш овоз эшитилди.

Бу Амаки эди.

Унга етиб борган қизлар пиқ-пиқ кулишиб чолнинг пинжига суқилишди ва ёлгон ваҳима билан:

— Ана, ўзингиз қаранг!— дейишди.

— Ким ҳам келарди шу пайтда? Бригадирми, раисми — юришгандир, ғўзани сув босмадимикан деб!

Амаки кетмонини елкасига ташлаб ва сувни шалоплатиб, яқинроқ келди.

— Ким у?

— Мен,— деди Акрам. — Мен, Амаки...

— Лаббай? Акраммисан? — Амаки кетмонини ерга қўйиб, унга суянди.— Ғўза сугорган чоғларингни қўмсадингми, иним?— кулди у ва ҳамон олисроқда ҳурпайишиб турган қизларга юзланди:

— Майли, шийпонга бориб ёта қолинглар, оппоқ қизларим. Мана, ёрдамчи келди... Бу кишиям ёшлигида шўтта ғўза сугориб катта бўлганлар. Акрамжон Холиқов деган инженер-олим шу киши бўладилар...

Қизлар яна пиқ-пиқ кулишиб, пичир-пичир қилишиб тутларнинг орқасига ўтиб кетишди, Акрам ҳайрон бўлиб сўради:

— Қизлар?.. Уруш йиллари қизлар ғўза сугоришгани эсимда... Наҳот ҳали ҳам аёллар ғўза сугорса.

— Сен айтган ҳозирги йигитлардан шу қизлар ҳам афзал, иним. Жоп-дили билан ишлашади бу қизалоқлар...

— Лекин аёл кишининг иши эмас-ку бу? Жуда оғир-ку аёл киши кечаси ғўза сугориши?

— Нега қийин бўларкан?— деди Амаки. — Кетмон чопишдан қийин эмас. Пахта теришдан ҳам осонроқ деса бўлади буни!— У нимагадир кулди.— Сен айтган йнгитлар ишласа-ку, саз бўларди-я! Аммо-лекин ҳозир илгариги йнгитлар йўқ. Ҳаммаси ишнинг осони-ю, пулнинг мўмайини қидириб кетган. Билмадим, пахтаинг нархи ошди, деган гап бор, шу гапни эшитиб қайтишмаса... йнгит зоти қолмади колхозда. Хулласи калом, биз қариялар: «Ҳамма мулла бўлиб кетаверса подани ким боқади», десак кулардиларинг. Мана, энди ўша биз айтган замон келди, иним.

Акрам беихтиёр кулиб юборди.

— Мана мен муллаликдан безиб, илгариги ишимни қўмсаб келдим.

— Лаббай?— деди Амаки ва бошини ликиллайтиб хушнуд кулди.

— Шу пўрим-пасонинг билан-а?

— Формани ечиб қўямиз, Амаки. Рост айтаман, кетмон борми, ёрдамлашиб юборай?

— Шунақами?— деди Амаки миннатдор бўлиб. — Балли, иним! Узи-ку, қиладиган иш ҳам йўқ, аммо-лекин менинг этигимни кийиб, анави томондан жўякларни бир айланиб кел, чимларни кўр — сув уриб кетган бўлмасин тагин...

Акрам туфлисини ечиб, шимининг почаларини шимарди, кўйлагининг устидан Амакининг тер ҳиди анқиб турган эски чопонини кийиб, сувга тушди. Муздек булоқ суви оёқларини зирқиратиб суяк-суягидан ўтиб кетди-ю, беихтиёр ҳуштак чалиб юборди.

— Ҳа, қалай, деҳқоннинг нони ширин бўлар эканми?— деб сўради Амаки.

— Ширин бўлганда қандоқ!— деб Акрам жўякларни оралаб кетди.

Сув жуда усталик билан, гўё ҳар бир жўякка бир қошиқдан тақсимланган эди. Чимлар ҳам жойида, фақат бир-икки ердагина тагидан сув олган жўяклар учради. Акрам чимларни мустаҳкамлаб, дир-дир титраб, пахтазордан чиққанда, Амаки ҳам бир айланиб келиб, ариқда юз-қўлларини юваётган эди.

— Ия, ҳорманг, сувчи, тиш тишга тегмайди-ку!— деди Амаки кулиб. — Отаси деҳқон, бобоси деҳқон, боласи — мана, ҳалитданоқ сувга тушган товуқдай шумшайиб қолди!.. Чоп, иним, уйга бориб, оёгингни тандирга солиб, исиниб кел...

— Оляпсиз-а, Амаки? Шу гапингизга қулоқ бошида ётиб, эрталаб сувни бошқа пайкалга ағдариб, кейин кетганим бўлсин!

— Шувақами?— деди Амаки мамнун бўлиб. — Бўлмаса ана тутнинг тагида кўрпа-тўшак бор. Чўзила қол. Мен пўстакни ёзиб, чопонимга ўраниб, шўтта ёта қоламан. Қорнинг оч эмасми мабодо?— тўсатдан сўради у. — Оч бўлса ўшатта нон, бир хурмача гўжа бор, овқатланиб ол. Мен чарчадим, ётаман, иним, сенга айтадиган анчамунча гапим бор эди, аммо-лекин бугун чарчадим. Ҳали беш-олти кун бўларсан бу ерда?

— Ҳа, бир-икки кун бўламан, Амаки.

— Шундоқ бўлсин. Туғилган ерингга бир келибсан, беш-олти кун тургин, қариндош-уруғлар, ёр-биродарлар билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, ўлганларга фотиҳа ўқиб кетгин. От айланиб қозигини топади, деган гап бор, иним. Бу юрт сенга керак бўлади ҳали, ҳа...

Амаки тутнинг тагида, қоронғида тимирскиланиб, ниманидир ёзди-да, чопонига ўраниб, чўзила кетди: «Э, худо, бу кўрсатган кунингга шукур...»

Акрам юз-қўлларини ювиб, тут тагига борганида Амаки аллақачон пишиллаб уйқуга кетган эди.

Акрам ариқ бўйига кўрпани ёзди, қоронғида тимирскиланиб рўмолга тугилган иккита нон, сувда турган хурмачани топди, яна ўша болалик чоғларидагидай оғзидан суви қочиб, хурмачани кўтарди, кўтарди-ю, қайта жойига қўйди: гўжага қўшилган айрон ачиб қолган эканми, ундан аллақандай қўланса ҳид келар, тугундаги нонлар ҳам тарашадай қотиб қолган эди.

«Ҳа, чиндан ҳам қарий бошлаганга ўхшайман, қўмсаган ёшлик туйғуларим энди ҳеч қачон қайтмайди шекилли..»

Акрам маъюс кулимсираб, тўшакка чўзилди. У ёшлигидагидай, ўринга чўзилишим билан дарҳол ухлаб қоларман, деган умидда эди, лекин тиниқ осмонда гуж-гуж ёнган юлдузларга тикилиб, сойдаги бақаларнинг сайрашига, ариқдаги сувнинг майин шилдирашига қулоқ солиб узоқ ётди, уйқуси келмади. Гоҳ тагидаги нотекис жойлар биқинига ботиб безовта қилар, гоҳ бурга талаётгандай бўлар, булардан сал тинчий деса, хаёл ҳар томонга олиб қочар эди.

Қоронғида Амакининг хурраги тобора авжга чиқарди.

...Бахтиёр одам! Мана, олтишдан ошибдики, ҳануз ёшлик, ҳатто болалик ҳиссиётларини йўқотмайди! Бу

дунёнинг ташвишлари, кишининг илигини қуритадиган ўй-фикрлар, ҳаммаси, ҳаммасидан халос. Бир коса гўжа-ю, тагига битта намат, устига ёпишга битта тўн бўлса бас, ётибди маза қилиб!

Тўсатдан, Акрамнинг ёдига тунов куни ёшлар кафе-сида бўлган баҳс-мунозара тушди-ю, кулимсиради. Ҳозирги ёшларга турмуш қанча яхшиланса шунча оз. Яхшиланган сари яхшиланса, дейишади. Кўзларига ҳамма нарса оз кўринади. Амаки бўлса... бу кишига ҳеч нарса керак эмас... Лекин ким ҳақ? Ҳаётга бу икки хил қарашнинг қайси бири тўғри? Ўша ёшлар ҳам бу киши даражасига тушгани яхшими ёки аксинча, улар ҳаётдан олаётган имтиёзлардан Амакига жиндай бериб, шарт-шароит туғдириб, бу кишини ҳам улар даражасига кўтарган тузукми? Амакига бўлмаса ҳам лоақал ҳалиги қизчаларга нисбатан шу ишни қилиш керак эмасмикан? Наҳот Амакини, унинг турмуш ҳақидаги тушунчаларини идеаллаштириб, ёшларни, бу қизчаларни Амакидай бўлишга чақириб тўғри бўлса?

Акрам бундай ўйлаб қараса, ўша кеча кафедра ёшлар билан баҳслашганда худди шу фикрни, яъни орқага чекинишни ёқлаб чиққан экан.

У қоронғида истеҳзоли кулимсираб, бир ёнбошига ўгирилиб ётди.

* * *

Акрам туш кўрди: Сойда, тўғон бўйида қандайдир тўй бўлаётганмиш. Тумонат одам йиғилганмиш. Машшоқлар, ҳофизлар овозларини баралла қўйиб ашула айтишармиш. Лекин атрофдан янграётган: «Ҳа дўст! Жонидан!» деган қичқирдиқлардан ҳеч нарсани эшитиб бўлмас, кимдир шов-шувни босмоқчи бўлиб: «Бас! Жим!» деб қичқирармиш, кимдир: «Ашулани эшитайлик, тирмизаклар!» деб бақирармиш. Кимдир гулхан ёқармиш. Унинг шуъласидан кўз қамашиб, тафтига одам чидаб туролмасмиш. Акрам ўзини олиб қочмоқчи бўлармишу жойидан қўзғалолмасмиш...

Шу пайт, қаердандир, Нодирани етаклаб олган Сайёра пайдо бўлармиш. Нодира Акрамни кўриб: «Дадажон! Қаёқларда юрибсиз, дадажон!» деб унга қараб толлармиш. Лекин Сайёра қизининг юзига бир шапати уриб, тескари бурилиб кетибди...

Акрам уйғониб кетди. У қора терга ботган, терак

бўйи кўтарилган офтоб кўзларини қамаштириб, чарақлаб турар, ариқнинг у юзидаги қатор тутларга осилган беланчаклардан болаларнинг қий-чув йиғиси эшитилар эди.

Қорачадан келган қотма бир кампир сув қайнатадиган катта бакнинг тагига олов ёқмоқда, ундан сал нарироқда юзларини оқ рўмол билан ўраб олган уч-тўрт аёллар бола эмизиб ўтиришар эди. Акрамнинг уйғонганини кўрган кампир бакни қўйиб, беланчакдаги болаларни тебрата бошлади, аёллар қўллари билан юзларини тўсиб олишса ҳам, Акрамга тикилган кўзларида зўр бир қизиқиш бор эди.

«Мечал!»— Акрам тупроқда эмаклаб юрган болаларнинг ингичка оёқлари, таналарига нисбатан катта бошларидан кўзини узиб, кампирга юзланди:

— Бу беланчакларни шийпонга кўчирсаларингиз бўлмайдами, холажон?

Кампир унга қарамасдан пўнгиллаб жавоб берди:

— Шийпонда нима бор? Бу ер пахтазорга тегиб турибди. Ҳаммага қулай.

Акрам «аёллар нима дейишаркин», деб улар томонга қаради, лекин Акрам гапириши билан улар тескари қараб олишган, фақат ёш, озғин бир жувон катта қўй кўзларини сал қисиб, гўё: «Сен нимани ҳам тушунардинг?» дегандай кинояли тикилиб ўтирар эди.

— Бригадирларингиз қаёқда?

— Қатта бўларди!— деди ўша аёл кулимсираб.— Шийпонда ётгандир-да пашша қўриб!

Акрам аёлларнинг ёнидан ўтиб узоқлашганда орқасидан яна ўша жувоннинг:

— Буларга нима?— деган пичинги эшитилди.— Оёғида ғирч-ғирч патинка, эгнида шойи кўйлак, юришибди жағи билан иш битириб!

— Ҳа-я,— деди яна бир аёл.— Каттакон бўлиб, бундоқ бир ҳолинг нима, дейиш ҳам йўқ. Қўли чўнтакда, бригадирни сўрайди-я!

Уларнинг гапини учинчи аёлнинг ваҳимали шивирлаши бўлди.

— Ҳой, вой, нима деяпсизлар ўзи? Бу райондан келган каттакон эмас, ҳалиги... Моҳира холанинг Тошкентдаги ўғли-ку. Катта олим!

— Бари бир гўр!

Акрам кулимсираб, олисроқда, қирнинг этагида кўриниб турган шийпонга қараб кетди.

Акрам шийпонга яқинлашиб қолганида, олдин елкасида кетмон кўтарган Амаки, унинг кетидан... Ҳафтада ғарч-ғурч хром этик, эгнида калта энгли гулдор кўйлак, бошида похол шляпа, ингичка мўйловли, қирра бурун, хушсурат бир йигит чиқди. Акрам уни дарров таниди ва негадир юраги бир ҳаприқиб тушди: Содиқвой!

Содиқвой ҳам уни таниди шекилли, кўзлари сал қисилиб, қалин қошлари чимирилиб, бир зум тикилиб қолди, кейин билинар-билимас кулимсираб пешвоз чиқди.

— Келинг, домла!

Амаки кўзини қисиб кулди.

— Ҳа, қалай, калла пишдимни, иним!— деди у, офтобга имо қилиб. — Қойил, сувни ўзларига ишониб топширсак бўлар экан!

Содиқвой катта, кучли кафти билан Акрамнинг қўлини қаттиқ сиқиб кўришди, яна мийиғида кулимсираб:

— Хуш келибсиз, домла, бригадамизга ташриф буюрганларидан бахтиёрмиз,— деди.

Акрамга унинг гапларида бўлакча бир киноя, чақиб олиш истаги бордай туюлди.

— Келишимиздан мақсад ҳам ўзларини бахтиёр қилиш эди,— кулди у.

— Қойил!— деди Содиқвой ва шийпонга таклиф қилди.

• Олисдан кўримсиз туюлган шийпоннинг олди гулзор ва тоқзорга айлантирилган, ўртадан ўтган бир ариқ сувнинг салқинида иккита ошпаз катта қозонда шўрва пиширмоқда, одам бўйи келадиган самоварлар шақирлаб қайнамоқда эди.

Содиқвой қўл қовуштириб турган ошпазларнинг ёнидан ўтаркан, уларга қарамасдан: «Кўк чой», деди-да, шийпоннинг ўнг қанотидаги эшикни очди.

Акрам ичкарига кираркан, яна ҳайратда қолди: деразалари сойга қараган чорси хона ёш келинчакларнинг уйидай безатилган. Полга қизил гилам тўшалиб, шоҳи ва атлас кўрпачалар ёзилган, ўртадаги хонтахта, гўё азиз меҳмон келишини билиб аввалдан ҳозирлик кўриб қўйилгандай, мева-чевага тўла эди.

— Қани, марҳамат, тўрға ўтсинлар, домла,— Содиқвой деразаларни очиб, шляпасини қозикқа илди ва қоп-қора сочларини қўллари билан орқага силаб, кўрпачага чўккалади.

Олдин чой кўтарган Амаки, унинг кетидан бир даста иссиқ пон кўтарган ошпаз кириб келди. Содиқвой ошпазнинг қўлидан нонини оларкан:

— Шўрванинг серғўшт жойидан-а?— деди кўзини қисиб.

Акрам очиқ деразадан пахтазорга, кетмонларини қўшда ярқиратиб ишлаётган аёлларга, тут тагидаги қатор беланчакларга қаради. У ҳали Содиқвойини кўрганидаёқ, бояги гапларни айтиш фикридан қайтган эди, лекин тут соясидаги беланчакларга, тутун буруқситиб бак атрофида куйманиб юрган кампирга кўзи тушиши билан, юрагидаги гап яна қўзғалди.

— Бу беланчакларни шийпонга кўчирсангиз бўлмай-дими?

— Қайси беланчакларни айтасиз? Э, ҳа, ана уларними?— Содиқвой кўрсаткич бармоғини ингичка мўйловчасига тегизиб кулди. Лекин кулгиси қандайдир сунъий, совуқ эди.— Ўтга нима бўпти, соя-салқин...

— Ҳар ҳолда бу ердан салқин эмасдир-ов? Болалар тупроқда қоришиб ётибди. Ифлос, касалманд...

Содиқвойнинг лабларида яна бояги кинояли табасум кўринди.

— Ифлос бўлса ифлосдир,— деди у кескин. — Лекин ўшат ўзи яхши. Хотинларга қулай.

— Нега энди?

— Негаки,— деди Содиқвой,— аёллар узоққа қатнаб юришмайди. Болалари йиғласа шундоқ пахтазордан чиқишади-ю, эмизиб, тагин ўз ишларини қилаверишади. Аёлларнинг ўзлариям шунга ўрганиб кетишган. Қани, беланчакларни шийпонга кўчираман деб кўринг-чи, устингиздан обкомга арз қилишади!

Акрам бу ўктам йигитга сўзи ўтмаслигини, унинг юрагида хотинларга нисбатан бўлакча бир ғазаб борлигини тушунди, тушунишга тушунди-ю, лекин яна боягидай ўзини туюлмади.

— Сиз аввал мана бу хонани болаларга бўшатиб беринг, кейин бу гапларингизга ишонай!

— Шунақами? Бўшатиб берайликми? Жа дейман, хотинларга жонингиз ачишяпти, домла?

Содиқвойнинг юзидан қони қочиб, кўзлари сузилди. У яна бир нима демоқчи эди, Амаки оғзидан сўзини олди:

— Энди...— деди у соқолини силаб.— Нафсиламрини айтганда, хотин-қизларга қийин. Аммо-лекин гап беланчак-меланчакда эмас, иним, чораси топилса, хотин зотини кетмондан қутқариш керак. Сабаби, хотин зоти бурунги замонда ҳам кетмон чопган эмас. Шак йўқ, деҳқоннинг кўрган куни қийин эди, кечаю кундуз тер тў-

киб ишлар эди, ammo-лекин ўшандаям хотинини ишлатган эмас... Хотин киши уйда бола-чақасини боқиб, эрининг овқатини пишириб ўтирган, ҳа...

— О-о, тузуксиз-ку, дада!— пичинг қилди Содиқвой.

Акрам ҳам ичида бир кулиб қўйди.

«Ҳа, сен билан мендан кўра шу чол ҳам тузук!»

— Энди... кўнглимга бир гап келиб қолди-ю, айтай десам дадамсиз-да!— деди Содиқвой.

— Гап келса гапиравер, — деб кулди Амаки. — Гап келганда отангни ҳам аяма, дейдилар.

— Жа соз-да!— Содиқвой Акрамга қараб кўзини қисди:— Ўзингиз ҳам дейман, хотин-қизлар масаласига келганда худди шаҳарлик олифталарнинг гапини гапирадиган бўлиб қолибсизми дейман, а, дада?

Амакининг кўзларида тўсатдан шўх учқунлар чақнади:

— Бир жиҳатдан, ёш бўлиб бобойларнинг гапини гапиргандан кўра, бобой бўла туриб ёшларнинг гапини гапирган ҳам тузук-да, болам. Лаббай?— Амаки шундай деди-да, соқолини силаб ўрнидан турди. — Энди оталик қилиб битта олдик, кечирасиз-да, ўғлим!..

Содиқвой завқ билан хахолаб кулди, лекин Амаки эшикдан чиқиши билан, бурун катаклари пирпираб Акрамга қаради.

— Битта олган эмишлар! Кенжа қизининг йўлдан чиқишигаям ўзи сабаб бўлган, мияси айнаган чол!— Содиқвой буни титроқ босиб, шундай кутилмаган бир ғазаб билан айтдики, Акрам сесканиб кетди. — Аёлларга жони ачирмиш, қари тулки! Кетмондан озод қилармиш! Ҳар йил шаҳарга борганда кўриб юрибмиз-ку бекорчи нозанинларнинг хулқ-атворини. Бу аёл зотининг жиловини сал қўйиб беринг, нима бўларкин?

Акрам худди ўз башарасини қийшиқ ойнада кўрган одамдай, ижирганиб кетди.

У Содиқвойнинг ғазаб тўла кўздан кўзини узиб четга қаради:

— Хўш, нима бўларкан?— деди кулимсираб.

— Нима бўларди? Эски китобларда айтгандек, қиёмат қойим бўлади!

— Шунинг учун Ҳамида бечорага кун бермас экансиз-да?

Акрам кейинчалик бу гапни учун ўзини қанча қойинди! Ҳар эслаганда уят аралаш ғазабдан аъзойи бадани зирқираб юрди. Лекин ҳозир, гарчанд Содиқвойни кўрганда Ҳамида тўғрисида лўм-мим демасликка оштан чанган

бўлса ҳам, бу гап оғзидан қандай чиқиб кетганини ўзи ҳам билмай қолди.

Содиқвойнинг чиройли қўй кўзлари қисилди, ингичка мўйловлари галати дикрайди.

— Биласизми, мулла ака, — деди у рангидан қони қочиб, — олим бўлмоқ тугул донишманд бўлиб кетсангиз ҳам, менинг шахсий ишларимга аралашманг! Сиз аввал ўз... кечирасиз, ўз хотинингизни йўлга солиб олинг, кейин бировларнинг оила ишига аралашасиз.

— Мен ҳали ҳам сизнинг оила ишларингизга аралашмоқчи эмасман, фақат...

— Маслаҳатларингиз учун раҳмат. Лекин билиб қўйинг: сизнинг панд-насиҳатингиз бизга тўғри келмайди, ака... Ўтган йили раис билан тушганда кўрганмиз хотинчаларига эрк бериб қўйган ҳезалакларнинг ҳолини! Мен ўзим нечта нозанинни ресторанга опкириб...

— Хўп. Бас! — Акрам шахт билан ўрнидан турди: — Бу гапларингизни... мақтанадиган одамингизни топиб мақтанинг! — деди у азбаройи қалтироқ босганидан эшикни бир тепиб очиб, ҳовлига чиқди.

Содиқвой елкасини қисди ва галати кулимсираб пахтазоргача кузатиб қўйди.

* * *

Акрам кун бўйи аллақандай бир-бирига зид ўйлар, ҳис-туйғулар гирдобида юрди.

У клубни, қурилаётган янги уйларни, янги идора билан меҳмонхонани яна бир айланиб чиқди, сўнг Туробжоннинг хонасидаги бош план макетининг олдида узоқ ўтирди. У Туробжон билан астойдил гаплашишга, идора билан меҳмонхона қурилишини тўхтатиб, болалар боғчаси биносини бошлашни маслаҳат қилишни кўнглига тугиб қўйди. Туробжон районга кетган экан, Акрам уни бир оз кутиб ўтирди, кейин қандайдир ички бир туйғуга бўйсуниб яна Фортепага йўл олди.

Қизиқ, Содиқвой билан бўлган учрашувдан кейин у негадир бирдан қишлоқдан кетгиси, тезроқ шаҳарга қайтиб, Сайёрани кўргиси ва у билан узоқ ўтириб, бафуржа гаплашгиси келиб қолди. Агар қишлоқдаги ишлар, лойиҳа масалалари бўлмаганда у шу бугуноқ жўнар эди.

Ҳа, Содиқвой унинг ҳушини ўзига келтириб қўйди. Санъат саройи очилган куни ўйлагац ўйлари, қилган умидлари пучга чиқди!

У гарчанд уй-жой қурилишида оддий деҳқоннинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб тўғри қилган бўлса ҳам, катта бинолар, умуман, бош план устида ишлаганида қандайдир муҳим бир нарсалар унинг эътиборидан четда қолибди. У замон талабини ҳисобга олмабди! Ахир ҳозир тунов куни Акрам танқид қилган Зафарнинг лойиҳасини ёқлаб чиқаётган раислар ҳам бор-ку! Шундай экан, ўн йилдан кейин Акрамнинг лойиҳаси билан қуриладиган бинолар гўзал қизнинг ҳуснини бузиб турган бесўнақай кийимга ўхшаб қолмаслигига умид борми? Ҳозир янги шаҳарлар барпо қилаётган ёшлар бундан ўн-ўн беш йил олдин машҳур архитекторлар яратган лойиҳаларни сохта монументалликда, қуруқ дабдабозликда айблаётганлари каби, келгуси авлод ҳам Акрамни сохта монументалликда айбламайди деб, ким айтолади? Ҳа, у бош план лойиҳасини шаҳар эмас, қишлоқ аҳлининг турмуш шароити ва дидига мўлжаллайман деб, Содиқвойиннинг диди ва савиясига мўлжаллаб қўйибди! Келажак, ўсиб келаётган янги авлоднинг эҳтиёжи, диди, савияси унинг эътиборидан четда қолибди!

Акрамнинг хаёлини мотоциклнинг «пат-пат»и бузиб юборди.

Қаёқдандир тепа ортидан отилиб чиққан мотоцикл унинг ёнгинасидан ўтиб, пастга, сой томонга тушиб кетди. Мотоциклни ҳайдаб келаётган йигитнинг орқасида, бир қўли билан унинг бўйнидан қучоқлаб, бир қўли билан шамол юлқилаган тор кўйлагининг этагини тиззаларига тортиб, нима учундир хаҳолаб кулиб ёшгина бир жувон ўтирарди. Акрамга кўзи тушган аёл оппоқ яланғоч сонини беркитишга уринаман деб, қулаб тушишига сал қолди-ю, этагини қўйиб юбориб қийқириб кулганича, иккала қўли билан йигитнинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди...

«Фортенада нима қилиб юрибди булар?»— Акрам шундай деди-ю, яна кинояли кулимсиради.

«Мана, бундан ўн-ўн беш йил аввал қишлоқда шундай... эркин, очиқ юрган қизларни учратиш қийин эди. Навинки қишлоқда, шаҳарнинг ўзида ҳам кам учрарди бунақалар!»

Эсида бор, бундан ўн беш йил олдин, эллигинчи йилларнинг бошида, Акрам ўқишга борганида уларнинг курсида фақат иккита ўзбек қизи ўқир, улар ҳам йигитлардан ҳуркишиб, доим нимадандир ийманиб, тортиниб кичишарди. У пайтларда ҳозирги модалар, ҳозирги при-

чёскалар, ҳозиргидек ресторону кафеларда бемалол вино ичишиб, чақчақлашиб ўтирадиган қизлар битта-яримта бўлмаса, ҳатто студентлар орасида ҳам учрамас эди... Энди-чи?.. Энди Акрамнинг ўзи ҳам, унинг лойиҳаси ҳам ўша пайтларда шаҳарга ўқишга келиб, ўзларининг тўпиққа тушадиган узун кўйлаклари, жиякли лозимлари ва қирқ кокиллари билан олифта йигитларга кулги бўлиб юрадиган соддадил қишлоқ қизларига ўхшаб қолибди!

Демак, Акрам учун биттаю битта йўл қолди, у ҳам бўлса баъзи лойиҳаларини қайта ишлаб чиқиш, энг муҳими, ўз эътиқодларидан воз кечиб, Зафарнинг ҳақ эканига иқрор бўлиш, унинг талантига тан бериш!..

Акрам шундан бошқа йўл йўқ эканига ақли етар, лекин ақли етгани ҳолда оғир ўйлардан қутулолмас эди. У меҳнатдан, баъзи лойиҳаларни қайта кўриб чиқишдан қўрқмас, лекин институтда кўтариладиган шов-шувни, майда-чуйда гап-сўзларни, бурчак-бурчакда шивир-шивир қилишиб, уясига чўп суқилган арилардай югуришиб қоладиган одамларни кўз олдига келтириши билан ўй-хаёллари яна ағдар-тўнтар бўлиб кетар эди.

Акрам оддий инженер-архитектор бўлганда-ку, бунақа бош оғриқ муаммолардан холи бўларди. Лекин у оддий архитектор эмас, ўзига яраша обрўга, ўнлаб шогирдларга эга бўлган катта бир устахонанинг раҳбари!

Кечагина Зафарни ва унинг тарафдорларини ҳаммадан кўп танқид қилиб юрган одам, бугун Зафарга таъзим қилиб борса, бу одамлар нима деркин? Улар Акрамнинг ўзига қарши ҳужумга ўтиб, уни аҳмоққа чиқаришмасмикин? Зафарнинг ўзи-чи? Ўзига ишонган бу киборли йигит унинг самимийлигига ишонармикин? Зотан, шон-шуҳратдан эсанкирай бошлаган бу ёш ва димоғдор йигитнинг олдига бош эгиб боришнинг ўзини айтинг!..

Акрамнинг эсига бундан икки йилча олдин ўқиган бир инглиз ёзувчисининг мақоласи тушди. Мақолада гап Тургенев билан Толстой ҳақида борарди. Толстой адабиётга эндигина қадам қўйган пайтларида Тургенев шуҳрати оламга таралган машҳур ёзувчи бўлган. Лекин Толстой ўзининг илк асарлари биланоқ шундай обрў орттирадики, Тургеневнинг шуҳрати ҳудди офтобда хиралашган ойдай хиралашиб қолади. Бу нарса Тургеневга оғир ботади, кўп изтироб чекади, ҳатто Толстойнинг баъзи асарларига потўғри баҳо беради, уларни камситади. Фақат бир неча йиллардан кейингина Тургенев

қалбидаги ҳасад ва ғайирликни мардона енгиб, Толстойнинг улуғ талантига тан беради!..

Акрамнинг эсида бор — мақола унга жуда қаттиқ таъсир этган эди. Мана ҳозир ҳам уни эслаши билан кўнгли ёришиб:

«Одам эканмиз-да! Тургеневдай улуғ бир зот шунчаликка борган бўлса... биз ҳалиям... — деди хаёлида, деди-ю, яна ўзидан кулди.— Тургенев қаёқда-ю, мен қаёқда! Нима бало, жинни бўлиб қолмадимми ишқилиб?»

У қаддини тутиб ўтирди, кўзларини уқалаб, пастга, қишлоққа тикилди. Майин тоғ офтобида чўмилган боғлар, гўё тоғорада чўмилган гўдакдай буғланиб аллақандай эркаланиб ётар, сойнинг у юзидаги қатор жийдалар ҳарир ипакка ўралгандай нафис товланар, ҳавода нордон олма ва ҳандалак ҳиди ҳоким эди.

Акрам бу туташ боғларга, полиз ва пахтазорга, олисдан битта-битта ўрилган кокилдай бежирим туюлган жўякларга беихтиёр суқланиб қараркан, кўнглида яна кечаги дард қўзғалди: ҳаёт нақадар чигаллашиб кетди сўнги йилларда! Тўғрироғи, у ўзи ўз турмушини нақадар чигаллаштириб юборди. Ўзини-ўзи қон қилиб, кечаю кундуз мяясини ачитиб, бундай изтироб чекиб юрганидан кўра ҳали ҳам ўша ёшлик чоғларидагидай аравакашлик қилиб, ёки Амакидай ғўза сугориб юргани яхши эмасмиди? Бу арзимас шон-шухрат, мартаба ва улкан мансаб, гўзал ва маданиятли хотиндан кўра, ўша меҳнати оғир бўлса ҳам ўзи оддий, беташвиш, беғалва турмуши аъло эмасмиди? Акрам сиртдан қараганда жуда тотли кўринган бу обрў, мансаб — ҳаммасини ўша беғубор ўсмирлик даврига, Ҳамида билан учрашиб юрган ойдин кечаларга жон-жон деб алмашмасмиди? Ана ўша тўғон, ана ўша тегирмон тепасидаги лайлак уя қўйган оқ терак, ана, Туробжон икковлари отларини сойга тушовлаб, Ҳамида билан Малоҳатнинг йўлини пойлаб ётадиган жар бўйидаги жийдазор!.. Ҳаммаси жойида турибди, ҳеч нарса ўзгармаган-ку?

Акрам маънос кулимсиради. Кунин кеча бу ҳақда жиддий ўйлаган одам, у ҳозир ўзини алдәётганини, дилидаги оғир туйғулардан қочиб қутулиш учунгина яна ёшлик чоғларини кўмсаётганини тушунди, тушунди-ю, шахт билан ўрнидан турди.

Олдидида турган гов қанчалик катта, қиладиган ишлари қанчалик мураккаб бўлмасин, энди орқага қайтиш мумкин эмас, чекинишга йўл йўқ эди.

Туробжон уни ясама писанда билан қарши олди:

— Уч кундан бери етти иқлимдан қидириб тополмай-миз? Қаёқларда сангиб юрибсан ўзинг? Ё бирорта соддадил бева келинчакни топиб, хилватда айшингни суриб... а, лаббай!— Туробжон ўз аскиясидан ўзи завқла-ниб кулди.

Акрам ҳам Малоҳатнинг гапи эсига тушиб кулимсиради.

— Кампирнинг дарди гўзада! Дард-ҳасратнинг келин-чак бўлиб қолганми дейман?

— Биру ноль, «Пахтакор»нинг фойдасига!.. Қани, юр, яхши бир оғайшимиз зиёфатга айтиб кетди. — Туробжон қоғозларини йиғиштириб, стол тортмасига со-ла бошлади. — Районга бориб жа тўлиб қайтдим, ётиб бир ҳасратлашайлик!

— Ҳалиги гўзал келинчак ҳам бўладими зиёфатда?

— Сенларга шунақа гап бўлса, а? Ё парвардигор, ўзинг сақла ёмон йўлдан! Битта хато қилсам гўрга тик-магунча қўйишмайди Акрамга ўхшаган оғайинларим!

— Қўрқоқ олдин мушт кўтарар қабилидан қияп-санми?— деди Акрам. — Шошма, зиёфат бўлса қочмас. Иш бор...

— Иш демоқчи... эртага бош план масаласи правле-ние мажлисида кўрилади. Уша ерда батафсил гаплашиб оламиз. Лекин сен мажлисдан олдин бир нарсани пух-талаб ўйлаб олгин, — Туробжон стол тортмасини ёпиб, Акрамнинг ёнига ўтди. — Гап бундоқ: идора билан меҳ-монхонанинг ўрнига ясли билан болалар богчаси қура-миз. Сен тездан лойиҳаларни ўзгартириб, шунга мослаб берасан. Нега ағрайиб қолдинг!— деди Туробжон.— Ҳозир шунақа замонки, оғайни, бугунги гап эртага тўғ-ри келмайди. Ниҳоят икки йил аввал ҳар бир йиғилиш-да, клуб қуринглар, идора-ю, мағазин солинглар, деб бақирган одамлар, бугун, энг аввал колхозчиларнинг турмуши яхшилансин, хотин-қизларга шарт-шароит туғ-дирилсин деб бақирришяпти. Лекин нафсиламбрини айтганда, бу гапда ҳам жон бор. Меҳнати оғир хотин-қизларимизнинг! Ҳар қанча яхшилик қилсак арзийди. Шунинг ҳаммасини ўйладиму идора билан меҳмонхона-ни тўхтатайлик, деган хулосага келдим!

Акрам беихтиёр кулимсиради.

— Сен ўзинг шу қарорга келдингми ёки... правление-ми?

— Барибир эмасми? — деди Туробжон илжайиб. — Ҳалиги... нима эди?.. Биз... Правление деганда Туробжон Икромов деб биламиз, Туробжон Икромов деганда... правление деб биламиз... Хулласи калом, яна бир оз меҳнат қиласан, дўстим.

— Гап меҳнатда эмас, мен бир нарсага ҳайрон бўляпман...

— Хўш...

— Узинг-ку, хотин-қизларнинг аҳволини билар экансан, нега энди шу гапни Ҳамида айтса... тепа сочинг тикка бўлиб, тўнингги тескари кийиб олдинг?

Ҳамиданинг номини эшитиш билан Туробжон бир сапчиб тушди, кўзлари қисилиб, бурун катаклари пирпиради.

— Ҳмм... эски жазманга арз-дод қилиб борибдиларда Ҳамидахон!— деди у ва пичинг қилди. — Мен сени... бирорта бева-бечора билан топишибсанми десам, топишибсан-да ўша эски маъшуқанг билан? Лаббай?

— Сен бу ҳазилингни қўй,— деди Акрам кескин.— Мен сени ўзимга яқин олиб, дўстим деб айтяпман бу гапни!

— Мен ҳам сенга чинимни айтсам... ҳали ҳам колхоздан ҳайдамадим Ҳамидахонингни! Ҳаммани йўлдан уради бунақа хотинлар... Умуман, хотин зоти...

— Ҳозир эмасми хотинларга ҳар қанча яхшилик қилсам оз, деганинг?

— Деган бўлсам... Ҳамидахондақа хотинларни айтганим йўқ! Кеча мактабдан чиққан бунақа... тили узун, ақли калта хотинлар ўйлашадикки, ҳамма нарса оппосону, менга ўхшаган аҳмоқ раислар тушунмайди деб?

— Гап унда эмас!— деди Акрам.

— Йўқ, ҳамма бало шунда!— Туробжон қўлларини орқасига қилиб, хонанинг у бошидан бу бошига бориб келди.

— Мен сенларга ҳам ҳайронман. Қишлоқдан чиққан зиёлиларни айтаман. Кечагина кетмон чопиб, гўза суғориб, қўй боқиб юрган болалар бугун, худди... ҳеч қачон қишлоқни кўрмаган, бир умр шаҳарда олифтагарчилик қилиб ўсган одамлардай гапирасанлар-а?

— Бўлса бордир. Бироқ кечирасан, сен ҳам онадан раис бўлиб туғилган одамдай гапиряпсан!

— Ҳа, шу,— деди Туробжон асабий кулиб. — Сенларга қолса ҳамма балога ёлғиз раис айбдор. Фельетон бўлса — раис бўлади. Кулги бўлса — раис бўлади, комедия ёзсаларинг — яна раис!.. Аммо-лекин меннинг ўр-

нимда бир кун ишлаб кўрсанг, билардинг раис нималигиши!

Акрам унинг қалтираган иягидан кўзини узди, ўзини ҳам қалтироқ босиб:

— Қўрқма,— деди. — Мен раис ҳам бўлолмайман, фельетон ҳам ёзолмайман. Лекин мен сени бунчаликка боради деб ўйламаган эдим!

— Нима қилибман ўзи?— деди Туробжон фиғони чиқиб.

— Битта танқид учун ишдан ҳайдаш! Тўхта, гапимни бўлма. Мен ҳам шу кунларда... битта ноҳақ иш қилиб қўйиб, виждоним қийналиб юрибди. Сен бўлсанг... Эсингдами, урушдан кейинги оғир йиллар, ўша пайтдаги колхоз раиси... оти нима эди, эсимдан чиқибди.

— Айтавер, биламан...

— Билсанг, ўша одам, эсингдами, берухсат машоқ тердинг деб бир кампирга қамчи кўтарганда, сен ўзингни отининг тагига ташлаб, қўлидан қамчисини тортиб олган эдинг. Эсингдами?..

— Хўш?

— Йўқ, эсингдан чиқибди! Бўлмаса... Энди ўзинг шу ишни қиласанми! Колхозни кўтардим деб, одамларнинг ҳурматини қозондим, деб... Шунчалик ҳовлиқасанми? Сени ҳурмат қилган одамларни оёқ ости қиласанми?

— Кошки, Ҳамидахон ҳурмат нималигини билса!

— Дўст ачитиб гапиради, деган мақол эсингдан чиқибди. Тўғрисини айтсам... бу ютуқлар эсанкиратиб қўйибди сени! Мен... ҳайрон бўлиб қолдим, дўстим!

Туробжон ўзини диванга ташлаб, бошини қўллари билан сиқди:

— Йўқ, сен билмайсан,— деди секин. — Сен ҳеч нарсани билмайсан, оғайни!

— Билсам, билмасам... ҳовлиқиб қолибсан. Лекни сен ҳали...

— Хўп!— Туробжон бошини кўтариб Акрамга қаради. — Тўхта,— деди у, тўсатдан ёлвориб. — Эрталабдан бери ҳали туз тотганим йўқ. Тағин дегин, райкомдагилар қаттиқ хафа қилишди. Шу маҳалгача қилган ҳамма тоат-ибодатларим бир пул бўлиб, арзимаган бир иш учун ота гўри қозихона қилишди. Энди мана сен йиқилганинг устига чиқиб, тепяпсан! Хўш, майли, ростини айтсам, чарчадим, дўстим. Қанча гапинг бўлса... Ушатга борайлик... ушатта айт, оғайни!

Акрам унинг киртайган кўзларига, аллақандай мунг чўккан ҳорғин чехрасига қаради-ю, бош ирғади.

— Яхши, кетдик.

Сайёрага уйқу аралаш кимдир юзини, сочларини оҳиста силаётгандай туюлди. Уни силаб эркалаётган қўл шундай майин эдики, Сайёра, қизим, деб ўйлаб: «Оппогим, қизгинам!» деб кулди ва уни қучоқлаб ўпгиси келиб кўзини очди, очди-ю, юзига тушиб турган офтобдан кўзлари қамашиб кетди. Унинг юзини, сочларини силаб ўйнаётган қизи эмас, очиқ деразадан қўйилиб турган нур сели эди!..

У ўрнидан тургиси келмай, юмшоқ тўшакда керишиб анча ётди. Ётишга ҳақи ҳам бор, кеча у баланд тоғдан довон ошди, давлат имтиҳонларининг ҳаммасидан қутулди! Мана ҳозир яна ўша қувончли дам, домлаларнинг табриги ва дўстларининг олқиши эсига тушиб кўнгли яйраб кетди. Ўзини ёш, соғлом, кучли, ҳар қандай қийинчиликларга тайёр ҳис этди. Энг муҳими, уни бугун кечаги ташвишлар эмас, ёқимли ишлар кутарди. У ҳозир киностудияга бориб, суратга тушади, кечқурун эса истаса курсдошларининг кичик зиёфатига қатнашадди, истаса...

Сайёра ўзини кутаётган бу ёқимли ташвишлар ҳақида ўйларкан, ҳозиргача кечирган ҳаёти — онла можаролари, қиз туққач, ўқишни ташлашга мажбур бўлган пайтлари, рўзгор ишлари, Акрамнинг йўлини пойлаб, унинг қош-қовоғига тикилиб ўтказган кунлари эсига тушиб, ижирганиб кетди. Уни кутаётган серзавқ ва сермазмун ҳаёт олдида булар ҳаммаси аллақандай майда, бачкана бир нарса, беҳуда кетган бир умрдай туюлди назарида, бундан кейинги ҳаёти тамом бошқа, очиқ деразадан қўйилиб турган шу офтобдай чароғон бўлади!

Сайёранинг хаёлини дадасининг овози бўлиб юборди. Обид Юнусович, афтидан, ҳовлида Нодирани ювинтираётган бўлса керак: «Ўйнашма, пучуқ, тек тур, ҳаммаёғнинг сув бўлди, пучуқ!» дерди эркалаб.

Қизи борлигини эсига туширгани учунми, дадасининг овози Сайёрага ёқимсиз туюлди, у сўлим водийдан бирдан жазирама чўлга чиқиб қолган одамдай таъби хираллашиб ўрнидан турди, лекин ойнанинг олдига бориб, тўзиган сочларини тараркан, яна дили ёришиб кетди.

Иўқ, уни Шавкатжондай талантли, ёш кинорежиссёр бош ролга таклиф қилиши бежиз эмас, унинг ҳали ажин тегмаган тиниқ чехраси, дуркун ва позик бўй-бастини кўрган одам Сайёрани олти йил эр қилган ва онла заҳматларини чеккан жувон демайди, сал сузилган қура-

лай кўзларини, қалинроқ бўлса ҳам, чеҳрасини очиб турган чиройли лаблари четдаги латиф кулгичларни кўрган одам уни ҳали ҳам ўн гулдан бир гули очилмаган, бўйга етган қиз, дейиши мумкин!..

Аттанг, шу маҳалгача... ҳаётнинг, ёшликнинг қадрини билмаган бир гўдак экан! Гўдак бўлмаса шу ҳусн-латофати билан ўн тўққиз ёшида турмушга чиқармиди? Ақалли институтни битиргунча ўйнаб-кулиб олса бўлмасмиди? Ҳаётнинг гаштини ҳозирги қизлар билишади. Қизлик чоғларида ўйнаб қолишади, йигирма бешга кирмай турмушга чиқишмайди...

Майли, руслар айтмоқчи, ҳеч бўлмагандан кўра кеч бўлгани ҳам яхши! Ҳадеб ўтган умрдан пушаймон қилавергандан кўра, келажакни ўйлагани яхши. Мана, қўлида диплома. Хоҳласа институтнинг ўзида ординатор бўлиб қолади, хоҳласа бирорта касалхонага кириб ишлайди. Эр бўлса... шу ҳам ташвишми? Сайёра ойнадан ўйчан тикилиб турган хушбичим жувонга, йўқ ёш, чиройли қизга қараб бир илжайди-да, уйдан чиқди.

Ишком тагида столда самовар шақиллаб қайнар, (Обид Юнусович, чойдишдан чой ичгандай бўлмайман, деб донм самовар қўйдирарди!) Мавжуда хола неварасига овқат едирар, дадаси янги газеталарни кўздан кечирмоқда эди.

Тўрт яшар Нодира Сайёрани кўриши билан олдидаги овқатини ташлаб, югуриб келиб ойнисининг бўйинига осилди. Лекин бугун онасига Нодиранинг ойнажонлаб бидирлашлари ҳам, эркаланиб юзига юзини ишқашлари ҳам ёқмади. У қизини совуққина ўпиб, жойига ўтқазиб қўйди. Обид Юнусович унинг саломига бош ирғаб: «Салом, қизим», деди-да, негадир дарҳол газетасини буклаб ўрнидан турди. Бироқ кетишдан олдин Сайёрага синовчан тикилиб қаради, сўнг:

— Ойнинг ҳозир сенга бир нарса беради, қизим, — деди.— Илтимос, масалага енгил-елпи қарамай, астойдил ўйлаб кўргин, қизим...

Сайёра бенхтиёр қизариб ойнисига қаради: «Нима гап?»

Мавжуда хола Обид Юнусович узоқлашиб кетгунча қизига жавоб бермади, кейин дастурхоннинг тагидан тўрт букланган бир қоғозни олиб, унга чўзаркан, маъюс товушда:

— Акрамжондан, — деди.

— Акрамжон! — деди Нодира ва кулди: — Мен Нодира Акрамовна бўламан.

— Жим ўтир,— деб жеркиб берди Сайёра, лекин хатни очиб «Сайёра» деган сўзга кўзи тушиши билан кўнгли алланечук бўлиб кетди.

«Сайёра!

Бир-икки ҳафта бўлди, қишлоқдан қайтдим. Қишлоқда турмушимизни, сени кўп ўйладим. Кўп масалада ноҳақ эканимни тан оламан. Сендан илтимос: бир ўтириб гаплашсак, эсингда бор-ку, илгарилари ҳам бунақа англашилмовчиликлардан кейин гаплашиб, гина-кудуратларимизни очиқ айтиб, яна иноқлашиб кетардик. Бу сафар ҳам шундай бўлар, деб умид қиламан. Қачон, қасерда учрашамиз? Агар шу гапнинг самимийлигига ишониб уйга келсанг — яна ҳам яхши бўларди. Худо ҳаққи, ўзим боришга тайёрману ойим билан дадамлардан уяламан. Жавобингни кутиб, Акрам. 30 июнь, 1965 йил».

Сайёра хатни ўқиркан, бир зум кўз олдига Акрамнинг биринчи қарашда дағалроқ, лекин яқиндан кўрганда кишини ўзига ром этувчи узунчоқ юзи келди, қулоқлари тагида ўйчан ва маъюс овози жаранглаб кетгандай бўлди. Ҳар сафар Сайёра оилада бўладиган жанжал, ачкиқ-чучук гаплардан, майда-чуйда низолардан кейин унинг мана шу ўйчан чеҳрасини, гўдакларча гуноҳқорона термулиб турадиган қўй кўзларини кўрганда, кўнглидаги ҳамма гина-кудуратларни унутиб, ўзини унинг қучоғига отарди. Мана ҳозир ҳам Акрамнинг ёлғиз унга, Сайёрага таниш бўлакча бир самимиятга тўла хатини ўқиркан, юраги «шиғ» этиб, томоғига бир нима келиб тиқилди. Лекин илгари бундай пайтларда Акрамнинг қучоғига отилиб йиғлаб юборадиган Сайёра бу сафар эсига яна унинг тарсакиси ва майда-чуйда низолар тушиб, ижирганиб кетди. Кейин кўз олдига бугун бўладиган қувончли дамлар, аллақандай шоирона бир руҳ билан ўралган учрашувлар, аввалги оғир оилавий ташвишлардан тамом бошқа бир ҳаёт келди-ю, илиб келаётган юраги қайтадан музлади қолди. Бу янги ҳаёт олдида илгариги турмуш кўркем шаҳар қаршисидаги кўримсиз қишлоққа ўхшаб кўринди кўзига.

Сайёра хатни буклаб, ўрнидан турди.

— Бугун жуда ишим кўп, ойижон. Мен кетдим.

Мавжуда хола қизига савол назари билан қаради:

— Нима депти... эринг?

— Нима дерди?— Сайёра совуқ кулимсиради. —Сал ҳушига келганга ўхшайди.

— Сен нима демоқчисан?

— Мен...— Сайёра асабий кулди. — Қўйинг, ойн, бугун бунн ўйлашга ҳам... тоқатим йўқ!

Мавжуда хола қизига маъюс тикилиб, уф тортди. У кейинги пайтларда қизининг аллақандай бошқача бўлиб кетаётганини сезар, бу унга ҳам ёқар, ҳам чўчитар эди. Йлгари Акрамни қизига номуносиб деб, ич-ичидан зил кетиб юрган Мавжуда холага Сайёрадаги бу ўзгарниш дам хуш ёқар, Акрамни ўйлаб: «Баттар бўлсин, бу қишлоқи!» деб ёғинар, дам ҳозирги ёш қизлар тўғрисидаги мишмишлар эсига тушиб, юраги шувиллар эди. Айни замонда, гарчанд Сайёра «қишлоқи»нинг адабини бериб қўйишини истаса ҳам, лекин ундан ажраб, бошқа эр қилишини кўз олдига келтиролмас эди.

— Дадангга нима дейман, болам?

— Нима дердингиз?— Сайёра ёғини келиб, елкасини учирди: ойсн доим шудай қилади, ўзидан тузукроқ бир маслаҳат чиқмайди, бир нарса бўлса доим дадасини ўртага солади...

— Дадамлар билан ўзим гаплашаман, — деди Сайёра ва гап тугади, деган маънода уйга кириб кетди.

* * *

Сайёрага киночиларнинг иши қандайдир бошқача, иш эмас, қизиқ бир ўйин, хушчақчақ бир томошага ўхшаб кўринарди. Бугун у бунга яна бир марта ишонди.

Эрталаб борганида уни «Киностудия» деб ёзиб қўйилган ҳаворанг автобус кутиб турарди.

Автобусда Шавкатжон билан Нилуфардан ташқари ўн чоғли ёш-яланг қиз-йигитлар чақчақлашиб ўтиришарди. Шим кийган ва сочларини йигитларнинг сочларига ўхшатиб қирқтирган қизлар ва Шавкатжонга тақлид қилиб соқол қўйган йигитчалар Сайёра билан гўё эски қадрдонлардай кўришдилар. Шавкатжон эса унга ўз ёнидан жой берди. Шундан кейин автобус ва унинг кетидан эргашган «Тонваген» ва «Лихтваген» деган катта ёпиқ машиналар, гўё чет эллик давлат арбобини кузатаётган эскортдай саф тортиб, шаҳар кўчаларидан учиб кетди. Кўчалардаги одамлар ва рўпара келган машиналар, ҳатто милиционерлар ҳам уларга йўл бўшатиб, честь бериб кузатиб қолишарди.

Киночилар шаҳардан чиқиб, тоғ орасидаги кўҳна бир қишлоққа кириб боргунларича автобусда бир нафас ҳам кулги, ҳазил-мutoйиба, ашула, аския тинмади. Қишлоққа киришда орқароқда ўтирган уч-тўртта машшоқ-

лар деразалардан карнай-сурнайларини чиқариб, тоғларни ларзага солишди, қиз-йигитлар эса «Тўйлар мубо-рак»ни бошлаб юборишди. Нилуфар бошига оқ рўмол ёпиниб, «келин» қиёфасига кирди, Шавкатжон эса, беқасам тўн кийиб, «куёв тўра» бўлиб уни қўлтиқлаб олди..

Уйларнинг томлари, тор кўчанинг икки юзидаги пахсадеворларда одамлар чуғурчуқдай тизилишиб қолишди.

Уларни фильмнинг директори билан колхоз раисининг ўзи кутиб олди ва боққа бошлади. Боғ ўртасидаги янги шийпонга гилам ва кўрпачалар тўшалган, ҳовуз бўйидаги катта қозонда палов пишмоқда эди.

Режиссёр танлаган эпизод — мева тераётган колхозчи қизлар ва севишганларнинг учрашув саҳнаси шу боғда суратга олиниши керак эди.

Улар бир пиёладан чой ичишиб — Шавкатжон раиснинг қисташига қарамай, ошни кечқурунга қолдирди — оператор ва овоз операторлари аппаратларини ўрнатиб бўлгунларича, колхозчи қизлар ҳам етиб келишди. Бошларига зардўзи дўппи, эгниларига бир хил атлас кўйлак, оёқларига пошнаси баланд туфли кийган бу қизларни йигитдай барваста, баланд кўкраклари орден-медалларга тўлиб кетган бригадир хотин бошлаб келди. Лекин Шавкатжонга пошнаси баланд туфлига ўрганмаган ва ўзларини ноқулай сезаётган қизлар ҳам, барваста йигитга ўхшаган бригадир хотин ҳам ёқмади. У раисни четга тортиб, улар ҳужжатли фильм эмас, бадний фильмни суратга олаётганликларини, шундай экан, массовкада иштирок этадиган колхозчи қизлар ҳаётга яқин бўлишлари, яъни оддий кийинишлари кераклигини туншунтира бошлади. Лекин бу гап негадир раисга ҳам, бригадир хотинга ҳам ёқмади. Буни сезиб қолган фильм директори режиссёрни четга имлаб, қулоғига бир нима деди, шундан кейин Шавкатжон раис билан бригадирни шийпонга чақириб, уларни суратга олди-ю, ўртадаги низо кўтарилди.

Бу ўртада гримёрлар Сайёра билан Нилуфарни ёш қишлоқ жувонларига «айлантиришга» киришдилар. Тунов кунни Шавкатжон биллиб айтган эканми, бошқами, Сайёранинг «колхозчи жувон» қиёфасига кириши осон бўлди, фақат баланд причёскасини бузиб, иккита улама соч тақишди ва қошларига ўсма, лабиниинг четига хол қўйишди.

Кўзгудан ғамгин тикилиб турган бу ёш ва маъсум

жувон Сайёранинг ўзига ҳам, Шавкатжонга ҳам жуда ёқиб тушди.

— Ана, айтмаганмидим бу роль атайин сиз учун ёзилган деб?— кулди Шавкатжон. — Табриклайман... Сценарийни олиб, айтадиган гапларингизни эсингизга солинг!

Шавкатжон ҳақ. Сценарийда жуда жиддий масалалар кўтарилган эди.

Дагал, қўрс эр асоратидаги ёш жувон қишлоққа ишга келган инженер йигитни яхши кўриб қолади. У анчагача ўз туйғусидан ўзи қўрқиб, танҳо изтироб чекади, ҳатто йигит ҳам уни севиб қолганига кўзи етса-да, у билан учрашишга журъат этолмайди. Ниҳоят, ҳамма инкиланишларини енгиб, севгилиси билан қовушмоқчи бўлганида эса, жоҳил эр ва ота-она тазйиқиغا учрайди.

Сайёра сценарийни дастлаб ўқигандаёқ бу келинчакнинг ўрнида ўзини, жоҳил эр ўрнида Акрамни кўриб кўзидан ёш чиқиб кетган эди.

Бугун бу боғда энг масъулиятли саҳна — ёш жувон билан инженер йигитнинг узумзорда бўладиган илк учрашуви суратга олинади. Шавкатжон инженер йигит ролига ёш, лекин айтишларига қараганда, жуда талантли грузин киноактёрини таклиф қилган. Бўй-баста хипчагина хушсурат бу йигит ҳозир шийпон олдида Нилуфар билан қўлтиқлашиб юарди. У Сайёра томонга тез-тез қараб қўяр, афтидан, унинг олдида келгиси бору Нилуфар қўйиб юбормас эди.

Ниҳоят, ҳамма нарса тахт бўлди шекилли, Шавкатжон (у, қўлида рупор, генераллардай мағрур одим ташлаб, ҳаммага бақириб-чақириб юарди), уларни узумзорга таклиф қилди. У кулиб («ошиқ-маъшукларнинг родини ўйнайман деб, чиндан яхши кўриб қолмаларинг бир-бирларингни!») Сайёра билан грузин актёрини таништириб қўйди ва репетицияни бошлади. Лекин репетиция тугаб, оператор энди аппаратларини ишга солганда, чўққилар устидаги оқ булутлар бир-бирига қўшилиб, офтобни тўсиб олди.

Иш тўхтади, фақат бирга келган фотограф кўнгил учун уч-тўртта сурат олган бўлди. Қайтишда яна ўша ҳазил-мутойиба, кулги, шўхликлар ва келин-куёв ўйини давом этгани учунми, шаҳарга бир лаҳзада етиб келгандай бўлишди.

Бошда икки кунга мўлжалланган эпизодни суратга олиш бир ҳафтага чўзилди. Бу бир ҳафта Сайёрага қувноқ дам олиш, дўстлар даврасида ўтган хушчақчақ са-

йилга ўхшаб кўринди. Рост, баъзан оператор камерасининг олдида кўзингни қамаштириб, юзингга олов пуркаган прожекторлар нури остида туриб, бир огиз сўзини ўн марта такрорлаш, сунъий жилмайиш ва сохта поз қилишлар жонга тегиб кетар, айниқса, Шавкатжоннинг унга бўлмаса ҳам, бошқа қиз-йигитларга қилган дағал муомаласини кўриш, бақириб-чақирришларини эшитиш оғир ботар эди. Лекин бунинг ҳаммасини бошқа актрисаларнинг унга ҳасад билан тикилишлари, йигитларнинг хушомадлари ювиб кетарди. Бунинг устига суратга олинган материалларни кузатиб бораётган Шавкатжон билан оператор Сайёрани ҳар куни мақташарди.

Бир марта улар суратга тушаётган қишлоққа Зафар келиб кетди. У кун бўйи майда-чуйда ишларга аралашиб, ҳамма нарса билан қизиқиб, кинонинг икир-чикирларигача сурштириб юрди, Шавкатжонга: «Мени ҳам ишга олинглар», деб ҳазиллашди, лекин қайтишда негандир, эҳтимол режиссёр Сайёра билан Нилуфарнинг у билан кетишига розилик бермагани учундир, ғамгини кўринди. Улар билан хайрлашаркан кулимсираб:

— Сизларга ҳасад қилипман,— деди.— Мана буни ҳаёт деса бўлади, мана энди ҳурриятга чиқибсизлар!

— Алам қилсин. Мен ҳозир хаёлингизга нималар келаётганини билиб турибман,— деб Нилуфар қаҳ-қаҳ отиб кулди. Зафар қизариб кетди ва машинасига газ бериб жўнаб қолди.

— Эркакларнинг ҳаммаси шу!— деди Нилуфар қошларини чимириб.— Кинога тушган қизларнинг ҳаммаси бузилиб кетади деб ўйлашади!

Сайёранинг эсига Акрам тушди. Агар Зафар шунчаликка бўрса, Акрам нималарни ўйлаётган экан?..

* * *

Дам олиш куни эди. Ўша куни биринчи эпизодни суратга олиш тугади. Бундан хурсанд бўлган киночилар Сайёрани автобусда уйларигача элтиб қўйишди. Сайёра кўчани бошларига кўтариб учиб келишган, айюҳаннос солишган киночилар билан хайрлашиб автобусдан тушаркан, дарвоза олдида турган дадаси билан Акрамни кўрди, кўрди-ю, юраги ҳаприқиб кетди. У бир зум доддираб тўхтаб қолди, сўнг тез юриб уларнинг ёнидан ўтди-да, худди Акрам унинг қўлидан ушлаб оладигандай аъзойи бадани музлаб, ўзини ҳовлига урди.

Айвонда унга онаси дуч келди.

— Акрамни кўрдингми?— шошиб сўради Мавжуда опа... — Жуда... эзилиб кетибди бечора! Қизгинангни айт, дадасининг бўйнидан қучоқлаб, йиглайвериб эси кетди. Зўрға тинчитиб ухлатдим.

«Эзилиб кетганмиш бечора... Қизим йиглайвериб эси кетганмиш... Яна эски ҳаммом, эски тос! Янги гап топсангиз бўлмасмиди, ойижон?..»

Сайёра индамай уйга кириб кетди. Лекин Акрамнинг аллақандай озиб, униққан чехраси, ўйчан нигоҳи кўз олдидан кетмай, юраги ачишиб, кўзига ёш олди.

Бир лаҳзадан кейин меҳмонхонага Обид Юнусович кириб келди. Сайёра ювиниш баҳонасида сочиқни олиб чиқиб кетмоқчи эди, дадаси кутилмаган бир ўктамлик билан:

— Ўтир, қизим!— деди. — Тузукроқ бир гаплашайлик-чи!

Сайёра, қўлида сочиқ, дераза олдига бориб ўтирди, бир дадасидан уялиб, бир ғижиниб ҳовлидаги гулзорга, ўртадаги катта лампочка шуъласида оловдай товланган пионларга, нафис очилган атиргул ва «президентларга», кеккайган гултожихўрозга тикилди.

Обид Юнусович қўллари орқасида, гап бошлашдан олдин йирик одимлар билан уйни у бошидан бу бошига ўлчаб, анча юрди. Бир неча марта ўнғайсизлангандай томоқ қириб олди, ниҳоят:

— Бу қандоқ бўлди, қизим?— деди койиб. — Тупна-тузук касбингни қўйиб артистка бўлишга аҳд қилдингми?

Сайёрага дадаси кулиб гапиргандай туюлди-ю, кўнглидаги муз эриб, у ҳам жилмайди.

— Йўқ, дада, артистка бўлмоқчи эмасман, бироқ... сиз ҳам артистка бўлишни айб деб биласизми?

Обид Юнусович хона ўртасида тўхтаб, қизига узоқ тикилди.

— Йўқ, артистка бўлишни айб деб билмайман, қизим. Аммо сен ўз соҳанг, ўз ишингда ишлаганинг тузукроқ деб ўйлайман, чунки артистка бўлиш учун катта истейдод керак кишига. Билмадим, эҳтимол сенда ҳам катта талант бордир, лекин меннинг назаримда, талантнинг бўлса шу маҳалгача очилган бўлармиди, қизим.

Сайёра қулоқларигача қизариб ерга қаради.

— Йўқ, дада, мен катта артистка бўлмоқчи эмасман. Бу шунчаки бир ҳавас.

— Ҳмм...— деди Обид Юнусович. — Агар шунчаки

бир ҳавас бўлса... бу арзимаган ҳавасли деб, ҳаммани хафа қилиб юриш яхшими, қизим?

— Ҳамма деб... ўша кишини айтаётгандирсиз-да! У киши олдин мени хафа қилганлари-чи, дадажон?

— О, қизим, — Обид Юнусович яна қўлларини орқасига қилиб хонани бир айланиб чиқди ва тўсатдан сўради: --- Айт-чи, қизим, неча ёшга кирдинг?..

«Бошланди», деди Сайёра хаёлида.

— Худди менинг ёшимни билмайдигандай гапирасиз-а, дадажон?

— Чунки сўнгги пайтларда сен ўз ёшингга муносиб иш қилмаяпсан, қизим.

— Дадажон,— деди Сайёра. — Мен ўз ёшимга муносиб бўлай деб, ҳар қадамимни ўлчаб босай деб, эзилиб кетдим, дадажон!

— Энди қадамимни ўлчамай боссам бахтиёр бўламан, деб ўйлайсанми, қизим?

— Билмадим, дада. Келажакни ўйлайвериб, ўз тақдиримдан, Нодиранинг тақдиридан, бизни кутаётган бахтсизликлардан хавотир олавериб чарчадим. Жуда, жуда чарчадим, дада. Майли, нима бўлса бўлар, бошимга тушганини кўраман!— Сайёра гапиролмай юзини кафтлари орасига яширди.

Обид Юнусович «ҳмм» деб лабини тишлади-да, ўзини чарм қопланган чуқур креслога ташлади.

У боя гапни қандай бошлашни билмай қийналган, тўғрироғи, нйманган эди. Обид Юнусович бугун биринчи марта ота ўз қизи билан оила масалалари тўғрисида гаплашишни нақадар қийин эканини тушунди. Энди, гап очилгандан кейин эса ўзи билан қизи ўртасида катта бир бўшлиқ, фавқулудда зўр бир тафовут борлигини пайқади. Обид Юнусович шу дақиқагача ҳозирги ёшларнинг дидини оз-моз бўлса ҳам биламан, деб юрар эди. Мана энди ўйлаб қараса... оз-моз ҳам билмас экан. Шу ёшлардан бири ўз қизи бўлса, унинг гап-сўзларини, ўйлари, эрининг олдига қўяётган талабларини тушуниш қийин, ҳар ҳолда бу талаблар унга, Обид Юнусовичга тамоман ёт!

Рост, Обид Юнусович Акрамни оқламоқчи эмас. У ҳам Акрамнинг тунов кунги хатти-ҳаракатидан қаттиқ ранжиди, дарғазаб бўлди. Лекин... Акрам ўз хатосини тушунди-ку? Тушуниб бош эгиб келди-ку ахир? Наҳот Сайёра ўз жуфти ҳалолининг, шунча йил бир ёстиққа бош қўйган турмуш йўлдошининг битта қўрслигини кечира олмаса?

Обид Юнусович йигитлик давридаги хотин-қизлар учун Сайёранинг ҳозирги турмуши ушалмас бир орзу бўлиб кўринар эди! Наинки ўша давр, ҳозирги колхозчи аёллар, оғир оилавий муносабатлардан эзилиб юрган қиз-жувонлар ҳам Сайёрага ҳасад билан қарашади, шундай турмуш кечиршни орзу қилишади, Сайёра эса...

Тўғри, ҳозирги ёшлар, айниқса, хотин-қизлар турмушга каттароқ талаблар қўяётган бўлса бунинг учун уларни айблаб бўлмайди, чунки ҳаётнинг ўзи, тараққиёт қонунининг ўзи бунга тақозо этади, фақат булар... бу ёшлар талаб қилаётган келажак, бўлакча эрк, севги, оилавий турмуш, буржуазия тарғиб қилаётган «эркин ҳаёт» ва «эркин севги»нинг бир тури эмасмикин?

Оббо! Хаёли қаёқларга олиб қочяпти ўзи!

Обид Юнусович эҳтимол, ўз қизи ҳақида ўйлаётгани учундир, хаёлига келган бу фикрдан ўзи ҳам хижолат тортиб, ўрнидан туриб кетди.

— Мени кечирасан, қизим,— деди ниҳоят, Обид Юнусович.— Мен сенинг шахсий ишларингга аралашгим йўқ. Лекин бу гапларга сабаб... тунов кунги жанжал бўлса... бунақа нарсалар оилада бўлиб туради, қизим...

— Дадажон, гапимга ишонинг,— деди Сайёра ёлвориб.— Сизнинг сўзингизни ерда қолдириш мен учун ҳам оғир. Куёвингиз... нимасини айтай, бошда мен уни... жуда яхши, талантили, жуда бўлакча бир одам деб ўйловдим...

— Мен ҳали ҳам унинг жуда... пок, яхши йигит эканига ишонаман. Хондан ҳам хато ўтади, дейдилар, қизим.

— Гап хатода эмас, дадажон! Унингиз шунчаки бир... жўн одам экан!

— Қайдам, қизим, балки унинг чўкиб қолишига ҳам оила ташвишлари сабаб бўлгандир. Турмушларинг осон бўлмади-ку ахир. Кейин... унинг соҳаси оғир соҳа, қизим. Айниқса, принцинал одамлар учун...

— Қўйинг шу сўзни, дада. Қобилиятсиз одамларнинг ҳаммаси негандир «принцинал» бўлиб олишади. Менингча, бу сўз улар учун бир қалқон, ўз қобилиятсизликларини яширадиган бир... ниқоб.

Обид Юнусович оғир хўрсинди.

— О, қизим, қизим,— деди у яна боягидай бош чайқаб.— Ҳаёт сен ўйлаганингдан кўра мураккаброқ. Лекин гап бунда ҳам эмас. Наҳот сен унинг таланти учун, шон-шухрати учун турмушга чиққан бўлсанг? Мен... мен ҳайронман, қизим!

Сайёра тилининг учига келган гапни айтолмай пешанасини ишқалади.

— Мен... бошим айланиб қолди, дадажон. Нима деганимни ҳам билмайман... Мени қийнаманг, жон дада!

Обид Юнусович гап тамом бўлганини сезиб, индамай қолди, лекин уйдан чиқишдан олдин ўзини тутолмади шекилли:

— Қарс икки қўлдан чиқади, қизим,— деди яна. — У ҳозир жуда эзилиб юрибди. Шундай пайтда... инсоний масъулият, бурч, адолат деган гап бор. Қанот жуфт бўлади, битта қанот билан қуш парвоз қилолмайди, қизим. Ким билсин, сен ҳозир дўстлик қўлингни чўзсанг, қийналганда суясанг, ёрдам берсанг, балки у ҳам қаддини тутиб олар. Институтда ҳам ишларининг мазаси йўққа ўхшайди. Уйлаб кўр, қизим.

Сайёра индамади. Оловдай қизиб турган миясида исёнкор фикрлар туғён қиларди. «Унинг иши юришган пайти бўлганми ўзи? Қўйинг, дада, мен эзилиб юрган пайтларимда қаёқда юрувди куёвингиз!»

Обид Юнусович бир лаҳза жавоб кутиб тургач, оёқ учида юриб чиқиб кетди.

Сайёра бир неча кунгача дадасининг юзига қарай олмай юрди. У гоҳ тўғри қилдим, деб ўзини ишонтиришга уринар, гоҳ минг хил шубҳаларга бориб васвасага тушар, кечалари Акрамнинг маъюс нигоҳини эслаб, юраги ачишар эди. Лекин ҳафтанинг охирида Шавкатжон телефон қилиб, студиянинг бадий кенгаши бош ролга бир оғиздан уни тасдиқлаганини айтганида, кўнглидаги ҳамма шубҳалари шамол тўзғитган хазондай тўзғиб, дилига офтоб қуйилгандай бўлди. Фақат бир нарса кўнглини хиёл хижил қилди... Шавкатжон: «Яшанг, Сайёрахон! Бу ролга иштиёқ билдирган ўнта профессионал артисткани йўлда қолдирдингиз!» деб кулгандан кейин, афтидан уни хурсанд қилмоқчи бўлиб:

— Айтмоқчи, ажойиб бир қишлоқ топдик!— деди севиниб.— «Бақабулоқ» деган қишлоқ. Кеча вертолётда бориб кўриб келдим. Ўзи тоғ этагида. Ҳаммаёғи боғ-роғ, булоқ, сой. Мисоли бир жаннат дейсиз. Раиси ҳам ажойиб танти йингит экан. Бир маза қиламиз, Сайёрахон... Тайёрлигингизни кўраверинг. Уч-тўрт кунда йўлга чиқамиз...

Сайёра трубкани қўйгандан кейин, қишлоқда бошланадиган гап-сўзни, Акрамнинг қариндош-уруғлари билан бўладиган учрашувини кўз олдига келтириб, бир зум

юраги орқага тортиб кетди. Лекин шу заҳотиёқ ўзини койиб берди: «Улар билан ишим нима? Мен уларни танимайман, улар мени танимайди!»

ОЛТИНЧИ БОБ

Акрам қишлоқдан келган кунёқ Зафар билан учрашмоқчи эди, лекин Зафар ҳам ўз лойиҳасини олиб Зарафшон водийсидаги колхозга кетган экан, тезда қайтавермади.

Акрам енг шимариб ишга киришди.

«...Ишлаш керак. Бу беҳуда ташвиш, майда-чуйда гапларнинг ҳаммасини йиғштириб қўйиб, ишлаш керак. Оламда сендан бошқа хотини билан ажрашган одам йўқми? Ана, ҳозирги ёшларга бир разм сол: бунақа нарсаларни писанд ҳам қилишмайди. Сен бўлсанг... ишлаш керак, ишлаш!»

Акрам қишлоқдан қайтибдики, унинг кўнглига тасалли берадиган, уни овутадиган биттаю битта нарса чиндан ҳам иш бўлиб қолди. Ишлаган пайтларида юрагидаги губор кўтарилар, хаёлидаги оғир ўйлар эсидан чиқиб, дили сал ёришар эди. У бир ҳафтанинг ичида болалар боғчаси биноларининг кўп лойиҳаларини кўриб чиқди. Зафарнинг ишлари билан қайта танишди, танишаркан, қишлоқда чиқарган хулосалари тўғри эканига яна бир марта ишонди: у гарчи уй-жой қурилишида қишлоқ аҳлининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб тўғри қилган бўлса ҳам, катта жамоат биноларига келганда худди шу ният унинг қўлини боғлаб, ижодини, изланишларини чеклаб қўйган экан...

Акрам ўз устахонасига бекиниб олиб ишлаганлари етмагандай, лойиҳаларни кечқурун уйига ҳам кўтариб кетар, кечалари ҳам то уйқуга кетгунча ишлар эди. Чунки ишдан бошини кўтариши билан хаёли яна ўша оғир ўйларга, Сайёрага кетар эди. Энг ёмони, у Сайёрани қанчалик яхши кўришини фақат энди, шаҳарга қайтиб, унинг рад жавобини олганидан кейин, тўғрироғи, уни киночилар орасида кўрганидан кейин тушунди.

Сайёра уни ҳайратда қолдирди: ўтган бир ой ичида, у аллақандай ёшариб, чеҳраси куз офтобидай мулойимлашиб, ёш қизлардай очилиб кетган эди. Шунинг учунми, бошқами, ишқилиб, Сайёранинг «Бақабулоқ»қа бориши ҳақидаги хабар унга айниқса қаттиқ тегди.

Акрам билади: қишлоқ аҳли учун хотини ташлаб кетган йигитдан аянчли одам йўқ! Йигит киши хотинини

қўйиб юборса айтарли айб эмас, лекин йигит кишини хотини ташлаб кетиши, бунинг устига артистка бўлиб, ёш-ёш йигитчаларнинг мақомига йўргалаб юриши... бундан ортиқ ҳақорат бўлиши мумкинми йигит кишининг шаънига!

Акрам қишлоққа борганида ёр-биродарларидан эшитадиган аскияларни: «Э, оғайни, эплай олмаган бўлсангиз, бизга ошириб қўймайсизми жононни!»— каби қочирқларини ўйлаганда аъзойи баданидан ўт чиқиб кетарди.

Акрам бу ўйларининг бачканалигига ўзиям иқрор бўлар, майда-чуйда гаплардан юқори туриши кераклигини тушунар, зотан, олий маълумотли бир зиёли учун бунақа гапларга эътибор беришнинг ўзи уят эканига ҳам ақли етар, лекин буни яхши тушунгани ҳолда бутун борлиғи озор чекар, оғир ўйлар гирдобидан чиқа олмас эди.

...Бугун кечаси Акрам айниқса мижжа қоқмай, хаёлан минг бир кўчага кириб чиқди-ю, эрталаб ўздан қаттиқ ранжиб турди.

Одам деган ҳам шунчалик беқарор бўладими? Бир тўхтамага келиш керак ахир, ё уни кўнглингдан бутунлай чиқариб ташлагину тинч бўл, ё Сайёранинг ўзи билан гаплашиб, масални узил-кесил ҳал қил! Йигит кишига ярашмайди бунақа мужмаллик!..

Акрам бугун биринчи марта балконга чиқиб узоқ физзарядка қилди, кейин ваннага кириб, муздай душга тушди, хоналарни йиғиштирган бўлди ва уйдан енгил тортиб чиқди. Назарида, бугун осмон ҳам одатдагидан тиниқроқ, кўчанинг икки юзидаги акаслар, тол ва терак япроқларидаги чанглар ювилиб, очилиб кетгандай туюлди.

Акрам учраган биринчи таксига ўтириб, киностудияга кетди. Машина темир кўрикдан ўтиб, студияга яқинлашаркан, Акрам Сайёра билан учрашишдан ҳам кўра, уни қандай топишни ўйлаб, ташвишга туша бошлади. Хайрият, такс киностудиянинг дарвозаси олдида тўхтаганда бошқа бир машинадан Сайёра билан Шавкатжон тушиб қолди.

Машинадан тушган Сайёра Акрамни кўриб, бир зум тўхтаб қолди-ю, сўнг тез-тез юриб дарвоза томон йўналди. Акрам, кейин эслаганда ўзиям уяладиган бир шошқалоқлик билан: «Сайёра!»— деб қичқириб юборди.

Унинг овозига ҳамма ўгирилиб қаради, кимдир пиқ этиб кулиб юборди, кимдир елкасини учирди.

Сайёра тўхтаб, ғалати кулимсираётган «соқолга» бир нима деди, кейин орқасига қайтиб кўчанинг у юзига ўтди-да, Комсомол кўлига қараб кетди.

Эғнида тиззасидан сал юқорироқ қилиб тикилган ва хушбичим бўй-бастига ярашиб тушган қора атлас кўйлак, оёғида пошнаси баланд оқ-сариқ туфли, Сайёра бошини сал эгиб, гўё ўтган-кетганларнинг тикилиб қарашларидан иймангандай, бир-бир босиб борар эди. Акрам бир оз орқароқда ер остидан уни кузатиб бораркан, назарида, олти йил бирга турмуш кечирган хотини эмас, худди биринчи марта учрашгандаги Сайёрани кўраётгандай, юраги дам илиқ меҳрга тўлар, дам негадир ачишар эди.

Сайёра темир кўприкдан ўтиб кўлга етгунча лом-мим демади, кўлга киргач, чап кўлдаги хиёбонга бурилди ва холироқ жойга ўтиб, ариқ бўйида тўхтади.

— Нега келдингиз?— Сайёра буни секин сўради, лекин унинг таниш, сал бўғиқ овозида совуқ бир таҳдид бор эди.

Акрам унинг бўйидаги майда соч толаларига, бу толаларнинг орасидаги мошдеккина таниш қора холига тикилиб бир лаҳза жим турди, сўнг ўзини босиб:

— Нега келардим?— деди.— Сиз билан бир гаплашгани келдим...

— Нимани ҳам гаплашасиз? Мен бор гапни дадамларга айтдим-ку...

— Шошманг!— Акрам ҳаяжонини яшириш учун жўрттага кескин гапирди.— Сиз менга бир нарсани аниқ айтинг: бу қилиқларингиз... бунинг ҳаммаси ўша битта шапати учунми, ёки... ёки аввалдан мендан кўнглингиз совиб, шапати бир баҳона бўлдими?

Сайёра тез бурилиб қаради. Унинг катта очилган чиройли кўзларида, сал эгик киприклари орасида милт-милт ёш томчилари ялтиради.

— Бундай дейишга... уялмайсизми? Бирор асосингиз борми бундай дейишга?

— Асосим йўқ... Лекин ҳайронман? Наҳот битта... жанжал учун шунчаликка борсангиз? Мен... мен кечирим сўрашга тайёрман...

— Раҳмат!— деди Сайёра.— Битта жанжалга дейсиз... Мен сизга турмушга чиқиб нима кўрдим? Кўрганим... Қош-қовоғингизга қараб ўтказган кунларимми? Қир-чир, идиш-товоқми? Болага қарашни ҳам, сизга қарашни ҳам билмай... ўқишни ташлашга мажбур бўлганларимми? Қани, айтинг: нима кўрдим сизга тегиб?

Акрам унинг ўксиган боладай лаблари пирпираб уча бошлаганини кўриб, бошини қуйи солди.

— Нима қилай ахир? Турмуш экан. Мен иш билан, диссертация билан банд эдим. Уйловдимки...

— Ҳа, сизга шу диссертация керак эди! Ўз ишингиз, ўз ижодингиз бўлса бўлди сизга! Мен бечора...— Сайёра юзини кафтлари орасига яшириб, яна тескари бурилиб олди.

Акрам ҳозир унга қаттиқ гапирадиган пайт эмаслигини, аксинча юмшоқ муомала қилиш, тушунтириш кераклигини билиб турса ҳам, негадир ўзини тутолмади.

— Наҳот сиз... киночилар, қаторига қўшилсам бўлди, ҳаммаси ўзгариб кетади, деб ўйлайсиз? Бундан бу ёғи турмуш эмас, жаннат бўлади, деб ўйлайсиз?

— Йўқ, жаннат бўлади, деб ўйламайман! Бироқ бошимга тушганини кўраман. Шу. Бошқа гапим йўқ.— Сайёра шундай деди-да, дук-дук босиб, дарвозага қараб кетди.

Акрам кўлда кайиқда сузиб юрган одамларга, таянчлари чўяндай қораётган болаларга тикилиб, ариқ бўйида ўзоқ турди.

У Сайёранинг кўнглида қандайдир бир алам борлигини, шунинг учун ҳам унга нотўғри муомала қилганини сезар, айни замонда, дилида исёнкор бир туйғу уйғонмоқда эди. «Майли. Менга тегиб ёруғлик кўрмаган экан, мендан ажраб ёруғликка чиқсин. Боши осмонга етганини кўраман ҳали!..»

Бу учрашувдан кейин Акрам бир неча кунгача ўзини қаёққа уришини билмай юрди, кўнглига қил сиғмай, ҳатто қўли ишга ҳам бормади қолди. Фақат: «Зафар ишдан кетармиш, унинг ўрнига Акрам бош архитектор бўлармиш», деган миш-мишлар қулоғига чалингандагина, сал хушига келиб, Султоннинг олдига кирди.

Султон министрликка шошиб турган экан (у «ғолиб» чиққани рост бўлса керак, орзи қулоғида аллақандай яшнаб-яшариб кетганди!), шундай бўлса ҳам Акрамни қулоч ёзиб қарши олди.

— Эшитдингми, дўстим?

— Эшитдим. Эшитдиму...

— Табриклайман, оғайни. Докладинг хўжайингайм— мен министрни айтяпман — жа ёқди!..

Акрам қошлари чимирилиб Султоннинг аллақандай ялтйллаб, очилиб кетган силлиқ юзидан кўзини узиб ерга қаради.

— Мен докладни эмас, институтдаги ана у миш-мишларни айтяпман...

— Эҳа, мен бунн ҳали айтмадимми?!— хитоб қилди Султон.— Қора қўйни боқиб семиртиравер, оғайни. Бу масала аллақачон ҳал бўлган! Фақат коллегияда тасдиқланиши қолди, холос. Лекин бу шунчаки расмий бир гап. Ишинг ҳамма чиғириқлардан ўтиб бўлган.

Акрам эътироз билдира бошлаган эди, Султон уни елкасидан кучоқлаб кулди.

— Мен сени мана шу камтарлигинг учун яхши кўранан!— деди у.— Камтарлик яхши фазилат, албатта. Лекин... ўргилиб кетдим Зафарга ўхшаган шуҳратпарастларга йўл очиб берадиган бунақа камтарликдан! Йўқ, оғайни, бу гапларингни миянгдан чиқариб ташла. Масала аллақачон ҳал бўлган. Бирга ишлаймиз. Вассалом.

Акрамнинг пешанасидан тер чиқиб кетди. У қизариб ва қизишиб гапира бошлаган эди. Султон «гапингни эшитишним истамайман», деган маънода қўлига папкасини олди.

— Хўп, мен ҳозир коллегияга шошяпман,— деди у.— Қанча гапинг бўлса кейин гаплашамиз, лекин шуни биллиб қўй: бу илтимосларнинг инбатга олинмайди. Қўйиб беришса мен ҳам бирорта устахонани олиб, ижодий иш билан шуғулланардим. Нима учун мен раҳбарлик ишида ўтирар эканману сен суюкли ижодий ишинг билан шуғулланар экансан. Йўқ, кечирасан, дўстим, сен ҳам менга ўхшаган совет кишисисан! Аравани бирга тортамиз, ҳа!

Акрам кулгисини зўрға яширди.

«Камтарлигим учун яхши кўрармиш. Раҳмат. Камтарлигим учун эмас, Зафарнинг пайини қирқиб, сенга йўл очиб берганим учун яхши кўраётгандирсан!»— деди ичнда.

— Хўп, майли, бошқа кунн гаплашармиз.

Султон сояда кутиб турган «Волга»нинг эшигини очаркан:

— Сен бунақа латтачайнарлик қилма, оғайни. Гап битта, бирга ишлаймиз. Вассалом!

* * *

Эрталаб Акрам ўз кабинетига кириб, энди ишга ўтирган ҳам эди, хаёлини аёл кишининг:

— Акрам Холиқович!.. Бош архитекторнинг олдига кирармишсиз!— деган овози бўлиб юборди.

«Жуда соз. Ҳозир бор гапни айтаман!»

Зафар ҳар хил макетларга тўла узун столнинг тўри-

да, қандайдир чертёжга тикилиб турарди. Акрамга у аллақандай маъюс кўринди.

Зафар унинг қўлини сиқиб кўришаркан, билинар-билинимас кулимсираб қўйди, сўнг кнопкани босиб, секретарь аёлни чақирди ва олдига ҳеч кимни киргизмасликни топширди. Секретарь аёл хонадан чиқаркан, Акрамга зимдан кўз қисди. Бу унинг: «Отдан тушсаям, эгардан тушмаслигини қаранг! Тахтидан айрилиб турибди-ю, яна буйруқ берадилар!» деганини англатарди. Аёлнинг бу имо-ишораларини Зафар ҳам кўриб қолди шекилли, қошлари чимирилиб кулимсиради ва қатъий қилиб:

— Табриклайман, дўстим!— деб қўлини чўзди.— Бош архитекторлик лавозими муборак бўлсин!

— Раҳмат!— деди Акрам. У Зафардан бу гапни кутмагани учун шошиб қолган эди.

— Тўғриси айтсам, мен сенинг бу ишга кўтарилганингдан хурсандман,— деди Зафар.— Чунки... биз бир-биримиз билан қанча баҳслашмайлик, ҳар қалай, бу ижодий баҳс, ижодий гап эди.

— Тўхта...

— Йўқ, аввал менинг гапимни эшит, кейин гапирасан. Мен барибир бу одам билан ишлай олмас эдим,— деди Зафар.— Мен сендан яхши, сендан... пок бўлганим учун эмас, йўқ, шунчаки... Менинг ижодий йўлим тамоман бошқа. Хуллас, ўзим ҳам кетмоқчи бўлиб юрувдим. Мана, аризам ҳам тайёр. Энди эшитсам, кўнглимдагини билгандай аллақачон масаламни ҳал қилиб қўйишибди! Худди кўнглимдаги иш бўлибди, дедим...— Зафар кулимсираб олдидаги бир варақ қоғозни Акрамнинг олдига суриб қўйди.

Акрам қоғозни ўқимай, қайта Зафарнинг олдига сурди.

— Бўлмаса мен ҳам сенга тўғриси айтмай,— деди у.— Мен сенинг ўрнингни эгаллашни истамайман, бунга ҳаққим йўқ, деб ҳисоблайман.

— Ана холос!— деди Зафар қўлини ёзиб.— Айтяпман-ку, мен сендан хафа эмасман, барибир кетмоқчи эдим, деб. Чунки... қишлоқ архитектураси мени унча қизиқтирмайди. Сенинг бу ерга келишинг эса... шубҳасиз бир қадам олдинга босиш бўлади!— кулди у.— Агар ихтиёр менда бўлса... сени ҳатто Султоннинг ўрнига ўтказардим. Чунки бу одам... бу одам учун чинакам ижодий иш, ижодкор кишилар эмас, таъзимни жойинга қўядиган лаганбардорлар керак. Бу одам қондаси билан салом

бермаса энг истеъдодли меъморни ҳам институтдан ҳайдайди!

Акрам пичингдан ўзини тутолмади:

— Демак, сен мени... саломни жойинга қўядиган шахсий лаганбардорларидан бўлади демоқчимсан?

— Ана холос! Мен ҳам кетсам институтдан, сен ҳам кетсанг...

— Хўп,— деди Акрам кескин.— Гапини чўзмайлик. Бояги гапим гап. Агар борди-ю, министрлик сен ҳақда буйруқ чиқарган бўлса... буйруқ чиқарган бўлсаям уни рад қилишларини илтимос қиламан. Сенга битта маслаҳат: аввалам бор, бу аризани берма, агар берган бўлсанг, қайтариб ол!

— Қизиқсан-а? Айтдим-ку, ахир, қишлоқ архитектураси билан унча қизиқмайман деб. Умуман... Ушанда сен ҳақ экансан, ҳар ҳолда мен сенинг танқидингга қулоқ солсам ютқазмас эканман...

— Қўй, гапирма шуни!— деди Акрам, қўл силтаб.— Ҳамма бало шундаки, мен ҳам ўзимга ортиқча баҳо бериб юборибман. Мен буни қишлоққа бориб қурилишни кўрганда тушундим. Тушундиму сендан ёрдам сўрамоқчи бўлиб келдим. Сенинг лойиҳангдан фойдаланиб, баъзи ишларини қайта кўриб чиқадиган бўлдим. Шундай бир пайтда...

Акрам Зафарнинг ёш боладай қизариб кетганини кўриб: «Яхши йигит, билмас эканман-да!»— деди кўнглида.

Зафар чиндан ҳам ўнғайсизланиб, пешанасини қашиди.

— Билмадим, мен ҳам ўшанда сенинг лойиҳангни танқид қилиб тўғри қилдимми, йўқми?— деди у ва кулди.— Чунки ўзинг биласан — мен шаҳарда ўсиб катта бўлганман. Тўғрисиям қишлоқни яхши билмайман. Шунчаки... келажакни ҳисобга олиш керак, деган фикрдан келиб чиққандим ўшанда... Ўзинг биласан, архитекторнинг бахтиям, фожнасиям шундаки, бир қилган иши асрларга кетади...

«Ҳа, яхши йигит. Самимий йигит!» деди Акрам ва кулди:

— Бўлмаса менинг хатонмга сабаб, қишлоқда ўсиб катта бўлганим! Мен бугунги қишлоқ аҳлининг эҳтиёжларини, урф-одатларимизни кўп ўйлабману келажакни ҳисобга олмабман... Замон, ҳаёт қанчалик тез ўзгариб бораётганини яхши ўйламабман. Гап ойна билан бетонни қишлоққа олиб киришда эмас. Мен ҳалиям бўлса ҳаммаёқни бетонлаб ва ойналаб ташлашга қаршиман.

— Тўғри. Ҳамма нарсада меъёр бўлиши керак!

— Менингча, гап бугун меъморчиликнинг энг яхши ютуқларини бизнинг ҳаётимизга, қишлоқ шароитига тўғри тадбиқ этишда!— деди Акрам.— Биз бу ютуқларни миллий меъморчилигимизнинг энг яхши анъаналари билан чамбарчас боғлай олишимиз керак.

— Балли! Лекин бунинг учун институтда чиннакам ижодий муҳит бўлиши керак!— хитоб қилди Зафар.— Чиннакам тортишувлар, баҳс-мунозаралар бўлиши керак. Яратилаётган ҳар бир лойиҳа, айниқса, типовой биноларнинг лойиҳалари кенг муҳокамага қўйилиши керак. Султон бўлса... мунозара деса... обрўйимга путур етади, деб ўйлайди шекилли, оловдан қўрққандай қўрқадди... Йўқ, дўстим, мени кечирасан: мен бу одам билан ишлаша олмайман. У билан кечаю кундуз ёнди-биди қилишиб, олишиб ўтиришга тоқатим йўқ!

Акрам секин бошини чайқадди.

— Институт-чи? Бу катта коллектив-чи?

— Катта коллектив, умуман, институтнинг иши бош архитектордан кўра кўпроқ директорга боғлиқ. Демак, институтда ижодий муҳит бўлиши учун авваламбор директорни ишдан олиш керак. Султонни ишдан олиш учун эса... у билан курашиш керак!

— Сен билан биз бўлсак... курашга ярамаймиз! Шундай демоқчимсан?— кулди Акрам.

— Гап унда эмас!— деди Зафар, ўйчан бош тебратиб.— Узинг ўйлаб кўр, дўстим. Мен бу одамнинг қобилиятсиз бир расмийатчи эканини, унинг бу улкан мансабга лойиқ эмаслигини исбот қилиб, уни ишдан олдиришим учун... камида бир-икки йил умрим кетади. Ушандаям билмадим, голиб чиқаманми ё майиб бўламанми? Чунки унинг кураш тажрибаси катта. Бориники, голиб чиққанимдаям нимани ютаман? Мен учун мансаб эмас, ижод муҳим. Бир-икки йил уни йиқитаман деб, вақтимни, асабимни, кучимни шамолга совургунча, бу куч, асаб, вақт — ҳаммасини ижодий режаларимга бағишлаганим яхши эмасми, оғайни?..

— Бундан чиқди... Энди даврага сен тушасан, мен четга чиқиб томоша қилиб тураман, демоқчимсан?— деди Акрам.— Мени жарга итаряпсан-ку, оғайни!

— Нима ҳам дейман? Агар ҳалитдан тиззаларинг қалтираётган бўлса... олиша кўрма бу йиртқич билан!— кулди Зафар ва гапнинг жиловини буриш учун бўлса керак, тўсатдан:— Бу... киночилардан дарак борми?— деб сўраб қолди.

— Билмадим, суриштирмадим,— деди Акрам ва номсамний гапирганидан қизариб кетди.

— Ҳмм... буларни айтаман: шу кетишда врачликни қўйиб, киноактриса бўлиб кетишмаса дейман-а?

Зафарнинг кулгиси Акрамга сохта туюлди-ю, боя юрагида уйғонган илиқ туйғу сўниб қолди.

«Сенга барибир эмасми?..»

У: «Билмадим», деган маънода елкасини учирди. Зафар ўрнидан туриб, деразанинг олдига ўтди.

— Албатта, ҳозир ҳар кимнинг ихтиёри ўзида,— деди у.— Лекин мен ҳайронман. Афтидан, биз кўп халқлардан бошқача... яхши демоқчи эмасман, йўқ, шунчаки, қонимизга эски урф-одатлар жуда сингиб кетган бошқача бир материалдан ясалган бўлсак керак. Чунки, севги, эр-хотин ўртасидаги муносабатлар эркин бўлиши керак, деб юрган ёш зиёлилардан биттаси мен бўлсам... Нилуфар кинога ўтгандан бери... тиinchимни йўқотдим. Хаёлимга минг хил бемаъни фикрлар келади!— Акрам оғир йўлда йўлдош топган одамдай енгил тортиб ўзича илжайди.— Ё қарий бошлаганимдан шундай бўляпманми?— деди Зафар.

— Сен қарий бошлаган бўлсанг, мен тамом чол бўпман,— кулди Акрам.

— Ҳа, эшитдим,— деди Зафар, лекин шу пайт эшик очилиб, яна секретарь аёл кўринди.

— Акрам Холиқович, сизни Султон Қосимович таклиф қилиптилар.

Аёл яна боягидай бошқача бир маъно билан жилмайди.

— Яхши, ҳозир!— деди Зафар ва Акрамнинг ёнига ўтиб, қўлини чўзди.— Орамиздаги англашилмовчилик йўқолди шекилли. Раҳмат, дўстим.

Акрам бўлакча бир самимият билан унинг қўлини сиқди. Зафар уни эшиккача кузатиб қўяркан, яна бир марта таъкидлади:

— Масала жиддий... агар иш пишган бўлса... йўқ демагин!

* * *

Афтидан, секретарь аёлнинг хушомоди-ю, имо-ишоралари бежиз эмас, Акрамнинг иши ижобий ҳал бўлган бўлса керак, Султон уни кўриб ўрнидан турди ва хонанинг ўртасига чиқиб, елкасига қўлларини қўйди.

— Мана энди қанча гапинг бўлса эшитаман. Лекин аввалдан айтиб қўяй: ҳалиги масала ҳал бўлган. Чин кўнгилдан табриклайман, дўстим!

Акрам елкасидан унинг қўлларини олиб ташлашга ийманиб, ўзини диванга ташлади.

— Тасдиқлашдан олдин коллегияга чақиришадн, демаганмидинг?

— Ҳалиям чақиришадн, кўнглинг тўқ бўлсин. Гап шундаки, шахсий ишинг билан министрнинг ўзи танишиб чиқди. Унга жа маъқул бўлдинг. Министрга маъқул бўлди деган гап, масала ҳал бўлди деган гап! Уқдингми, каллаварам?— Султон серкиприк кўзлари мамнун чақнаб жилмайди.— Хулласи калом... қўлни қўлга бериб бирга ишлашамиз, дўстим. Чунки мен сенга ўзимга ишонгандай ишонаман!

Султон шундай самимият билан гапирди, ўзиям қон томиб турган қип-қизил силлиқ юзнда, чақнаган кўзларида шундай зўр бир шодлик жилва қилардики, Акрам яна боягидай ийманиб ерга қаради.

— Ҳа, одоб юзасидан, мен бу ишни эплай олармикинман, деб, камтарлик қилмоқчимсан?— деди Султон ва қаҳ-қаҳ отиб кулди.— Майли, бундай демасанг ҳам биладан камтарлигингни!

— Гап камтарликда эмас.

— Бўлмаса нимада? Тўхта, ростдан хурсанд эмасмисан?

Акрам унинг таажжуб билан чимирилган қошларига қаради ва яна тилига келган гапни ичига ютди. Уша қон-қонига сингиб кетган қишлоқи одати, бировнинг қўрслигига минг бор ошириб қўрслик қиладиган, лекин салгина самимият учун эриб кетадиган қишлоқи одати яна устун келди-ю, Акрам пешанасидан тер чиқиб, доддираб қолди. У дудуқлана-дудуқлана бош архитектор бўлолмаслигини, чунки, ўзини бу ишга лойиқ деб билмаслигини, зотан, Зафардай истеъдодли архитектор турганда унинг бош архитектор бўлишга ҳаққи йўқлигини тушунтиришга уринди.

Султон, қўллари шимининг чўнтагида, ёш боланинг гапига кулимсирагандай кулимсираб, катта кабинетни бир айланиб чиқди, лекин Зафарнинг исмини эшитиши билан ранги ўчиб тўхтади.

— Майли, оғайни, ишлайсанми, ишламайсанми — ихтиёр ўзингда!— деди у.— Лекин Зафарнинг истеъдоди тўғрисида гапирма менга. Ёш бола эмасман мен! Унинг унча-мунча қобилияти бўлса бордир. Инкор этмайман.

Лекин бош архитектор — бу жуда катта, жуда масъулиятли вазифа. Бу вазифа биргина истеъдод эмас, ташкилотчилик ва раҳбарлик қобилиятини, ниҳоят, агар истасанг, виждоний поклик талаб қилади кишидан. Зафар бўлса... оддий бир демагог ва мансабпараст!

Акрам кинояли кулимсирашдан ўзини тутолмади. Султон буни кўриб бир зум қовоғини солди, лекин овозини кўтармасдан давом этди:

— Мени кечирасан, дўстим, лекин сен ҳозир болалик қиляпсан. Сенда мен айтган қобилият бор... Хўп, пешананг тиришмасин,— кулди у.— Бошқа мақтамайман. Бироқ... ҳайронман, дўстим. Ё сен чиндан ҳам уни билмайсан ё у билан тил топишиб... мен нима дейишимниям билмай қолдим, оғайни...

Акрам юрагида кўтарила бошлаган туғённи зўрға босиб:

— Майли,— деди секин.— Мен ўз ишимда қолай. Ишончинг учун раҳмат.

— Раҳмат эмиш! Бунақа қилигинг бор экан, ўшанда Зафарга қарши бутун бир доклад ёзиб нима қилардинг? Балки мен мажбур қилгандирман бу ишга?

— Йўқ, сен мажбур қилган эмассан,— Акрам ўзини гуноҳкор сезиб, юмшоқ гапиришга тиришди.— Мен сўнгги пайтда ўз ишларим ҳақида, институт ҳақида кўп ўйладим, йўл қўйган хатоларимга тушундим, қишлоққа боргандан кейин тушундим. Тунов кунни буни айтай деб кирсам, гапиртирмадинг...

— Ҳа, албатта, яна мен айбдор! Йўл қўйган хатоларига тушунган эмиш, қишлоққа бориб кўзи очилган эмиш!— Султон ясама хушнуд хахолаб кулди.— Мени ёш бола деб ўйлайсан, чамаси!— у қўлларини столга тираб олдингга энгашди.— Лекин мени аҳмоқ қилолмайсан. Биламан, талантли оғайнинг менинг ўрнимни эгалламоқчи. Биламан, министрликдаям унинг тарафдорлари бор. Сен буни эшитгансан; эшитгансану дарҳол чап бергансан! Келажак уники деб ўйлагансан. Лекин...— Султон лабларининг четиди пайдо бўлган тупукни ялади ва ранги ўчиб ваҳимали шивирлади:— Лекин билиб қўй: ҳамма кекса авлод вакилларини истеъдодсиз мансабпарастлар деб ҳисоблайдиган унақа истеъдодли ёш мансабпарастларга ўз ўрнини бериб қўядиган аҳмоқ йўқ бу ерда! Сенлар шохиди юрсаларинг, Қосимов баргида юради. Ҳа. Унинг министрликда одами бўлса, менинг юқори ташкилотларда қўл-қанот бўладиган ёр-биродарларим бор! Сен унга ишониб чучварани хом санабсан, ҳа!

Акрам ундан ҳар қанақа таъиз, дўқ-писанда кутса ҳам, бунчаликка боришини кутмаган эди. У бир лаҳза нима дейишини билмай шошиб қолди, фақат Султоннинг лабларида пайдо бўлган кўпикни кўргандагина, ижирғаниб ўрнидан туриб кетди.

— Директорлик мартабангни берасанми, йўқми — бу сенинг ишинг! Лекин ҳаммани ўзингга ўхшата кўрма! Ҳаммаям сенга ўхшаган мансаблараст деб ўйлама. Пок одамлар кўп оламда!

Султон ҳолдан кетгандай ўзини юмшоқ креслога ташларкан, лабини буриб жилмайди:

— Пок одамлар деб... ўзингни айтаётган бўлсанг керак?..

— Ҳар ҳолда сени эмас! — Акрам кулимсираб эшикка томон юрди. Йўлакка чиққанида Султоннинг аллақандай ҳорғин товушини эшитди:

— Бошда ҳамма балога ўзинг бош бўлдинг. Энди министрликка кириб бу ёгини ҳам ўзинг ҳал қил!

Акрам тушунмай қолди: Султон уни юпатishi учун айтдими бу гапни ёки министрликда уни қаттиқ қувватлаб, энди нима деб жавоб беришини билмаганин учун айтяптими?

Акрам тўғри министрликка чиқсаммикан, деган хаёлга ҳам борди, лекин ташқарнига чиқиб юзига шабада теккач, олдин бир оз ўйлаб олишга қарор қилди.

Акрам шундай ҳаяжонланган, айни замонда юрагида шундай зўр бир кўтаринкилик бор эдики, троллейбусга чиққисн келмай, соя тушган тротуардан пиёда кетди.

Ҳа, у эртагаёқ министрликка боради. Модомики, министрликда Зафарнинг талантини тан оладиган одамлар бор экан, модомики у ҳақдаги фикрлар икки хил бўлаётган экан, нега энди Акрам чиқиб бор гапни айтмас экан? Султон Қосимовнинг кадр танлаш сиёсатини, ўз атрофига лаганбардорларни йиғаетганини, ҳар бир ангилликка шубҳа билан қарашлари оқибатида институтда вужудга келган оғир вазиятни тушунтирмас экан? Яратилаётган кўп лойиҳалар амалга ошмасдан туриб эскириб қолаётганини, кўп қишлоқларда қурилиб, бугун одамларнинг гашини келтираётган, ҳар бири бир неча миллионга тушаётган сохта монументал клублар, дабдабали бинолар — ҳаммасини-ҳаммасини айтади! Албатта, бу лойиҳаларнинг яратилишида унинг, Акрамнинг ҳам айби бор. У буни тан олади, ўз айбини рад этмайди, лекин яна бир ёш ва истеъдодли ижодкор қурбон бўлиб кетишига йўл қўймайди...

Акрам рўпарадан келаётган йўловчиларнинг ҳайрон бўлиб ўгирилиб қараётганларини сезмай, қўллари билан ғалати ҳаракатлар қилиб, лаблари пичирлаб борар, кишининг дилида фақат кураш истаги уйғота оладиган бўлакча бир дадиллик ва ишонч билан одимлар эди... Ҳа, у бурун мана шундай курашда дадил ва дов-юрак эди! Бирор адолатсизликни кўрганда ҳеч қачон писиб турмас эди! Сўнгги йилларда унга нима бўлди? Сайёрага уйланаман деб, рўзгорни йўлга соламан деб, жуда эзилиб кетди-ку?

Акрам ўзини шундай ёш, кучли, иродали ҳис этдики, бирорта кафега кириб, ёшлар даврасида ўтиргиси келди, сўнг яхшироқ кийиниб чиқиш учун уйга кетди.

Акрам иккинчи қаватга кўтарилаётганда уйдан келаётган телефон овозини эшитди. Зиналардан ҳатлаб, шошиб эшикни очди.

— Акрам ака, сизмисиз? Хайрият, уйда экансиз!..

Акрам Убайнинг ҳаяжондан ўзгариб кетган дўрилдоқ овозини зўрға таниди.

— Ҳа, тинчликми?

— Тинчлик... Сайёрадан ҳеч бир хат-хабар йўқми?

Акрам юраги бир салчиб:

— Йўқ, нима гап ўзи?— деди.— Чўзавермай айт, бир гап бўлса!

— Билмадим... Ҳозир Шоҳистадан телеграмма олдим.

— Хўш?

— Опамлар бахтсиз ҳодисага учради, касалхонада ётибди, тез етиб келдинг, дебди. Шунга...

— Опаси ким? Ҳамидами?

— Ҳа, айтмоқчи, Ҳамида деган опаси бор-а ушнинг? Мен хаёлим Сайёрага кетиб, уйларига телефон қилишга юрагим дов бермади...

— Балки Сайёра... Қанақа бахтсизлик? Нима депти ахир?

— Телеграммада айтиб бўлмагандир-да! Бахтсизликка учради, касалхонада ётибди, тез етиб келинг депти. Шу.

— Ҳмм...— Акрам дсворга суяниб бир нафас ўйла-ниб қолди.— Нима қиласиз, борасизми?

— Ҳа, борамаң. Лекин бугун кечаси газета чиқара-ман. Эртага йўлга тушсам дейман...

— Бўлмаса... Сиздан битта илтимос, ука, етиб бо-

ришингиз билан менга телеграмма берсангиз. Ким бўлсаям, нима бўлсаям анигини билсам.

— Хўп бўлади.

— Сизга оқ йўл, ука.

Акрам трубкани қўйиш ҳам эсидан чиқиб, анча турди...

«Ғалати телеграмма. Сайёрами ё Ҳамидами? Йўқ, Сайёра бўлса аниқроқ айтарди, ота-онасига хабар беринг, дерди. Демак... Ҳамида? Лекин... нима бўлдикин?.. Машина-пашина... ё эри билан уришиб қолиб...»

Акрам кўнглига келган фикрдан ўзиям чўчиб, уйни бир айланиб чиқди... Йўқ, бунақа минг хил хаёлга бориб, ўзини қийнашдан фойда йўқ. Нима бўлсаям, энди Убайдан хабар келганда билади. Агар бирор жиддий гап бўлса... у ҳам бориб келади... Акрам ўйлаб-ўйлаб, ахирини ҳар эҳтимолга қарши министрнинг номига батафсил бир хат ёзишга қарор қилди.

ЕТТИНЧИ БОБ

Сайёра, гарчанд «Бақабулоқ»қа боришларини эшитганида аввал чўчиб, кейин: «Менга нима? Майда-чуйда одамларнинг гап-сўзидан қўрқаманми?» деб, ўзини юпатган бўлса ҳам, йўлга чиққач, юрагига гулгула туша бошлади.

Сайёра Акрамга турмушга чиқиб қишлоққа фақат бир марта борган бўлса ҳам, Акрамнинг қариндош-уруғлари, айниқса, оинси Моҳира хола, укаси Нортожи, колхоз раиси Туробжон ва унинг хотини Малоҳат шаҳарга, уларникига тез-тез тушиб туришар, бир маҳаллар муносабатлари анча самимий эди. Энди, Сайёра улар билан учрашганда ўзини қандай тутати? Айниқса, Моҳира хола билан юз кўришганда нима дейди? Улар-чи? Сайёра эридан чиқиб «артистка» бўлганини эшитса нима дейишади?

Сайёра ўзини қанча койимасин, «майда-чуйда гаплардан юқори туриш керак»лигига ўзини қанча ишонтирмасин, қишлоққа яқинлашган сайин, кўнглидаги хижил тобора ортиб борарди. У айниқса, қайнасан билан бўладиган учрашувдан чўчир, чунки энди ўйлаб қараса, бошидан кўп ғурбатлар ўтган бу муштипар, вазмин аёлдан ҳеч бир ёмонлик кўрмаган экан! Ҳар сафар Моҳира хола шаҳарга тушиб борганида уйлари мисоли қишда офтоб чиққандай ёришиб кетар, бу кич-

кина кампир билан бирга оилаларига аллақандай меҳр-саховат, тотувлик, мулойимлик кириб келарди. Моҳира хола, гарчанд саводсиз бўлса-да, ўқишнинг қадрига етар, ҳамма рўзгор ишларини ўзи саришта қилиб, Сайёрага енгиллик беришга тиришар эди. Нодира эса бувиси борганда боши осмонга стиб, жуда мулойимлашиб, ёқимтой қиз бўлиб қоларди! Рост, бувиси уйларида турган пайтда унинг тили сал бузилар, қишлоқ шевасида гапира бошлар, лекин бунинг эвазига хулқ-атвори жойига тушиб, ипакдек мулойимлашиб қоларди!

Бу ўйлар уни шунчалик ташвишга солиб қўйдик, шаҳардан чиқишда бошқаларга ўхшаб енгсиз кофта билан почаси тор шим кийиб олган Сайёра, машина йўлда, қайси бир боғда тўхташи билан кийимларини ўзгартирди. Эгнига хонатлас қўйлагини кийиб, бошига ҳаворанг дуррачасини боғлаб олди. Бир ҳисобдан шундай қилгани ҳам яхши бўлган экан, чунки қишлоқдаги учрашув у кутганидан ҳам ошиб тушди!

Шаҳардан эрталаб чиққан киностудиянинг тўққиз кишилик енгил машинаси «Бақабулоқ»қа кун ботиб, ғира-шира қоронғилик тушганда кириб борди. Машина колхоз идорасининг олдида тўхтаганида, сиймоқлардаги лампочкалар ёнган эди. Йўлда хиёл кўнгли озган Сайёра, сал ҳушини йиғиб ва сочларини тузатиб, автобусдан чиқаркан, киночиларни кутиб олаётган одамлар орасида турган... Туробжонга кўзи тушди, тушди-ю, юраги «шиғ» этиб тўхтаб қолди.

Раис эгинда енглари биллагигача шимарилган оқ нейлон кўйлак, оёғида бежирим хром этик, бошида тахи бузилмаган янги чуст дўппи, Нилуфарнинг қўлини қўйиб юбормасдан, оппоқ тишларини ярқиратиб, бир нима демоқда эди. Афтидан, у Нилуфарга хушомад қилар, чунки Нилуфар дам Шавкатжонга, дам раисга қараб қотиб-қотиб куларди.

Сайёра шундай довдирадник, агар Шавкатжон «машинадан тушинг», деб имо қилмаганда жойидан жилолмас эди.

Сайёра юзида совуқ бир ифода билан машинадан чиқаркан, унга кўзи тушган Туробжон ҳам бир зум анграйиб қолганини, сўнг даврани ёриб, унга томон юрганни кўрди.

— Э, сизни қайси шамол учирди, Сайёрахон? Бу киночиларга қўшилиб артистка бўп кетмадингизми ишқилиб?

— Ие, танишмисизлар ҳали,— деди Шавкатжон.—

Артисткаям гапми, Сайёрахон киномизда бош роллардан бирини ўйнайдилар.

Туробжон унинг гапини ҳазилга йўйди шекилли, Сайёра билан қўл бериб кўришаркан:

— Бош ролнингизни билмадим-ку, аммо-лекин мен бош врачлик лавозимига чақирганман Сайёрахонни,— деди.— Ойинга икки юз эллик сўлкавой. Бу кишига бош врачлигу хўжайинларига бош архитекторликни берамиз. Бир йилда данғиллама уй-жою тағларида «Волга!» Айтмоқчи, хўжайини қанилар, хўжайини?

— Хўжайинлари герой ролига ўтолмади,— кулди Шавкатжон.— Артист бўлишга истеъдод етишмади у кишида!

Туробжон кўзларини қисиб Сайёрага синовчан тикилди.

— Тинчликми ўзи?

Сайёра қизариб кулди.

— Йўқ, жанжал.

— Эшитмаганмисиз, ранс ака,— гап отди оператор йигит.— Улуғ оилавий уриш бўлиб, Сайёрахон бу уришда ғолиб чиққанлар!

Туробжон унга бир хўмрайиб қаради.

— Хўп, сиз одамларингизни жойлаштиравеинг,— деди у Шавкатжонга, сўнг идора томонга бурилиб:— Полвон!— деб қичқирди.

Сайёра, гўё Туробжоннинг буйруғи билан Полвон унинг қўл-оёғини боғлаб олиб кетадигандай талвасага тушиб, атрофига қаради.

У қишлоқда Моҳира холадан бўлак яна бировни ҳурмат қилса — бу биров Туробжон эди.

Туробжон ҳар сафар шаҳарга ўз «Волга»сида тушиб борар, яна ҳеч қачон қуруқ бормас, ё бир қўйнинг нимтасини, ё бир жуфт-бир жуфт қазни ва бошқа совға-саломлар кўтариб борар, лекин шунда ҳам Сайёрага оқват қилдирмас, эшикдан кирар-кирмасданоқ эр-хотинини энг яхши ресторанларга, театрларга бошлар, умуман, у бориши билан ҳаётнинг бир зайлда кечаётган оқими ўзгарар, кўклагини тошқиндай бебош-беташвиш кунлар бошланиб кетарди. Энди Сайёра ўзи ҳурмат қилган бу одамга оиласи бузилганлигини, эри билан ажрашганини қандай айтади, айтганда ҳам бу одам унга хайрихоҳлик билдирадими?

Даврага Полвон — чўяндек қоп-қора, юм-юмалоқ йигитча кириб келди, эскириб мойин чиқиб кетган фуражкисини бошининг орқасига суриб, Туробжонга юзланди,

— Лаббай, хўжайин!

Туробжон Сайёрага ишора қилди.

— Танидингми, опангни? Балли! Таниган бўлсанг, у кишини уйга, кеннойингнинг олдига обориб қўй!

Шофёр оппоқ тишларини ярқиратиб Сайёрага честь берди.

— Марҳамат, «Волга» ихтиёрларингизда, опажон!

Сайёра нажот қидириб Шавкатжонга қаради ва қизариб:

— Раҳмат, Туроб ака,— деди.— Мен булар билан бирга бўлай.

— Ие, ҳа?— деди Туробжон.— Булардан ажралсангиз бўри еб қўяди деб қўрқяпсизми?

— Йўқ... Шунчаки...

— Нима бўлди ўзи? Тинчликми? Ё... булар айтмоқчи, улуг оилавий уриш бўлгани ростми?

Сайёра бошини эгди, туфлиси билан ер чизиб:

— Ҳозир сўраманг, Туроб ака,— деди секин.— Кейин гапириб бераман ҳаммасини.

— Хўп, жойлашнинглар бўлмаса!—Туробжон шундай деди-да, гўё Сайёранинг рад жавоби учун киночиларнинг ҳаммаси айбдордай, қовоғини солиб, даврадан чиқиб кетди.

У киночиларнинг шарафига боғда зиёфат ташкил қилган экан, ярим соатдан кейин ўша ерга келди. Лекин кўп ўтирмади. Киночиларнинг муваффақияти учун бир қадаҳ кўтарди-да, иш кўп деган баҳона билан ўрнидан турди. Унинг бирдан ўзгариб, тўннини тескари кийиб олишининг сабабини тушунган Сайёра кўнгли хуфтон бўлиб зиёфатнинг ярмидан кетиб қолди.

Эрталаб уни: «Сизни биров чақиряпти» деб, Нилуфар уйғотди. Ҳовлига чиқса Нортожи турибди!

Нортожи ёш бўлса ҳам, акасидан салобатли кўринар, ўзиям қовоғи солиқ, вазмин, синовчан боқарди. У лаблари билинар-билинмас қимирлаб саломлашгач:

— Қишлоққа келибсиз,— деди.— Уй-жойингиз туриб, бу ерда ётишингиз қандоқ бўлди? Ё сизга ёмонлик қилган жойимиз борми?

Сайёра совуққина жавоб бериб қўя қолишга ҳарчанд уринмасини, юраги ўйнаб:

— Йўқ,— деди.— Ёмонлик қилган жойингиз йўқ. Раҳмат!

— Бўлмаса... Ҳайронман. Эл-юрт эшитса нима дейди?

Сайёрага негадир унинг хўмрайиб қарашларидан ҳам шу сўзи қаттиқроқ тегди. У, Нортажи ёш бўлса ҳам қишлоқда қавм-қариндошлари орасида мавқеи баланд эканини, айниқса, эски урф-одатлар, расм-русмларни сақлаш вазидан ҳаммага йўл-йўриқ кўрсатиб юришларини биларди. Бир маҳаллар у ҳатто Сайёрага ҳам ақл ўргатишга ҳаракат қилиб кўрган эди. У пайтларда Сайёра Нортажигга бир нарса деёлмаган эди. Энди эса... Сайёра гапни чўзиб ўтиришни истамай:

— Кечирасиз,— деди совуққина.— Бизнинг қариндош-уруғлик жойимиз қолмади. Акангиз билан орани очиқ қилдик.

Нортажи бир лаҳза юзи ғалати чўзилиб ағрайиб қолди, кейин:

— Бўйдоқ экан,— деди титраб,— қишлоққа келиб нима қилардингиз?

Сайёра ҳам титроқ босиб кулимсиради:

— Худди бу қишлоқни сотиб олгандай гапирасиз-а?

— Қишлоқни сотиб олдим деяпганим йўқ. Бироқ... ахир...— Тўсатдан Нортажининг юзида аллақандай аянчли бир табассум жилва қилди. — Бундоқ экан... одамлар олдида юзимизни ерга қаратиб нима қилардингиз?

— Нега энди одамлар олдида юзингиз ерга қараркан?

— Нима қиласиз ўзингизни гўлликка солиб? Ҳамма нарсага тушуниб туриб гапирасиз-а? Қишлоққа келиб, суратга тушиб!..

— Кечирасиз, менинг суратга тушишим сизларнинг авлод-ажодларингизнинг обрўсига путур етказишини билмабман!

Нортажи гўё унинг заҳарли пичингини сезмагандай:

— Бизнинг ҳурматимиз бўлмаса... ақалли оймларнинг ҳурмати учун шу ишни қилмасангиз бўларди,— деди ва «қилт» ютинди.— Бошқа қишлоқ қуриб қолдими?

У, «ақалли оймлар ҳурмати», деганда Сайёранинг кўнгли бир «жиз» этди-ю, охириги гапи яна фигонини чиқарди.

— Сизлар мен учун уялмасаларингиз ҳам бўлади!— деди у кескин.— Ҳар ҳолда, ҳамма айбни менга тўнкайверншларингиз мумкин. Адабсизлик қилсам мен қилибман. Емон бўлсам мен бўлибман. Шу. Хайр!..

Сайёра буни фигони чиқиб гапирса ҳам, кейинроқ қишлоқни айланганларида негадир яна кўнгли эриб, худди кечагидай хаёлини маъюс ўйлар чулғаб олди.

У: «Менга нима бўлди, қишлоққа келиб кўнглим бўшаб, шалвираб қолдимми?»— деб ўз устидан кулмоқчи бўлар, лекин ихтиёридан зўр бир куч хаёлида илк келинлик йилларини эсига туширар, кўнглининг бир четида ётган ва аллақачон унутилган ёруғ ва ҳазин ҳисларни кўзгар эди. Эсида бор: шаҳарда бўлган тўйнинг иккинчи кунидек улар қишлоққа келган, Моҳира хола билан Нортожи Акрамнинг эътирозларига қарамасдан, қайтадан катта тўй қилиб, бутун қишлоққа ош беришган эди.

Кечқурун сой бўйи карнай-сурнайлар овозидан ларзага келган, Сайёрани Акрамнинг тоғасиникидан отга мингазишиб олиб чиқишган ва гоҳ шўх лапарлар, гоҳ ҳазин ёр-ёр билан бутун қишлоқни бир айлантириб келишган эди. Сойда йигитлар келинни гулхан ёқиб ва йўлларига арқон тутиб қарши олишган, Моҳира хола, кўзларида ёш, Сайёранинг бошидан бир ҳовуч танга сочиб, юзларидан ўпиб кутиб олган эди. Сўнгра Акрамнинг эътирозларига қарамай, келинни чимилдиққа олиб киришган ва тонг отгунча ўйин-кулги қилишган эди.

Эндигина ўн тўққизга кирган Сайёрага бунинг ҳаммаси жуда ғалати ва қизик туюлгани учун ҳам эътироз билдирмаган, аксинча, карнай-сурнай овозлари, қизжувонларнинг ўйноқи лапарлари, маъюс ёр-ёрлари дилини аллақандай ёруғ ҳисларга тўлдириб юборган эди.

Тўйдан кейинги қишлоқда ўтган бир ой-чи? Кечалари боғнинг энг хилват жойида иссиқ бўсалардан чарчаб, кўкка ҳорғин тикилиб ётаркан, Сайёра умрида биринчи марта ғуж-ғуж юлдузларга тўла кенг фалак бутун бир олам эканини тушунган эди. У ўшанда биринчи марта Акрамдан юлдузларнинг номларини эшитган: «Хулкар», «Етти қароқчи», «Сомон йўли», «Юмронқозиқ», «Чўлпон...» Бу сўзларнинг ҳар бири қулоғига ажиб бир мусиқий бўлиб эшитиларди. Сойда бақаларнинг сайраши эса мунис бир куйдай ёқимли туюларди. У тоғ шабадаси таратган ялпиз ва райҳон ҳидларининг ой шуъласида сокин мудраган қоп-қора боғларнинг сирли ва аллақандай ваҳимали гўзаллигини, ҳамма-ҳаммасини илк бор ўшанда, Акрамнинг пинжига кириб, унинг юрак уришларига қулоқ солиб ётган сўлим оқшомларда билган эди. Акрамнинг ўзи-чи? У шундай мулойим, меҳрибон, оловдай оташ ва қўйдай ювош туюларди, ўзиям ширакайф одамлардай, лабидан кулгиси аримай, кун бўйи уйқусираб юрар, одамларнинг кўзларини шамғалат қилиб, Сайёранинг йўлини пойлар, ҳар бир фурсатдан фойдаланиб, уни хилватга тортишга ҳаракат қилар-

ди! Сайёра кечалари унинг эҳтиросли оғушларидан, қон-қонини кўпиртирадиган бўсаларидан чарчаб, мастона ётаркан, бу бахт чексиз-чегарасиз, ўз муҳаббати эса офтобдай абадий туюлар, гоҳо бу бахтдан айрилиб қолишдан чўчиб кечалари уйғониб кетар ва тонг отгунча Акрамнинг қўлларини ушлаб ётарди...“ Ажабо, шунча йиллардан бери бирор марта эсига тушмаган бу эсдаликлар нега қайта эсига тушди? Бу қинғир-қийшиқ кўчалар, уйлар, боғларнинг нима сири бор эканки, унутилган ҳисларини қайта қўзғади?

Машина сойда, сувга эгилиб ўсган жийдалар тагидаги чашма бўйида тўхтаганда, (хайрият, тўғонда тўхтамади, бўлмаса Сайёра эҳтимол Моҳира хола билан учрашиб қолармиди?) ўпкаси тўлиб, кўзига беихтиёр ёш олди.

У машинадан тушди-ю, югуриб тепага чиқди ва жийдазорни оралаб кетди. Нилуфар уни зимдан кузатиб келаётган экан, орқасидан чиқиб, қўлидан ушлади.

— Сизга нима бўлди, Сайёрахон опа?

Сайёра киприкларини тез-тез қоқиб, жилмайди.

— Ҳеч нима, ўзим.. қўявер, Нилуфар...

— Ҳа, ҳа, тушундим, келинлик чоғларингиз, бахтиёр дамларингиз эсингизга тушган!— кулди Нилуфар.— Қўйинг, ўзингизни ўзингиз эзаверманг. Ҳозир чашма бўйида ўтириш қиламиз!

— Майли, сен боравер, мен ҳозир бораман,— Сайёра қўлнини унинг қўлидан тортиб олиб, яна жийдазорни оралаб кетди, кўнгли бир хил бўлиб, анчагача ёлғиз кезиб юрди.

Улар қишлоқни бир айланиб, бригадаларда бўлиб, колхоз боғида фарқ пишган олхўри ва ноклардан қоқиб еб, меҳмонхонага кечқурун қайтишди. Сайёра кўнглидаги эрталабки ғашликлари тарқаб хийла ёзилиб қайтган эди, машинадан тушаётиб... Моҳира холага кўзи тушди-ю, яна бўшашиб кетди.

Моҳира хола, эгнида гўлдор чит кўйлак, бошида оқ дока рўмол, томирлари бўртиб чиққан катта қўлларни тиззасида, меҳмонхонанинг зинасида кичкинагина бўлиб, мунғайиб ўтирарди.

Сайёра қандай кўришшини, ўзини қандай тутишини билмай, тушган жойида қотиб қолди. Моҳира хола эса ҳорғин қўзғалиб ўрнидан турди, ҳазин ва мулойим кулимсираб секин юриб олдига келди ва совуққина кўришмоқчи бўлган Сайёранинг бошидан ушлаб, икки юзидан чўлп-чўлп ўпди.

— Эсон-омон юрибсанми, ойнинг ўргилсин, болам?— деди кампир ва негадир ўпкаси тўлиб кўзига ёш олди.— Набирагиннам, қўзичоғим яхши юриптими?

Бу паканагина, қотмагина кампирни кўрганда, унинг кўз ёшни қилт ютиб, «ойнинг ўргилсин, болагинам» деган таниш мулоим овозини эшитганда, кўнгли эрий бошлаган Сайёра машинадан тушаётган киночиларнинг тикилиб қараётганини сезиб, қовоғини солди.

— Раҳмат... яхши юрибди,— деди совуққина.

Моҳира хола унинг юзига термиллиб қаради ва бир гуноҳ қилиб қўйган одамдай ийманиб:

— Шошиб турибсанми, болам?— деб сўради.

— Ҳа, ойижон,— деди Сайёра ва қизариб кетди.— Бошлиқларимиз шоширишяпти!

Сайёранинг «ойижон»идан Моҳира холанинг юзи бир лаҳза офтоб тушгандай ёришиб кетди.

— У ёқдагилар ҳаммаси эсон-омон юришиптими? Ойинг, даданг чарчамай ишляптиларми?

Сайёра, кампир Акрамни сўрагиси келса ҳам, сўрашдан ийманганини сезиб, бошини эгди.

— Эшитдим,— деди кампир, секин тин олиб.— Нима бўлди ўзи? Сенларга нима бўлди ўзи, болажонларим?

— Майли, ойижон, бўладиган иш бўлди, бўёғи ўчди...

— Нима ҳам дейман? Тагин ўзларинг биласанлар...— Моҳира хола кўз ёшларини рўмолининг учи билан артиб, хўрсинди.— Мен сени ўз қизимдай яхши кўрардим...

— Биладан, ойижон...

— У тентак ҳам... Айтмасаям пайқадим-а, ичидан зил кетиб, жуда-жуда эзилиб юрибди... У қўполлик қилган бўлса... яхши кўрганидан қилган.

Сайёранинг эсига кўлдаги учрашув тушиб, томоғига бир нарса тикилгандай бўлди.

— Майли, ойи...

— Мен нима ҳам дейман? Тагин ўзинг биласан, болам,— деди Моҳира хола.

Сайёра бу учрашувдан кейин, Моҳира хола келмас, деб ўйлаган эди, лекин қайнанаси деярли ҳар куни келадиган бўлди. Аксарият, у Сайёра йўқ пайтларида келар ва гоҳ кўрда кўмилган жўхори сўталарни, гоҳ бир кўза муздай гўжа, гоҳ Сайёра яхши кўрадиган бошқа овқатлардан олиб келиб, каравотининг бошига қўйиб кетарди.

Сайёра олдин кампирнинг бу совға-саломларини кўр-

ганда жаҳли чиқиб юрди, «шу билан совуган кўнглимни қайта иситмоқчим», деб аччиқланди, лекин кейин ўрганиб кетди. У ўйлаб қараса, кампир унинг келинлик пайтларида яхши кўрган овқатларини ҳанузгача унутмаганида бўлакча бир меҳр, соддадиллик ва поклик бор экан...

* * *

Киночилар қишлоққа келиб иш бошлаганларининг бешинчи ё олтинчи куни эди чамаси.

Уша куни Сайёра съёмкадан чарчаб, иш бошлагандан бери аллақандай ўзгариб, жуда димоғдор бўлиб кетган Шавкатжоннинг одамларга қилган дағал муомаласи ва бақириб-чақиришларидан ранжиб қайтди. У ҳатто Шавкатжон таклиф қилган зиёфатга ҳам бормай, эрта ётиб қолди. Бир маҳал — вақт тун ярмидан ошиб кетган эди чамаси — эшик қаттиқ тақиллади.

Зиёфатдан ҳозиргина қайтган ва ҳали уйқуга кетмаган Нилуфар жаҳли чиқиб:

— Бу ким тагин?— деб сўраган эди, эшик орқасидан:

— Сайёра опамлар бормилар? Бор бўлсалар чақириб юборинг!— деган овоз эшитилди.— Раис акамлар кутиб турибдилар!

— Раис акангиз... ярим кечада нима қиладилар Сайёра опангизни?— деди Нилуфар.

— Буни раис акамларнинг ўзларидан сўрайсиз, опажон!— Бу сафар Сайёра овоз эгасини таниди. У Туробжоннинг шофёри Полвон эди.

Сайёра Нилуфарнинг бачкана ҳазилига чек қўйиш учун:

— Ҳозир чиқаман, бораверинг,— деди-да, туриб кийина бошлади.

Туробжон, қўлларни орқасида, нимадандир бетоқат, кўчадаги симёғочнинг тагида наридан-бери юриб турарди.

— Уйқунгизни бузганим учун кечирасиз, Сайёра-хон,— деди у.— Малол келмаса бир жойга борамиз. За-рур бир иш чиқиб қолди.

— Қанақа иш экан тун ярмида?

— Ҳар ҳолда зиёфат-пиёфат эмас!— деди Туробжон нимагадир шама қилиб, лекин ҳазили қўпол чиққанини сезиб, дарҳол қўшимча қилди:— Мен ТошМИни битирганингиз эсимга тушиб, ёрдам сўраб келдим. Битта йигитимиз хотини билан ҳазиллашаман деб, аҳмоқлик қилиб қўйибди... Пичоқ урганми, нима бало! Аксига

олиб, касалхонамизнинг врачлари отпусканида эди, сизга келдим, врач деган дипломингизни оқлармикинсиз деб!

— Пичоқ урган бўлса... мен нима қила оламан?— деди Сайёра.

— Нима қилардингиз? Ёрдам берасиз! ТошМИни битирганингиз ростми ахир ё биздан яшириб артистликка ўқиб юрганмидингиз?

— Хўп, ҳозир кийиниб чиқаман,— деди Сайёра.

Ҳа, яшанг. Гап мана бунақа бўпти!..

Бир қаватли пасқамгина касалхонанинг ярим қоронғи йўлкасида — чироқлар негадир жуда хира ёнарди — Сайёрани дағ-дағ титраган Шоҳиста билан узун бўйли, йиғитлардай кенг яғринли ҳамшира хотин кутиб олди.

Шоҳиста Сайёрани кўриши билан унинг қучоғига отилди-ю: «Опамлар, опамларни!..»— деб йиғлаб юборди.

Сайёра унинг елкасини қоқиб тинчитган бўлди-да, ичкариги хонага ўтди.

Эри «ҳазиллашган» жувон ярим қоронғи, лекин кенг чорси хонанинг тўрида, сим каравотда чалқанча ётар, боши дока билан ўралган кўзлари юмуқ, секин инграр эди.

— Каттароқ лампочка борми? Йўқ бўлса... настольний лампани ёқинг! Тезроқ!..

Сайёра каравотнинг ёнига ўтди, жувон танишдек кўриниб, унинг юзига эгилиб қаради ва ғалати бўлиб кетди. Серкиприк кўзларини очмай, оғир нафас олиб ётган бу ёш жувон... Ҳамида эди!

Сайёра Шоҳистанинг ўксиб-ўксиб йиғлашларига ҳам эндигина тушунди. Негадир тўй бўлган йили бу чиройли жувонни ёшлигида Акрам яхши кўрганини эшитиб, рашк қилганлари эсига тушди... У каравотнинг четига ўтириб, Ҳамиданинг қўлини олди ва томирини ушлади.

Ҳамида кўзини очди ва чуқур хўрсиниб, бир зум тикилиб қолди, сўнг у ҳам Сайёрани таниди шекилли, безовта бўлиб тўлғанди.

— Безовта бўлманг, тинчланинг, опажон, тинчланинг...

Сайёра пиқ-пиқ йиғлаётган Шоҳистани чиқариб юборди ва узун бўйли ҳамшира хотиннинг ёрдамида палапартиш боғланган докаларни ечиб, Ҳамиданинг яраларини кўздан кечирди.

Жувон боши ёрилган, елкаси ва биқинидан пичоқ еган эди. Хайрият, боши билан елкасидаги яралари

оғир эмас, лекин биқинига, тўғрироғи, қўлтиғининг тағига теккан пичоқ қовурғага бориб тақалган, бунинг устига яралари тез ва яхши боғланмагани учун бўлса керак, анча қон кетиб, бемор ҳолсизланиб қолган эди.

— Яраларга тампон қўйинг, қон кетмасин. Қоқшолга қарши дори борми? Тез укол қилинг! Мен ҳозир кираман...

Сайёра йўлакда термилиб турган Шоҳистанинг саволига жавоб бермай, ҳовлига чиқди.

Уни кутиб, айланиб юрган Туробжон чошиб келди.

— Хўш, қалай, тинчликми, Сайёрахон?

— Яраси оғир эмасу тикиш керак. Шаҳардан хирург чақиролмайсизми?

— Хирург дейсизми? Ярим кечада... Шаҳар узоқ...— деди Туробжон.— Яраси оғир бўлмаса... ўзингиз эплай қолмайсизми?

— Билмадим. Мен биринчи марта...

— Бир иложини қилинг. Тун ярмида шаҳарга чошиб қийналиб юрмайлик. Хирургдан бошқа... нима керак десангиз ҳаммасини топиб бераман, Сайёрахон...

Сайёра кўнглидаги журъатсизликни енголмай:

— Билмадим, қандоқ бўларкин,— деди.— Шошмангчи, тикадиган асбоб-ускуналарни суриштириб кўрай!— деди.

Туробжон унинг орқасидан:

— Бир иложини қилинг, анқонинг тухумини десангиз ҳам топиб бераман!— деб ёлвориб қолди.

Сайёра дилида уйғонган қандайдир бир журъат ва ишончдан ўзиям ҳаяжонланиб, ичкарига кирди, йўлакда ҳамон йиғлаб турган Шоҳистани кўриб, тўсатдан бақариб берди:

— Қим айтади сени врачликка ўқийди деб! Бор, ҳамшира опанга ёрдам бер! Хирург йўқ. Ҳамма ишни ўзимиз қиламиз!— Сайёра кейин эслаганда, ўзиям ҳайрон қолган совуқ бир журъат билан ишга киришди.

Унинг бахтига ҳамшира хотин ўз ишга пухта ва анча тажрибали экан, сўраган нарсаларини оғзидан чиқмасдан тахт қилиб, яхши маслаҳатлар бериб турди. Шундай бўлса ҳам, Ҳамида кўп қон йўқотгани учунми, бошқами, ишқилиб, улар яраларини ювиб-тозалаб, тикиб бўлгунча икки марта ҳушидан кетиб, Сайёрани анча шоширди. Операция тугаб-тугамасданоқ иситмаси кўтарилиб, алаҳлай бошлади.

Сайёра ҳамшира хотинга анализ учун қон олишни топшириб, ўзи яна Туробжоннинг олдига чиқди.

Туробжон уни кутиб, ҳамон ҳовлида асабий айланиб юрарди. Сайёранинг гапини эшитиб, олдин елкасидан тоғ ағдарилгандай «уф» деди-ю, кейин унинг қўлини тутиб қаттиқ сиқди.

— Бир литр тугул, ўн литр қон десангиз ҳам эрталабгача топтириб бераман. Яшанг, Сайёрахон!

У машинага қараб чопмоқчи эди, Сайёра тўхтатди:

— Шошманг, ҳали қонини лабораторияга анализга топширамиз. Аввал группасини аниқлаш керак, ахир!

— Хўп бўлади. Сиз нима десангиз шунга тахт турамиз-да, Сайёрахон!— хитоб қилди Туробжон.— Ростини айтсам... артистка бўп келганингизни кўриб, жаҳлим чиқувди, буни қаранг, оғир аҳволдан қутқардингиз-а!

Сайёра бу гапларнинг маъносига беш-олти кундан кейин тушунди, шу топда эса, Ҳамиданинг ташвиши билан бўлиб, эътибор ҳам бермади.

* * *

Туробжон ваъдасининг устидан чиқди: эрталаб соат тўққизлар чамаси Полвон бир литр қон ва Сайёра айтган ҳамма дори-дармонларни олиб келиб ташлаб кетди.

Ҳамида ҳамон ҳарорати тушмай, алаҳлаб ётарди. Сайёра эса кечаси Туробжонга «йўқ» деёлмай ортиқча дадиллик қилганидан пушаймон чекиб, қўрқиб ўтирган эди, дарҳол қон қуйишга аҳд қилди. Улар асбоб-ускуналарни тайёрлаб бўлиб, энди Ҳамиданинг ёнига келганларида, бир иш билан ташқарига чиққан Шоҳиста, шошиб қайтиб кирди ва худди генерални кўрган ёш солдатдай ҳовлиқиб:

— Сайёра опа! Сайёра опа!— деди. — Режиссёр келди. Сизни чақиряптилар!

Сайёра унга ҳайрон бўлиб қаради (мунча қўрқмасан!) ва силтаб ташлади:

— Бор, чиқиб айт, ҳозир вақтим йўқ. Керак бўлса кейинроқ келсин.

Ярим соатча ўтди. Сайёра Ҳамида билан обора бўлиб, Шавкатжон эсидан ҳам чиққан экан, Шоҳиста қўрқибгина яна эслатди:

— Режиссёр кетмасдан, сизни кутиб ўтирибдилар, опа.

Шавкатжон, қовоғи солиқ, қишлоққа келгандан кейин бир қарич ўсиб, жингалак бўлиб кетган жигарранг соқолини силаб, ҳовлида айланиб юрарди. Сайёрани кўриб, пичинг қилди:

— Тунов кун и ранс акамлар айтган икки юз эллик сўлкавойга учганмисиз дейман, кинони ташлаб, касал-конага келиб қолибсиз!

— Ҳа,— деди Сайёра.— Яхши бузоқ икки онани эмади. Мен ҳам икки томондан пул ишламоқчиман, сиздан ҳам, рансдан ҳам.

— Нима гап, тинчликми ўзи?— деди Шавкатжон.

— Шу... бир жувон эри... уриб, оғир аҳволда келибди. Шунга врачлари отпусада экан, кечаси чақиртириб қолишди... Шоҳиста айтмадимми?

Шавкатжон унинг саволини эшитмадими ё эшитса ҳам эшитмаганликка олдим, ишқилиб, соқолини асабий тимдалаб, елкасини учирди.

— Албатта, бундай пайтда ёрдам бермасдан илож йўқ,— деди.— Гуманизм яхши нарса... Лекин... съёмкани нима қиламиз?

— Билмасам,— деди Сайёра,— кўриб турибсиз-ку!..

— Ҳмм... Шавкатжон бошини қашиди.— Кўришга кўриб турибману, лекин... биз нима қиламиз? Съёмкани тўхтатиб бўлмайди, ахир!

Сайёра индамай унинг юзига тикилиб қолди. У Шавкатжон оғир аҳволда қолганини тушуниб турар, съёмкани тўхтатиб қўйгани учун ўзиям хижолат чекар, айни замонда режиссёрнинг гаплари гашини келтирмоқда эди. Ахир... съёмка қанчалик муҳим бўлмасин, наҳот Сайёра ҳозир ёш бир жувоннинг ҳаёти учун курашаётганини у тушунмаса? Ўзи инсоний муносабат ҳақида, хотин-қизларга нисбатан меҳр-муҳаббат тўғрисида асар яратаётган бўлса-ю, яна бунга қарши гапларни гапирса?..

— Мен билмадим,— деди Сайёра.— Съёмка бир-икки кун тўхтаса ҳеч нима қилмас. Бироқ бу аёлга бир нима бўлса...

— Бугун бу аёл, эртага яна биттаси шунақа бўлиб келса... биз ўтирар эканмиз-да сизнинг врачлик санъатингизни томоша қилиб?

— Менга врачлик санъатини кўрсатишга йўл бўлсин ҳали?— деди Сайёра ўқиб.— Шунчаки бу жувон оғир аҳволда қолгани учун... ноилж эдим. Ахир, инсон турганда...

— Яна инсон!..—«Соқол» гўё баданига совуқ бир нарса теккандай ижирганиб, юзини бужмайтирди.—Худо ҳаққи, баландпарвоз гапларни қўйинг, Сайёрахон! Бунчалик ғамхўр экансиз, бошда врач бўлиб келаверсангиз бўларди, артиетликка қизиқиб, бизни чалғитиб нима қи-

ласиз?— Шавкатжон шундай деб Сайёрага қаради-ю, унинг ранги ўчиб, лаблари пирпирай бошлаганини кўриб, паст тушди:— Кечирасиз, Сайёрахон, асаблар бузилган... Майли, беморга қаранг!..

Сайёра титроқ босиб, унинг орқасидан тикилганича узоқ турди. У «Соқол»нинг аҳволини, шу топда элликолтмиш одам ишсиз ўтирганини ўйлаб, уни оқлагиси келар, лекин ичкарида оловда ётган Ҳамидани кўз олдига келтириши билан бунинг ҳаммаси кўзига арзиманган бир нарса бўлиб кўринарди. У тушгача шу аҳволда ўзи билан ўзи олишиб юрди, сўнг Ҳамида сал тинчиб, уйқуга кетгач, унинг ёнида ҳамшира хотин билан Шоҳистани қолдириб, съёмкага кетди.

Шавкатжон бугун ундан умидни узиб, бошқа эпизодни суратга олиш учун янги декорация қидириш билан банд эди. Сайёрани кўриб қувониб кетди, эрталаб айтган гаплари учун кечирим сўраб, дарҳол суратга олишга тайёргарлик кўра бошлади. Лекин Сайёра кечаси билан ухламай ҳаяжонда юриб чиққани учунми, бошқами, қанча уринмасин, иши юришмади. Унинг гаплари қовушмас, хатти-ҳаракатлари ланж ва ясама чиқарди. Етти-саккиз дублдан биттаси ҳам яхши чиқмагандан кейин, Шавкатжон охири хуноб бўлиб қаёққадир кетиб қолди. У ярим соатларча аллақерларда юриб, шаштидан тушиб қайтди ва Сайёрага қарамай:

— Сизга бир-икки кунга рухсат,— деди.— Биз бошқа бир эпизодни суратга олиб турамыз. Сиз беморингизни даволаб, сценарийни пухта ўқиб, ҳолатга кириб келинг.

* * *

Бу гандан кейин киночилар бир неча кунгача Сайёрани «эсдан чиқариб» қўйишди. Сайёра ҳам улар мени эсдан чиқариб қўйишди, деб эзилмас эди. У энди ёлғиз Ҳамида эмас, бошқа касалларни ҳам қабул қилар, оғирроқ беморларни шаҳарга жўнатар, енгилларига доридармон ёзиб берар, хуллас, ўзи ҳам сезмаган ҳолда, бош врач вазифасини бажара бошлаган эди.

Ҳамида, гарчи яралари куннинг иссиғида тез-тез боғлаб, дорилаб туришни талаб қилса ҳам, умумий ҳолати ёмон эмас, иситмаси пасайиб, алаҳлашлари тўхтаган эди. Сайёрани энди фақат битта нарса ташвишга солар, у ҳам бўлса Ҳамида сира гапирмас, икки кўзи шифтда, эртаю кеч аллақандай мунгли ўйлар гирдобида чарх урар эди. Касалхонанинг ҳамширалари тугул синглиси Шоҳиста, ҳатто онаси билан отасига ҳам

бир оғиз гапирмас, гўё тилидан айрилиб, гумроҳ бўлиб қолган одамдай, сукут сақлар эди. Сайёра олдин бунни хафаликка йўйган ва тезда ўтиб кетар, деб ўйлаган эди. Лекин худди гумроҳликка ўхшаган бу ғалати ҳолат чўзилиб кетгач, безовталана бошлади. Оғир бир руҳий ўзгариш рўй бермаганмикин, деган хаёлга бориб, ҳатто шаҳардан психиатор чақиртиришни ҳам ўйлай бошладди.

Шундай серташвиш кунларнинг бирида Сайёра, Ҳамида билан яна бир гаплашиб кўрай, деб кечқурун унинг олдида кирди.

Ҳамида торроқ бўлса ҳам, офтоб тушмайдиган салқин хонанинг тўрида, парда тутилган очиқ деразанинг олдидаги каравотда, одатдагидай ғамгин кўзларини шифтга тикиб, хаёлга чўмиб ётарди. Ярим қоронғи хонада унинг озғин рангпар юзи осойишта кўринар, фақат сўррайиб қолган қирра бурни унинг дармонсизлигидан далолат берарди.

Сайёра стулни яқинроқ суриб, Ҳамиданинг дока билан ўралган ўнг қўлига — у пичоққа тармашаман деб, бош бармоғини кесиб олган эди — қўлини қўйди.

— Ҳамидахон, тузукмисиз энди? Менга айтадиган бирорта гапингиз, илтимосингиз йўқми мабодо?

Ҳамида кўзини шифтдан узиб, Сайёранинг юзига узоқ ва аллақандай синовчан тикилди, сўнг индамай яна четга қаради, унинг узун; эгик киприклари орасида ёш томчилари милтирарди. Сайёра вужудини қалтироқ босиб:

— Ҳамидахон,— деди ёлвориб.— Айтнинг ахир: нима қилайлик, нима бўлди ўзи? Кўнглингизда бир гапингиз бўлса яширманг. Қасал одам дардини ичига ютса яхши бўлмайди...

Ҳамида қилт ютинди, кўзларини шифтдан узмай секин деди:

— Нима бўлганини кўриб турибсиз-ку, нимасини сўрайсиз тағин?

Сайёра енгил тортиб, чуқур тин олди, айни замонда аёлнинг овозидаги мунг, айтилмаган дардларга тўланадиган унни титратиб юборди.

— Кўриб турибман,— деди у яқинроқ сурилиб.— Кўриб турибман, Ҳамидахон. Сизни бу аҳволга солган одам ўз жазосини тартади. Фақат сиз... сиз бунчалик эзилманг, онажон!..

Ҳамида бошини секин чайқади, пастки лабини тишлаб, совуқ қулимсиради.

— Унга жазо берадиган ким? Сизми?

— Мен бўлмасам... сиз унинг жазога тортилишига ишонмайсизми? Нега бундай дейсиз?

— Нега десангиз, нега десангиз у, унинг...— Ҳамида гапиргиси келмагандай юзини тескари бурди, кейин гўё Сайёрадан жаҳли чиққандай:— Қўйинг,— деди кескин.— Сиз барибир тушунмайсиз!..

Сайёра қўлини унинг қўлидан секин чиқариб олди, қандайдир ранжиб:

— Балки тушунмасман, — деди. — Майли, кўнглингизни очингиз келмаса... зўрламайман. Ихтиёр ўзингизда, Ҳамидахон. Бироқ нега энди ҳеч ким унинг жазосини беролмайди, деб ўйлайсиз? Агар айб сизда бўлса ҳам, унинг пичоқ кўтариши...

Ҳамида ялт этиб қаради, маънос кўзларида кутилмаган бир ўт чақнаб:

— Мен нима гуноҳ қилибман?— деди куйиниб.— Гуноҳим ранс оғайниларининг қилиқлари жонимдан ўтиб кетганидан кейин... Акрам акамлар... сизнинг хўжайинингиз келганларида бир оғиз арз қилиб борганимми? Шунга шунча рашк қилиб...

«Ҳоо?..»— Бир зумгина Сайёранинг дилида рашкка ўхшаш бир туйғу уйғонди-ю, Ҳамида кўз ёшларини артмай, пиқ-пиқ йиғлаб юборганини кўриб, ўзидан гижинди.

— Акрам акамлар билан ёшликда сал кўнгли қўйишгандек бўлувдик... Хаёлингизга бир нарса келмасин, Сайёрахон! Худо билади — сутдек покмиз. У бўлса... ўн йил бўптики... юзимга солади, кечаю кундуз рашк қилиб, азоб беради... Не кўйларга солмади бу одам! Не савдоларни кўрмади бу бошим! Қалтакнинг дастидан қуроқ бўлиб кетди бу шўрлик танам...

— Нега... ажраша қолмадингиз? Нега арз қилмадингиз?— деди Сайёра титраб.

Ҳамида бошини чайқаб, хўрсинди.

— Арз қилганда бошим ссмонга етармиди? Уч болани отасиз тирик етим қолдириб, қаёққа ҳам борардим?..— деди Ҳамида ва аллақандай аламли бир товуш билан қўшимча қилди:— Ёўқ, сиз бахтли хотин!.. Тушунмайсиз бунга...

Сайёра негадир Акрамнинг шапатиси эсига тушиб, кинояли кулимсиради.

— Ҳа, бировнинг дардини биров билавермайди,— деди Сайёра ва Ҳамидага билдирмай секин тин олди.— Бироқ... бола деб ўз жонингизга қасд қиласизми, Ҳамидахон?

— Қасд қилганимни энди тушундим. Пичоқ суякка бориб тақалганда тушундим. Бироқ... нима қиламан? Гапимга ким қулоқ солади? Сиз билмайсиз... Раисдай оғайниси турганда бало ҳам келмайди унга!— Ҳамида бошини кўрпага ўраб жим қолди.

Тўсатдан Сайёранинг кўз олдига ўша кеча нимадан-дир бетоқат бўлиб, ҳовлида асабий айланиб юрган Туробжон келди, қулоқлари остида унинг: «Раҳмат сизга, Сайёрахон, оғир аҳволдан қутқардингиз!»— деган гаплари янграб кетгандай бўлди-ю, секин ўрнидан турди.

Кун ботган, сояга чўмган қишлоқ кўчалари деярли кимсасиз, лекин пахса деворлар орқасидаги ҳовлилардан қўй-қўзиларнинг маъраши эшитилар, болаларнинг йиғини, аёлларнинг қарғанган овозлари келар, бунинг ҳаммаси қовурилган пиёз, сут, райҳон ва тезак ҳидига қўшилиб, кишининг дилида аллақандай маъюс ва илиқ туйғулар қўзғатарди...

Сайёра дам Ҳамиданинг: «Сиз бахтли хотин, тушунмайсиз бунга», деган гаплари эсига тушиб, ғамгин кулимсираб қўяр («Мен бахтлиманми, йўқми, сиз қаёқдан биласиз, Ҳамидахон?»), дам унинг, «Уч боламни тирик етим қолдириб, қаёққа ҳам борардим?» деганларини ўйлаб кўз олдига негадир қизи Нодира келарди...

Туробжон бригадирлар билан мажлис ўтказаетган экан, қабулхонада ўтирган секретарь қиз олдига кириб, Сайёра келганини айтиб чиқди. Сал ўтмай, одамлар тарқала бошлади. Унинг чақиринини кутмай ўрнидан турган Сайёра эшикда пайдо бўлган новча, хушбичим қорайиғитни кўриб, беихтиёр тўхтаб қолди. «Уша! Содиқвой!»

Содиқвой ҳам уни кўриб, эшикда тўхтади, сўнг хром этигини ғарч-ғурч босиб олдига келди, шляпасини пешанасига қия қўндириб илжайди:

— Салом, дўхтир опа!

Сайёра жавоб бермай, ёнидан ўтиб кетмоқчи эди, яна илжайиб олдини тўсди.

— Биздақа золим эрлар — хотинларга бой-феодалларча муомала қиладиган, эскилик сарқитлари билан саломлашишниям хоҳламайдилар-да, а, дўхтир опа?

Сайёра юзидан қони қочиб:

— Нима қиласиз ўзингизни гўлликка солиб?— деди.— Қилгуликни қилиб қўйиб, яна бачканаликни қўймайсиз?

Содиқвой ўзини бепарво кўрсатишга тиришса ҳам, юзида аллақандай аянчли табассум жилва қилди.

— Биз бачкана бўпмизми ҳали?— деди у ва уф тортиб қўл силтади.— Эҳ, опажон, опажон! Сиз ниманиям билардингиз? Бизни таъна қилишдан олдин...

— Мен билмайман, билгим ҳам келмайди!— деди Сайёра кескин.— Лекин сизга битта маслаҳатим бор: қилгуликни қилдингизми, думингизни ликиллатманг! Мард бўлинг! Ҳа!..

— Аввал бизниям дардимизни бир эшитинг, кейин кўкракка қўштинг милтиқни тираб, отсангиз ҳам майли, опажон!

Содиқвой, гўё юрагини ўт олаётгандай кўкрагини силаб Сайёрага яқинлаша бошлади, хайрият, шу пайт эшик очилиб, остонада Туробжон кўринди.

— Нима гап? Тағий ўйин кўрсатяпсанми, Содиқвой?

— Мана, кўрмайсизми, дўхтир опамлар...

— Бор, ишингни қил!— деди Туробжон кескин.— Қани, бу ёққа марҳамат, Сайёрахон!

Сайёра, хўжайиннинг буйруғини эшитиб, писиб қолган кучукдай жилпанглаб қолган Содиқвойнинг ёнидан ўтиб, раиснинг хонасига кирди.

Туробжон хонада паға-паға сузиб юрган тамаки тутунини сочиқ билан елпиб деразаларни очиб юборди, кейин четдаги пастаккина столни Сайёра ўтирган диванга яқинроқ суриб, ўзиям ўтирди. Кетма-кет секретарь қиз катта патнисда чой-нон, тилладай товланган анжир ва ўзум олиб кирди.

Туробжон Сайёрага чой қуйиб узатаркан, ҳазиллашди:

— Докторлик хуш келиб кинони тарк этибсиз, деб эшитдим, табриклайман, Сайёрахон!

— Раҳмат.

— Балли, тўғри қилибсиз. Докторлик турганда киноям иш бўлдимми? Ҳалиям бўлса ўйлаб кўринг. Мана, жаннатдай жой. Тунов куни хўжайинингизга ҳам айтдим, қўй ўша шахрингни, кўчиб кел деб! Акрамвой бош архитектор, сиз бош врач — ётинглар давру давронни суриб!.. Ҳа, нега юзингизни бурасиз? Бугун уришиб қолган бўлсаларинг, эртага ярашиб кетасизлар... Эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши, лаббай?

— Майли, ишдан гапирайлик,— деди Сайёра бошини кўтармай.

— Марҳамат,— деди Туробжон ва кулди.— Йўқ, тўғриси ҳам ишингиздан жуда хурсандмиз. Мен бошда бунчалик қийқиб кетасиз, деб ўйламовдим. Фақат бит-

та илтимос: шу... бюллетень-мюллетень деган нарсалар-га эҳтиёт бўласиз.

— Мен бош врач эмасманки, бировга бюллетень берсам. Шунчаки... Ҳамидахоннинг ёнида ўтиргандан кейин, кирган аёлларни қабул қилмасдан кайтариб юборгим келмади.

— Йўқ-йўқ, жуда тўғри қилгансиз. Раҳмат, сизга, Сайёрахон. Мен ҳам шунчаки билиб қўйинг деярман-да! Ҳозир долзарб пайт. Ишчи кучи етишмайди...

— Ишчи кучи етишмайди деб, ҳомиладор аёлларни кетмонга соласизми?

— Мен кетмонга соламан дедимми, оббо сизни-ей? Шунчаки, эҳтиёт бўлинг, касал деб, ишқечмас дангасаларниям ишдан бўшатиб юрманг дедим холос!— Туробжон қўлларини ёзиб хохолаб кулди.— Бир гап айтсанг дарров гап тагидан гап қидирасизлар... Хўп, сиз нима десангиз биз шунга туриб берамиз, Сайёрахон!

Сайёра кулди.

— Тилингизда мақтасангиз ҳам, дилингизда мендан қутулолмай турганга ўхшайсиз...

— Йўқ-йўқ...

— Майли. Эрта-индин Ҳамидахон оёққа турса... ўз ишимга кетаман.

— Ҳалиям кўнглим кинода денг?

— Бормасам балога қоларман улардан!

— Ушалардан келадиган балони каминага қўйиб беринг, Сайёрахон!..

— Майли, бу гапдан фойда йўқ!— деди Сайёра жиддийлашиб.— Мен сизга... Ҳамидахон тўғрисида гап-лашгани келувдим.

— Хўш?

— Бу иш босди-босди бўлиб кетадими, ё... аёл кишига қўл кўтарган бу номард ўз жазосини тортадими? У киши... худди ҳеч нарса бўлмагандай юрибди-ку талтайиб. Ҳайронман. На милиция, на бошқаси...

— Қўрқманг, милиция кетига тушган жойда мен уни кафилга олдим.

— Сиз? Бундан чиқди...

— Шошманг, сизга битта саволим бор, Сайёрахон... — Туробжоннинг чеҳрасидаги табассум сўниб қошлари чимирилди, қорачадан келган чиройли узунчоқ юзида шиддатли бир ифода пайдо бўлди.

— Кечирасиз, Сайёрахон,— деди у секин.— Узингиздан чиққан фикрми бу ё бўлмаса Ҳамидахоннинг сўзими?

Сайёра ҳозир кўнгилисиз бир тўқнашув бошланишини сезиб энтикди, ўзини босишга ҳаракат қилиб:

— Бунни ким гапирмасин, барибир эмасми?— деди.

— Йўқ, барибир эмас!

— Борди-ю, менинг гапим бўлса-чи?

— Балли!.. Ҳамидахон қўшилармикан бу гапингизга?

— Ҳамидахон... Ҳамидахон қўшилар эди, агар... агар эрининг ёр-дўстлари орага тушиб, босди-босди қилиб юборишини билмасан!..

Туробжон яна бояғидай: «Ҳмм», деб кулимсиради-да, ўрнидан туриб кетди. Сайёра унинг кескин гапиришини кутиб, аъзойи бадани таранг тортди, лекин Туробжон хонада ўйчан одимлаб деразанинг олдига ўтди, бирпас боққа тикилиб тургач, бошини чайқаб:

— Бундан чиқди,— деди,— Адолат тикланишига биздақа ёр-биродарлари, тўғриси, мен халақит беряпман, шунақами?

— Билмадим энди...

— Вой Сайёраҳон, Сайёраҳон!— Туробжон стулни суриб, Сайёранинг рўпарасига ўтирди.— Наҳот сиз мени шунчалик... инсофсиз деб ўйласангиз!.. Агар мен бу ишни босди-босди қилмоқчи бўлсам... бунинг сонингга сабаби бор ахир... Хўп, яхши. Мен сизга қўшиланман: Содиқвой номардлик қилган. Умуман, ожиз бир аёлга қўл кўтарган йигит, йигит эмас! Лекин биринчидан, у сиз ўйлаган даражада... ёмон йигит эмас, Сайёраҳон. Ғайратчан, ишбилармон бригадир.

— Ишбилармон бўлса бордир, бироқ бу жинояти..

— Энди, хондан ҳам хато ўтади, Сайёраҳон.

— Бу хато эмас, жиноят, Туроб ака!

— Хўп!— Туробжон тоқатсизлик билан бош чайқайди.— Хўп, у жиноят қилган бўлсин, ваҳшийлик қилган бўлсин! Лекин уни... шу иши учун қаматиб юборишдан нима фойда? Уч боласи тирик етим қолади, кўрган фойдамиз шу бўладими?

Сайёра унинг лаблари қисилиб, бурун катакларини пирпирай бошлаганини кўриб, ўзининг ҳам ранги ўчди.

— Бу гапингиз қизиқ бўлди-ку! Бунақа мантиқдан келиб чиқилса... у киши Ҳамидахонни ўлдириб юборсаям индамаслик керак экан-да!

— Ҳамидахон!.. Ҳамидахоннингиз ҳам сиз ўйлагандай фаришта эмас!— деди Туробжон кутилмаган бир ғазаб билан.— Мен унинг тили заҳарлигини айтмай қўя қолай, у яхши бўлса... лочиндек эри туриб, бегона эркак

билан кечаси хилват жойда учрашишга бало борми? Кечирасиз, Сайёрахон...— Туробжон Сайёрага қараб ғалати жилмайди.— Баъзи сабабларга кўра, мен сизга бу сирни очолмайман...

«Акрамга шама қиляптими?»— Сайёра қизариб ерга қаради. Туробжоннинг гапи негадир яна юрагининг бир четини огритиб ўтди, лекин шу заҳотиёқ ўзидан гижиниб, кулимсиради.

— Нимага шама қилаётганингизни билиб турирман. Мен бу гапни аллақачон эшитганман,— деди.— Ҳамида ўзи айтиб берди. Агар унинг кўнгли пок бўлмаса...

— Агар кўнгли пок бўлмаса... Ўзи айтиб берганимиш!— деди Туробжон, нимагадир бўғилиб.— Хўш, ўзи айтиб берса нима бўпти? Яқинда мен битта французча фильм кўрдим, Сайёрахон. Хужжатли фильм. Париж кўчалари кўрсатилади. Сена дарёси бўйлари. Ҳар бир дарахт, ҳар бир соя жойда ёшлар қучоқлашиб ўтиришибди. Йўқ, ўтиришган бўлсаям майли, мени кечирасиз, Сайёрахон, киши айтишга ҳам уялади, қучоқлашиб, ўпишиб ётишини. Кўчадан ўтаётган одамлар эътибор ҳам қилишмайди. Биров қайрилиб ҳам қарамайди. Билмадим, балки юз йилдан кейин, маълум тараққиёт жараёнларидан ўтгач, биз ҳам бунақа нарсаларга лоқайд қарайдиган бўлармиз, лекин ҳозир қишлоқ муҳитида яшаб туриб, бу муҳитнинг урф-одатларини оёқости қилиб бўлмайди, Сайёрахон! Ё нотўғрими?

— Тўғри бўлса, тўғридир,— деди Сайёра.— Лекин ҳеч қачон хотин кишига мушт кўтариш, айниқса, пичоқ уриш ахлоқдан ҳисобланган эмас!

Туробжон елкасини учириб ўрнидан турди.

— Мен сизга масала қанчалик мураккаб эканини айтдим. Тушунсангиз шу, тушунмасангиз...

Сайёра ҳам ўрнидан турди.

— Мен бир нарсага тушундим — сиз бу оғир жиноятни яшириб қолмоқчисиз. Шу...

— Айтяпман-ку, уни жазолагандан ҳеч бир фойда йўқ деб, наҳот шунини тушунмасангиз, Сайёрахон?!— қичқириб юборди Туробжон.

— Фойдаси шуки, одамлар адолат борлигига ишонишади. Агар «ёпиқлиқ қозон ёпиғлиқ» қилиб юборсангиз... Мен Ҳамидахонини айтмай қўя қолай, бошиқа аёлларга ҳам қаттиқ таъсир қилади. Мен кўрдим...

Сайёра нафаси етмай, қўлини графинга чўзди. Туробжон унга сув қуйиб узатаркан:

— Нимани кўрддингиз?— деди кинояли кулимсираб.

Сайёра ҳаяжондан тишлари стаканга тақ-тақ тегиб, сувдан зўрға бир-икки ҳўплади.

— Аёлларнинг аҳволини! Мен ҳеч ўйламовдим, шундай илғор колхозда... Сиздай ёш ранс ишлаган жойда ҳамма оғирлик, ҳамма қийинчилик аёлларнинг зиммасига ташлаб қўйилади деб!

— Ё раббим!— Туробжон бўғилиб қўллари билан сонларини шапатилади.— Сиз, зиёлиларга, ҳайронман. Ўзларингиз ҳеч нарсага тушунмайсиз, турмушни билмайсизлару ҳадеб осмондан келиб гапирасизлар... Тавба! Нима қиласиз билмаган ишга бош суқиб?

— Эҳтимол сизчалик билмасмиз,— деди Сайёра.— Лекин ўзи кўриниб турибди...

— Ҳўп!— Туробжон тоқатсизлик билан бош чайқади.— Узи ҳамиша шундай бўлади. Эшматнинг аламини Тошматдан олишади...

— Гапингизга тушунмадим.

— Нимасига тушунмайсиз?— деди Туробжон кўзлари чақнаб.— Агар сиз турмушни билсангиз... Акрамдай йигитнинг юзига оёқ қўярмидингиз? Шундай пок, олижаноб йигитнинг қадрига етмай, гулдай ҳунарингизни ташлаб, артистка бўлиб, укаларингиз тенги олифта йигитчалар билан... э, нимасини айтай!..— Туробжон кутилмаган бир нафрат билан қўл силтаб тескари бурилиб олди.

Унинг ҳамма гапи бир бўлди-ю, шу гапи бир бўлди. Сайёра ўпкаси тўлиб:

— Туробжон ака, сиз қаёқдан биласиз,— деган эди, Туробжон яна гапни тескари бурди:

— Ҳа, биз нимани ҳам биламиз, Сайёрахон? Биз Соё-феодалларча тарбия кўрган, эскиликка муккасидан кетган одамлар... Мана, сизлар биласизлар ҳамма нарсани. Биз энди сизлардан ўрганамиз.

Сайёра унга жавоб бермоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, лаблари қовушмади, сўнг йиғлаб юборишидан қўрқиб эшикни шартта ёпиб чиқиб кетди.

У то касалхонага етгунча хаёлан ўзи билан ўзи слишиб борди. Дам Туробжоннинг сўзларидан ўпкаси тўлиб, кўзига ёш олар, дам уни ҳурмат қилиб, узиб-узиб гапирмаганидан афсус чекарди.

Эсига дадасининг: «Оҳ, қизим, қизим, ёшлик қиялсан, сен ҳали кўп нарсани билмайсан», деган гаплари қайта-қайта тушар, кўз олдидан негадир Акрамнинг таниш, ўйчан чеҳраси кетмас эди. Наҳот... Туробжоннинг гаплари рост бўлса? Наҳот у Сайёрани алдаган

бўлса? Алдаган бўлса... энди унга барибир эмасми? Барибир бўлса... нега Туробжоннинг гаплари юрагини шунчалик тимдалайди? Унга нима бўлди ўзи?

Ҳа, дадаси ҳақ: Сайёра ҳозиргача кўп нарсани билмас, кўп нарсага ақли етмас экан. Бироқ у энди бир нарсани аниқ билади: Туробжоннинг гапларидан кейин у бу ишга қўл силтаб ташлаб кетолмайди. Ҳақиқат қилади. Лекин... қўлидан нима келади унинг? Қимга боради? Парткомгами? Райкомгами? Ҳеч кимни билмаса, ҳеч кимни танимаса... Тўсатдан эсига Убайжон тушди... Ҳа, ҳа, уни чақиринг керак! Эрталаб Шоҳистага айтади — дарров хат ёзсин, телеграмма берсин! Ёш шоир, журналист! Бунақа ишларни ўзинг яхши кўради. Ёзсин, бир шарманда қилсин буларни!..

Сайёра елкасини босиб турган оғир юкдан қутулгандай енгил нафас олди.

* * *

Қасалхонанинг дарвозасида таниш ёпиқ машина турарди. Сайёра машинага яқинлашганда ичкаридан ассистент йиғит чиқди. Сайёрани кўриб, ширакайф овозда хитоб қилди:

— Э, қаёқларда юрибсиз, Сайёрахон? Қидиравериб оёқда оёқ қолмади-ку! Қани, машинага чиқинг!

Сайёра боришга тоби йўқ эди, лекин ассистент йиғит ёлвориб туриб олди: бугун иш юришиб, Шавкатжон зиёфат бераётган экан, Сайёра бормаса хафа бўлармиш!..

Сайёра истар-истамас машинага чиқди.

Зиёфат гузардаги чойхонанинг ички ҳовлисида, ҳовуз бўйидаги сўрида ўтказилаётган эди. Сайёра кўчада машинадан тушаётгандаёқ қиз-йиғитларнинг «гурр» кулгисини эшитди, у ҳатто Нилуфарнинг ингичка хушбўйим овозини таниди: Нилуфар ҳаммадан қаттиқ қийқириб куларди.

Сайёра гузардаги қатор супаларда ўтирган чолларнинг ёнидан ўтаркан, беихтиёр ийманиб уялиб кетди, чунки ҳамманинг кўзи унда эди. Қимдир:

— Бу киночилар дейман, иш қилишадими ё кеча-ю кундуз айш-ишратми?— деб пичинг қилди.

— Айш-ишрат ҳам иш ҳисобланади-да буларда!— деди яна биров.

Сайёра кинояли боқишлар остида чойхонадан ўтиб-ички ҳовлига киргунча терлаб кетди.

Зиёфат айни авжида эди. Ҳовуз бўйидаги сўрига янги кўрпачалар тўшалган, дастурхон мева-чевага тўла, вино ва шампанское шишалари юмалаб ётар, даврадаги қиз-йигитларнинг кўпчилиги ширакайф эди... Сайёрани кўрганда қий-чув, қийқириқ кўтарилди, тўрда, Нилуфарнинг елкасига суяниб ўтирган Шавкатжон ўрнидан туриб, уни ҳазиломуз таъзим билан қарши олди ва қўярда-қўймай ёнига ўтказди, кулиб қадаҳ кўтарди:

— Дўстлар! Биз яратаётган асарнинг ютуғи, бутун муваффақияти фақат бир кишининг маҳорати, жозибаси ва истеъдодига боғлиқ, у ҳам бўлса бош қаҳрамонимиз Сайёрахон! Шу қадаҳни Сайёрахоннинг муваффақияти, таланти ва жозибаси учун кўтарайлик!

— Ура!— деди оператор.

— Ура!

Кулги ва қарсақлар қўшилиб, қий-чув бўлиб кетди.

Сайёра бу беғам, хушчақчақ ёшлик кайфиятига берилиб, винодан бир ҳўпларкан, бояги кўнгилсиз баҳс, кесалхонадаги ҳангомалар — ҳаммаси жуда майда гап бўлиб кўринди кўзига.

— Қани олинг!— деди Шавкатжон ва эгилиб қулоғига шивирлади.— Мени маст деманг, лекин... мен сизни чиндан ҳам... яхши кўриб қолдим...

— Раҳмат!— Сайёра ҳазиллашиб кулди ва ўзини сал четга тортди.— Жуда миннатдорман!

— Йўқ, беҳазил, Сайёрахон!.. Қани, олинг!..— Шавкатжон унинг биллагидан ушлаб, қўлига яна пиёла тутқазди.— Сиз шундай... босиқ, ақлли, мағрур ва гўзал бир жувонсиз! Мен мағрур аёлларни яхши кўраман, ҳа!.. Қани, олинг...

Сайёра кулиб пиёлани қўлига оларкан, рўпарадаги гримчи қизлар пичирлашиб қолишганини, Нилуфар эса негадир тумтайиб ўтирганини кўриб қолди.

«Рашк қиляпти!»— деди у хаёлида, эсига негадир Туробжоннинг бояги гапи тушди: «Укангиз тенги олифта йигитлар орасида... эҳ!»

Сайёра, худди Туробжон уни кузатиб тургандай қизариб кетди ва винодан бир ҳўплаб, пиёлани дастурхонга қўймоқчи бўлди, лекин Шавкатжон қўлига қайта тутқазди.

— Босиқ бўлиш яхши-ю, аммо баъзан киши мана шунақа сал ёзилиб, мияни шамоллатиб турса ҳам ёмон бўлмайди, Сайёрахон! Шундоқ қилинмаса... олам қо-

ронги кўриниб кетади кишининг кўзига... Қани, олинг! Ким айтади сизни феодал эрнинг тутқунидан қутулган ёш, гўзал аёл деб?..

Сайёра кулиб пиёлани оларкан, яна Нилуфарга кўзи тушди. Унинг изтироб-чекаётгани, Сайёрага қилинаётган хушомадлар унга оғир тегаётгани чеҳрасида шундоқ акс этиб турарди.

— Мен бу қадаҳни Нилуфар учун, мендан ёш, мендан... истеъдодли, ажойиб қиз Нилуфар учун кўтаришни таклиф қиламан!..

Сайёранинг гаплари шов-шув ва қарсақлар орасида кўмилиб кетди. Нилуфар, чеҳраси очилиб, Сайёранинг ёнига ўтди ва икки юзидан чўлп-чўлп ўпди.

«Чинакам артистлар шундай қиларди шекилли!— деди Сайёра хаёлида.— Уни айтса бўлади мединститутга янглишиб кириб қолган деб! Асли артистка бўлаган қиз!..»

— Нилуфархон молодец!— деди Шавкатжон, гўё унинг ўйларига тушунгандай.— Бугунги эпизодни шундай ижро этдики, ҳаммамиз қойил қолдик...

— Бош ролни ҳам Нилуфархонга топшира қолинг!— деди Сайёра ва бу гапини сохта камтарлик деб тушунишларидан қўрқиб:— Йўқ, йўқ, рост айтаман. Мендан артистка чиқмаслигига ишондим!— деди ва қизариб кетди.

Ҳамма унинг гапига эътироз билдириб, бир-бирига сўз бермай мақтай кетишди-ю, яна ғала-ғовур кўтарилди. Сайёра бу мақтовларни эшитиб, айни замонда Нилуфарни кузатиб ўтираркан — бу мақтовлар унинг ғашини келтираётгани шундоқ билиниб турарди — ичда кулиб қўйди. У чиндан ҳам ўзини ёш ўсмирлар орасида — яхши, софдил, хушчақчақ, бироқ турмушнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрмаган ёш ўсмирлар орасига тушиб қолган одамдай ҳис қиларди. Ўзининг артистка бўлиш ва кинога тушиш истаги эса тўсатдан шундай ғайри табиий кўриндики, бу фикр хаёлига қачон келганини эслай бошлади.

Ҳа, дадаси ҳақ, унинг йигирма олтига кирган, бола кўрган бир аёлнинг артистка бўлиб, шон-шухрат қозонаман дейиши... чиндан ҳам енгилтаклик эмасмикан? Дадаси айтмоқчи, чин артист бўлишга унинг истеъдоди етармикан? Агар у истеъдодли бўлса... Нега бу ишга киришмасдан туриб совий бошлади. Ахир... бу даврада ўтирганларнинг шоду хуррамлиги, уларнинг орзу-умидлари, Нилуфарнинг қувончи ва рашки — ҳаммаси унга

кяндайдир ёт-ку! Ҳатто, унинг шаънига айтилган мақтовлар ҳам уни ҳаяжонга солаётгани йўқ-ку?..

Кулги, ҳазил-мутойиба тобора авж оларди. Ёлғиз Сайёра хомуш ўтирар, буни билдирмаслик учун гоҳ кулгига қўшилар, гоҳ гап-сўзларга араллашиб қўяр, лекин барибир ўзини аллақандай бошқа бир оламга тушиб қолгандай сезарди. Ниҳоят, ош ҳам тортилди. Сайёра ижозат сўраб, олдинроқ кетмоқчи эди, Шавкатжон худди унинг ниятини билгандай, ётоқхонагача пиёда боришни таклиф қилди-ю, уни ҳам қўярда-қўймай бирга олиб кетди.

Қишлоқ осуда уйқуга чўмган, кимсасиз кўчалар жимжит. Ой чиқмаган, қоп-қора бахмалдай осмон паст тушиб, туташ, туташ қоп-қора боғларга қўшилгану дарахт япроқлари ораси гўё милт-милт юлдузларга тўлиб кетган эди... Бу сокин, осуда оқшомда киши индамай ўз хаёлларига чўмиб, оҳиста кезгиси, боғлардан келаётган райҳон ва атиргулларнинг нафис, муаттар бўйини тўйиб-тўйиб ҳидлаб, қурбақаларнинг қуриллашига, ариқ сувларининг майин шилдирашларига қулоқ солиб, аллақандай орзулар оғушида сузгиси келарди. Лекин ширакайф қиз-йигитлар бу маъсум гўзалликнинг қадрига етмай қишлоқни бошларига кўтариб қийқириб кулишар, қўшиқ айтишар, бақириб-чақиришар эди.

Сайёра бошқарларга билдирмай секин ўзини четга ола бошлаган эди, Шавкатжон сезиб қолиб, ёнига ўтди.

— Кечирасиз, Сайёрахон,— Шавкатжон қоронғида унинг қўлини топиб, қўлтиқлаб олди.— Мен бир икки кундан бери сиз билан холи бир гаплашсам, деб юрүвдим...

— Қанақа гап экан?— Сайёра секин қўлини чиқариб олмоқчи бўлди, лекин Шавкатжон қаттиқроқ қисди ва ўксинган бир овозда:

— Нега бундай қиласиз, Сайёрахон?— деди.— Сизга нима бўлди ўзи?

«Оббо, худо урди. Севги изҳор қилмаса эди яна!»— Сайёра ичида бир кулиб қўйди. Қизиқ: Шавкатжоннинг хушомадлари, унинг қўл сиқиб ва нимагадир ишора қилиб уф тортишлари Сайёрани тунов кунгидай ҳаяжонга солмас, аксинча, бачкана туюлиб, ғашини келтирар эди.

— Негадир ўзингизни олиб қочасиз,— деди Шавкатжон.— Муомалангиз ҳам илгаригидай эмас...

«Ана, айтмадимми?...»

— Нима қилай,— деди Сайёра,— ўзингиз кўриб турибсиз, кутилмаган жойда бу иш чиқиб қолди.

— Гап ишда эмас. Кўриб турибман-ку...

— Бўлмаса нимада?— деди Сайёра ва унинг нима демоқчи эканини билиб туриб, яна шу саволни бергани учун қизариб кетди.

— Эҳ, Сайёра, Сайёра!— Шавкатжон оғир хўрсинди.— Сизга ҳайронман... Шундай ёш, шундай... жозибали аёл! Ахир, бу ёшлик умрбод инъом қилинмайди-ку кишига! Наҳот шуни тушунмасангиз, Сайёраҳон?

Сайёра ўзини тушунмаганликка солиб:

— Нима қилай, маслаҳат беринг?— деган эди, Шавкатжон тўсатдан фиғони чиқиб:

— Нима қиласиз ўзингизни содаликка олиб?— деди кескин.— Эрингиздан ажрашганингиз ростми ўзи?

Сайёра унинг мақсадига аллақачон тушунган бўлса ҳам, бунчалик дағал гапиришини кутмаган эди.

— Рост бўлса нима бўпти?— деди юраги музлаб.

Шавкатжон асабий кулди.

— Ё бўлажак эрингизга ҳам ҳалитдан содиқ қолмоқчимисиз?— деди у, лекин бу гап Сайёрани титратиб юборганини сезиб, ҳазилга бурди.— Менга қаранг, Сайёраҳон, бу гўзаллик, бу ёшлик ҳаммаси ўтиб кетади...

Сайёра куч билан қўлини унинг қўлидан чиқариб олди.

— Мен бу гапларни бир марта эшитганман...

— Эҳ, Сайёраҳон, Сайёраҳон... Мен сизни бунчалик... деб сира ўйламаган эдим!

— Агар сиз кинога олаётганда... мендан бошқа нарсани кутган бўлсангиз... хато қилибсиз. Ҳалиям бўлса хатонгизни тузатинг. Бошқа актриса қидиринг!..

Шавкатжон «ошириб» юборганини сезиб, астойдил шоша бошлади.

— Йўқ, йўқ, сиз менинг гапимни тўғри тушунмадингиз...

— Ҳаммасига тушуниб турибман!!

— Ана холос!

— Йўқ, рост айтаман. Мен бу ролни чиндан ҳам удалай олмайман шекилли.

— Йўқ, бу гапни миянгиздан чиқариб ташланг!— деди Шавкатжон.— Бунақа қилиқларингиз бор экан, бошда бадий совет тасдиқлашидан олдин ўйлашингиз керак эди. Энди ишнинг белига тепапан демасангиз, бу гапни иккинчи марта айта кўрманг! Лекин... агар, бунга менинг ҳазил гапларим сабаб бўлган бўлса... иккинчи

марта ҳазиллашмаганим оўлсин! Бундан кейин сиз билан энг расмий тусда муомала қилишга ваъда бераман. Мана, идорага ҳам келдик... Бу ёғига қўрқмай-сизми? Яхши. Кузатиб қўяйлик, дейишгаям тилимиз бормай қолди... Хўп, хайр! Эрталаб соат саккизда съёмка. Кечикмаслигингизни илтимос қиламан!

Сайёра унинг таққирланган одамдай қадини кулиги даражада баланд тутиб, гурс-гурс одимлаб боришларига қараб кулимсираб қўйди, лекин аёл эмасми, ярим қоронғи кўчадан касалхонага ёлғиз кетаркан: «Мен ҳам жа ошириб юбордим шекилли!» деган фикр кўнглидан ўтди. Айни замонда ўзидан, унга берган жавобларидан мамнун эди. У энди ўйлаб қараса, кинодан совий бошлагани рост экан. Сайёра буни дилдилдан сезгани учун ҳам Шавкатжоннинг охири сўзи уни астойдил ташвишга сола бошлади. Наҳот у рад этса ишлари чиндан тўхтаб қолса? Лекин кўнгли совиган ҳолда у ўз ролини қандай ўйнайди? Уйнаганда ҳам ҳамма хатти-ҳаракатлари сохта чиқмайдими?..

Сайёранинг кўз олдига яна Акрам келди, унинг «Наҳот... киночиларга қўшилдим, энди бундан бу ёғи турмуш эмас, жаннат бўлиб кетади, деб ўйлайсиз?» деган гаплари тушди.

Сайёра ўзи билан ўзи олишиб, алламаҳалгача ухлай олмади.

* * *

Эрталаб Сайёра ҳовлида бўлаётган қандайдир тўполондан, очилиб-ёпилаётган эшикларнинг тарақ-туруғидан уйғониб кетди. У юраги «шиғ» этиб, бир зум қулоқ солиб ётди. Кўча томондаги эшик яна тарақлаб очилиб-ёпилди, қоровул чолнинг:

— Ақлингни едингми, ҳой қора кампир? Хотин-халажнинг юрагини ёрасан-ку, шаддодлик ҳам эви биланда!— деган овози эшитилди.

Сайёра совуқ тер босиб ўрнидан турди ва халатини эгинга ташлаб йўлакка отилди. Йўлакда турган ҳамшира хотин: «Чиқманг, ҳеч нарсадан тоймайди, ялмоғиз!»— деб олдини тўсса ҳам, эшикни очиб ҳовлига қаради.

Ҳовлининг ўртасида рўмоли елкасига тушиб, сочлари тўзғиб кетган, қоп-қора бир кампир қоровул чол билан олишмоқда эди. Кампирнинг орқасида иккита бола — бири, олти-етти яшар ўғил бола, иккинчиси, ўн-ўн бир яшар қизалоқ — қўрқувдан кўзлари ола-кула

бўлиб, қоққан қозикдай қотиб туришарди. Сайёра болаларни кўрди-ю, юрагидаги ваҳима бирдан тарқаб, эшикни шарақлатиб очиб, ҳовлига чиқди.

— Нима гап, қанақа тўполон, ота?

— Мана бунга бир қараб қўй, қизим!..

— Сен нари тур, қоқбош!— Кампир кутилмаган бир куч билан чолни четга суриб, Сайёрага юзланди:

— Менинг ўғлимни турмада чиритмоқчи бўлган сенми?— деди кўзлари ёниб.— Қаматадиган бўлсанг олдин мени қамат деб келдим!

— Келишга келибсиз, бола бечораларни судраб нима қиласиз?

— Бу бечораларми? Булар... Уғлим турмада чирийдиган бўлса... сен боқасан деб олиб келдим буларни! Уғлимнинг бошига етадиган бўлсанг ким боқади бу тирик етимларни?— Кампир шундай деди-да, тўсатдан ўғил боланинг қўлидан «шап» ушлаб Сайёрага қараб отди, бола текис ерда қоқилиб келиб Сайёранинг тиззаларини қучоқлаб қолди. Шошиб қолган Сайёра ҳали ҳушига келмаган ҳам эдики, кампир қиз болани ҳам шу йўсинда қўлидан «шап» ушлаб унга қараб отди. Қизалоқ ўғил боладай ўзини тутолмади, йўлда нимагадир қоқилиб, Сайёранинг оёғига йиқилиб тушди. Сайёра титроқ босиб йиғлаган қизчани кўтариб, бағрига босаркан, бўғилиб қичқирди:

— Раҳм-шафқат борми ўзи сизда? Қим айтади сизни буви деб? Раҳм қилсангиз бўлмайдими бу норасидаларга?

Кампир қўллари билан сонини шапатилади:

— Мен бун сендан сўрамоқчиман, танноз? Сен шаллақига булар нима ёмонлик қилдики, ўғлимнинг бошини еб, буларни тирик етим қиласан?

Сайёра унинг мақсадига эндигина тушуниб, вужуд-вужудигача ижирғаниб кетди.

— Уғлингизга қилгуликни қилдириб қўйиб, топган йўлингиз шу бўлдимми? Уғлингиз буларнинг онасини пичоқлаганда қаёқларда юрувдингиз?..

Сайёра сўзини тугатмаган ҳам эдики, кўчадан кўйлаги ёқавайрон қўлида қамчи, Содиқвой кириб келди. Кампир ўғлини кўрди-ю, қўққисдан дод солиб, яна болаларга ёпишди.

— Тегма менинг қўзичоқларимга, ҳай шаллақи! Сендақа беҳаёга бериб қўядиган қўзичоқларим йўқ менинг!..

Кампир, икки кўзи чўғдай ёниб, болаларни тортқилай бошлади. Болалар эса, негадир қалтироқ босиб Сайёранинг оёқларига ёпишиб олишган, кампир тортқилаган сайн унга қаттиқроқ тармашишарди.

— Дод!— деди кампир қўллари билан сонларини шапатилаб. — Бормисанлар, мусулмонлар! Боламнинг бошига бало солгани-солган, набираларимдан жудо қилмоқчи бу шаллақи! Дод!

Сайёра, худди лўли хотиндан қўрққан ёш боладай, юраги орқага тортиб, ранги оқариб кетди. У кампир болаларни кўчага судрай бошлаганидагина ҳушига келди, келди-ю, кампирнинг олдини тўсди.

— Болалардан қўлингизни олинг, буви! Қўлингизни олинг ё... ҳозир райондан милиция чақиртираман!

Боядан бери лол бўлиб турган қоровул чол ҳам ҳушига келиб гапга аралашди:

— Эсингни едингми, ҳой қора кампир!.. Болаларда нима гуноҳ?

— Буларга қараб туринг, ота. Мен ҳозир милицияга, керак бўлса, прокурорга телефон қиламан!

Сайёранинг дўқи кампирдан ҳам бурун Содиқвойга қаттиқ таъсир этди шекилли, этигини гарчиллатиб кампирга яқинлашди.

— Қўйинг, ойи! Сиз аралашманг бу ишга!— деди у ҳеч кимга қарамай.

Кампир яна лаби лабига тегмай бобиллай бошлаган эди:

— Қўйинг! Бас қилинг, ойи!— деб ўшқирди.

— Қўйсам... бундан баттар бўл! Менга қолса... Тафтин бориб шаллақи хотинингнинг оёғига йиқил!— Кампир шундай деди-да, тўзғинган сочларини тўғрилай-тўғрилай кўчага йўналди.

Содиқвой оғир хўрсиниб бошини эгди.

— Майли, опа, болаларни беринг. Опкетай. Узим қарайман...

— Қўйинг, болалар қўрқиб қолишипти,— деди Сайёра.— Шоҳисталарникига, бувисиникига чиқа қолсин. Сиз нима ҳам қиласиз буларни...

— Эҳ, опажон, опажон! Шу болаларни деб юрибман-да, опажон! Бўлмаса аллақачон!..— деди Содиқвой, бошини алам билан чайқаб. Сайёра болалар унга қараб аллақандай термилиб қолишганини кўриб:

— Қўйинг, мард бўлинг!— деган эди, Содиқвой кинояли кулимсиради.

— Мард бўлинг!.. Агар куёв тўрангиз бўлмаганда

типпа-тинч юрувдик... Мана, далилим бор, опажон! — у кафтини ёзиб, бир парча ғижимланган қоғозни кўрсатди. — Айтсам ишонмайсиз, опажон!

Сайёра яна кечагидай юрагига бир нима санчилаб, Содиқвойнинг кафтидаги қоғозга тикилиб қолди. «Наҳот рост бўлса? Қанақа қоғоз? Хатга ўхшайди-ю! Олиб ўқисамикан? Йўқ-йўқ, бунчалик паст кетмайди Сайёра».

— Мен буни прокурорга топшираман! — деди Содиқвой тўсатдан яна тутақиб, — ўн йил ўйнаш бўлган булар..

Сайёра баданига шилимшиқ бир нарсга тегиб кетгандай сесканиб:

— Бас қилинг! — деди кескин. — Эшитгим ҳам келмайди бунақа ифлос гапларни!

Содиқвой бошини қўллари билан сиқиб, ерга чўнқайди.

— Ҳа, сиз эшитишнйам хоҳламайсиз. Сизга барибир. Аммо биз, қишлоқилар... Кошки кўксимни тилиб кўрсата олсам сизга! Уртаниб битди бу кўкрак! Юрак эмас, фақат бир сиқим чўғ қолди бу қафасда!.. Лаҳча чўғ!

Сайёра яна кўнгли бир хил бўлиб:

— Менга қаранг, — деди. — Йигит кишига ярашмайди бу қилиғингиз. Туринг, қадингизни тутинг!

Содиқвой ўрнидан турди, бир зум болаларига термилиб қаради, сўнг:

— Эҳ, опажон! Опажон! — деб хўрсинди-да, қўлини бир силтаб, кўчага томон йўналди.

Сайёра болаларни ичкарига бошлади. Эшикда узун бўйли ҳамшира хотин турар, касаллар деразалардан мўралаб қарашарди.

— Шоҳиста келмадимми?

— Йўқ ҳали, — деди ҳамшира хотин.

— Болаларга чой-пой беринг. Шоҳиста келса олдимга кирсин.

Сайёра бош врачнинг кабинетига кирди ва ўзини диванга ташлаб, кўзини юмди...

«Мана, далилим бор! Ўн йил ўйнаш бўлган булар...»

Сайёра бу ўша, Ҳамидда айтган хат эканига ишонар, ҳатто: «Бошқа хат бўлса нима қилибди?» деб, ўзини койишга уринар, лекин унинг ихтиёридан зўрроқ би куч қайта-қайта Акрамни эслашга мажбур этар, уни эслаши билан негадир хўрлиги келарди... «Қаёқда ҳам учрай қолди бу киночиларга? Кино бўлмаганда қишлоққа ҳам келмас, бу аччиқ ҳақиқатни ҳам кўр-

мас эди! Ҳалиям бўлса бир бало қилиб кинодан қутулиб, тезроқ кетиш керак бу ердан, кетиш керак...»

— Опа, опажон!..

Сайёра Шоҳистанинг секин шивирлаганини эшитиб бошини кўтарди.

Шоҳиста, кўзларида ёш, эшикда унга термилиб турарди. Сайёра аъзойи баданини чулғаб олган ҳолсизликни енгиб, ўрнидан турди.

— Нега яна йиғлаяпсан, сенга нима бўлди, Шоҳиста?

— Опам,— деди Шоҳиста.— Опамлар ҳаммасини ёшитиптилар. Сизни чақиряптилар.

— Кўзингни арт. Жиянларингга қара. Ҳа, айтмоқчи...— Сайёра Шоҳистанинг йиғлаб юборишидан қўрқиб, унинг елкасидан қучоқлади.— Айтмоқчи, Убайжонга телеграмма бер. Келсин. Кўрсин бу ерда бўлаётган ишларни.

Шоҳиста бошини эгиб, хўрсинди.

— Ўзим ҳам шуни ўйлаб турувдим. Ҳар куни... ўша... Муроджон совчи юбориб қўймапти.

Сайёра унинг бошини силаб кулди.

— Жуда соз. Ҳозир бориб телеграмма бер — рақиби билан ўзи олишсин!

Сайёра ювинмоқчи бўлиб, краннинг олдига ўтаркан, дарвозада тўхтаган таниш «Латвия»га кўзи тушди.

* * *

Сайёра съёмкага бир соат кечикиб борди. Лекин Шавкатжоннинг ёрдамчиси айтгандек, ҳамма нарса тахт бўлиш у ёқда турсин, ҳали декорациялар ҳам тайёр эмас, дурадгорлар ниманидир қоқмоқда, оператор осветителларга, осветителлар операторга қараб қичқир-ришар, кимдир бақирар, кимдир сўкина, хуллас, одатдаги тўполон давом этарди. Шавкатжон эса, қўллари орқасида, бир четда асабий одимлаб юрарди. У Сайёранинг юзига синовчан тикилиб:

— Кайфингиз ёмон-ку,— деди кулимсираб.— Ҳалиям кечаги гапни кўнглингизга тугиб юрибсизми?

— Йўқ, ўзим...— Сайёра Содиқвой билан бўлган жанжални айтгиси келмай ерга қаради.

— Сиздан илтимос,— деди Шавкатжон,— майда-чуйда гапларни кўнглингизга олмай, ишга жиддий киришсангиз. Кеча чойхонада кўтарилган қадаҳни ҳазил деб ўйламанг. Фильмнинг муваффақияти сизга боғлиқ Сайёрахон.

— Билмадим энди, ўртада бунақа бўлиб...

— Эшитдим, Сайёрахон. Мен раисга айтаман. Сизни бу ишдан озод қилишади. Ҳамма гап ўзингизга боғлиқ.

Сайёра қизариб кулди.

— Қайдам, қўлимдан келса...

— Қўлингиздан келади. Умуман... бизни оғир аҳволга соламан демасангиз, бу гапни миянгиздан чиқариб ташланг. Сизни бу ролга студиянинг бадийи совети тасдиқлаган. Ўрингизга бошқа бировни оладиган бўлсак, уни яна бадийи советдан ўтказишимиз керак. Яъни сьемка тўхтайдн, план бажарилмайди, одамлар ойлик-сиз қолади.

«Тоza балога қолдим-ку!»— деди Сайёра ичида.

— Гапнинг пўскалласи — тузоққа илингансиз, осонликча қутулолмайсиз,— кулди Шавкатжон.— Мана, сценарий. Грим пайтида бугунги саҳнани бир кўздан ўтказинг. Ҳаммаси бўлиб икки оғизгина гапингиз бор. Бу саҳнада сиз учун гап эмас, ҳолат муҳим. Ҳолатга киришни ўйланг.

Сайёра сценарийни олиб, гримчи қизларнинг олдига кетди.

Шавкатжон айтган саҳна шундан иборат эди: қаҳрамоннинг уйида қайси бир муносабат билан кичкина зиёфат бўлади. Зиёфатда жувон, унинг эри ва ота-онасидан ташқари яқинда қишлоққа ишга келган ва уларнинг ҳовлисидаги бўш хонани ижарага олган ёш инженер йигит ҳам қатнашади. Бу йигит жувонни аллақачон яхши кўриб қолган, жувоннинг қалбида ҳам унга нисбатан илиқ туйғу уйғона бошлаган, лекин тортинчоқ қишлоқ аёли, кўнглидаги бу туйғуни ҳеч кимга билдирмайди. Зиёфат кечаси ҳамма ишни бир ўзи қилган жувон жуда чарчайди, уни яхши кўриб қолган ва хотин-қизларнинг оғир оилавий аҳволидан қаттиқ изтироб чекиб юрган инженер йигит эса, унга ёрдам беришга ийманарди. Лекин ахийри чидай олмайди-ю, жувоннинг эрига қараб:

— Йигитсиз-ку, аёл кишига ёрдам берсангиз бир жойингиз камайиб қоладими?— деган маънода луқма ташлайди. Жувоннинг эри эса унга:

— Бугун Саккизинчи март эмас-ку хотин-қизларга ёрдам берадиган!— деб кинояли жавоб беради. Бу гап суяк-суягидан ўтиб кетган жувон, кўзига ёш олиб: «Сизга фақат ҳазил бўлса, пичинг бўлса!»— дейди-ю, йиғлаганича болахонага чиқиб кетади...

Бундан бир-икки ҳафта олдин, Сайёра сценарийни биринчи марта ўқиб чиққанида, бу саҳна уни шундай ҳаяжонга солган эдики, кўзидан ёш чиқиб кетганди. Энди эса, «гримхонада» ўтириб сценарийни қайта варақларқан, бу саҳна уни ҳаяжонга солиш у ёқда турсин, жўда сунъий, ясама, аллақандай бачкана туюлди. Сайёра олдин бунинг сабабига тушунолмаб ҳайрон бўлди, лекин кейин ўйлаб қараса, ҳозиргина ўзи шоҳид бўлган кўнгилсиз воқеа олдида қаҳрамоннинг кечинмалари, бир оғиз ҳазил гап учун эридан юз ўгириб, инженер йигитга кўнгил қўйишлари чиндан ҳам майда ва ясама экан!..

Шунинг учунми, бошқами, ишқилиб, Сайёра бу сафар ҳам тунов кунгидай яна ҳолатга киролмади. У қанча ҳаракат қилмасин, ҳеч бири Шавкатжонга ёқмас, у гоҳ фиғони чиқиб, гоҳ юмшоқ гапириб жувоннинг шу пайтдаги ҳолатини, ички ҳиссиётини тушунтирар, ҳатто ялиниб-ёлворар эди. Сайёранинг ўзи ҳам ўйини, хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари қовушмай ясама чиқаётганини сезар, режиссёрдан бошлаб, дурадгорларгача —ҳаммани қийнаб қўйганини тушуниб эзилар ва жон-жаҳди билан яхши ўйнашга ҳаракат қиларди. Лекин етти дубль суратга олинди ҳамки, режиссёр унинг ўйинидан қаноат ҳосил қилмади. Ахийри Шавкатжон соқолини тутамлаб ва Сайёрани силтаб ташлашдан қўрқиб, сойга тушиб кетди-ю, ҳолдан кетган Сайёрани қизлар қуршаб олишди. Улар, «ўлганнынг устига чиқиб тепган» қабилдан қилиб, яна Сайёрага ролини тушунтира кетишди. Айниқса Нилуфар фиғони чиқиб гапирар: «Вой, шундай ажойиб, шундай драматик саҳна-я, наҳот буни сезмасангиз, ўзингизни бир минут ўша муштипар аёлнинг ўрнига қўйиб кўринг, ҳаммаси жойига тушади!»— дерди куйниб.

Сайёра унинг нафис бўялган ингичка қошларига, улама киприкларига, ўзига жуда ярашиб тушган гулдор кофтасига ва почаси тор шимига қараб, куйиб-пишиб гапирган гапларига («кошки бу ролни менга беришса») қулоқ соларкан, сценарий худди унга, Нилуфарга мўлжаллаб ёзилгандай туюлди. Ҳа, сценарийдаги воқеалар, қаҳрамон чеккан изтироблар қишлоқ аёлининг турмушидан қанчалик узоқ бўлса, Нилуфарга шунчалик яқин эди! Биринчи ўқишда сценарий Сайёрага ёққанининг бир сабаби ҳам шунда эди!..

Демак... сценарийни ўзгартириш керак! Ундаги бу нотабийликни йўқотиб, қишлоқ ҳаётига яқинлаштириш

керак. Ёки бўлмаса... Энг яхшиси, ролини Нилуфарга топшириб, ўз ишини қилиши керак. Чунки унинг истейдоди йўқлиги билиниб қолди...

Сайёра Шавкатжон билан яна бир гаплашиш учун уни қидириб сойга кетди, лекин ҳали тўғонга етмаган ҳам эдики, орқасидан Нилуфарнинг: «Опа! Опажон!»— деб чақирганини эшитиб қолди.

Узоқдан чопқиллаб келаётган Нилуфар унга яқинлашаркан, нимагадир ийманиб, тортиниб қолди ва биринкки қадам нарида тўхтади.

— Келинг, Нилуфар...

— Опажон, мен сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим,— деди Нилуфар, лекин гапини давом этолмай яна дудуқланиб қолди.

— Айтинг, айтаверинг, нимага уяласиз?

— Айтишга тилим бормаяпти...— Нилуфар қизариб кулди, сўнг чуқур нафас олиб, тез-тез гапира бошлади:— Сиз... сиз барибир бу ролни ўйнай олмайсиз. Шунга... шу ролни менга бера қолинг, демоқчи эдим. Сизга барибир. Мен бўлсам... Мен усиз яшай олмайман... Кечирасиз, опажон, нима қилишимни билмай қолдим.

Сайёра унинг йиғлаб юборишидан қўрқиб:

— Яхши, гаплашиб кўрай, — деган эди. Нилуфар, кўзида ёш, уни қучоқлаб олди.

— Йўқ, йўқ, бу гапни айтишдан фойда йўқ. Сиз... кетмасангиз бўлмайди!— деди энтикиб.— Агар у йўқ деса... нима бўлишимни ўзим ҳам билмайман. Мен... ақлимдан адашиб қолдим, опажон. Мен усиз, Шавкатжон акамларсиз бир кун ҳам туролмайман!

Сайёра унинг гапларининг асл маъносига эндигина тушунди, тушунди-ю, беихтиёр орқага тисарибди:

— Вой, Зафар-чи? Зафар акангизни нима қиласиз?

Зафар номини эшитган Нилуфар кўз ёшини артиб, совуқ кулимсиради.

— Зафар акамларга нима бўпти? Мен бўлмасам бошқа биттаси...

— Билмадим энди. Унинг умиди бошқа эди шекилли. У ёқда дадангиз ҳам...

— Дадамлар... дадамлар нимани ҳам тушунадилар?— деди Нилуфар ва энсаси қотиб, қўшимча қилди.— Қўйинг шу гапларни. Узингиз ҳам шунақа қилдингиз-ку, ахир!

Сайёра, худди Нилуфар қулочкашлаб юзига ургандай, вужудидан ўт чиқиб кетди.

— Ана, келяптилар!— Нилуфар шундай деди-да, гўё

Шавкатжон уни кўриб қолишидан кўрққандай, ўзини боққа урди.

«Яхши. Ҳозир гаплашаман. Гаплашаману кетаман. Фақат... мени ўзингга ўхшатма. Ўхшата кўрма!»— Сайёра негадир ўпкаси тўлиб «қилт» ютинди.

Шавкатжон келиб уни қўлтиқлаб олди.

— Бу ерда нима қилиб турибсиз? Қани, юринг, бошлаймиз. Мени айтди дерсиз, ҳозир иш юришиб кетади, Сайёрахон.

Сайёра истеъдоддан секин гап очиб, бош ролни Нилуфарга беришни маслаҳат қила бошлаган эди, Шавкатжон аччиғи чиқиб: «Қўйинг шу гапни!» деган маънода қўл силтади, сўнг юзига тикилиб:

— Мунча жонингиз ачийди Нилуфарга?— деди.— Ё арз қилдимиз?

Сайёра шошиб қолиб, сценарий ҳақида гапира бошлаган эди, Шавкатжон бу сафар бошини бир томонга эгиб, унинг гапларини эътибор билан эшитди, кейин пешанасини ишқалаб:

— Гапнинг қисқаси конфликтни кучайтириш керак демоқчисиз. Шунақами?— деди ва оғир хўрсинди.— О, Сайёрахон, Сайёрахон! Буни биз ҳам биламиз. Лекин... кино — бу китоб эмас. У экранга чиққунча ўнта чиғириқдан ўтади. Воқеани сал кескинлаштирсангиз ҳаёт ҳақида заррача тасавури бўлмаган баъзи танқидчилар... турмушда бундай бўлиши мумкин эмас, деб сизга ақл ўргатишади!— У Сайёрага қараб маъюс кулимсиради-ю, худди ўз гапларидан ўзи уялиб кетгандай қизариб, буйруқ кутиб турган ёрдамчисига ўгирилди.— Бугунги саҳнани эртага қолдирамиз... Ҳозир... болахона саҳнаси, яъни, лирик саҳна суратга олинади... Эсингизда борми, Сайёрахон? Бу саҳна жуда осон. Сиз деярли гапирмайсиз...

Сайёра бўшашиб бир четга бориб ўтирди.

Бу саҳнада қаҳрамон, яъни Сайёра, чиндан ҳам гапирмас эди. Эри билан бўлган можародан кейин қалби чуқур изтробга тўлган жувон, таңҳо қолиш истагида болахонага чиқиб, ғамгин ўйларга чўмади... Кун ботган, лекин ҳали қоронғи тушмаган бир пайт. Сой бўйидаги азим тераклар шамолда секин чайқалади... Қаердадир олисдан қизлар маъюс ва дилрабо қўшиқлар айтишади. Бу сўлим оқшом, шовиллаган сой, қизлар қўшиғи таъсирида, аста-секин ёш жувон ҳам куйлай бошлайди. Унинг қалби қаёққадир толпинади, ниманидир қўмсайди. Шу пайт гўё унинг дилидаги орзу-истакларини сез-

гандай, болахонада инженер йигит пайдо бўлади. Қиз сесканиб кетиб, ўзини пастга отади. Лекин йигит қизни зинада туриб олиб, бағрига босади. Шу маҳал уйдан чиққан қайнана уларни кўриб қолиб дод солади...

Бу саҳна Сайёранинг ўзига ҳам осондай туюлди. Лекин бу сафар иш репетициядан нари ўтмади.

Нилуфарнинг гапларидан кейин бурунгидан ҳам бўшашиб қолган Сайёра репетиция пайтида тўсатдан пайдо бўлган «инженер» йигитдан қочаман деб, тўғрироғи, унинг қучоғидан чиқиб пастга отиламан деб, тўсатдан... қоқилиб кетди-ю, бутун залвари билан лапанглаб қулади, қулаётганида боши қандайдир ходага урилди, оёғи икки зина орасида қолиб кўзларида юлдуз чақнади...

Сайёра ҳушига келиб биринчи кўргани — Шавкатжоннинг қалтираган ияклари бўлди. Сайёра сўрида чалқапча ётар, атрофида одамлар жимгина энгашиб турарди. Сайёра ҳали нима бўлганига тушуниб етмаган ҳам эдики, миясига худди бурғи қадалиб, бир-икки марта айлангандай бўлди-да, «Ойижон!» деб яна ҳушидан кетди.

Сайёра иккинчи марта кўзини очганида Шавкатжоннинг ёнида турган Туробжонга кўзи тушди. Оппоқ соқоли калта қирқилган, мулойим бир мўйсафид оёғини секин пайпаслаб кўрмоқда эди...

— Синган, чўрт синган...

Оёғига, йўқ, оёғига эмас, миясига қадалган бурғи билан бирга, Сайёранинг хаёлига даҳшатли бир фикр келди: «Кесиб ташлашса-я!»

У оғриқни енгиб толпинди:

— Тегманг! Тегмаларинг. Ортопед чақиринглар! Ортопед!— деди у, сўнг йиғламсираб:

— Ойи... дадажон!— деди-ю, кўзини юмди...

САКҚИЗИНЧИ БОБ

Убай «Бақабулоқ»қа келиб, Шоҳистадан қишлоқда бўлиб ўтган воқеаларни эшитганида, кўнглига ҳаммадан бурун «ёзиш керак» деган фикр келди. «Ёзиш керак. Фельетон қилиб, бошлаб бир уриш керак бу нормалларни!»— деди у ғазабдан қалтироқ босиб. Лекин Ҳамида унинг бу гапини ғалати бир лоқайдлик билан қарши олди.

Ҳамида билан Сайёра бир хонада ётар, ўзига келиб қолган Ҳамида ҳатто жойидан қўзғалмай қолган Сайё-

рага чой-пой бериб ёрдамлашиб турарди. Ҳамида Убайни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Убай исмини айтиб, кўришаркан, «кимлигингиз»ни яхши биламан, деган маънода бош силкиди. Лекин Убай мақсадга ўтиб, ҳолаҳвол суриштира бошлаган эди, Ҳамида: «Қўйинг, шу ишга сиз аралашмай қўя қолинг, Убайжон!— деди хўрсиниб.— Бўлар иш бўлди, энди барибир фойдаси йўқ!»

Убай ҳайрон бўлиб Сайёрага қаради. Сайёра Ҳамиданинг гапини «барибир қўлингиздан ҳеч нарса келмайди», деган маънода тушуниб, Убайжон газетада ишлайдиган ёзувчи эканини, газетачилардан эса ҳамма, ҳатто раислар ҳам кўрқишини айта бошлаган эди, Ҳамида аввал: «Газетачиларни ҳам кўрганмиз», деб жилмайиб қўйди, кейин:

— Зўр бўлсангиз... мендан олдин раис билан гаплашинг!— деди.— Сиз билан синглимга бўлишаман деб, у кишининг кўзига совуқ кўриндим. Яна бирда у кишини салгина танқид қиламан деб, яхши кўрган ишимдан айрилдим. Тунов куни бу кишининг хўжайинларига гапираман деб, бу аҳволга тушдим. Энди сизга арз қилиб, бу кунимдан баттар бўлайми?

Ҳамида бошда кулиб гапирса ҳам, ахийри ўпкаси тўлиб, тесқари қараб олди. Убай нима қилишини билмай яна Сайёрага қаради. Сайёра ёш болага гап уқтиргандай, яна бошдан тушиб гапира бошлаган эди, Ҳамида маъюс ҳазиллашди:

— Майли, Сайёрахон, бу киши менга бўлишаман деб, ўзининг бахт қушидан айрилиб қолмасин! Менга майишгунча ўз ишини тўғрилаб олсин!

Шоҳиста опасининг гапларини эшитиб, лабини тишлади, кейин секин деди:

— Опам... болаларини ўйлаяптилар!

Убайнинг жон-пони чиқиб кетди:

— Болаларига нима бўпти? Болаларим деб, ўша номарднинг қўлида ўлиб кетадими?..

Шоҳиста унинг кўзларига тикилиб:

— Сиз нимани ҳам биласиз?— деган эди, Убай пичинг қилди:

— Сен жа... ҳаммасини биласан!

— Биламан!

— Билсанг, опанг, болаларига эмас, сенга жони ачияпти,— деди Убай кулиб.— Тўхта, гапимни бўлма, нима бўляпти ўзи?

— Нима бўларди? Ҳар куни совчи...

— Табриклайман.

— Раҳмат.

— Хурсандмисан дейман?

— Бўлмасам-чи!— деди Шоҳиста.

— Жуда соз. Уйдагилар-чи? Ойинглар билан даданглар-чи? У кишилар ҳам хурсандмилар?

— Бўлганда қандоқ! Кимсан, раиснинг укаларидан совчи келади-ю, хурсанд бўлишмайдимми?

— Яна раис!— деди Убай. У гарчанд Шоҳистанинг кўзларидаги шўх учқунларни кўриб турса ҳам, унинг ҳазил-мутуйибалари гашини келтира бошлаган эди.— Раиснинг укаси бошингни айлантириб, каминадан айтиб қўймадимми ишқилиб?

— Бўлмасам-чи!— Шоҳиста яна ҳазиллашмоқчи бўлди-ю, эплай олмади, тўсатдан лаблари титраб ерга қаради.— Сиз ўйлайсизки, дадамларга... дадамлар шўтта яшаб туриб, раисга йўқ дейишлари осон деб...

— Хўп,— деди Убай жиддий.— Раисдан келган балога кўксимни тутиб берганим бўлсин! Лекин сен шуни билиб қўй: ҳали замон уйларингга чиқаман. Дадаг... дадамлар билан ўзим гаплашаман.

Шоҳиста секин бошини кўтариб қия боқди, порлаб турган катта қора кўзларида муғамбирона табассум жилва қилди:

— Ҳа, дадамлар шунақа... бўлажак куёвлари билан гаплашишни яхши кўрадилар. Қиссангизга яримта солиб чиқишнинг унутманг. Бирга қиттак-қиттак қилиб отамлашасизлар!

— Бўпти! Мен яримта олиб чиқаман, сен қўлбола бир палов қилиб қўй!.. Қачон сенинг қўлингдан палов еймиз?

Убайга Шоҳистанинг қия боқиб кулиб туриши ҳам, дам уялиб, дам шўхлиги тутиб гапиришлари, бошидаги гулдор рўмоли, оёғидаги пошнаси бежиримгина туфлиси — ҳаммаси-ҳаммаси тўсатдан шундай жозибали туюлиб кетдики, қўлидан «шап» ушлаб ўзига тортди, лекин Шоҳиста қўлига бир уриб, олча панасидан чиқди, кийикдек енгил ҳатлаб, касалхонанинг зинасига чиқарилан:

— Қатта юрганингиз эсингиздан чиқмасми!— деди.— Бу ер сизга ёшлар кафеси эмас!.. Ҳа, айтмоқчи, эҳтиёт бўлинг. Раис билан беллашаман деб, белингиз чиқмасин тагин! Олишмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан.

— Хўп,— Убай қўлини кўксига қўйиб таъзим қилди.— Бу насиҳатингизни эсдан чиқармаймиз!

Қизик: сўнгги пайтларда, Убай раислар ҳақида ки-

тоб ўқиса гаши келарди. Чунки бу китобларда бирорта ҳам яхши раис учрамас, улар ҳаммаси бир-бирига ўхшар, қолоқликда бир-биридан ўтар, бу китоблар унга жуда сохта ва уйдирма туюларди. Шунинг учун ҳам сценарийсига яхши раис образини киритган, унинг раиси, қишлоқдаги эски урф-одатларга қарши туриб, ёш жувоннинг соф муҳаббатини ёқлаб чиқар ва икки ёшнинг қўшилишига ёрдам берар эди. Наҳот энди у ҳаётда бунинг аксини учратса?

Убай идорага яқинлашган сайин, ўз ихтиёрига қарши ваҳима босиб, ҳаяжони ортиб борарди. У бир неча марта чўнтагига қўл суқиб, журналистик билетини ушлаб-ушлаб қўйди, назарида, билетга қўли текканда, қалбидаги ҳаяжон сал босилгандай бўларди. Шунинг учун ҳам идорадагилар раис райком бюросига кетганини ва бугун умуман келмаслигини айтганида, у бирдан енгил тортди: «Бир жиҳатдан йўқлигим яхши бўлди. Эртага гаплашаман. Бундай одамлар билан гаплашишдан олдин фактларни тўплаб олиш керак. Фактлар билан шундай гип бўғиш керакки, гиринг деёлмасин!..»

Убай идорадан чиққач, қаёққа боришни билмай ўйланиб қолди. Киночиларга боришга кўнгли тортмас, чунки Шавкатжон бош қаҳрамон масаласида шаҳарга тушиб кетганини эшитган, бошқаларини яхши танимас эди...

Тўсатдан унинг хаёлига Ҳамиданинг эри билан (исмини Содиқвой дейишувди) учрашиш фикри келди... Ҳамида-ку, кўнглидаги сирини очгиси келмади. Содиқвой нима деркин? Ораларида бошқа бир сир йўқмикин? Ҳа, бориш керак!

Убай қоровул чолдан Содиқвойнинг бригадасини сўраб олди-ю, сойга чиқадиган тўр кўчага бурилди.

* * *

Тўр кўчанинг икки томонидаги жийдалар, айниқса, ёнғоқ ва оқ тераклар бир-бирига тутшиб, осмонда ғалати бир чодир ҳосил қилган, қалин япроқлар орасидан ерга тангадай офтоб тушмас эди... Очиқ эшиклардан, пахса деворларнинг қулаб тушган жойларидан сув сеппилган шиннамгина ҳовлилар, атрофи райҳон ва намозшомгуллар, диккайиб турган гултожихўрозлар билан ўралган ва кўрпача тўшалган супалар кўринар, аёллар ўчоқ атрофида айланишар, ҳозиргина тандирдан узилган иссиқ нон ҳинди димоққа урар, бунинг ҳаммаси-

да шундай осойншталик, кўнгилга таскин берувчи сокинлик бор эдики, ҳовлига кириб супага чўзилгиси ва ҳамма нарсани унутиб ширин уйқуга кетгиси келарди кишининг... Бир чақиримча шу зайлда юрилгач, тор кўча чекиниб, олдинда кенг кўкаламзор сойлик кўринди. Соининг у юзидаги қалин боғлар олисроқдаги қирга тутшиб кетар, чап томонда кенг пахтазор кўринарди... Сойда пода кутаётган болалар чиллак ўйнаб, кураш тушиб, шовқин-сурон кўтариб юришар, теварак боғлардан эшитилаётган қўй-қўзиларнинг маъраши мунгли куйдай ёруғ ва ёқимли туюларди...

«Шоҳисталарнинг боғи қайси бири бўлдийкин? Кимдан сўрайман?»— деди Убай ўзича, лекин шу заҳотиёқ Шоҳисталарникига киришга журъат қилолмаслигини, қишлоққа хос қандайдир бўлакча ифбат ва андиша бунга йўл қўймаслигини тушунди, тушунди-ю, кулимсираб боғларга тутшиб кетган пахтазорга қараб кетди: Содиқвойнинг бригадаси соининг у юзида дейишувди. Афтидан, бу пахтазор ўшаники бўлса керак...

«Божам билан бир отамлашай!— деди Убай.— Бож божга жуда яқин бўлар эмиш-ку!»

Убай чиллак ўйнаётган болаларнинг ёнидан ўтиб, соининг у юзидаги жарликка яқинлашганда, пахтазор томондан елкасида кетмон, эгнида ёқаси очиқ кенг сурранг кўйлак, соқол-мўйлови оқара бошлаган хушсурат бир мўйсафид тушиб келди. Мўйсафид жар тагидаги ариқ бўйида тўхтаб, кетмонини ерга қўйди ва энгларини шимариб ювина бошлади. Бу Амаки эди. Убай мўйсафиднинг рўпарасига бориб салом берди ва бригадирни сўради.

— Бригадир... бригадир ножўя бир иш қилиб қўйиб, далага чиқмай юрувди-ю, болам,— деди мўйсафид, ҳўл қўллари билан қош-кўзи, соқол-мўйловини силаб.— Сувчи қизлардан бошқа ҳеч ким йўқ пахтазорда.

Амаки Убайга бошдан-оёқ разм солиб:

— Олисдан келганга ўхшайсизми, болам?— деди.— Уйини кўрсатиб қўяйми?

— Йўқ, майли,— деди Убай, сўнг тўсатдан:

— Бу... Матқобил амакининг боғлари қайси бири бўлади?— деб сўради.

Амакининг ўсиқ қошлари паст-баланд кўтарилиб, мулойим сарғиш кўзларида, мўйловининг четларида шўх кулги ўйнади. Убайнинг юраги «шиғ» этди: «Қай-натамга рўпара бўлдим шекилли! Шўрим қурсин!»

Амаки белбоғини ечиб, юз-қўлларини артаркан:

— Боғлариям, ўзлариям шўтта, деди кулиб,— хизрни йўқласангиз ҳам бўлар экан, ўғлим.

У ўрнидан туриб, елкасига кетмонини ташларкан:

— Каминанинг боғини суриштирдилар, энди узумидан еб кетасиз,— деди ва жар тепасидаги ёлғизоёқ йўлдан ўнгга буриларкан:— Қани, хизматларига тайёрмиз, ўғлим!— деди.

«Майли, бўлганича бўлар!— Убай кулимсираб Амакининг орқасидан кетди.— Ўхшатмасдан учратмас, деганларидек, қайната ҳам каминага ўхшаб шўх чиқиб қолдилару!»

Амакининг боғи узоқ эмас, сой бўйида эди.

Амаки билан Убай қўшқанотли эски дарвозадан олдин қўй-қўзилар кўканланган кичикроқ ҳовлига киришди, ҳовлидан катта боққа ўтишди ва олди ишком билан тўсилган бир қаватли уйга қараб кетишди. Боғ жуда қалин, ундаги дарахтлар қандайдир тартибсиз жойлашган, олма ва тут, қайрағоч ва ўрик, жийда ва терак, олхўрн ва тол — ҳаммаси аралаш-қуралаш ўсар, лекин бу тартибсизликнинг ўзига хос бир латофати бор эди. Убай, назарида, худди қалин ва ёввойи бир ўрмонзорга кириб қолгандай эди.

Улар уйни тўсиб турган баланд ишкомга етганларида ичкаридан нимаси биландир Шоҳистага жуда ўхшаб кетган нозиккина бир аёл чиқди ва Убайни кўриб, рўмоли билан оғзини тўсиб олди.

— Ассалому алайкум, аяси,— деди Амаки.— Қалай, тинчликми?.. Балли, яшанг... Бўлмаса сиздан битта илтимос: шосупага бир жой қилсангизу биз бу ўғлим билан оёқни чўзиб бир яйрасак... Қаршилиқ йўқми, аяси?

Аёл рўмолини оғзидан сал паст тушириб, Убайга аллақандай тикилиб қаради, сўнг кўзларини ерга олиб:

— Шоҳистангиз билгандай супага жой солиб қўйди, дadasи,— деди ва негадир билинар-билинимас кулимсираб қўйди.

«Ҳо-о, тилида келманг десалар, ҳам дилида жон-жон деб турган эканлар-да!..»

Уйнинг орқасидаги тарвақайлаб ўсган кекса тутнинг тагида бир тўп қизлар ўсма қўйиб ўтиришарди. Эгниларида атлас кўйлак, қўлларида ойна, олдларида тўнтарилган пиёла, чақчақлашиб ўтирган қизлар Амаки билан Убайни кўриб, ҳурккан кийиклардай, ўрниларидан сапчиб туришди.

— Қўзғалманглар, қизларим, қўзғалманглар,— деди Амаки, лекин қизлар бир-бирларини туртишиб ва ер

остидан Убайга қараб пиқ-пиқ кулишиб, уйга кириб кетиши.

Шоҳиста, эғнида атлас кўйлак, бошида гулдор рў-мол, тутнинг тагидаги баланд супага кўрпача ёза бошлади.

— О-о, оппоқ қизим, эрка қизим!— деди Амаки қўларини белбоғига тираб.— Жаннат қилиб юборибсану бўтни! Энди зиёфати қандай бўлар экан бу жаннатнинг?

— Зиёфати... Ошнинг зирвагини қовуриб қўйибман!..— Шоҳиста ер остидан Убайга «ёмон қараш» қилди-да, имо-ишораларини дадаси кўриб қолишидан кўрқиб ўзини уйга урди.

— Қани,— деди Амаки.— Хоҳласангиз, мана, супага чиқиб ёзининг, хоҳласангиз, боққа чиқамиз, болам.

Убай Шоҳистани яна кўриш ва имо-ишоралар билан бўлса ҳам «гаплашиб» олиш ниятида:

— Майли, мен дам ола қолай,— деди.

— Хўп, болам, бўлмаса мен бир боғ оралаб келай...

Убай супага чиқиб чўзилди, райҳоннинг бир шохини узиб ҳидларкан:

«Йўқ,— деди,— биз маданий ҳаёт деб юрганимиз ҳаммаси бекор. Ҳар оқшом шу супага чўзилиб, Шоҳистанинг йўлини пойлаб ётишга нима етсин?..»

Шоҳиста патнис кўтариб чиқди, лекин дадаси йўқлигини кўриб, супадан узоқроқда тўхтади.

— Келаверинг, бўри эмасманки, еб қўйсам!

— Бўридан ҳам ёмонсиз... Уялмайсизми? Дадамларга нима дейсиз?

— У кишига аллақачон айтдим.

— Нима дедингиз?

— Айтдимки, қизингиз каминанинг бўй-бастига шайдо бўлиб қолди, дедим...

— Ҳо-о? Тарсаки эмадингизми ишқилиб?

— Лаббай? У киши айтдиларки, сиздай оқил ва... кетворган йигитдан битта эмас, ўнта қизим бўлсам яямас эдим, дедилар.

— Шунақами ҳали?— Супанинг четига келиб ўтирган Шоҳиста аччиғланган бўлиб ўрнидан турди.— Бўлмаса чучварани хом санабсиз! Ота-онанинг ихтиёри билан... турмушга чиқадиган пайтлар ўтиб кетган!

Убай унинг қўлидан «шاپ» ушламоқчи эди, Шоҳиста «лип» этиб қочиб уйга йўналди.

— Аттанг. Минг аттанг!— деди Убай уф тўртиб, Шоҳиста тўхтади.

— Ҳа, нима бўлди?

— Ушанда сочингизни қирқтирганим учун афсус қил-
япман. Уша қирқ кокилингиз бўлганда-ку, ҳозир ўнг
қўлимга шундоқ ўраб олиб...

— Урармидингиз?

— Нима қилишимни ўзим билардим!..

— Ажаб бўпти! Сизнинг шунақа феодаллингизни
билганим учун ҳам қирқтирдим-да, сочимни!

Шоҳиста кулиб уйга кириб кетди. Убай кўнгли сув
ичгандай бўлиб унинг орқасидан тикилиб қолди.

Қизиқ, Убайга нима бўляпти ўзи?

Бошда, Шоҳиста билан дастлаб танишган чоғларида,
унга Шоҳистанинг хусн-латофати қанчалик ёқса, қиз-
нинг тортинчоқлиги, арзимаган нарсадан ҳуркиб туриш-
лари айниқса қишлоқчасига кийинишлари, сочини «қирқ
кокил» қилиб тараб, зардўзи дўппи кийиб юришлари
унчалик ёқмас эди. У Шоҳистани «ўз таъсирига олиб,
янгича кийинишга ўргатгунча, белидан пастроққа тушиб
турадиган «қирқ кокилини» қирқтириб, янгича причёска
қилдиргунча «ўлиб бўлган» эди! Ушанда, Шоҳиста би-
ринчи марта калта ва силлиқ причёска қилиб, пошнаси
баланд туфли ва янги модада тикилган калта кўйлагини
кийиб чиққанида у шундай очилиб кетган эдики, мана-
ман деган олифталар ҳам унга суқланиб тикилаётгани-
ни кўриб Убайнинг ўзиям қўрқиб кетган эди!..

Мана энди, ажабо, илгари унга қўпол кўринган ки-
йимлар Шоҳистага жуда ярашиб, чиройига чирой қўш-
гандай туюляпти. Бояги кийиндек ҳуркиб қочган қиз-
лар-чи! Уларнинг шўх ва уятчан боқишлари-чи? Наза-
рида Убай илгари бу гўзалликни сезмагану илк бор
бунга тушунгандай бўляпти. Сабаби нима бунинг? Ё
тўсатдан қонидаги ота-боболарнинг ҳиссиёти уйғониб
қолдими?..

...Йўқ, бунинг учун эмас, афтидан, Убай шу маҳалга-
ча бу гўзалликнинг қадрини билган эмас, унинг ўзига
хос латофатини ҳис этган эмас. Акс ҳолда, бунчаликка
бормас эди. Айниқса, сценарийдаги воқеа...

Боғдан бир белбоғ олма, олхўри ва шафтоли кўта-
риб Амаки чиқиб келди, меваларни дастурхонга сочиб
юбориб, кўрпачага ёнбошлади.

— Хўш, мана, худонинг нози неъматидан олингу
гапни бошланг, болам. Каминани излаб келиптилар?
Газетадансиз, чамаси?

— Ҳа, газетадан келдим, ота.

— Яна каминанинг тажрибасидан ёзмоқчимисиз?

Ҳадеб ёзишавериб, тажрибаям сийқаси чиқиб кетди, ўғлим.

— Йўқ, ота...— Убай ўнғайсизланиб, бошини қашиди.— Мен бошқа мақсадда келувдим. Куёвингиз масаласида келувдим, ота. Куёвингиз қизингизга нисбатан номардлик қилипти, деган хабар борди.

— Шунақами?— Амакининг кўзларидаги шўх табасум шабада сўндирган шамдай сўнди-қолди, диккайиб турган мўйлови шалпайиб, оғир хўрсинди.— Ҳа, пешанасида шўри бор экан қизимизнинг! Илож қанча, бошда ўзи хоҳлаб ўша... тентаки девди...— Амаки Убайга синовчан тикилиб қаради ва тўсатдан билинар-билимас кулимсиради.— Мана, сиз ёшлар ота-онанинг ихтиёри билан иш тутишни хуш кўрмайсизлар. Ота-она бир нима деса, бизни ўз ихтиёримизга қўйишмаяпти, деб арздод қиласизлар... Аммо-лекин ота-она бир нимани билгани учун шундай дейди-да, ўғлим. Биз ҳам бошда айтдик қизимизга — бу йигит сал ҳалигидақа... чапдаст, тош-тарозиси енгилроқ йигит дедик, биздақа мўмин мулойимларга тўғри келмайди, қизим, дедик. Йўқ, нима бўлсаям, шунини дейман, деб туриб олди. Мана, оқибати нима бўлди?..

«Бобой жуда нозик жойиндан олдилару. Шоҳиста билан каминага шама қилингани йўқми ишқилиб?»

— Мен ҳам ҳайрон бўлиб қолдим, ота,— деди Убай.— Мен бу одамни бошлаб бир газетага ёзаман деб келувдим. Келсам... колхоз катталари ҳам унинг ёнини оляпган эмиш. Қизингиз... Ҳамида опамлар ҳам очик бир гап айтмадилар.

Амаки бошини қуйи солиб ўйланиб қолди, кейин:

— Ҳайрон бўладиган жойи йўқ, болам,— деди.— Борингки, сиз у аҳмоқни бошлаб газетага уринг. Уни тутиб олиб қамашсин, суд қилишсин. Хўш, кейин нима бўлади?..

— Болалари етим қолади, демоқчимисиз, ота?

Амаки оҳиста бош чайқади.

— Йўқ, гап болалардаям эмас, ўғлим,— деди секин.— Гап қишлоқ аҳлида. Уни суд қилишганда одамлар бизга раҳмат дермикин, болам? Униям ота-онаси, қариндош-уруғлари бор...

— Энди... бир-иккита аҳмоқ гап-сўз қилади, деб, бу одам сувдан қуруқ чиқиб кетаверадими, ота?

Амаки бошини кўтариб Убайга бир қаради-да, яна уф тортди.

— Йўқ, болам,— деди.— Ҳар нима бўлсаям, мен уни қамалсин деёлмайман, аммо-лекин... раисимиз Туробжонга ҳам қўшилолмайман, болам. Туробжон у аҳмоқни, сутдан оқ, муснчадан увол деб, бутун айбни қизимизга тўнкаяпти... Ҳаммадан мана шуниси ўтиб кетяпти, болам!..

Чолнинг овозида, бошини қуйи солиб ўтиришида шундай чуқур бир мунг бор эдики, Убай:

— Сабаби нима, ота?— деди титроқ босиб.

— Сабаби кўп, қайси бирини айтай, болам?— Амаки бир зум жим қолди, кейин секин деди:— Бошқасини қўйинг, биттасини айтиб берай, болам. Раисимизнинг эр етган бир укаси бор. Уша йигит бизнинг ҳалиги... кенжа қизимизга кўнгил қўйган экан, куёвнимиз бизнинг номимиздан шу ишни тўғрилайман деб, раисга ваъда бериб қўйибди... Нафсиламбрини айтганда, раиснинг укасиям ёмон йигит эмас, туппа-тузук, ўқимшли йигиту, аммо-лекин бу ёшларга нима ҳам дейсиз, тентак қизимиз бошқа бир шаҳарлик йигитга кўнгил қўйибди... Биз у йигитни билмаймиз, яхши, мўмин-қобил йигитми, ёки, қизимизнинг бошини айлантириб, йўлдан уриб кетадиган бир олифта-мугамбирми?

«Э, қўйинг бу гапингизни, ота. Ажойиб йигит у! Ажойиб бўлмаса қизингиз яхши кўриб қолармиди уни?»

— Албатта,— деди Убай.— Қизингиз... кўнгил қўйган бўлса нима ҳам дейсиз? Ҳозир бурунги замон эмаски... зўрлаб эрга берсангиз...

— Бурунги замон эмас!— кулди ота.— Мана, биз бурунги замонда уйланганмиз, ўғлим. Янгангизниям чимилдиқда кўрганмиз. Аммо-лекин пичоқ ўқталиш у ёқда турсин, ақалли бурнига чертмаганмиз, янгангизни Жон аяси, ўзларидан яхши пари-пайкар йўқ, деб ҳанузгача кафтимизда кўтариб юрамиз. Ҳозир бўлса... бугун қарасангиз Лайли-Мажнун, эртага қарасангиз... ит-мушук!

«Ҳо-о, оляптилару қайнатаси тушмагур! Қоса тагида нимкоса йўқми ишқилиб!»

Эшикда Шоҳиста кўринди, кўзини ердан узмай сўради:

— Ошни дамлайвераёми, дада?

— Дамлайвер, қизим, дамлайвер.— Амаки мўйловини силаб Убайга юзланди.— Сиз жа гаплашадиган тузук йигит экансиз. Яхши қўлбола мусалласдан бор. Лаббай?

«Яшанг! Ўзимиздақа ўғил бола чиқиб қолдилару бо- бой!»

— Энди... агар ўзлари ҳам...

— Бизни қўйинг, ўғлим. Биз сиздай чоғимизда ҳам- ма планларни дўндириб қўйганмиз... Аммо ўзиям мусал- ласмисан мусаллас. Бултурги ҳосилники. Сизни кутиб ётган экан!..

Мусаллас чиндан ҳам жуда бошқача, шундай майин, ўткир ва хушбўй эдики, Убай бир пиёласини кўтариб, ёстиққа ёнбошларкан, арш-аълода ётгандай яйраб кет- ди. Отанинг: «Хўш, қалай?»— деган саволига тилини танглайига тақиллатиб жавоб берди.

— Мусаллас эмас, оби замзамга ўхшайди-ку, ота!.. — Убай «дада» деб юборишига оз қолиб, кулимси- ради:

— Ўзингиз ҳам бир пиёла олинг, ота, бир отамла- шайлик!

— Боя айтдим-ку, биз планни дўндириб қўйганмиз деб, энди сиз олсангиз биз олгандай бўламизу қўшилиб кайф қилаверамиз, ўғлим!

— Ҳо-о, оляпсиз-а, ота!— Убай кўзлари сузилиб, Амакига қараб жилмайди. Мусаллас тобора дилини қи- тиқлаб, тилини қичитар, ҳадеб ота билан ҳазиллашги- си, кўзларидан табассум армаган бу ажойиб чол билан аскиялашгиси келарди.

Амаки яна бир пиёла мусаллас узатди.

— Ўзингиз шаҳардан бўлсангиз ҳам, гапга тушуна- диган тузук йигит экансиз,— деди.— Мана шу бир пиё- лани ҳам кўтариб юборингу ошни еб, кўк чойни ичиб, бир ёзилиб дам олинг, болам!

Бу сафар мусаллас Убайга боягидан ҳам тотли ва хушбўй туюлди. У ўзини ёстиққа ташлаб, ош кўтариб чиққан Шоҳистага кўзини сузиб қаради. Шоҳиста ошни ўртага қўяркан, ер остидан бир хўмрайиб қаради-да, индамай уйга кириб кетди. Убай, назарида, умрида бундай хушбўй, бундай мазали палов емаган эди! У яна беихтиёр жилмайиб, Амакига тикилди:

— Бу Шо... қизингизни айтаман,— деди.— Пазанда экан-да!

— Ҳа, қизимиз, умри узоқ бўлсин, тузук,— деди Амаки.— Мўмин-қобил чиқди. Ишқилиб худо бахтини берсин...

— Илоҳим айтганингиз келсин,— деди Убай жид- дий, лекин мусаллас билан бирга томир-томирларига қуюлган шўх туйғу тобора кўпириб борар, гапиргиси,

ҳазиллашгиси, дилида мавж ураётган муҳаббатни изҳор этгиси келарди.— Ота...— у яна боягидай «дада» деб юборишига оз қолди.— Ота, боя бир гап айтдингиз, шу ростми?

— Қайси гапни айтасиз, болам?

— Ҳалиги... шаҳарлик олифта йигит дедингиз. Ма-на, мен... мен ҳам шаҳарлик йигитман... Олифтага ўхшайманми?

— Хўш?— деди Амаки.

— Ҳа, шу...— Убай тили қичиб: «Уша кенжа қизингиз жигаридан уриб қўйган олифта йигит биз бўламиз!»— деб юборгиси келди, агар Амакининг аллақандай ҳадиксираб қараганини пайқаб қолмаганда, ўзини тутолмай айтиб юборар эди. -

— Энди... ота, тилимнинг учига бир гап кеп турибди-ю, айтсам уялиб қолармиканман, деб турибман-да!

— Ундоқ бўлса... Яхшиси айтманг,— деди Амаки, тўсатдан унинг кўзлари қисилиб, чеҳрасида муғамбирона бир табассум жилва қилди.— Кўнглингизга келмасин, ўғлим. Бу қуриб кетгур хурмачадаги шайтоннинг учта хислати бор: бировни ботир қилади, бировни тентак, бировни доно қилади бу шайтон. Тентак огзига келган гапни қайтармайди. Сохта ботир эртасига уялиши эсндан чиқиб, отаси билан ҳам ҳазиллашади. Аммо доно — тек ётиб гаштини суради, ичида кулиб, аҳмоқ билан ботирнинг гапни эшитди. Сиз ана шунақа доно бўлинг, ўғлим, демоқчиманки, ҳозир отангиз билан ҳазиллашиб, эртага уялиб юрманг тағин. Лаббай?

«Ўлдирди бу чол! Ўлдирди! Бу кунингдан баттар бўл! Кўтаролсанг ичгин-да буни, тентак!»

— Кечирасиз, ота...

— Йўқ, йўқ, бу шунчаки бир ҳазил-да, ўғлим... Мен ҳозир эмас, бошқа пайтларда эҳтиёт бўлинг демоқчиман. Қани, яна бир пиёла...

— Раҳмат, ота. Мен ҳам сиз билан ҳазиллашиб, эртага уялиб қолмай яна!

— Балли,— деди Амаки ва бир пиёла совуқ чойни шимириб, қўлини арта бошлади.— Бўлмаса... сиз кўк чойни ичиб, ҳордиқ чиқаринг, ўғлим. Мен сувга бораман...

Амаки лаганнинг тагида қолган ош билан хурмачани кўтариб уйга кириб кетди. Убай ўзини ёстиққа ташлаб, шотут япроқлари орасида милт-милт ёнган юлдузларга тикилди, юлдузлар шабадада титраган япроқлар билан бирга титраб, гўё қоронгида чақнаган, ёқут сирғача-

лардай товланар эди. Убай, димоғини ёрган райҳон ва атиргул ҳидидан маст, ўзича секин кулимсиради:

— Тоza боплади-ку, бу қайнатаси тушмагур! Шоҳистанинг шоирона табиати отасидан экан-да, бундан чиқди!

Убай кўзини эшикдан узолмас, ҳар бир шарпадан чўчиб, Шоҳистани кутарди. Шоҳиста чиқмади, Убай кута-кута уйқуга кетганини ўзиям билмай қолди.

* * *

— Туринг, уялмайсизми тушгача ухлаб, туринг!.. Убай чўчиб уйғонди-ю, кўзи офтобга тушиб, қамашиб кетди.

Шоҳиста олисроқда, гўё яқинлашишдан қўрққандай, ҳуркиб турарди. Убай ётган жойида ечинмасдан қотиб қолганини кўриб, хижолат чекди.

— Яшанг, дев бўп кетинг-а!— кулди Шоҳиста ва кўзларини ола-кула қилиб:— Туринг, сойда сизни раис акам кутяптилар!— деди.

— Қайси раис ака?

— Қайси бўларди, ўша... ўзингиз билган раис акамлар-да!

Убайжон унинг овозида тараддудни сезиб, ўрнидан сапчиб турди.

Сойда уни раис эмас, раиснинг «Волга»си кутиб турарди.

Турсбжон идорада экан, Убайни ҳазил-мутойнба билан кулиб қарши олди:

— Маза-да, ёзувчи акамларга! Командировкага чиқишсаям ётишад пешингача хурракни отишиб! Биз бечора хўроз қичқирмасдан туриб далама-дала кезамизу яна бошимизда калтак сингани-синган!

— Йўғ-э, бошингизда калтак синган одамга ўхшамайсиз-ку!— деди Убай. Унга гап-сўзлари, афт-ангори ва муомаласида зўравонликдан асар йўқ бу ёш, хушқомаг, ҳазилкаш раис биринчи кўришданоқ ёқа бошлаган эди.

— Энди... калтак еявериб суюгимиз қотиб кетган-да, ука!— кулиб жавоб берди Туробжон. Уст-бошидан олифтага ўхшаб кетса ҳам, ўзини жуда содда тутган бу ёзувчи йигитча унга ҳам ёқиб қолди.

Кечаси, райондан қайтиб, ёзувчи келганини эшитганида Туробжон, гарчанд қанча-қанча газетчилар, ҳатто муштумчиларни кўрган бўлса ҳам, бир сапчиб тушди.

Чунки «ёзувчи» сўзини эшитиш биланоқ сизди, бу ҳам ўша Содиқвой, Ҳамидахон масаласида келган! У ўзига қанча тасалли бермасин, (Нима гуноҳ қилдимки, ёзувчидан қўрқсам, бор гуноҳим шу иш бости-бости бўла қолсин деганимми?) кечаси яхши ухлай олмади.

Бошда нимага ҳам аралаша қолдим шу ишга, деб ўзини кўп койиди. Лекин ўйлаб қараса, аралашмаслиги ҳам қийин экан, чунки Содиқвой билан сирдош бўлишдан ташқари, бу воқеа район ва областдагиларнинг қулогига етиб борса яхши бўлмас эди. Районда ҳамма жиҳатдан олдинга чиқаётган илғор колхозда тўсатдан бундай номаъқулчилик юз берса... Катталар нима дейди.

Туробжон шуни ўйлаб, қолаверса Ҳамиданинг майда-чуйда гаплари овоза бўлмасин деб, участкавой билан гаплашиб, Содиқвойни кафилликка олган, умуман, шу ишни босди-босди қилиб юбора қолишга уринган эди. Лекин уринганидан нима фойда, кеча парторг прокурорга борибди. Бошқа масалаларда Туробжонга бир оғиз қарши чиқмаган ёш йигит, шу масалада тўполон қилиб, Содиқвой устидан яна иш қўзғабди. Бу ҳам майли, парторг нима бўлса ҳам ўз одами, лекин ёзувчи... ёзувчи билан ҳазиллашиб бўлмайди. Агар шу иш билан келгани рост бўлса, уни бир бало қилиб қўлга олиш керак!

Туробжон бу ўйлардан боши говлаб, тонгга яқин зўрға кўзи илинди. Эрталаб суриштириб қараса, худди билганидек, ёзувчи ўша кўнгилсиз масалада келипти, лекин унинг ҳам битта нозик жойи бор, яъни Шохистахонга харидор бўлиб юрган шоир йигит шу киши экан. Туробжон бу гапни эшитиб бир оз тинчса ҳам, (ҳаддидан ошиб кўрсин, бу ишда шахсий гарази борлигини дастак қилиш мумкин!) ҳар ҳолда эҳтиёт бўлишга аҳд қилди. Чунки бу газетчилар аҳли... оловга ўхшайди. Эҳтиёткорлик билан иш тутсангиз, қозонингизни қайнатиб, рўзгорингизга иш беради, эҳтиёт бўлмасангиз хону монингизни куйдириб, кулингизни кўкка совуради!.. Асли, Туробжоннинг кўтарилишига ҳам бир газетачи сабаб бўлган. Бригадирлик чоғида у ҳақда арзимаган бир лавҳа ёзди-ю, баҳонан сабаб экан, мақола устига мақола чиқиб, бир йилдаёқ рансликка кўтарилди кетди!..

— Хўш, ҳойнаҳой қишлоқ билан танишарсиз?— деди Туробжон.— Хоҳласангиз далага чиқамиз, хоҳласангиз... янги қурилишларни кўрсатаман.

— Билмадим энди...— Ўбай ўнғайсизланиб бошини қашиди.— Мен бошқа мақсадда келувдиму...

— Агар мақсадингиз каминанинг оёғини осмондан келтириш бўлсаям олдин бундоқ бир турмуш билан танишиб чиқинг. Ёзувчи деган ҳаётни ўрганиши керакми ахир?..

— Ёзувчилар союзига раис бўлиб кетинг-э!— деди Убай.

Туробжон мийиғида бир кулиб қўйди.

— Сизнинг нима мақсадда келганингизни билиб турибман, ука. Аммо-лекин колхоз ҳаёти билан атрофлича танишмай, фақат ўша масала билан чекланиб қолсангиз... ёзган нарсангизда қора бўёқлар кўпайиб кетмасмикин? Гоявий жиҳатдан тўғри чиқармикин ёзган мақолангиз?

«Чин айтиштим бу ранс ё ҳазиллашяптими?»— деди Убай ичида ва ўзини тутолмай хаҳолаб кулиб юборди.

— Қойилман сизга! Тоза ўрганибсиз-ку, ўзингизни танқиддан асраш йўлларини!.. Хўп, яхши, юринг, кўрайлик ўша... гоявий тўғри ишларингизниям!

Туробжон чеҳраси очилиб кетди.

— Ҳа, балли, гап мана бунақа бўпти, ука!

Улар қишлоқнинг қоқ ўртасидан ўтган кенг асфальт кўчанинг бу бошидан кириб, у бошидан чиқишди, бир неча жойда тўхтаб, тўрт хонали янги данғиллама уйларни кириб кўришди.

Туробжон ҳар бир хонадонга кирганда пешвоз чиққан аёллар, чол-кампирлар билан ҳазиллашиб гаплашар, болаларнинг бошларини силар, мезбонлар ҳам раисни очиқ чеҳра билан қарши олишар ва дастурхон ёзишга шошилишар эди. Лекин ранс ўтирмас: «Бир пиёла чой билан қутулиб кетмоқчимисизлар, йўқ, бунақаси кетмайди, қўй сўйиб чақирганларингизда келамиз, ҳа!»— деб ҳазиллашарди.

Убай ҳайрон эди: шундай хушмуомала одам, қандай қилиб Содиқвойни ёқладийкин! Қандай қилиб, Ҳамидахон билан Амакинни ранжитдийкин? Наҳотки ёлғиз Шоҳиста учун шундай қилса?

Фақат битта одам, у ҳам бўлса муштдаккина кўса, раисга унча рўйхушлик билдирмади.

Улар борганда, кўса эшикнинг олдидаги супада ғужанак бўлиб мудраб ётарди. Бир кўзи очиқ, бир кўзи юмуқ, раисга бир қараб қўйди-да, чопонига ўраниб олди.

— Ҳа, кўса, ҳалиям норозимсан?— деди Туробжон кулимсираб.— Яшавор! Ётибсан, оёғингни осмонга қилиб! Ҳайф сенга бунақа данғиллама уй!

— Ұттиз йил ишлаппиз, бўлади! Энди ўзимиз биламиз оёқни осмонга қилиб ётамизми, ё ногора чалиб ўйнаймизми?

— Ҳа, қойил қилиб қўйгансан, кўса! Уйда ким бор?— Туробжон ҳовлига кириб кетди, кўса эса бир кўзини қисиб, бир кўзини истар-истамас очиб, Убайга қаради.

— Кўрдингми?— деди бошини ликиллатиб.— Худди бу уйни отасининг пулига қуриб бергандай гаплашади. Қуриб берган бўлсанг ўттиз йиллик пешана теримга қуриб бергансан. Лаббай?.. Разм солдиларми гапига? Бурунги замоннинг бойваччаларидай гаплашади-я ҳовлиқма! Наинки бойвачча, қаролига ёш хотин олиб берган бувам ҳам бунақа муомала қилган эмас!.. Йўқ, афв этасиз, ҳозир бурунги замон эмаски, қорним тўйганг учун сенинг оёғингга бош урсам. Раҳбар бўлсанг ҳурматимни бажо келтир! Лаббай?.. Кечирадилар, ўзлари қатган бўладилар?— тўсатдан сўраб қолди кўса.

— Ҳа, шу... шаҳардан келувдим,— деди Убай.

— Вакилмисан?

— Йўқ... газетадан келувдим..

Убай гапни тугатмаган ҳам эдики, кўса, худди бир ағнаб ўрнидан турган мушукдай сапчиб турди, кўзлари ғалати ёниб шипшиди:

— Фельетон қилиш керак бу ҳовлиқмани, фельетон!— деди шивирлаб.— Мен уни раисликдан олиб ташланг демайман, йўқ, аммо-лекин сал ҳовуридан тушириб қўйиш керак бунақа ҳовлиқмаларни! Меҳнаткашнинг қадрини билмайди. Ҳамманг оёғининг учи билан кўрсатади... Йўқ, афв этадилар, бу киши олдин менинг ҳурматимни бажо келтирсин, кейин...

Кўса қайтиб чиққан Туробжонни кўриб яна гужанак бўлиб ётиб олди.

— Ҳа, яна ғаламис гапларингни бошладингми, кўса?

— Сен ҳақ гапни ҳам ғаламисликка йўймоқчимисан?— деди кўса ва бошини чопонига ўраб олди.

Туроб ижирғаниб ерга туфлади.

— Битта тиррақи бузоқ бутун бир подани булғайди! Бир ўзинг бутун колхозни бузиб бўлдинг! Уйлайсанки, гапишга биров ишонади, деб! Сен актив бўлиб, бутун бир қишлоқни алғов-далғов қилиб юрган пайтларинг аллақачон ўтиб кетган!

— Сен ҳам ўйлайсанки, бу дунёнинг устунни бўламан

деб! Сен тугул жаҳонни титратган фотиҳу жаҳонгирлар ҳам устун бўлолмаган бу дунёга! Ҳа!..

— Сенга даво йўқ, кўса!— Туробжон қўлини бир силтаб кўчага чиқиб кетди, машинага ўтираркан:— Ма-на шу кўса ҳам бир маҳаллар актив бўлиб, қишлоқда анча-мунча ишлар қилган!— деди гижжиб.— Энди пенсияга чиқиб олди-ю, сасигани-сасиган. Бунақа одамларга ҳеч нарса ёқмайди. Агар тувагини олтиндан қилиб берсангиз ҳам, камчилик қидиргани-қидирган!

Убай унинг гапига ишонинқирамай кулмсираган эди, Туробжон:

— Нега куласиз?— деди тўсатдан ранги ўчиб.— Албатта, ишимизда камчилик кўп, ука. Жуда кўп. Лекин... орзуга айб йўқ, дегандек, умидимиз борки, биров бўл-маса, биров раҳмат айтар деган...

Убай бу одамга бир оғиз яхши гап айтмагани, шунча ишлар қилган раиснинг ўрнида унинг ўзи ҳам илиқ сўз эшитгиси келишини ўйлаб қизариб кетди.

— Кечирасиз, кўп яхши ишлар қилгансиз... Фақат... Мен бошқа мақсадда келганим учун...

— Ҳозир шу мақсадга ўтамиз!— деди Туробжон ва негадир соатига қаради.— Ҳозир... Ҳмм...— Унинг чеҳрасида қандайдир иккиланиш аломати акс этди.

«Менга нима бўлди ўзи? Нима гуноҳ қилибманки, бу олифта муллавачча олдида мунча титраб-қақшайман! Ун йил бўпти шу колхозни дейман, кечаю кундуз тиниб-тинчимайман... Битгаю битта айбим Ҳамидаҳон билан айтишиб қолганимми? Лекин у-чи? У яхши қилибдимми?.. Ё укамга бўлишганимми? Лекин ким ўз укаси, ўз жигарбандига бўлишмайди?..»

Туробжон кўзлари қисилиб, Убайнинг юзига синовчан тикилди.

— Қўнглингиз тўқ бўлсин, ука,— деди у.— Содиқ-вой ҳеч қасққа қочиб кетмайди. Мен ўзим сизни унинг олдига олиб бораман. Лекин ундан олдин сизга айтадиган бир оғиз гапим бор.

— Марҳамат...

— Хўп,— деди Туробжон ва Полвонга юзланди:— Уйга ҳайда!

* * *

Суз сепиб супурилган эски меҳмонхона ярим қоронғи ва муздай эди. Туробжон токчадан бир шиша коньяк, иккита рюмка олиб, ўртадаги столга қўйди. Полвон катта дўнгалак патинида олма, узум, анжир, шафтоли

олиб кирди. Туробжон ҳамон нимадандир иккиланиб столнинг ёнида хиёл ўйланиб турди, кейин бориб деразани очди, лекин боғдан эшитилган ширакайф хиргойини эшитиб: «Тентак!» деб пўнғиллади-да, деразани тайта ёнди ва лампочкани ёқиб, Убайга қаради.

— Ҳайрон бўляпсизми, ука?

— Йўқ...

— Бир рюмкадан қуяйми?

— Билмадим. Жиддий гап бўлса...

Туробжон қўлларини орқасига қилиб, Убайнинг рўпарасида тўхтади:

— Сиз жуда нозик масалада келибсиз, ука. Шунинг учун мен сиздан бир нарсани сўраб олмоқчиман, токи орамиз очиқ бўлсин, иним... Сиз ҳалиги... Шоҳиста деган қизни астойдил яхши кўрасизми?

Убай ўнғайсизланиб, ўтирган жойида бир тебраниб қўйди.

— Саволингиз қизиқ бўлди-ю...

— Нимаси қизиқ?— деди Туробжон кескин.— Масала жуда нозик. Сиз укамни кўрган бўлсангиз керак. У лапашанг бўлса, лапашангдир. Аммо-лекин... шу қиз туфайли девона бўлиб қолмаса деб кўрқяпман.

Убай елкасини учирди.

— Мен нима ҳам дейман. Ҳамма гап Шоҳистадаю ахир...

— Йўқ, Шоҳистада эмас, ҳамма гап сизда!

— Нега энди менда бўлади?

— Ўзингизни гўлликка солиб нима қиласиз, ука. Шоҳиста қишлоқдан чиққан соддагина бир қиз. Сиз бўлса... ёзувчисиз! Келажагингиз порлоқ...

— Жудаям осмонга чиқариб қўйдингиз-ку?..

— Шошманг, ҳали ергаям тушириб қўяман,— деди Туробжон кинояли жилмайиб,— Сиз, номи чиққан йигит, унинг бошини айлангириб, беш-олти кун кўғирчоқдай ўйнатиб, кейин қўлига пагтасини тутқазиб кавушини тўғрилаб қўймайсизми?

— Бундай дейишга бирор асосингиз борми?

— Бор,— деди Туробжон.— Кеча Шоҳистани кўрдим. Сочини қирқтириб худди ҳалиги... чет эл киноларидаги артисткаларга ўхшаб кетибди. Наҳот астойдил яхши кўрган йигит суйган қизини шу кўйга солиб қўйса!

— Менга қаранг, ранс ака,— Убай бир қизариб, бир кулди.— Наҳот гап соч билан кийимда бўлса?

— Кийимдаям гап кўп!

— Ҳа, буям тўғри!— деди Убай.— Боя мен сизни кўрганимда уст-бошингизга қараб: «Мана, янгича раис бундоқ бўпти!» дегандим ичимда, энди қарасам... кийим стилига-ю, гап-сўзда ўтган аср одамларига ўхшар экансиз!

— Ҳо-о биру поль, ёзувчиларнинг фойдасига!— Туробжон бир хохолаб кулди-ю, яна қош-қовоғи солинди, стулни ўртага «тақ» этиб қўйиб ўтирди ва бошидаги дўпписини столга ташлаб, қоп-қора силлиқ сочларини силади.

— Шошманг, акаси. Гап очилдими — бор гапни гаплашиб олайлик. Мен кўнгли очик йигитларни яхши кўраман, ука. Сиз очик айтинг-чи: авлод-аждодларимиздан келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган одоб-ахлоқимиз, урф-одатларимиз бор... Бунинг ҳаммаси оёқ ости бўлаверадими ё ҳурмат қиламизми? Йўқ, шошманг: назарий жиҳатдан мен ҳам биламан — яхшисини олиб, ёмонидан кечамиз. Лекин назария бошқа, турмуш бошқа экан, акаси... Тунов кун Акрамжон билан ҳам анча тортишувдик бу тўғрида. Уйлаб қарасам, хотин-қизлар масаласида бирмунча хатоларим бор экан, ўзимча тан олдим. Аммо-лекин... сал ўтмай қишлоққа киночи ёшлар келишди. Қизлар шим кийишиб, кўча-кўйда йигитлар билан очикчасига қучоқлашиб, ўпишиб юришпти! Бу ҳам майли, Сайёрахонни айтмайсизми? Дунёда хотинини ардоқлайдиган иккита йигит бўлса... биттаси Акрамжон эди! Иложи бўлса хотинини тахтиравонга солиб кўтариб юрсам дерди. Оқибат нима бўлди!..

Убай Сайёранинг Акрам тўғрисидаги гаплари эсига тушиб, кулиб юборди.

— Ошнангизни жудаям мақтаб юбордингиз. У киши бу масалаларда сиз айтгандай фаришта эмаслар!

— Сиз куласизу, аммо-лекин...

— Йўқ, бир нарса эсимга тушиб кетди, раис ака. Трамвайда иккита мўйсафид гаплашиб кетяпти. Бирови саксонларга бориб қолган, иккинчиси ёшроқ, борса эликларга боргандир. Саксонларга бориб қолган чол, бошини сарак-сарак қилиб: «Ҳозирги қизларда ҳаё қолмади,— дейди титраб.— Тиззадан юқори кўйлак кийишади. Ҳаммаёғи кўриниб турипти. Туф-туф...» Ёшроғи бу гапга: «Ёшингиз саксондан ошди, қизларининг оёғига қарагунча кўзингизни юмиб, тасбеҳингизни ўгириб, тек ўтирмайсизми, тақсир?»— деди кулиб. Бу ҳазил гап, албатта. Лекин... наҳот биз баъзи аҳмоқ ёшларнинг ноўя хатти-ҳаракатларини қоралаймиз деб, ўша чиркин урф-

одатларини ёқласак, оиладаги эски қуллик муносабатларни ушлаб қолиш, аёлларимизни ерга уриш йўллари ни тутсак?.. Боя сиз ҳамма айбни шаҳарга тўнкадингиз, ҳамма балога сабаб сизлар, демоқчи бўлдингиз. Лекин... ҳалиги ажойиб уйлар, зўр қурилишлар... ўша сиз ёмонлаган шаҳарлик архитекторнинг иши эмасми? Қишлоғингиздаги ҳамма техника, маданият, эғнингиздаги мана бу фасон кийимлар қаёқдан келяпти ўзи?— Убай кулди.— Хотин-қизлар масаласидаги хатоларингизни тушунгандай бўлдингиз? Буни тушунтирган, кўзингизни очган ким ўзи?..

— Ҳмм...— Туробжон бошини эгиб ва пешанасини ишқаб, ўйга толди. Анчадан кейин:— Сиз ўйламангки, бунақа сафсаталар билан ўз айбини хаспўшламоқчи деб,— деди уф тортиб.— Йўқ, акаси. Бўйнимга оламан — анча-мунча хатоларга йўл қўйибман... Аммо-лекин... гоҳо минг хил ўйларга борасан киши. Мана ўша, сиз текшириб келган жанжалли ишни олайлик... Уйламангки, Содиқвойни оқляпти деб. Агар мен шу иш ёпиғлиқ қозон ёпиғлиқ бўла қолсин десам... болаларни ўйладим! Қолхозни ўйладим.

— Ие, колхознинг бунга нима дахли бор?— деди Убай ҳайрон бўлиб.

— Ҳа, шу...— Туробжон билмай сирини очиб қўйган одамдай дудуқланиб пешанасини ишқади.— Колхозимиз районда биринчилардан. Шундай пайтда бу гап чиқса...

— Э-э, коса тагида нимкоса бор денг, раис ака?— кулди Убай.

— Хаҳ!— деди Туробжон.— Нозик жойидан тутдим демоқчисиз-ку? Майли, нима десангиз — денг! Мен айтган гапимдан қайтиш одатим йўқ, ука. Аммо-лекин ёқлайдиганингиз Ҳамидахон бўлса... унинг хулқ-атвори чи? Сизга «худосини» айтдим, «бердисиниям» яширмайман, ука. Бир пайтлар у киши бизга маданий ишлар бўйича муовин эдилар. Ўша пайтларда сал чап бўлишиб қолганмиз. Хотин-қизларга ғамхўрлик масаласида анча-мунча шов-шув кўтарганлар. Балки шунинг учун ёмон кўриб қолгандирман уни. Шунақасиям бўлади, ука, бировни ёмон кўриб қолсангиз яхши қилиғиям ёмон кўринаверади. Аммо-лекин инсоф билан айтганда, уям яхши бўлса... нима қилади бурунги хуштори билан хилватда учрашиб? Ёш эмассан, ўттиздан ошдинг, бола-чақали, бўлдинг. Бало борми тагин ёшликдаги гапларни кўзгаб?

— Акрам ака билан учрашганларини айтяпсизми?
— Уша-да!.. Хўп!— Туробжон Убайнинг гапирмоқчи бўлганини кўриб, оғзидан сўзини олди.— Борингки, ни-ятлари пок бўлсин. Борингки, менинг устимдан арз қилгани учрашган бўлсин Акрамжон билан. Аммо-лекин танқид қиламан деса... бошқа жой қуриб қолдимми? Идорага борсин, рўйирост айтсин!

— Идорага бораё деса... сиздан кўрқса, очиқ учрашишга Содиқвой ака қўймасалар!..

— Хўп, яна биз айбдор бўлдик. Аммо-лекин масалан, сиз, яхши кўрган жуфти ҳалолингиз шу ишни қилса, яъни сиздан яшириниб қизлик чоғларида кўнгил қўйган йиғити билан хилват жойларда учрашиб юрса... Сиз нима қилардингиз?

Убай елкасини учуриб кулди.

— Билмасам энди...

— Хайрият!— деди Туробжон.— Мен кўрқувдимки, «нима қилардим, хурсанд бўлардим!»— дермикинсиз деб!.. Содиқвой ҳам бошида дўпписи, белида белбоғи бор йиғит, акаси. Унинг айби — хотинини яхши кўришимми?

— Энди... бояги гапингиз — гап, раис ака,— деди Убай,— ҳар нима бўлганидаям аёл кишига қўл кўтариш номарднинг иши! Бу биринчидан. Иккинчидан...

— Хўш?

— Сиз... ҳамма жиҳатдан районда биринчиликни оламан деб, бор айбни Ҳамидаҳон опамларга тўнкаб, ишни бости-бости қилишга уринишингиз инсофданми, раис ака? Ахир боя ўзингиз айтдингиз-ку, хатоларимга тушундим, хотин-қизларга гамхўрлик қилмабмиз, деб! Энди таъ беринг-да, ака!

— Бас!— Туробжон бошига дўпписини кийиб ўрнидан турди.— Мен бор гапни айтдим, акаси! Бу ёғини ўзингиз биласиз. Менинг гапимга кўнглингиз тўлмаган бўлса... қолганини Содиқвойдан, ундан қолганини терговчидан эшитасиз, ростини айтсам, бу иш менга катта бир сабоқ бўлди, ука.

У «кетдик» деган маънода эшикка қараб юрди. Худди шу пайт ташқарида ширакайф хиргойи овозлар эшитилди:

«Мен ёмондан айрилиб, топган яхшинг шу бўлдими?»

Туробжон тўхтаб:

— Тентаклар!— деб пўнғиллади-да, эшикни бир тепиб очди. Муроджон, икки ёнида мўйловлари эндигина

сабз урган иккита йигитча ҳовлининг ўртасидаги ҳовуз бўйида чайқалиб турарди. Йигитлар кўйлаклари ёқавайрон, дўппилари чаккаларида, кўзлари қисилиб, овозлари қовушмай ашула айтишга уринишар, шамолда тебранган дарахтдай тебранишларига қараганда фирт маст эдилар.

Убай эшикда кўриниши билан йигитларнинг бири — бўйи Муроджоннинг елкасига ҳам етмайдиган паканагина йигитча, олдинга толпиниб:

— Мана, Шоҳистахонди йўлдан урган шоир акамлар шу киши бўладилар!— деди хўрозланиб.— Яна бизди қишлоққа келиб, гердайиб юришини қаранг бунинг!

Муроджон бошини эгиб оғир тебрланди-ю:

— Оҳ Шоҳиста!— деб кўкрагига урди.

Туробжон ранги ўчиб, унга томон шиддат билан юрди, йўлини тўсган пакана йигитчани четга суриб, укасининг ёқасидан ушлаб силкиди.

— Кўзингни очиб, қаддингни тут, аҳмоқ! Суймаганга суйканма, деган гапни эшитмаганмисан?

— Қўйинг, ака...— Муроджон, бошини мастона чайқаб ингради.— Сиз нимани ҳам тушунардингиз, ака!

— Қаддингни тут! Менинг тушунганим шу! Йигитмисан ўзи, ё... ё!— Туробжон тўсатдан укасини даст кўтариб, унга олиб кириб кетди. Убай ҳовуз бўйида лол бўлиб турган йигитчаларга бир қараб қўйди-да, кўчага чиқиб кетди.

У илгари Муроджон эзилиб юрганини сезса ҳам, унинг бунчаликка боришини тасаввур қилмаган эди, зотан, уни чин севгига қодир деб ўйламаган, шунчаки Шоҳиста ташлаб кетгани учун иззат-нафси койиниб юргандир-да, деб ўйлаган эди. Бугун биринчи марта унинг самимий изтироб чекишини кўрди, кўрди-ю, рашки келса ҳам, кўнгли бир хил бўлиб кетди...

Туробжон уни кўчада қувиб етди. Машинага чиқаркан:

— Тентак,— деб қўйди, сўнг тўсатдан Полвонга юзланди.— Машинани ўзим ҳайдай қолай. Сен туш. Уйда кеннойинг ҳам йўқ эди, Муроджоннинг олдида бўл. Узини бир бало қилиб қўйишдан ҳам тоймайди бу тентак... Асли сиз ҳақсиз,— деди у, машина қўзғалиб, катта кўчага тушиб олгандан кейин.— Ёш йигитсан —ўзинг топиб, ўзинг қовушиб кетавер. Бунақа қилиб, эскичасига ота-онага суяниб, оҳ-воҳ қилиб, севмаганга суйканиб юриш ярашмас экан ҳозир! Ҳа...

Йўқ, раис ёмон одам эмас! Убайнинг сценарийсидаги раис ҳам Туробжонга ўхшаган сал чўрткесарроқ, лекин мард, дангал ва адолатпарвар бир йигит эди. Демак, Убай «раис масаласи»да хато қилмабди. Лекин бошқа қаҳрамонлари-чи? Арзимаган нарсагаёқ эридан аразлаб, инженер йигит билан қочган ёш жувон-чи?

Убай ўз асари ўзига ёмон кўринишидан қўрқиб, бошқа нарсалар ҳақида ўйлашга уринди.

* * *

Машина тор кўчадан сойга чиқди, сойдан ўтиб, рў-парадаги қалин боғлар орасига шўнғиди. Боғлар орқада қолиб, қирнинг ярим белига чиққач, машина чапга бурилиб, олисроқдаги кўм-кўк пахтазорга қараб кетди. Тепадан пахтазор ҳам, пахтазорни карталарга бўлиб, саф тортиб турган тутлар ҳам, тутларнинг орқасидаги шийпон ҳам худди суратдагидай бежирим кўринарди. Лекин машина яқинлашган сайин «сурат» каттайиб, кетмон чонаётган аёллар кўринди. Узоқда ўрмалаб юрган «кўнғизлар» тракторга айланди.

Туробжон ўзича нимагадир кулимсираб «хайрият» деб қўйди-да, машинани тўғри шийпонга бурди. Шийпоннинг олдида уларга Амаки учради. Амаки, елкасида кетмон, шимининг почалари тиззаларигача шимарилган, ҳозиргина сувдан чиқиб, шийпонга понушта қилгани келган эди.

Туробжон ҳазиллаша кетди:

— Ҳорманг, ота. Бу дейман... қизларнинг орасида гўза сугориб, соқол-мўйловни қиртишлаб жа... яшариб кетибсизми дейман, а, ота?

Амаки мўйловини силаб жавоб берди:

— Ҳа, энди, сизга ўхшаган ёшлар кетмондан қўрқиб, машинада қизлардан қочиб юргандан кейин, биздақа чоллар яшаради-да, ука!

— Яшанг ота! Улманг!— Туробжон Амакини қучоқлаб хахолаб кулди. — Хўш, бу йигитни танимассиз?

— Йўқ, танийман. Кеча хийла суҳбатлашганмиз болам билан.

— Ие, шунақами? Қойил, қойил! — Туробжон яна аскияга оғиз жуфтлади-ю, Убайнинг имо-ишораларини кўриб, гапни бурди: — Содиқвой кўринмайди, ота?

— Содиқвой... — Амакининг чеҳрасидаги табассум сўниб, қалин қошлари бир-бирига туташди. — Содиқвойни милиса келиб қишлоқ советига олиб кириб кетди, —

деди у «уф» тортиб.— Тергов қилармиш. Чамаси қамашадиганга ўхшайди...

— Ҳмм... — деди Туробжон ва Убайга юзланди. — Қани шийпонга кирайлик-чи!

— Шошманг, ука, — деди Амаки. У раисни тўхта-тишга тўхтатди-ю, соқолини тутамлаб анча ўйланиб турди. — Энди... барибир ғишт қолипдан кўчди, иним, — деди у ниҳоят. — Содиқвойни жазолаш билан ўрнига келмайди. Қизим пешанасига ёзилганини кўрар. Аммо-лекин шу йигит қамалмасин, ука.

— Бу гапингизни қизингизга айтинг! — деди Туробжон. — Менга нима дейсиз?

— Сизга айтишдан мақсад... Қизим ҳам уни қамалсин деяётгани йўқ. Сиз қизимга ноҳақ осиялсиз, ука. Мен шу колхозда салкам қирқ йил кетмон чопдим. Мен бўлмасам, ақалли шу меҳнатим ҳурмати қизимга жавр қилмасангиз бўларди, ўғлим! — Амакининг овози худди таранг тортилган дутор торларидай титраб кетди.

Туробжон бошини қуйи солганича, хийла жим қолди, кейин эшитилар-эшитилмас бир товушда:

— Кечирасиз, ота — деди-да, бошқа бир гап айтмасдан шийпонга томон йўл олди. У ошпазларнинг саломига алик ҳам олмасдан, Убайни шийпоннинг тўридаги хонага бошлаб кирди. Деворларига гилам осилган бу хонага ўн-ўн бешта катта каравотлар қўйилган, бирикки каравотда ухлаб ётган болалар кўринар, қўшни хонадан қий-чув кулги эшитилар, оқ халат кийган ёшгина жувон болаларга овқат ташимоқда эди.

— Мана, Содиқвойга ҳам ақл кириб қолувди! — деди Туробжон, оппоқ каравотларга имо қилиб. — Ҳамма бригада, ҳамма шийпонларда болалар учун мана шунақа хоналар ажратдик, бориб кўришингиз мумкин, ука, — қўшимча қилди у. Лекин бу гапи ўринсиз чиққанини пайқади шекилли, тўсатдан: «Кетдик, ука!» — деди.

Қишлоқ Советига кираверишда уларга милиция формасидаги ёшгина лейтенант учради. Туробжон лейтенант билан кўришаркан:

— Бундан чиқди, колхоз раиси бўла туриб, ақалли бир кишини кафилликка ололмас эканмиз-да! — деб пичинг қилди.

Лейтенант ўнғайсизланиб кулди.

— Қонунга илож йўқ экан, раис ака. Жиноятни оғир...

— Ҳўп, кўришга рухсат берасизми?

— Бошқага бўлмаса ҳам, раисга рухсат берамиз.

— Раисга дейди-я! Раисдан катталар ҳам бор бу ёқда. Қани, бошла!

Содиқвой, кутубхонанинг ёнидаги деразаларига темир панжара қоплаган кичкинагина хонада шифтга қараб ётар, хона тор, лекин сув сепилган, салқин эди.

Туробжон остонада тўхтаб ҳазиллашди.

— Мен сени қамоқхонада кўкрагингни захга бериб эзилиб ётибсан десам, аршингни суриб ётибсанку жаннатдай жойда! Қойил сенга! Тур, бу ёқ билан кўриш. Ёзувчи. Тошкентдан кепти сен билан мени фельетон қиламан деб!

Содиқвой оғир қўзғалиб ўрнидан турди.

— Қани, ўтиринглар...

— Раҳмат. Мен далага кетдим,— деди Туробжон ва кулди. — Ҳа, фельетончи деганга капалагинг учиб кетди-ми? Ўзи фельетончи бўлсаям бир ёғи... сенга қариндош! Яқинда божа бўласанлар.

Раис кетгандан кейин Содиқвой қош-қовоғи баттар осилиб, худди шарпадан қўрққан типратикандай ҳурпайиб олди. Убай сезиб турар, у чиндан ҳадиксираб қолган бўлсаям, чапанилиги, йигитлик иззат-нафси буни ошқора қилишга йўл қўймас эди.

Убай қизиқиб ер остидан бир-икки марта тикилиб қаради. Содиқвой бир қарашда лўлига ўхшаб кетар, қош-кўзлари қоп-қора, қирра бурун, хушсурат, хушқомат йигит эди. Бир нуқтага тикилган кўзлари чуқур ботган, лаблари қаттиқ қисилган, қошлари чимирилган, гўё Убайни ёқтирмагандай тумтайиб ўтирарди. Убай унинг дилида ҳамон ўша икки ҳис — қўрқув ва гурур олишаётганини сезиб, ўзи секин гап очди. Раис ҳазиллашганини, у фельетон ёзиш учун эмас, ҳақиқатни билиш мақсадида келганини тушунтира бошлади.

Гап шу ерга келганда, Содиқвой бошини кўтарди ва тим-қора кўзлари галати ялтиллаб:

— Кечирасиз... ука, — деди. — Кўнглингизга келмасин, мана, ёзувчи экансиз, сизларни киши руҳининг инженерлари дейишади. Лекин сиз бу ишда ҳақиқат қилолмайсиз. Ёзувчи бўлсангиз ҳам, ҳақиқат қилолмайсиз?

— Нега?

— Нега десангиз сиз... ҳозирги ёшлар... хотиннинг... яъни муҳаббатнинг қадрини билмайсизлар!..

Убай унинг ички бир газаб яширинган кўзларидан кўзни олиб қочган эди, Содиқвой:

— Ана айтдим-ку, тушунмайсиз деб!— деди аллақандай ўксиб. — Сизларга барибир. Сизларга писта чаққандай бир гап бу ишлар! Мана, сизга ўхшаган биттаси келиб, тинчгина турмушимизни заҳарлаб кетди. Унга нима? Бугун менинг жуфти ҳалолимни йўлдан уради. Эртага бошқа биттасига муҳаббат изҳор қилади. Биз бўлсак... ётибмиз мана, жигаримиз қон бўлиб! Биттаю битта айбимиз — ўз хотинимизни яхши кўрганимиз!..

«Биттаю битта айбим — ўз хотинимни яхши кўрганим!..» Ҳа, бу одамнинг ақл-идроки, онги, тушунчаси ўзи шу бўлса, илож қанча? Хотин кишига пичоқ уриш, рашк қилиб бўлса ҳам пичоқ уриш. ўтакетган бир ваҳшийлик эканини тушунмаса, буни тушунадиган тарбия кўрмаган бўлса нима қиласиз?— ўйларди Убай. У Содиқвойга ачингиси, дардига ҳамдард бўлгиси келиб, уни оқлайдиган сабаблар қидира бошлади, лекин қанча уринмасин, кўнгли илимас, нимадир бунга халақит берар, аксинча, қалбидаги адоват ортиб борарди. У Содиқвой ўзинча изтироб чекаётганини кўриб турар, лекин бу изтироб унга қандайдир ёт эди!

— Тўғри, биз чиндан ҳам бир-биримизга тушуншимиз қийинга ўхшаб қолди,— деди Убай ниҳоят. —Лекин ҳақиқатни билиш мақсадида сўрамоқчиман: Уша... боя ўзингиз айтган хатни кўрсам бўладими?

Содиқвой юзини буриб, лоқайд қўл силкиди.

— Қўйинг, кераги йўқ!

— Нега? Мендан яширадиган томонлари борми?

— Гап унда эмас.

— Гап нимада бўлмаса?

Содиқвой мийғида кулимсираб бошини чайқади.

— Сиз уни ўқигандаям... барибир: «Нима бўпти шунчаликка борадиган?» дейсиз!

— Яъни тушунмайсиз демоқчисиз-да?

— Билмайсиз, — деди Содиқвой.

— Мен-ку билмас эканман. Лекин сиз-чи? Сиз бу воқеадан бирор хулоса чиқардингизми? Нима қилиб қўйганингизни тушундингизми?

Содиқвой Убайга ялт этиб қаради, кўзлари ёниб:

— Тушуниш бундан ортиқ қандай бўлади? Бу лаънати пичоқни унга ургандан кўра ўз кўксимга қадасам бўлмасмиди?— У гўё бўғилиб кетаётгандай бўлиб, томоғини силади. — Лекин нима қилай, ука, айтинг, нима қилай? Уйлайсизки қилгуликни қилиб қўйиб, энди кўрқипти деб! Унақа юраги пўк йигитлардан эмас Содиқвой!.. Болалар бўлмаганда-ку, билардим нима қили-

шимни! Шу болаларни деб... Э-э!... — Содиквой қўлини силкитиб жим қолди.

Унинг авзойи, бошини қуйи солиб ўтириши, гап-сўзлари шундай аянчли эдики, Убай яна юраги зирқираб, унга тасалли беришним, бермасликним билмай қолди.

Хайрият, шу пайт эшикда милиционер йигит кўринди.

— Сизни биров телефонда чақиряпти, ука.

Убай шошиб ўрнидан турди. Қишлоқ Советининг идорасида ҳеч ким йўқ, трубка столда ётарди.

Убай трубкани олди ва телефондан келган овозни эшитиши билан таниди.

— Акрам ака, сизмисиз?

— Ҳа, мен — деди Акрам. — Биз Зафар билан бирга келувдик. Ишлар қалай?

— Ҳа, шу... юрибмиз. Қаердан гапиряпсиз? Биз бир кўришишимиз керак.

— Жуда яхши. Биз колхоз идорасида ўтирибмиз, Туробжонни кўрсангиз айтиб қўйинг.

— Хўн бўлади,— деди Убай ва негадир енгил тортиб қўшимча қилди:— Келганингиз жуда яхши бўлди-да, Акрам ака!

ТУҚҚИЗИНЧИ БОБ

Акрам министрнинг номига хат топширганидан кейин бир-икки кун ўтмасданоқ кадрлар бошқармасидан: «Бир келиб кетсангиз», деган маънода телефон қилиб қолишди.

Хатни топширишга топшириб қўйиб, қишлоққа кетишнинг иложини тополмай бетоқат бўлиб юрган Акрам, телефонни эшитиб, севиниб кетди.

Уни бошқарма бошлиғи, сочларига оқ оралаб қолган, лекин хатти-ҳаракатлари чаққон, қорачадан келган қотма аёл қарши олди. Аёлнинг сейф ва столларга тўла торгина кабинетининг тўрида архитектура факультетига домлалик қиладиган — Акрам у билан узоқдан саломлашиб юрарди — ёш доцент ўтирарди.

Бошқарма бошлиғи уларни «таништириб» қўйди, сўнг Акрамга синовчан тикилиб, олдига қизил муқовали қалин папка қўйди. Папкада иккита ҳужжат — бири Зафарнинг аризаси, иккинчиси унинг ўз хати бор эди. Хатнинг тепасига йўғон қизил қалам билан: «Комиссия»

деб ёзилган ва кимдир (кейин маълум бўлишича, министрининг ўзи) қўл қўйган эди.

Акрам «жуда яхши» деган маънода бошқарма бошлиғига қараган эди, у:

— Кўпдан бери бизга бунақа хат тушмаган эди, — деди билинар-билимас кулимсираб.

— Энди... институтда шундай вазият туғилган бўлса, илож қанча?

— Йўқ, мен бу маънода айтаётганим йўқ, — кулди аёл. — Султон Умарович тўғрисида... илгарилари ҳам анча-мунча арз тушган... Мен шундай юксак лавозимдан ўз ихтиёри билан воз кечиб ёзилган хатни назарда тутаянман.

Акрам ўнғайсизланиб:

— Энди... комиссия ҳақиқат қилар, — деди. — Лекин сиздан битта илтимос: уч-тўрт кунга менга рухсат берсангиз. Қишлоққа бориб келсам. Зарур бир иш чиқиб қолди.

— Буни мана, комиссия ранси ҳал қилсин, — аёл тўрда ўтирган ёш доцентга қаради. Доцент ўрнидан бир қўзғалиб:

— Эртадан иш бошлаймиз, — деди аллақандай расмий товушда. — Комиссия ишга киришмасдан туриб кетиб қолишингиз яхши бўлмас.

Бошқарма бошлиғи ёш доцентнинг овозидаги совуқ расмийликни юмшатмоқчи бўлгандай:

— Иш бошлайлик, кейин бориб келарсиз, — деб кулди ва ўрнидан туриб, хайрлашаркан:

— Биз бу ишда жуда объектив, жуда босиқ бўлишимиз керак, энг муҳими — асабга йўл бермаслигимиз керак, — деди. — Умуман, институтда шов-шув кўтарилмаслиги учун бу гапларни ҳозирча ҳеч кимга айтманг.

Акрамга аёлнинг бояги мулойим табассуми қанчалик ёқса, бу гапи шунчалик оғир ботди.

«Булар мени ёш бола, деб ўйлашяптими? Шу ҳам гап бўлди-ю?» — деди у гижиниб. Лекин институтга келиб ўз устахонасига кириши билан «директор қидираётганини» эшитиб, ичида бир кулиб қўйди: «Бундан чиқди, гап тагида гап бор экан-да!»

Акрам директорнинг кабинетига кириб, тўрда ўтирган Султонга кўзи тушиши биланоқ, унинг ҳамма нарсадан хабардор эканини тушунди.

Султон, одатда тарам-тарам бўлиб турадиган қипқизил силлиқ юзида қон йўқ, қўлидаги ҳашаматли авторучкаси билан столни тақ-тақ уриб, асабийлашиб ўти-

рарди. У Акрамнинг саломига бош қимирлатиб қўя қолди, кейин шахт билан ўрнидан туриб деразанинг олди-га борди ва анчагача кўчага тикилиб турди. Ниҳоят, ўзини босиб олди чамаси, Акрамга ўгирилиб қаради, қўлларини кўксига қовуштириб, кесатди:

— Қойил. Бундан чиқди... ишонмагин дўстингга, сомон тиқар пўстингга, деган гап тўғри экан-да!

Акрам ҳам кинояли кулимсиради.

— Дўст тўғрисида бошқа мақол ҳам бор, яъни... дўст ачитиб гапирар, душман кулдириб, деган!

— Дўст ачитиб гапирса ўзига гапирди, лекин юқори ташкилотларга бўҳтон гапларни ташиб юрмайди!..

— Агар ўзини дўст тутган одам аччиқ ҳақиқатни душманлик деб билса, ҳақ гапни бўҳтон деб тушунсачи?

— Ҳақ гап эмиш,— деди Султон. — Бу ҳақ гапнинг тагида нималар борлигини билмайди дейсанми? Шамол қаёққа қараб эса бошлаганини пайқагансан! Пайқагансану, «лип» этиб бу сохта генийнинг ёнига ўтиб олгансан. Лекин шуни билиб қўй: бу сохта гений умид қилган мансабингни бериб бўпти сенга! Ҳали тагингдаги курсинг, оғзингдаги нонингни тортиб олганда биласан менинг қадримни! Ҳа!

Акрам яна беихтиёр кулимсиради. Афтидан, бу одам билан баҳслашиб ўтиришнинг фойдаси йўқ, у Акрамнинг нияти пок эканини, бу ишни мансаб учун эмас, чинакам истеъдодли одамга йўл бериш учун қилаётганини тушунишга қодир эмас эди! У кўзига курси билан мансабдан бошқа ҳеч нарса кўринмайдиган одамлар тоифасидан эди!

— Майли, — деди Акрам, — тагимдаги курсимни олса олар, бир бурда нонимни топиб ерман...

— Ўзинг биласан, бироқ сўнгги пушаймон ўзингга душман!

— Майли, очдан ўлмасман,— деди Акрам. — Лекин бир нарсага ҳайронман, тунов кунги гапларингга қараганда... шамол сен томонга эсаётувди-ку, қандоқ қилиб энди бошқа томонга эсиб қолди?

Қўллари орқасида, кабинетнинг у бошидан бу бошига бориб-келиб турган Султон, гўё биров ичидан кучли тормоз бергандай, шартта тўхтади, кўзлари ёниб:

— Бу шамолларга ишониб юрган мен эмас, сен! — деди. — Бироқ Султон осонликча жон беради, деб ўйлаган бўлсанг, чучварани хом санабсан!

— Кўриб турибман. Кўриб турибману ҳайрон бўляп-

ман... Ўзингга шундай ишонар экансан, намуноча титраб-қақшайсан?

— Мен титраб-қақшаётганим йўқ, сени дўст деб кўнглимни очганимга, сенга ишониб иш тутганимга аф-сус қиляпман!

Акрам унинг ўт чақнаган кўзларидан, асабий титраган лабларидан кўзини олиб қочди. У Султоннинг «дўстлик» ҳақидаги гаплари самимий эканини, бу гапларни чин дилидан гапираётганини, чунки Султон бу муқаддас сўзини поклик маъносида эмас, балки киши ўз виждонига хилоф равишда бўлса ҳам, биродарини қўллаб-қувватлаши шарт деган маънода талқин этишини тушунди. Шунинг учун ҳам Султон ҳозир астойдил изтироб чекар, демек, уни бу эътиқоддан қайириб бўлмас, ҳозир чиннакам дўстлик ҳақидаги ҳар қанақа гап унга қуруқ сафсата бўлиб туюлар эди...

— Хўп, майли!— Акрам ўрнидан турди. — Биз қанча баҳслашмайлик, барибир бир-биримизни тилимизга тушунмаймиз!

Акрам кабинетининг ўртасида қаққайиб турган Султонга ер остидан бир қараб олди ва негадир, эҳтимол кўп йил бирга ўқиб, бирга ишлашганлари учундир, кўнгли бир хил бўлиб чиқиб кетди.

Бир-икки кундан кейин институтга сал кам ўн кишидан иборат катта комиссия келди: Лекин комиссия келмасдан турибоқ институтда бошқарма бошлиғи айтган шов-шув кўтарилди. Устахоналарда иш тўхтаб, бурчак-бурчакларда шивир-шивирлар бошланди, бир-биридан бемаъни «мишмишлар» тарқалди. Илгари Акрамни кўрганда тескари бурилиб кетадиган одамлар, энди узоқдан қўл қовуштириб салом беришар, гап олишга ҳаракат қилишар эди. Лекин энг ёмони, илгари Султонни кўтар-кўтар қилиб, атрофида парвона бўлиб юрган баъзи ходимлар энди уни ҳаммадан кўп ёмонлашар, ҳатто ғийбат қилишар эди.

Акрам институтда бошланган бу гавғони четдан кузатаркан, гоҳ бу одамларга ажабланар, гоҳ ич-ичидан ранжир, гоҳ фиғони чиқиб, кўчаларни айланиб келарди. Ахир... Кўнгилларида шунча гап, шунча муаммо бор экан, қандоқ қилиб шу пайтгача ичларига ютиб келишдйкин? Наҳот одамлар шунчалик журъатсиз бўлиб қолишган? Башарти бу муаммоларни Акрам билан Зафар кўтариб чиқмаганда нима бўларди? Наҳот айтадиган бир мард топилмай, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолиб кетарди?..

Бу ўйлар Акрамни шунчалик қийнаб ташладики, комиссия иш бошлаган кунидек Убайдан келган телеграммани кўтариб кирди ва кўнглидаги бор гапни биринчи бўлиб айтиб, уч-тўрт кунга рухсат олиб чиқди. Лекин энг қизиғи, кечаси кийимларини чамадонга жойлаб, кетишга тайёргарлик кўраётганда, тўсатдан Зафар телефон қилиб қолди. У ҳам Нилуфардан «бормаса бўлмай-диган» бир хат олибди ва комиссиядан бир-икки кунга рухсат сўрабди.

Зафар бу хатнинг мазмунини Акрамга йўлда айтиб берди. Маълум бўлишича, Нилуфар: «Эндиликда ҳаёт йўлимиз ажралиб кетди», деган баҳонада, ораларини очик қилиш истагини билдирибди.

Зафар буни гапираркан:

— Бурунги замонда эркаклар битта уч талоқ билан хотинларнинг жавобини берарди, — деб кулди. — Энди, мана, аёллар битта гап билан биздақа эркакларнинг жавобини беришяпти...

* * *

Туробжон Акрамларни кўриб пешанасига бир урди ва ярим ҳазил, ярим чин, хитоб қилди:

— Ёшликдаги жазманингга бир оғиз гапирамиз деб қолдик-ку балога!.. Хотиннинг келиб ёқани бўғди — хўп, опа, бир қошиқ қондан кечинг, десам кўнмайдилар. Ёзувчингни юбординг — нуқул осмондан келиб гапирадилар. Энди бу ёқни бошлаб ўзинг келдингми? Олий суддан эмасмилар бу ёқ?

— Йўқ, яна бир нарда юқори ол, — деди Акрам. — Госконтролдан бўладилар бу киши!

— О, шўримга шўрва! Хўш, нима қилсам қутуламан? Жазманингга раисликни бўшатиб берсам қутуламанми сендан?

— Раисликни-ку бериб бўлсан? Сал шахтингдан тушиб, инсофга келган бўлсанг, шу ҳам етади.

— Инсоф ҳам гапми, ўлиб бўлдим! — деди Туробжон ва Зафарга қараб кўзини қисди:

— Лекин сиз билиб қўйинг, ука, ҳамма қилгуликни бу киши қиладилару тухматига биз қоламиз!.. Нима ҳам деймиз? Дўстинг учун заҳар ич, деган экан эскилар... Хўш, хуш келибсизлар! Камина хизматларида бўламиз...

Туробжон бояғи гапларни ҳазиллашиб айтса ҳам, Зафар газетчи эмас, архитектор эканини, қурилишларни кўриб, лойиҳаларга ёрдам бериш ниятида келганини эшитиб, хурсанд бўлиб кетди.

— Бўлмаса бундай қилайлик,— деди у. — Ана, машина тайёр. Сенлар ҳозир қишлоқни айланиб, кўрадиган жойларни кўриб, кейин дам олинглар. Мен ҳам майдачуйда гавғолардан қутулиб, кечқурун Акрамларникига чиқиб бораман. Уша ерда бафуржа гаплашамиз...

Туробжон хайрлашаркан, Акрамнинг қўлидан секин ушлаб, четга тортди, кўзларини ола-кула қилиб:

— Латта! — деди. — Гулдай хотинингни қўлдан чиқариб, қаёқдаги бир...

— Қўй, шу гапни, кераги йўқ! — деди Акрам.

— Кераги йўқ дейди-я! Мен хотининг билан кўп гаплашдим. Ҳалиям бўлса... маладес, Сайёрахон! Ҳа, нега қовоғингни соласан. Мени қолоқликда айблаб, ўзинг бир йигитнинг бошига етдинг!.. Хўп, майли, Нортожигга айт — куркаси кўп, биттасини ошга босиб, бир-икки шиша беш юлдузлигидан топиб қўйсин!.. Тунов кунни сен мени роса олиб бориб, олиб келувдинг, энди мен яримтани отиб олиб, сен билан бир гаплашай!

— Хўп, сендан келган бало бўлса мен ҳам кўрарман, тезроқ чиқ, бир гаплашайлик! — деди Акрам кулиб.

Лекин кун ботди, курка босган ош дамланди ҳамки, Туробжондан дарак бўлмади. Кундуз Нилуфарнинг олдига бориб келган Зафар, ошни еб бўлар-бўлмас, яна уни қидириб кетди. Қасалхонага киришни ҳам, кирмаслигини ҳам билмай, кун бўйи қийналган Акрам Зафар кетгач, уйга сизмай қолди. У сойни бир айланиб, хиёл ёзилиб келиш ниятида ўрнидан турган эди, Нортожи тўхтатди.

— Ака, бир гаплашиб олайлик,— деди у, кутилмаган бир қатъият билан ва самовар кўтариб келган хотинига қараб қўшимча қилди:

— Сен болаларингга қарайвер... Ойимларга айт — чиқсинлар, гап бор!

Ўрнидан қўзғалган Акрам қайта ўтирди. У гап нима ҳақида кетишини сезиб турар, ҳозир бу гапнинг очилишини ҳам истар, ҳам истамас эди. Истамаслигига сабаб Нортожи ҳозир ор-номус тўғрисида гапириб, худди мўйсафидлардай унга ақл ўргатишини билар, айни замонда, Сайёра тўғрисидаги гапларни эшитгиси келарди. У боя эшикдан кириб келгандаёқ Моҳира хола бўйнидан қучоқлаб, «Нималар қилиб қўйдинг, болагиннам, кўзларинг киртайиб адоён тамом бўпсан-ку!» — деб йиғламсираб қарши олган эди. Мана ҳозир ҳам Моҳира хола маъюс юриб келиб, сўрининг четига ўтирди. Акрамнинг юзига тикилиб оҳишта уф тортиб қўйди.

— Сизни чақиришдан мақсад, ойп, акамлар билан бир гаплашиб олсак,— деди Нортожи ва ўнғайсизланиб кулди. — Ука акага насихат қилиши қийин экан, лекин... ўлимдан номус кучли дегандай, жа... одамни ерга урадиган иш бўпти-да, ака...

Нортожи, бошда гапни ийманганнамо бошласа ҳам, аста-секин қизишиб кетди. Унинг фикрича, Акрам, ҳар қанақа ўқимишли бўлиб, аёл зотига тенг ҳуқуқли деб қараганда ҳам, хотинининг жilовини бунчалик бўш қўймаслиги керак эди, негаки, у минг олим бўлса ҳам, бир томони қишлоқдан чиққан одам! Мана энди, янгича оила қураман, янгича яшайман деб, оқибат нима бўлди? Юзи ерга қараб қолди. У хотин наинки Акрамни, бутун авлод-аждодларини номусга қолдирди! Аждодларидан битта ҳам бунақа беҳаё чиқмаган эди, мана энди чиқди-ю, бутун қишлоқ олдида шармандаи шармисор қилди!.. Йўқ, Нортожи акасига ақл ўргатмоқчи эмас, у ҳатто бу гапларни айтишга ҳам уялади. Лекин... пичоқ суякка бориб тақалди-ку, ахир? Бунақа экан... Акрам олдини олса бўлмасмиди? Сайёрадан олдин унинг жавобини бериб, кавушини тўғрилаб қўйса бўлмасмиди? Ахир хотин киши эрини ташлаб кетибди деган гап, бу... йигит кишининг шаънига тўғри келмайдиган гап-ку ахир?..

Нортожи қайнаб, дил-дилидан ачиниб гапирар, акаи меҳрибони учун, бутун қишлоқ ҳурмат қилган машҳур одамнинг обрўсига доғ тушгани учун ич-ичидан зил кетаётгани шундоқ кўриниб турарди. Лекин қизиқ: унинг насихатлари, илгарилари Акрамга хуш ёқадиган мўйсафидларга хос вазминлиги, авлод-аждодлари учун, эл-юртнинг ор-номуси учун куйиб-пишиб гапиришлари — бунинг ҳаммаси ҳозир Акрамнинг жиғига тегиб, ғазабини қўзғамоқда эди. Ажабо: шундай ёш, ўқиган бир йигит... кексаларга хос мулоҳаза юритса! Бугунги ҳаётнинг бутун зиддиятларидан беҳабар, эски урф-одатларнинг мангулигига бу қадар ишониб, унга ақл ўргатса!.. Манманликми бу ё нодонликми, ёки бўлмаса ўтакетган бир худбинликми?.. Сен бунчалик ишонч билан гапиришдан олдин ўз оила ҳаётингга бир разм сол! Хотиннинг, келин бечорани қанчалик эзиб қўйганингни бир ўйлаб кўрсанг-чи!

Акрам укасининг лампочка шуъласида қип-қизил товланган юзидан, асабий чақнаган кўзларидан кўзини олиб қочди, у юраги гурс-гурс уриб ва «портлаб» кети-

шидан кўрқиб, пастки лабини қаттиқ тишлади, хайрият, шу пайт гапга Моҳира хола аралашди.

— Шошмагин-чи, мунча кўп гапирдинг, болам, — деди у ва катта ўғлига бир қараб олди.— Оила-рўзгорда нималар бўлмайди, нималар ўтмайди, болам? Эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши...

— Э, қўйинг шу гапларингизни! — деди Нортожи бўғилиб.— Дока рўмолнинг қуриши!.. Кеннойимлар... У хотин яхши бўлса шундай қилармиди?

— Босиқ бўлгин, болам... Чамамда Акрамжондан ҳам ўтганга ўхшайди. Мен гаплашдим... — Моҳира хола гўё Акрамнинг тўлиб турганини сезгандай қўлини унинг қўлига қўйди. — Бечора... оёғи синиб, касалхонага тушгандан бери ҳар кун киранман, чамамда уям кўнглида...

— Э, қўйинг, ойи!— қўлини силтади Нортожи. — Тушунмаган ишга нима қиласиз бош суқеб? Бу ишлардан мақсад... нияти бузилган у хотиннинг. Бўлмаса... нимадан камчилиги бор эди унинг? Уй-жой деса — уй-жой, кайф-сафо деса — кайф-сафо!.. Семизликни қўй кўтарди! У хотин... нияти бузилмаган бўлса... киночи олифта йигитларга қўшилиб, артистка бўлиб нима қиларди?..

— Ҳой, болам...

— Бутун қишлоқ олдида номусга ўлдириб бўлдику бу беҳаё...

Акрам ич-ичидан қайнаб чиққан титроқ тирноқларигача зирқиратиб юборганини сезиб:

— Бас! Ҳаддингдан ошма!— деди, сўнг оғир нафас олиб, қўшимча қилди:— Агар ука бўлмоқ тугул, ота бўлсанг ҳам, иккинчи айта кўрма бу гапни!..

— Шунақами ҳали? Мен гапирсам сизни деб, авлодаждодимизни деб...

— Сен мен учун номус қилмай қўя қол, — деди Акрам. — Уят қилишса мени қилишади. Ёш бошинг билан сенга ким қўйди бутун авлодаждоднинг кафилини олиб? Худди юзга кирган чолларга ўхшаб папд-насиҳат қиласан-а! Ундан кўра ўз оилангни ўйла. Келиннинг юриштиришига бир қара: малай ҳам бунчалик бўлмайди...

Акрам бу гапни айтишга айтди-ю, пушаймон қилди, чунки бу гап ака-ука ўртасида айтилмай келаётган эски дардни кўзгаб, эски яранинг юзини тирнаши мумкин эди!.. Дарҳақиқат, Нортожи бу гапдан аллақандай тўлганиб:

— Агар малай бўлса,— деди ўқсиб. — Ота-бобомиздан қолган шу рўзгорни қиламан деб бўлди! Мен ҳам билардим, бу бечорани сизнинг хотинингизга ўхшатиб

ўйнатиб қўйишни! Лекин... билмадим, унда бу уй-жой нима бўларди? Ойимларнинг ҳоли нима кечарди?

Акрам ер остидан оёисига қаради. Моҳира хола билдирмасдан чуқур тин олди, кейин:

— Менинг ташвишимни чекмай қўя қол, болам, — деди секин. — Мен бир кунимни кўрарман. Ҳалиям бўлса... ўз бола-чақангни ўйла, жуфти ҳалолингнинг кўнглини ол... Мен бир оёғим ерда бўлса, бир оёғим гўрдаги одамман...

— Энди ҳамманг шундай дейсизлар. Лекин бошда.. э, нимасини айтай! — Нортोजи қўлини бир силтаб ўрнидан туриб кетди.

Она-бола сўрида ёлғиз қолишди. Ҳавони райҳон ҳидига тўлдириб шабада елиб ўтди, ариқ бўйидаги оқ тераклар дарёдай шовиллади, боғнинг қайси бир жойида дўп-дўп олма тушди.

— Мен бир кун эмас, бир кун шу гап чиқишини билувдим, — деди Моҳира хола ўқсиб. — Тентак! Узи ўқишга бормади. Уша бояги... Содиқвойлар билан ошна бўлиб олди-ю, энди мана бундай дейди... Менга нима? Мен бир кунимни кўрардим, ишқилиб... сенлар бахтли бўлсаларинг бўлди менга...

Она бир зум жим қолди, кейин яна ўглининг қўлини силаб, деди:

— Оила бўлган жойда... унча-мунча гап ўтади. Сен унинг олдига кир, болам, мен уч-тўрт кун ёнида ўтирдим. Юрагим сезиб турибди, кўнгли ҳалиям совиган эмас сендан. Худо билади — кирсанг қувонса қувонадики, ранжимади...

Акрам чурқ этмади. У оёиси гапини давом эттиришини истар, лекин буни сўрашдан ийманар эди.

— Ундан ҳам хато ўтгандир, — деди Моҳира хола. — Аёл киши кўнгли поэтик бўлади. Ожиза йиқилганда уни суяш ҳам марднинг иши. Уйлаб кўр, болам.

— Хўп, оёи, бир гап бўлар. — Акрам нимадандир ийманиб ўрнидан турди. — Дам олинг, мен сойни бир айланиб келай...

Сой бўлакча бир осуда сукутга чўмган, тўғонда қурбақалар қуриллар, у ер-бу ерда қорайиб кўринган отларнинг ажриқни курт-курт чайнаши эшитилар, жар ёқасида оқ тераклар худди осойишта оққан дарёдай сокин шовилларди.

Акрам бу галати сукутни бузгиси келмагандай, бир-бир босиб тўғон бўйига борди, бақаларнинг сайрашига, қамишларнинг майин шитирлашига қулоқ солиб, тиниқ

сувда милт-милт ёнган юлдузларга тикилиб, узоқ турди.

Ўша Сайёрага уйланган йили улар ҳар оқшом шу ерга келишар, ҳув анави тол тагига қуруқ пичан тўшаб ўтиришар, сувнинг секин шилдирашига, балиқларнинг чўлп-чўлп сакрашига қулоқ солиб, аллақандай тиниқ ширин хаёлларга чўмишарди... Сайёра совқотганида эркаланиб Акрамнинг қучоғига кирар, Акрам унинг елкасига костюмини ташлаб, қучоқлаб олар, Сайёранинг сал ийманиб, уялиқираб берган бўсалари вужудида оловли эҳтирос уйғотарди...

Ҳеч қачон тугамайдигандек туюлган бу масъуд оқшомлар, сира сўнмайдигандай туюлган бу гўзал эҳтирос қачон сўнди, қачон эскирди? Ўша чоғларда севги деб аталган бу ҳисни бир умр эъозлаб ўтаман деб, онт ичган Акрам уни қачон беқадр қилиб шамолга совуриб қўйди, турмушнинг нкир-чикирларидан асраб қололмади? Сайёра-чи? Профессорнинг тантиқ фарзанди, умрида ташвиш чекмай ўсган қиз, у ҳам бу қийинчиликларга бардош беролмади. Бардош бериш у ёқда турсин, Акрамни қоралади. Қоралагани ҳам майли. Хулқ-атвори-чи? Енгилликлари-чи?

Акрам яна ўша эски ўйларига қайтганини сезиб, ичди да кулимсиради.

«Йўқ, бу майда-чуйда гап-сўзларга, гина-кудуратларга чек қўйиш керак. Эртагаёқ Сайёранинг олдига кирди. Йигитларча даггал гаплашиб, қўлидан шартта ушлайди-ю, етаклаб олиб чиқиб кетади.

Ахир ўша кунни кўлда Сайёра ундан кўнгли совигани учун эмас, балки қаттиқ ранжигани учунгина шундай қилаётганини сизди-ку! Бас, шундоқ экан, энди йигитларча иш қилиши керак! Айтмоқчи... Ҳамида билан ҳам кўришиши керак! Аттанг, ўшанда қалб туйғусига эрк бериб, унга хат ёзиб кўп чакки қилган экан... Содиқвой ҳам аҳмоқ-да! Лекин... Содиқвойнинг ўрнида, ўшанақа бир хат топиб олса, унинг ўзи нима қиларди? У пичоқ урмас эди, албатта, бироқ... Аттанг! Бу ёғини ўйламаган экан ўшанда! Ҳеч ўйламаган экан!»

Акрам бир-бир босиб орқага қайтди, боғларига яқинлашиб қолганида чап томондаги толлар орасидан кимнингдир қораси кўринди. Акрам уни юришидан таниб, Зафармисан, деб чақирди.

Зафар қадамини тезлаштириб етиб келди:

— Ҳа, бахтиёр дамларни эслаб юрибсанми, — деб кулди.

Акрам унга жавоб бермай ҳазиллашди:

— Хўш, қайта тил топишдингми дейман, ҳаяллаб қолдинг? Ё зиёфат қуюқ бўлдимми?

— Зиёфат... — деди Зафар ва яна кулди. — Зиёфатни эртага еймиз. Тўйга айтиб келдим, дўстим.

— Қанақа тўй?

— Қанақа бўларди? Нилуфархон билан ўша ҳалиги... режиссёрнинг тўйи!

— Сен нима дединг, розилик бердингми?

— Мен нима ҳам дердим! — Зафар елкасини қисди. — Ҳар кимнинг ихтиёри ўзида! Мен уни зўрлаб хотин қиллолмайман-ку, бир-бирини севишибди — қовуша-веришсин!

«Мана, бунга барибир, оламни сув босса, тўпигидан келмайди!»

— Садқан севги кетсин бунақа бўлса! — деди Акрам. Зафар оғир хўрсинди, кейин:

— Майли! — деди гижиниб. — Билганини қилсин. Қутулганимга шукур!

— Қойил-э! — деди Акрам, лекин у бунга мақтов сифатида айтгани ё койибми, тушуниб бўлмас эди.

* * *

Сайёра билан Ҳамида қишлоқда бўлаётган ҳамма янгиликлардан хабардор эди.

Улар Акрам билан Зафарнинг қишлоққа келишганини ўша куннёқ эшитишди, «Нилуфар билан Шавкатжонларнинг тўйи бўлармиш», деган хабар эса уларга бошқалардан ҳам аввал етиб келди. Ҳамида Нилуфарларни танимагани учун бу гапга қанчалик лоқайд қараса, Сайёра шунчалик ҳайратда қолди.

Нилуфарга-ку ҳайрон бўладиган жойи йўқ, «кино-режиссёр» деган сўзни эшитганидаёқ ҳушини йўқотиб қўйган. Лекин Шавкатжон-чи? Кечагина Нилуфардан кулиб юрган одам, бугун нечук уни тўсатдан севиб қолдйкин?

Сайёра Шавкатжоннинг хушомадлари-ю, муҳаббат изҳор қилмоқчи бўлганлари эсига тушиб, дам қизарар, дам гўё биров уни алдаб кетгандай юрагининг аллақаси ачишар эди. Бундан чиқди, унинг кинеси бошқа-ю, хулқ-атвори бошқа, қисқаси, домланинг айтганини қил, қилганини қилма, экан-да!..

Сайёранинг ўйлари, севги, вафо, садоқат ҳақидаги тасавурлари эса... шунчаки кулгили бир нарса экан.

Лекин ундай деса... Акрам қишлоққа келганини эшитгандан бери, умуман, бу ерга тушгандан бери негадир Акрамни кўп эслайди, унинг ўйчан, сал ғамгин чеҳраси кўз олдидан кетмайди, айниқса тўй бўлган йилли қишлоқда ўтган бир ой хаёлидан чиқмайди, шундай пайтларда Нодира туғилиб, ўқишни ташлашга мажбур бўлган оғир йиллар ҳам бошқа маъно касб этади; бу қийинчиликлар учун ёлғиз Акрам эмас, ўзи ҳам айбдор эканини тан олгиси келади... «тиқ» этган товушдан юраги бир сапчиб тушади...

Акрамлар келганининг эртасига кечқурун Сайёра билан Ҳамида чой ичиб гаплашиб ўтиришган эди, ташқаридан Туробжоннинг: «Киришга рухсат борми ё пропусса талаб қиласизми?»— деган овози, кейин ҳамшира хотиннинг: «Қайдам, улар овқатланишяпти шекилли»,— деган жавоби эшитилди. Бунга Туробжон:

— Иштаҳалари жойидами?— деб кулди. — Жойида бўлмаса мана тошкентлик меҳмоннинг бир шиша коньяги бор!

«Тошкентлик меҳмон» сўзини эшитган Сайёра ялт этиб Ҳамидага қаради, у ҳам ранги ўчиб, аллақандай питиллаб қолганини кўриб, ичида кулди. Шу пайт, эшик шарақлаб очилди:

— Мумкинми, ўртоқ хонимлар?

Сайёра юраги «шиғ» этиб ўгирилиб қаради-ю, енгил тортди: «Тошкентлик меҳмон» Акрам эмас, Зафар эди!

Туробжон оғзи қулоғида, Сайёралар билан кўришаркан:

— Қойил-э!— деб хитоб қилди. — Қасалхонанинг бош врачлари қарам шўрва ичиб ўтирса! Ошпазга шама қилсангиз-ку, товуқ шўрвалар билан паловхонтўралар қаторлашиб келарди!

— Сиз ўргатиб қўймасангиз, биз шама қилишни билмасак?— деди Сайёра.

— Ҳозир ўргатиб қўямиз!— деди Туробжон ва қўлини артиб, ўридан турган Ҳамидага юзланди.

— Шошманг, сиз ҳам шама қилишни ўрганиб кетинг! Ҳамида кўзини ердан узмасдан:

— Бир киши ўрганса... икки кишига етади,— деди кинояли кулимсираб.

Туробжон ерга қаради, пешанаси тиришиб:

— Бирпас ўтиринг, сизга айтадиган гап бор, — деди.

Ҳамида ўтиришини ҳам, кетишини ҳам билмай бир Зафарга, бир Сайёрага қаради. Зафар ўнғайсизланиб ва

негадир қизариб, деразанинг олдига ўтди. Сайёра эса «ўтиринг», деган маънода имо қилди.

— Бошқа пайт гаплаша қолайлик...

— Менинг бировдан яширадиган сирим йўқ,— деди Туробжон. У Сайёрага қараб ғалати кулимсиради. — Гапнинг пўскалласи... сиз ғолиб чиқдингиз! Содиқвой жазосини тортяпти, биз ҳам мана, бош эгиб келдик.

Ҳамида ранги ўчиб:

— Мен уни жазолансин, деб ариза берган жойим йўқ!— деди. — Фақат мени...

— Хўп, мен шахсан ўзим учун гапирай: мен енгилдим ва сиздан кечирим сўраб келдим!

— Кесатмасангиз ҳам бўларди!— деди Ҳамида.

— Ё раббим! Энди чин гап ҳам кесатиқ бўладими? Сиз бизни чақиб-чақиб гапиргандаям биз чидаб берган эдик-ку!

— Мен гапирган бўлсам ўзимни эмас, хотин-қизларни деб гапирдим. Уша бечораларнинг ҳол-аҳволини деб, болаларини деб...

— Хўп, ҳозир мажлис қилмайлик,— деди Туробжон кескин. — Бу гапларни бир-биримизни кесатмайдиган бўлиб, идорада ўтириб бафуржа гаплашамиз. Сиз бўттан чиқасизу ўз ишингизга борасиз. Туробжон ёмон бўлса ёмондир, аммо адолатсизлик қилганда бўйнига оладиган одати бор унинг. Гап шу!

Ҳамида индамади, столдаги идиш-товоқларни йиғиштириб чиқиб кетди. Туробжон аллақандай нажот тилаб Сайёрага қаради.

— Тавба! Наҳот кесатиб гапирган бўлсам?

Сайёра кулди.

— Кесатмаганингиз бу бўлса, кесатганингиз қанақа бўлади?

— Ростданми?— деди Туробжон ўзиям ажабланиб.— Ҳа, одат-да, одат! Сут билан кирган, жон билан чиқаркан!.. Хўш, ўзларидан сўрасак? Оёқ тузалиб қолдимми? Тезроқ тузатинг-да, буни! Хўжайиннингиз ҳам шўтталар. Кечаю кундуз касалхонанинг атрофида парвона-ю, кирай деса сиздан қўрқадилар...

— Яна кесатиқми?— деди Сайёра.

— Менга ишонмасангиз, ана, укамдан сўранг, Зафаржондан сўранг. Худо ҳаққи... жигари қон бўп кетди оғайнимнинг!..

— Майли!— деди Сайёра ва энтикди. — Кераги йўқ... Бировлар аралашадиган гап эмас бу...

Туробжон ўрнидан турди.

— Мана бу гапингизга қўшилмасдан иложим йўқ. Яшанг. Хўш, бизга хизмат йўқми? Бор бўлса айтинг. Йўқ бўлса... кетдим. Лекин сиз индамасангиз ҳам, оғайнимга салом айтиб қўяман номингиздан. Жа йўлингни пойлаб ўтирибди дейман... Хўп-хўп, қовоғингиз солинамсин!.. Хайр... Айтмоқчи, Ҳамидахонга айтиб қўясиз: бояги гап — гап!..

— Ғалати йигит экан-ку, бу раис!— Зафар кулимсираб келиб Туробжоннинг ўрнига ўтирди.— Сиз ҳам қишлоққа келаман деб, ташвишга қолибсиз. Қалай, туюкмисиз?

— Раҳмат...— Сайёра Зафарга синовчан тикилди-ю, уялиб кўзини олиб қочди, назарида Зафар қорайиб, озиб кетгандай туюлди.— Ўзингиз... ўз ишларингиз туюкми?

Зафар елкасини учирди:

— Бизнинг ишлар... ишлар нима бўлаётганини эшитгандирсиз, ахир...

— Эшитдим,— деди Сайёра.— Нилуфар-ку, ўзи бир марта айтувди, Шавкатжонга ҳайронман...

— Шавкатжон деганингиз уйланишга мажбур бўлган шекилли. Ораларида бир гап ўтганми, кейин Нилуфар: уйланмасанг ўзимни бир бало қилиб қўяман, деб қўрқитганми, ишқилиб, айтишгаям тили бормайди одам... — Зафар ижирғаниб қўл силтади, сўнг Сайёрага мулойим тикилди.— Ростини айтсам, сиз жуда яхши қилибсиз... Йўқ, мен уларни ёмонламоқчи эмасман. Шунчаки... Сизга тўғри келмас эди бу иш. Кўнгилисиз воқеа сабаб бўлсаям... оқибати яхши бўпти. Раис айтиб берди — жа енг шимариб ишга киришибсиз.

Сайёра меҳмон мақтаган мезбоннинг қизчасидай юзи ловиллаб:

— Билмадим энди, шунақа бўлди,— деди ва гапни буриш учун.— Беш-олти кун шу ерда бўларсиз?— деб сўради.

— Йўқ, мен бугун кетяпман.

— Нега? Тўйда бўлмайсизми?— деди Сайёра ва ўз саволининг ўринсизлигини сезиб, дудуқланиб қолди.— Ҳай албатта, сиз...

— Йўқ, кетишимга сабаб сиз ўйлаган нарса эмас,— деди Зафар.— Гап шундаки, институтда тўполон. Комиссия ишляпти. Афтидан, директор ишдан олинса керак.

— Ўрнига ким бўлмоқчи? Сизни... табриклайверсам бўладими?

— Йўқ, — деди Зафар ва кулди. — Аксинча, мен сизни табрикламоқчиман. Акрам бўлиши эҳтимоли бор. Ҳар ҳолда, мен шошаётганимнинг бир сабабиям, Акрам учун қаттиқ курашмоқчиман.

Сайёра негадир қизариб:

— У кишининг ҳали директор бўладиган қобилиятлари бор эканми? — деб пичинг қилди.

— Сизни билмадим, лекин бизга қолса — бор! — деди Зафар. — Агар боя раисга айтган гапларингизни эшитмаганимда Акрамни ҳозир тоза мақтардим... Эҳ, Сайёра, Сайёра! Сиз ҳали ёшсиз, турмушни билмайсиз. Кўп нарсага тушунмайсиз.

— Сиз қариб қолдим демоқчимисиз?

— Ҳар ҳолда мен сиздан бир-икки кўйлак олдин тўздирганман. Шунинг учун менинг насиҳатларимга кираверинг. Хўп, менга рухсат берасиз, Сайёрахон. Уйингиздагиларга айтадиган гапингиз йўқми?

— Йўқ-йўқ! Уларга бу гапларни айта кўрманг.

— Хайр, бўлмаса, тезроқ тузалиб чиқинг!

Зафар чиқиб кетганидан кейин Сайёра, кўзи шифтда, хаёлга толиб узоқ ётди... У Туробжон билан Зафарни, тўғрироғи, уларнинг Акрам тўғрисидаги гапларини ўйларди. Мана, бир ҳафта бўлдики, ким кўришга келмасин, ҳамма Акрам ҳақида гапиради, сўз орасида унинг исмини қистириб кетади, мақтайди... Унинг ўзи-чи? Сайёра негадир ўпкаси тўлиб, кўзига милт-милт ёш олди...

Ҳа, Сайёрага бир нима бўлди. Кўнгли бўш бўлиб қолди. Йўқ, у ҳам эмас, бу ҳам эмас бошда зуваласи бўш экан унинг. Бўлмаса... Нилуфарга қаранг! Бунақа гапларни писанд ҳам қилмайди. «Ана тўй қиламиз, мана тўй қиламиз», деб туппа-тузук бир йигитнинг бошини бир йил айлантириб юрди-ю, мана энди синашта бўлган одамга турмушга чиқяпти!.. Яна Нилуфар! Ҳасад қилиш тугул ўйлашга ҳам арзимади у!..

Сайёра эшикдан чеҳраси аллақандай очилиб, кулимсираб кирган Ҳамидани кўриб, маъюс жилмайди.

— Келинг.

Ҳамидани келиб унинг ёнига ўтирди.

— Уйимга бир гап келди, шуни сизга айтсам, кўнглимни очсам дейман, Сайёрахон... Эсингиздами, тунов кун сиз гап олмоқчи бўлганингизда «қўйинг, барибир дардимга тушунмайсиз», дегандим?

Сайёра кулди.

— Сиз бахтиёрсиз, шунинг учун тушунмайсиз деган эдингиз.

— Майли-да!—деди Ҳамида қизариб. — Энди билсам сиз ҳам... Оққўнги, соддагина жувои экансиз...

— Раҳмат, — деди Сайёра.

— Энди... Кўнглимни очадиган бўлсам... эрим билан орани очик қилишга қасам ичдим! — деди Ҳамида. — Агар керак бўлса... уни бўшатишлар деб ариза ёзиб берман. Бироқ энди у билан бир куи ҳам турмайман! — Ҳамида пешанасига тушган соч толаларини тўғрилаб Сайёрага қаради ва гўё унинг койиб беришидан қўрққандай, шошиб давом этди: — Сиз ўйламангки, мени бошқа эр қилмоқчи деб. Ҳозир айтиб берман, ҳаммасини айтиб берман. Фақат кўнглингизга ҳеч нарса келмасин, Сайёраҳон, қачонлар ўтиб кетган гаплар...

— Қизиқсиз-а!— деди Сайёра, лекин ўз ихтиёрига қарши юраги бир ҳаприқиб тушганини сезиб, ичида кулиб қўйди. — Айтаверинг, Ҳамидахон.

— Айтсам... ўшанда, мактабда ўқиб юрган чоғларимда сизнинг хўжайинингиз билан, Акрам акамлар билан ҳалигидақа... сал-пал гаплашиб юардик. Жувоимарг бўлай агар, шундан бошқа...

— Қўйинг энди шу гапларни! — деди Сайёра.

— Кейин у киши армияга кетдилар. Мен у маҳалда саккизинчини битириб, колхозга чиққан пайтларим. Идорада ишлайман. Ҳам ўзим комсоргман. Бу ўртада бу киши — хўжайинни айтаман — хизматдан қайтиб, шофёр бўлиб кирдилар... Боя айтдим — комсоргман. Тез-тез шаҳарга чақиришади, даштга қатнайман... Мен ўлгур ҳам ўшанда кўзга яқин эканманми, билмадим, бу киши ёпишдилар-қолдилар. Бир ёққа борадиган бўлсам, машинасини кўндаланг қилганлари-қилган, кечалари, йўқ десам ҳам қўймай, уйга олиб чиқиб қўядилар. Ишқилиб, қишлоқчилик экан, бирпасда гап-сўз бўлди-қолди. Сал ўтмай, бу миш-мишлар хўжайинингиз Акрам акамларнинг қулоғига ҳам етиб борибди. Бир маҳал у кишидан: «Сендан кутганим шу бўлдим, қилган аҳд-паймонларинг қани?»— деган маънода хат келиб қолди. Бу гап суяк-суягимдан ўтиб кетди. Майли, бўлари бўпти, дедиму тўйга розилик бериб юбордим...

Ҳамида ўпкаси тўлиб, бир зум жим қолди, кейин ловиллаб ёнган юзини кафтлари орасига олиб, секин давом этди:

— Розилик беришга бердиму тўй ўтмасданоқ хато қилганимни тушундим. Бироқ шима қилай, тишимни тишимга қўйиб чидадим, сабаби — гап-сўз бўлишдан қўрқдим. Кейин бола бўлди. Болаларни ўйлаб яна чидадим...

Сизга ёлгон, худога чин, ўзингиз билган жоҳилликдан кейин ҳам, болаларни деб, гап-сўздан кўрқиб, шу ерда бир ҳафтагача эзилиб ётдим. Энди ўйлаб қарасам, ҳаммаси бекор экан! — Ҳамида яна чехраси ёришиб, мулоим кулди:— Нимадан кўрққанамга ўзим ҳам ҳайронман! Ҳозир уч болани боқолмайдиган замонми? Худо хоҳласа, гулдай парвариш қилай. Одамларнинг гап-сўзи бўлса... Наҳот қаёқдаги бачкана гап-сўзлардан кўрқиб, ёш умримни ҳазон қилишим тўғри бўлса? Тўғримни, Сайёраҳон?

Сайёра боши билан таъкидлади:

— Тўғри!

Ҳамида ҳаяжондан ўрнидан туриб, деразанинг олди-га ўтди.

— Кўчада раис яна гапга тутдилар, тезроқ тузалиб чиқ, ўз ишингни ол, дедилар... Ўзлариям жуда мулоим бўлиб қолибдилар... Шошманг, дедим ичимда. Агар яна ноҳақ иш қиладиган бўлсангиз... сиз билан мана энди олишман, дедим!.. — Ҳамида ёш қизчадай хушнуд кулиб, жойига бориб ётди.

Сайёра, оғир тин олиб, кўзини юмди. «Мендан кўра Ҳамида ҳам яхши! Менга ўхшаб беқарорлик қилмасдан мана, орани очиқ қилди-қўйди! Мен-чи? Мен нега ўзимни бунча қийнайман?»— деди у алам билан. Лекин кўнглининг бир четида Ҳамидадай бўлолмаслигини сизди. Журъатсизлик қилгани учун эмас, балки Акрам иккисини боғлаб турган ришталар мустаҳкамроқ, муносабатлари эса тамом бошқача бўлгани учун ҳам Ҳамидага ўхшай олмаслигини тушунди. Тушунди-ю, ҳам газаб, ҳам алам билан деди: «Агар бояги гаплар тўғри бўлса... қаёқларда юрибди? Йигит одам ҳам шунақа бўладими? Йўқ, ҳаммаси бекор! У эзилиб юрган бўлса... иззат-нафсимга, йигитлик шаънимга доғ тушди деб, эзилиб юрган-дир!..»

Сайёра кўз ёшини Ҳамида кўриб қолишидан кўрқиб, деворга қараб ўгирилиб олди.

* * *

Сайёра Нилуфар билан Шавкатжоннинг тўйига бормоқчи эмас эди, Убай: «Сиз бормасангиз мен ҳам бормайман, Шоҳиста ҳам бормайди», деб ёлвориб туриб олди. Сайёра унинг аллақандай маъюслик чўккан кўзларига тикилиб:

— Сизга нима бўлди?— деган эди, Убай уф тортиб қўлини силтади.

— Бу кинонинг иши жуда мураккаб экан. Бошда мақола-пақола-ю, очерк-мочеркимни ёзиб юраверсам бўларкан, сиз ҳам шуни тушуниб кетдингиз шекилли кинодан?

— Нима қилди? Нилуфархон бош ролни эплай олмайди, деб қўрқяпсизми?

— Гап Нилуфархонда эмас!— деди Убай ва яна уф тортди.— Бу ерга келгандан кейин сценарийнинг кўп камчиликларини кўрдим. Айниқса, бош қаҳрамон билан эрининг муносабатлари сунъий чиқибди. Ёш жувон ҳаллиги инженер йигитни севиб қолиб, эрини оппа-осон ташлаб кетишлариям... хуллас, ясама гаплар анча-мунча бор экан...

Сайёра ўз ўйлари билан Убайнинг фикри бир жойдан чиққанидан қувониб:

— Тўғри-тўғри,— деди.— Мен ҳам сезган эдим буни!

— Шавкатжонга шуларни айтиб, сценарий устида бир оз ишлайлик десам — кўнмади. Унгаям осон эмас, съёмкани тўхтатиб бўлмас экан, сценарийга катта ўзгариш киритиш учун бадний советнинг рухсати бўлиши керак экан... Лекин сценарийнинг хатоларини кўриб туриб, съёмкани давом эттириш!.. Ҳай, майли!— деди Убай.— Тўй ўтсин, масалани бадний советга кўтариб чиқишдан бошқа илож қолмади...

Тўй, тўғрироғи, йигирма-ўттиз кишилик зиёфат, колхоз боғининг шийпонида бўлди.

Сайёрани шойи кўрначалар тўшалган инвалидлар коляскасига тушириб олиб боришди. Уни чинакам келинлардай оқ кўйлак ва оқ туфли кийиб, бошига нафис оқ рўмол ўраб олган Нилуфар кутиб олди, кўзларини сузиб, ўпишаркан:

— О, Сайёра, шундай бахтиёрман, шундай бахтиёрман! — деб шивирлади. Лекин унинг чеҳрасида аллақандай ғам бор, кўзлари нам эди. Соқолини олдириб, бошига дўппи кийиб олган Шавкатжон эса, Сайёра билан кўришаркан, ҳазиллашди:

— Қалай, бахтиёр куёв тўраларга ўхшайдиларми камина?

— Ҳа, бир-бирингизга муносибсизлар! — деди Сайёра ва бу гапни пичингдай эшитилганини сезиб, қизариб кетди.

Шавкатжон қўл қовуштириб:

— Ташаккур, — деди ва Нилуфарга имо қилиб кетди. — Биз камбағалга шу ҳам бўлаверади!

Нилуфар бирдан кўзига ёш олиб:

— Нега куласиз? Нега кесатасиз?— деди ҳиқиллаб.

— Кўзингизни артинг, хоним?!— шипшиди Шавкатжон. Унинг кўзлари ғазабдан ола-кула бўлиб кетди. — Хоҳласангиз шу, хоҳламасангиз йиғиштириб қўя қоламиз... сиз яратган бу комедияни! Боринг, қизларни кутиб олинг!

Нилуфар яна бир ҳиқиллади-да, юзида ясама табасум, кўзларини тез-тез артиб, дарвозадан кириб келган қизларга қараб кетди.

— Нега бундай қиласиз?— деди Сайёра, рангидан қони қочиб. — Бечора қизни бунчалик ҳақорат қилиш... йигит кишига ярашмайди, Шавкатжон.

— Бечора бўлса... Ким уни мажбур қиляпти бу ишга?— деди Шавкатжон. — Йўқ, кечирасиз, у эмас, мен бечораман. Менга раҳм қилинг, Сайёраҳон!

Сайёра унга гап уқтиришдан ожиз эканини сезиб, индамай қўя қолди.

«Бу йигитда... меҳр-оқибат, ишонч, эътиқод деган нарсасиз борми ўзи ё йўқми?» — деди Сайёра, деди-ю, Акрамнинг чўрткесарлигини, қишлоқни кўрсатиб деб, принципаллигини беҳуда қайсарлик, деб ўйлаганари эсига тушиб, юзи буришиб кетди: Акрам қаёқда-ю, бу қаёқда!

Кечани Убай очиб куёв-келинга бахт-саодат, ширин ҳаёт ва катта ижодий муваффақиятлар тилади...

Убайдан кейин оператор сўз олиб, куёв-келин шаънига иккинчи қадаҳ кўтарилаётганида уч-тўртта активлари билан Туробжон келди. Раисни кўрганда ҳамма ўрнидан туриб, ғала-ғовур бўлиб кетди. Лекин Туробжон куёв-келин билан узоқдан саломлашиб, Сайёранинг ёнига келиб ўтирди.

— Сиздан ҳол-аҳвол сўрайлик, деб хўжайинингиз билан шифохонага борувдик, сиз тўйда юрибсиз!..

— Тўйни эшитганимда оёғим ҳам тузалиб кетди, — кулди Сайёра. Туробжон эса, қовоғини солиб:

— Айтиб қўяй, хўжайинингиз кетяптилар, — деди. — Министр ўзлари телеграмма юборибдилар. Каттакон бўй кетадиганга ўхшайди хўжайинингиз!

— Менга қолса... министр бўлсин!— деди Сайёра, лекин негадир ўпкаси тўлиб, бошини эгди. Унинг «қилт» ютинганини сезмаган Туробжон:

— Хўп, нима ҳам деймиз!— деди-да, қўлига қадаҳини олиб куёв-келинни табриклагани кетди.

«Майли, кетаверсин. Оқ йўл! Бир келиб ҳолинг нима дейишга ярамаган одамга ялинадиган жойим йўқ. Ке-

таверсин!..» Сайёра кўз ёшини зўрға тўхтатиб ўрнидан турди. Убай коляскани ҳайдаб келган шофёр йигитни чақириб келди ва знефат қизий бошлаган пайтдан фойдаланиб, уни секин кузатиб қўйди.

Коляска катта кўчага тушиб, физиллаб бораркан, Сайёра йиғлаб юборишидан қўрқиб, қоронғида рўмолчаси билан өзгини босиб олди.

«Нега йиғлайсан? Ҳамма қилгуликни қилиб, яна ёш боладай аразлаб юрган, бир марта келиб ҳолимни сўрамаган бу одам хафа бўлишгаям арзимади!.. Унинг қўлидан қачон бир яхшилик кептики, энди келади!»— дерди Сайёра, лекин юрагини чулгаб олган аламини қайтаришдан ожиз эди.

Коляска касалхонага яқинлашиб қолганда муюлишдан порлаган фаралари билан кўзни қамаштириб, «Волга» чиқди-ю, колясканинг устига бостириб кела бошлади. Яхшиям, шофёр йигит усталик қилиб, ўнгга бурди ва симёғочга уриб кетишига оз қолиб, ариққа қийшайиб қолди. «Волга» ҳам тормозларини гичирлатиб сал ўтиб тўхтади. Машинадан кимдир тушиб, чошиб келди.

— Тинчликми? Бу ким? Сайёра? Сиз... Сизмисиз?

Сайёра Акрамни таниб бирдан ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Сайёра, сизга нима бўлди, Сайёра?— деди Акрам ва тўсатдан ҳамма гапга тушуниб, унинг елкасига қўлини қўйди.

— Кечиринг, Сайёра, қўйинг, келинг, машинага чиқайлик!

— Йўқ-йўқ, кераги йўқ!— деди Сайёра. — Оёғим... кераги йўқ, йўлингиздан қолманг!

— Мен ҳеч қаёққа кетмайман! Сизсиз, сенсиз ҳеч қаёққа кетмайман!— деди Акрам ва Сайёрани кўтариб олди.

Сайёра аразлаган қизчадай толпиниб кўрди, лекин Акрамнинг кучли қўлларидан чиқолмаслигини сезди-ю, юзини унинг кўкрагига босиб яна пиқ-пиқ йиғлаб юборди.

*Тошкент — Туркистон,
1966 — 68 йиллар.*

МУНДАРИЖА

Улуғбек хазинаси	3
Қанот жуфт бўлади	342

На узбекском языке

ЯКУБОВ АДЫЛ

Избранные произведения в трех томах

ТОМ 2.

Редактор *Н. Содиқов*
Рассом *П. Фёдоров*
Расмлар редактори *М. Қарлузас*
Техн. редактор *Э. Саидов*
Корректор *У. Сайдуллаев*

ИБ № 3192

Босмахонага берилди 14. 08. 85. Боснига рухсат этилди 27. 01. 86. Фоҳ
ти 84×108¹/₃₂. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура Юқори бо
Шартли босма л. 27,72+0,21 вкл. Шартли л. кр.-отт. 27,93. Нашр л. 30,
+0,16 вкл. Тиражи 60 000. Заказ № 1828. Баҳоси 2 с. 20 т. Фафур Ғу
номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 700129, Навоий кўчаси,
Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича УзССР Дав
комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасин
Бош корхонаси. Тошкент, 700129. Навоий кўчаси, 30.